ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Муҳаммаджон Имомназаров

Маънавиятнинг ривожланиш тарихи

(Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма)

Тошкент - 2008

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Муҳаммаджон Имомназаров

Маънавиятнинг ривожланиш тарихи

(Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма)

Тошкент - 2008

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таҳрир ҳайъати:

Р.С. Қосимов (раис), Х.Султонов, Қ. Назаров, М. Қуронов, А.Қаюмов, Н. Комилов, А. Ҳасанов, С.Ашурбоев, Э. Набиев, З. Исломов, А. Мансуров.

Масъул муҳаррирлар: **Нажмиддин Комилов**,
филология фанлари доктори, профессор
Муҳаммаджон Қуронов,
педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Мирсодиқ Исҳоқов,**
тарих фанлари доктори, профессор
Хушбоқ Раҳимов
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ушбу ўқув қўлланма муаллифнинг олий ўқув юртларидаги кўп йиллик педагогик иш тажрибаси ва илмий изланишлари маҳсули бўлиб, унда миллий маънавиятимиз ривожланиш тарихининг долзарб масалалари изчил баён қилинган.

Ўқув қўлланма 15 бобдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида фаслларга тақсимланган. Боблар охирида талабаларга мустақил тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар (чизмалар, жадвал ва хулосалар, қўшимча матнлар), ўтилган мавзу бўйича саволлар берилган. Ўқувчиларга қулайлик туғдириш учун матн ичида шу матнда учровчи асосий тимсол-тушунчаларнинг таъриф-изоҳлари бериб борилган. Китоб охирида тавсия этилувчи ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг миллий маънавият ва маънавий мерос масалаларига оид рисола ва нутқларида билдирилган фикрлар ушбу дарсликнинг назарий-услубий йўналишига асос қилиб олинди. Ўқув қўлланма асосан ижтимоий-гуманитар йўналишдаги олий ўқув юртларининг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” махсус бўлимларининг бакалавриат босқичи талабаларига мўлжалланган бўлиб, эҳтиёж даражасида фан ўқитувчилари, магистратура талабалари, соҳа тадқиқотчилари, мутахассислари ва кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкинлиги эътиборга олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”.

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.”

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

**(*“Юксак маънавият – енгилмас куч”*
китобидан)

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

1-боб. Кириш. Маънавиятнинг такомил тарихини нега ўрганамиз? Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар..... 5
2-боб. Башарият тарихи ва маънавий такомил. Жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз ривожининг ўзаро нисбатлари. Миллий маънавиятимиз такомилининг асосий даврлари. Ибтидоий жамоа даврида илк маънавият унсурларининг шаклланиши..... 18
3-боб. Илк шаҳар маънавияти ва «Авесто» китоби..... 34
4-боб. Туркий тошбитиклар маънавияти..... 44
5-боб. Тавҳид эътиқоди ва Марказий Осиё халқлари маънавияти..... 50
6-боб. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомили. Сунна босқичи..... 56
7-боб. Ислом маърифатчилиги ва рационалистик тафаккур ривожи..... 64
8-боб. Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва ирфон..... 88
9-боб. Миллий маънавиятимиз ривожида «Мажоз тариқи» босқичи..... 101
10-боб. Алишер Навоий маънавий олами ва янги давр ўзбек миллати маънавий қиёфасининг шаклланиши..... 135
11-боб. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври маънавияти..... 175
12-боб. Чор Россияси ҳукмдорлиги ва большевизм қатағонлари шароитида миллий маънавиятимиз аҳволи. Миллий Уйғониш ва Жадидчилик маънавияти..... 183
13-боб. Мустақиллик даврида миллий маънавиятимизнинг моҳиятан қайта тикланиш жараёни. Глобаллашув жараёнлари ва маънавиятга таҳдид.....194
14-боб. Шахс ва миллат маънавий такомилининг уйғунлиги..... 219
15-боб. Маънавият тарихини ўрганиш соҳасидаги муаммолар..... 232
Тавсия этилувчи ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 249

www.ziyouz.com kutubxonasi

1боб.

Кириш. Маънавиятнинг такомил тарихини нега ўрганамиз? Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.

1-фасл. Аждодларимиз яратган маънавий ва маданий бойликлар миллат маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар сифатида.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг бевосита ташаббуси билан барча даражадаги таълим тизимида “Маънавият асослари” алоҳида ва махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Кейинчалик шу соҳада кадр тайёрлаш масаласи йўлга қўйилиши муносабати билан охирги йилларда бу фан ҳам тармоқланиб, “Маънавиятнинг диний асослари”, “Ахлоқнинг маънавий асослари”, “Санъатнинг маънавий асослари”, “Оила маънавияти” “Миллий мустақиллик ва маънавият” каби янги-янги курслар махсус йўналишнинг бакалавриат ва магистрлик ўқув режаларига киритилмоқда. Шулардан бири, балки энг муҳими “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” курсидир. “Нега энг муҳими?” деган савол туғилиши мумкин. Назаримизда, суҳбатни ушбу саволга жавоб қидиришдан бошлаш керак бўлади.

“Маънавият асослари” (Основы духовности) *– Маънавият соҳасининг асосий масалаларини назарий тадқиқ этувчи янги фан. Бугунги кунда, ҳануз жаҳон илми даражасида тадқиқотлар ўтказилмаганлигини ҳисобга олиб,* ***"Миллий маънавиятимиз асослари"*** *деб аталиши асли моҳиятга мувофиқроқ бўлур эди. Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, унинг руҳият, маданият, ахлоқ каби ҳодисаларга нисбати, Инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик даражалари (Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат), Шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари (имон, илм, масъулият, меҳр), Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомили ва бошқа масалалар бу фаннинг асосий мавзуси (предмети)ни ташкил қилади. Ҳозирги пайтда бу фаннинг қамрови борган сари кенгайиб, унинг мавзу доирасига кирувчи қатор масалалар алоҳида фан тармоқлари сифатида ўрганилмоқда.*

Аҳли башар маънавиятсиз бўлмайди, чунки аслида инсон моҳияти моддият ва маънавиятнинг туташувидадир. Ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтақа халқларининг ўзига хос маънавий олами мавжуд. Ушбу маънавий оламлар доимо бир хил сақланмайди, замон ва маконда ўзгариб, гоҳ камолот сари юксалиб, гоҳ қашшоқлашиб туради. Лекин **маънавият** ҳодисасини тадқиқ этиш осон иш эмас, бу ҳозирги кунда ушбу илмни ривожлантиришга уринишлар ўта қийинчилик билан самара бераётганида ҳам сезилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда барча олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” махсус фан сифа-тида 1997 йилдан ўқитила бошлаган бўлса, шундан бери бу мавзуда қатор тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари тайёрланди ва нашр этилди. Уларнинг ҳар бири фан ривожига озми-кўпми муайян ҳисса қўшганлигини инкор этмаган ҳолда, тан олиш керакки, **маънавият** ҳодисасининг моҳиятини теран очиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берувчи, соҳанинг кўпчилик ходимларини ҳар жиҳатдан қониқтира олган таърифлар ҳануз кенг истеъмолга кирмади. Бунинг турли сабаблари бор. Аммо, бизнинг назаримизда, энг биринчи сабаб шу кунгача **миллат маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар** бирор китобда аниқ белгилаб олинмаганида эди. Айни шу вазифа Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "**Юксак маънавият – енгилмас куч"** асарида биринчи марта аниқ ва мукаммал амалга оширилди**.**

Маънавият ҳодисаси асосан икки кўринишда намоён бўлади: **шахс маънавияти** ва **миллат маънавияти.** Маънавият кўнгил кўзгусидан таралган нур, у инсон қалбида яширинган. Демак, маънавиятни тадқиқ этиш аслида **Шахс маънавияти**ни ўрганишдан бошланмоғи зарурдек кўринади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг маънавий дунёси ўзига хос ҳудудсиз бир олам. Аммо ҳар бир инсон муайян бир жамиятда, муайян бир инсонлар жамоаси ичида яшайди, муайян бир миллатга мансуб бўлади. Табиийки, ҳар бир алоҳида инсон ўсиб-улғаяр экан, унга атроф-муҳитида яшаётган инсонларнинг таъсири бўлади. Инсоннинг маънавий камолоти айни шу муҳитнинг таъсиридан бошланади. Ҳар бир шахс, ўзи буни чуқур идрок қиладими, йўқми, қатъи назар, бирор элат ё миллатга мансуб бўлмай иложи йўқ, ҳеч бир инсон элдан буткул ажралиб яшамайди. Президентнинг ғоятда ҳикматли ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон *"ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади"*[1]. Бунинг маъноси, **шахс маънавияти** воқеликда миллат маънавиятидан айру, ундан ташқарида бўлмайди. Шундай экан, миллат маънавияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, алоҳида шахс маънавиятини ҳам ўрганиш имкондан ташқари. Агарчи, тарихан ва назарий жиҳатдан **миллат маънавияти**, том маънода олганда, ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат бўлса-да, воқеликда ҳар бир шахс маънавияти **миллат маънавияти**дан озиқланади, унинг асосида камол топади.

> ***Маънавият*** *– инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан (йўналишидан) бири,* ***ҳар бир инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига бўлган муносабати****. Маънавият – ўз мазмунига кўра кўп қиррали мураккаб ботиний ҳодиса бўлиб, моҳиятан* ***Инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунликни*** *англатади. Шу маънода уни Инсоннинг, Халқнинг, Жамиятнинг, Давлатнинг куч-қудрати, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч, Ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этиши, ёки бақонинг фанода зуҳури, дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлиги, инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллиги, ўзлигини англаши деб ҳам таърифлаш мумкин. Инсоннинг Борлиқ абадиятига дахлдорлиги айни унинг маънавияти туфайлидир.*

Агар бир миллат вакили ўз аждодларининг маънавий меросидан буткул бебаҳра қолган бўлса ва муайян шароитда тўлиқ бошқа миллат маданияти руҳида тарбия олса, уни энди ўз миллатининг тўлақонли вакили дейиш

[1] Ислом Каримов.Асарлар. 1-жилд, с. 81

www.ziyouz.com kutubxonasi

қийин. Аммо энг ёмон ҳолат Шўролар даврида юз берди. Бу даврда сунъий бирлаштирилган улкан бир ҳудуднинг барча аҳолиси, миллатидан қатъи назар, кучли ва ҳар тарафлама тазийқ остида муайян мақсадларда махсус ишлаб чиқилган ёлғон мафкура руҳида мажбурий "тарбия" қилинди. Бу зуғумга барча ҳам бирдай бўй бергани йўқ, аммо афсус билан эътироф қилишга тўғри келадики, бундай ваҳшиёна ва маккорона "таълим-тарбия" тизими жуда кўп инсонлар онгида оғир асоратлар қолдирди. Энг ачинарлиси, бугунги аксарият ижтимоий-гуманитар соҳага мансуб зиёлиларимиз бундай мафкуравий тазийқдан энг кўп зиён кўрдилар. Мустақиллик туфайли биз бугун энди ушбу нохуш асоратларни онгимиздан бартараф қилишнинг қулай имкониятларини қўлга киритдик. Аммо бор имкониятдан унумли фойдаланиш учун ҳам инсон ўз ҳолатига тўғри баҳо бера билмоғи, ўз устида жиддий меҳнат қилишга ҳавсала қилмоғи керак бўлади.

Шахс маънавияти *– ҳар бир инсон руҳидаги* ***Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик*** *даражаси. Бу уйғунлик ҳар бир шахснинг* ***имони, илми, масъулияти, меҳри*** *орқали намоён бўлади ва* ***Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат*** *туйғуларида ифодаланади.*

Ҳеч бир халқ дунёда якка яшамайди, ёлғизликда ривожланмайди ҳам. Элат ва миллатлар доимо ўзаро турлича муносабатда бўладилар ва тарих давомида бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам маънавий бойитиб борадилар. Аммо ҳеч қачон, ҳеч бир халқ ўзлигидан буткул кечиб, бошқа халқ маънавияти ҳисобидан ўзини бойита олган эмас. Якка бир шахс буткул ўзга бир маънавий муҳитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин. Бу инсон табиатига хос нарса. Аммо бир халқ тўлиғича ўзлигидан кечиб, ўзга халқ маънавий дунёсини қабул қилса, демак, ундай халқ йўқ бўлади, ўз маънавий қиёфасини йўқотган миллат йўқолган миллатдир. Шу сабабли ҳам миллий мустақиллик пойдеворини **маънавий мустақиллик** ташкил этади, деймиз. Миллий маънавиятнинг такомили эса ўша миллатга мансуб ҳар бир шахснинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ ва ушбу заминга таяниб юксалади.

Миллий маънавият назариясини яратиш учун қайси манбаларга таяниш, унинг асосларини қаерлардан қидириш кераклиги Президент асарларида аввалбошиданоқ аниқ кўрсатиб ва қайта-қайта таъкидлаб келинмоқда. Бу манбалардан энг биринчи ва асосийси буюк аждодларимиз меросидир. Буюк аждодларимиз бизга қолдирган улкан мерос – миллий маънавиятимиз назариясини шакллантириш учун бутун керакли унсур ва таркибларни яратиб қўйипти, фақат уни холис назар билан астойдил қидирсак, кифоя. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мунтазам давом этиб келаётган қутлуғ анъана – улуғ боболаримиз, дунёга донг таратган, жаҳон жамоатчилиги аллақачон ўз муқаддас мулки деб тан олган маънавий мерос соҳибларининг юбилейларини мамлакат ва жаҳон миқёсида нишонлаш ҳақидаги фармонлар ва уларнинг ижроси айни шу масала – миллий маънавиятимиз сарчашмаларига бутун халқимиз ва, биринчи навбатда, ёш авлод эътиборини жалб этиш мақсадини кўзда тутади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ислом Каримов халқ маънавиятини юксалтириш деганда нимани кўзда тутганлигини ҳали мустақилликка эришмасимиздан - 1990 йили Ўзбекистон Президенти сифатидаги биринчи нутқидаёқ очиқ-ойдин баён этган бўлиб, ушбу маърузада инсон руҳиятининг нозик ва мураккаб томонлари билан, *“хазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик”* яқин ўтмишимизда жамиятимизга қанчалар зарар келтирганлиги қайд этилиб, бу соҳада янгича вазифалар олға сурилган эди:

“Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз - шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш, сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак”[2].

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов янги китобида ўзининг ушбу фикрларини янада ривожлантиради ва муайянлаштиради. Унда аждодларимиз меросига биринчи даражали аҳамият ажратилиб, Юртбошимиз улкан ғурур ва ифтихор билан шундай деб ёзади: *“Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.”*

> ***Миллий маънавият*** *– ҳар бир миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавияти мажмуини муайян бир тизим сифатида англаниши. Миллий маънавиятимиз ҳам тарихий ҳодиса, ҳам замонавий воқелик бўлиб, миллатнинг ўтмиши, бугуни, ҳамда келажагини ўзида мужассам этади. У миллатимизнинг маънавий такомил жараёни билан боғлиқ ва нафақат аждодларимиз яратган маънавий меросда, балки бугунги кун ва келажак авлодларнинг ҳаётга муносабатида, орзу-истакларида ўз аксини топгандир. Унинг теранлиги ва кўлами аждодларимизнинг минг йиллар давомида тўплаган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси билан белгиланади, шу билан бирга халқ донишмандлигининг турли суратларда зуҳур этиши ҳам у ҳақдаги назарий хулосаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.*

Президентнинг янги асарида бу тўғридаги қарашларини умумий ифодаси билан чекланиб қолмай, ушбу мавзуга алоҳида фасл бағишлаб, унда миллий маънавиятимизнинг шаклланишига асос бўлган, бугунги кун ёш авлод маънавий оламини шакллантирадиган асосий мезонларни бирма-бир батафсил таърифлаб беради. Биз бу ўринда китобнинг тегишли қисмини тўлиқ такрорлашга ҳаракат қилмасдан ундаги энг муҳим жиҳатларга диққатни қаратиб ўтамиз.

[2] Ислам Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»- 1994, с. 65-66

www.ziyouz.com kutubxonasi

2-фасл. Қадимги битиклар, халқ оғзаки ижоди ва миллий байрамлар миллат маънавиятини ўзида ёрқин акс эттирувчи ноёб бойлигимиздир.

Китобда биринчи навбатда минтақа халқларининг энг қадимги ёзма мероси “Авесто” тилга олинади. Ушбу бебаҳо маънавий обидада “борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги” таъкид этилади. Айниқса, ундаги улуғ ахлоқий тамойил “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги бугунги кунимизда ҳам маънавий аҳамиятини тўлиқ сақлаб келаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдоналари ҳам миллат маънавиятини ўзида ёрқин акс эттирувчи ноёб бойлик эканлигини Президент китобида «Алпомиш» достони мисолида ҳаяжонли сатрларда очиб берилган. Бу достоннинг *“кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг халқона бадиий ифодаси”* эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар халқ ардоқлаган баҳодир алплар тимсоли нақадар улуғвор рамзларни ўзида яширганига бизнинг диққатимизни тортади. Муаллиф мустақиллик туфайли бор ҳашамати билан қайта тикланган Наврўз байрамининг чуқур фалсафий мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу қадим байрамимиз “биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устивор қудрати ва чексиз саҳоватининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси” бўлиб келаётганлиги таъкидланади. Шу ўринда “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг бир ноёб хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатишни хоҳлар эдик. Муаллиф назарий тераникни ёрқин мисоллар, эҳтиросли ифодалар билан ажойиб уйғунлигига эриша билган ва бу билан бизга ўхшаган кўпгина дарслик ва қўлланмалар ёзишга бел боғлаганларга ибратли намуна кўрсатган. У қадим битиклар, халқ оғзаки ижоди, маросим ва урф-одатларимизни маънавиятни шакллантирувчи муҳим мезонлардан эканлигини оддий санаб ўтиш билан чекланмайди, балки уларнинг ҳар бирига бир ёрқин мисол келтириб, ушбу таснифдаги ҳар бир асарда алоҳида бир маънавий олам мавжудлигини кўз олдимизда яққол гавдалантириб беради.

Маълумки, юртимиздаги бизга маълум илк шаклланган яхлит маънавият тизими “Авесто” китобида ўз аксини топган. Бу китоб мустақиллик шарофати билан ҳозирги ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб нашр этилди. Бир пайтлар бу китоб муқаддас “маздаясна” динига асос бўлган бўлса, бугун биз унга йирик адабий ёдгорлик сифатида қараймиз. “Авесто” матнлари шаклланган, йиғилган ва қайта йиғилган даврлар асотир тафаккур даври бўлгани сабабли бу китобда баён этилган маънавий қадриятлар тизими кейинчалик бошқа юртларга тарқалиб, турли сиёсий, ғоявий таъсирлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

остида кўп жойларида муштриклик ақидалари билан чалкашиб кетди. Масалан, Зардушт гоҳларида тилга олинган 7 **амшосипанд**лар моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қадим авесто тилида **Спинта Майню (**Сипанд Мийну**)** - "тафаккур олами", **Ашаҳ Ваҳишта (**Ардабеҳешт) – "гўзал ҳақиқат", "мукаммал низом", **Вуҳувмана** (Баҳман)– "эзгу ният", **Спинта Ормаитий** (Испандормаз) - "комил ақл", **Зашра Вайраяҳ** (Шаҳриёр)– "умид дунёси", **Амирмитота** (Амурдод) – "умрбоқийлик", "абадият", **Хавраватот** (Хўрдод) – "комиллик", "тўғрилик" маъноларини англатиб келган. Кейинчалик коҳинлар талқинида буларнинг ҳарбири илоҳий хилқат сифатида тасаввур қилиниб, уларга сиғиниш қоидага айланган, яъни Зардушт даъватидаги ягона Парвардигор - Ахура Мазда(илоҳий билим эгаси, маъносида)га эътиқод қилиш ўрнига юқоридаги каби маънавий қадриятларни илоҳлар, яъни сиғиниш объектларига айлантириш ҳолати юз берган.

Ислом дини бу соҳада масалани ойдинлаштирди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан умумбашарий миқёсда узил-кесил асотир тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукаммал тус олди. Кейинроқ бориб маънавиятга оид фанларнинг умумметодологик асоси - **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги** мустаҳкам пойдеворга эга бўлди. Президент асари диққат билан ўқилганда айни шу жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмагани маълум бўлади.

3-фасл. Миллий маънавиятимизнинг шаклланишида имон-эътиқодимиз ва ислом маърифатининг беқиёс аҳамияти.

Президент И.А.Каримов ўз асарида *"маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон*" - **ислом дини** ҳақида махсус тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Чунки "*кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади*".[3] Китобда яна шундай дейилади: "... ***халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, аввалambор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди***".[4]

Маълумки, шўролар даврида "дин халқ учун афюндир" деган ҳақоратли тамға остида халқимизнинг имон-эътиқоди, минг йиллик эзгу қадриятлари топтаб келинди, имон илмга зид қўйилди. Афсуски, бундай қарашлар бугунги кунда ҳам баъзи ўзини "зиёли" ҳисобловчилар, ҳатто

[3] И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият",2008. С.36.
[4] Шу китоб, с. 36-37.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавият соҳасига алоқадор кишилар онгини тўлиқ тарк этгани йўқ. Улар бугун ҳам Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Исо Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замаҳшарий каби бутун жаҳон тан олган зотларнинг эътиқоди, демакки, ислом маърифатига қўшган беқиёс ҳиссаларига беписанд назар билан қарашга, яъни шундай улуғ зотлардан кўра ўзларини "билимдонроқ", "онглироқ" ҳисоблашга уялмайдилар. Ҳануз диний билимларни дунёвий билимларга зид қўйишга мойиллик билдирадилар. Президентнинг қуйидаги эътирофлари айни шундай тамойилларга муносиб жавоб сифатида жаранглайди: *"Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани,* ***умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди****."*

Китобда, шунингдек, ислом маърифатининг узвий қисми бўлмиш тасаввуф ирфонининг буюк намояндалари Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг муборак сиймоларига чуқур эҳтиром изҳор қилиниб, уларнинг миллатимиз маънавиятини шакллантиришдаги умрбоқий ҳиссалари тилга олинади. Агар биз бу эътирофларни И.Каримовнинг яна Аҳмад Яссавий, "шайхи валитарош" деб ном таратган Нажмиддин Кубро каби буюк маънавият пирлари ҳақида турли сабаблар билан билдирган мулоҳазалари билан қиёслайдиган бўлсак, умуман Президентимизнинг тасаввуф таълимотига нисбатан бўлган улкан эътиборлари аниқ-равшан бўлади. Бу беҳуда эмас. Аслида нафақат миллий маънавиятимиз такомилида, балки умумбашарий миқёсда маънавий қадриятлар устиворлигини таъминлашда тасаввуф ирфонининг тарихий хизмати аллақачон ўз исботини топган. Буюк муршидлар ишлаб чиққан ирфоний такомилнинг 4 босқичи (**шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат**) ҳақидаги тасаввурлар тизими, дарҳақиқат, шахс маънавиятини шакллантириш борасида катта силжишларга олиб келди. Агар Форобий, Бируний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари ислом маърифатчилиги намояндаларининг ёш авлод тарбиясига оид қарашларида ақлга, билимга таяниш устунлик қилган бўлса, тасаввуф таълимоти кўнгилни поклаш, илм ва амал уйғунлиги, умумбашарий меҳр, ҳар ишда ният холислиги масалаларига эътибор қаратдилар. Ғаззолийдан бошлаб "инсон вужудида кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир" деган қараш етакчи ўринга ўта бошлади ва Алишер Навоий ижодида бу тамойил ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Шунингдек, Президент асарида ислом маърифати ва диний ақидапарастлик жаҳолати буткул икки қарама-қарши қутб эканлигининг жуда ишонарли исботлари келтирилган. Дарҳақиқат, улуғ аждодларимиз доимо тақлидий имонга, ақидапарастлик жаҳолатига аёвсиз танқидий

www.ziyouz.com kutubxonasi

муносабат билдириб келганлар. Юртимизда 70-80 йиллардан бошлаб коммунистик ақидапарастликдан “нусха кўчириш” асосида юзага келган баъзи оқимларнинг келиб чиқиш маконлари суриштириб борганда хорижий таъсирларга бориб тақалиши бежиз эмас, бизнинг юртимизда уларнинг “илдизлари” мутлақо топилмайди.

4-фасл. Буюк алломаларимизнинг илмий, фалсафий, ахлоқий ва бадиий мерослари оламшумул маънавий мезонлар сифатида.

Шундай қилиб, Президент И.А.Каримов миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий мезонлар ҳақида гапирар экан, олдинги асарларида ҳам қатъий турган принципини ривожлантириб, улуғ аждодларимиз меросида акс этган диний ва дунёвий билимлар мажмуига тенг кўз билан қараш, уларни уйғунликда олиб ўзлаштириш лозимлигини, фақат шундагина маънавий мукаммалликка эришиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди. Чунки бундан бошқача ёндошув албатта бирёқламаликка, демакки, маънавий нотўкисликка сабаб бўлиши аниқ. Китобда халқимизнинг ўтмишда ислом илмлари ривожига қўшган улкан ҳиссаларини жаҳон тан олган улуғ алломалари **Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний,** буюк тасаввуф пирлари **Абдухолиқ Ғиждувоний** ва **Баҳоуддин Нақшбанд** каби табаррук сиймоларнинг миллатимиз маънавий такомилига қўшган хизматлари билан бир қаторда, математика ва астрономия сингари аниқ фанлар; медицина, фармакогнозия , минералогия каби табиий фанлар; логика, филология ва жамиятшунослик фанлари соҳаларида жаҳон илми ривожига баракали таъсир кўрсатган қомусий алломалар **Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек** каби мўътабар зотларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг нафақат миллий маънавиятимиз, балки башарият маънавий такомилига кўрсатган таъсирларини бирма-бир қайд этиб ўтилиши бу соҳа олимлари учун муҳим назарий-методологик намуна сифатида қабул қилишга арзийди.

Президент И.А.Каримов бу буюк сиймолар шахсиятига нега бунчалик аҳамият қаратаётганлигини шундай изоҳлайди: ***“Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман”.***[5]

[5] И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008. С.44.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Китобда *“тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган”* Соҳибқирон Амир Темурнинг мумтоз сиймоси, унинг набираси олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг илмий жасорати чуқур эҳтиром билан ёдга олинади. Китоб муаллифи ўз ҳиссиётларини шундай баён қилади: *“Шахсан мен “Темир тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан...”*

Маълумки, ўз вақтида 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинган ва ўша йил тўкин кузнинг биринчи ойида ўзбек миллий маънавиятининг қуёшига бағишланадиган асосий тантана ва тадбирларни ўтказиш белгиланган эди. Оллоҳнинг иноятини қаранг-ки, худди ушбу тантаналар бошланиши олдидан мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи куни Мустақиллик байрамига айланди. Президентимиз ***“миллат байрами”*** деб атаган Мир Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйи, шундай қилиб, “*Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бахш этди”, “юртимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унутилмас сана бўлиб қолди”*[6].

Президентимизнинг Алишер Навоий сиймоси ва бадиий-маънавий меросига чексиз эҳтироми ушбу янги китобда янада ёрқин акс этган:*“Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир...* ***Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс****, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир...* ***Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”***[7]***.*** Муаллиф буюк аждодимизнинг бебаҳо меросидан *“халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”* деб қатъий ишонч билдиради.

Алишер Навоий ижоди туркий тилда бадиий тафаккур қудратини мислсиз юксакликда намоён этувчи жозибали бир тимсол. Шунга боғлиқ равишда масаланинг яна бир жиҳатига қисқача изоҳ бериб кетиш зарур. Собиқ тоталитар мафкура таъсирида яқин-яқинларгача биздаги ижтимоий фанлар соҳасида адабиётшуносликка, умуман филологияга маълум даражада менсимай қараш мавжуд эди. Бунга, албатта, яқин ўтмишдаги адабиётшунослигимизнинг қусурлари ҳам анча-мунча сабаб бўлган. Чунки марксизм мафкураси ҳукмрон бўлган замонда адабиётшуносларимизнинг аксарияти миллий маънавиятимизга буткул ёт бўлган ва ҳатто дунё цивилизацияси ҳам моҳиятан инкор этган «социалистик реализм» деб номланувчи сохта «назария» домига тушиб, XX асрда яратилган барча

[6] Ўша китоб, с.100
[7] Шу китоб,с. 47.

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабий меросни ушбу қолипга мослаштириш йўлидан бордилар. Бу ҳақда жилд-жилд «илмий тадқиқотлар» яратилди, одамлар доктор, профессор, хатто академикликгача даража ва унвонларга сазовор бўлишди. Мумтоз адабиётимиз бўйича ўтказилган тадқиқотларда бу иллат бевосита ва очиқ намоён бўлмаса-да, марксистик мафкура таъсирига берилиш бу соҳада ҳам сезиларли эди.

Аслида агар масалага холис ёндошилса, илмий адабиётларга нисбатан бадиий адабиётда Борлиқ ҳақиқатини уйғун ҳис этиш тамойили устун туради. Айниқса, бу ҳолат Навоий шеърияти даражасидаги фалсафий теранликда ҳам бикр бўлган бадиият намуналарида яққол ўзини намоён этади. Шу сабабли ҳам Алишер Навоий бадиий олами миллатимиз маънавияти учун доимо ҳал қилувчи мезон, ўша давр тили билан айтсак, маҳак тоши[8], вазифасини бажариб келган ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Президент ўз асарида XX аср бошларида эл-юрт манфаати учун жонларини тиккан маърифатпарварларимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб фидоий инсонларнинг маънавий жасоратини, улардан кейин халқ орасида ном қозонган Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов, Яҳё Ғуломов, Озод Шарафиддинов каби илм-фан арбоблари, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад сингари шоир ва адиблар, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа атоқли санъаткорларнинг хизматларини миннатдорлик билан эслаб ўтади. Шу билан бирга Янги Давр, яъни XVII – XX асрларда она заминимиз – Туркистонда юз берган сиёсий парокандалик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги ва маънавий заифлиги, буларнинг оқибатида халқ бошига тушган балою кулфатларни ҳам таассуф билан қайд этишни унутмайди. Китобнинг ушбу фаслида яна асосий тарбия масканлари – оила, маҳалла ва таълим-тарбия муассасалари ҳақида ҳам муфассал мулоҳаза юритилади.

Шундай қилиб, ёш авлод маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар, ёки маънавий ҳаёт мезонлари деганда нимани тушуниш кераклиги ҳақида Президентимизнинг янги китобида аниқ кўрсатмалар берилган. **“Мезон”** *тарозу* дегани, яъни аниқ ўлчов, меёр, Европа терминологиясида “критерий”. Демак, биз ёшларнинг маънавий тарбиясида нималарга таянишимиз керак, ёшларга кимларни ибрат қилиб кўрсатишимиз дуруст бўлади, қайси ўлчов, қандай меёрларни асос қилиб олишимиз лозим – булар, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳаммаси китобда аниқ кўрсатиб, номма-ном санаб берилган. Булар – улуғ аждодларимиз яратган улкан ва қутлуғ маънавий (илмий, бадиий, фалсафий) мерос, уларнинг ибратли ҳаётлари,

[8] Қимматбаҳо металларнинг саралигини аниқловчи минерал жисм «маҳак тоши» деб аталади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

муқаддас динимиз, қадриятларимизда ифодаланган **буюк ва боқий ҳақиқатлар, юксак туйғулар**. Ушбу китобда баён қилинган **миллий маънавиятимизнинг ривожланиш тарихи,** унинг такомил босқичлари ҳақидаги дастлабки кузатишлар айни шу **боқий ҳақиқатлар**дан ёш авлодни имкон қадар огоҳ этишни назарда тутади. "Маънавиятнинг ривожланиш тарихи" курсининг ўта муҳимлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ.

(Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига алоҳида эътибори ва бунинг сабаблари)

1. Коммунистик ақидапарастлар диктатураси 70 йил давомида, изчил суръатда миллион-миллион халқларни **ялпи манқуртлаштириш сиёсатини** олиб борди. Бу тузум турли миллат, турли ўлкаларни мажбурий равишда бир партия измига бўйсундирган қурама мамлакат аҳолисини миллатсиз, маънавиятсиз, мустақил ўй-фикрсиз "коммунизм қурувчилари" аталмиш қиёфасиз мавжудотларга, дунёга ҳукмдорлик орзусида бўлган кичик бир гуруҳнинг иродасини қулоқ қоқмай ижро этувчи улкан механизмнинг "паррак" ва "винтча"ларига айлантириш ниятида эди. Ва, айтиш мумкинки, ушбу манфур ниятлар анча-мунча амалга ошиб улгурди, яъни, XX асрнинг 70-йилларига келиб «Совет Иттифоқи» аталмиш улкан бир ҳудудда воқеан **«манқуртлар салтанати»** шаклланди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи йиғилишида Президент И.А. Каримов бу ҳақда шундай фикр билдирган эди: *"Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди."* Дарҳақиқат, ўша даврда халқ онгига "марксча-ленинча" тоталитар мафкурани сингдириш, унинг барча фаолиятини марказ измига сўзсиз бўйсундириш ишониб топширилган аксарият раҳбарлар ва ижтимоий фан вакиллари айни шундай ***манқуртларга*** тамомила айланиб бўлган эди.

2. **Инсонлар онгининг эски ақидалар асоратидан покланиши** осон савдо эмас. Айниқса, юртнинг етакчилари бўлиши лозим бўлган зиёлиларимиз руҳига сингиб кетган кўникмаларни енгиб ўтиш машаққати ҳар қадамда сезилиб қоляпти. Инсонлар тафаккурини эски андазалар, тор қолиплар тугал тарк этиши қийинчилик билан амалга ошмоқда. Тафаккуримиз, қарашларимиздаги янги тамойиллар ҳануз анча юзада, онгимизнинг сиртқи қатламларида қолиб кетмоқда, баъзан янги қадриятларни ҳам эски ўлчовлар билан баҳолашга уринмоқдамиз.Шундай экан, **янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб, миллий мафкурани шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтириш бугуннинг ҳам энг муҳим вазифасидир.** Сабаби инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бермас экан, Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш орзуси ширин хаёллигича қола беради.

"Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз,- деб ёзган эди И.А.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, - *бу гул билан қопланган йўл эмас, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир".*[9]

3. Мустақиллик маънавиятининг бош мезони, асос-пойдевори масъулият туйғусидир. Ушбу туйғу, афсуски, кўпчилигимизда етишмайди. Бу масалада

[9] И.Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 359

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақилликнинг дастлабки қадамларидан барчага намуна бўлиб келаётган шахс Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов бўлиб, бу лавозимга илк сайланган кунларидан бери халқ маънавиятини юксалтиришга биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали шўролар тузуми тўла барҳам топмасидан 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимга муносиб топилгач, Ўзбекистон Президентининг биринчи нутқидаёқ *"халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш" масаласи* давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтган эди.[10] Маънавият деган сўзни юқори доираларда ишлатиш мутлақо урф бўлмаган ўша замонларда бу мутлақо янгича ёндошув, катта жасорат эди.

Миллий мустақиллигимизнинг иккинчи йилида Президент *"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли"* рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг алоҳида боби *"Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари"* деб номланди ва унда илк бор халқ маънавиятини ривожлантириш масалалари батафсил таҳлил этилди.[11]

1995 йил феврал ойида илк бор кўппартиявийлик асосида ўтказилган эркин ва демократик сайловлар ҳосиласи бўлмиш Ўзбекистон республикаси биринчи чақириқ Олий мажлисининг биринчи йиғилишида Президент И.А.Каримов *"Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари"* мавзуида катта маъруза қилиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига оид муҳим масалалар билан бир қаторда миллатнинг маънавий такомили йўналишида ҳам янгича ёндошувлар, долзарб муаммоларнинг пухта ўйланган ечимларини халқ намояндалари муҳокамасига ҳавола этди. Маърузанинг *"Юксак маънавият - келажак пойдевори"*[12] деб номланган фаслида мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида бу соҳада эришган ютуқларни тилга олиш баробарида келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳлил этиб берди. *"Эндиги асосий вазифа,*-деб фикрини изҳор этди юртбошимиз,-*кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир"*[13]. Бунинг учун ҳар биримиз *"босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб", "буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак".*[14]

1994 йилда И.А.Каримовнинг *"Истиқлол ва маънавият*" номли китоби, 1997-98 йилларда бу мавзу янада мукаммаллашиб, «*Маънавий юксалиш йўлида» («На пути духовного Возрождения»)* китоби ўзбек ва рус тилларида нашр этилди[15]. Президентнинг ушбу китоблари таркибида ва ундан кейин эълон қилинган «*Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради»* (Ёзувчилар билан суҳбат), *«Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили*» (Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ), *«Ватан –ҳамма нарсадан мўътабар»* (Мустақилликнинг беш йиллигидаги байрам табриги), *«Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши*» *("Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*" китобида), «*Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин»* («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар), *«Тарихий хотирасиз келажак йўқ»* (Тарихчи олимлар билан суҳбат), *«Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир*» («Фидокор» газетаси мухбири билан суҳбат), *«Эгали юрт эркини бермас*» (2000 йил август Олий мажлис сессиясида сўзланган

[10] И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»-1994, с. 65

[11] И. Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 76-85

[12] Ўша китоб, с. 33-42

[13] Ўша китоб, с. 34

[14] Ўша китоб, с. 7

[15] И.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.-«Ўзбекистон»-1998 (И.Каримов. На пути духовного Возрождения. Т.-«Ўзбекистон»-1997)

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқ), *«Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда»* каби қатор асарларида маънавият масалаларига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган.

1994 йил баҳорида “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилик марказини тузиш ҳақида Президентнинг Фармони чиқди. 1996 йил сентябрда ушбу марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида яна алоҳида Фармон бўлди ва унинг асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Ниҳоят, 1999 йилга келиб, бу марказ Республика Маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди.

2008 йили “Маънавият” нашриётидан Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг *“Юксак маънавият – енгилмас куч”* номли маънавият масалаларига бағишланган алоҳида рисоласи босилиб чиқди. Китоб 4 бобдан иборат бўлиб, *“Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”* деб номланган биринчи бобида “маънавият” тушунчаси, маънавиятли ва маънавиятсиз инсонлар, маънавиятни шакллантирувчи мезонлар маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги каби масалалар кенг омма учун тушунарли тилда батафсил баён қилинган. Китобнинг иккинчи боби **“***Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш”* деб аталган ва унда аввало миллий ғоянинг маънавий ҳаётдаги ўрни, мустақиллик даври жамиятимиздаги миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш жараёни, тилимиз ва динимиз, миллий ва диний байрамларимиз мавқеининг қайта тикланиши, ислоҳотларнинг маънавий аҳамияти ҳақида сўз боради. Учинчи бобга *“Маънавиятга таҳдид – ўзимиз ва келажагимизга таҳдид”* деб ном қўйилган бўлиб, унда маънавият ва маънавий тарбия масалалари бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида нақадар долзарблашгани ва энди бу масалалар фақат миллий ҳудудда чегараланиб қолмай умумбашарий муаммога айланаётгани таҳлил этилади. Дунёдаги энг буюк жасорат маънавий жасоратдир, деб хулоса қилади И.Каримов *“Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори”* деб номланган охирги бобда. Президентнинг чуқур ишончига кўра маънавий тарбиянинг ибтидоси ҳар бир инсон қалбига қулоқ тутиш ва кўнглига йўл топишдан бошланади ва бу соҳада зиёлиларимизнинг ўрни ва масъулияти ўта муҳимдир.

Китоб муқаддимасида муаллиф шундай деб ёзади:

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”

Юртбоши халқдан айру эмас. Чунки халқнинг, миллатнинг ниҳоний тилаги, истаги бугун Юртбошининг кўнглидаги тилакдир, истакдир. Президентнинг барча нутқ ва рисолаларини маънавият мавзуси нуқтаи назаридан бирма-бир кўздан ўтказиб чиққан одамни ҳайратга соладиган нарса шуки, аждодларимиз яратган маънавий мерос, халқимизнинг дилида сараланиб келаётган, унинг оғзаки ижоди, ҳикматлари, матал ва мақолларида акс этган эзгу ақидалар ва Ўзбекистон Президентининг маънавият масалаларига муносабати, мулоҳазалари, фикр йўналиши ўзак-ўзагидан ўзаро мувофиқ ва уйғундир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. *“Миллий маънавиятимизнинг ривожланиш тарихи” фанининг “Маънавият асослари” фанлар тизимидаги ўрни.*
2. *Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият*

www.ziyouz.com kutubxonasi

масалаларига алоҳида эътибори ва бунинг сабаблари.

3. *Маънавият нима?*
4. *Миллий маънавият нима?*
5. *Шахс маънавияти ва миллий маънавият нисбати.*
6. *Миллий маънавият назариясини яратиш учун қайси манбаларга таяниш керак?*
7. *“Миллий маънавиятимизнинг ривожланиш тарихи” фанини нега ўрганамиз?*
8. *Миллий мерос тараққиётимизнинг маънавий асоси эканлиги.*
9. *Маънавий бойликлар деганда нималарни тушунасиз?*
10. *Шўролар даври илм ва санъат арбобларига муносабат.*
11. *Дин ва маънавият нисбати. .*
12. *Буюк алломаларимиз илмий мероси маънавиятимиз мезони.*

2-боб.
Башарият тарихи ва маънавий такомил. Жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз ривожининг ўзаро нисбатлари

1-фасл. Миллий маънавият тарихий ҳодиса сифатида.

Халқ маънавиятини, миллат маънавиятини сунъий равишда, қандайдир ўйлаб топилган ақидаларга, догмаларга таяниб, юзага келтириб ҳам, кескин ўзгартириб ҳам бўлмайди. Чунки маънавият тушунчасининг мазмуни бир кунда, бир йилда, ҳатто бир асрда шаклланадиган нарса эмас, у ҳар бир халқнинг жуда узоқ тарихи қаъридан озиқ олиб, теранлик касб этиб келади.

Бугунги кунда миллий маънавиятимиз тадқиқотчисига осон эмас, у энди шўролар даври файласуфларидан фарқли ўлароқ, ўз мулоҳазаларини мавжуд догмалар қолипида, мавҳум мантиқий мулоҳазалар тарзида эмас, балки миллатнинг маънавий меросига, бу соҳада минг йиллар давомида аждодлар эришган беқиёс ютуқларга асосланган ҳолда олиб бориши талаб этилади, яъни маънавиятга оид фанлар, маълум маънода, **тарихий-назарий фанлар** бўлиб, уларнинг теранлиги ва кўлами аждодларимизнинг минг йиллар давомида тўплаган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси билан белгиланади, шу билан бирга халқ донишмандлигининг турли суратларда зуҳур этиши ҳам ундаги назарий хулосаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, миллий маънавият, аввало, **тарихий ҳодиса**дир. Ўрта Осиё халқлари тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, улар босиб ўтган неча минг йиллик маънавий камолот пиллапояларини аниқлаш бугун учун муҳим муаммодир. Биз бугунги кунда миллий

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънавиятимиз назариясини яратиш учун аввало унинг тарихий такомилини батафсил кўздан кечириб чиқишимиз керак бўлади. Айни шу масала билан шуғулланувчи фан “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” бўлиб, унинг асосий мавзу доираси - мустақил Ўзбекистон учун энг долзарб муаммолардан бири бўлган миллий маънавиятимизнинг такомил тарихи, асосий қадриятлари, шаклланиш йўллари хусусидаги миллий маънавий меросимиз анъаналарига таянувчи назарий хулосалар ва қарашлар тизимидан иборат.

Аммо миллий маънавият тарихи билан сиёсий, ижтимоий, ҳатто маданий ҳаёт тарихи орасида муҳим фарқли жиҳатлар мавжуд. Аввало миллий маънавият тарихи миллатнинг маънавий такомил жараёни билан боғлиқ. Унда баъзан асрлар кунларга, ва аксинча, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Миллатнинг маънавий камолоти замонда, яъни унинг бутун тарихи давомида юз беради, аммо у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Бир нарса аёнки, тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўтиб кетади, моддий маданият унсурлари емирилади, маънавият эса юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва теранроқ мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксарияти маънавий таназзулга юз тутган фожеий шароитларда ҳам миллий маънавият йўқолмайди, кўлам ва мазмунда ўзи етишган камолот босқичини йўқотмайди. Чунки бунинг учун аждодлар яратган барча маънавий меросни маҳв этиш, инсонлар хотирасини, ҳатто ирсий хотирани ҳам барбод қилиш керак. Ундай кундан Аллоҳ ўзи асрасин!

Демак, миллий маънавият ҳодисаси ҳам тарихий (ўтмиш тарих жараёнида юз бериб борган), ҳам бугунги кунда мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли воқелик бўлиб, Алберт Эйнштейн кашф этган тўрт ўлчамли(замон ва маконда бир пайтда мавжуд бўлган) воқе олам ушбу маънавий олам бўлса ажаб эмас. Балки маънавий олам ўлчамлари чексиз бўлиб, тўрт ўлчамли қолипга ҳам сиғмас.

2-фасл. Башарият тарихи ва маънавият. Миллий маънавиятимизнинг теран томирлари.

«Миллий маънавият десак, миллий биқиқликка йўл қўямиз, умуминсоний маънавият ҳақида фикр юритиш керак”, деган гапни на маънавият нималигини, на миллийлик ва умуминсонийлик орасидаги нисбат қандай бўлишини тўғри тасаввур эта олмайдиган, илмий саводи чала одамларгина айтиши мумкин. Бир инсонга ўз миллий маънавиятини тугал англаб етиш учун ҳам, Аллоҳ юз йил умр берса, камлик қилади. Ҳиндистон маданиятидан бир чимдим, Европа илмидан икки жумла, ислом дунёси маънавий меросидан икки чўқим олиб, «жаҳоншумул» маънавият назариясига даъво қилгандан кўра, ўзбек юртида яшаб ўтган буюк алломалар ижодини имкон даражасида изчил ўрганиб, шу билимлар асосида миллий маънавият ҳақида фикр юритган афзал эмасми? Биз «маънавият нима?» деган саволга немис ёҳуд инглиз, рус ёки поляк, ҳинд ёки япон қандай жавоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бериши мумкинлигини башорат қила олмаймиз. Умр бўйи ўз миллий маънавиятини, узоқ асрлар давомида ўз миллати мансуб бўлган минтақа маданияти вакиллари ижодини асл манбалардан ўрганиб келган одам ҳам миллий маънавиятимизни мукаммал англаб етдим, деб даъво қилишга хижолат бўлади. Бу иш аслида кўпчиликнинг иши. Миллат маънавияти учун бутун миллат қайғуриши керак.

Парижда, ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов айтганидек: "ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланган"[16]. Аммо юртимизда 70 йил ҳукмронлик қилган собиқ тоталитар тузум маккорлик билан ўз асоратига олган халқларнинг буюк ўтмишини авлодлар хотирасидан ўчирмай туриб манфур мақсадларига ета олмаслигини яхши билар эди. Шу сабабли тинимсиз кураш ғоясини ҳаёт маъноси деб эълон қилган "доҳийлар"нинг содиқ шогирд ва издошлари нафақат тирик "душманлар" билан курашдилар, балки миллатларнинг ўтмиш маънавий мероси билан ҳам тинимсиз "жанг" қилдилар. "Дин - афюн", диний илм пешволари, тасаввуф уламолари "ашаддий реакционер", барча ўтмишдаги ҳукмдорлар - қонхўр, босқинчи (фақат айрим рус подшоҳлари бундан истисно этилди), ўтмиш алломалар - дунёқараши чекланган, шоирлар - маддоҳ ва ҳоказо даъволар қилинди. Бундай қора тамғалар қарамлик асоратига тушган барча халқларнинг бой маънавий меросига босиб чиқилди. Ҳатто уйидан эски араб ёзувида китоб топилган одамлар давлатга қарши жиноятда айбланган даврлар бўлди.

Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий қадриятларимиз, ўтмиш аждодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукаммаллигида, қайчиланмасдан, "прогрессив-реакцион" аталмиш зўраки қолипларга тиқиштирилмасдан тиклана бошлади. Қуръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Фируз, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа "совет даврида" ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жадид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. "Босмачи" дея ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз қадрларига лойиқ баҳоландилар.

Совет даврида бизда, биринчи навбатда, фалсафа, қолаверса, бошқа барча инсон ва жамиятга оид фанлар ҳам Европа маданияти анъаналари

[16] Ислам Каримов.Асарлар. 4-жилд, с. 332

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосида, унинг ҳам асосан бир йўналиш - марксистик материализм йўналиши билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Ҳатто ўз маънавий меросимизни ҳам бегона қолипларга мослаб ўрганишга уриндик. Шундай экан, бугунги кунда миллий маънавиятимизни назарий асосда жиддий ўрганишга киришишимиз бежиз эмас. Ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ҳеч қачон **жаҳон маданияти**, маънавиятидан тамомила айру, алоҳида бир йўлдан ривожланган эмас. Ҳамиша бошқа халқлар маънавий бойлигини ижодий ўзлаштириб, ўзи ҳам жаҳон маданиятини бойитиб борган. Шу билан бирга миллатимизнинг ўз мустақил маънавий қиёфаси мавжуд, у асрлар, балки минг йиллар давомида шаклланган, у **умуминсоний қадриятлар**га ёт эмас, аммо Борлиқнинг олий ҳақиқатига нисбатан ўз талқинлари, ўз ёндошуви, ўз тушунчаларига эга.

Жаҳон маданияти - турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат бўлиб, мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият ҳаётда асли мавжуд эмас. Инсоният тарихий тараққиёти жараёнида аввал муайян кичик жамоалар доирасида шаклланган маданият унсурлари бора-бора кенгроқ миқёс касб этиб, турли элат ва миллатлар, минтақалар маданияти даражасига кўтарилиб борди ва ниҳоят Янги даврга келиб яхлит бир воқелик сифатида идрок этила бошлади.

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ(математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий такомилига татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан ўзини оқламади.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибаси асосига қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди. “Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди”, дейди Юртбошимиз[17]. Ҳар бир хонадоннинг ўз тартиб-қоидалари бўлганидек, ҳар бир юрт ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза-ўлчовлари, қонун-қоидалари бўлади. Улар ўша юртнинг табиий-жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

Мавҳум бир шаклдаги умуминсоний маданият, умуминсоний маънавият ҳаётда асли мавжуд эмас, жаҳон маданияти турли ўлка ва минтақаларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Қандай миллат, қандай халқ бўлмасин, барибир, уни муайян инсонлар ташкил этади. Инсонларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз феъл-атвори, фикр-андишалари, ўз ҳаёт йўли ва орзу-ниятларига эга. Аммо уларнинг барчаси Аллоҳ яратган маҳлуқотнинг бир тоифаси - бани одамга мансуб бўлгани туфайли уларнинг барчаси учун умумий бўлган муайян қадриятлар мажмуи ҳам мавжуддир. Бу қадриятлар ҳар бир миллат, ҳар бир инсон учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб,

[17] Ислам Каримов.Асарлар. 1-жилд, с.12

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг кўр-кўрона инкор этилиши, тан олинмаслиги бутун башарият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини жаҳон тарихи тажрибаси кўп марта исботлаган.

Минг йиллар давомида ер юзидаги турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтақа маданияти, жануби-шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни ҳудудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти - буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларини вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкини, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир-бирига қориштириб юборишимиз мутлақо ижобий натижалар бермайди.

Умуминсоний қадриятлар *- уларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, аслида дастлаб ҳар бир миллат маънавий қадриятлари ўзига хос тизим шаклида намоён бўлади, кейинроқ ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси давомида аста-секин шаклланти-риб борган бундай тизимлар турли элат ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари туфайли бир-бирини тушуниш, барча халқлар учун умумий бўлган жиҳатларни тадрижий англаб бориш жара-ёнида аста-секин умуминсоний моҳият касб этиб боради. Зотан, миллий маънавиятимиз замирини бизни ўзгалардан ажратиб турувчи моҳи-ятлар эмас, балки бирлаштирувчи омиллар ташкил этади.*

Ҳеч қачон бир инсон ҳақиқатнинг тагига етган эмас. Чунки_Борлиқ_ҳақиқати – чексиз. Уни англаб етиш учун, биринчидан, шу кунгача инсоният эришган барча ютуқларни ўзлаштириш лозим бўлади. Аммо бутун инсоният яратиб қолдирган илмий меросни мукаммал ўзлаштириш бир киши учунгина эмас, ҳатто каттароқ илмий жамоалар учун ҳам оғирлик қилади. Иккинчидан, барча инсониятнинг етишган билимлари ҳам Борлиқ ҳақиқати олдида уммондан томчидек эмас. Шундай экан, воқеъ дунё ҳақидаги тасаввурларимизни қандай шакллантирганимиз мақсадга мувофиқроқ?

Умуминсоний маънавият бўлмайди, умуминсоний қадриятлар эса ҳар бир миллат маънавиятида ўзига хос ва махсус тизим шаклида намоён бўлади. Чунки миллий маънавият тарихий ҳодиса, ўзбекнинг маънавий такомили немис ёки хитой халқи бошидан кечирган тарихий жараёнлардан буткул фарқ қилувчи сиёсий-маданий макон ва замонда юз берган. Ҳар бир халқ моҳиятан умуминсоний бўлган қадриятларни тамомила ўзига хос шаклу шамойилда ифода этишининг сири шу ерда.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди. Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аждодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди.

Маънавият доимо миллий бўлади, шу билан бирга унда умуминсоний қадриятларга зид нарса ҳам бўлмайди, чунки ҳар бир миллатнинг мустақил маънавий дунёси, маънавий қиёфаси бир пайтнинг ўзида ички моҳиятига, ўзак томирларига кўра, ўзга халқлар маънавияти билан умумий жиҳатларга, бутун башариятни бирлаштириб турувчи муштарак унсурларга эга бўлади. Маънавиятнинг таърифини миллат маънавиятига татбиқ этадиган бўлсак, уни **миллат руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик**, деб аташ жоиздир. Шундай экан, **айни миллатимизни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи моҳиятлар эмас, балки бирлаштирувчи омиллар миллий маънавият замирини ташкил этади.** Фақат буни жўн тушуниш ҳам, жўнлаштириб талқин этиш ҳам –хато. Маънавиятимиздаги энг умуминсоний ғоялар ҳам ниҳоятда миллий бир тарзда ўзлигини намоён қилади, улар бошқа миллат маънавияти унсурларидан нусха кўчириш шаклида намоён бўлмайди.

Миллий маънавиятимиз анъаналари меъёр қонунига таянади. Мураккаб воқеликнинг турли жиҳатлари аро мутаносиблик, уйғунлик бўлишигина инсоният тараққиёти учун, ҳаёт мукаммаллиги учун асосий шарт эканлигини улуғ алломаларимиз ўз давридаёқ англаб етганлар ва ўз асарларида ифодалаб берганлар.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти жаҳон тажрибаси ва миллий анъаналаримизга таянган ҳолда мутлақо янги модел яратмоқда ва у амалий ҳаётга татбиқ этилиб, шу кунгача ўзини оқлаб келмоқда. Унинг асосида мустақил давлатчилигимиз, иқтисодимиз, маънавий қадриятларимиз ривожланиб ва тараққий топиб бормоқда. Демак, бизнинг ижтимоий соҳалардаги изланишларимиз айни шу умумметодологик асосга таянмоғи замон ва макон руҳининг тақозосидир.

3-фасл. Миллий маънавиятимиз тарихий такомилини даврлаштириш муаммолари. Миллий маънавиятимиз тарихини ўрганишда манбаалар аҳволи.

Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомил жараёни ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, уни чуқур ва ҳартарафлама тадқиқ этиш учун бирнеча авлод жиддий тер тўкиши керак бўлади. Бизнинг ушбу қисқа курсдан мақсадимиз эса ҳадд-ул-имкон бу йўлдаги дастлабки уриниш бўлиб, фақат миллий маънавиятимизнинг тарихий такомил жараёнига енгил бир назар ташлаб ўтиш ҳаракати сифатида баҳолаш мумкин. Албатта, барча асосий жиҳатларни қамраб олиш қийин. Масалан, халқ оғзаки ижоди деб аталувчи беҳудуд маънавият уммони ҳақида, кўчманчилик маданиятида акс этган маънавият унсурлари ҳақида махсус тўхталиш имконини топмадик. Урф-одатларимиз, маросимларимиз маънавиятининг тарихий такомили ҳақида ҳам махсус тадқиқотлар лозим. Биз асосан ёзма меросга таяндик, аммо шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тўлиқ қамровда эмас. Албатта, қўлимиздан келганича, ақлимиз етганича ҳаракат қилдик.

Инсоният тарихий такомили ҳозирги Европа илмида 4 асосий даврга ажратилади:

1. Ибтидоий жамоа. 2. Қадимги дунё. 3. Ўрта асрлар. 4. Янги давр.

Аммо қадимшунослар (археолог ва палеонтологлар) масалага бироз ўзгача қарайдилар. Улар 1**) тош асри, 2) бронза асри, 3) темир асри**, деб ибтидоий жамоа ва қадимги дунёни уч босқичга бўлиб ўрганадилар.

Юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ҳар бир халқ маънавиятининг ривожланиш тарихи турли сабабларга кўра ўзига хос қонуниятларга эга бўлади. Бундан ташқари маънавиятимизнинг тарихий такомил жараёни сиёсий тарихдан ҳам, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш босқичларидан ҳам, маданият тарихидан ҳам муайян даражада фарқ қилади. Бугунги кун жаҳон илмининг тажрибаси кўрсатиб турибдики, аввало, яхлит тарихий-маънавий жараённинг ҳар қандай таснифи шартли ва нотўлиқ бўлиши ўз-ўзидан маълум. Аммо, барибир, бу борада қандайдир ўзак томирлар, асосий бўғинлар ажратиб олинмаса, умуман илмий мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомили ўлкамиз халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ ва ушбу саҳнда юз берувчи ҳодисадир. Фақат маданий тараққиёт ўта мураккаб тарихий ҳодисалар мажмуини ташкил этса, миллатнинг маънавий камолоти бугунги кунгача ўз долзарблигини сақлаб келаётган асосий ўзак унсурларга таянган ҳолда белгиланади. Шу сабабли миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик такомилини бирқатор мавжуд аломатларга кўра дастлабки тарзда уч асосий даврга ажратиб кўздан кечиришни мақбул билдик:

1. Исломгача миллий маънавиятимизнинг шаклланиши.

2. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомили.

3. Янги даврда жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз нисбати.

Бу даврлар ўз ичига олган муддатларига кўра ўзаро асло тенг эмас. Биринчи давр неча минг йилни қамраса, иккинчи давр 8-9 асрни ўз ичига олади, учинчи давр эса бизнинг ўлкамиз - Туркистон учун 5 аср чамаси давом этиб, охирги 200 йили кўпроқ фожиаларга тўлиқ бўлди.

Ушбу даврлаштиришнинг асосида кўпроқ ташқи белгилар ётади. Уларнинг энг муҳими манбалар аҳволи билан боғлиқ. Исломгача маънавиятимиз такомили ҳақидаги энг муҳим манбалар ўлкамизнинг бугунги миллий ҳудудларидан ташқарида топилган бўлиб, асл матнларнинг яхлит ва нисбатан мукаммаллари «Авесто» китоби ва туркий тошбитиклардир. Иккинчи қисми билвосита маълумотлар бўлиб, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур, қадимги Миср ва Юнон, Ҳинд ва Хитой манбаларида, Эрон шоҳаншоҳларидан қолган тошбитикларда акс этгандир. Учинчи гуруҳ манбалар археологик ёдгорликлар бўлиб, улар бевосита юртимиз ҳудудидан ёки атроф-минтақадан топилган моддий ашёлар ва иншоотлар билан боғлиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўртинчи гуруҳ манбалар сўнгги даврларгача оғзаки анъана ҳолида етиб келган халқ адабиёти, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар, хурофий ирим-сиримлар бўлиб, улар юзасидан узил-кесил хулосалар чиқариш, айниқса, мураккабдир.

Умуман, бундай турли гуруҳ манбалар ўзаро жиддий қиёсий таҳлилни талаб қилади ва охир-натижада ҳам кўпинча муайян даражада тахминий хулосалар чиқарилади. Исломгача маънавият ҳақидаги тасаввурларимиз, шу сабабларга кўра, барибир узил-кесил бўлиши қийин ва қанча қадим замонларга кириб борсак, шу қадар тарихий ҳақиқат ва афсоналар қоришиб, чатишиб кетади.

Ислом даври манбалари қадим даврга нисбатан беқиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Ислом давридан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндошув имкони жиддий тарзда ошади ва миллатнинг маънавий камолот босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик касб этади.

Учинчи давр бизга энг яқин бўлгани сабабли уни ўрганиш масалалари тадқиқотчиларнинг анча кенг доирасини қамраб олган, чунки манбалар асосан ўзбек, рус ва қисман бошқа қардош халқлар тилларида сақланганлигидан бу соҳада имкониятлар етарли. Мустақилликкача баъзи архивлар давлат сири ҳисобланиб, тадқиқотчилар назаридан пинҳон тутилган бўлса, бугун уларнинг эшиклари очилди ва табиийки, матбуотимиздаги энг кўп нашрлар ушбу Янги давр маънавияти муаммоларига алоқадор бўлмоқда.

4-фасл. Исломгача миллий маънавиятимизнинг шаклланиш босқичлари.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони биринчи қисмида Чин хоқонининг ўғли Фарҳод тилсимланган кўзгу сирини билиш қасдида Юнон юртига сафарга чиқади. Бу йўлда у аввал даҳшатли аждаҳони, сўнг зардуштий динидаги ёвузлик руҳи Ахриманни ва ниҳоят темиртанли тилсимни енгиб ўтиб, донишманд Сукрот суҳбатига етишади. Сукрот энг баланд тоғ бағридаги ғордан жой олган эди. Навоий шуларни алоҳида таъкидлаб дейди:

*Бу **уч манзил**дан ўткарганга маҳмил*
Дейилган тоғ эрур тўртинчи манзил.[18]

Демак, Фарҳод Суқротга етишгунча **уч манзил**ни босиб ўтганлиги маълум бўлмоқда. Навоийнинг мажозий тасвирида **биринчи манзилдаги аждаҳони** - ибтидоий тош асри маънавиятида инсон табиатидаги ёввойилик тимсоли**, иккинчи манзилдаги Ахриманни** - бронза даври «Авесто» маданиятидаги асотир тафаккурга хос хурофотлар тимсоли, **учинчи манзилдаги темир одамни** - ўз номи билан **темир даври** - ҳарбий демократияга асосланган улкан империялар даврида олиб борилган аёвсиз

18 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 8-жилд. Т.-«Фан»- 1991, с. 125

www.ziyouz.com kutubxonasi

қирғин урушлар ва шафқатсизлик тимсоли деб талқин қилиш мумкин. Шаҳзода Фарҳод тимсолида буюк турк элати аста-секин ўзининг ичидаги душманлари - ёввойилик, хурофот, шафқатсизлик хислатларини бир-бир енгиб ўтиб, маънавий камолот босқичларидан донишмандлик сари кўтарилиб борди. Булар - бадиий адабиётдаги мажозий тимсоллар талқини. Аммо воқе ҳаётда ҳам **миллатимизнинг маънавий такомили** деярли шундай изчилликда ривож олган деб тасаввур қилсак, ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Маълумки, инсон жамоа бўлиб яшайди. Ислом минтақа маданиятининг буюк назариётчиларидан, XIV асрнинг йирик файласуф-тарихчиси ва сиёсатшуноси, Амир Темурга замондош ва суҳбатдош бўлган Ибн Халдун (1332-1406) инсон жамоаларини икки тоифа ёки босқичга ажратади. Биринчиси - **ибтидоий жамоа**, яъни уруғ ва қабила жамоаси бўлиб, бунда инсонларнинг бир жамоага уюшуви қон-қардошлик муносабатларига асосланган бўлади. Бу даврда аксарият инсонлар ўзлигини фақат ўз жамоаси, нари борса, қабила ва элати миқёсида англаб етган. Шу сабабли ўзи билан наслий қон-қариндошлик муносабатларида бўлмаган ёхуд шунга тенг битимлар ҳосил қилмаган бегона жамоа, уруғ ва элат вакилини нафақат қабиладошлари билан тенг санамаган, балки унинг инсон даражасидаги қадрини ҳам идрок этмаган. Қадим жоҳилия арабларининг ҳаётидан хабар берувчи манбалар, масалан, "Айёми араб"да тасвирланган қабилалар орасидаги аёвсиз жангу жадаллар, ўзга қабила аъзолари мулкини торож қилиб, аёллари, болаларини қул-чўрига айлантириб, шунинг ҳисобидан қабиладошларига зиёфат беришлар одатий ҳол ҳисобланиб, яна бундай бедодликларнинг "қаҳрамонлик" сифатида шеъриятда васф этилиши каби ҳолатлар бунга далил бўла олади.

Маънавий камолотнинг юқорироқ босқичига кўтарилган инсонлар учун хос бўлган иккинчи босқичдаги жамоани алломаларимиз **"шаҳар жамоаси"** деб атаганлар. Асли бу тушунча фақат "шаҳар" эмас, "давлат" маъносини ҳам билдирган. Юнонларнинг "полис" сўзи бугун биз тушунган "шаҳар"ни эмас, Афина, Спарта каби **шаҳар-давлат**ларни англатганлигини дунё тарихидан биламиз. Инсонлар жамиятида илк давлатнинг пайдо бўлиши асл ибтидода шаҳарлар шаклланиши билан боғлиқ. Шу сабабли юнонлардаги "полис" (шаҳар) сўзидан Европа минтақасида "политика" (сиёсат, яъни инсонлар аро муомала тартиб-қоидалари) тушунчаси шаклланган бўлса, ислом дунёсида арабча "мадина" (шаҳар) сўзидан "маданият" тушунчаси шаклланди. Бу тушунчалар келиб чиқиш моҳиятига кўра туташ эканлиги шундан ҳам маълум.

Илк шаҳарларда уруғ ўрнига маҳалла, қабила ўрнига элат шакллана бошлади. Аммо ибтидоий жамоадан ўсиб чиққани сабабли, унда қабилачилик даврининг кўп хурофотлари сақланиб қолган эди. Масалан, ўзларини юксак маданият эгаси деб билган қадим юнонлар ўзга халқларга паст назар билан қараб, асло уларни ўз миллатдошлари даражасида кўрмас эдилар. Уларни ўлдириш, ерларини босиб олиш, мулкларини ўзлаштириш жиноят эмас, балки жасорат намунаси сифатида қабул қилинарди. Хатто қадим Юнон элининг энг улуғ алломаси Аристотель ҳам барча ҳуқуқ ва имтиёзларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат ўз халқига - юнонларга лозим кўрган, дунёдаги ўзга элат вакилларига "варвар" (ёввойи) деб қараб, уларга фақат қулликни раво билган. Юнон демократияси худди шу дунёқарашга мувофиқ бўлиб, фақат озод эллинларга тааллуқли эди, қуллар бу демократиядан ташқари ҳисобланарди.

Шундай вазиятда енгилган қабила вакилини қатл этмай, қул сифатида сақлаб қолиш ғолиблар назарида балки мағлубга нисбатан ҳиммат кўрсатиш деб баҳолангандир. Қулдорлик тартиб-қоидалари илк империячилик даври маҳсули бўлиб, ибтидоий уруғ-жамоа асосида пайдо бўлган илк шаҳар-давлатлардан баъзиларининг ўзгалари устидан қудрат касб этиши билан боғлиқ. Бу даврда аҳли башар муайян даражада ривожланган маданият босқичига эришган бўлсада, аксарият халқлар онгида ҳануз **асотир тафаккур** ҳукмрон эди.

Асотир тафаккур Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, унда аксарият инсонлар мавҳум тушунчаларни моддий воқелик нарса-ҳодисаларидан ажратиб тасаввур қила олмайдилар. Мушрикликнинг келиб чиқиши ҳам инсон онги ривожининг айни шу даражаси билан боғлиқ. Исломгача ҳукмрон бўлган **жоҳилия даври** деганда ҳам инсон онгининг асотир тафаккур даражасидаги ҳолати назарда тутилади.

Асотир тафаккур *- Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, ибтидоий жамоа, қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг фикрлаш тарзига хосдир. Бу даврларда аксарият инсонлар ғайб оламига оид нарса-ҳодисалар ва мавҳум тушунчаларни моддий воқелик ашёларидан ажратиб тасаввур қила олмайдилар, мушрикликнинг келиб чиқиш сабаби ҳам шунда.*

Ибтидоий жамоа инсон ҳаётининг иқтисод, сиёсат, маънавият каби турли соҳаларини бир-биридан ажралмаган ҳолда тасаввур этган, ҳаётий таомил, ҳуқуқ ва ахлоқ, дин ва эътиқод бир-биридан алоҳида, мустақил ҳолда мавжуд бўлган эмас. Шундай шароитда сиёсий ҳукмронлик, иқтисодий мулкка эгалик, маънавий қудрат бир-бири билан чатишиб, бир соҳада қудратли бўлган инсон бошқа соҳаларни ҳам тасарруф этишга интилар эди. Сиёсий ҳукмронлик қўлида бўлган одам маънавий, иқтисодий соҳаларда ҳам ўз қудратини ёйишга ҳаракат қилар ёки иқтисодий қудрат - **мулк эгаси** сиёсий, маънавий соҳаларга ҳам даъво қила бошларди.

Империялар даврида қабилалар ва шаҳар-давлатлар аро ҳокимият учун курашлар авж олиб, унда ғолиб чиққан сулола атроф-воқеликни, табиат унсурларини ва моддий бойликларни қандай тасарруф этса, ўзга қабила, уруғ, жамоа вакиллари бўлмиш инсонларни ҳам шундай тасарруф этишга уринди. Натижада «мулк» тушунчаси сиёсат йўналишига ҳам кириб келди, у нафақат ер-сув, ҳайвонот ва буюмларга, балки енгилган уруғ, қабила, элат вакилларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Юрт **мулк** аталди, ҳукмдор **малик** бўлди.

"Авесто" китоби мазмунида **асотир тафаккур** кенг миқёсда ўзлигини зоҳир этган. Жумладан, ҳукмдорлик ҳуқуқининг белгиланишида "фарр" ("Авесто" тилида "хварно") принципи қонуний асос сифатида қабул қилинган. Унинг маъноси шуки, олий дунёвий ҳокимият сулоланинг бир вакилидан иккинчисига ўтишида муайян илоҳий белги содир бўлади, яъни

www.ziyouz.com kutubxonasi

муайян бир жонивор, қуш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танланган кишини ажратиб кўрсатади.

Халқимиз орасида тарқалган “фалончининг бошига бахт қуши қўнипти” ибораси ушбу қадим анъананинг изларига ишора этади. “Фарр” одатда ҳукмдор сулола вакиллари билан боғлиқ тасаввур этилган. Эрондаги Аҳмонийлар, Сосонийлар даврида ушбу принципга изчил риоя этилган.

Асотир *(миф) – ибтидоий инсон онгида Борлиқ ҳақиқатининг хаёлий тимсоллар воситасида ифодаланиши. Ҳозирги замон одами асотирни афсона сифатида тушунади, аммо қадимги дунё одамлари асотирнинг Борлиқ ҳақиқатини ифодалашига шубҳа қилмаганлар. Масалан, қадимги юнонлар Зевс, Аполлон, Афродита каби турли санамларни Олимп тоғида абадий яшайди деб тасаввур қилганлар ва улар шарафига ибодатхоналар қуриб, қурбонликлар келтирганлар. Асотир ва бадиий асарнинг умумий томони Борлиқ ҳақиқатини тимсоллар воситасида англаш ва англатишга уриниш бўлиб, уларнинг ўзаро фарқ қилувчи томони - асотирни ўз даврининг одами ҳақиқат деб қабул қилган, санъат асарини эса инсонлар мутлақ ҳақиқат деб ўйламайди, балки ибрат мактаби сифатида тушунади.*

Олий илоҳий ҳукмдор номидан юртни бошқарувчи «фарр» эгаси – монарх (шоҳаншоҳ, қирол, халифа, султон, малик) статуси минтақада шундай пайдо бўлди. У мутлақ ҳукмдор бўлиб, фақат Тангри ҳукмларига итоат қиларди. Жоҳилия даврида “фарр” соҳибининг ҳукми мутлақ бўлиб, унга ҳеч ким эътироз билдиришга ҳаққи бўлмаган. “Халқ ҳукми”, ”халқ иродаси” деган тушунчалар у давр учун буткул нотаниш эди. Демак, жоҳилия даврида барча инсонлар тенг қадр топган эмас эди.

Бу тартиб-қоидаларнинг жиддий ўзгариши Исо алайҳиссалом даъвати билан бошланди, дейиш мумкин. Исо алайҳиссаломгача юборилган пайғамбарлар ҳар бири бир қавмга Аллоҳ ҳақиқатидан хабар берган бўлсалар, Руҳуллоҳ барча инсониятга тегишли **Ҳақиқат** хабарини келтирди. У биринчи бўлиб, барча инсонлар ягона Тангри олдида тенг, ўзаро оға-ини, опа-сингил, биродар деб, Аллоҳ ҳукмини эълон қилди. Аммо бу Олий ҳақиқат осонликча қабул қилингани йўқ. Аввало, бундай улуғ хабарни берган пайғамбарни сиёсий ҳукмронликни қўлдан беришни истамаган юнон ҳукмдорлари ва яҳудий уламолари бирлашиб, чормихга ҳукм этдилар. Кейинчалик ҳам, Исо даъвати илк черков оталари талқинида ўзгаришга учраб, адолатли жамият ердан осмонга кўчирилди, инсон руҳининг озодлиги эса черков ҳукмларига боғланиб қолди. Бутун Ўрта асрларда хос ва авом, зодагон ва фуқаро орасидаги реал фарқ сақланиб қолаберди. Европада черков ва феодаллар ўзаро зиддиятларидан қутула олмаган бўлсалар ҳам, авомга нисбатан имтиёзларини сақлаб қолдилар. “Ўрта асрлар” деган тушунча беҳуда эмас, бу давр инсоният учун Қадим дунёдан Янги тафаккур тарзига **ўтиш** босқичидир.

VII асрга келиб, Муҳаммад(С.А.В.)га нозил этилган Қуръони карим оятларида ниҳоят узил-кесил ҳақ ботилдан жудо этилди, инсонлар ягона Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари экани очиқ-ойдин баён этилди. Халқ ҳокимияти, озод фуқаролар жамиятига таянувчи тузумнинг умумбашарий маънавий асослари, шундай қилиб, Тавҳид таълимотида мужассам бўлди.

5-фасл. Ибтидоий жамоа даврида илк маънавият унсурларининг шаклланиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, миллий маънавиятимиз такомилининг энг қадимги даврини 3 босқичга ажратиб ўрганиш маъқул кўринди. Уларнинг биринчиси **ибтидоий жамоа** (Ибн Халдун ибораси билан «бадавия жамоаси») даврида **инсон маънавиятининг илк шаклланиш жараёнини** ўз ичига олиб, уни **энг қадимги маънавият босқичи** дейиш ҳам мумкин. Қуръони каримнинг «Тин» сураси 4-оятида айтилади: «Лақад халқна-л-инсана фи аҳсани тақвим. Сумма рададнаҳу асфала сафилин...». (сўзма-сўз таржимаси: «Дарҳақиқат, биз инсонни энг кўркам шаклу шамойилда яратдик. Сўнгра уни асфала софилинга қайтардик...». «Асфала софилин» сўзи «энг тубан ҳолат» деб таржима қилинади). Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, унга ниҳоятда улуғ рисолат тақдир этди, аммо жаннатдан ерга тушган инсон камолот йўлини энг тубан ҳолатдан аста-секин юксак маънавий уфқларга интилиш билан бошлади.

Моддиюнчилар **инсон**нинг бошқа биологик мавжудотлардан фарқланишини минг йиллар давомида юз берган узоқ муддатли такомил жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Натижада ўз-ўзидан инсонни ҳайвондан аниқ фарқловчи чегара масаласи муаммога айланади. Аслида марксистлар даъво қилганидек, инсоннинг ҳайвондан фарқи меҳнат туфайли эмас (кўплаб уй ҳайвонларини Инсон меҳнат қилишга мажбур қилади), балки никоҳнинг тартибга солиниши билан бошланади, десак тўғри бўлади. Тарихчи олимлар башарият тарихининг бошланиши ҳақида ёзганда ибтидоий гала ва уруғ жамоани ўзаро фарқ қиладилар. Уларнинг тасаввурларига кўра, илк одамсимон мавжудотлар ибтидоий гала сифатида умр кечирганлар, кейинроқ уруғ жамоа шаклланган. Ушбу икки гуруҳнинг асосий фарқи шундаки, ибтидоий галада барча ҳайвон галалари каби эркак ва урғочи орасидаги муносабатлар муайян тартибга солинмаган, уруғ жамоада эса муайян никоҳ қоидаларига қатъий риоя қилинган. Маълумки, инсондан ўзга мавжудотларда ушбу қоидаларга риоя қилиш урф бўлган эмас. Биологик жиҳатдан бунинг қатъий зарурати ҳам йўқ. Демак, бу фарқланиш асосан маънавий аҳамиятга эга. Шундай экан, башарият тарихи, маънавият нуқтаи назаридан қараганда, ибтидоий галадан эмас, уруғ жамоанинг шаклланишидан бошланади.

> ***Инсон*** *- маънавий камолот имконига эга бўлган (ягона) моддий (биологик) мавжудот. Қуръони карим оятларида таъкидланишича, ҳар бир инсон Аллоҳ томонидан "ер юзининг халифаси" қилиб яратилган, шундай экан, бутун моддий олам унинг тасарруфида ва у дунёдаги барча мавжудот тақдири учун масъулдир. Инсоннинг иродаси эркин ва шу сабабли ҳар бир хатти-ҳаракати учун Аллоҳ олдида жавоб беради. Инсон ўз маънавий камолот имконият-ларини юзага чиқара бошлаган сари том маънода* ***Шахс****га айлана боради.*

Инсон маънавий камолотида энг узоқ давом этган босқич **тош асри** бўлиб, бу даврда инсон ва табиат орасидаги муносабат ниҳоятда яқин бўлган. «Авесто»нинг бизгача сақланиб етиб келган тўрт қисмидан бири «Вендидад» китобининг иккинчи бобида Жамшид (асли Йима вахишта - гўзал Йима) ҳақидаги асотир (миф) баён қилинади. Ушбу асотир мазмуни қуйидагича:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун оламлар парвардигоридан Зардуштга пайғамбарлик рутбаси иноят бўлгач, у тангрига мурожаат қилиб сўрайди: «Эй, бутун дунёнинг яратувчиси, муқаддас зот Ахура Мазда (Олий билимлар эгаси)! Сен мендан илгари инсонлардан қай бири билан суҳбат қилгансан, кимга илк бор Ахура Мазданинг муқаддас динидан таълим бергансан!»

Олий билимлар эгаси бўлмиш ягона тангри унга шундай жавоб қилади:

«Эй, Ҳақ бандаси Зардушт! Сендан илгари мен илк бор инсонлардан Йима (Жамшид)га, чорва ва йилқи подалари эгаси ўшал гўзал инсонга хабар йўлладим. Мен унга: «Эй, Вивахванта ўғли гўзал Йима! Сен менинг динимни ўрганиб, уни ҳимоя этишга тайёргарлик кўргин», дедим. Аммо, эй, Зардушт, ул гўзал Йима шундай жавоб қилди:»Мен бундай вазифа учун яратилмаган бўлсам, ўқимаган бўлсам, мен дин-эътиқодни чуқур ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга қодир эмасман». Шунда, эй, Зардушт, Мен - Ахура Мазда - унга буюрдим: «Агар сен, эй, Йима, менинг динимни ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлмасанг, унда мен яратган дунёни обод қил, кенгайтир. Сен ушбу ер юзини ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга ва бошқариб туришга масъул бўл!» Ва, эй, Зардушт, ул гўзал Йима менга жавоб қилди: «Мен сен яратган дунёни обод қиламан, уни кенгайтираман, уни ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга, бошқариб боришга мен тайёрман.»[19] Шундан сўнг 900 йил давомида Йима (Жамшид) ер юзини обод қилиб, турли ҳунарларни жорий қилди. Бой моддий маданият бунёд этилди. Аммо умрининг охирида Жамшид ютуқлардан ғурурланиб кетиб, кибрга берилди. Ўзини «яратувчи» эълон қилиб, бутун халқдан ўзига сажда қилиш, сиғинишни талаб қила бошлади. Шунгача, ривоят қилишларича, ўлим ҳам, касаллик ҳам, совуқ ҳам, очлик ҳам бўлмаган экан. Жамшид ўзини «худо» деб эълон қилгач, ер юзига ўлат тарқайди, очлик ва қаҳратон совуқ бошланади. Ва шундан кейин даҳшатли ёвуз куч - Ажи Даҳака юртга бостириб кириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган ва минг йил юртни зулмат қоплаган экан.

Қуръони карим Ҳақни ботилдан ажратиш учун нозил этилган китоб бўлиб, шу сабабдан Фурқон (фарқлаб берувчи) деб ҳам аталади. Унда ҳақиқатлар баъзан жуда қисқа, баъзан бир ишора билан эслаб ўтилган. «Авесто» китобида эса инсон ақлий такомилидаги асотир тафаккур босқичи ифодасини топган. Шу сабабли ундаги воқеалар баёни ҳам асотир (миф) шаклида бўлиб, тарихий воқелик ўзига хос талқин этилади. Қандай бўлганда ҳам Алишер Навоий қаҳрамони Аждаҳо (Ажи Даҳака)ни енгиб ўтган биринчи манзил ёки «Авесто»га кўра Жамшид даври шартли равишда аждодларимиз маънавий камолотининг биринчи босқичи - **тош асрига** ишора, деб қабул қилиш жоиздир. Бу давр қанча муддат давом этгани ҳақида ҳозир фанда турли баҳслар кетмоқда, лекин бир неча минг йиллар давом этгани шубҳасиз. Бу даврда инсон турли тош қуроллар ясаш ва улардан фойдаланишни ўрганди, камон ва ўқ ёй, ибтидоий сопол идишлар кашф этилди, ибтидоий чорвадорлик ва деҳқончилик шаклланди, илк уй

19 Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. М.-«Наука»-1972, с. 50-51

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳайвонлари ва маданий ўсимликлар пайдо бўла бошлади. Бу даврда аждодларимиз аста-секин **табиат ва инсон аро уйғунлик мавжудлигини ҳис эта бошлашди, яратувчилик меҳнати завқини туйишди**.

Ушбу маънавият унсурлари «Авесто» матнлари таркибида ўз аксини топган. «Авесто» матнлари Ғарбий Европа, Сибир ёки Африка, Жанубий Ҳиндистон минтақалари шароитини эмас, бевосита бизнинг минтақа иқлими, оби-ҳавоси, ер-сув шароитида табиат ва атроф-воқеликка нисбатан инсон онгида шаклланиши мумкин бўлган муносабатларни акс эттиради. «Авесто» матнлари мазмунидан биз ота-боболаримизнинг она заминга, халқимиз учун асосий тириклик манбаи бўлган оқар сувга, оловга ихлоси, эъзозини аниқ ҳис қиламиз. Яна амалий яратувчилик фаолияти, айниқса, ерга ишлов бериш ва чорва ҳайвонларини парваришлаш, аждодларимиз тарафидан ниҳоятда муқаддас бир юмуш, олий ибодат деб қабул қилинганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Дарвоқе, ибодат масаласи. Ушбу масалага келганда илк инсоният кўп адашди, тўғри йўлни идрок этиш жуда қийин бўлди, масалан, даставвал инсон табиатдаги айрим буюмлар ёки ҳодисалар қудратини аниқлай олмай, уларга сиғина бошлади, ҳозирги замон Европа фанида «фетишизм» деб ном олган янглиш эътиқод шакли пайдо бўлди. Жамшид фожиаси биринчи - тош даври маънавиятидаги ноқислик натижасидир, янги маънавий босқичга ўтиш эҳтиёжидан туғилган инсон онгидаги бўҳрондир. Инсонни бу бўҳрондан қутқариш учун яна ваҳий лозим бўлган. Назаримизда, ибтидоий одам шуурини илк бор илоҳий нур ёритган.

Шундай қилиб, инсоният асосан тош қуролларидан фойдаланган илк ибтидоий жамоа даври аждодларимиз маънавий такомилида жуда муҳим босқич бўлиб, Туркистон ўлкаси ҳудудида камон ва ўқ-ёй ихтиро қилинган 10-12 минг йил илгариги ўтмишдан бошлаб, бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Унинг сўнгги 4-5 мингинчи йилларидан суғориш асосидаги деҳқончилик ва уй ҳайвонларини махсус парваришлашга асосланган чорвадорлик фаолиятининг дастлабки шаклланиш жараёнлари ривож олди ва шу билан боғлиқ равишда **бу даврдаги инсон руҳида унинг ҳаёти учун муҳим бўлган Она табиатга меҳр, ер, сув, оловни эъзозлаш, яратувчилик меҳнатини улуғлаш каби маънавий фазилатлар пайдо бўлди**. Бунинг излари биринчи навбатда минтақамизда илк бора яратилган мукаммал ёзма манба «Авесто» китобида ўз аксини топгандир.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.

Миллатнинг маънавий камолоти унинг бутун тарихи давомида юз беради, у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан маълум даражада таназзулга юз тутиши, унда баъзан асрлар кунларга, ва аксинча, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Маънавий такомил жараёнининг ўзига хослиги шундаки, агар тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўткинчи бўлса, моддий маданият унсурлари вақт ўтиши билан емирилса, маънавият эса юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

теранроқ мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксарияти маънавий таназзулга юз тутган фожеий шароитларда ҳам миллий маънавият йўқолмайди, кўлам ва мазмунда ўзи етишган камолот босқичини йўқотмайди.

2. УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Ушбу чизма мураккаб воқеликни шартли равишда акс эттиради. Чунки, барча халқлар ва минтақалар маънавияти ўзига хос бўлиб, уларнинг барчасини бир чизмада акс эттириш имконияти йўқ.

2. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИ

Миллий маънавиятимиз миллатимизнинг маънавий такомил жараёнида ташкил топган ва бугунги кунда ҳам мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли воқелик бўлиб, аждодларимиз яратган маънавий меросда ўз аксини топгандир.

Миллий маънавиятимиз тарихий такомилининг ***уч даври***:

1. Исломгача миллий маънавиятимизнинг шаклланиши **(***энг қадимги даврлардан - VIII аср бошларигача).*

2. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомили *(VIII - XV асрлар).*

3. Янги давр жаҳон маданияти миқёсида миллий маънавиятимиз аҳволи *(XVI - XX асрлар)*

Бу даврлар қамраб олган муддатларига кўра ўзаро тенг эмас. Биринчи давр неча минг йилни қамраса, иккинчи давр 8-9 асрни ўз ичига олади, учинчи давр эса бизнинг ўлкамиз - Туркистон учун 5 аср чамаси давом этиб, охирги 200 йили кўпроқ фожиаларга тўлиқ бўлди. Бу даврлар ўз навбатида яна қатор босқичларга бўлинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИНИ ЎРГАНИШДА МАНБАЛАР АҲВОЛИ

1. ***Исломгача маънавиятимиз такомили ҳақидаги энг муҳим манбалар ўлкамизнинг бугунги миллий ҳудудларидан ташқарида топилган бўлиб, асл матнларнинг яхлит ва нисбатан мукаммаллари "Авесто" китоби ва туркий тошбитиклардир.***

(Иккинчи гуруҳ билвосита маълумотлар бўлиб, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур, қадимги Миср ва Юнон, Ҳинд ва Хитой манбаларида, Эрон шоҳаншоҳларидан қолган тошбитикларда акс этган.

Учинчи гуруҳ манбалар археологик ёдгорликлар бўлиб, улар бевосита юртимиз ҳудудидан ёки атроф-минтақадан топилган моддий ашёлар ва иншоотлар билан боғлиқ.

Тўртинчи гуруҳ манбалар сўнгги даврларгача оғзаки анъана ҳолида етиб келган халқ адабиёти, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар, хурофий ирим-сиримлар бўлиб, улар юзасидан узил-кесил хулосалар чиқариш, айниқса, мураккабдир.

Исломгача маънавият ҳақидаги тасаввурларимиз, шу сабабларга кўра, барибир узил-кесил бўлиши қийин ва қанча қадим замонларга кириб борсак, шу қадар тарихий ҳақиқат ва афсоналар қоришиб, чатишиб кетади).

2. Ислом даври манбалари қадим даврга нисбатан беқиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Ислом давридан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндошув имкони жиддий тарзда ошади ва миллатнинг маънавий камолот босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик касб этади.

3. Учинчи давр бизга энг яқин бўлгани сабабли уни ўрганиш масалалари тадқиқотчиларнинг анча кенг доирасини қамраб олган. Бу давр манбалари асосан ўзбек, тожик, рус ва қисман бошқа қардош халқлар тилларида сақланган. Аммо бу давр манбаларини ўрганишда ҳам муаммолар етарли.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Миллатнинг маънавий такомил жараёни.
2. Башарият тарихи ва маънавий такомил. Умуминсоний қадриятлар ва миллий маънавият уйғунлиги.
3. Жаҳон маданияти ва миллий маънавиятимиз ривожининг ўзаро нисбатлари
4. Турли минтақа маданиятлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.
5. Миллий маънавиятимиз тарихий такомилини ўрганишнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёт тарихини ўрганишдан фарқли жиҳатлари.
6. Миллий маънавиятимиз тарихий такомилини даврлаштириш муаммолари.
7. Миллий маънавиятимиз тарихини ўрганишда манбаалар аҳволи.
8. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида турк эли маънавий такомилининг рамзий ифодаси.
9. Қадим маънавиятимизни англаб етиш қийинчиликлари.
10. Ибтидоий жамоа даврида шаклланган илк маънавият унсурлари.
11. Уруғ жамоанинг пайдо бўлиши - дастлабки маънавият нишонаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

12. Ибн Халдун ибтидоий жамоа ва шаҳар жамоаси ҳақида.
13. «Авесто»да ибтидоий жамоа маънавияти унсурларининг акс этиши.
14. Жамшид (Йима вахишта) ҳақидаги асотир ва унинг моҳияти.
15. «Авесто»да табиатга муносабат ва ҳозирги экологик муаммолар.
16. Асотир ва асотир тафаккур.
17. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи.

3-боб.
Илк шаҳар маънавияти ва «Авесто» китоби.

Тарихан биринчи зиёлилар - пайғамбарлардир. Чунки улар ўз даври ижтимоий муҳити шароитида муайян устозлар мураббийлигида муайян матнларда битилган муназзам билимлар тизимини ўзлаштириш имконига эга бўлмаганлар. Уларга Олий ҳақиқат сирлари бевосита ваҳий тарзида нузул этган. Минтақамиз анъаналарида Муҳаммад (с.а.в.)гача неча минг наби ва расуллар, юзлаб илоҳий китоб ва суҳуфлар нозил бўлгани қайд этилади.

«Авесто»да тош асри маънавияти унсурлари акс этганини кўрдик. Аммо бу китобда улар асотир кўринишида акс этган ўтмиш хотиралари, холос. «Авесто» маънавиятининг асл моҳияти уларда эмас. «Авесто» китобида аждодларимизнинг неча минг йиллик маданий мероси ўз аксини топган. Аммо унинг яхлит тизимга уюшуви, бизгача етиб келган асос моҳияти Зардушт номи билан боғлиқ. Зардушт «гоҳ»лари неча минг йиллар давомида уни табаррук тутган инсонлар томонидан илоҳий ваҳий, деб тан олиб келинди. Бугун бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш имкондан ташқари. Қуръони каримда Зардушт пайғамбар сифатида, «Авесто» ёки унинг узвий бир қисми илоҳий китоб сифатида эсга олинмаган. Аммо шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, илоҳий китобда Зардушт ёлғон пайғамбарлар сифатида фош этилган эмас, «Авесто» ҳақида ҳам махсус раддия билдирилмаган. Ушбу сир ёлғиз Аллоҳга аён. Биз эса ақлимиз етган даражада мулоҳаза юритамиз.

Ҳар қандай бўлганда ҳам Зардушт гоҳлари «Авесто» матнининг умумий руҳидан маълум даражада фарқ қилиши аллақачон ушбу соҳа билимдонларининг диққатини тортган. «Авесто» матнларининг кўпчилик қисми, юқорида айтиб ўтганимиздек, инсоният онги такомилида асотир тафаккур босқичини акс эттиради. Зардушт «гоҳ»лари эса **тавҳид** ғоялари асосига қурилган, яъни олам ва коинотнинг ягона Парвардигоридан хабар беради, уни Олий ва муқаддас (аниқроғи, мутлақ) билим эгаси - Ахура Мазда деб улуғлайди. Шундан келиб чиқиб, иккинчи босқич ибтидосида ҳақиқатда ҳам илоҳий калом (илоҳий нур) турган эмасмикан, деган тасаввур пайдо бўлади. Тош асри, ҳатто Бронза асри одами ҳам ўз-ўзидан Коинотни ҳис қилган, Коинот сирини ўша даврда англаб ета олган деб ўйлашга ақл бовар қилмайди. Зардушт «гоҳ»лари эса коинотдан, чексиз борлиқ ва унинг моҳиятидан сўзлайди, бир сўз билан айтганда, «ғайб сири»дан огоҳ этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зардушт таълимоти қайси замонга, қай тарихий муддатга тўғри келади, деган саволга ҳануз бир хил аниқ жавоб йўқ.

Юқоридаги иловадан ҳам маълум бўладики, Қадим Юнон ва Рим маданияти вакиллари Заратуштрани ҳатто Троя урушидан 5-6 минг йил қадим ўтган деб ҳисоблаганлар. Дарҳақиқат, Зардушт «гоҳ»лари тил жиҳатидан «Авесто»нинг асотир тафаккур акс этган қисмидан қадимийроқдир. Бу Зардуштнинг тафаккурда ўз замондошларидан бир неча аср ёки минг йиллар илгарилаб кетиб қолганини англатадими ёки «гоҳ»лар матни ваҳий бўлиб, Зардушт пайғамбарлик рутбасига сазовор этилганми? Бу саволларга жавоб топиш имкондан ташқари. Аммо бизнинг минтақада милодий эрадан 3-4 минг йил илгари ҳозирги Туркманистон ҳудудида ва милоддан илгари XVIII-XVII асрлар Жанубий Ўзбекистонда илк (ибтидоий) шаҳар жамоалари пайдо бўла бошлаганини археологларимиз далиллаб беришди. Туркманистон жанубида Намозгоҳтепа, Олтинтепа, Ўзбекистонда Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликлари бу илк шаҳар маданиятининг намуналаридир. Металлургиянинг кашф этилиши, тош қуроллар ўрнини мис ва бронза қуроллари эгаллай бошлаши, тарихчилар шаҳодатига кўра, илк шаҳар жамоалари пайдо бўла бошлаган даврга тўғри келади. Бу босқичда ўтроқ деҳқончилик асосида вужудга келган доимий манзилгоҳлар аста-секин илк шаҳарлар даражасига қараб юксалиб борди. Шаҳарда ҳунармандчилик ривожланиб, турли касбдаги кишиларнинг алоҳида маҳаллаларга бирикуви юзага келди.

Минтақамиз ҳудудидаги қадимшуносларнинг кашфиётларига таянган ҳолда исломгача аждодларимиз маънавий камолотининг иккинчи босқичи бугунги кундан камида 4-5 минг йил илгари бошланиб, то Искандар Мақдуний замонигача ёки, аниқроғи, Эронда Ҳахоманишийлар (Ахмонийлар) сулоласи империя тузган VI асргача давом этгани ҳақида тахмин қилиш мумкин. Бу босқич дунёни асотир тафаккур доирасида яхлит тасаввур қила бошлаш даври бўлди. «Авесто» китоби ушбу тасаввурнинг меваси, ҳосиласидир. Бу даврда қадим Дажла ва Фурот дарёлари оралиғида (Месопотамияда) ҳамда Нил дарёси қуйи оқимида қудратли ёзма маданият яратилди, илк давлат тизими шаклланди. Аждодларимиз бир пайт ўша йирик давлатлар билан турли муносабатларга киришганлар. Улар яратган «Авесто» маданияти маънавий мазмунига кўра, шумер ва аккад тилларида Бобил ва Ашшур давлатлари ҳудудида яратилган асотир маданияти ёдгорликларидан асло кам эмас, балки ортиқ бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, Искандар Мақдуний босқини туфайли юртимизнинг энг қадимги ёзма ёдгорликлари шафқатсиз йўқ қилинди, бизгача мукаммал етиб келмади. Бизнинг бу давр ҳақидаги тасаввурларимиз «Авесто» китобидан бизгача етиб келган жузвлар (қисмлар), ўзга ўлкалар қадим ёзма маданият ёдгорликлари ичидаги маълумотлар ва археологик топилмаларни қиёсий ўрганиш натижасидагина шаклланиб бормоқда. Бу даврда илк шаҳарлар маданияти вужудга келди, турли ҳунарманд тоифалари ажралиб чиқа бошлади, яхлит эътиқод юзага кела бошлади, инсон илк бор Коинот нуридан бевосита баҳраманд бўлди. Асотир тафаккурни, қабилачилик хурофотларини енгиб ўтишга илк қадам -

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккиланиш, тойишлар билан оғушта биринчи тетапоя қадам - қўйила бошланди. «Авесто» китобида акс этган воқелик яхлит олганда кўпроқ шу даврга мос келади. Бу даврнинг энг буюк **маънавий ютуғи** илк бор, гарчи асотир тафаккур билан қоришиқ бир даражада бўлса ҳам боболаримиз руҳида **илм ва имон уйғунлиги** шакллана бошлагани, дейиш мумкин. Агар «Маздаясна», «Ахурамазда» сўзларида яширинган маъноларни Қуръони карим «Бақара» сурасининг 255-ояти («Оят ал-курси») мазмуни билан маълум даражада мувофиқ келишига эътибор қиладиган бўлсак, ўша пайтда ҳам инсоний билимлар манбаи ёлғиз илоҳий боқий билим деб тасаввур қилинганини сезамиз. Аммо у даврлар одамининг аксарияти асотир тафаккур даражасида дунёни тасаввур қилганликлари сабабидан, Зардушт «гоҳ»лари (муножотлари)даги тавҳид ғоялари мушриклик адашувлари билан қоришиб кетди.

Имон *– шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига самимий эътиқод. Имон-эътиқод маънавиятнинг ўзак томири бўлиб, шахс маънавияти имондан бошланади. Халқимиз тилида "имонсиз" деган сўз энг оғир ҳақорат саналиши бежиз эмас.*

«Маздаясна» эътиқодининг ахлоқий тамал тоши – **«эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» бирлиги** қоидаси ҳам шу даврдан келаётган яна бир улуғ маънавий қадрият дейиш мумкин.

Исломгача бутун башарият, жумладан, ўлкамиз халқлари жуда узоқ тарихий жараённи бошдан кечирдилар, буюк маънавий камолот йўлини босиб ўтдилар. Аждодларимиз аввало табиат билан муносабатда маълум уруғ, қабила жамоаси таркибида ўзлигини англаб етган бўлсалар, сўнг минтақа миқёсига чиқдилар. «Авесто» маънавияти Ҳиндистоннинг «Веда» маданияти, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур маданиятлари, қадим Юнон ва Рум антик маданиятлари моҳиятига монанд бўлиб, улар сингари тош асридан бошлаб шаклланиб келган асотир тафаккур асосидаги маънавият эди, унда дунёни, атроф-муҳитни идрок этиш ўзига хос тарзда кечарди. Инсон маънавий камолотининг дастлабки босқичларида бу идрок тарзи анча-мунча ижобий аҳамиятга эга бўлган эса-да, кейинчалик унинг чекланганлиги, ички қусурлари билиниб қола бошлади. Бу маънавий камолотда бўҳрон ҳолатини юзага келтирди, минтақа халқлари тараққиётида маънавий турғунлик хавфи пайдо бўлди. Навоий тимсолларидан фойдаланиб таъбир этганда, аждаҳони енгиб ўтган Фарҳод олдида энди Ахриман-девни енгиш зарурати пайдо бўлди. Маздаясна эътиқоди асотир тафаккур қобиғидан чиқиб кета олмади.

Илм *– шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишда билимга, ақл ва тафаккурга таяниш. Илм нури билан ёришмаган эътиқод "тақлидий имон" ҳисобланади ва такаббурлик билан бирлашса, ақидапарастликка олиб боради.*

Турон ўлкасида асотир тафаккурнинг мутлақ ҳукмронлиги аслида қай даргача бўлганлигини ҳозир айтиш қийин, аммо милодий эра бошланишидан анча илгариёқ бу ўлка халқлари тафаккурида янгиланиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошланган эди. Искандар Мақдуний давридан Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлигининг ёрқин тимсоли - эллинизм йўналиши шаклланган бўлса, кейинроқ Маздаясна эътиқодини қайта ислоҳ қилиш орқали монавийлик бидъати вужудга келди. Кушонлар даврида Ҳиндистондан Будда эътиқоди тарқалиб, Византиядан насронийлар кўчиб кела бошладилар. Сибир ва Мўғулистон туркий халқлари Кўк тангри эътиқодини такомиллаштириб бордилар. Ўлкамизда миллий бирлик тамойили кучайиб бориши эътиқодлар хилма-хиллиги билан бир пайтга тўғри келди. Бундай мураккаб маънавий вазиятнинг ҳам ижобий, ҳам маълум даражада салбий оқибатлари ўзини кўрсатмоқда эди. Ижобийлиги шунда эдики, аждодларимиз онгидан асотир тафаккур унсурлари аста-секин сиқиб чиқарилиб, миллий тафаккур етакчи мавқега кўтарилиб борди. Салбий жиҳати шунда эдики, эътиқодда собитлик, дунёни идрок этишда яхлит тасаввурлар тизими йўқ эди. Эски асотир тафаккурнинг инсон онгидаги мутлақ ҳукмронлиги бой берилгач, фақат миллий бирлик, ягона давлатчиликка интилишгина маънавиятдаги умумийликни маълум даражада сақлаб турар эди.

Инсон дунёни, воқеликни, борлиқ моҳиятини тўлиқ ва тўкис, муайян ва равшан идрок этиши учун яна бир илоҳий иноят лозим бўлди. Инсоният ҳаётидаги бу улуғ маънавий янгиланиш Арабистон ярим оролидан дунёга тарқалди. Жоҳилия (яъни исломдан аввалги давр) арабларини баъзан ялпи ибтидоий жамоа тузумида яшагандек талқин этишади. Бу тўғри эмас. Араб тили қадим Бобил халқи аккадлар ва қадим яҳудийлар тили билан бир гуруҳдаги қардош тиллардан бўлиб, шунинг ўзи араб халқининг қадимийлигига ишорадир. Жанубий Арабистондаги Яман ва Хадрамавт ўлкаларида милоддан аввалги минг йиллик бошида ёзма маданият ва давлатчилик анъаналари яхши ривожланганлиги фанга маълум. Кейинги даврларда ҳам Арабистонда турли подшоликлар мавжуд бўлган. Фақат ўзгалар сингари араблар ҳам Қуръони карим нозил бўлишидан олдин маънавий ва ижтимоий жиҳатлардан бўҳронли ҳолатда эдилар.

Яна бир нарсани қайд этиб ўтмоқ лозимки, арабларда то VII асргача «Авесто» ёки «Ведалар» сингари мукаммал шаклланган асотир дунёқараш тизими мавжуд эмас эди, бу ҳолат, айтиш мумкинки, янги яхлит эътиқод тизимини қабул қилишни маълум даражада осонлаштирар эди. Аксинча, минтақада ва унинг чегараларида тавҳид таълимотига асосланган яҳудий ва христиан эътиқодлари кенг тарқалганлиги ҳам бирмунча жараённи осонлаштирар эди. Ўша даврда араб қабилаларининг ҳолати туркий қавмларнинг Буюк турк хоқонлиги тузилишидан бироз олдинги аҳволига яқин бўлиб, улар олдида ҳам қабилачилик зиддиятларини енгиб ўтиб, ягона миллий давлат тузиш зарурати рўй-рост кўриниб қолган пайт эди.

Илова:

«Авесто» китоби ва «Мазда ясна» эътиқоди

(*Тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқов ва фалсафа фанлари номзоди Муҳаммаджон Қодировларнинг материаллари асосида талабаларга қўшимча фойдаланиш учун матн)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу эътиқоднинг асл келиб чиқиши, унинг пайғамбари ва «Авесто» китоби ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Китобнинг асли номи «Апастак» бўлиб, парфиёнча «матн», ёки бошқа талқинларга кўра «тайин этилган», «муқаррар қилинган» «ўрнатилган» маъноларини билдиради. Бу китоб пайғамбар Зардушт («Авесто»да Заратуштра) номи билан боғланади. Қадим юнон тарихчиси Плутарх Зарадуштра Троя урушидан 6 минг йил илгари туғилган деб таъкидлайди. Агар Троя уруши милодий эрадан 1200 йил илгари юз берганини назарда тутсак, Зардушт яшаган давр бугунги кундан 9 минг йил олдин бўлиб чиқади. Аристотель Зардушт вафотини Платон (мил. авв. 428-348 й.) вафотидан 6 минг йил илгари бўлган деб кўрсатади. Гермодор ва Гермини Зороастр (юнонча талаффуз) Троя урушидан 5 минг йил илгари яшаган, деб ҳисоблайдилар.

Зардуштийлик дини ва унинг тарихини жиддий ўрганган олим Мэри Бойс бу диннинг шаклланиш даврини милодий эрадан илгариги XIV-XII асрларга тааллуқли деб топади. Қатор олимлар Зардушт пайғамбарлик эълон қилган даврни милодий эрадан олдинги VII асрга оид дейдилар.

Ҳар ҳолда ўлкамизга Искандари Мақдуний лашкарлари билан эллинизм таъсири етиб келгунга қадар бўлган энг қадимги мукаммал шаклланган диний эътиқод «Авесто» китобларида акс этган «Маздаясна» эътиқоди бўлиб, уни Янги давр фанида кўпинча пайғамбари номи билан «зардуштийлик» деб келишган. Дунёда кенг тарқалган яна бир янглиш тасаввур зардуштийликни фақат Эрон билан боғлаб, «Авесто» маданиятини шу ҳудудгагина алоқадор деб билишдир. Тўғри, сосонийлар империяси даврида (мелодий 224-651 йиллар) Эронда зардуштийлик давлат дини даражасида бўлган. Аммо бу диннинг келиб чиқиши сосонийлардан эмас, ҳатто Искандар Мақдунийдан ҳам илгариги даврга тўғри келиши назарда тутилса, сосонийлар даври зардуштийлиги мутлақо иккиламчи ҳодиса эканлиги аён бўлади.

Зардуштийликнинг ҳақиқий ватани ҳақида «Авесто» китобининг ўз маълумотларига суяниш, бизнингча, энг мақбул йўлдир. «Авесто»нинг бугунгача сақланиб қолган қисмларидан бири «Вендидад» нинг биринчи бобида Ахура Мазда яратган ўлкалар саналади:

1)Арийана Ваэжа, 2)Гава, 3)Моуру (Марғав), 4)Бахди, 5)Нисая, 6)Харойива, 7)Вэкерта, 8)Урва, 9)Хнента, 10)Харахваити, 11)Хетумант, 12)Рага, 13) Чахра, 14)Варна, 15)Хапта Ҳиндав, 26)Упа Аодшу Рангхайа.

Олимларнинг тадқиқотлари натижасида булар тақрибан ҳозирги қуйидаги ўлкаларга тўғри келиши маълум бўлди: 1)Хоразм ёки Аму ва Сир оралиғи, 2)Суғдиёна, 3)Марғиёна, 4)Бақтрия(Балх), 5)Ниса (Парфия пойтахти- ҳозирги Туркманистоннинг жануби ғарбида), 6)Ҳирот, 7)Кобул, 8)Тус(ҳозирги Эроннинг Хуросон вилояти), 9) Гўргон (Астробод), 10)Ҳорут, 11)Гилманд(ҳозирги Афғонистон шимоли), 12)Рей (Теҳрон), 13)Чеҳра(Хуросонда), 14)Варна(Каспий денгизи жануби), 15)Ҳинд дарёси бўйлари, 16)Рангҳа дарёси келиб чиқувчи жой. Албатта, баъзи жой номлари ҳануз баҳсли. Аммо «Авесто» китобида санаб ўтилган ерлар бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон (жумладан, ҳозирги Эрон ва Афғонистоннинг шимолий ўлкалари)ни қамраб олганлиги кўриниб турибди. «Авесто»да Орол денгизи (Ворукаша ёҳуд Вурукаша) ва Амударё (Дойтия) ҳам таъриф этилади. Демак, дастлабки даврларданоқ зардуштийлик ёки аниқроғи, «Маздаясна» эътиқоди, эроний ва туроний халқлар қадимдан аралашиб яшаган яхлит бир минтақани қамраб олган ва шу ҳудудда тарқалгандир. «Авесто» тили ўша даврлардаёқ жуда қадимий тил ҳисобланар ва Эрон империясининг расмий тили бўлмиш қадим форс тилидан ҳам фарқ қилар эди.

«Авесто» тили шарқий Эрон тиллар гуруҳига кирувчи суғд, хоразмий ва бохтарий тиллари билан кўпгина умумий жиҳатларга эга. Бу асар Искандар истилоларидан анча илгари 12 минг бузоқ терисига ёзилганлиги кўп манбаларда ёд этилади. «Авесто»энг қадимги ҳисобланган қисмларида темир қурол ҳақида маълумот йўқ, аммо сариқ рангли болта ҳақида эслаб ўтилади. Шу каби далиллар асосида ҳолда «Авесто» китоблар

www.ziyouz.com kutubxonasi

мажмуасида акс этган маданиятга **бронза асри** маданий қатламидан бизгача етиб келган буюк мерос сифатида қарашимиз мумкин. Милодий эрадан илгариги V-I минг йилликлар орасида шаклланган бу маданий яхлитлик, албатта, ўз ички такомил босқичларига эга бўлган. Башарият такомилидаги бу маданий босқичларнинг биринчисини «Авесто»нинг ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда Жамшид (Йима) даври, яъни **тош асри** маданиятига оид деб ҳисобласак, ундан кейинги босқични шартли равишда **бронза асри** ёки илк шаҳар маданияти босқичига тўғри келади, деб қайд қилиш мумкин. Бу китобда турли қабила асотирлари билан тавҳид эътиқодидан таълим берувчи қарашлар ўзаро чатишиб кетгани сезилади. Бу башарият онгидаги мураккаб тафаккур жараёни бир неча минг йилларни ташкил этиши мумкин. Намозгоҳ ва Олтинтепа, Сополли ва Жарқўрғон илк шаҳарларида истиқомат қилган аҳоли ушбу мураккаб маънавий жараённи бошдан кечирганлиги кўпгина ашёвий далилларда кўзга ташланади. Албатта, археологик қазилма натижаларининг тадқиқ ва талқини, қадим матнлар тадқиқ ва талқинидан жиддий фарқ қилади ва уларни қиёсий ўрганишда баъзан деярли ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлади. Аммо на илож, биз Аллоҳ иноятига умид билан ўз ўтмишимизни билиш учун астойдил уринсак, ажаб эмас, яширин ҳақиқатлар бироз ойдинлашса.

Биз зардуштийлик деб ўрганган эътиқод тизими асли манбада «Мазда ясна даэна» (Маздага сиғиниш дини) деб аталган.»Мазда сўзи «билим», «билимдонлик»,»донолик»,»донишманд», «оқил» маъноларига тўғри келади. Бу сўз олдига «Ахура»(«парвардигор»,»бутун борлиқнинг эгаси, ҳукмрони») сўзи қўшилса- Ахура Мазда исми ҳосил бўлади. Шундай қилиб, «олий, илоҳий билимлар эгаси» маъносидаги Ахура Мазда «Маздаясна» динида ягона тангри, борлиқни яратувчи қудратли зотнинг номланишидир.

IX асрда тузилган «Авесто» шарҳига оид «Денкарт» китобида баён этилишича, қадим замонда Наврўз байрамига тайёргарлик кунларида муқаддас хаома ичимлиги тайёрлаётган коҳинлардан бири Зардушт саҳар палласида дарё ёқасига сув олиш учун тушади. Шу пайт дарёнинг ўртасида нурли сиймо- Ахура Мазданинг Воҳу Маана (Эзгу фикр) исмли малаги пайдо бўлади. Воху Маана Зардуштни етаклаб Ахура Мазда ҳузурига олиб боради. Борлиғи эзгу нур билан йўғрилган Ахура Мазда замину осмондаги барча эзгу нарсаларнинг яратувчиси эканини Зардуштга билдиради. Одамлар орасида Ахура Маздага сиғиниш эътиқодини ёйишга Зардуштни масъул қилиб, уни «пайғамбар», яъни хабар етказувчи қилиб танлаганини эълон қилади.

Бу тасвир асосида бир қатор тадқиқотчилар «Мазда ясна» дини ваҳий орқали билдирилган илк самовий эътиқод бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар.

Зардушт яшаган даврда аждодларимиз ҳали ёзувга эга эмас эдилар. Зардушт Ахура Мазда пайғамбарлигига мушарраф бўлиб, у ҳақида, унинг дини ҳақида турли қавмларга хабар етказган замонларда ўша даврнинг турли қабила ва уруғ маъбудларига бағишланган мадҳия-алқовлар, афсун ва асотирлар кенг тарқалган бўлган. «Авесто» китобини тўлалигича Зардуштга нисбат бериш дуруст эмас. Асли «Авесто» таркибида бевосита Зардушт номи билан боғлиқ матнлар «Ясна» китоби таркибига киритилган 17 қўшиқдан иборат «Гоҳ»лар бўлиб, илмий адабиётларда уларни «Гате» ёки «Госе» ҳам дейишади. «Госе»сўзининг сўнгги ундош товуши ўта юмшоқ тиш оралиғи, тил олди сирғалувчи товуш бўлиб, талаффузи инглиз тилидаги th ҳарфлари билан ифодаланувчи товушга яқиндир. Бу товуш тилнинг тарихий ривожида кейинчалик ҳ ҳарфи билан ифодаланувчи товушга айланган ва бугунги кундаги «дугоҳ», «сегоҳ», «чоргоҳ» атамалари таркибида учровчи «мусиқий оҳанг»,»қўшиқ» маъносига мос келувчи «гоҳ» тушунчаси ўша қадимги «госе»дан келиб чиққандир. Зардушт «гоҳ»лари мадҳия ва панд йўсинидаги муножотлардан иборат бўлиб, «Авесто» таркибидаги «Ясна» китобининг 28-34, 43-51 ва 53 бобларини ўз ичига олади.Улар асосан Ахура Мазда динини тарғиб этишга бағишланган.

«Гоҳ»ларда Ахура Мазда ваҳийси билан тинч-осойишта яратувчиликка қаратилган ҳаёт, оқил ва адолатли ҳукмдор раҳнамолиги, ижтимоий ва маънавий уюшиш ғоялари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташвиқ этилади. Турли хурофотлар, ёлғон ва талончилик, ҳуда-беҳуда ҳайвонлар қонини тўкиб, қурбонликлар ўтказиш қаттиқ қораланади. Ҳар бир қабила, ҳар бир уруғ ўзи ўйлаб топган ёлғон маъбудаларга сиғиниб, бефойда қурбонликлар келтириб юрган бир пайтда, Ахура Мазданинг якка-ягона парвардигор, Борлиқнинг донишманд, одил ва оқил мутлақ яратувчи ва идора этувчи эканини эълон этиш, инсонларни ягона тангрига эътиқод этишга чақириш илк бор инсон қалбини илоҳий нур ёритганлигининг далолати бўлиши мумкин.

Агар Зардушт инсоният тарихидаги минглаб пайғамбарларнинг биринчиларидан бўлган бўлса, унинг тақдири ҳам ўша қадим даврларда ўтган ўзга набилар ҳаёти сингари мураккаб ва машаққатли бўлди. «Гоҳ»ларда Зардушт ўзи бунга ишора этади:

Бошим олиб қайга кетай, қайдан топай паноҳ,
Ўз қавмимда тан олмаслар, қувлар уруғдошларим...

Умуман «гоҳ»ларда ҳаётий воқеа- ҳодисаларга ишоралар жуда кўп.Уларда уй ҳайвонларини, моддий неъматларни етиштириш тарғиботи жуда изчил бўлиб, табиат бойликларини нест-нобуд этиш, талончилик, инсон меҳнатига беписандлик ёвузлик сифатида талқин этилади. Ҳамма ёвузликларнинг боши ёлғончилик ва бебошвоқ ҳаётдадир.

Бу давр, тарих нуқтаи назаридан, милодий эрадан бир неча минг йиллар илгари башарият маданий-маънавий такомилида юз бера бошлаган эврилиш билан боғлиқ бўлиб, ибтидоий уруғ-жамоалар ўрнига илк суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвадорлик заминида шаклланa бошлаган илк шаҳар маданияти, давлатчилик асосларининг вужудга келиши, яхлит мафкуравий тизимга эҳтиёж туғилиши каби ҳодисалар билан бевосита алоқадордир.

Зардушт таълимотининг ахлоқий қарашлари ниҳоятда ибратлидир. Мазда ясна эътиқодига амал қилган ҳар бир инсон ибодат олдидан қуйидаги ният сўзларини баралла овозда айтмоғи лозим эди:

«Қувонсин Ахура Мазда, энг лойиқ Ҳақ таолонинг иродаси рўёбга чиқиб, Ангра Майню даф бўлсин. **Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал**ни алқайман. Ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларга бағишлайман. Қабиҳ ўй, қабиҳ сўз ва қабиҳ ишлардан юз ўгираман... Ҳақни шарафлаб дейман: «Ҳақиқат олий неъмат, бу неъматдан ул киши баҳраманд ва савоб унга бўлғайки, у агар энг эзгу Ҳақ йўлида савоб ишдан қолмаса». Маздага сиғинаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёвман. Ахура Мазда сўзига даъват этаман, деб имон келтираман...Нурафшон Ахура Маздага сиғинишим туфайли унинг севинчига топинчу ҳамдларим, суюнчу олқишларим бўлсин. «Эзгуликда беназир эгам...» дея бошлайман ушбу ибодатимни...»

Зардушт даврида «Авесто» китоби бирор бир тартибга солиб йиғилганмиди, бунинг аниқ жавоби йўқ. Ҳар ҳолда Зардушт ягона Ахура Мазда номидан пайғамбарлик қилгани, фақат унинг хабарини элга ёйишга уринган эътиборга олинса, дастлабки таълимот кейин шаклланган»Авесто»дан фарқ қилган, унинг таркибидаги муқаддас дуо ва такбирлар ёлғиз Ахура Маздага бағишланган бўлиши керак.

Зардуштдан кейинги асрларда унинг таълимоти ёйилган юртларда маҳаллий элатлар, қабила ва уруғлар орасида тарқалган асотир тасаввур асосидаги мушриклик унсурлари, ҳар бир элатга хос ибтидоий маъбудаларга топиниш хурофий анъаналари аста-секин Маздаясна эътиқоди билан муросага келтирилган. Натижада соф якка худолик тизими қобиғига қадим хурофий маросим ва удумлар ҳам жойлаша борган. «Авесто» китобининг такомил йўли ушбу жараённи бутун ички мукаккаблигида акс эттирувчи зиддиятли ва кўп қатламли асотир тасаввурлар ва ягона тангрига эътиқоднинг қоришиқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳақда илмий адабиётда В.А.Лившиц, С.Н.Соколов сингари таниқли мутахассис олимлар ҳам фикрларини баён қилишган.

«Авесто» китобида ўз аксини топган ғояларни дуалистик талқин қилиш ҳам фанда кенг тарқалган. Бунга маълум даражада «Ясна» китобининг 30-бобидан ўрин олган фанда

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ахлоқий дуализм» деб номланувчи инсонлар оламига хос Яхшилик ва Ёмонлик орасидаги кураш тасвири ҳам сабаб бўлган, дейиш мумкин. Кейинчалик, милодий III-асрда яшаган Моний зардуштийликни ушбу руҳдаги талқинига урғу бериб, ўзининг машҳур монавийлик бидъатини яратди. Унга кўра бу олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик орасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Моний Ахурамазда(Хурмуз)ни ёруғлик ва яхшилик илоҳи, Анхрамайну(Ахриман)ни зулмат ва ёмонлик илоҳи деб талқин қилади ва улар ўртасидаги кураш абадий давом этади, деб ҳисоблайди. Авестонинг баъзи жойларини илоҳий учлик руҳида талқин қилишлар ҳам учраб туради.

«Авесто» китоби дастлаб 12 минг ошланган бузоқ терисига ёзилганлиги ҳақида маълумотлар борлигини эслаб ўтдик. Ўша қадим китобда 1200 боб (фрагард) мавжуд бўлиб, қадим юнон тарихчилари хабар беришича, 2 миллион мисра (сатр)ни ташкил этар экан. Бу китобнинг бизгача яхлит етиб келишига Искандари Мақдуний истилолари монелик қилди. Ривоятларга кўра, Искандар китобнинг бир нусхасини Юнонга жўнатиб, қолганларини ёқиб юборган. Кейинчалик аршакийлар шоҳи Валахш «Авесто» китобининг коҳинлар ёдида қолган барча қисмларини тўплаб, асл матнни тиклаш ҳақида фармойиш берган. Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашер Попокон(227-243) даврида донишманд вазир коҳин Тансур раҳбарлигида «Авесто» матни қонунлаштирилган. Ардашернинг ўғли Шопур (243-273) ушбу китобга кирмай қолган илми нужум, тиб, риёзиёт, фалсафага оид қисмларни тўплаб, қайта кўчиртирган. Кейинги шоҳлар даврида матн яна бир неча марта бойитиб кўчирилган. Ушбу иккинчи қайта йиғилган матн-«Денкард» китобида берилган маълумотларга кўра, 348 бобни ўз ичига олувчи 21 китобдан иборат бўлган. Ҳар бир китоб «наск» деб аталган. «Денкарт» китобида ушбу ҳар бир китобнинг мавзу ва мазмуни қисқача баён этилган. Жумладан, 1-наск - саҳоват, валийлик, савоб ишларнинг мазмун ва моҳияти;2-наск - диний маросим амаллари; 3-наск – Маздаясна эътиқоди моҳияти ва ақидалари; 4-наск - оламнинг яралиши, фано ва бақо, руҳларнинг қайта тирилиши, қиёмат; 5-наск - самовот, осмоний жинслар, 6-наск - покланиш қонун-қоидалари; 7-наск - коҳинлар ҳаёти тартиб-интизоми; 8-наск - ҳуқуқий масалалар;10-наск- Виштаспнинг шоҳлик замони, унинг Зардушт даъватини қабул қилиши; 11-наск - башарият тарихи; 12-наск - Зардуштнинг эзгу ишлари ва болалик даври;

13-наск – ҳар бир ишда адолат, ўзгалар ҳақидан қўрқиш, тош-тарози ўлчовида ҳалоллик, авлиёлар тарихи; 14-наск - адлиявий ва ҳарбий қонунлар, никоҳда қондошликка қарши қонунлар, дин аҳкомлари; 15-наск – коҳинлар таълими, мунажжимлик ва фолбинлик; 16-наск - мулк ва оила ҳуқуқи; 17-наск - девлар ва жинларга қарши амаллар, расм-русум, таҳорат ва бошқа покланиш қоидалари (ушбу қисм мавжуд «Авесто»матнида «Видевдат» аталувчи бугунгача тўлиқ етиб келган китоблардан бирининг мазмунини ташкил этади); 18-наск - руҳнинг у дунёдаги «саргузаштлари» хусусида бўлиб, 19-наск - Ахура Мазда ва унинг олти улуғ фариштаси- ўлмас муқаддас малоикалар шаънига алқовлардан иборат. Ушбу 21 китобнинг умумий ҳажми олимлар ҳисоблашига кўра 345700 сўздан иборат бўлган.

Араблар босқини натижасида бу кейинги йиғилган китоблар ҳам йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда фақат «Видевдат» («Девларга қарши амаллар») наски тўлиғича ва яна бир неча китобдан айрим қисмлар сақланиб қолган. Бу мавжуд матн 4 китоб, 140 боб, 83000 сўздан иборат бўлиб, сосонийлар даври матнининг бор-йўғи чорак қисмини ташкил этади. Ушбу асарнинг бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмаси 1278 йилда кўчирилган.

Биринчи»Вендидад»(Ўрта форс тилида «Видевдат», «Авесто» тилида «Ви даево датем») китоби 22 боб (фрагард) бўлиб, унинг биринчи боби юқорида санаб ўтилган ўлкалар таърифидан иборат, яъни ўзига хос Авесто жўғрофиясини ташкил этади. Иккинчи бобда афсонавий подшоҳ Жамшид (Йима Хшайта) ҳукмронлигида ўтган башарият тарихи асотир тасаввурларга биноан баён этилади. Учинчи боб деҳқончилик, хонаки чорвадорлик, оила, покиза ҳаёт, оловни улуғлашга бағишланган. Бу боб Ахура Маздага саволлар ва унинг жавоблари асосига қурилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зардушт савол беради:

- Эй,моддий оламнинг яратувчиси! Ер юзида қайси ўлка сенга энг мақбулдир?

Ахура Маздaнинг жавоби:

-Қаерда тақводор инсон ўзига оила қурса, унда олов ва сут, аёл ва фарзандлар, чорва бўлса, ўша ўлка мақбулдир, бундай ўлкада чорва ҳам мўл, аёл ва фарзандлар ҳам мўл, олов ва турли неъматлар ҳам, озуқа ва итлар ҳам мўл, тақводорлик ҳам ортиқдир...

Эй, Зардушт Спитама! Қаерда ғалла, ўт- ўланлар, емиш учун турли сабзавот ва мевалар кўп етиштирилса, қўриқ ерлар суғорилиб, ботқоқликлар қуритилса, қўй ва моллар кўп боқилса, улар гўнги ерга (тупроққа) солинса, ўша ўлка энг мақбул ўлкадир. Кимки бу ерга, эй, Зардушт Спитама, ўнг ва чап қўли билан ишлов берса, ўша, дарҳақиқат барака топади.

Севгувчи эр ўз маҳбубаси-аёлини юмшоқ ўринда қандай эркалаб, унга ўғил ё бошқа фарзанд бахш этса, деҳқоннинг ерга ишлов бериши ҳам шунга ўхшашдир.

Шунда ер унга айтади:

-Эй, инсон, сен мени ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан парвариш этсанг, чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан ишлов берсанг, мен сенга мўл ҳосил ва турли неъматлар етказиб бераман.

Ким агар бу ерга ишлов бермаса, эй, Зардушт Спитама, агар ўнг қўли ва чап қўли билан ерни парвариш этмаса, ер унга айтади:

-Эй, инсон, сен менга парвариш бермас экансан, билки, абадул-абад ўзгалар эшиги олдида сарғайиб, тиланиб турувчилар қаторида бўласан, сенинг олдингдан эртаю кеч турли таомларни олиб ўтишади (сен эса қараб қола берасан)...

Ким ғалла экса, у тақводорлик уруғини экади, ғаллани ўриб янчишга тайёрлашганда, девларни тер босади, тегирмонни ун тортишга ҳозирлашганда, девлар тоқати тоқ бўлади, ундан хамир қоришга киришганларида, девлар зор қақшаб фарёд чекишади, хамирдан кулча ясаб, тандирга ёпишганда, девлар даҳшатдан уввос тортишади».

Бу китобнинг қолган боблари покизалик, гуноҳ ва савоб, ҳалол ва харом масалаларига бағишланган бўлиб, улар қаторида оловни, сувни, тупроқни уй ҳайвонлари, турли дарахт ва ўсимликларни улуғлашга бағишланган дуолар ҳам мавжуд. Маздаясна динида покизалик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, «Вендидад»нинг 17-боби тўлиғича соч ва тирноқлар парваришига бағишланган. 18-бобда Ахура Мазда хабарчиси Суруш ва унинг қуши ҳисобланмиш хўрозга алоҳида эътибор қаратилган. 19-бобда ёвузлик даҳоси, девлар ҳукмдори Анграа Майнюнинг ёлғончилик деви Друж (ҳозирги форс тилида «дуруғ»-ёлғон демакдир) ёрдамида Зардуштни йўлдан оздириш ёки ўлдириш учун уринишлари тасвир этилади. Зардуштга Ахура Мазда мадад беради. Чексиз замон тимсоли Зурван (Зрвана акарана)га муножот ҳам ушбу бобдан ўрин эгаллаган. Ушбу бобда вафот этганлар руҳи Чинвад_кўпригидан ўтиши жараёни тасвирланади. Ёвузлар руҳи бу кўприкдан ўта олмай тубсиз зулматга қулайди, тақводор инсонлар руҳи эса Чинвад кўпригидан эсон-омон ўтиб, Хара тоғига Гаронмана маконига етишадилар. 20-бобда энг биринчи табиб- Трита ҳақида, 21-бобда эса муқаддас ҳўкиз, булутлар, қуёш, ой, юлдузлар, бепоён ёғду ҳақида мадҳиялар, 22-бобда Ахура Маздaнинг Анграа Майнюга қарши жанги ва Зардуштнинг бу курашдаги иштироки ҳақида гап боради. Иккинчи сақланиб қолган китоб «Висперед»(ўрта форс тилида Виспарт, «Авесто» тилида «Висператаво»-»Барча қудрат эгалари») дейилади. Унда «карде»(«Авесто» тилида «керети») деб аталувчи 24 боб мавжуд бўлиб, тўлиғича дуолар китобидир. Бу китоб бирмунча кейин «Авесто» таркибига қўшилган деб тахмин қилинади. Учинчи китоб «Авесто»нинг энг катта қисми «Ясна» бўлиб, 72 бобдан иборат. Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, ушбу китобнинг 28-34,47-51 ва 53 боблари Зардушт «Гоҳ»ларидан иборат бўлиб, илгари улар бошқа китоблар таркибида бўлгани тахмин этилади. Зардушт «Гоҳ»лари «Авесто» таркибидаги энг қадимги қисмлар экани уларнинг тил

www.ziyouz.com kutubxonasi

хусусиятларига кўра ҳам аниқдир. «Авесто» яхлит китоб ҳолига келтирилган пайтлардаёқ ушбу «Гоҳ»лар тилини тушуниш ҳатто «Маздаясна» дини коҳинларига осон бўлмаган.

Зардушт «Гоҳ» ларидан бирида башарият тарихи уч даврга бўлинади: 1) давр - ибтидоий тузум бўлиб, ер юзида эзгулик ҳукм сурган, инсонлар гуноҳ нима билмаганлар. Аммо Вивахвант ўғли шоҳ Йима(Жамшид) «одамларнинг кўнглини олмоқ учун» уларга гўшт ейишни ўргатган. Шундан сўнг 2-давр - эзгулик ва ёвузлик аро аёвсиз кураш даври бошланган. 3- давр - келажак бўлиб, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонгач бошланади.

Зардушт таълимотига кўра инсонлар ўз амаллари билан эзгулик ғалабаси учун хизмат этмоқлари керак, ёлғон-ёвузлик кучларига кескин зарба бермоқлари лозим.

«Ясна» китобининг бошқа боблари асосан қурбонлик пайтида ўқилувчи дуолар, турли эзгу зотлар шаънига мадҳиялар, маросим дуолари, Муқаддас хаома ичимлиги ва эзгулик хабарчиси Суруш, сув руҳи -Ардвисура Анахита ва олов руҳи Атарни мадҳ этувчи, ёвуз руҳлар-девларни ҳайдовчи дуолардан ташкил топган. «Ясна» боблари «Ҳа» деб аталади. Зардушт «Гоҳ»лари орасида «Ясна хапта хатай»(етти боб Ясна) деб номланувчи қисм мавжуд бўлиб, бу 7 боб «гоҳ»ларга тенг тутилади. Ундан муқаддас ҳўкиз руҳи ва унинг яратувчисига аталган мадҳиялар ҳам жой олган. «Ясна» китобининг баъзи боблари бир-бирини маълум даражада такрорлайди.

Тўртинчи китоб- «Яштлар» деб аталади. Ундаги ҳар бир боб («яшт») алоҳида бир маъбуд ёки маъбудага («йазат», форсча «йазид» сўзи шундан; «ясна» сўзининг ҳам келиб чиқиши «яз» ўзагидан бўлиб, бу ўзак «сажда», «таъзим», «топинч» маъноларига эга, яъни «йазид» ёки «йазат»нинг асл маъноси «топиниш объекти», «маъбуд» бўлиб чиқади) бағишланган мадҳия- алқовлардан(«яшт»- «алқов», «мадҳия») тузилган бўлиб, жами 22 бобдан иборат. Ҳозирги пайтда Эронда, ҳижрий қуёш йилидаги қатор ой номлари ушбу бобда тилга олинган маъбудлардан баъзиларининг исми билан аталган. Масалан, Меҳр (Митра- нур фариштаси), Тир (Тиштрия- Муштарий юлдузи), Обон (Ардвисур Анахита- сув фариштаси), Фарвардин (тақводорлар руҳи-фравашай сўзидан).

Бу номлар билан аталган маъбудалар 5,8,10,13-»яшт»ларда мадҳ этилади. Бундан ташқари Хурмуз (Ахура Мазда), қуёш (Хуршид- Хваршет), Ой (Моҳ), Суруш, Баҳром (Барахран-Вертрагна-чақмоқ фариштаси), Хома (муқаддас ичимлик) ва бошқаларга бағишланган алқовлар (гимнлар) ҳам ушбу тўпламдан ўрин эгаллаган.

«Авесто» ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли коҳинлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун кейинчалик унинг иҳчамлаштирилган шакли – «Кичик Авесто» (Хурде Авесто) яратилган.

Хуллас,»Авесто» китобида жамланган билимлар тош асрининг охирги босқичи ва бронза асри даврида, яъни 5 минг йилдан ошиқ давр ичида Туронзамин ва ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий ўлкаларида истиқомат қилган турли элат ва халқлар яратган бой ва ранго ранг маънавий меросни ўзига хос бир яхлитлик ва шу билан бирга ички мураккабликда акс эттирган бўлиб, минг афсуски, унинг жуда кўп қисми бизгача ўша даврлардаги мукаммаллигида етиб келмади. Искандари Мақдуний истилолари, араблар босқини бу ўринда ҳалокатли таъсир қилди. Аммо бу бой мерос ўша қадим даврлардаёқ дунёнинг турли халқлари маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатгани бугунги кун илмига сир эмас.Айниқса, қадим юнон маданияти (фалсафаси, адабиёти, илми) бу таъсирдан баҳраманд бўлганлигига кўплаб гувоҳликлар мавжуд.

Искандардан кейин Туронзамин халқлари маданияти эллинизм унсурлари (юнон маданияти билан Шарқ маданиятининг синтези), буддизм, христианлик (кўпроқ, насронийлик қиёфасида), Ҳиндистон ва Хитойдаги бошқа турли эътиқодлар билан танишди. Маздаясна эътиқоди билан баъзи бошқа қарашлар таъсири остида милодий аср бошларида монавийлик таълимоти юзага келди ва минтақада кенг шуҳрат қозонди. Сосонийлар даврига келиб зардуштийлик яна янгидан буюк бир империянинг дини сифатида ҳукм сурди, янги муҳитда ривожланди, баъзи жиҳатлари янгиланди. Ҳақиқатни тан олиш керак, бизнинг бугунги қўлимиздаги маълумотлар Сосонийлар даври ёзма ёдгорликлари орқали етиб келгандир. Бу даврда «Авесто»нинг барча сақланиб қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмлари ўрта форс (ёки пахлавий) тилига таржима қилинди, илмий, диний ва бадиий адабиётда «Авесто» матнлари кенг истифода этилди. Араблар Хуросон ва Мовароуннаҳрни эгаллаганларидан сўнг, кўпчилик ислом эътиқодини қабул қилганда ҳам зардуштийлар Самарқандда, яна бошқа баъзи жойларда яшаб келдилар, ўз эътиқодларидан қайтмадилар. Фақат мўғул босқини Ўрта Осиё ҳудудидаги зардуштийлик жамоаларига тўлиқ барҳам берди, дейиш мумкин. Ҳозир зардуштийлик эътиқодини маҳкам тутганлар, асосан, Ҳиндистонда «парслар» номи билан жамоа бўлиб яшайдилар. Эроннинг жануби-шарқида ҳам анча-мунча бор, деб ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги «Авесто»ни, албатта, мустақил мутолаа қила олмайди. «Авесто» матнларининг талқини тўлиқ ҳолда коҳинлар тоифаси қўлида. «Авесто»ни ўрганиш ислом даврининг биринчи босқичида анча кенг йўлга қўйилган эди. Тарихчи Масъудий, Ибн Балхий, Табарий, Беруний ва бошқалар бу китоб ҳақида тайинли маълумотлар келтиришган.

Янги давр Европасида бу китобни ўрганиш XYIII асрдан бошланди ва толмас француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон (1731-1805) «парслар» орасида неча йил юриб, «Авесто» тилини ўрганиб,»Авесто»нинг мавжуд китобларини француз тилига таржима қилди ва бу таржима 1771 йилда босилиб чиқди. Ўша даврдан бери бу масалани Европа олимларидан П. Бартоломе, Родэ, Р.К. Раск, Г. Риттер, Э. Бюрнуф, Весторгорд, Ф. Шпигель, Ф. Юсти, С. Дехарле, В. Гейгер, П. Рот, Бенфей, Фр. Виндишман, Х Бартоломе, М. Хауг, К. Гельднер, И. Дармстетер, Е. Бенвенист, Ф. Альтгейм, И. Гершевич, Н.С. Нюберг ва бошқалар, парсларнинг ўзларидан чиққан бир қатор олимлар, қатор рус шарқшунослари, жумладан, Вс. Миллер, К. Коссович, К. Залеман, А.О. Погодин, В.А. Рагозина, В.В. Стуве, С.П. Толстов, Е.О. Бертельс, А.О. Маковельский, С.Н. Соколов, И.С. Брагинский ва бошқалар ўрганиб келишди. «Авесто» китобининг илмий- танқидий матнлари ва бир қанча Европа тилларига таржималари босилиб чиқди. Аммо бу ҳақдаги баҳслар ҳануз тинган эмас.

Хуллас, «Авесто» китоблари мажмуи исломгача бўлган маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ҳолатидан бизни анча мукаммал хабардор қилувчи ёзма манба сифатида беқиёс қийматга эгадир ва биз уни жиддий тадқиқ ва таҳлил этмоғимиз жуда зарур. Фақат ундаги баён ва услубнинг ниҳоятда ўзига хослигини унутмай, бу матнлар дастлаб яратилган давр руҳини тўғри идрок эта билмоғимиз тақозо этилади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. «Авесто» китобида минтақа халқлари маънавий такомилининг қайси босқичи ўз аксини топган?
2. .«Маздаясна» эътиқодининг моҳияти.
3. Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳудудидаги илк шаҳарлар.
4. «Авесто»да илм ва имон нисбати.
5. «Авесто»да тавҳид эътиқоди ва асотир тафаккур таъсири.
6. Зардушт «гоҳ»ларининг етакчи ғояси.
7. «Маздаясна» эътиқодининг ахлоқий тамал тоши.
8. «Авесто» китобида тилга олинган ўлкалар.
9. «Авесто» матнлари тақдири.
10. «Авесто» китобининг ҳозирги кунда сақланиб қолган қисмлари.
11. Авесто»нинг жаҳон илмида ўрганилиши.

4-боб.
Туркий тошбитиклар маънавияти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1-фасл. Мовароуннаҳрда қадим давлатлар ва миллий маънавиятнинг шаклланиш омиллари.

Миллий давлатларнинг шакллана бошлаши миллатнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ ҳодиса. «Авесто» маданиятининг тугал шаклланиши милоддан илгариги VII-VI асрларда якунланган ва балки шу даврларда ёзма матнга кўчган бўлса эҳтимол. Ҳар ҳолда Искандар Мақдуний ўлкамизга келганда «Авесто»нинг тўлиқ ёзма матни мавжуд бўлганлиги турли қадим китобларда қайд этилади. Бизнинг минтақада илк давлатчиликнинг юзага келиши ҳам ушбу даврларгача бошланган бўлиб, «Авесто» матнларида илк давлатчиликка оид атамалар ва тушунчалар учраши бежиз эмас. Аммо «Авесто» китобининг тўлиқ шаклланиш даври бўлган **бронза асри** бошларида асосан, юқорида эслаб ўтганимиз, илк шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Улар атрофида эса ҳануз кичик уруғ жамоалари, қабилалар алоҳида-алоҳида, гуруҳ-гуруҳ бўлиб истиқомат қилардилар. Аста-секин ўзаро яқин жойлашган турли ўлкалар аро маданий, иқтисодий, сиёсий алоқалар вужудга кела бошлади. «Авесто» китобида Олий тангри Ахура Мазда яратган ўлкалар Ариана Ваэжа (Хоразм), Гава (Суғдиёна), Моуру (Марғиёна), Бахди (Бохтар ёки юнонча шаклида Бақтрия), Нисая (Ниса - Парфия пойтахти), Ҳаройва (Ҳирот) ва бошқаларни санаб ўтилиши «Маздаясна»эътиқоди дастлаб тарқалган ушбу ўлкалар ягона маданий минтақа, кейинча Мовароуннаҳр ва Хуросон деб аталган сарҳадни ташкил этганлиги маълум бўлади. Шимолда Хоразмдан жанубда Шимолий Ҳиндистонгача, ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқидан Фарғона водийси, Еттисув ўлкасигача, Афғонистон чегаралари эса деярли тўлиқ ушбу ҳудуд ичида жойлашгандир. Ушбу минтақа миқёсида шаклланган маданий-маънавий муҳит аста-секин ўз чегараларини кенгайтириб бориб, бутун Эрон ва Озарбайжонга тарқалди. Эрон ҳудудида зардўштийлик эътиқодига таянган буюк империялар таркиб топди ва улар орқали бу таълимот Месопотамия (яъни Дажла ва Фурот дарёлари оралиғи, ҳозирги Ироқ ва Сурия, қадимги Бобил ва Ашшур), Арабистон ярим ороли, Кичик Осиё (ҳозирги Туркия, қадимда Византия), ҳатто қадим Юнон ва Рум (ҳозирги Италия) чегараларига етиб бориб, ўз таъсирини кўрсатди. Аммо Зардўшт ғоялари қадим Юнонда илм-фаннинг ривожига хизмат қила бошлаган бир пайтда бизнинг минтақа халқлари бошига кўп кулфатлар ёғилди. Аввало, Эронда салтанат ўрнатган Ахмонийлар (Ҳахоманишийлар - Куруш, Доро ва бошқалар) қадим Турон юртига кетма-кет босқинлар уюштирдилар. Сўнг Юнонистондан Искандар Мақдуний лашкар тортиб келди. Иккинчи томондан, Хитой хоқонлари гоҳ жосус юбориб минтақа халқлари орасида низо чиқарар, гоҳ ўзи қўшин тортиб келиб, Шарқий Туркистон ва Фарғона водийларини босиб олишга уринар эди. Яъжуж-маъжуж (ёки жуан-жуан)лар шимолдан ҳужум уюштириб турардилар. Энди кичик шаҳар-давлатлар ёки эркин қабила иттифоқлари етарли бўлмай қолди, минтақа халқлари ўз кучли ва бирлашган империясини тузиш заруратини ҳис қила бошладилар. Минтақадаги кичик давлатлар ўрнида милоддан олдинги

www.ziyouz.com kutubxonasi

III асрдан бошлаб хуннлар ҳарбий демократик иттифоқи, сўнгра Кушонлар империяси дунёга келди. Шарқий хунн ҳукмдорлари Хитойгача етиб борган бўлсалар, Ғарбда улар Баламир (374-400), Юлдуз (400-410), Аттила (434-453) каби номдор лашкарбошилар тимсолида бутун Рим империясини ларзага солдилар. Кушонлар империяси милодий эра бошларида ҳозирги Шимолий Ҳиндистон ва Турон ўлкаларини ягона ҳудудга бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу икки йирик давлатчилик тажрибаси туркий халқлар иштироки билан бўлган бўлса, кейинроқ бориб туркий элат ўз мустақил империясини тузишга муваффақ бўлди. Миллатнинг ўз-ўзини англаб етиши шу тариқа амалга ошди. Милодий эранинг V-VI асрларидан бошлаб, гуллаб яшнаган пайтларида Қора денгиз бўйлари ва Дунай соҳилларидан то Жанубий Сибир ва Мўғулистон ерларигача, Волга бўйлари ва Ўрол тоғи этакларидан ҳозирги Шимолий Афғонистонгача ҳукмини юритган Буюк турк хоқонлиги (ёки Кўк турк хоқонлиги - «кўк» бу ўринда «осмоний», «муқаддас» маъноларини англатади) шаклланди. Бу улуғ империя гоҳ юксалиш ва гоҳ таназзул даврларини бошдан кечириб, то милодий эранинг VIII асри бошларигача мавжуд бўлди. Ушбу даврда умумтурк адабий тили шаклланди, ҳарбий демократия қонунлари аста-секин барқарор давлатчилик қоидаларига айлана борди, махсус туркий ёзув ишлаб чиқилиб, бой адабий ёдгорликлар дунёга келди. Уларнинг жуда кўпчилиги бизгача етиб келмаган бўлиши мумкин, аммо етиб келганларининг ўзини олганда ҳам жиддий маънавий бойлик яратилганлиги ҳар қандай шубҳадан холидир.

2-фасл. Туркий тошбитикларда миллий ғоянинг ифодаланиши.

«Ўғузнома», «Култегин битиклари», «Тўнйуқуқ битиги», «Билка қоғон битиги» сингари йирик тарихий-бадиий асарлар ўша давр аждодларимиз тафаккур тарзи, орзу-армонлари, маънавий камолот даражасини акс эттиради. Бизнинг назаримизда, ушбу тош битиклардаги энг муҳим мавзу Ватан ва миллат, мустақил давлатчилик ғояларидир. Улар битик муаллифлари Йўллиғ тигин, Тўнйуқуқ ва бошқалар қалбида юксак эҳтиросларни туғдирган ва бу туғён уларни ўқиган бугунги китобхон дилига ҳам бундан 12 аср бурун қандай бўлса, худди шундай таъсир кўрсата олади. **Будун**нинг (яъни, ўша давр тилида - халқнинг) бутунлиги, юртбошининг оқиллиги ва тадбиркорлиги, баҳодирлар шиддати ва шижоати бугунги кунимиз учун ҳам ибрат ва намуна бўлгуликдир.

Ушбу битиклар мазмунидан туркий элат исломдан олдиноқ яхлит бир халқ сифатида ўзлигини таниб олганини ойдин ҳис қиламиз ва ислом давридаги туркий сулолалар юксалишининг маънавий омиллар ва асосларга эга эканлиги аён бўлади. Бу пайтда туркий халқлар ягона Тангрига эътиқод қилишган. 716-720 йиллар орасида ёзилган «Кичик Култегин битиги» шундай шиддат билан бошланади:

Тангри тоқ. Тангри иноятн билан
Турк Билка қоғон бу ерга ўлтурдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзимни тугал эшитгил.

Оға-иниларим, ўғлоним,
Бирлашган улусим, будуним,
Ўнгдаги ҳоким, катта беглар,
Сўлдаги буйруқ тарқатувчи беглар,
Ўтуз
Тўқуз ўғуз беклари, будуни
Бу сўзимни яхшилаб эшит,
Қаттиқла тингла.20

Бу сатрларни 716 йилда тахтга ўтирган Билка қоғон номидан унинг жияни, буюк саркарда Култегиннинг набираси улуғ шоир **Йўллуғ тигин** (тигин – туркийда «шаҳзода» маъносини билдиради) ёзмоқда. Бу Ватан ва миллат фидойиси ўз аждодлари, бобоси ва амакисининг шонли курашларига бағишлаб ёзган йирик марсия-достонларида миллат ва халқ бошини қовуштириш учун ўз ҳаётини тиккан баҳодир ва тадбиркор юрт улуғларини мадҳ этди, улуснинг бош манфаати, миллий давлатнинг етакчи ғояси нима эканлигини ёркин сатрларда ифодалаб берди:

Турк будунини бириктириб,
Эл тутунмоғингизни бунда битдим.
Янглишиб парчаланишингизни,
Яна бунда битдим.
Не-не сўзим эса,
Мангу тошга битдим.
Уни кўра билинг,
Эндиги турк будуни, беклар.21

"Турк будуни" *- Буюк турк хоқонлиги (Кўк турк хоқонлиги) даврида умумтуркий адабий тил, мустақил давлатчилик ғоялари асосида мукаммал шаклланган ва "Култегин битиги", "Билка қоғон битиги", "Тўнюқуқ бити-ги" каби туркий тош-битикларда ўз ифодасини топган ягона туркий халқ ва миллат тимсол-тушунчаси.*

Истеъдодли саркарда Култегин турли туркий қабилаларни ягона халқ сифатида бирлаштириш учун бутун умрини фидо қилди, Турк хоқонлигининг охирги ҳукмдорларидан бўлмиш акаси Билка қоғон салтанатини боболари бошқарган довруғли юрт ҳудудларида сақлаб қолиш учун тинмай турли бузғунчилик тамойилларига қарши аёвсиз жанглар олиб борди. Йўллуғ тигин буюк боболари тимсолида элни ватанга муҳаббат, миллатпарварлик руҳида тарбия қилишга интилади, юрт тинч, халқ ҳаёти фаровон бўлиши учун давлатни бошқарувчилардан, беклардан ва оддий аҳолидан қандай маънавий фазилатлар талаб этилишини улуғ хоқонлар давридан намуна келтириб кўрсатиб беради:

20 А.Қаюмов. Қадимият обидалари. Т. 1972, с. 134 (Матн таржимаси баъзи ўзгаришлар билан берилмоқда).

21 Ўша китов, с.137

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билка қоғон эрмиш,
Алп қоғон эрмиш,
Буйруқчилари ҳам билка(бўлғон бўлса) эрмиш,
Алп бўлган бўлса эрмиш.
Беклари яна, будуни яна тўғри эрмиш,
Шунинг учун анча қўл тутган бўлса эрмиш.22

Демак, ҳукмдорнинг асосий фазилати билимли, фаросатли, шу билан бир пайтда шижоатли ва мард бўлса, лашкарбошилар, амалдорлар ҳам шундай бўлса, беклар, оддий фуқаролар миллат ва Ватанга содиқ, тўғрисўз, гапи билан амали бир жойдан чиқадиган бўлса мамлакат юксалар, эл фароғатда яшар экан. Агар ҳукмдорлар элни ўйламаса, халқ тўғри йўлдан тойса, юрт хароб бўлиб, миллат ўзгалар асоратига гирифтор бўлар экан. Бу азалий ва абадий маънавий қадриятлар бугунги кунимизда ҳам ўз долзарблигини сақлаб келаётгани Ўзбекистон Президентининг қатор асарлари ва бобларида ўз акс-садосини топиб келмоқда. Бундан 1300 йил илгари Йўллиғ тигин, Тўнйуқуқ каби миллат учун қайғурган шоирлари бўлган эл ўзлигини ҳеч қачон йўқотмайди, даҳрнинг минг бир балоларидан омон чиқиб яна юксалаверади.

Хуллас, асотир тафаккур босқичида уруғ жамоаси бўлади, қабилалар бўлади, қабилалар иттифоқи шакллана бошлайди. Аммо миллат тушунчаси бу даврдан анча кейин, миллий давлат шаклланиши билан бир пайтда юзага келади. Масалан, «Авесто» китоби ёзилган тил бирор муайян миллатнинг тилига мос келмайди. Эронда Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши минтақа тарихида империялар даврини бошлаб берди. Ўлкамиз халқлари бегона империя даъвогарларининг минг йиллик босқинчилик азобларини кўрди, ушбу курашлар мобайнида мустақил миллат сифатида шаклланиб борди, аввал хуннлар ва Кушонлар таркибида, сўнг мустақил миллат сифатида миллий давлатчиликни -Буюк Турк хоқонлигини вужудга келтирдилар. Бу даврда (V-VII асрларда) туркий адабий тил ҳам шаклланди ва ушбу умумтуркий адабий тил ёдгорликлари бизгача тошбитиклар ва бошқа матнларда етиб келди. Миллатнинг ўз-ўзини англаб ета бошлагани, турли туркий элатларнинг бир бутун халқ **(«будун»)** сифатида бирлашуви ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб, юзага чиққанлиги ушбу матнлар мазмунида аниқ ифодалангандир. Туркий миллат ўз мустақиллиги учун, элатлар бирлиги учун курашда, аёвсиз жангларда шаклланди.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. ИСЛОМГАЧА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Босқичлар	Тарихий давр	Асосий маънавий қадриятлар

22 Ўша китов, с.139-140

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **Энг қадимги маънавият унсурлари**	Ибтидоий жамоа	**а) Оилавий муносабатларнинг тартибга солиниши ва уруғ жамоанинг ташкил топиши;** **б) Яратувчилик меҳнатининг эъзозланиши;** **в) Тупроқ, сув, оловнинг эъзозланиши;**
II **Илк шаҳар жамоаси маънавияти**	Илк шаҳар-давлатлар	**Илм ва имон уйғунлигининг шаклланиши**
III **Миллат ва миллий давлатнинг шаклланиши**	Буюк давлатлар (империялар)	**Миллат, миллий адабий тил ва миллий давлатнинг шаклланиши**

I. Энг қадимги маънавият унсурлари – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг биринчи босқичи. Тош асрига мувофиқ келувчи ибтидоий жамоа даврида шаклланган маънавий қадриятлар. Бу даврда ҳануз ёзув ихтиро қилинмагани учун яхлит шаклланган алоҳида маънавият тизими ҳақида хулоса қилиш қийин.

II. Илк шаҳар жамоаси маънавияти – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг иккинчи босқичи. Асосан бронза асрига мувофиқ келувчи илк шаҳар-давлатлар даврида шаклланган яхлит маънавият тизими (масалан, шумерлар маънавияти ёки “Авесто” маънавияти). Бу давр одамлари Борлиқ ҳақиқатини асосан **асотир** тарзида тасаввур этганлар.

III. Миллат ва миллий давлатнинг шаклланиши – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг учинчи босқичи. Темир асри ёки буюк салтанатлар даврида шаклланган маънавий қадрият – **“миллат”** тимсол-тушунчасининг вужудга келиши (масалан, туркий битикларда ўз ифодасини топган “**турк будуни**” тимсол-тушунчаси.)

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Мовароуннаҳрда қадим давлатлар ва миллий маънавиятнинг шаклланиш омиллари.
2. Минтақада буюк империяларнинг ташкил топиши.
3. Марказий Осиё халқларининг Ватан озодлиги йўлидаги курашлари.
4. Буюк турк хоқонлиги - миллий давлатчилик асоси сифатида.
5. Туркий миллатнинг ташкил топиши ва миллий бирлик учун кураш қайси манбаларда ўз аксини топган?
6. Умумтуркий адабий тилнинг шаклланиши қайси даврда юз берган?
7. Туркий тошбитикларда миллий ғоянинг ифодаланиши.
8. «Турк будуни» тушунчасининг маънавий аҳамияти.
9. Йўллиғ Тигин ким?

www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Юрт тинч, халқ ҳаёти фаровон бўлиши учун давлат бошқарувчилар ва фуқаролардан қандай маънавий фазилатлар талаб этилади?

10. Исломгача маънавиятимизнинг шаклланиш босқичлари.

5-боб.
Тавҳид эътиқоди ва Марказий Осиё халқлари маънавияти

1-фасл. Янги эра бошларидан жаҳонда ва минтақада маънавий янгиланиш заруратининг кучайиши ва тавҳид эътиқодининг шаклланиши.

Сосонийлар даврида зардуштийлик Эронда ҳукмрон дин бўлди. Бу даврга келиб маздаясна эътиқоди аллақачон асл маъносини йўқотган, асотир тафаккур таъсирида тамомила мушриклик руҳидаги ботил ақидалар бўтқасига айланиб бўлган эди. Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад (С.А.В.)га ваҳий тушган даврда ҳам Сосонийлар кўҳна ақидаларидан воз кечмадилар. Хусрав II Парвиз Расулуллоҳ даъватини рад қилди ва сулола таназзулини бошлаб берди.

Шундай қилиб, Янги эра бошланишида Қадимги дунё қадриятлари бўҳронли ҳолатни бошдан кечирмоқда, бутун аҳли башар қаршисида улуғ бир маънавий янгиланиш эҳтиёжи бунёдга келганди.

Аслида аҳли башар онгидаги ўзгаришлар Яратганнинг инояти билан анча илгари бошланган эди. Милоддан аввалги XVIII асрда ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом Зардушт сингари илк бора тавҳид нуридан баҳраманд бўлган бўлсалар, XIV асрга келиб ҳазрати Мусо Калимуллоҳ ягона Тангри инончини яҳудий қавмига тарғиб қилди. Милодий эра бошларидан ҳазрати Исойи Масиҳ (Руҳуллоҳ) ва ул зотнинг ҳаворийлари энди тавҳид эътиқодига бутун башариятни даъват эта бошладилар. Исо (а.с.) номи билан боғланган эътиқод 3 аср халқ орасида ёйилиб бориб, IV аср бошларида Византия императори улуғ Константин томонидан христиан дини сифатида расман тан олинди.

Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим 23 йил давомида (610-632) Макка шаҳридаги қурайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонига мансуб Амин (ишончли) лақабли Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)га ваҳий орқали нозил бўлди. Муҳаммад Расулуллоҳ охирги пайғамбар бўлиб, шу сабабдан бу муҳтарам зотни «Хотимат ун-наби», яъни «Пайғамбарлар муҳри (ё охиргиси)» деб аташади. Муҳаммад (С.А.В.) илк оятлар нозил бўлганда 40 ёшда, уйланган, 3 қизларини турмушга чиқарган эдилар. Аёллари Хадича (разиаллоҳу анҳо) ўша пайтда 55 ёшларда бўлиб, аввал бошиданоқ Пайғамбаримизнинг рисолатларига ишонч билан қарадилар ва ул кишини доимо қувватлаб турдилар. Биринчилардан бўлиб ислом эътиқодига имон келтирганлар пайғамбаримизнинг яқин дўстлари Абу Бакр, жияни Али ибн

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абу Толиб, тутинган ўғиллари Зайд ва бошқалар бўлди. Аммо янги эътиқод Пайғамбаримизнинг кўпчилик яқин қариндошлари томонидан ҳам яхши қабул қилинмади. Амакиларининг кўпчилиги аввал қарши чиқишди, улардан энг меҳрибони бўлмиш Абу Толиб бутун умри давомида жиянини ҳимоя қилган бўлса-да, ўзи ислом эътиқодига имон келтирмади. Абу Толиб ва Хадича онамиз вафотларидан сўнг Макка мусулмонлари анча қийналиб қолишди ва Расулуллоҳ дўстлари Абу Бакр билан бирга 622 йил ёз охирларида Макка шаҳридан Мадина (ўша даврда Ясриб)га йўл олдилар. Уларнинг издошлари илгарироқ кўчиб ўтишган эди. Ушбу ҳодиса ҳижрат (кўчиб ўтиш) деб аталади ва ислом тарихида буюк аҳамият касб этади. Муҳаммад (С.А.В.) нинг ўз туғилган шаҳарларини эътиқод йўлида ташлаб чиқишлари билан ислом эътиқоди ғалабаси бошланади, чунки Мадина шаҳрининг кўпчилик аҳолиси Расулуллоҳ даъватларини қабул қилиб, ягона Аллоҳга имон келтирган эди. Ушбу воқеа 16 йилдан кейин мусулмон йил ҳисобининг бошланишига асос бўлди ва шу сабабли мусулмон йил ҳисоби «ҳижрий эра» деб аталди.

Тавҳид эътиқоди *- Аллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган эътиқод тизими бўлиб, аҳли сунна ва жамоа ақидасига биноан Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига чин қалбдан иқрор бўлишни англатади. Миллий маънавиятимизда Борлиқ ҳақиқати айни Тавҳид эътиқодида ифодаланади. Аслида миллий маънавиятимизнинг тарихий такомили Тавҳид ҳақиқатини борган сари теранроқ идрок этиш билан боғлиқ бўлиб, бу тимсол-тушунча турли замон ва турли соҳа намояндалари томонидан турлича талқин этилган. Масалан, диний талқинда – фақат Аллоҳнинг ягона маъбуд (сиғинишга лойиқ ягона зот) эканлигига урғу берилса (русча – «единобожие»), илмий талқинда - ягона Аллоҳ яратган ва унинг иродаси билан бошқариладиган дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлиги (русча – «единобытие») тушунилади. Яна унинг ирфоний ва муттоз адабиётимизга хос талқинлари ҳам бор. Аммо миллий маънавиятимиз анъаналарида бундай турли талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб келадилар.*

Ислом дини асотир тафаккурга энг кескин ва охирги зарбани берди. Қуръони каримда «илм» сўзи асосидаги «алима» (билмоқ) феъл негизига таянган калималар 750 марта учрашлиги илмий тадқиқотларда қайд этилган бўлиб, бу ўзак фақат «Аллоҳ», «Рабб» (Парвардигор маъносида), «бўлмоқ» ва «гапирмоқ» каби энг кўп ишлатилган ўзак-сўзлардан кейин бешинчи ўринда турар экан.

Ислом дини – *Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали нозил бўлган Аллоҳнинг охирги*

www.ziyouz.com kutubxonasi

китоби Қуръони каримда ва Пайғамбаримиздан етиб келган саҳиҳ ҳадисларда ўз ифодасини топган эътиқод тизими.

Расулуллоҳга илк нозил бўлган 5 оят ҳозирги Қуръони карим матни 96-сураси («Алақ»)нинг биринчи оятлари бўлиб, шундай бошланади: «Иқраъ би-исми роббикал-лази халақ!» («Яратган раббинг номи билан ўқи!»). Орада бир оят ўтиб, яна «ўқи!» сўзи қайтарилади: «Иқраъ ва роббикал акрам, аллази аллама бил қалам. Аллама-л-инсона ма лам яълам». («Ўқи! Сенинг ўта карамли парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатди»). Шундай қилиб, ислом эътиқоди аввал бошиданоқ инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга тарғиб қилади. Ислом динининг яна бир муҳим хислати аҳли башар маънавий камолотида тарихий тадрижийликни қатъий қоида қилиб белгилаб қўйилганлигидадир. Бу масала Қуръони каримнинг кўп суралари жумладан, иккинчи («Бақара») ва учинчи («Оли Имрон») сураларининг бошланғич оятларида очиқ-равшан таъкидланган бўлиб, ўзбекча таржимада қуйидагича ифодаланган: «Алиф. Лом. Мим. Ушбу (илоҳий) Китоб (Қуръон) шубҳадан холи ва (у шундай) тақводорлар учун ҳидоят (манбаи) дирким, улар ғойиб (диний хабарлар) га имон келтирадиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир. Яна, улар Сиз (Муҳаммад) га ва Сиздан илгари (ўтган пайғамбарларга) нозил қилинган нарса (илоҳий китоблар)га имон келтирадиган ҳамда охират (қиёмат) га қатъий ишонч ҳосил қиладиганлардир. Айнан улар Парвардигорлари томонидан (ато этилган) ҳидоят узрадирлар ва айнан улар нажот топувчилардир». («Бақара» сураси, 1-5-оятлар). Демак, мўъмин бўлмоқнинг асосий шарт-ларидан бири фақат

Қуръонни эмас, балки ундан олдинги пайғамбарларга нозил этилган китобларни ҳам ягона Аллоҳ томонидан юборилганлигини тан олишда экан.

Мусулмончилик *– Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги ҳамда Муҳаммад(сав) унинг охирги ҳақ пайғамбари эканлигига имон келтирган барча инсонларнинг ислом дини ҳақидаги тасаввурлари. Ислом маданияти тарихида ислом ақидаларини тушунишдаги турлича қарашларнинг мавжуд эканлиги ислом ва мусулмончилик ўзаро боғлиқ бўлган турли воқеликларни англатишини кўрсатади.*

Кейинги, «Оли Имрон» сурасининг бошланғич оятларида ушбу ғоя янада аниқроқ қилиб тушунтирилади: «Алиф. Лом. Мим. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У тирик ва абадий турувчидир. (У) Сизга (эй, Муҳаммад), Китоб (Қуръон) ни ҳақиқатан ўзидан олдинги (илоҳий китоблар) ни тасдиқловчи ҳолида нозил қилди. Таврот ва Инжилни олдин нозил қилиши эса, одамларга ҳидоят (манбаи) бўлиши учун эди. (Энди эса) ҳақ билан ноҳақликни ажрим этувчи (Қуръон) ни нозил қилди...» («Оли Имрон» сураси, 1-4-оятлар).

Бу оятларда Қуръоннинг Фурқон (“ҳақ билан ноҳақликни ажрим этувчи”) деб номланиши алоҳида таъкид этилганки, бу ҳам чуқур ҳикматга эга. Тарихий тадрижийлик нафақат Қуръонда, балки ундан олдинги илоҳий китобларда ҳам таъкид этилган ва уларда ўзидан кейинги китобларга ишоралар мавжуд эканлиги маълум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуръонда қайта-қайта таъкидланишича, ислом динида Аллоҳ олдидаги энг оғир гуноҳ ширк, яъни ягона Парвардигорга қайси бир зотни шерик қилишга уринишдир. Барча илоҳий китобларда олға сурилган Тавҳид (яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбаи эканлиги) ғояси исломда ўзининг олий даражадаги талқинини топган.

Ислом маънавиятининг қирралари ранго-ранг, моҳияти теран. Санаб ўтганимиз илмийлик ва ёзма маданиятга таяниш, тарихий тадрижийлик ва тавҳид изчиллиги шулар жумласидандир. Қуръони карим оятларига биноан инсоннинг ер юзида халифа эканлигининг бир неча қайта таъкидланиши ислом маънавиятининг энг улуғ қадриятларидандир. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, унга ер ва осмондаги барча нарсалар бўйсундириб қўйилганлиги алоҳида уқдириб ўтилган.

Ислом маънавияти *– Охирги ва мукаммал илоҳий китоб бўлмиш Қуръони карим мазмунида ифодаланган маънавият тизими бўлиб, Инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлашув сари интилишида ғайбий ҳидоят йўли ҳисобланади. Ислом дини ва маънавияти моҳиятан бошқа-бошқа нарсалар эмас, аммо инсонлар тасаввурида улар фарқ қилиши мумкин. Масалан, ислом динида қабул қилинган фарз ибодатлар ва ақидавий қоидалар бошқа тавҳидий динлардан фарқ қилади, аммо ислом маънавиятига кўра ҳар бир инсон ўз ақидаси ва Борлиқ ҳақиқати тўғрисидаги тасаввурларидан қатъи назар "ер юзидаги халифа" сифатида эҳтиромга сазовордир.*

2-фасл. VIII-IX асрларда ислом минтақа маданиятининг ташкил топиши.

Ислом маънавиятининг энг олий нуқталаридан бири қабилачилик хурофотларига узил-кесил барҳам берганлиги, уруғ жамоаси, ягона аждодга бориб тақалувчи ирсий биродарлик ўрнига тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - «умма» тушунчасининг киритилиши бўлди. Бу ҳодиса аҳли башар маънавий такомилида энг муҳим бурилиш нуқтасидир, аммо ушбу ғоя ҳануз ҳам мукаммал англаб етилган, деб бўлмайди.

Ислом минтақа маданиятининг шаклланиши осонлик билан бўлгани йўқ, бунинг учун баъзи сиёсий масалалар тўғри ҳал бўлмоғи зарур эди. Пайғамбаримиз умрининг охирларига бориб араб дунёсида «умма» ғояси ғолибликни қўлга киритди, араблар қабилачиликдан ягона миллат даражасига кўтарила бошлади. Бу жараён илк халифалар Абу Бакр ва Умар (разиаллоҳу анҳума) даврларида ниҳоясига етди. Ягона араб давлати шаклланди. Ислом қўшни мамлакатларни ҳам фатҳ эта бошлади. 642 йилда охирги Сосоний Йездигерд III Наҳованд яқинидаги жангда енгилиб, Хуросонга қочди. 674 йилда араб қўшини биринчи марта Амударёни кечиб ўтиб, Бухорога кирди. Қутайба ибн Муслим (705-717) даврида Мовароуннаҳр араблар томонидан асосан ишғол қилинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар тарихий воқеликни тўғри идрок этадиган бўлсак, бу даврга келиб қадим Турон ўлкасида муайян сиёсий парокандалик ҳолати ҳукм сурар, турли кичик ҳукмдорлар бир-бири билан олишиб ётар, Буюк Турк хоқонлиги таназзулга юз тутиб, туркий ва эроний қавмлардан бири арабларга кескин қаршилик кўрсатса, иккинчиси муросасозлик йўлини тутарди. Барибир босқинчиликка қарши миллий-озодлик кураши тўхтамади, Ислом дини ҳам даставвал маҳаллий халқ онгига жуда қийинчилик билан сингиб борди. Аммо илғор тавҳид эътиқоди эски хурофий ақидалар устидан аста-секин ғолиб келиши табиий эди. Бир қатор туркий ва эроний қавмлар араблар билан ягона эътиқод асосида иттифоқлашув йўлини тутишга мойил бўлиб борардилар. Фақат уммавий халифалардан аксарияти маҳаллий Ажам халқларини араблар билан тенг кўрмаслик сиёсатини тутар ва бу билан халқларнинг ихтиёрий равишда имон келтиришларига маънавий жиҳатдан тўсқинлик қиларди. Бу орада Расулуллоҳнинг қариндош ва авлодлари, биринчи навбатда, куёвлари ҳазрати Али (разияллоҳу анҳу) ва амакилари ҳазрати Аббос (разиаллоҳу анҳу) авлодлари номидан халифалик тахтига даъвогарлик бошланди. Аббосийлар ўз мақсадларига эришиш учун Хуросон ва Мовароуннаҳрдан ёрдам истадилар. Аббосий имом Иброҳим асли ажамлик бўлган Абу Муслимни қулликдан озод қилиб, Хуросонга Аббосийлар фойдасига тарғибот олиб боришга жўнатди. Абу Муслим жуда тез вақт ичида ажам халқларидан катта қўшин тўплаб, Уммавийларга қарши кураш бошлади ва 750 йилда Уммавийлар сулоласи йўқ қилиниб, Аббосийлар халифалик тахтига ўтирдилар. Абу Муслим қўзғолони ғалабаси минтақа тарихида ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Аббосийлар ажам халқлари билан ҳамкорликда ғалабага эришдилар. Ғолиб қўшин таркибида араблардан кўра ажамликлар, яъни форс ва турклар кўпроқ эди. Хорун ар-Рашид замонидан халифанинг шахсий қўриқчилари туркий халқ вакилларидан, сарой котиблари ва вазирлар кўпроқ эроний халқ намояндаларидан тайинланадиган бўлди.

Ислом минтақа маданияти *– асосан VIII – IX асрларда шаклланиб, Испания ва Шимолий Африкадан Волга-бўйи ва Шарқий Туркистонгача чўзилган ҳудуддаги мусулмонлар жамоаси учун умумий бўлган ва деярли XVI аср бошларигача нисбатан яхлитлигини сақлаб келган маданий-маънавий анъаналар тизими.*

Маданият *- инсон маънавий фаолиятининг ҳосиласи, маънавиятнинг моддий воқеликдаги излари. Бошқача қилиб айтганда, маънавият ботиний имкон бўлса, маданият - ушбу имкондан туғилган воқеъ мавжудлик. Шахс ва миллат маънавиятининг назарий масалаларини ўрганиш учун иложсиз равишда айни шу воқеъ мавжудлик далилларидан келиб чиқишга тўғри келади Маънавият соҳасига алоқадор барча фанларнинг мавзулари ҳам аслида ана шу мавжуд воқеълик далилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилиши табиий ҳолдир.*

Шундай қилиб, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди. Исломнинг асл ғояси - мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди. Шу даврдан бошлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

минтақа халқлари орасида ислом динининг нуфузи тез оша бошлади. Ислом минтақа маданиятининг шаклланиш жараёнини шу сабабларга кўра VIII аср ўрталари - Абу Муслимнинг Уммавийлар устидан ғалабаси ва Аббосийлар халифалиги ўрнатилишидан бошлаш мақбул кўринади. Ушбу минтақа маданияти XIII аср бошларигача шиддат билан юксалди, мўғуллар босқини бир муддат маданий тараққиётга монеълик қилган бўлса ҳам, барибир, XVI аср бошларигача минтақада маънавий юксалиш давом этди. Аммо XVI аср бошларида юз берган катта сиёсий ўзгаришлар натижасида буткул ўзгача ҳолат вужудга келди. Кичик Осиёда Усмонийлар, Эронда Сафавийлар, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шайбонийлар, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи бир неча юз йилга мустаҳкам ўрнашиб, яхлит ислом маданий минтақаси ўрнига алоҳида давлатлар ҳудудида миллий-маданий ўзига хослик шакллана бошлади. Ўзаро таъсир маълум даражада сақланиб қолган бўлса ҳам, аста-секинлик билан минтақавий умумийликдан кўра миллий ўзига хосликлар қуввати ошиб борди. Бироқ бу ҳолат дарҳол билингани йўқ, балки бир неча юз йилларга чўзилган жараён бўлди. Айтиш мумкинки, XX аср бошларида ҳам Шимолий Африкадан Шарқий Туркистонгача, Волга бўйларидан Бенгалиягача ёйилган ислом минтақа маданиятининг йирик ва нуфузли намояндалари бир-бирларини билар, ўзаро ижодий-маънавий ҳамкорлик ришталарини узмаган эдилар. Буюк Британия ва Россия империализми ҳам уҳдасидан чиқмаган ниятга Шўро ҳукумати эришди - қадим Туронзамин халқларининг қўшни халқлар билан неча минг йиллик маданий-маънавий алоқаларини чўрт узиб ташлади, нафақат қўшнилар билан, балки ўз ўтмиш маданияти билан ҳам бевосита муносабатда бўлиш имконини кескин камайтириб, миллий маънавиятимизни ғарибликка маҳкум этди. Мана энди бугунги мустақиллик шароитида биз неча йиллар кўзимиздан яширин бўлган улкан маънавий захираларни янгидан кашф этмоқдамиз.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

ТАВҲИД ҲАҚИҚАТИ НИМА?

Аллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, ягона Аллоҳ иродаси билан биз кўриб турган Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро ер юзида халифа қилиб яратилган Инсон зотининг алоҳида имтиёзи - унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. Шу билан бирга Ер юзида халифалик ҳам катта имтиёз, ҳам жиддий масъулиятдир - онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Аллоҳ олдида жавоб беради. Тавҳид ҳақиқатининг яна бир сирини эътироф этиш керак. Борлиқнинг ягоналиги шуни тақозо қиладики, ундаги энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўлларигача аслида бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Инсонлар онгида асотир тафаккур асоратларини енгиб ўтиш масаласи.
2. Исломгача бўлган тавҳидий динлар.
3. Тавҳид эътиқодининг моҳияти
4. Тавҳид эътиқоди ва ислом дини.
5. Ислом динида илмга муносабат.
6. “Фурқон” номи нима маъно билдиради?
7. Ширкнинг моҳияти.
8. Абу Муслим ҳаракати.
9. Бағдодда «Байт ул-ҳикма»нинг ташкил топиши.
10. Ислом минтақа маданияти шаклланишининг сиёсий-ижтимоий асослари.
11. Ислом уммати ва ислом дунёсида туркий халқларнинг мавқеи.

6-боб.
Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомили.
Сунна босқичи

1-фасл.
Ҳадисшунослик илми ва мазҳабларнинг шаклланиши.
Имоми Аъзам ва Имом Бухорий.

Ислом минтақа маданиятининг энг юксак қадрияти тавҳид эътиқодини бутун қудрати, мазмуни, амалий моҳияти ва кўлами билан англаб етиш минтақанинг илғор зиё эгалари учун неча асрлик юмуш бўлди. Бу йўлда минтақа маънавияти камолот йўлининг бир қатор пиллапояларини босиб ўтди. Улардан дастлабки поғонасини **Сунна босқичи** деб аташ мумкин.

Пайғамбаримиз ҳаёт вақтларида «менинг сўзларимни ёзманг, фақат Аллоҳ оятларини ёзиб олинглар», деб буюрган эдилар. Шундай қилинди ҳам. Албатта, кимлардир ўз ташаббуси билан у ҳазратнинг айтган гаплари ва қилган ишлари ҳақида муайян маълумотларни қайд этиб борган бўлиши мумкин. Аммо Аллоҳнинг китоби бут бўлмай, ягона ўзгармас матн ҳолига келтирилмай туриб, унга бошқа сўзлар аралашиб кетиш хавфига йўл қўйиб бўлмас эди. Олдинги илоҳий китоблар тажрибаси ҳам шуни тақозо этарди. 651 йилда, халифа Усмон даврида ушбу юмуш мукаммал бажарилди. Ҳазрати Абу Бакр пайтида Суҳуф (алоҳида саҳифалар) шаклида жамланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуръони карим матни бу пайтга келиб Мусҳаф (алоҳида муқоваланган қўлёзма китоб) шаклига келтирилиб, ундан бир неча нусха кўчириб, кўпайтирилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад(сав)га ваҳий келабошлаган вақтдан то ул жанобнинг вафотларигача ўтган 23 йил "саодат асри" деб улуғланади. Сабаби ўша даврда Муҳаммад(сав)нинг даъватларига эргашиб, ислом динини қабул қилган саҳобалар диний масалаларда ўзларида қандай бир савол пайдо бўлса, Расулуллоҳ(сав)дан сўрардилар, улар жавоб бера олмай қолган ўринларда Аллоҳдан ваҳий нозил бўларди. Муҳаммад(сав)нинг вафотларидан кейин хулафойи рошидин даврларида ҳам, айниқса, ҳазрати Абу Бакр(р.а.) ва ҳазрати Умар(р.а.)лар ўз ақл-фаросатлари ва саҳобалик давридаги тажрибалари асосида умматлар олдида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишга уриниб келдилар. Аммо Расулуллоҳ(сав)нинг саҳобалари бирин-кетин оламдан ўтиб, турли муаммолар борган сари кўпая бошлагач, энди фақат Қуръони карим матнига таяниб мавжуд воқеликдаги кўп масалаларни асл исломий эътиқодга мувофиқ қандай ҳал қилиш кераклигини аниқлаш қийинлашиб борди. Шундай қилиб, илоҳий китоб оятларини шарҳлаб, кўплаб ҳаётий саволларга аниқ жавоб бера олувчи яна бир мўътабар манбага эҳтиёж туғилди.

Ана шундай ишончли манба фақат Ҳадиси шарифлар бўлиши мумкин эди. VII аср иккинчи ярмидан бошлаб, Абу Хурайра (вафоти 676 йил), Анас ибн Молик (вафоти 710 йил), Абдуллоҳ ибн Аббос (619-686), Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ каби илк ровийлардан Расулуллоҳ сўзлари ва амаллари хусусида минглаб ҳадислар ёзиб олинди. Абу Саид ал-Худрий, Ибн Шиҳоб аз-Зуҳрий сингари илк муҳаддислар етишиб чиқди. VIII аср бошларида Уммавий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (717-720) ноибларига Муҳаммад (С.А..В.) ҳадисларини жамлаш ҳақида фармон берди. Абдулмалик ибн Абдулазиз Журайх (вафоти 766), Ар-Рабиъ ибн Субайх каби алломалар ҳадислар жамлаб ёзишга бошладилар. Натижада ҳадис илми ривож олиб, Имом Малик ибн Анас (713-795)нинг «ал-Муватто», Имом Шофеъий (767-820) ва имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855)ларнинг «Муснад» деб ном олган йирик ҳадис тўпламлари яратилди. Ўлкамизда қуйида номлари зикр этилган зотлар биринчи бўлиб ҳадис тўпламларини туздилар: Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раховайх ал-Марвазий, Имом ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший ва бошқалар.

Сунна босқичи *- миллий маънавиятимизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилининг биринчи босқичи ва етакчи тамойилларидан биринчиси, Тавҳид Ҳақиқатини бутун кўлами билан англаб етишнинг дастлабки поғонаси бўлиб, VIII-IX асрларни ўз ичига олган бу босқичда Пайғамбаримиз(сав) суннатларининг асоси бўлмиш ҳадис илми мукаммал даражага кўтарилди ва энг мўътабар олти ҳадис тўплами тузилди. Бу босқичнинг етакчи тамойилини* ***Ибрат маърифати*** *деб ҳисоблаш мумкин. Сунна ибрат орқали эътиқод бўлиб, Борлиқнинг ягона Олий Ҳақиқати мавжудлигини тан олиш ва унга чин дилдан эътиқод қилишни тақозо этган.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинги IX аср ҳадис илмининг «олтин асри» деб шуҳрат қозонган. Чунки бу асрда ҳадисларни тўплаш даври ўтиб, энди уларни манбашунослик ва матншунослик илми қоидаларига мувофиқ таҳлил ва тадқиқ этиш, маълум мазмун асосида тартиб беришга киришилди. Ҳадисшунослик аталмиш жиддий илм йўналиши мукаммал шаклланди. Ҳадис таълиф этиш соҳасида «Муснад», «Саҳиҳ» ва «Сунан» деб номланган йўналишлар вужудга келди. Бу даврда кейинги асрлар учун намуна бўлгулик ишончли ҳадис тўпламлари яратилди. Бутун ислом оламида энг нуфузли манба сифатида донг таратган «Кутуби ситта» («Олти китоб») муаллифлари шу даврда яшаб ижод этдилар. Улар: Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Йазид ибн Можжа (824-886) каби муҳаддислардир. Олти буюк муҳаддиснинг аввалгиси ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн ал-Муғира ал-Бухорий (810-870) эдилар. Имом Бухорийнинг «ал-Жоме-ас-Саҳиҳ» китоблари бугунги кунда ўзбек тилига таржима қилиниб, 4 жилдда эълон қилинди. Имом ал-Бухорий ўзларии тўплаган 600 минг ҳадисдан 7275 та энг ишонарли «саҳиҳ»ларини мазмунига кўра таснифлаб, буткул янгича тартибдаги ҳадислар тўпламини яратишга муяссар бўлдилар. Ул муҳтарам зотнинг асарларии кейинги муҳаддислар учун барча жиҳатдан ўрнак ва намуна бўлди. Имом Бухорий яратган «Ал-адаб ул-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Китоби афъол ил-ибод» («Аллоҳ бандаларининг хулқлари») каби бошқа қатор асарлар ҳам минтақа халқларини ислом ахлоқи руҳида тарбия қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Сунна босқичининг моҳияти ва унинг миллий маънавиятимиз такомилида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу босқични минтақада манбашунослик ва матншунослик фанининг юксак ривожи сифатида баҳолаш лозим бўлади, чунки Расулуллоҳ ҳадислари Қуръони карим оятларидан кейин мўътабарликда иккинчи ўринда турувчи манба бўлиб, унинг ҳам матни, ҳам исноди (яъни ушбу ҳадис ровийлари силсиласининг нақадар ишончли ва эътиборли эканлиги) ниҳоятда нозик ва жиддий муносабат талаб қилувчи мавзу эди. Бу масалаларда арзимагандек туюлувчи янглишиш қандайдир тор илмий мунозарага эмас, балки ҳар бир мусулмоннинг эътиқод амалида жиддий гумроҳликка олиб келиш хавфи бўлгани учун ҳам бу соҳа ўта зукколик ва дақиқликни тақозо этар, муҳаддисга ниҳоятда қатъий қоидаларга риоя этишни буюрар эди. Ушбу оғир шартларга кўникма ҳосил қилиш ислом илмларининг кейинги ривожи ва камолотига жиддий замин яратди. Илм нақадар жиддий меҳнат эканлиги ушбу босқичда бутун залвори билан ҳис этилди. Афсуски, совет даврининг ягона ҳукмрон мафкурага сўзсиз бўйсуниш шароитида, айниқса, ижтимоий фанлар соҳасида матн ва манбага жиддий муносабат, жиддий илмнинг ушбу тагзамини анча-мунча эътибордан четда қолди ва замонасозлик руҳидаги олди-қочди шиорбозлик кўп ўринда ҳақиқий илм ўрнини эгаллаб ола бошлади. Бугун биз бу соҳада ҳам, янада аниқроғи, биринчи навбатда ушбу соҳада, миллий маънавиятимиз эришган ютуқларни қайта тиклашимиз, матн

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва манбага ёндашувда ўта жиддий муносабатга қайтмоғимиз, бу борада Имом ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий сабоқларини диққат билан ўрганмоғимиз даркор.

Сунна босқичининг яна бир ютуғи ислом минтақа халқлари маънавий такомилининг ушбу биринчи поғонасида шаклланган 5 исломий мазҳаб, яъни ислом эътиқодига оид қарашлар ва амалларнинг баъзи фарқларга эга бўлган беш йўналиши орасида бир-бирини инкор этмаслик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари ўрнатилишидир. Бундай вазият осонликча ва бирваракай шаклланган йўқ, албатта. Лекин охир натижада юзага келган бундай ўзаро муроса ҳолати муайян даражада эътиқод масалаларида таассуб (фанатизм) ва бир ёқлама ақидапарастлик хавфининг олдини олиб, шу билан бирга кейинги ривожланишга замин ҳозирлаган омиллардан бўлди.

Дастлаб Имоми Аъзам Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767) қарашлари асосида сунний йўналишида Ҳанафия мазҳаби шаклланган бўлса, кейин ул зотнинг шогирд ва издошлари томонидан моликия, шофеъия, ханбалия мазҳаблари, шиа йўналишида эса пайғамбаримиз авлодидан олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ (700-765) номи билан боғлиқ жаъфария мазҳаби вужудга келди.

2-фасл. Сунна босқичининг моҳияти. Шариат ва ислом ахлоқи. Минтақа маънавиятида Расулуллоҳ ибрати.

Мусулмон ҳуқуқи - шариат ва фиқҳ асосларини шакллантириш ҳам шу даврдан бошланди. Имом Аъзам - Абу Ханифанинг яқин шогирдлари Имом Абу Юсуф Ансорий (731-804) ва Имоми Муҳаммад аш-Шайбон (749-805) бу соҳада асосчи бўлдилар. Имом Абу Юсуф ислом дунёсининг биринчи қозиулқуззоти (қозилар қозиси - бош қози) қилиб тайинланди. Имом Муҳаммаднинг «Ал-Мабсут» (ёки «Китоб ал-асл фил-фуру» - «Жузъий масалаларнинг асослари»), «Китоб ал-жомеъ-ал-кабир», «Китоб ал-жомеъ ас-сағир» каби асарлари бу соҳада яратилган кейинги барча ишларга дастуруламал вазифасини ўтади.

Сунна босқичининг иккинчи улуғ муваффақияти ислом ахлоқининг минтақада пухта шаклланувидир. Пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган. Ундаги ота-онага муносабат, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлик, самимият ва ростгўйлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади. Қолаверса, ислом ахлоқи маънавий қадриятларнинг тасодифий тўплами эмас, балки муназзам ва мукаммал бир тизим ҳолига келтирилгани бўлиб, албатта, бунда буюк муҳаддислар, биринчи навбатда, юртдошимиз Имом Бухорийнинг хизматлари беқиёсдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пайғамбаримиз суннатларининг ибратли ўринлари ниҳоятда кўп. Мисол тариқасида у зотнинг аҳли аёлга муносабатига эътибор берайлик.

Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз, жаноб Расулуллоҳ ҳаётлик вақтларида, «Тағин, бирор балога гирифтор бўлиб қолмайлик!» деб хавотирланганимиздан, аёлларимизга бирор (қаттиқ) сўз айтиб, бемалолроқ муомала қилишдан қўрқар эдик. Жаноб Расулуллоҳ (С.А.В.) вафот қилганларидан сўнг, аёлларимизга (қаттиқ) гапириб, бемалолроқ муомала қиладиган бўлдик»[23] Ушбу ҳадис мазмунидан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз аёлларига асло қўпол муомала қилмаганлар, натижада бошқа саҳобалар ҳам ўз аҳли аёлларига эҳтиром ва юмшоқлик билан муомала қилишни ўрганиб борганлар. Дарҳақиқат, Муҳаммад (С.А.В.) бирор аёлнинг кўнглига зарра озор берганлари, хафа қилганлари ҳақида ҳеч бир ҳадисда бирор ишора йўқ, аксинча, аёллар Пайғамбаримизга нисбатан баъзан озор берувчи хатти-ҳаракатга йўл қўйсалар ҳам, у зот ниҳоятда ҳалимлик билан жавоб қилганлар. Албатта, у киши ҳар бир инсон сингари аёлларнинг ҳам ўзига яраша камчилиги бор эканини сезганлар, аммо уриш-сўкиш, қаттиқ гапириш, изза қилиш орқали бу камчиликларни асло тузатиб бўлмаслиги, фақат сабр, юмшоқ муомала ва шахсий намуна билан таълим берилса, таъсирли бўлиши мумкинлигини яхши билган ва бу одобга изчил амал қилганлар. Демак, суннага амал қилган киши, кўп хотин олиш ҳақида эмас, аҳли аёл кўнглини ранжитмаслик ҳақида қайғуриши ислом ахлоқига муносибдир. Жисмоний ва маънавий покликка интилиш ислом ахлоқининг, Расулуллоҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзу йўналишидир. Таҳорат, ғусл масалалари, мисвокдан фойдаланиш (яъни, тишни тоза тутиш) ташқи озодалик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, ғийбат, туҳмат, зинокорлик, ўзга ҳақига хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл қўймаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир. Булар барчаси ҳам Қуръони каримда, ҳам Расулуллоҳ суннатларида жуда қатъий қилиб қўйилган.

Маърифат *- маънавий камолот йўли, инсоннинг кўнгил кўзгусини сайқаллаш жараёни, яъни ҳар бир инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида ўзлигини англаш, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини аниқлаш ва ўз руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштириб бориш йўлидаги ҳаракати.*

Ибрат маърифати- *миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, эл-юрт эҳтиромига сазовор улуғ бир инсоннинг яшаш тарзи, эътиборга лойиқ хатти ҳаракатларидан намуна олиб, ҳаётда уларга риоя қилиш. Жумладан, ислом маънавиятида пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ибратлари етакчи аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга ибрат маърифатини кўр-кўрона тақлиддан фарқ қилиш жуда муҳим.*

Шундай қилиб, Сунна босқичининг асл моҳияти, унинг **ибрат маърифати** асосига қурилганлигидадир, яъни **Сунна** Аллоҳ ҳидоят этган Ҳақиқат йўлига (ас-Сирот ал-мустақим - тўғри йўл) Расулуллоҳ Муҳаммад (С.А.В.)нинг ҳаёт ва тафаккур тарзига тақлид этиш, ундан ибрат олиш орқали эришишни назарда тутади. Пайғамбаримиз ва ул

23 Ал-Бухорий. Ҳадис(“Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ“). 3-жилд. Т., 1995, с. 421.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зотнинг яқин кишилари (саҳобалари) ҳаёти давомида мусулмон жамоаси («умма»)га бирлашиб қандай қадриятларга амал қилган бўлсалар, ушбу яшаш тарзи кейингиларга ҳам ўрнак ва намуна бўлмоғи Сунна маънавиятининг ўзак томиридир.

3-фасл. IX асрда илм ва маданият. Туркий тилда исломий шеърият

Сунна даврида пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари ҳақида дастлабки мукаммал асарлар - Ибн Исҳоқ (704-707) ва Ибн Ҳишом (вафоти 834 йиллар) «Сира»лари («Сират ар-Расулуллоҳ») вужудга келди. Бу китоблар оддий таржимаи ҳол эмас, балки Аллоҳнинг пайғомини аҳли башарга етказиш вазифаси юкланган шахс - Расулуллоҳ ҳақида бўлиб, диққат марказида рисолат (пайғамбарлик - мессия) масаласи тургани учун асарнинг Муқаддима қисмида Муҳаммад (С.А.В.) дан олдин ўтган пайғамбарлар ҳақида ҳам ахборотлар берилган эди. Ушбу анъана кейинча ривож олиб, ҳазрати Мусо алайҳиссалом ва бошқа пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам батафсил хабар берувчи китоблар яратила бошланди.

Бу даврда Муҳаммад (С.А.В.)дан бошланган Қуръон тафсирлари анъанаси ҳам ривож олди, кенг маънодаги адаб илмига асос солинди. Ибн ал-Муқаффанинг (724-759) «Ал-Адаб ас-Сағир», «Ал-Адаб-ал-Кабир» асарлари ёзилди. Халил ибн Аҳмад (718-792) луғатшунослик асосларига бағишланган «Ал-Айн» асари таркибида аруз илмининг назарий асосларини яратиб, ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшуносликка замин ҳозирлади. Кейинги аср охирида Ибн ал-Мутазз (861-908) адабиётшуносликнинг яна бир таркибий қисми «илми бадеъ» (шеърий санъатлар ҳақида илм)ни кашф этди. Араб мумтоз шеъриятининг асосчилари Абу Нувас (762-813), Башшар ибн Бурд (714-784), Абул Атахия (718-825) каби улуғ шоирлар, Ал-Жоҳиз (775-868) каби адиблар шу даврда яшаб ижод этдилар. Шу забардаст сиймолар орасида ислом даврининг илк туркий шоири Адиб Аҳмад ҳам бор эди. Алишер Навоий гувоҳлик беришича, ислом туркий шеъриятининг бу тўнғич шоири ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нуъмон бин Собит - Имоми Аъзам (699-767)нинг энг севимли шогирдларидан бўлиб, кўзи ожиз бўлса ҳам, дил кўзи ниҳоятда равшан ва тийрак эди. Юртдошимиз Адиб Аҳмаддан бизгача туркий адабий тилда ёзилган «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») достонининг XV асрда кўчирилган бир неча нусхаси ва Алишер Навоий асарларида келтирилган яна 1-2 парча етиб келган. Адиб Аҳмад биринчилардан бўлиб Расулуллоҳ ҳадисларига шеърий шарҳлар бағишлаган аллома шоирдир. Унинг илм фазилати, жоҳилликнинг касофати ҳақида ўн бир аср илгари айтган ҳикматлари ҳануз долзарблигини йўқотган эмас[24].

Шундай қилиб VIII-IX асрларда ислом минтақа маданияти шаклланди ва унинг дастлабки босқичи - Сунна - ўзининг энг олий ютуқларига эришди. Бу ютуқлар, аввало, ислом ахлоқи асосларининг мукаммал тизими вужудга

24 Адиб Аҳмад Югнакийнинг яшаган даври ҳақида фанда баҳсли фикрлар мавжуд. Аммо биз бу борада Навоий келтирган нақлни рад этишга арзигулик жиддий далил-исботни учратмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келганлиги, шариат ва фиқҳ илми, манбашунослик ва матншунослик назарияси ва амалий таржибаларининг шаклланиши, адаб илми, дастлабки Қуръон тафсирлари, қироат илми, шеърият назарияси, сарфу наҳв (грамматика), луғатшунослик ва бошқа илмларга асос солина бошлаганлиги билан белгиланади. Бундай улуғ маънавий бойликнинг вужудга келиши ва ривожида минтақанинг барча халқлари, айниқса, араб, форс, турк элатларининг ҳиссаси катта бўлиб, жумладан, бизнинг ватандошларимиз - Адиб Аҳмад Югнакий, Имом Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий каби алломалар қўшган маънавий улуш бутун жаҳон афкор оммаси томонидан тан олингандир.

Инсоният тарихида минглаб пайғамбарлар ўтган. Уларнинг охиргиси («Хотимат-ун-наби») Муҳаммад (С.А.В.) араб қабилаларинингги ягона миллат сифатида шаклланишида етакчи ўрин тутди. Аммо Қуръони карим асосида шаклланган Тавҳид эътиқоди ва «умма» тушунчалари фақат арабларни бирлаштиришгагина қаратилган бўлмай, балки бутун инсониятни, балки бутун табиат, коинот, Борлиқни яхлит бир моҳият сифатида англаб етиш имконини беради. Аммо бу Олий мазмунга халқлар осонликча етишгани йўқ. Дастлаб, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларида умумминтақа ислом маданияти шаклланишига ғоявий-сиёсий замин яратилди. Абу Муслим қўзғолони ва Маъмуннинг (813-833) халифалик тахтини эгаллаши жараёнида минтақада арабий, эроний, туркий миллатларнинг ўзаро сиёсий-ижтимоий мувозанат ҳолати вужудга келди. Ҳарбийлар кўпроқ туркий халқлар вакилларидан, вазирлар ва сарой амалдорлари эронийлардан, диний нуфуз эгалари арабдан бўлиши анъанага айланди. Кейинроқ шеърият асосан форс тилида, аниқ фанлар араб тилида ёзила бошланди. Ана шундай шароитда IX-XV асрлар мобайнида турли халқ намояндалари иштирокида ягона минтақа маданияти шаклланди. Ва туркий миллат вакиллари ҳам ушбу умумий меросга сезиларли улуш қўшдилар.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

СУННА БОСҚИЧИНИНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ

1. Пайғамбаримиз (С.А.В.) давридан ***Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - "умма" тушунчаси*** шакллана бошлаган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан (750 йил - Абу Муслим қўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши, 813 йилда Маъмуннинг халифалик тахтига ўтириши натижасида) **минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси - *мусулмон умматининг тенглиги* амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди.**

2. Турли исломий мазҳаблар **(ханафия, шофеъия, моликия, ханбалия, жаъфария),** яъни ислом эътиқодига оид қарашлар ва амалларнинг баъзи фарқларга эга бўлган беш йўналиши шаклланди, ва бора-бора улар орасида бир-бирини инкор этмаслик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари ўрнатилди. Бундай ***турли талқинлар аро ўзаро муроса ҳолати*** охир натижада эътиқод масалаларида таассуб (фанатизм) ва бир ёқлама ақидапарастлик хавфининг олдини олишга асос бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Мусулмон ҳуқуқи - ***шариат ва фиқҳ асослари***ни шакллантириш бошланди. **Имом Аъзам** - Абу Ҳанифа ан-Нуъмон бин Собит (699-767) ва унинг яқин шогирдлари Имом Абу Юсуф Ансорий (731-804) ва Имоми Муҳаммад аш-Шайбон (749-805) бу соҳада асосчи бўлдилар.

4. **Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари ҳақида дастлабки мукаммал асарлар** - Ибн Исҳоқ (704-707) ва Ибн Ҳишом (вафоти 834 йиллар) "Сира"лари ***("Сират ар-Расулуллоҳ")*** вужудга келди. Бу китобларнинг асосий ғояси ***рисолат (пайғамбарлик - мессия) масаласи*** бўлиб, улар кейинчалик умуман пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил хабар берувчи китоблар - "Қисас ул-анбиёлар" яратиш анъанасига асос намуна бўлди.

5. ***Қуръон тафсирларини*** тадвин қилиш (мукаммал тафсир китоблари тузиш) анъанаси ривож олди.

6. Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) давридан Муҳаммад (С.А..В.) ҳадисларини жамлаш расмий тус олиб, Имом Малик ибн Анас (713-795)нинг "ал-Муватто", Имом Шофеъий (767-820) ва имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855)ларнинг "Муснад" деб номланган йирик ҳадис тўпламлари вужудга келган бўлса, ***IX асрда ҳадисшунослик илми мукаммал шаклланиб***, унинг қатъий қоидалари асосида ислом оламида Қуръони каримдан кейинги энг нуфузли манба ҳисобланган ***6 саҳиҳ (ишончли) ҳадис тўпламлари*** яратилди. Уларнинг муаллифлари: Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Йазид ибн Можжа (824-886) каби машҳур муҳаддислардир.

7. Расулуллоҳ (С.А.В.) ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда ***юксак инсоний фазилатларни шакллантириш***га қаратилган. Улардаги ота-онага эҳтиром, илмга интилиш, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлик, самимият ва ростгўйлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади. Улар асосида ***ислом ахлоқининг муназзам ва мукаммал бир тизим ҳолида минтақада пухта шаклланувi*** бу даврнинг ниҳоятда муҳим ҳодисаси эди.

8. ***Адаб илмига*** асос солинди, шеърият, филология илмлари ривожланди. Ибн ал-Муқаффанинг (724-759) "Ал-Адаб ас-Сағир", "Ал-Адаб-ал-Кабир" асарлари, Халил ибн Аҳмаднинг (718-792) луғатшунослик ва аруз илмининг назарий асосларига бағишланган "Ал-Айн" асари дунёга келди, Ибн ал-Мутазз(861-908) илк бор "Илми бадеъ" (шеърий санъатлар ҳақида илм)ни кашф этди. Араб мумтоз шеъриятининг асосчилари Абу Нувас (762-813), Башшар ибн Бурд (714-784), Абул Атахия (718-825) каби улуғ шоирлар, Ал-Жоҳиз (775-868) каби адиблар, илк бора Расулуллоҳ ҳадисларига туркий тилда шеърий шарҳлар бағишлаб достон ёзган аллома шоир Адиб Аҳмад шу даврда яшаб ижод этдилар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Сунна босқичида "тавҳид" тимсол-тушунчасининг талқини.
2. Ислом дини ва маънавияти. Мусулмончилик.
3. Сунна босқичининг моҳияти.
4. Ровийлар ва муҳаддислар. Уларнинг ўзаро фарқи.
5. Илк ҳадис тўпламлари.
6. Ҳадис илмининг шаклланиши ва Имом Бухорийнинг жаҳоншумул хизмати.
7. Ҳадис илмининг «олтин асри ва саҳиҳ ҳадис тўпламлари.
8. Ислом ахлоқи ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ибратлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

9. «Сийрат ар-Расулуллоҳ» нима?
10. Исломий мазҳабларнинг шаклланиши.
11. Адаб илми ва Аҳмад Югнакий мероси.

7-боб.
Ислом маърифатчилиги
ва рационалистик тафаккур ривожи

1-фасл. Мантиқий тафаккур эҳтиёжи.

Аллоҳ таоло Қуръони карим орқали марҳамат этган мукаммал Тавҳид таълимотини аҳли башар томонидан англаб етишнинг илк поғонаси бўлмиш Сунна босқичи ўзининг инкор этиб бўлмайдиган фазилат ва ютуқларига эга эканлиги олдинги бобда қайд этиб ўтилди. Бу босқичда ислом маънавиятининг пойдевори ҳисобланувчи шариат аҳкомлари ва ислом ахлоқи шаклланди. Тавҳид таълимотининг илк талқини бўлмиш ушбу қадриятлар тизими умумминтақа маънавиятининг такомилида нақадар муҳим бўлганлиги ҳар қандай шубҳадан ҳолидир. Бу босқич қадриятларини бироз бўлса-да инобатга олмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳам тарих тажрибасида неча бор синалган ҳақиқат.

Аммо Тавҳид таълимотини бутун борлиғи, моҳияти билан англаб олиш учун бўлган ҳаракат бу босқичда тўхтаб қолгани йўқ. Ислом минтақа маънавиятининг такомил тарихи яна бир қатор босқичларни босиб ўтди. IX асрдан бошлаб ушбу маънода янги йўналишлар бўй кўрсата бошлади ва кейинги асрларда улар етакчи мавқега кўтарилди.

Замон ўзгарувчан, инсон табиати эса беқусур эмас. Пайғамбаримиз вафотидан сўнг унинг энг яқин саҳобалари, ул зот ишонган, таянган, кўнгил боғлаган инсонлар орасида нафақат ички рақобат, баҳс ва келишмовчиликлар, балки қонли тўқнашувлар, ростмана жанглар содир бўлди. Биргина пайғамбаримиз рисолатига биринчилардан бўлиб имон келтирган ҳазрат Али билан бошқа бир гуруҳ, яъни Талха, Зубайр каби саҳобалар орасида юз берган жиддий тўқнашув, унда Талха ва Зубайрнинг ҳалок бўлиши билан алоқадор ҳодисаларни мисол келтирсак, шунинг ўзиёқ воқеликнинг нақадар мураккаб эканлигига гувоҳлик беради. Бунинг устига Пайғамбаримиз ҳаётлик даврларига нисбатан кейинги асрларда минтақа халқлари ижтимоий такомилида катта ўзгаришлар юз берди, уларни инкор этиш, Расулуллоҳ давридаги муслимлар уммасининг ҳаёт тарзига тўлиқ қайтиш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тақозосини тан олмаслик кейинги асрлар минтақа аҳли учун имкондан

Тақлидий имон *– илм даражасига кўтарилмаган, моҳиятан англаб етилмаган, фақат ибрат асосидаги эътиқод бўлиб, унинг эгалари турли ботил йўналишлар ва ақидапарастлик таъсирига осон берилиш хавфидан холи эмаслар.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқари эди. Бундан ташқари Сунна босқичида Расулуллоҳ ибрати кўпгина саволларга бевосита жавоб топиш
имконини берган бўлса, кейинроқ бориб, бирмунча мураккаброқ, жиддий фикр юритишни талаб қиладиган муаммолар пайдо бўла бошлади. Натижада ақл билан, аниқроғи мантиқий тафаккур билан иш олиб боришга эҳтиёж кучайди. Масаланинг яна бошқа жиҳати ҳам борки, Сунна босқичи - ибрат йўли. Агар илм бўлмаса, ибрат тақлидга айланиш хавфи бор. Тақлидчилик эса исломда доим қораланади. Шундай экан, маърифатчилик давр тақозоси, ҳаётий эҳтиёждир.

Таҳлилий имон *– чуқур билим ва тафаккур натижасида шаклланган, юксак маънавият эгалари, ориф инсонларга хос моҳиятан англаб етилган эътиқод.*

Асли бу эҳтиёж пайғамбар ҳадисларини тўплаш жараёнидан уларни мавзулар бўйича таснифлаш жараёнига ўтишдаёқ, яъни Малик ибн Анас, Имом Муҳаммад аш-Шайбон, кейинча Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби муҳаддис уламолар фаолиятида аён бўла бошлаган эди. Аммо муҳаддислар фаолияти барибир уларнинг тафаккур қудрати натижаларини ёрдамчи мавқеда ушлаб турар, мазмун жиҳати асосан ҳадисларнинг ўзида мужассам эди. Шу билан бирга исломда соф диний мақсадларда ҳам мантиқий тафаккурга таяниш эҳтиёжи аввал бошданоқ мавжуд бўлган. Бунинг сабабларидан яна бирига тўхталиб ўтсак.

Содда бир мушрикни тавҳид имонига келтирмоқ учун, агар Аллоҳ таоло унинг дил кўзини беркитмаган, маънан қулоқларини кар қилмаган бўлса, Қуръон оятларининг Пайғамбаримиз ва саҳобалар тафсири ва талқинидаги баёни, мусулмон жамоаси қўлга киритган сиёсий ва маънавий ютуқлар ибрати балки кифоя қилар. Аммо исломдан илгари шаклланган ўзига хос мукаммал тизимга эга бўлган диний таълимотлар, жумладан, Маздаясна (зардуштийлик), Веда китоблари асосидаги ҳиндавийлик, буддавийлик, масиҳийлик ва ҳоказолар ҳар бири минтақа халқларининг азим бир гуруҳини ўзига жазб этган бўлиб, ушбу эски ақидалар этагини маҳкам тутган шахслар VIII-IX асрларда минтақада кўпчиликни ташкил этарди. Уларни мажбурлаб, қилич билан янги эътиқодга жалб этиш охир-натижада қониқарли бўлмаслиги аён эди. Эътиқод зўрлик билан бўлмайди. Хуллас,

Мантиқий тафаккур *- асосий тафаккур турларидан, сабаб-оқибат боғланишлари асосида фикр юритиш. Инсоннинг ўзи билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилган билимлари мантиқий билим дейилади.*

Сунна ахлоқи муслимлар жамоасининг ички мувозанати ва интизоми учун зарур бўлса, минтақа ва жаҳондаги ўзга таълимотлар, ўзга ақида тизимларини маънан енгиб ўтиш учун энди **мантиқий тафаккур** қудрати лозим эди. Дарҳақиқат, IX асрда Эронда, қисман, Мовароуннаҳр ва Хуросон да, Маздаясна эътиқоди ҳануз кенг урф бўлибгина қолмай, ҳатто бу таълимот
хусусида бугунги кунгача етиб келган муҳим асарлар яратилгани бизга маълум. Худди шу даврда Шарқий Туркистонда монавийлик бидъати ва буддавийлик эътиқоди руҳида туркий тилда бой адабиёт яратилди. Кишилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

онгига асрлар мобайнида ўрнашиб келган бу сингари кўҳна ақидалар янги изчил Тавҳид эътиқоди билан алмашиши учун Сунна анъанаси кифоя қилмас эди. Бу курашда холис илмий баҳс қуроли бўлмиш мантиқий тафаккур қудрати ўта зарур эди. Демак, Тавҳид таълимотининг тараққиётида маърифатчилик босқичи ҳар жиҳатдан тарихий зарурат бўлиб, бу йўналишдаги ҳаракат Сунна босқичи ҳали етакчи мавқе эгаллаб тургандаёқ бошлангани сир эмас.

Ислом маърифатчилиги босқичи *– миллий маънавиятимизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилининг иккинчи босқичи ва етакчи тамойилларидан бири, X-XI асрларда ўзининг энг юксак такомилини намоён қилган ва Тавҳид Ҳақиқатини мантиқий тафаккур даражасида англаб етишга эришилган бу тамойилни* ***Илм маърифати*** *деб таърифлаш жоиздир. "Ислом маърифатчилиги" - инсоният англаб етган барча мавжуд билимлар моҳиятан Тавҳид эътиқодига мувофиқ эканлигини илм ва мантиқий таҳлил воситасида исбот қилишга қаратилган турли йўналишдаги қомусий алломалар гуруҳининг умумий фаолиятини англатади.*

Ислом маърифатчилиги ҳақида гапиришдан олдин яна бир масалага ойдинлик киритиб олиш лозим. Нега ислом минтақа маънавияти ривожининг биринчи қисмини Сунна босқичи деймиз ва уни IX аср билан якунлаймиз? Чунки ушбу асрда яшаб, фаолият кўрсатган 6 буюк муҳаддиснинг бажарган ишлари ниҳоясига етмай туриб, кейинги босқичга ўтиб кетиш маънавий такомил мантиқига тўғри келмас эди. Қуръони каримнинг қонунлаштирилган матни тайёр бўлиб, ундан нусхалар кўчирилгач, Расулуллоҳ ҳадисларини тўплаш, тартибга келтириб, уларнинг ишончли тўпламларини («Жомеъ ас-Саҳиҳ») тузиш имкони пайдо бўлди ва кейинги 2 аср шунга сарф бўлди. Шунга қиёсан айтиш мумкинки, 6 буюк муҳаддис имомларнинг ишончли ҳадис тўпламлари ҳозирги мавжуд ҳолатида тартиб берилмай туриб, Тавҳид таълимотининг ақлга, мантиқий тафаккурга таянувчи талқинларига уриниш номукаммал хулосаларга олиб келиши мумкин эди. Муътазила йўналишининг янглишувлари бунга мисол бўла олади. Аммо ҳаёт мураккаб, инсон изланишлари назарий мукаммалликларни кутиб турмайди. Янги босқичдаги етакчи йўналишларнинг деярли барчаси буюк муҳаддислар фаолияти билан бир замонда, яъни IX асрда пайдо бўла бошлади.

2-фасл. Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари.

Хуллас, иккинчи босқичда ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш натижасида ҳақиқатни англаб етишнинг турли мувозий (параллел) йўналишлари шакллана бошлади. Сунна доирасидаги мазҳабларга қараганда энди бу даврда шаклланган фикрий оқим ва йўналишларнинг ўзаро фарқи анча-мунча сезиларли тус олган ва ўзаро мунозара ҳам кучайган эди. Бу даврнинг катта-кичик оқимлари ниҳоятда кўп бўлганлиги сабабли биз фақат энг муҳимларигагина тўхталиб ўтамиз. Уларни танлашда ўз билгимизча иш кўрмаслик учун ушбу даврнинг энг нуфузли намояндаларидан бўлмиш Имом

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111) ҳамда мутафаккир шоир ва олим Умар Хайём (1048-1122) санаб ўтган йўналишларнинг ўзига диққат қаратсак, кифоя қилса керак. Чунки бу давр ислом минтақасининг тафаккур оламини қамраб олиш учун ўнлаб эмас, балки юзлаб жилдлар битиш керак бўлади ва бу гаплар асло муболаға эмас.

Энг ажойиби шуки, даврнинг энг муҳим йўналишларини ажратиб олишда буюк мутакаллим Ғаззолий ва буюк файласуф ва табиийунчи (табиий фанларни ўрганувчи) Умар Хайём мутлақо бир хил хулосага келганлар. Демак, бу хулоса кўп жиҳатдан ўша даврда мавжуд ҳақиқатни акс эттирган, дейиш мумкин.

Ислом маърифатчилиги даврининг энг буюк алломаларидан бўлмиш Имом Абу Ҳамид Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳақида унинг мухлислари «Агар Муҳаммаддан кейин пайғамбар бўлиши мумкин бўлганда, албатта Ғаззолий бўлур эди», деб муболаға қилишлари бежиз эмас. Ушбу муҳтарам зот ислом минтақа маънавиятининг ўзидан олдинги 5 асрлик такомилини ўз асарларида теран хулосалаб, янги йўналишларни белгилаб бера олган буюк устоздир. «Ал-Мунқиз мин ад-далал» («Адашувлардан қутқарувчи») асарида имом ал-Ғаззолий ёзади: «Менда шундай тасаввур шаклландики, Ҳақиқатни изловчилар тоифаси тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1.Мутакаллимлар...

2.Ботинийлар...

3.Файласуфлар...

4.Суфийлар...»[25].

Умар Хайём ҳам ўзининг «Дархостнома» («Сўралган нарса ҳақида китоб») рисоласида ушбу йўналишларни ўзгаришсиз қайтаради, яъни мутакаллимлар, файласуфлар, исмоилийлар (яъни ботинийлар) ва суфийларни у ҳам санаб ўтади [26].

Албатта, ҳар бир йўналишнинг таърифи ҳар икки алломада бир хил эмас, чунки уларнинг дунёқарашида ўзаро жиддий фарқлар мавжуд эди. Ҳар икки олимнинг таснифи ўзаро мос тушганлиги аввало ислом маърифатчилиги даврига хос бир маънавий фазилатни муайян акс эттиради: бу даврга келиб ислом минтақа маънавиятида нафақат шариат аҳкомлари талқинида турлича қарашлар, балки янада кенгроқ маънода, яъни Борлиқнинг олий ҳақиқатини излашда бир-биридан жиддий фарқ этувчи турлича йўналишлар вужудга келган ва улар зиёли давраларда ўзаро расман тан олинган эди. Ҳозирги замон тилига ўгириб айтганда, Сунна даврида ислом эътиқоди ақидалари мажмуи бўлмиш шариат доираси билан чекланган талқинлар плюрализми (ислом динининг беш мазҳаби) шаклланган бўлса, энди иккинчи босқичда Ҳақиқатни англаб етишда турли оқим ва йўналишлар (Тавҳид таълимоти доирасидаги турлича қарашлар) плюрализми вужудга

---

25 Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. М.-«Наука»-1960, с. 217 (Ғаззолийнинг ҳар бир гуруҳга берган қисқача таърифларини тушириб қолдирдик – муаллиф).

26 Морочник С. Б., Розенфельд Б. А. Омар Хайям. Поэт, мыслитель, ученый. Сталинабад, 1957, с.207-208.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. Ушбу ҳодиса ҳурфикрлик анъаналари ислом минтақа маънавиятида X-XI асрлардан янада кенг ривож ола бошлаганини англатар эди.

а) калом илмининг ривожланиши ва Мотуридий меросининг аҳамияти

Асли ислом маърифатчилиги босқичида кенг ривож олган кўпчилик оқимлар Уммавийлар давридаёқ мустақил бўлиб, ажралиб чиққан мўътазила диний фалсафасининг маънавий таъсири остида юзага келди десак, муболаға бўлмайди. Ўз даврида Басра қозиси бўлмиш йирик ва машҳур дин арбоби Ҳасан ал-Басрий (642-728)нинг салоҳиятли шогирди Восил ибн Ато (699-748) бир масалада устози билан баҳслашиб қолиб, тарафдорлари билан унинг суҳбатини тарк этади ва янги мустақил йўналишга асос солади. Иътазала (тарк этиш) сўзидан келиб чиққан ҳолда бу оқим мўътазила деган ном олади. Восил ибн Атога тегишли деб ҳисобланувчи китобларнинг бири «Ат-Тавҳид ва-л-Адл»деб ном олган. Кейинги асрда унинг издошлари Муаммар б. Аббод (вафоти 830 йил), Абу Исҳоқ ан-Наззом (вафоти 845), Абу Хузайл ал-Аллоф (749-849) ва бошқалар мўътазиланинг 5 асосий қоидасини ишлаб чиқдилар. Уларнинг биринчиси Ал-Адл (Аллоҳнинг адолати) ва иккинчиси Ат-Тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги) бўлиб, бу икки тушунча ислом минтақа маънавиятининг кейинги ривожида етакчи ғояларга айланди. Мўътазила таълимоти Аллоҳ адолати деганда мавжуд воқеликнинг муайян қонуниятлар асосида ривожланиши ва инсон иродасининг эркинлиги каби ўта муҳим қоидаларни назарда тутарди. Аллоҳнинг мутлақ ягоналиги (Ат-Тавҳид) қоидаси эса, мўътазила талқинида Ягона илоҳий зотни тасаввур этишда асотир тафаккурнинг бутун қолдиқ унсурлари, айниқса, Аллоҳ таоло зотига инсонга хос сифатлар (кўз билан кўриш, қулоқ воситасида эшитиш, қўл билан яратиш ёки тутиб туриш, ақл билан билиш кабилар) нисбат

Калом (илми) – Нақлий ва ақлий билимлар уйғунлигига таянган хос ислом фалсафаси ва илоҳиёт илми. Калом илмининг дастлабки йирик оқими бўлган **мўътазила** дин ақидаларини ақл тарозисида ўлчаб талқин этишга асосланган эди, бу оқим вакиллари исломнинг энг муҳим икки масаласи - Адолат ва Тавҳид тушунчалари талқинида шу даражада илгари кетдиларки, улар изидан ислом маърифатчилигининг буюк тўлқини келиши даврнинг мантиқий тақозоси бўлиб қолди. Исломнинг мўътазила талқини Халифа Маъмун (813-833) замонида расмий таълимотга айланиб, ҳатто унинг қарашларига қўшилмаган руҳонийлар тазйиқ остига олина бошланди. Бу ҳолат то 849 йилда халифа Мутаваккил (847-866) бундай баҳсларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқаргунча давом этди. X асрга келиб, калом илмининг **ашария** ва **мотуридия** оқимлари шаклланди. Калом фалсафаси Тавҳид таълимотини минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини ақл ва мантиқ қудрати билан исботлаб бергач, исломнинг маънавий мавқеи беқиёс юксалиб кетди, шу билан бирга Қуръони карим оятларида таъкидланган тарихий тадрижийлик қоидаси чуқурроқ идрок этила бошланди. Аллоҳнинг охирги китоби келтирган маънавий бойликни теран англаб етиш учун исломгача яратилган бутун маданий меросни чуқур ўрганиш ва тўғри талқинда ўзлаштириш лозимлиги маълум бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилишини (яъни антропоморфизмни) тўлиқ инкор қиларди. Мўътазилага шуҳрат келтирган ва уни бидъат сифатида қораланишининг бош сабабларидан бўлган «Қуръоннинг яратилганлиги» («Ҳудус ал-Қуръон») ҳақидаги ўзига хос нуқтаи назар ҳам бу йўналишнинг мантиқий тафаккурга таянганлигига ишора қилади. Калом йўналишининг дастлабки йирик оқими бўлган мўътазила шаксиз диний фалсафа эди, яъни дин ақидаларини ақл тарозисида ўлчаб талқин этишга асосланган эди, аммо бу оқим вакиллари исломнинг энг муҳим икки масаласи - Адолат ва Тавҳид тушунчалари талқинида шу даражада илгари кетдиларки, улар изидан ислом маърифатчилигининг буюк тўлқини келиши даврнинг мантиқий тақозоси бўлиб қолди. Халифа Маъмун (813-833) даврида исломнинг мўътазила талқини расмий таълимотга айланди ва ҳатто Қуръоннинг яратилганлиги ҳақидаги қарашга қўшилмаган руҳонийлар тазйиқ остига олина бошланди. Бу ҳолат чорак аср давом этди. Ниҳоят 849 йилда халифа Мутаваккил (847-866) Қуръоннинг яратилганлиги ҳақидаги баҳсларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарди. Энди мўътазила оқими вакилларининг ўзлари қувғин этилдилар.

Аммо фикр тўхтаб қолмади, мўътазила оқими ҳам йўқ бўлиб кетмади. Халифа Маъмун ҳомийлигида Бағдодда шаклланган «Байтул-ҳикма» (Донишмандлик уйи, ҳозирги тил билан - Академия) доирасида табиий фанларни ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Бизнинг юртдошларимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (780-850), Аҳмад Фарғоний (вафоти 861 йил) ва бошқалар бу давр ислом минтақа маданиятининг фахри эдилар.

Калом фалсафаси Тавҳид таълимотини минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини ақл ва мантиқ қудрати билан исботлаб бергач, исломнинг маънавий мавқеи беқиёс юксалиб кетди, шу билан бирга Қуръони карим оятларида таъкидланган тарихий тадрижийлик қоидаси чуқурроқ идрок этила бошланди. Аллоҳнинг охирги китоби келтирган маънавий бойликни теран англаб етиш учун исломгача яратилган бутун маданий меросни чуқур ўрганиш ва тўғри талқинда ўзлаштириш лозимлиги маълум бўлиб қолди. Бу билан **ислом маърифатчилиги босқичининг иккинчи муҳим хусусияти - ўтмиш меросни ўрганишга жиддий киришиш ва уни янгича асосларда англаб етиш ҳаракати** ҳар тарафлама ривожланди. IX асрдаёқ кенг миқёсда таржимачилик фаолияти бошланиб,

Нақлий билимлар *– илоҳий китоблар орқали ёки турли йўллар билан (асосан, ёзма манбаларда) ўтмиш аждодлардан етиб келган билимлар.*

Хунайн ибн Исҳоқ (810-873), Собит ибн Курра (886-901) каби атоқли ва сермаҳсул таржимонлар, бутун-бутун оилавий таржимачилик мактаблари етишиб чиқди. Қадим Юнон фалсафий мероси деярли тўлиқ араб тилига таржима қилинди. Қадим Сурия, Бобил, Эрон, Ҳинд ва бошқа ўлкаларда яралган муҳим манбалар араб тилига ўгирилди. Адабий ва тарихий асарлар, жумладан, Эрон ва Турон тарихига оид манбалар ҳам таржима қилинди. Оғзаки бадиий

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиёт намуналарини ёзиб олиш ва тартибга солиб, мавзулар асосида тўпламлар тузиш авж олди. Бу ишларнинг кўпи давр зиёлиларининг фидокорона меҳнати ва ташаббуси билан амалга ошириларди.

Хорун ар-Рашид, Маъмун каби йирик давлат арбобларидан тортиб турли ўлка ва вилоят ҳокимлари, ноиблари, вазирлар, турли даражадаги зодагон гуруҳларнинг бу борадаги хизматларини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Сунна давридаёқ ислом ҳукмдорлари, олий табақа вакиллари ўртасида зиё аҳлини саройга жалб қилиш, шоирлар, муаррихлар, мунажжимлар, фақиҳлар, тиб олимлари, ҳатто риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), адаб илми (филология ва риторика) намояндаларини атрофга тўплаб, уларнинг илмий фаолиятини моддий рағбатлантириш кенг урф бўла бошлаган эди.

Ақлий билимлар *- инсон ўз тафаккури билан етишган билимлари. Улар ҳам ўз навбатида бир нечта турга бўлинади: (1) - ҳаётни кузатиб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар, (2) – мантиқий, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар, (3) - амалий фаолият жараёнида ва ёки ўрганиш билан ҳосил қилинган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.*

Аммо бир ҳақиқатни қайд этиб ўтиш керакки, Сунна ва ҳадис илмининг буюк устозлари доимо саройдан ўзларини четга тортиб келдилар, Абу Ҳанифа ва Имом Бухорий каби ислом оламининг энг ёрқин сиймолари ҳатто қозилик вазифасини бажаришга розилик бермадилар. Маърифатчилар сарой ҳомийлиги бўлмаса, мақсадларига эриша олмас эдилар. Чунки табиий фанлар ва ўтмиш меросни жиддий ўрганиш учун бутун умрни бағишлаш, бундан ташқари турли моддий харажатларни қоплаш керак бўлар эди. Шу сабабли ислом маърифатчилиги намояндаларининг кўпчилик йирик вакиллари саройда, сарой билан боғлиқ ҳолда ёки саройга яқин доираларда ижод қилишди.

Мўътазила оқими бошлаб берган Калом фалсафасига X асрдан яна икки мустақил йирик оқим келиб қўшилди. Уларнинг биринчиси кўпчиликка маълум бўлган ашъария оқими бўлиб, асосчиси Абул Ҳасан Али бин Исмоил ал-Ашъарий (873-935) номи билан шуҳрат қозонди. Ал-Ашъарий ўзи Басрада мўътазила оқимининг ўша даврдаги етакчи устозларидан Абу Али ал-Жуббоий (вафоти 915 йил) қўлида таълим олган бўлиб, устози бегона эмас, Абулҳасанга ўгай ота бўлар эди. Аммо 912-913 йилларга келиб, ал-Ашъарий мўътазила оқимидан узоқлашиб, Бағдодга кўчиб ўтди ва ўзи янги мустақил таълимотга асос солди. IX асрда мўътазила оқими шаклланаётган пайтда ҳали юнон файласуфларининг мероси араб тилига мукаммал ўгирилган эмас эди. Шу сабабли айтиш мумкинки, Тавҳид таълимотининг мўътазила талқини нисбатан мустақил мантиқий тафаккурга таянган эди. Аммо ал-Ашъарий даврига келиб, Афлотун ва Арасту каби улуғ юнон файласуфлари изидан борувчилар пайдо бўлиб, араб тилидаги мустақил ислом фалсафа мактаби шакллана бошлаган ва бу соҳада янгилик яратиш қийинлашган эди.

Ал-Ашъарий ўз таълимотини яратишда Демокритнинг атом ҳақидаги назариясидан фойдалангани ҳақида илмий доираларда мулоҳаза юритилади. Аммо Ал-Ашъарийнинг энг асосий асарлари бевосита бизгача етиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмагани сабабли бу ҳақда аниқ хулосалар қилиш қийин. Яқин ўтмишда ашъария оқими реакцион ҳисобланиб, аввал фалсафага, кейин мўътазилага ҳам қарши қўйиб келинди. 80-йиллар охиридан бошлаб, бундай ёндошув унча тўғри эмаслиги, мўътазила ва ашъария оқимлари орасида фарқларгина эмас, умумий жиҳатлар ҳам кўп эканлиги кўпчиликка маълум бўлмоқда. Бу оқимнинг кейинги намояндалари ичида Ал-Бақиллоний (вафоти 1013 йил), Абу Исҳоқ ал-Исфароиний (вафоти 1027 йил), Ал-Жувайний (вафоти 1085 йил), Аш-Шаҳристоний (вафоти 1153), Фахриддин Розий (вафоти 1209 йил) каби улуғ алломалар ижоди жаҳон илмида кўплаб махсус тадқиқотлар мавзуи бўлиб келмоқда. Айниқса, охирги икки буюк зот ижоди алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, уларда фалсафа ва Калом йўналишларининг яқинлашуви кузатилади.

Абул Ҳасан ал-Ашъарий билан деярли бир вақтда бизнинг яна бир буюк юртдошимиз Абу Мансур Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий (870-944) Калом илмининг учинчи мустақил оқими мотуридияга асос солди. Аллома таваллуд топган Мотурид қишлоғи ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрининг бир маҳалласига айланган. Ёш Абу Мансур Муҳаммад Самарқандда ҳанафия мазҳаби фақиҳлари қўлида таълим олди ва кейинча ўша ерда ўзи ҳам мударрислик қилиб, фиқҳ ва Калом илмини талабаларга ўргатди. Олимнинг асосий асарларидан «Китоб ут-Тавҳид» ва «Китоб таъвилат ал-Қуръон» асарлари бизгача етиб келган. Мотуридийнинг қабри Самарқанднинг машҳур зиёратгоҳларидан, юзлаб улуғ алломаларнинг хоки-поклари жой олган Чокардиза мозорида бўлиб, собиқ тоталитаризм замонида (1948 йилдан кейин) атайин бузиб ташланган бу табаррук қабристон мустақиллик шарофати билан қайтадан обод қилинди. Мотуридия оқими ашъариядан баъзи масалаларга муносабати жиҳатидан жиддий фарқ қилади. Масалан, инсоннинг ирода эркинлиги, яъни ўз ҳаракатларида соҳиби ихтиёр эканлиги мотуридия оқимида тан олинади. Мотуридия оқими ҳанафия мазҳаби доирасида, ашъария эса шофеъийлар орасида ёйилган бўлиб, 1040-1044 йилларда Бағдод ва Самарқандда бу таълимотлар расмий ислом ақида ва арконлари сифатида тан олинди ва ҳаётга жорий этилди. Мотуридия оқимининг инсонни соҳиби ихтиёр деб ҳисоблаши ва инсон ақли яхшилик ва ёмонлик (хайру шарр)ни бир-биридан ажрата олади, дейиши ашъариядан фарқли равишда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кейинги (XII-XV) асрларда илм-фан равнақ топишига йўл очди. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги мусулмон Шарқида етишиб чиққан ислоҳотчи уламолар (Муҳаммад Абду, Абдураҳмон ал-Кавкабий кабилар) Имом Мотуридий таълимотига асосланиб, шариатдан чекинмаган ҳолда ислом дунёсини ақлга таяниб, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиб ва уларни тараққий эттириб, ислом жамияти олға ривожланиши зарурлигини назарий асослаб берганлар, замон талабига жавоб берувчи фатволар чиқарганлар. Бу йўналиш Шайх Сайид Жамолиддин ал-Афғоний, Исмоилбей Ғаспи-рали, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби илғор ислом уламолари фаолиятида янада кенг авж олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

б) ботиния таълимоти ва «Ихвон ус-сафо» энциклопедияси

Ислом маърифатчилиги босқичининг иккинчи йирик йўналиши **ботиния** бўлиб, унинг асосида исмоилия бидъати ётади. Шиа мазҳабидан ажралиб чиққан бу бидъат намояндалари бошқа шиалар каби олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ (700-765) нинг кичик ўғли Мусо ал-Козим (вафоти 799 йил) ни эмас, катта ўғли Исмоилни имомликдаги вориси деб тан оладилар (Исмоил бин Жаъфар отаси ҳаёт чоғида 762 йилда вафот этган) ва имоматни шу 7-имомда якунланади деб ҳисоблайдилар[27].

Мисрда Фотимийлар давлат тепасига келгач (909 йил), исмоилийларнинг минтақа бўйлаб фаолияти авж олди ва таъсири ҳам кучайди. Давр ақл ва мантиқий тафаккур даври эди. Шунга муносиб равишда исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқдилар. Улар билимни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира - хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат «Расоили иҳвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо» («Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисолалари») мажмуаси бўлиб, бу мажмуада 14 рисола риёзиёт (математика)га, 17 рисола табиий фанларга, 11 китоб Олий ҳақиқат сирлари ва яна 10 китоб диний масалаларнинг мантиқий таҳлилига бағишланган эди.

Бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чуқур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша даврларда кўпчилик расмий ақидага мухолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. «Пок

Ботиния – Ислом маърифатчилиги босқичида шаклланган Борлиқ ҳақиқатини идрок этишга оид яна бир йирик йўналиш бўлиб, унинг асосида **исмоилия** бидъати ётади. Исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқиб, шу асосда билимни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира - хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат “Расоили иҳвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо” (“Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисолалари”) мажмуаси бўлиб, бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чуқур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша даврларда кўпчилик расмий ақидага мухолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак.

[27] Маълумки, шиалар 12 имомга эътиқод қиладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

биродарлар» гуруҳидан ташқари исмоилиянинг Ан-Насафий (942 йилда ўлдирилган), Ал-Кирмоний (вафоти 1021 йил) сингари бошқа машҳур назариётчилари ҳам фанга маълум. Мовароуннаҳрда исмоилия бидъатини тарғиб этган энг буюк шахс шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088) бўлиб, у Помир тоғлари бағридаги машҳур Бадахшон ўлкасидан эди. У исмоилия қарашларини жиддий фалсафий руҳда талқин қилиб, айниқса, ижтимоий адолат масалаларига алоҳида диққатини қаратди.

в) фалсафа йўналиши: устоди соний Форобийнинг жамият ҳақидаги қарашлари.

Учинчи, айтиш мумкинки, ақл қудрати ва мантиқий тафаккурга таянган энг йирик ва энг теран йўналиш - ислом фалсафа мактаби бўлиб, бу йўналиш табиий ва аниқ фанларни ўрганиш билан бевосита боғланиб кетади. IX асрдаёқ фалсафа йўналишининг биринчи йирик вакили Ал-Кинди (800-870) ижод этганлиги маълум. IX асрга келиб, бу соҳада ҳам энг буюк алломалар яна бизнинг юртимиз ёки, кенгроқ олганда, Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиқа бошлади. Аввало, юртдошимиз Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий (873-950) ни эсга олиш жоиз. У Форобда туркий элатдан бўлган ҳарбий оиласида туғилди. Шош, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида таълим олиб, сўнг Рей, Исфаҳон, Ҳамадон шаҳарларини босиб ўтиб, Бағдодга кириб борди. 70 дан ортиқ тилни, ўз давригача яратилган илмий-фалсафий бойликни чуқур ўзлаштирди. Форобий сарой доираларидан иложи борича ўзини узоқ тутган, камтарона ҳаёт кечирган, фақат умрининг охирида Халаб ҳокими Сайфуддавла (943-967) илтифотига сазовор бўлиб, унинг ҳомийлигида бир мунча баракали ижод қилишга муяссар бўлган. Араб дунёсининг Мисрдан тортиб кўп шаҳарларини кезиб чиққан аллома Дамашқ шаҳрида вафот этган ва ўша ерга дафн этилган.

Фалсафа *– Борлиқ ҳақиқатини (Борлиқнинг моҳияти, унда инсоннинг ўрни ва вазифаси каби энг умумий муаммоларни) мантиқий тафаккур асосида англаб етиш ва англатишга уриниш, аниқроқ айтганда, Борлиқ ҳақиқатини турлича хусусий тимсол-тушунчалар асосида моделлаштиришга уриниш. Ислом минтақа маданияти доирасида қадим юнон фалсафий мактаби анъаналарини тавҳид таълимоти доирасида ривожлантирган Форобий, Ибн Сино каби алломаларимиз мероси шу ном билан аталган.*

Форобий 160 дан ошиқ асар ёзган қомусий билим соҳиби эди. У юнон файласуфлари меросини чуқур ўрганиб, уларга шарҳлар ёзди. Айниқса, Аристотелнинг мураккаб фалсафий асарларини батафсил шарҳлаб берди. Унинг шарҳлари асосида катта бир гуруҳ алломалар юнон фалсафа мактаби мазмунини янгича талқинда ўзлаштирдилар. Бундан ташқари Форобий илмнинг турли йўналишлари бўйича (фалсафанинг умумий масалалари, билиш назарияси, фанлар таснифи, математика, астрономия, музика, адабиёт назарияси, нотиқлик санъати, физика, кимё, тиббиёт, биология, этика, педагогика,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳуқуқшунослик, давлатни бошқариш назарияси, сиёсатшунослик ва бошқа турли соҳаларда) мустақил рисолалар яратди.

Инсоннинг бахт-саодатга эришуви, фозил жамият ва унинг ҳукмдори ҳақидаги Форобий олға сурган ғоялар кейинги аср алломалари томонидан янада ривожлантирилиб, инсоният тарихини тўғри тушуниш ва талқин қилишда янгича ёндошувларга асос солди. Форобий мероси XII-XIII асрлардаёқ лотин, қадимий яҳудий ва бошқа тилларга таржима қилиниб, Европа халқлари маънавиятини бойитишга хизмат қилди.

“Фозил шаҳар” – Абу Наср Форобий талқинида "Инсонлари ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдам бериш учун бирлашган шаҳар”. Ҳар бир инсон Ҳақ олдидаги масъулиятини тўғри англаб, камолот сари ўзи интилар экан, ўзгаларнинг ҳам худди шундай интилишига кўмакдош бўлишга астойдил уринса, натижада "фозил шаҳар" (жамият, миллат, мамлакат) вужудга келади. Улуғ алломанинг бу қарашлари бугунги кундаги “фуқаролик жамияти” тушунчасини мукаммал ифодалайди.

Форобий ва унинг ижодий фаолияти ҳақида катта монографик рисолалар ўзбек тилида босилиб чиққанлиги учун бу ҳақда ортиқча таъриф шарт бўлмаса керак. Фақат бир нарсага эътибор беришни бугунги кун тақозо қилади. Алломанинг борлиқ ҳақидаги яхлит тасаввури ва талқинлари совет даври ҳукмрон мафкураси талабларидан келиб чиқиб кўп жиҳатлардан чалкаш талқин этилган.

Форобий соф фалсафий Тавҳид таълимотини яратишни ният қилган, десак тўғрироқ бўлар. Унинг мулоҳазалари исломдан ташқарида эмас, балки илоҳий китобда таъкид этилган Тавҳид таълимотини тўғри талқин этишга томон яна бир поғона юқорироқ кўтарилиш, дейиш маъқулроқ кўринади. Шу ўринда Аристотел ва Форобий, кенгроқ олсак, қадим Юнон мумтоз фалсафаси ва ислом маърифатчилиги даври билан Тавҳид фалсафаси орасидаги нисбат ҳақида баъзи мулоҳазаларга эҳтиёж сезилади. Нега ислом маърифатчилари Ҳомернинг бадиий ижодига ёки Эсхил ва Софокл трагедияларига камроқ эътибор бериб, Афлотун ва Арасту фалсафасига айрича диққат қаратдилар? Аввал мусулмон мутафаккирлари юнон бадиий адабиётидан хабардор бўлмаганлар деб фараз қилинди, аммо бу нотўғри бўлиб чиқди. Бизнинг назаримизда, масаланинг моҳияти бошқачароқ. Маълумки, қадим юнон маданияти асотир тафаккур босқичида (фикрлаш тарзига кўра олганда «Авесто» маданиятининг мантиқий давоми сифатида) шаклланган. Шу сабабли у давр бадиий адабиёти ҳам халққа яхши маълум бўлган асотир тимсолларга таяниб яратилгандир. То Афлотун фалсафасига қадар биз шу ҳолатни мушоҳада қиламиз. Афлотун фалсафасида асотир тимсолий қобиқ ёки пўстлоққа айланган. Асл идеализм - бу Афлотун фалсафасидир. Ундаги идеялар олами ҳақидаги тасаввур асотир тафаккур қобиғида янги бир дунёқараш - борлиқнинг фалсафий талқини яралиб келаётганидан дарак берарди.

Фалсафий тафаккур *– мураккаб таркибли тафаккур турларидан, мантиқий ва эвристик тафаккур асосида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Форобийни ва умуман, X-XI аср мусулмон донишмандларини Аристотел фалсафий меросига жазб этган нарса худди шу ҳолат, яъни асотир тафаккурни соф фалсафий дунёқараш енгиб ўтганлиги бўлса, ажаб эмас. Шу нуқтаи назардан Аристотел қарашлари Борлиқ ҳақиқатини очиқ кўз билан, яъни соф ақл кўзи билан идрок этишдаги биринчи қадам бўлиб, Форобий талқинида бу қарашлар соҳиби Биринчи муаллим номини олди. Талқин этувчининг ўзи эса Иккинчи муаллим аталди. Шу ўринда яна Навоий яратган тимсоллар ёдга тушади. Суқрот Фарҳодни_минг йил_кутганини айтади. Аристотел мероси ҳам турк йигити Абу Наср Муҳаммадни 14 аср кутди. Исломгача аҳли башар фалсафий тафаккури авж нуқтаси билан Тавҳид фалсафасининг соф ақлга таянган ифодаси туташуви шу тариқа амалга ошди.

Форобий тимсолида миллий тафаккуримиз умумбашарий миқёсга кўтарилди, яъни Форобий фалсафаси ўзидан олдинги умумбашарият мантиқий тафаккурининг чўққиси - Аристотелнинг борлиқни идрок этиш даражасига етишиб, ундан илгарилаб кетди. Ислом Тавҳид фалсафасининг Форобийдан кейинги тараққиёти бутун башариятни тафаккур тараққиётида янги пиллапоялардан юқори олиб чиқиб кета бошлади. Абу Абдуллоҳ Хоразмий (вафоти 997 йил), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048) каби юртдошларимиз мероси ушбу юксалиш пиллапояларининг айрим бўғинларини ташкил этади, деб бемалол айтиш мумкин.

Форобийдан бошлаб Ибн Синогача барча файласуфларимиз қомусий билим эгаси эдилар. Беруний умумфалсафий мулоҳазалар билан камроқ шуғулланиб, кўпроқ турли муайян илм соҳаларига аҳамият берган бўлса, Ибн Сино ҳам аниқ ва амалий билимлар соҳасида, ҳам соф фалсафий мушоҳадаларда юксак чўққиларни забт этди.

Шу ўринда Форобий ва Ибн Сино фалсафаси орасидаги аниқ кўриниб турган фарқни қайд этиб ўтиш минтақа маънавияти тараққиётидаги ўзгаришларга эътиборимизни жалб этиши мумкин. Форобий X аср биринчи ярмида ижод этди. Унинг фалсафий тафаккурига тасаввуф таълимотининг жиддий таъсири сезилмайди. Аммо Ибн Сино меросидаги «Ҳайй ибн Яқзон», «Соломон ва Ибсол», «Қуш рисоласи», «Ишқ ҳақида рисола» каби қатор асарларда тасаввуфга оид муаммолар кўтарилади ва уларга фалсафий жавоблар изланади. Масаланинг жиддий муҳокамасига киришмаган ҳолда айтиш мумкинки, бу ўзгариш бежиз эмас эди.

г) тасаввуфий қарашларнинг шаклланиши.

Тасаввуф таълимоти ҳам исломнинг дастлабки асрларидаёқ пайдо бўла бошлаган бўлиб, аввал тақвога ўта қаттиқ риоя қилиш, нафл ибодатларга берилиш билан кўзга ташланган бу йўналиш VIII асрга келиб Робияйи Адавия сиймосида илоҳий ишқни улуғлашни биринчи ўринга чиқарди. IX асрдан Зуннун Мисрий (вафоти 859), Хорис Муҳосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) каби суфий шайхлари тасаввуф назариясига илк пойдевор тошларини қўя бошладилар. IX аср охири X аср бошларида Жунайд

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бағдодий (вафоти 910 йил) , Мансур Халлож (858-922) каби машҳур сиймолар етишиб чиқди. X аср охирида тасаввуф бўйича илк умумлаштирувчи китоблар «Китоб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф» (Абу Наср Абдуллоҳ ибн Али Саррож -вафоти 988 йил), «Китоб ат-таарруф ли мазҳаб-ул-тасаввуф» (Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободий - вафоти 995 йил) кабилар ёзилди. Тасаввуф таълимотининг кенг ёйилиши XI асрдан бошланди, дейиш мумкин. Бу аср тасаввуф насрий адабиётининг йирик вакили - Алишер Навоий тарафидан «пири Ҳирот» деб улуғланган Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), форс тилида ижод этган халқчил тасаввуф шеърияти вакиллари Бобо Тоҳир Урён, Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароқоний (вафоти 1033 йил), Бобо Куҳий (вафоти 1050 йил), тасаввуф ҳақида турли рисолалар муаллифлари Кушайрий (987-1073), Ҳужвирий (вафоти 1076 йил), Ас-Суламий (937-1021) ва тасаввуфнинг бошқа машҳур амалиётчи ва назариётчилари яшаб ўтган даврдир. Булар ичида бизнинг диёр вакиллари Арслонбоб ота, Боб Фарғоний, Ҳусам ота кабилар ҳам бор. Кенгайиб бораётган бу янги маънавий жараён ақл ва мантиқий тафаккурни маънавият асоси деб билган, инсонийлик моҳиятини аввало ақлий билимларни ўзлаштириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда кўрган ислом маърифатчилиги босқичи намояндаларига ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достонида зоҳид суфий алоҳида тимсол Ўзғурмиш қиёфасида акс эттирилди. Аммо шунга қарамай, XI асрда ҳануз ислом маърифатчилиги - файласуфлар, мутакаллимлар, ботинийлар, табиий ва аниқ фан алломалари, қисқаси, ақл ва билимни биринчи ўринга қўювчилар етакчиликни қўлдан берган эмас эдилар. Бу даврга ўз ижоди билан якун ясаган киши ҳам аслида XI аср охиридаги мантиқий тафаккурнинг энг забардаст вакили Имом Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) бўлди. Ғаззолий ниҳоятда бақувват мантиқий тафаккур эгаси, файласуфдир. Ғарбда уни ҳатто материалистик тамойилдаги донишманд деб билишган. Бунинг сабаби, олимнинг «Мақосид ал-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») асари бўлиб, уни ўқиган киши, дарҳақиқат, Ғаззолийни ҳам Форобий ва Ибн Сино йўналишидаги одам деб ўйлаши мумкин. Бу китоб 1145 йилдаёқ лотин тилига таржима қилинган ва араб тилида ёзилган ислом фалсафий меросидан европаликлар биринчи навбатда шу китоб орқали хабар топишган эди. Ғаззолий ҳақида Гегел ҳам юқори фикрда бўлган.

Аммо Ғаззолий кейинги «Тахофут ал-фалосифа» («Файласуфларнинг ўз-ўзини инкор қилиши») асарида мантиқий тафаккурнинг ички зиддиятларини, ислом маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил қилиб берди. Ғаззолий кўпроқ мутакаллим-файласуф эди, аммо у асарларида мутакаллимларни ҳам аяб ўтиргани йўқ, улар мантиғидаги заиф жойларни ҳам кескин фош этди. Аллома беҳудага «Ҳақиқат изловчилар»нинг турли тоифаларини санаб кўрсатган эмас. Мақсад уларнинг қарашларини бирма-бир таҳлил қилиб чиқиб, ўзаро ички зиддиятларни аниқлаш, орадаги мўътадил мувозанат ҳолатини топишга уриниш эди. Ғаззолий фақат файласуфлар билан эмас, балки барча йўналиш вакиллари билан баҳсга

www.ziyouz.com kutubxonasi

киришади, христианларнинг, ботинийларнинг (исмоилия бидъати вакилларининг), суфийларнинг қарашларидаги ифротий (яъни умумий меъёрдан чиқиб кетган) жойларини илмий таҳлил асосида очиб беради. Ғаззолийнинг тафаккури турли назариялардаги ички зиддиятларни теран кўра билиш қудратига эга эди. Унинг Шарқдаги энг машҳур ва кенг қамровли асари «Эҳёйи улум ад-дин» («Диний билимларнинг қайта жонланиши») бўлиб, бу асарда аллома ўз қарашларини мунтазам бир тарзда баён этган. Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари ислом минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи якунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Ғаззолий дунёга келган даврда Салжуқийлар ислом минтақасининг катта ва муҳим қисмини қамраб олган, мустаҳкам марказлашган ислом давлатини тузишган эди. Минтақада ҳарбий куч ва ҳокимият тўлиқ туркий сулола қўлига ўтган бўлиб, араб халифалари фақат расмий диний пешволик ҳурматини сақлаб қолган, турли давлат ишларини бошқаришда эса кўпроқ янги форс тили қўлланилар эди. Шу сабабли улуғ вазирларнинг кўпчилиги форс тилида гаплашувчилардан бўлиб, келиб чиқиши туркий элат вакиллари бўлган амалдорлар ҳам одатий қоидага кўра давлат ишларига оид ёзувларни форс тилида юритар эдилар. Ғаззолий Хуросонда туркий ва форсий элатлар азалдан аралаш яшайдиган Тус шаҳрида туғилди. У укаси Аҳмад билан эрта етим қолишди. Ғаззолий бошланғич таълимни Тусда олгач, илмини ошириш учун Журжон (Астробод) ва Нишопурга келди ва ашъарий оқимининг атоқли намояндаларидан Имом ал-Ҳарамайн (икки муқаддас даргоҳ имоми) деб шуҳрат топган мутакаллим ал-Жувайний (вафоти 478/1085) қўлида то унинг вафотигача таълим олди.

Кучли мутакаллим ва фиқҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг диққатини тортди ва Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. 1095 (488 ҳижрий) йилда кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва фақиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф йўлига кириб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва таркидунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари - «Эҳёйи улум ад-дин»ни ёзиб тугатди. 1106 йилда Низомулмулкнинг ўғли Фахрулмулк илтимосига қулоқ осиб, яна Низомияда дарс беришга қайтди ва шу даврда ўз фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи «ал-Мунқиз мин ад-далал» асарини ёзди. Умрининг охирида яна она шаҳри Тусга қайтиб, суфий хонақоҳини ихтиёр этди ва муридларига суфиёна ҳаёт тарзидан сабоқ бера бошлади.

Ғаззолийнинг бош китоби «Эҳёйи улум-ад-дин» тўрт қисм (рубъ-чорак)дан иборат бўлиб, ҳар бир қисм 10 китобдан ташкил топган. Биринчи қисм «Ибодатлар» деб аталади ва унда илм ва ақойид ҳақида умумий руҳдаги муқаддимадан сўнг, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, Қуръон тиловати, зикр ва Аллоҳга муножот амалларининг ички моҳияти, руҳий мазмуни асосли равишда очиб берилган.

Иккинчи қисм «Одатлар» деб номланган ва «Таом истеъмол қилиш қоидалари»дан тортиб «Пайғамбарлик ахлоқи»гача, инсон ҳаёт тарзига оид барча муаммолар батафсил таҳлил қилиб чиқилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи қисм - «Муҳликот»(«Инсонни залолатга бошловчи ишлар ва хислатлар») ҳақида бўлиб, унда кўнгил мўъжизалари ва дил тарбиятига оид суҳбат бошланади ва турли зарарли ҳою ҳаваслар - очкўзлик ва ҳирс, эзмалик, ҳасад ва нафрат, бахиллик ва дунё тўплашга интилиш, кибр ва мунофиқлик кабилар қораланади.

Тўртинчи қисм - «Мунжиёт» («Нажотга элтувчи хислатлар») деб унвон олган бўлиб, кўпроқ тасаввуф мақомлари йўналишида - тавба, сабр ва шукроналик, хавфу ижо (ёмон амаллар учун Аллоҳ жазосидан қўрқиш ва яхши амаллар эвазига Аллоҳ иноятига умид боғлаш), зуҳд ва фақр, тавҳид ва таваккул, ишқ, ҳижрон, қаноат, ният, самимият ва ҳақгўйлик, ўз-ўзини эҳтиёт ва назорат қилиш, ўз ҳолини мушоҳада қилиш ва ўлимни ёдда тутиш масалаларига махсус эътибор қаратилган. Асар муаллифи ҳам файласуф, ҳам муқаддас китоблар билимдони, ҳам ҳуқуқшунос-фақиҳ ҳам тасаввуф сирларидан чуқур хабардор аллома, ҳам ахлоқшунос-носиҳ (насиҳат этувчи) сифатида ўзини намоён этади. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар бақувват мантиқий далиллар ёрдамида жиддий таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади. Улуғ алломанинг ушбу асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «Кимёйи саодат» номи билан форс тилида ҳам баён қилинган. Бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида **кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир**, деган ғоя олға сурилади.

IX асрдан авж ола бошлаган Ислом маърифатчилиги X - XI асрлар давомида минтақа маданиятига исломгача башарият яратган бутун маънавий бойликни ўша давр имкони даражасида олиб кириб, уни чуқур ўзлаштириш ва янгича руҳда қайта талқин қилишга эришди. Аммо бу орада ушбу босқичнинг ноқис жиҳатлари ҳам кўриниб қола бошлади. Биринчидан ғоялар хилма-хиллиги ниҳоятда кучайиб, улар орасида баъзан муросасиз кураш ва зиддиятлар авж олиб кетди. Ислом дини ичида турли бидъатлар беадад кўпайиб кетган эди. Иккинчидан, кўпроқ ҳукмдорлар саройида ва хос зиёлилар орасида юқори даражаларга кўтарилган илм ва мантиқий тафаккур мевалари ҳануз Сунна ва шариат босқичида қолиб келаётган оддий шаҳар ва қишлоқ аҳолиси (авом) орасига кўп сингиб бормаган ва маълум маънода, кенг халқ оммаси билан хос илмий доиралар тафаккур даражаси орасида узилиш вужудга келган эди. Сунна йўналиши намояндалари жамиятни ушбу узилиш туғдириши мумкин бўлган маънавий номавзунлик ҳолатидан ҳимоя қилиш ниятида мотуридия ва ашъария Каломига таянган ҳолда халифа ал-Қодир (991-1031) фармони билан имон асосларини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Аммо бу билан фикр ривожи тўхтаб қолгани йўқ. Тавҳид таълимоти заминида борлиқни англаб етиш турли йўналишларда давом эта берди ва тафаккур ривожини ҳеч қандай фармон билан ушлаб туриш мумкин эмаслиги борган сари ойдинлашиб борди. Учинчидан, Аббосийлар (750 - 1055), Сомонийлар (874 - 999), Ғазнавийлар (955 - 1048), Салжуқийлар (1040 -1092) томонидан такомиллаштирилиб, исломгача даврга нисбатан бутунлай янгиланган давлат тизими ва жамият тизими маълум авж палласига кўтарилиб, XI аср охирларига борганда унинг муайян ички зиддиятлари намоён бўла бошлади. Исмоилия бидъатининг яратувчилик фаолияти

www.ziyouz.com kutubxonasi

сусайиб, яширин қотилликлар йўлига ўтиши, улуғ вазир Низомулмулкнинг ўлдирилиши (1092 йил) ва буюк салжуқий ҳукмдори Маликшоҳ (1072 - 1092) вафотидан сўнг ўғилларининг тож-тахт жанжаллари шу улғайиб келаётган ижтимоий-сиёсий бўҳроннинг нишоналари эди.

Тўртинчидан, шаҳар аҳолиси, айниқса, ҳунарманд - косиблар ва ўрта ҳол савдо аҳлининг маърифати ва ижтимоий мавқеи юксалиб борар, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва билим даражаси кескин ошиб, ижтимоий фаолликлари ҳар соҳада сезила бошлаган эди. Футувва ва ахийлик жамоалари борган сари кенг таркиб топиб, тасаввуф ғоялари хонақоҳ ва ҳужралардан чиқиб, халқ ичига ёйилди. Хуллас, XI аср охири - XII аср бошларида жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Ғаззолий ижоди ушбу эҳтиёжга энг мукаммал жавоб бўлди. Ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этилдики, унинг барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимларга ўзаро яқинлашув имконини берувчи қудрати ва мазмун бойлиги яққол сезилди. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам бемалол айтиш мумкин.

3-фасл. Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий. X-XI асрларда туркий халқ маънавияти

Илмий адабиётда араб тили урф бўлгани учун туркий адабиёт бадиий ижодга ижтимоий ва фалсафий қарашларни олиб кира бошлади. Аждодларимиз ўз асарларида давлатнинг турли шаклларини тасвирлаб, унинг асосий вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришда деб талқин этдилар. Бу жиҳатдан XI аср туркий шеъриятнинг буюк намояндаси Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ижтимоий-фалсафий достони (1069 йилда ёзилган) алоҳида эътиборга лойиқ. Унда давлатни бошқариш, турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро муносабатлари ва жамиятдаги мавқелари хусусида муфассал таҳлил ва хулосалар юксак бадиий шаклда ифодалаб берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб асарини Ислом маърифатчилиги босқичидаги туркий халқлар маънавиятини мукаммал акс эттирувчи бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қомус деб бемалол таърифлаш мумкин. Фирдавсий “Шоҳнома”да минтақа халқларининг ўтмиш тарихини бадиий акс эттирган бўлса, “Қутадғу билиг” достони X-XI асрлар ижтимоий воқелигининг бадиий-фалсафий таҳлил ва талқинини ўзида мужассам этган. Беҳуда эмаски, шоирнинг ўзи китоби ҳақида гапириб, унинг “Адаб ул-мулук” (Хукмдорлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

одоби) ва “Ойин ул-мамлакат” (Мамлакатни идора этиш қоидалари) номлари остида ҳам шуҳрат топганини таъкидлайди. Асарнинг асосий қаҳрамонлари ўша давр жамияти бош тимсолларининг рамзий ифодаси бўлиб гавдаланади. Улардан биринчиси **Адолат** - у бош ҳукмдор, исми - Кунтуғди, у қуёшдек барчага баробар нур таратади. Иккинчи тимсол - Қут ёки **Давлат** бўлиб, бу тушунча ички мазмунига кўра Бойлик, Барака, Омад, Бахт, Қудрат маъноларини ўзида жамлаган, унинг исми Ойтўлди, у ҳукмдорнинг таянчи, унинг белига қувват, кўзига нур, мулкига фаровонлик бахш этувчи бош маслаҳатчи ва нозир. Аммо Ойтўлдининг умри фоний. Давлат, Бахт, Омад каби нарсалар пойдор эмас. Осмондаги Ой янглиғ гоҳ тўлиб балқийди, гоҳ Ҳилол сингари нозиклашиб, қувватдан кетади, орада кўринмай қолиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, Ойтўлди асар давомида хасталаниб вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Ўгдулмиш ўринбосар, ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади. Ўгдулмиш **Ақл ва Билим** рамзи (Ўг - қадим туркийда “ақл”, “билим” маъноларини беради). Агар Бойлик, Омад, Бахт ўткинчи бўлса, киши қўлида доимий турмаса, Ақл ва Билим уларнинг ўрнини боса олади. Китобнинг асл номи - “Қутадғу билиг” (Бахт келтирувчи билим) - асарнинг бош тимсоли, энг асосий қахрамони Ўгдулмиш, яъни Ақл ва Билим эканлигига ишора қилиб туради. Асардаги тўртинчи тимсол - **Қаноат**. Агар инсонда, жамиятда қаноат бўлмаса, унинг барча фазилатлари бир пул, оқибати аянчли. Қаноатнинг исми Ўзғурмиш бўлиб, у Ойтўлдининг, яъни Бахт ва Давлатнинг, Ўгдулмишнинг, яъни Ақл ва Билимнинг қариндошидир. Аммо Ойтўлди қариндошини эсламайди, Бахт ва Омад қаноатни хотирга келтирмайди. Ҳукмдорга (шоир ҳукмдорни Элиг деб атайди), қариндоши Ўзғурмиш ҳақида Ўгдулмиш эслатади, яъни Адолат Ақл ёрдамида Қаноатдан хабар топади ва унинг суҳбатини истайди. Ўзғурмиш билан бўлган суҳбатлар таъсирида Ўгдулмишнинг ҳам руҳида ўзгаришлар юз беради. У маълум вақт тавба-тазарруга берилиб, моддий дунё ташвишларидан ўзини олиб қочишга интилади. Аммо Ўзғурмиш ва Кунтўлди уни бу ниятдан қайтарадилар, эл-юрт ташвиши билан яшашга ундайдилар. Ўзғурмиш орқали Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф таълимотига ўз муносабатини билдиради. Тасаввуф, тақво, зоҳидлик ва фақр шоир наздида Қаноатнинг тимсоли. Адолат Қаноатсиз бўлмайди. Ҳукмдор сўфийнинг, зоҳиднинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб туриши керак. Суфий ҳукмдорни қидириб келмайди, ҳукмдор уни ўзи қидириши, суҳбатига интиқ бўлиши керак. Кунтуғди Ўгдулмишни мактуб билан Ўзғурмиш олдига уч марта жўнатади. Шоир фикрича, агар ҳукмдор эътибор кўрсатса ва майл билдирса, сўфий унинг суҳбатидан бош тортиши яхши эмас. Аммо Ўзғурмиш сарой аъёнига айланмайди, маълум вақт Элиг билан фикр алмашиб, яна ўз кулбасига қайтади. Қаноат Оқибатни ўйлаш билан бўлади, у инсонга Офият (руҳий осойишталик, қониқиш) келтиради. Шоир уларни маънодош тушунчалар сифатида талқин этади. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Форобийнинг араб тилида яратган фалсафий рисолаларида илмий асослашга уринган фозил жамият ҳақидаги орзулари туркий тилдаги бу достонда ўз мукаммал бадиий тажассумини топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Хос Ҳожиб тасаввуф ғояларига, ҳақиқий тақво эгаларига юксак эҳтиром билан муносабатда бўлади, аммо жамият, халқ бахти учун, Адолат тантанаси учун ўз умрини бағишлаганлар унинг энг суюкли қаҳрамонларидир. Асар охирида Ўзғурмиш ҳам бу фоний дунёни тарк этади. Кунтуғди ва Ўгдулмиш - Адолат ва Ақл шоир бадиий оламида боқий қоладилар.

Туркий битикларда ўз аксини топган ягона туркий адабий тил ва "турк будуни" аталмиш ягона туркий халқ тушунчаси Юсуф Хос Ҳожибнинг замондоши ва маслакдоши Маҳмуд Қошғарий илмий ижодида яна бир қайта ўзига хос ифодасини топди. Унинг дунё тарихида қиёсий тилшунослик ва шевашуносликнинг илк ва мукаммал намунаси бўлган "Девони луғат ит-турк" (Туркий тил девони) асари (1070 йилда араб тилида ёзилган) ягона туркий адабий тил ва унинг турли шевалари аро нисбатлар ҳамда оғзаки адабиёти намуналари орқали ислом минтақасининг бошқа халқларига туркий халқ маънавий қиёфаси ҳақида тўлақонли тасаввур берувчи қомусий манба бўлди.

4-фасл. X-X1 асрлар ислом минтақасида илм ва маданият ривожининг юксак босқичга кўтарилиши ва бунда туркий халқ вакилларининг ҳиссаси

IX асрдаёқ минтақа бўйича шуҳрат таратган қатор юртдошларимиз - олимлар ва давлат арбоблари - Аҳмад ибн Тулун (835-883), Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (780-850), Аҳмад Фарғоний (вафоти 861 йил), Амаюрий Фарғоний, Абу Ҳафс Суғдий (вафоти 832 й.) каби улуғ шахслар етишиб чиқди. Улар сингари ўнлаб улуғ сиймолар минтақа миқёсидагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам ном қозондилар ва ҳануз аҳли башарга қилган хизматлари унутилган эмас.

Милодий X- XI асрларга ўтгач, энди минтақа миқёсида машҳур шахсларнинг ҳисобига етиб бўлмай қолди, бу даврнинг турли қомуслар ва фарҳангларда номи тилга олинган атоқли намояндалар рўйхати ҳар бир аср учун 150-200 исмдан кам эмасдир. Буларнинг кўпчилиги Хуросон ва Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан сиймолар бўлиб, Балхий, Самарқандий, Марвазий, Бухорий, Фарғоний, Хоразмий нисбали алломалар сафига энди Шоший, Форобий, Ўзгандий, Журжоний, Тирмизий, Тусий каби бошқа шаҳарларнинг вакиллари ҳам қўшила борганининг гувоҳи бўламиз. Бу даврда юртдошларимиз илмнинг деярли барча соҳаларига фаол ҳисса қўшиб бордилар. Шеърият ва унга оид илмлар, илми адаб ва ахлоқшунослик, фиқҳ, Калом, тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, сарфу наҳв(грамматика), илми нужум, тарих ва жуғрофия, тасаввуф ирфони, фалсафа, қиёсий тилшунослик ва оғзаки ижодни ўрганиш, мусиқа илми, китобат илми ва ҳоказо илмларнинг жуда кенг доираси қамраб олинди, хаттотлик, меъморлик, наққошлик каби турли амалий санъатлар урф бўлди.

Бу даврда адабиёт асосан сарой адабиёти сифатида гуллаб яшнади. Ҳар бир ҳукмдор қошида мустақил адабий мактаблар ташкил топди. Шеърият уч

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилда - араб, форс ва туркий адабий тилда яратилди. Бағдодда туркий тил билимдонлари ижод этган бўлса, Бухоро ва Самарқанд, Хоразм ва Тошкентда араб тилида ижод этувчи адиб ва шоирлар етишиб чиқди. Фирдавсий «Шоҳнома»си, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони каби ўнлаб буюк адабий обидалар шу давр меваларидир. Бу давр сарой адабиётида ишқий ғазаллар, май ва мусиқа тараннуми, мадҳия-қасидалар ва ҳижо, яъни алоҳида шахсларни ҳажв этиш кенг ривож олган эди. Насрий асарлар рисола тусида бўлиб, кўпроқ панд-насиҳат, дунёнинг ўзгарувчанлиги ҳақида мулоҳазалардан иборат бўларди.

Аҳли башарнинг исломгача яратган ёзма ва оғзаки меросини жиддий тадқиқ этиш натижасида икки муҳим йўналиш вужудга келди. Биринчиси, қадим Юнон фалсафаси таъсирида шаклланган мустақил ислом фалсафаси бўлса, иккинчиси, Сосонийлар даврида яратилган тарихий йилномалар - »Худойнамак»лар (Ҳукмдорлар тарихи)ни жиддий ўрганиш ва араб тилига таржима қилиш натижасида ислом минтақасида аввал араб, сўнг форс тилида мустақил фан сифатида шаклланиб, кенг урф бўлган тарихшунослик, яъни дунё тарихига оид кўп жилдлик асарлар ёзиш анъанаси эди.

Бу даврга келиб бутун минтақа бўйлаб туркий қавмлардан улуғ лашкарбошилар ва ҳукмдорлар етишиб чиқа бошлади. Улуғ туркий сулолалар - Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар дунё сиёсатини шакллантиришда фаол иштирок эта бошладилар. Волгабўйи булғор (туркий) ҳукмдорлари расман исломни қабул қилди. Мисрда IX асрда ҳокимиятга келган турк волийлари бу ўлка ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатдилар. XI аср (ҳижрий V аср) туркий ҳукмдорларнинг минтақа бўйлаб тўлиқ давлат бошқарувига ўтган даври, дейиш мумкин. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар бутун Хуросон ва Марказий Осиёни эгаллаган бўлсалар, 1058 йилда Салжуқийлар ҳукмдори Муҳаммад Туғрулбей (1040-1063) Бағдодга кириб келди. Шу йиллардан Аббосий халифаларнинг дунёвий ҳукмдорлик фаолиятига расман чек қўйилди. Аммо уларнинг руҳоний етакчи сифатидаги обрўларига тажовуз қилинмади. Бу даврда туркий сулолалар таъсири Волгабўйи, Ғарбий Сибир ва Шарқий Туркистон ҳудудларидан то Шимолий Ҳиндистон ерларигача таралди. Қафқозорти, Эрон, Шом ва Ироқ туркий ислом сулолалари қўлига ўтди. Уларнинг ҳукмдорлиги аста-секин Миср ва Кичик Осиёгача ёйилиб борди.

X-XI асрлар бутун Ислом минтақасида илм ва маданиятнинг энг гуллаб-яшнаган даври, айниқса, XI аср унинг авж нуқтасига кўтарилган палласи бўлди, дейиш мумкин. Бу даврда илм марказлари, адабий мактаблар энди бир-икки жойда эмас, балки бутун минтақа бўйлаб ёйилиб кетди. Бағдод, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Термиз, Насаф, Марв, Қошғар, Баласоғун, Талас, Волгабўйи шаҳарлари, Нишопур, Исфаҳон, Ҳирот, Журжон, Тус, Рей, Ғазна, Ғарбда Испания ва Шимолий Африканинг турли шаҳарлари илм-маърифат ўчоқларига айланди.

Миллий маънавиятимиз ривожида мазкур босқични - **Ислом маърифатчилиги** деб номлаш мақбул кўринди. Абу Наср Форобий (873-

www.ziyouz.com kutubxonasi

950), Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий (870-944), Абу Абдуллоҳ Хоразмий (вафоти 997 йил), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Юсуф Хос Ҳожиб (1019 йилда туғилган) каби аждодларимиз ижоди ушбу босқичга тўғри келади. Бу босқичнинг асосий хислати ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш, ўтмиш (исломгача) инсоният яратган маънавий бойликни ўзлаштириб, янгича талқин қилиш, аниқ ва табиатга оид фанларга қизиқишнинг беҳад кучайиши эди. Бу босқич анъаналари кейин ҳам давом этди. Бу босқичда «Ҳақиқат изловчилар» нинг турли йўналишлари: Калом, фалсафа, ботиния ва тасаввуф мукаммал шаклланди. Бу йўналишлар кейинги асрларда ҳам ривожланишда давом этди (масалан, юртдошимиз улуғ тилшунос ва муфассир Маҳмуд аз-Замаҳшарий (1075-1144) XII асрда адаб илми ва мўътазила оқимининг буюк намояндаси бўлиб майдонга чиқди). Шу жиҳатдан Ислом минтақасида илм-фан ривожини фақат X-XI асрлар билан чеклаш, албатта, мумкин эмас, аммо биз ҳар босқичнинг чегараларини белгилашда муайян шартлиликка йўл қўйиб, миллат маънавий камолотининг етакчи тамойилларини ва ички мантиқий ривожини назарда тутди

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. ИСЛОМ МАЪРИФАТЧИЛИГИ БОСҚИЧИДА ШАКЛЛАНГАН БОРЛИҚ ҲАҚИҚАТИНИ АНГЛАБ ЕТИШНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ
("Ҳақиқат изловчи"ларнинг 4 тоифаси):

(Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111)нинг "Ал-Мунқиз мин ад-далал" асари ва мутафаккир шоир ва олим Умар Хайём (1048-1122)нинг "Дархостнома" рисоласи асосида)

Йўналишлар *(тоифалар)*	асосий оқимлари	Асосчилари ёки машҳур вакиллари
Калом (***Мутакаллимлар***)	**А)Мўътазила** **б) Ашъария** **в) Мотуридия**	**Восил ибн Ато** (699-748) **Абул Ҳасан ал-Ашъарий** (873-935) **Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандий** (870-944)
В) Фалсафа ***(Файласуфлар)***		**Абу Наср Форобий** (873-950) **Абу Али ибн Сино** (980-1037),
Б) Ботиния ***(Ботинийлар)***		**"Ихвон-ус-сафо"** илмий гуруҳи (X аср) (52 рисоладан иборат қомусий мажмуа яратган) Бадаҳшонлик буюк шоир ва мутафаккир **Носир Хусрав** (1004-1088)
Г)Тасаввуф		**Жунайд Бағдодий** (вафоти 910

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Суфийлар)		йил) **Мансур Халлож** (858-922) **Абдуллоҳ Ансорий** (1006-1089), **Абусаид Абулхайр** (967-1049), **Абдулҳасан Хароқоний** (вафоти 1033 йил)

2. ИСЛОМ МАЪРИФАТЧИЛИГИ БОСҚИЧИНИНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ:

1) Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг **ақлга, мантиқий тафаккурга таянувчи** турли мувозий (параллел) йўналишлари шаклланиши,

2) Калом фалсафаси томонидан исломий Тавҳид таълимотининг минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини **ақл ва мантиқ қудрати билан** исботлаб берилиши,

3)Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим оятларидаги маънавий бойликни теран англаб етиш учун **исломгача яратилган бутун маданий меросни чуқур ўрганиш ва янгича асосларда англаб етиш ҳаракатининг ҳар тарафлама ривожланиши**,

4) **аниқ ва табиатга оид фанларга** қизиқишнинг беҳад кучайиши, **фанлар таснифи** ва қомусий адабиётларнинг юзага келиши (“Иҳвон-ус-сафо” гуруҳи, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий (вафоти 997 йил), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино)

5) туркий ва форсий бадиий адабиётда **Фирдавсий** (940-1020) **“Шоҳнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони** (1069 йилда ёзилган) каби буюк тарихий ва маърифий асарларнинг яратилиши,

6) **қиёсий тилшунослик**нинг пайдо бўлиши (Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари),

3. БИЛИМ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Қуръон оятлари мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, билим (яъни илм), аввало, 2 турга ажралади:

1) ***Илоҳий билим*** - фақат Аллоҳга тегишли бўлган чексиз-чегарасиз, азалий ва абадий билим бўлиб, инсонларга у ваҳий сифатида пайғамбарлар орқали нозил этилади. Уни инсон имон билан қабул қилади, рад қилиш ҳам, исбот қилиш ҳам инсон қудратида эмас. Бу - инсонлар ўз тафаккур қудрати билан била олмайдиган билим, мутлақ ҳақиқатнинг инсонлар тилида ифодаланиши. **Ваҳий орқали келган илоҳий билим адашувлардан холи мутлақ билимдир.** Аммо илоҳий китоблар инсоний тил билан баён қилинганлиги сабабли, инсонлар томонидан турлича талқин этилиши мумкин.

2) ***инсоний билимлар*** - инсоннинг ер юзида халифалик мақомидан келиб чиққан ҳолда унга яратилишидан берилган тафаккур ва таҳлил қобилияти туфайли ҳосил қилинади, нисбий, яъни номукаммал ва адашувлардан холи бўлмаган билим. Ҳар бир инсон алоҳида олганда Борлиқ ҳақиқатини тўлиқ қамраб олиш қудратига эга эмас. Бу қудрат фақат Аллоҳга хосдир. Инсон билимларининг нисбийлиги, адашувга мойиллиги унинг ақлига *нафс* аталувчи шайтоннинг доимо таъсир қилиб туриши билан ҳам боғлиқ. Демак, фақат ҳар бир шахс ўзи таҳлил ва тафаккур билан эришган билимларига ишониб қолмай, ўзгалар билимини ҳам эътиборга олмоғи, ўзи ва ўзгалар билимини холис қиёслаб, ўз ҳавойи-нафсидан Ҳақ билими, яъни ҳақиқатни устун қўя билмоғи керак.

3) Билимнинг яна бир тури ***ирфоний билим*** бўлиб, унга ҳам илоҳий илҳом билан эришилади. Аммо у бошдан оёқ рамз ва ибратлар орқали берилади, унда аниқ ҳукмлар ҳам, аниқ хабарлар ҳам йўқ. Ирфоний билимларни ҳақиқат эканлигини исбот қилиш мумкин эмас, уларни аммо инобатга олмаслик ҳам адашувга олиб келиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсоний билимлар бир нечта турга бўлинади:

А) Ўзга инсонлардан етиб келган билимлар, яъни ***нақлий билимлар.***

Нақлий билимлар икки гуруҳга бўлинади: а) сизнинг атрофингиздаги, сиз билан жонли мулоқотга кириши мумкин бўлган инсонлар билими, б) **ўтмиш аждодлар ва бутун инсониятдан манбалар орқали етиб келган билим**. Кейингисини яна икки турга бўлиш мумкин: а) ёзма матн ҳолидаги билимлар, в) турли ашёларда муҳрланган амалий билим натижалари. Бу икки билимни англаб етиш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

Б) Инсон ўз тафаккури билан етишган билимлар, яъни ***ақлий билимлар.*** Инсоннинг ўзи мустақил эришган билимлари ҳам бир нечта турга бўлинади: (1) - ҳаётни кузатиб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар, (2) - мантиқий билим, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар, (3) - амалий фаолият жараёнида ва ёки ўрганиш билан ҳосил қилинган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.

Ушбу барча билим турларининг ўзаро мувозанатда сақланиши ниҳоятда муҳимдир. Мантиқий тафаккур натижасида эришилган ***назарий билим*** ва инсоннинг амалий фаолият жараёнида ҳосил бўлган ***амалий малака ва кўникмалари*** ўзаро уйғунликда олиб қаралиши мақсадга мувофиқ бўлса, иккинчидан, инсоннинг ўзи эришган ва ўзгалар ҳосил қилган билимлари ҳам уйғунлаштирилмоғи зарур.

Демак, ҳар бир инсон ўзининг назарий ва амалий билимларини, ўзи ва ўзгалар ҳосил қилган билимларни, ўтмиш аждодлар ва замондошлар билимларини, илоҳий китобларда ҳидоят учун берилган билимлар билан инсон тафаккури хосил қилган билимларни қиёслаб ва ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб борса, унинг адашув эҳтимоли камаяди ва бунда билимлар ишончлироқ бўла боради.

Ақлий билимлар 2 хил йўналишда ҳосил қилинади***: а) мантиқий тафаккур орқали, б) моделлаштириш орқали.*** Моделлаштириш, ўз навбатида – **а) қиёсий (яъни ўхшатиш орқали), б) рамзий-мажозий, в) илмий-мантиқий тушунчаларга таянган ҳолда** амалга оширилиши мумкин. Моделлар ҳам икки турга бўлинади: **1) рамзларга таянган модель 2) мавҳум атамаларга таянган модель.**

Бадиий адабиёт асосан рамзий-мажозий моделлаштиришга таянади. Илмий адабиёт учун рамзий модель биринчи босқич вазифасини ўтайди. Мавҳум атамаларга таянган иккинчи кўпроқ фалсафий модель тизимларга хосдир. Яна математик моделлар ҳам учрайди.

Тажрибавий билимга ҳам 2 йўл билан эришилади:

а) ҳаёт тажрибаси орқали,

б) махсус тажрибалар туфайли.

Яна бир бўлинишни эслаб ўтиш жоиз:

аниқ ва табиий фанлар. Булар инсоннинг моддий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган, уларни аниқ билиш мумкин ва керак, тахминийлик бу ерда тахмин даражасида қолади. Бу билим билан на илоҳий, на ирфоний билимларни ҳосил қилиб бўлмайди, моддий воқеликдан ташқари чиқмоқчи бўлинса, тажовуз бўлади, адашувга олиб келади, ғайри илмга айланади.

ижтимоий-сиёсий, аниқроғи инсонлар аро муносабатларга оид билимлар. Буларда бир натижага эришиш учун ҳам илоҳий, ҳам ирфоний, ҳам ақлий, ҳам нақлий билимларга таяниб иш юритиш керак бўлади. Бирортаси ҳисобга олинмаса, хатога йўл қўйиш эҳтимоли кўпаяди.

4. ТАФАККУР ТУРЛАРИ

I

www.ziyouz.com kutubxonasi

**(Ибтидоий жамоа,
қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг
фикрлаш тарзи)**

асотир тафаккур
**(ғайб олами ва мавҳум тушунчаларни
моддий ашё ва ҳодисаларга боғлиқ
ҳолда тасаввур қилиш)**
(Оқибати: **мушриклик)**

амалий тафаккур
(муайян ҳаётий тажриба асосида ҳулоса қилиш)

II

**қадимги дунё одами,
Янги давр одамларининг
фикрлаш тарзи**

Асосий тафаккур турлари:

Мантиқий тафаккур
**(сабаб-оқибат боғланишлари
асосида фикр юритиш)**

тимсолий тафаккур
**(бадиий тафаккур, ўз фикрини рамз ва тимсоллар
воситасида ифодалаш)**

тарихий тафаккур
**(турли манбалар орқали аниқланган маълумотларга
таяниб хулосалар қилиш)**

эвристик тафаккур
**(илоҳий илҳом, илмий ва бадиий ижод жараёнида тамомила янгича ғоялар, ечимлар,
тимсол ва тасаввурларнинг яхлит шаклланиши)**

Мураккаб таркибли тафаккур турлари:

Ирфоний тафаккур
**(илоҳий илҳом, риёзат ва илоҳий жазба натижасида ҳосил қилинган ладуний
билимларни тимсол ва ишоралар воситасида ифодалаш)**

Фалсафий тафаккур
**(мантиқий ва эвристик тафаккур
асосида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш)**

илмий тафаккур
**(мантиқий ва эвристик тафаккурга ҳамда махсус
амалий тажрибаларга таянган ҳолда
муайян назарий муаммони ҳал қилишга уриниш)**

риёзий (математик) тафаккур

www.ziyouz.com kutubxonasi

(аниқ формулалар, чизмалар, тенгламалар, рақамлар нисбати воситасида ўз фикр ва ғояларини ифода этиш)

эстетик тафаккур

(муайян ҳаётий ҳодисаларга гўзаллик ва ички уйғунлик талабларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш)

ахлоқий тафаккур

(инсонларнинг амалий фаолиятини муайян маънавий-ахлоқий тартиб-қоидалар нуқтаи назаридан баҳолаш)

сиёсий тафаккур

(ижтимоий ҳодисаларга муайян сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндошиш)

ҳуқуқий тафаккур

(инсонларнинг хатти ҳаракатларига муайян қонунлар билан белгиланган ҳуқуқий нормалар нуқтаи назаридан ёндошиш)

III

XXI аср одамининг фикрлаш тарзи:

тавҳидий тафаккур

(Инсониятга хос барча тафаккур турлари ягона Борлиқ ҳақиқатининг турлича жилолари эканини англаб етиб, эътироф этиш, ўзгача фикрловчи инсонни тушунишга интилиш)

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Исломда илм ва имон нисбати.
2. Ислом минтақа маданиятида мантиқий тафаккурнинг ўрни.
3. Тақлидий имон ва таҳлилий имон.
4. Ислом маърифатчилигининг моҳияти.
5. Имом Ғаззолий ва Умар Хайём Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари ҳақида.
6. Калом илми: мўътазила, ашария, мотуридия.
7. Форобий фалсафаси ва фозил жамият орзуси.
8. Ботиния нима?
9. “Ихвон ус-сафо” гуруҳининг тарихий хизмати.
10. Носир Хисрав ким?
11. Тасаввуф йўналишининг шаклланиши.
12. Илк мутасаввуфлар.
13. Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илми тараққиётидаги ўрни.
14. Қомусий алломаларимиз фаолияти.
15. Юсуф Хос Ҳожиб ва Ислом маърифатчилиги босқичида туркий халқлар маънавияти.
16. «Эҳёйи улум ад-дин» ва «Кимёйи саодат» асарларининг минтақа маънавий такомилидаги аҳамияти.
17. Билим турлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

18. Тавҳидий тафаккур нима?
19. Илм маърифати. Маърифат тушунчасини тор ва кенг тушуниш.

8-боб.
Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва ирфон

1-фасл. Зоҳидлик, ошиқлик ва орифлик. Ибн Сино ва Ғаззолий «Ишқ» ҳақида

Сўз бошидан таъкидлаш зарурки, **зоҳидлик** (зуҳд) бу - ирфон эмас, аммо тасаввуф зоҳидликдан айру ҳам эмас. Шу нуқтаи назардан Увайс Қараний (вафоти 644 йил), Молик Динор (вафоти 748 йил) каби машҳур сиймолар тасаввуфдан ташқари эмас, аммо асли тасаввуфнинг шаклланишини, бизнинг назаримизда, Ҳасан Басрий (642-728) фаолияти, яъни VIII асрдан, деб белгилагандан кўра, IX аср ўрталаридан, яъни Зуннун Мисрий (796-859), Хорис Мухосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) ижодларидан бошлаш ўринлироқ бўлса керак. Мулоҳаза шундаки, тасаввуф тариқининг мақомлари тугал бўлмагунича ва муайян тизимга тушиб шаклланмагунича, олдинги салафлар ўрни ҳам муайян бўлмоғи тасаввурдан ташқаридир. Ғаззолийгача тасаввуф ирфони ислом маърифатчилиги босқичининг йирик йўналишларидан бири сифатида шаклланиб улгурди.

Зуҳд *– зоҳидлик, моддий олам ҳирсу-ҳавасларидан буткул юз ўгириб, Аллоҳ ибодатига берилиш, таркидунёчилик, тасаввуф тамойили тарихида биринчи босқич.*

Ғаззолий ўз асарларида Калом, фалсафа, ва бошқа йўналишларни умумий меъёрга келтириб, ҳосил қилган хулосаси **ирфон** фойдасига эди. Масалан, унинг ишқ турлари ва уларнинг ўзаро нисбати хусусидаги мулоҳаза ларини олиб кўрайлик.

*“**Ишқи илоҳий**” - “ишқи ҳақиқий” ҳам дейилади, тасаввуф ирфонида Ҳақ ишқи, Борлиқ ҳақиқатига фидоийлик. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг иккинчи қисми, 10-бобида ишқни 3 қисмга бўлиб, суфийларнинг Ҳақ жамолига ошуфталигини “сиддиқлар ишқи” деб атайди.*

Ишқ ҳодисаси қадимдан аҳли башарни қизиқтириб келган. Қадим Ҳинд, Хитой, Юнон тафаккур мевалари орасида ёлғиз бани башарга хос бу руҳ, нафс ва жисмни бир нуқтада бирлаштирувчи ҳодисанинг таҳлилига бағишлаб ёзилган талай асарлар мавжуд. Ислом минтақасида бу мавзуга оид Поклик биродарлари яратган қомус таркибидаги рисоладан кейин яратилган яхлит фалсафий асар Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» китобидир. Албатта, бу асарнинг ёзилишига тасаввуфнинг таъсири бор, чунки тасаввуф ирфонида етакчи ўрин тутувчи ҳодиса ишқдир. Аммо, табиийки, Ибн Сино файласуф ва амалиётчи табиб бўлганлигидан ишққа ҳам мавжуд воқеликнинг илмий тадқиқотчиси ва соф файласуф

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида ёндошади. Тиббиётга оид китобларида инсондаги ишқ ҳодисасини руҳий мувозанат бузилишининг бир тури сифатида шарҳлаган олим, ишққа фалсафий нуқтаи назардан ёндошганда, Поклик биродарлари ва Форобийнинг бу ҳақдаги фалсафий мушоҳадаларини ижодий ривожлантириб, ишқни руҳий ҳодиса мазмуни сифатида тадқиқ этади. Ибн Сино ишқни (бир нарсага мойиллик маъносида) барча табиат унсурларига хос деб билади ва инсон ишқидаги ҳайвоний ва руҳоний жиҳатларни ажратиб кўрсатади[28]. Олим фикрига кўра улардан қайси бири ғолиб келишига қараб инсон ишқи ҳайвоний ҳирсдан илоий ишқ сари улуғлашиб боради. Аллоҳ маърифатига интилиш ишқнинг энг олий даражасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Аммо унинг асари чуқур фалсафий мушоҳадалар руҳида ёзилганлигидан оддий халқ намояндалари учун анча мавҳум кўриниши мумкин.

Ирфон *– тасаввуф назарияси, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг тасаввуфий йўналиши, Ҳақиқат ишқи алангасига тик кириб бориб, нафсни худбинлик зангидан поклаш ва шу орқали шахснинг Олий Ҳақиқатга дахлдорлигини амалда таъминлаш йўли.*

Ғаззолий матни ўзгача. «Иҳёи улум-ад-дин» нинг тўртинчи қисми «Мунжиёт» да алоҳида «Ишқ ҳақида китоб» бўлиб, унда бу инсоний туйғу кимга йўналтирилганига кўра таснифланиб унинг беш тури саналади:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.
2. Унинг ўз ҳомийлари, унга меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.
3. Унинг умуман инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.
4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати,
5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаган зотга муҳаббати.[29]

Аммо ушбу барча муҳаббат турлари Ғаззолийнинг кейинги мантиқий таҳлили натижасида инсоннинг бутун борлиқ ва мавжудотларнинг яратувчиси ва хожаси Аллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга айланади. Алломанинг бу ҳақдаги исбот ва далиллари лўнда ва ёркин бўлганлигидан тушунарли ва ишонарли чиққан, унинг таъсир кучи ҳам беқиёсдир. Ғаззолий мулоҳазалари салафлари фикридан баҳра олади, аммо унинг талқини ва ифода усули мавҳум фалсафий таҳлиллардан фарқли ўлароқ, оммабоп ва ҳаётга яқинлаштирилгандир.

Шундай қилиб, Ғаззолий тафаккур тарзида салафлари изидан борган ҳолда, биринчидан, мулоҳазаларини оддий инсонларга тушунарли тарзда баён қилишга муваффақ бўлди, иккинчидан, маърифатчиликка маълум даражада якун ясаб, бу босқич алломалари эришган ютуқларни умумлаштирди ва оммалаштирди. Учинчидан, тавҳид моҳиятини англаб етмоқ учун ақл ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмаслигини тан олиб, қатъиян тасаввуф ирфони қадриятлари ҳимоясига ўтди. Шулар асосида минтақа маънавиятининг учинчи – **Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи** сари юксалишига фикрий муҳит ҳозирлади. Ғаззолийдан кейин тасаввуф

28 Серебряков С. Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви. Тбилиси, 1976, с. 47-68

29 Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М.-«Наука»-1980,с. 238.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тариқатларининг кенг миқёсда шаклланишга ўтиши Тавҳид таълимотини англаб етишнинг янги босқичи минтақада ғалаба қилганини англатар эди.[30]

2-фасл. Тасаввуф назарияси ва Ибн ал-Арабий мероси. Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши.

Дарҳақиқат XII асрдан туб ўзгаришлар бошланди. Имом Ғаззолийнинг туғишган укаси Абдулфутуҳ Аҳмад Ғаззолий (вафоти 1126 йил) акаси изидан бормай, сўфийлик йўлини ихтиёр этди. У шайх Абу Али ал-Фармозий (вафоти 1084 йил) ва шайх Абу Бакр ан-Нассож ат-Тусий (вафоти 1084 йил) суҳбатларига ноил бўлди ва Ибн Синонинг «Қуш рисоласи» асарига тасаввуф руҳида жавобия ёзди.

Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи *- миллий маънавиятимизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилининг учинчи босқичи ва етакчи тамойилларидан бири, Тавҳид Ҳақиқатининг ирфоний таърифини шакллантирган тасаввуф тамойили тарихида айни XII-XIII асрлар кенг халқ оммасини ўзига жалб эта бошлаган улуғ тариқатлар замони бўлди ва бу йўналишнинг энг мукаммал назарий асослари ҳам шу асрларда яратилди.* ***Риёзат маърифати****нинг энг юксак намуналарини кўрсатган ўз замонасининг маънавий қутблари - улуғ пири муршидларнинг аксарияти шу асрларда яшаб ўтдилар.*

XII аср бошларида форс мумтоз шеъриятининг энг ёрқин юлдузларидан Абдулмажид Маждуд ибн Одам Саноий (1048 - 1140) янги бир анъанани бошлаб берди; у биринчилардан бўлиб аср бошида саройни ва мадҳиягуйликни тарк этиб, шеъриятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирди. Шу сабабдан унинг «Сайрул-ибод илал-маод» («Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари») ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги «Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа»(«Ҳақиқат боғлари») достонлари буюк халафлари (издошлари) томонидан сўфиёна руҳда талқин этилди. Аср охирларига бориб бу жараён анча кенг ёйилди - ўша давр сарой шеъриятининг атоқли вакиллари Анварий(вафоти 1191й.), Ҳоқоний (1120-1199) ва бошқалар бирин-кетин узлатга чекиниб, ўз ҳомийларига мадҳу сано ўрнига жиддий фалсафий қасидалар ёзишга киришдилар.

XII аср биринчи ярмида Ғаззолий қарашлари минтақанинг кўп жойида ҳануз жиддий англаб етилмаган, ҳатто уни қоралаш, рад қилиш ҳаракатлари кўзга ташланар эди. Аммо вақт ўтган сари буюк мутафаккир меросининг қадри ва нуфузи оша борди. Ирфон қадриятлари борган сари кенгроқ инсонлар жамоасини ўзига жалб этиб, турли тасаввуф тариқат ва сулуклари таркиб топа бошлади. XII-XIII асрлар давомида то бизнинг замонамизгача муайян таъсирини сақлаб келган асосий тариқатлар - Сухравардия (асосчилари Зийауддин Абу Нажиб ас-Сухравардий - 1037-1168, Шаҳобиддин Яҳё ас-Сухравардий - 1155-1191, Шаҳобиддин Абу Хафс Умар

[30] Ғаззолий қарашларининг минтақа маънавиятида бурилиш нуқтаси бўлганлиги жаҳон тадқиқотчиларининг ишларида ҳам алоҳида қайд этилади. Масалан: Г. Э. Фон Грюнебаум, “Классический ислам”, М., 1988, с. 146-147; Дж.С. Тримингэм, “Суфийские ордена в исламе”, М., 1989, с. 21; “Ислам”, Энциклопедический словарь, М., 1991, с. 229

www.ziyouz.com kutubxonasi

ас-Сухравардий - вафоти 1234), Қодирия (асосчиси -Абдулқодир бин Абу Солиҳ Жилоний - 1077-1166), Рифоия (асосчиси- Аҳмад бин Али ар-Рифоий - 1106-1182), Яссавия (Аҳмад Яссавий вафоти - 1166 йил), Кубравия (Нажмиддин Кубро - 1145-1221), Шозилия (Абулҳасан Али аш-Шозилий - 1196-1258), Бадавия (Аҳмад ал -Бадавий - 1199-1276), Дасукия (Иброҳим ад-Дасукий - 1246-1288), Чиштия (Муиниддин Муҳаммад Чиштий - вафоти 1236), Мавлавия (Жалолиддин Румий - 1207-1273) шаклланиб улгурди. Кейинчалик нақшбандия деб шуҳрат топган Хожагон сулукининг қатор шайхлари - Юсуф Ҳамадоний (1049-1140), Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1179), Ориф Ревгарий (вафоти 1259йил), Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1272) кабилар ҳам шу икки аср оралиғида яшаб ўтдилар. Абу Мадйон Шуайб бин ал-Ҳусайн (1126-1198), Мажиддин Бағдодий (вафоти 1219 йил) Йунус бин Йусуф аш-Шайбоний (вафоти 1222 йил), Абдулфатҳ ал-Воситий (вафоти 1234), Абу Муҳаммад Али ал-Ҳаркулий (вафоти 1247), Толиб ар-Рифоий (вафоти 1284), Абулаббос Аҳмад Санҳожий (1088-1141), Фаридиддин Шакарганж (1175-1265), Нуриддин Муборак Ғазнавий (вафоти 1274), Баҳоуддин Закариё (1182-1268) каби минтақада донг таратган бошқа қатор улуғ шайхлар ҳам шу даврда яшаб фаолият олиб бордилар.

Бу икки аср мобайнида ирфоний шеърият ва тасаввуф фалсафаси ҳам юксак чўққиларга кўтарилди. Агар Саноий достонлари йўналиши ҳақида ҳануз тараддуд мавжуд бўлса, Фаридиддин Аттор (1147-1229) ва Жалолиддин Румий (1207-1273) достончилигининг мазмуни соф тасаввуф руҳида эканлиги ҳар қандай баҳсдан холидир. Араб дунёси ушбу асрларда икки буюк зотни - ирфоний ишқнинг оташин куйчиси Ибн ал-Фарид (1181-1234) ва назарий тасаввуфнинг чўққиси бўлмиш «Футуҳоти Маккия» асарининг муаллифи Ибн ал-Арабий (1165-1240)ни етказиб берди. Бугунги кунда Ибн ал-Арабий меросини чуқур ўзлаштирмай туриб, тасаввуф ирфони ҳақида салмоқли илмий мулоҳаза юритиш мушкул эканлиги жаҳон афкор оммасига аёндир. Бу мураккаб фалсафани англаш ва англатиш учун не-не шарҳлар ёзилмади. Шулар жумласидан форс тасаввуф шеъриятининг забардаст вакилларидан Фахриддин Ироқий(1213-1289) ёзган «Ламаъот» асари бўлиб, унга шарҳ сифатида Алишер Навоий илтимосига биноан Абдураҳмон Жомий (1414-1492) «Ашаъот-ул- ламаъот» рисоласини ёзди ва унинг асосида улуғ вазирни ирфон фалсафасининг мураккаб сирларига ошно қилди.

3-фасл. Туркистонда тасаввуф. Яссавия ва Кубравия. Баҳоуддин Нақшбанд ва тасаввуф ирфонининг камоли.[31]

Тасаввуф ҳақида гапирганда, албатта, туркий тасаввуф намояндалари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Маълумки, Алишер Навоий ўзининг

[31] Ушбу фаслни тайёрлашда филология фанлари номзоди, ТДШИ доценти М. Эшмуҳаммедованинг муайян иштирокини қайд этиб ўтиш лозим

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Насойим ул-маҳабба мин шамойим ул-футувва» асарида туркий тасаввуф шайхлари ҳақида батафсил маълумотлар берган. Бу ўринда биз фақат жаҳон тасаввуф тариқатларидан энг машҳурларининг асосчилари ҳисобланган Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳовуддин Нақшбанд фаолиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз, холос.

Шарқнинг машҳур ирфоний муршидларидан бири, Кубравия тариқатининг асосчиси «шайхи валийтарош» деб ном чиқарган Нажмиддин Кубро 1145 йили Хоразмда таваллуд топган бўлиб, 1221 йили мўғул босқинчилари қўлида шаҳид бўлган. Нажмиддин Кубро ҳам ориф, ҳам ошиқ, ҳам шоир сифатида машҳур. У рубоийлар, «Фавоиҳ ал-Жамол ва фавотиҳ ал-Жалол», «Ал-усул ал-ашара», «Рисолат ал-Хоиф ал-Хаъим мин лаумон ал-лаъим», «Рисолат одоб уз-зокирин» каби араб тилидаги асарларнинг ҳамда сўфийлар учун форс тилида алоҳида ёзилган қўлланманинг муаллифидир.

У ўз тасаввуф мактабини яратди. Кўплаб муридлар унинг тарбиятида шайхлик мартабасига эришганлар. Нажмиддан Кубро асос солган мактаб бир қанча мустақил шоҳобчалар вужудга келишига сабаб бўлди ва улар мусулмон Шарқида кенг тарқалди. Жумладан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийнинг падари бузруквори, Балх шаҳрининг энг нуфузли уламоси Шайх Баҳовуддин Валад, таниқли тасаввуф адиблари Азизуддин Насафий ва Нажмиддин Доя каби ўнлаб ислом оламида шуҳрат таратган шахслар кубравия тариқатининг вакиллари ҳисобланади.

Шариат *– (араб тилидаги луғавий маъноси "йўл"). Ислом динида барча мусулмонлар риоя қилиши шарт бўлган умумий қонун-қоидалар. Тасаввуф йўлини танлаган суфийлар учун риоя қилиш шарт бўлган биринчи босқич.*

Туркий тасаввуфнинг яна бир йирик вакили Хожа Аҳмад Яссавий Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келди. Унинг вафоти манбаларда 1166 йил деб кўрсатилган. У Бухорода Абдухолиқ Ғиждувоний билан биргаликда Юсуф Ҳамадоний мактабида таҳсил олган деб ривоят қилинади. Сўнгра Туркистонга қайтиб, мустақил Яссавия тариқатига асос солди ва ўз таълимоти бўйича муридлар тарбиялади.

Аҳмад Яссавий ислом аҳкомларининг туркий халқлар орасида ёйилишига катта ҳисса қўшди. Ирфоний адабиётда махсус «Ҳикмат» жанрининг яратилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. У ўз ҳикматларида ишқ, поклик, ҳалоллик, ёлғондан сақланиш, киши молига хиёнат қилмаслик, тўғрилик каби кўпгина инсоний фазилатлар ҳақида куйлади. У туркий тасаввуф адабиётида ўзига хос мактабга асос солди. Туркий дунёда бирор сўфий шоир йўққи, унга эргашмаган, ундан ўрганмаган бўлсин.

«Мақомоти хожа Баҳовуддин Нақшбанд» китобида шундай ривоят бор: «Бир куни хожамизнинг шариф суҳбатларида Султон ул-Орифин (яъни Боязид Бастомий)нинг «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрмасин, сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади», деган сўзлари нақл қилинибди. Хожамиз ғайрат юзасидан: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами

www.ziyouz.com kutubxonasi

устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳонаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» деган эдилар. Ва улар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз», дер эдилар.»32

Ушбу нақлда бир ҳақиқат акс этган: тасаввуф ирфонининг такомилида Боязид Бастомий (IX аср охири) йўл бошида, Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) эса йўл охирида туриптилар. Боязид Бастомийнинг охирги қадами, нақшбандия сулуки учун биринчи қадам бўлмоғлиги фарздир, чунки тадрижийлик шуни тақозо этади.

Дарҳақиқат, IX асрдан онгли равишда ривожлана бошлаган тасаввуф ирфони XII-XIII асрларда ўзининг олий босқичига кўтарилиб, нақшбандия тариқатида мукаммал ниҳоя топди. Шу сабабли кейинги асрларнинг энг кенг тарқалган (ғарбда Ҳижозу Яман, шимолда Болқону Волгабўйи, жанубда Индонезиягача урф бўлган) тариқати нақшбандия бўлди. Нақшбандия йўли, айтиб ўтганимиздек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан анча илгари Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1179)лар томонидан «Хожагон» сулуки сифатида асос олган бўлиб, унинг машҳур ўн бир қоидасидан саккизтаси ўша XII асрдаёқ шаклланганлиги маълум.

Тариқат *– араб тилида "тариқ" сўзининг луғавий маъноси ҳам "йўл" бўлиб, "тариқа(т)"нинг тасаввуфий маъноси маънавий камолот сари интилган суфийнинг махсус танлаган йўлидир. Бу йўл тавба мақомидан бошланиб, муриднинг бир улуғ пири муршидга қўл беришидан* ***("фано фи-ш-шайх"*** *мақоми) то* ***"фано фи-л-лоҳ"*** *даражасига етишгунича давом этади. Мажозий маънода бу босқичдаги пири муршиднинг вазифасини кулолга, муридни унинг қўлидаги лойга, "тавба" мақомини лойнинг хас-хашакдан тозаланишига қиёс қилиш мумкин. Барча гуноҳларидан астойдил тавба қилган муридни сопол ёки чинни ясашга ярайдиган лой деб тасаввур қилсак, пири муршид унга ишлов бериб, яхши бир кўза ясайди, унга жило бериб, "офтобда қуритгач", пиширши учун "хумдон"га солади.*

Нақшбандниинг энг машҳур ибораси «Дил ба ёру даст ба кор» («Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин») эса энди тасаввуф ирфони ўз асосий мақсадига эришганлигини, яъни Ҳақиқат асрори кўнгиллардан муқим ўрин олганлиги ва бу ёғи амалий ҳаракат биринчи ўринга чиқа бошлаганини билдирар эди. Энди сўфийнинг «Аналҳақ», яъни мен Ҳақиқатни топдим, мен Ҳақ асрорини англаб етишга эришдим, деб ҳайратланиши охирги қадам эмас, биринчи қадам бўлиб қолган эди. Беҳуда эмаски, ҳазрати Баҳоуддиндан нақл этадилар: «Талаб айёмларида Мансур Халлож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди, икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: «Жойинг мана шу дордир! Тангри иноятибилан бу мақомдан ўтиб кетолдим.» Ҳазрати Азизон (Хожа Али Рометаний - вафоти 1321 йил) айтган эканлар: «Агар ер юзида Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азизнинг фарзандлари (яъни, маънавий меросхўрлари - муридлари) дан бир киши бўлганида эди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди.»33 Бу ривоятлар яна бир марта нақшбандия тариқатининг

32 Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Т.-«Ёзувчи»-1993, с.47

33 Ўша китоб, с. 38

www.ziyouz.com kutubxonasi

минтақа маънавияти такомилида ирфон босқичи учун якунловчи ва умумлаштирувчи бўлганлигига ишора этади.

4-фасл. Илм ва ирфон. Нафс тарбияси ва Риёзат маърифати.

Тасаввуф ҳақида охирги пайтда кўп ёзилмоқда. Охирги йилларда филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов бу борада жиддий тадқиқотлар олиб бормоқда. Аввало олим форс тилидаги тасаввуфга оид қатор муҳим манбаларни ўзбек тилига таржима қилди. Кейинча уларни тўплаб, «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» номи билан нашр эттирди. Бундан ташқари тадқиқотчининг икки жилддан иборат «Тасаввуф» асари ҳам босилиб чиқди.

Тасаввуф ҳақида (ва умуман, ҳар қандай мавзу хусусида) ёзганда тарихийлик ва матн масалаларига жиддий эътибор бермоқ лозим. Масалан, X -XI асрларда кўчирилган қўлёзма билан XX аср бошларида нашр этилган тошбосма китобнинг маълумотлари мутлақо тенг қийматга эга эмас.

Ирфоний ғоялар ривожини фақат тарихий тадрижийликда кўриб чиқишгина ишонарли хулосаларга асос бўла олади. Шу сабабдан ҳозирча фақат баъзи энг умумий жиҳатларга эътибор қаратиш билан чекланишга тўғри келади.

Сунна босқичи - ўгит ва ибрат асосига, ислом маърифатчилиги эса ақл ва мантиқий тафаккур қудратига таянишини кўриб ўтдик. Ирфон-чи? Илм эгаси олим бўлса, ирфон нима-ю, ориф ким? Ўгит ва ибрат ташқи ҳодиса, ақл ҳам мавзуга ташқаридан туриб ёндошади. Ирфон эса Тавҳид моҳиятини англашга инсоннинг бутун руҳий қувватини сафарбар этади, бунинг учун эса аввал руҳий қувватни жамлашга ўрганиш керак бўлади. Худди шу амални, яъни руҳий қувватни бир нуқтага жамлай билиш усулларини икки йўналишда ишлаб чиқа бошлаган сўфийлардан Зуннун Мисрий (796-861) ва Хорис Муҳосибий (781-857)ларни эслаш мумкин.Уларнинг биринчиси маърифат йўлининг ҳол ва мақомларини ишлаб чиққан бўлса, иккинчиси ўз нафсини кузатиш ва назорат қилиш (муроқаба ва мусоҳаба) қоидаларини - «Илм ал-қулуб ва-л-хатарот» (қалб ва унинг маърифати йўлидаги хавф хатарлардан сақланиш илми)ни ишлаб чиқди. Муҳосибийнинг фикрича, асосий нарса ниятда, аммо инсоннинг покланиши

Маърифат(уллоҳ) *– тасаввуфда* ***тариқат****дан кейинги учинчи босқич бўлиб, "Аллоҳ(Ҳақ)ни таниш" маъносини билдиради ва* ***"фано фи-л-лоҳ"*** *мақомидан* ***"бақо би-л-лоҳ"*** *мақомигача бўлган маънавий такомил даражасини англатади Юқоридаги мажо-зий ўхшатишни давом эттирсак, "****маърифатуллоҳ****" босқичини хумдонга қиёс этиш ўринли бўлиб, бу "хумдон"нинг олови эса "****ишқи илоҳий****"дир. Ана шу муқаддас ишқ олови бутун борлиғини чулғаб олиб, инсон руҳиятидаги нафс йўлига мойиллик ва худбинлик "чирки"ни буткул куйдириб ташлаган бўлса, суфий "****ҳақиқат****" босқичига кўтари-либ,* ***орифлик*** *мақомига эришади. Тасаввуфда фақат* ***орифлик*** *мақомига эришган суфийгина пири муршид хирқасига ноил бўлиши мумкин.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлида турли хатарлар, масалан, кибр, риё ва бошқалар мавжуд. Уларни енгиб ўтиш учун инсон ҳар бир қадамини Аллоҳ иродасига мувофиқ босмоғи ва фақат Аллоҳ ризолигини сидқ ва ихлос билан тиламоғи керак. Муҳосибий фикрича, инсон кўнглида илоҳий муҳаббат чироғини ёқувчи ҳам Аллоҳнинг ўзи. Инсоннинг руҳий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу йўналишда ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб-қоидаларини ишлаб чиқди ва шу асосда турли тариқат сулуклари шаклланди. Масалан, солик ўз нафсини енгиб ўтиш йўлида қандай мақомларни босиб ўтади, деган саволга турли тариқат пирлари турлича жавоб берадилар. Абу Наср Саррож 7 мақом (тавба, вара, яъни парҳезкорлик, зуҳд, фақр, сабр, ризо, яъни Аллоҳ тақдирига ризолик, таваккул, яъни ўзни Ҳаққа топшириш)ни санаб кўрсатган бўлса, баъзи тадқиқотчилар бундан фақат олтитасини, баъзилари хавф ва ражони қўшиб тўққизта мақомни тилга оладилар, ал-Калободий (вафоти 990 йил) 17 мақомни, Абу Саид Майхоний (967-1049) 40 мақомни, Абдуллоҳ Ансорий (1006 - 1089) эса 100 мақомни эслайди. Ибн ал-Арабий «Футуҳоти Маккия»да 19 мақом, 360 та манзил ва работни ажратиб кўрсатади. Агар мақомлар сўфийнинг ўз ҳаракати, риёзати билан боғлиқ бўлса (тадбир), «ҳол» тушунчаси Аллоҳ баракати ва марҳаматига алоқадор (тақдир) ҳисобланган. Бундай «файзи илоҳий» соликнинг поклик касб этган дилини бир лаҳзада чақмоқдек ёритиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Баъзан ҳолни ҳам даражаларга ажратадилар. Назаримизда, гап мақомлар сони ва ҳолнинг даражаларида эмас. Асосий масала кўнгилнинг покланишида. «Билгилки, кўнгил сайқалланган кўзгудир», деб ёзади Ибн ал-Арабий. Ҳадисда айтиладики: «Қалб темирдек занг босиши мумкин.»

Олим *– Ўқиш-ўрганиш, устоздан таълим олиш йўли билан эришиладиган билим эгаси, зоҳирий (хоҳ диний, хоҳ дунёвий) илмларни ўзлаштирган инсон.*

Ориф *– ладуний билим эгаси, Борлиқ ҳақиқатини моҳиятан англаб етган, ўз руҳиятида Борлиқ ҳақиқати билан мукаммал уйғунлик ҳосил қила билган шахс, тасаввуфда маънавий камолотнинг олий даражаси бўлмиш "Ҳақиқат" босқичига кўтарилган солик. Орифлик мақомига етишиб устози томонидан муридлар-ни мустақил тарбият қилиш ҳуқуқига мушарраф бўлган ориф инсон* ***пири муршид*** *аталади ва у муайян тариқат силсиласида алоҳида ҳалқа соҳиби бўлади.*

Маънавият ҳақидаги суҳбатларимизнинг ибтидосида Шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Нажмиддин Доя ҳақида эслаб ўтган эдик. У ўзиниг 1223 йили Куняда ёзиб тугалланган рисоласида[34] Инсон ва унинг

34 Олимнинг «Мирсод ул-ибод мин ал-мабдаъ илал-маод» асари форс тилида ёзилган бўлиб, XIX асрда Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон II (Фируз) топшириғига биноан ўзбек тилига ўгирилганлиги маълум. Ушбу асар қўлёзмалари ЎзФА Абу Райҳон Бируний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Эронда бу асар нашр этилган, аммо бизда бу асар ҳақида ҳануз махсус тадқиқотлар ҳам, асар таржималари ҳам эълон қилинмаган. Фақат «Соғлом авлод учун» журнали 1996 йил 1-сонида Нажмиддин Доя ҳақида дастлабки мақола эълон қилинди (с. 40-43)

www.ziyouz.com kutubxonasi

моҳияти, Олий ҳақиқат (Ҳақ асрори)га ва Борлиққа муносабати ҳақида шундай мулоҳаза юритади:

Мавжудотлар олами, яъни моддий дунёдан мақсад инсон вужудидир. Икки олам инсон вужуди учундир. Инсон вужудидан мақсад эса Аллоҳ таоло зоту сифатларини англаб етишдир. Буни маърифат дейдилар. Фаришта ва жинлар Аллоҳга ибодат этишда инсонга шерик бўлдилар. Аммо маърифат инсондан ўзга ҳеч қандай маҳлуқотга насиб бўлмади. Ҳақ маърифати юкини кўтармоқ фақат инсон зотига вожиб бўлди. Инсоннинг мумтозлиги шу туфайлидир. Аммо Нажмиддин Доянинг фикрига кўра, Инсон вужудида Ҳақ маърифатини акс эттирувчи кўнгил кўзгуси даставвал фақат имкон даражасида мавжуд, холос. Уни воқеликка айлантириш учун узоқ жидду жаҳд лозим. Кўнгил кўзгуси риёзат билан сайқал топади, инсоннинг маънавий тарбияси, ўз интилиши, пир-тарбиячининг иршоди нафс тарбияси билан бўлади. Бунинг учун инсон, биринчи навбатда, ҳам жисмоний, ҳам маънавий покланмоғи керак. Тасаввуф тариқати ушбу покланиш йўли бўлиб, уни темирчининг оловли кўрасига қиёс этиш мумкин. Унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб, шакл олади, сўнг чиниқтирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари шундай сайқал топадики, ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир.

Ўзбек тилимиз комил инсон моҳиятини ниҳоятда теран ифодалайди - «зиёли», яъни ўзидан атрофга зиё, нур таратувчи. Зиёли инсон атроф зулматни ёритади, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда илм, имон ва амал бирлиги вужудга келади. Ҳазрати пайғамбаримиз марҳамат қиладилар: «Ман арафа нафсаҳу, фа қад арафа раббаҳу». («Ким ўз нафсини англаб етипти, демак, Парвардигорини англаб етипти»). Мана шу одам **ориф**, унинг етишган маърифати - ирфондир. Шоир ёзади:

Эй нусхаи номаи илоҳий-ки туий,
В-эй ойинаи жамоли шоҳи-ки туий,
Бирун зи ту нист ҳарчи дар олам ҳаст,
Дар худ беталаб, ҳар он чи хоҳи-ки туий.

(Эй илоҳий нома нусхаси - ўзинг,
Ва ҳукмдор жамоли ойинаси - ўзинг,
Оламда неки мавжуд, сендан ташқарида эмас,
Ҳар неки истасанг, ўзингдан иста, барчаси - ўзинг)

Инсон ер юзида халифа этиб яратилган. Бу жуда жиддий ва оғир масъулият. Очиқ айтиш керак, бундай залворли вазифани ҳар бир шахс алоҳида ўзи асло кўтара олмайди. Зотан, халифалик бир кишининг эмас, бутун аҳли башарнинг масъулиятидаги яхлит юмушдир. Биз ҳассос суфийлар хитоби бўлмиш «Анал ҳақ»ни баъзан жўн талқин этамиз. Асли бу сўзнинг юки бениҳоя вазмин. «Лисон ут-тайр»даги Мансур Халлож ҳақида

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирилган ривоят шу жиҳатдан ибратли. Ривоятнинг қисқача мазмуни шундай-ки, унга кўра улуғ суфий тавҳид мақомига етишиб «Ана-л-ҳақ!» ибораси тилида такрорланиб қолгач, дин аҳли унга насиҳат қилиб, бу даъводан қайтармоқчи бўладилар, жонингга жабр қилма, дейдилар. Аммо шоир ташбеҳига кўра, Мансур ичган қадаҳ ўта маст қилувчи бўлиб, бу йўлдан қайтиш имкони йўқ эди. Атрофдагилар унинг жонини ўйлашар, унинг хаёлини эса буткул бошқа саволлар банд этганди. Мансур ўйлар эди:

Нега Муҳаммад Расулуллоҳ меърож куни Аллоҳнинг чексиз иноятига сазовор бўлиб, тангридан «Эй ҳабиб, не истагинг бўлса, айт!» деган хитоб эшитганда, фақат ўз умматининг гуноҳларини афв этишни сўради? Шундай бир беҳудуд илоҳий саҳоват фурсатида Расулуллоҳ дунё яралгандан қиёматгача ўтган барча гуноҳкор бандалар учун Аллоҳнинг раҳматини сўраб олса бўларди-ку, нега ўз қавми билан чекланди, экан деб куюнади. Демак, суфий тавҳид мақомида ўзини бутун башарият, ўтмиш ва келажак учун масъул ҳис қилади. Мана тавҳид маънавиятининг қудрати!

Алишер Навоий инсонларни «авом» ва «хос» га ажратади. Биз яқин ўтмишда хослар - зодагонлар, олий табақа, авом - қора халқ, меҳнаткашлар, деб талқин этдик. Аммо Навоийнинг фарқлаши бундай маънода эмас, «авом» - ўзини ҳали англаб етмаганлар, «хос» ўзлигини англаб етган, демак, воқеан Парвардигорини таниган зиё аҳлидир. Бу олий табақанинг фақат битта Олий имтиёзи бор, у ҳам бўлса Аллоҳ олдидаги маъсулияти оғирроқ, вазифаси жиддийроқдир.

Илоҳий файз *– **(1)** Қуръони каримнинг "Нур" сураси 35-оятида ишора этилган Аллоҳ "нури", **(2)** Аллоҳнинг алоҳида иноятига ноил бўлган хос инсонларга насиб қиладиган маънавий қувват, **(3)** илми ладуний (мукошафа илми) баъзан шунга тенглаштирилади.*

Тавҳид асрорини англаб етиш Сунна билан бошланиб, тасаввуф ирфонида юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантиқий тафаккур ва руҳий камолот сифатида асосан инсоннинг ички такомилига қаратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаб етиш орқали Ҳақ асрорини идрок этишга интилди, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак?

Шу саволга тасаввуфнинг охирги тариқати - Нақшбандия жавоб берди: биринчи мақсадга эришилди – «дилда ёр» ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим - «даст ба кор» га ўтиши керак. «Дилда ёр» ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди «даст ба кор» бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, Ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас «дилда ёр» бўлиши, «Аллоҳ» исми дилда зикр этилиши, яъни «Ҳуш дар дам» қоидасига риоя этилиши тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк этса, дарҳол

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илми ладуний (ладуний билим) - *иродасини тўлиқ Борлиқ ҳақиқатига бўйсундирган алоҳида инсонлар мушарраф бўладиган, Аллоҳ иноятибилан эришиладиган билим (Имом Ғаззолий уни "мукошафа илми" яъни кашф этиладиган илм деб атайди). Бу илмга ноил бўлганлар валийлик мақомига эришган кароматли зотлар ҳисобланади.*

ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. «Назар бар қадам» ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб, назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Учинчи қоида - «Сафар дар ватан», яъни вужуд ичида турган ҳолда руҳнинг моддийлик балчиғига булғанмаслиги, Ҳақ иродаси моддий ҳою ҳавасларинг ғаразидан холи равишда руҳингда ҳукмрон бўлиши лозим. Тўртинчи қоида - «Хилват дар анжуман» Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. Тўлиқ «хилват»ни танлаш кибрга, тўлиқ «анжуман»га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, «Хилват дар анжуман» эса мувозанатни сақлаб туриш демакдир. Нақшбандиянинг ўн бир қоидасини мукаммал шарҳлаш учун алоҳида жиддий тадқиқот лозим, биз фақат ирфон босқичини якунлаб, янги босқичга ўтиш олдидан баъзи мулоҳазаларни қайд этдик, холос.

Ирфоний билим *- тасаввуфда орифлик даражасига эришган суфийларга илоҳий илҳом орқали бериладиган билим, илми ладуний. Инсонлар тилида бошдан-оёқ фақат рамз ва ишоралар орқали ифодаланади.*

Ғайб олами *– инсон ўз ақли ва тафаккури, ҳаётий тажрибалари ва махсус ускуналар ёрдамида била олмайдиган, фақат илоҳий китоблардаги махсус хабарлар ва ишоралар орқалигина бизга маълум бўлган воқелик. Материалистик дунёқара-нинг чекланганлиги ғайб оламини тан олмасликда яққол кўзга ташланади.*

Шундай қилиб, XII-XIII асрлар **Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва ирфон босқичи**, деб аталди. Айтиб ўтганимиздек, тасаввуф ғоялари ва назарияси VIII-IX асрларданоқ шакллана бошлаган бўлса ҳам, фақат Имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) ижодида ислом маърифатчилиги даври якунлангач, тасаввуф таълимоти ислом минтақасида зафарли «юриш» бошлади ва Борлиқни идрок этишнинг Ирфон йўналиши узил-кесил етакчи ўринга кўтарилди.

Буюк тасаввуф шайхлари - юртдошларимиз Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний шу даврда яшадилар. Тасаввуф шеъриятининг энг забардаст вакиллари Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Фарид ва ирфоний тафаккурнинг энг буюк намояндаси Ибн ал-Арабий ҳам шу муддатда ижод қилдилар. Ирфон йўналиши Борлиқни идрок этишнинг мутлақо ўзига хос йўли бўлиб, Суннадан ҳам, мантиқий тафаккурдан ҳам тамомила фарқ қилади. Бу ҳақда ибратли ривоят бор. Маълумки, олов куйдиради. Буни бизга муаллим тушунтиради ва биз унинг гапига ишониб,

Риёзат *- миллий маънавияти-мизга хос маърифат йўлларидан бири, муайян эзгу мақсад йўлида барча қийинчиликларга бардош бериб, олға интилиш. Ислом минтақа маданияти доирасида риёзат маърифатини юксак мукаммаллик даражасига олиб чиқишда тасаввуф пири муршидларининг хизмати беқиёсдир.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

«олов куйдиради» деймиз. Бу - Сунна босқичи. Иккинчи босқичда биз тажриба ўтказамиз - қоғозни шам олови тепасида тутсак, қоғоз ёнабошлайди ва биз «олов куйдиради», деб хулоса қиламиз. Бу - илм дейилади. Ислом маърифатчилиги даври намояндалари шу йўналишда иш олиб борганлар.

Ирфон босқичи - тасаввуф йўлидир. Сўфийлар оловга ўзлари кирадилар ва риёзат чекиб Ҳақни танийдилар. Сўфий Тавҳид моҳиятини англашга бутун руҳий қудратини сафарбар этади. Бунинг учун ишни нафсни поклашдан бошламоқ керак бўлади. Тасаввуф тариқатлари маънавий покланиш йўли бўлиб, ўзлигидан (худбинликнинг барча кўринишларидан) пок бўлган инсон кўнгли Ҳақ зиёсини ўзида акслантира бошлайди. Комил инсон - том маънодаги зиёлидир. Зиёли, яъни ўзлигини англаб етган инсонда имон, илм ва амал бирлиги вужудга келади. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё тарата бошлайди, ўзга инсонлар руҳини ҳам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. ИСЛОМ ОЛАМИДАГИ АСОСИЙ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ

Асосий тариқатлар	Асосчилари	Келиб чиқиш макони ва тарқалиш доираси
Бадавия	Аҳмад ал –Бадавий (1199-1276),	Шимолий Африка
Дасукия	Иброҳим ад-Дасукий (1246-1288),	Шимолий Африка
Рифоия	Аҳмад бин Али ар-Рифоий (1106-1182)	Шимолий Африка
Шозилия	Абулҳасан Али аш-Шозилий (1196-1258),	Шимолий Африка
Сухравардия	Зийауддин Абу Нажиб ас-Сухравардий - 1037-1168, Шаҳобиддин Яҳё ас-Сухравардий - 1155-1191, Шаҳобиддин Абу Хафс Умар ас-Сухравардий - вафоти 1234),	Эрон
Яссавия	Аҳмад Яссавий (вафоти – 1166 йил),	Марказий Осиё
Нақшбандия-хожагон	Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1179), Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383)	Марказий Осиё
Қодирия	Абдулқодир бин Абу Солиҳ Жилоний - 1077-1166),	Эрон, Марказий Осиё

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кубравия	Нажмиддин Кубро (1145-1221),	Марказий Осиё
Чиштия	Муиниддин Муҳаммад Чиштий (вафоти 1236),	Ҳиндустон
Мавлавия	Жалолиддин Румий (1207-1273)	Туркия

2. СУФИЙЛИК ЙЎЛИНИ ИХТИЁР ЭТГАНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ БОСҚИЧЛАРИ

Шариат

(Барча мусулмонлар учун умумий қонун-қоидалар)

Тариқат

(1.Тавба, 2. "Фано фи-ш-шайх" - яъни, пирга қўл беришдан "фано фи-л-лоҳ"гача)

Маърифат[35]

("фано фи-л-лоҳ"дан "бақо би-л-лоҳ"гача)

Ҳақиқат

("бақо би-л-лоҳ" ёхуд орифлик мақоми)

3. НАФС ТАРБИЯСИ ВА НАФС ДАРАЖАЛАРИ

Нафс – миллий маънавиятимиз анъаналарига биноан инсон руҳиятида моддий олам неъматларига мойилликни ифодаловчи тимсол-тушунча бўлиб, тасаввуф тариқатларида **нафс тарбияси**га алоҳида аҳамият қаратилган ва унинг турли **даражалари** белгиланган:

1. **Нафси аммора** – инсонни тамомила ўз жиловига олган, ҳарқандай оғир гуноҳларга бошловчи тарбияга бўйсунмаган, ўжар нафс. Қуръони каримнинг "Юсуф" сурасида эсланади.
2. **Нафси лаввома –** гуноҳ ишларга йўл қўйганда виждони қийнала бошлаган, ўз хатоларидан афсусланиш ҳисси пайдо бўлган инсон нафсининг ҳолати. Қуръони каримнинг "Қиёмат" сурасида эсланади.

[35] Бу босқич асли "маърифатуллоҳ" аталиб, "Ҳақни таниш" маъносини билдиради. Мажозий қиёсда пири муршид кулолга, мурид лойга, "тавба" мақоми лойнинг хас-хашакдан тозаланишига. "маърифатуллоҳ" босқичи хумдонга ўхшатилади. Бу "хумдон"нинг олови эса "ишқи илоҳий"дир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. **Нафси мутмаъинна –** Сокин мувозанатга эришган, хотиржам, гуноҳлардан тийилган нафс. Қуръони каримнинг “ал-Фажр” сурасида эсланади.

4. **Нафси мулҳама –** илҳомланган нафс, нафс тарбиясининг бу даражасига эришган инсонлар ўзгаларга беминнат ёрдам кўрсатишга мойил бўладилар, савоб учун вақтини, молини, меҳнатини аямайдилар.

5. **Нафси марзия –** рози бўлган нафс, Аллоҳ тақдир этган яхши-ёмон ишларга сабр қилувчи, турмуш оғирликларига бардошли, одамларнинг ноўрин муносабатларидан хафа бўлиб, гина қилмайдиган инсонлар нафси.

6. **Нафси софия –** дунё орзу-ҳавасларидан, обрў-эътиборга интилиш тамойилларидан буткул фориғлик даражасига эришган нафс, орифлик мақомига етишган пири муршидлар, валийлар нафси.

7. **Нафси комила –** пайғамбарлар нафси, оддий кишилар нафс тарбияси билан бу даражага етиши қийин, аммо комил нафс эгаси бўлишга интилиш маънавият нишонасидир[36].

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. XII асргача тасаввуфий қарашларнинг шаклланиши.
2. Нега миллий маънавиятимизнинг “Тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичи” сифатида XII-XIII асрлар олинади?
3. Ибн Сино ва Ғаззолийнинг “Ишқ” ҳақидаги қарашлари.
4. Тасаввуф назарияси ва Ибн ал-Арабий мероси.
5. Ислом оламидаги асосий тасаввуф тариқатлари ва уларнинг асосчилари.
6. Туркистонда тасаввуф.
7. Яссавия.
8. Кубравия.
9. Баҳоуддин Нақшбанд ва тасаввуф ирфонининг камоли.
10. Суфийлик йўлини ихтиёр этганларнинг маънавий камолот босқичлари
11. Нафс тарбияси ва риёзат маърифати.

9-боб.
Миллий маънавиятимиз ривожида «Мажоз тариқи» босқичи

1-фасл. Бадиий адабиётнинг минтақа маданиятида тутган ўрни.

[36] Нафс даражалари ҳақидаги маълумотлар И. Останақулов мақолаларидан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мажоз тариқи» ўзи нима? Нега ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимизнинг такомили ҳақида гапирар эканмиз, алоҳида ва энг мукаммал камолот босқичининг номи сифатида ушбу иборани тилга олмоқдамиз? Бу ибора Алишер Навоий ижодининг сўнгги давридаги қатор асарлари, жумладан, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ва «Муҳокамат ул-луғатайн»ларда тилга олинади ва «Маҳбуб ул-қулуб»да махсус тушунча сифатида таҳлил этилади. Алишер Навоий «Мажоз тариқи» тушунчасини Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг бадиий адабиётга хос махсус йўналиши сифатида талқин этади. Шу сабабли бу сафар суҳбатни умуман бадиий адабиётнинг минтақа маънавиятида тутган ўрни масаласидан бошлаш ўринли бўлади. Минтақа маданиятининг бошқа соҳалари сингари бадиий адабиётда ҳам тил ҳар хил бўлганига қарамай (биз, асосан, минтақа даражасига кўтарилган уч тил - араб, форс ва умумтуркий адабий тилдаги адабиётни назарда тутамиз), ғоялар, тимсоллар олами, сюжетлар, турли бадиий шакл унсурлари (вазн, қофия, бадиий санъатлар), назарий замин кўп жиҳатдан муштарак эди. Умуммингтақа маданиятининг бошқа йўналишлари - Сунна, Калом, фалсафа, тасаввуф каби бадиий адабиёт ҳам асрлар давомида ривожланиб келди. Асли ҳар уч тилдаги бадиий адабиёт ҳам исломдан олдин шаклланган бўлиб, табиийки, исломий йўналиш биринчи даврда араб тилидаги адабиётда ўз аксини топа бошлади. Аммо Уммавийлар даври сарой адабиётида исломий тус кўпроқ ташқи либос даражасида бўлиб, ал-Ахтал (640-710) ҳатто исломни қабул қилмаган ҳолда ислом халифалари саройида ижод қилар, ал-Фараздак (641-730) ва Жарир (653-733) ижодларида ҳам ҳануз қабилачилик анъаналари устун эди. Араб мумтоз адабиётида «янгиланиш» харакатини бошлаб берганларнинг аксарияти асли келиб чиқишига кўра соф араб эмас эдилар. Башшар ибн Бурд (714-784) форс, Ибн ал-Муқаффа (724-759) ҳам Эронда, зардуштийликка эътиқод этувчи оилада туғилган, бу даврнинг энг забардаст шоири Абу Нувас (762-713) нинг ҳам онаси форс аёли эди.

Бадиий адабиёт *– санъатнинг бир тури, инсон руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга интилувчи асосий воситалардан бўлиб, миллий маънавиятмиз анъаналарида ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт ўз моҳиятига кўра Борлиқ ҳақиқатининг ботиний сирларини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий ифодалаш қудратига эга.*

Бадиий тафаккур *– кўпроқ тимсолий ва эвристик тафаккур асосига қурилган мураккаб таркибли тафаккур турларидан бўлиб, ижодкорнинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги ўз тасаввурларини. ҳаётий ёки хаёлий тимсоллар тизими воситасида моделлаштириши. Бадиий тимсол ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди, фақат унга ишора қилади.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сунна билан бир босқичда араб насрида адаб йўналиши шаклланганини, ислом даври илк туркий шеърият намунаси Адиб Аҳмад ижоди шунга яқин туришини олдинроқ эслаб ўтган эдик. Бу йўналиш Абул Атахия (748-825) ижоди билан ҳамоҳанг бўлиб, Абу Нувасда шаккоклик майллари кучлироқ эди. Умуман, араб тилидаги мумтоз адабиёт гуллаб яшнаган давр сунна ва ислом маърифатчилиги босқичларига кўпроқ мос келади ва унда икки йўналиш ёрқин намоён бўлган: бири сарой адабиёти учун хос бўлган мадҳия, май ва гўзаллар васфи билан йўғрилган шеърият бўлса, иккинчиси, панд-насиҳат, ҳаётнинг моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга бағишланган қасида, қитъа ва насрий рисола (нома)лардан иборат бўлиб, дастлабки даврда бу икки йўналиш ҳатто бир-бирига муайян даражада қовушмай турди. Аммо аста-секин ишқий мавзу теранлик касб этиб, адаб йўналиши билан мазмунан яқинлашиб борди ва Абулаъло ал-Маарриий (973-1058) ижодида юксак фалсафийлик, Ибн ал-Фарид (1181-1234) шеъриятида эса ирфоний ишқнинг энг олий қабатларига кўтарилди.

IX-XII асрлардаги адабиёт ҳам илм сингари кўпроқ саройда марказлашган бўлиб, мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (май мавзуи), зуҳдиёт (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр қўймаслик мавзуи), ҳижо (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди, яъни бадиий адабиётнинг вазифаси ҳануз иккинчи даражали, амалийроқ кўринишда эди. Шу даврда «энг ёлғон шеър – энг яхши шеърдир» ва «энг рост шеър - энг яхши шеърдир» деган ибораларда ўз аксини топган шеъриятга икки хил ёндошув шаклланган илмий адабиётларда қайд этилган ва бунга муайян даражада ўша давр адабиётининг мавзу қамрови ва вазифаси, ижтимоий воқеликда тутган мавқеи ҳам сабабчидир. Ҳукмдорни мадҳ этиш, унинг дилини хушлаш, ҳукмдорнинг ва ўзининг шахсий рақибларини ҳажв этиш VIII-XI асрлар сарой адабиётида етакчи ўрин тутар ва шоирнинг мавқеи ҳам ушбу соҳалардаги ютуқлари билан белгиланарди. Бу давр араб тилидаги шеърият билан бошланиб, VIII аср иккинчи ярмидан туркий тилидаги дастлабки асарлар (Адиб Аҳмад ва Маҳмуд Кошғарий асаридаги баъзи намуналар) пайдо бўлган бўлса, X аср бошларидан Сомонийлар саройида Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланди. IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар уч тилда асарлар яратилган бўлса, XI аср

Бадиий ижод тариқи *– адабиёт назариясига оид муҳим тушунча, бадиий адабиётнинг мазмуний жиҳати, яъни бадиий тафаккур қонун-қоидаларига алоқадор бўлиб, араб тилидаги “**тариқ**” сўзи қадим юнон тилидаги “методос”, яъни “йўл”, “борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли” маъносини англатади. Алишер Навоий ушбу атамадан ижодий фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида “**ҳақиқат тариқи**” ва “**мажоз тариқи**” деб аталмиш икки **адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи** мавжудлигини кашф этди ва уларнинг ҳар бирини қисқача таърифлаб, XII-XV асрларда яшаб форсий ва туркий тилларда ижод этган улуғ шоирларнинг қайси бири қайси йўналишга мансуб эканлигини аниқ кўрсатиб берди. Алишер Навоийнинг **бадиий ижод тариқига** оид назарий мулоҳазалари “Маҳбуб ул- қулуб” рисоласи “Аввалги қисм”ининг “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” деб аталган 16-фаслида мукаммал баён қилинган.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошларидан араб тили асосан илм тили сифатида сақланиб қолиб, Ғазнавийлар саройида асосан форс тилида ва Қорахонийлар саройида туркий ва форсий тилларидаги шеърият ривож топди. Маҳмуд Ғазнавий саройида шаклланган нуфузли шеърият мактаби намояндалари Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий ва бошқалар мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратдилар. Шу даврнинг ўзида адабиётда маърифатчилик босқичига хос яна бир йўналиш - исломдан олдинги меросни янгича талқинда ўзлаштириш ҳам ривожланиб борди. Араб тилидаги адабиёт вакиллари жоҳилия даври адабий меросини тўплаш ва тартибга солишга жиддий киришдилар. Рум, Эрон, Ҳинд адабиётининг машҳур намуналари араб тилига ўгирилди. Масалан, «Панчатантра» - «Калила ва Димна» «Худойнамак»лар - «Сияр ул-Мулук» номлари билан арабчалаштирилди. Кейинроқ бориб Рудакий форс тилида шеърий «Калила ва Димна» достонини яратган бўлса, Унсурий Румнинг лотин ва юнон тилидаги ишқий романлар мавзу доирасида бир неча достонлар ёзди. Афсус, бу асарлардан бизгача фақат айрим парчаларгина етиб келган. X асрда Дақиқий ва бошқа баъзилар «Шоҳнома» яратишга уриндилар. Ва ниҳоят X аср охири - XI аср бошларида Фирдавсий Тусий (940-1020) ўзининг улуғ эпопеясини ёзиб тугатди. Фирдавсийнинг 60 минг байтга яқин улкан «Шоҳнома» си исломгача Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг ўзига хос бадиий қайта ишланган қомусидир. Унинг таркибида юзлаб қаҳрамонлар, ўнлаб алоҳида мураккаб сюжетли достонлар мавжуд. Унда асотир тафаккур мевалари ва Эрон, Турон халқлари тарихи ўз бадиий инъикосини тўлиқ намоён этган.

Фирдавсий асари форс ва туркий тилдаги кейинги неча асрлар бадиий мумтоз адабиётига мавзу ва қаҳрамонлар етказиб берган улуғ хазина бўлди. Форсий тилдаги адабиётда достончилик, яъни ишқий, тарихий, қаҳрамонлик достонлари ёзиш анъанаси минтақа адабиётининг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Аммо Фирдавсийга кўр-кўрона эргашганлар, янгича талқин ярата олмадилар, ҳеч қайсиси Фирдавсий шуҳратига яқин бора олган эмас. Фақат Юсуф Хос Ҳожиб сингари туркий шеърият вакиллари буткул янгича услубда, янгилик яратиш йўлидан борганликлари учун адабиёт тарихида муносиб ўрин эгаллай билдилар.

2-фасл. Минтақа адабиёти Алишер Навоий талқинида.

Алишер Навоий Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сини яхши билади ва чуқур эҳтиром билан ёдга олади. Аммо бадиий ижод тариқи ҳақидаги назарий мулоҳазаларига муайян шоирлар ижодини мисол келтирганда, бирор-бир ўринда Фирдавсийни эсламайди, у санаб ўтган устозларнинг тарихан энг биринчиси Саноийдир, чунки форс тилидаги адабиётда «Ҳақиқат асрори»ни (яъни Борлиқнинг моҳиятини) бадиий тарзда англаб етиш ва англатишга илк бор жиддий равишда киришган улуғ мутафаккир шоир Саноий эди. Унинг «Сайр ул-ибод илал маод» («Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари») ва «Ҳадойиқ ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқат боғлари») асарлари номларининг ўзиёқ шоир мақсадини аниқ англатиб турипти. Эътиборга

www.ziyouz.com kutubxonasi

сазовор яна бир жиҳати шундаки, Навоий Саноий ижодини баҳолашда ўша давр анъанасига зид бориб, уни «ҳақиқат тариқи» суханварлари қаторида эмас, «Ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут» қилганлар сафида тилга олган. Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, шундаки, XI аср охирларига бориб Абулмажд Саноий биринчилардан бўлиб сарой мадҳиягўйлигини тарк этган ва ижтимоий-фалсафий йўналишни бадиий адабиётга дадил олиб кирганлигида эди.

XII аср охирги чорагига борганда эса саройни, мадҳиявий қасидагуйликни тарк этиб, ижтимоий- фалсафий йўналишга ўтган шоирлар сони кескин кўпайди. XI асрда тасаввуф шеърияти кичик лирик жанрлар (рубоий, ғазал) билан чекланган бўлса, XII асрдан тасаввуфий руҳдаги достонлар яратила бошланди. Ва ниҳоят, XII аср охирги чорагидан бошлаб, форс тилидаги шеъриятнинг икки ёркин юлдузи Низомий Ганжавий ва Фаридиддин Аттор сиймолари адабиёт осмонида пайдо бўлди.

«Маҳбуб ул- қулуб» рисоласи «аввалги қисм»ининг 16-фаслини Алишер Навоий «Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида» деб атайди ва шундай бошлайди:

“Мажоз тариқи” *- миллий маънавиятимизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилининг тўртинчи босқичи ва етакчи тамойилларидан бири,* ***“Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа”*** *(Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) ҳадисига таянувчи алоҳида дунёқараш тизими. XIV-XV асрларда тўкис шаклланган Тавҳид Ҳақиқатини англаб етишнинг энг юқори погонасини ташкил этувчи ушбу тамойил Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг бадиий адабиётга хос махсус йўналиши бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг ҳам назарий, ҳам амалий мукаммал ифодасини топди. Бу тамойилнинг улуғ мутафаккир шоир “пок ишқ” деб атаган ўзак тимсол-тушунчасини бугунги кун халқимиз тилидаги аниқ ифодасидан келиб чиқиб* ***Меҳр маърифати*** *дейилса, хато бўлмас. “Мажоз тариқи” Ҳақиқат изловчиларни яна бақодан фанога юзлантирди. Ўзлигини англаб етганлар ўз қалбига сайқал бериб, унда Ҳақиқат нурининг акс этишига эришганлар энди ўзгалар қалбига зиё бахш этишни ҳаёт мазмунига айлантирмоқлари асосий*

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсад йўналиши қилиб белгиланди.

«Ул неча табақадир: аввалги жамоа нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм
термак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизомда тилаган топар, чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас» 37 (Насрий баёни: Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулуллоҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар».) Алишер Навоий бу тоифани «ҳақиқат тариқининг суханвари «, деб атайди ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини «авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ», деб улуғлайди. Атторга «нозими жавоҳири асрор» («ҳақиқат сирлари жавоҳирларини назмга солувчи»), Румийга «ғаввоси баҳри яқин» («яқинлик денгизининг ғаввоси»), деб сифат беради. Навоий таърифларининг қанчалар воқеликка мувофиқ эканлигига иқрор бўлиш учун Аттор ва Румий асарларининг номларини эслаб ўтиш кифоя: «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Мантиқ-ут-тайр» («Қушлар мантиқи»), «Маснавийи маънавий» ва ҳ.к. Бу асарлар ҳақида Шарқ ва Ғарбда шунча кўп тадқиқотлар амалга оширилганки, биз улардан ўтказиб сўз айтиш қудратига эга эмасмиз.

Навоий «мажоз тариқи « хусусидаги таърифларга ўтиб, ўзи кашф этган ҳақиқатларни шундай баён қилади:

«Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи Шайх Заҳириддин Саноий ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал- Ҳофиз.

Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар. Андоққим, Камоли Исфахоний ва Хоқонийи Ширвоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий».38

37 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Т.-«Фан »-1998, с.24

38 Ўша китоб, с.25

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Ишқи мажозий” *– тасаввуф аҳли наздида бу дунё, ўткинчи олам мавжудотларига қаратилган муҳаббат. Суфийлар бундай ишқни арзимас ҳисоблаб, “ишқи ҳақиқий”га интилишни маъқул кўрсалар, “Мажоз тариқи” вакиллари Пайғамбаримиз(сав)нинг “Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа” (Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) ҳадисидан келиб чиқиб, “ишқи мажозий”ни “ишқи ҳақиқий”га элтувчи йўл сифатида улуғлайдилар.*

(Насрий баёни: «Яна бир гуруҳдурким, Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда боғлабдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи Амир Хусрав Деҳлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Саноий, ҳақиқат аҳлининг ягонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англатишга моҳир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз.

Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфаҳоний, Хоқоний Ширвоний, Хожуйи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зоҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий».[39]

Юқорида тасаввуф шеъриятининг энг улуғ устозларига «ҳақиқат тариқи суханварлари» деб ном берилганини қайд этиб ўтган эдик. Кўрдикки, Навоий «мажоз тариқи»га алоқадор деб ҳисоблаган шоирларни ҳам икки қисмга ажратади. Назаримизда, биринчи қисмда улуғ устозлар, ушбу йўналишнинг қудратини белгиловчилар ёдга олинган бўлиб, иккинчи қисмда ижодий қарашлари ушбу тариққа мос тушувчи минтақа миқёсида номлари маълум бўлган шоирлар санаб ўтилган.

Энди уларни тарихий тадрижийликда кўздан кечирайлик.

«Ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут» этганларнинг тарихан биринчиси табиий равишда Саноий (1048-1140) бўлиб чиқмоқда. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган Абдулвосиъ Жабалий (вафоти 1160), Анварий (вафоти 1191), Асириддин Ахсмкатий (1108-1196), Хоқоний (1120-1199), Зоҳир Фарёбий (вафоти (1202) ва бошқалар санаб ўтилган бўлиб, бу атоқли форс шоирлари деярли барчаси Саноий сингари умрларининг охирида сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришганлар. Улар ичида алоҳида йирик достон ёзганлар деярли учрамайди. Буларга XII-XIII аср чегарасида яшаган Камол Исфаҳоний (вафоти 1237) ва XIII асрнинг буюк ахлоқ муаллими Саъдий Шерозий (1189-1292)лар ҳам қўшилади. Яна булар қаторида сурат («мажоз») ва маъни («ҳақиқат») нисбати хусусида ғоят муҳим фикрни акс эттирган рубоий муаллифи суфий шайхи Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1236) ҳам тилга олинган.

XIII асрдан фақат икки улуғ шоир (Камол ва Саъдий) ёдга олинган бўлса, XIV асрга бориб Алишер Навоий «мажоз тариқи»га мансуб деб ҳисоблаган машҳур шоирлар рўйхати кескин ошиб кетади. Булар аввало

39 Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966, с.191

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг «хамсанавислик» ва ғазалнависликда ғоят қадр этган салафи Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325), дунёга донғи таралган Хўжа Ҳофиз Шерозий (1320-1389) ва ниҳоят ғазал ва қасидалар устаси Носир Бухорий (вафоти 1371). XV аср шоирларидан Навоий ўзидан илгари яшаб ўтган Котибий (вафоти 1436) ва ўзи шахсан таниган Шоҳий Сабзаворий (1385-1453) ни тилга олади. «Маҳбубул-қулуб»нинг иккинчи қисми «Ишқ зикрида» бобида «хос ишқ» эгалари қаторида Амир Хусрав ва Хожа Ҳофизлар қаторида Фахриддин Ироқий (1207-1289) ёдлаб ўтилса, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» рисоласида XV аср атоқли туркигўй шоирлардан Мавлоно Лутфий эсланади.

Демак, Алишер Навоий «мажоз тариқи» ҳақида гапирганида икки гуруҳ шоирлар тилга олинган, биринчи гуруҳи асосан XII асрда яшаган бўлса, иккинчи гуруҳи XIV-XV асрларга мансуб шоирлардир. Булар орасида айрим фарқлар мавжуд бўлиб, суҳбат давомида яна бунга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

3-фасл. Бадиий тафаккур тариқлари - дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантиришнинг ўзига хос йўллари сифатида.

Бир нарсани афсус билан қайд этиш лозимки, совет даври ўзбек адабиётшунослиги, айниқса, 30-йиллардан бошлаб асос эътибори билан нотўғри тамойилга йўналтирилди. Бу тамойилнинг моҳияти - бир минтақа адабий меросини ўрганишда, кўра била туриб, буткул бегона анъаналар асосида шаклланган ўзга минтақа адабиёт назариясига таянишдир. Маълумки, бадиий адабиёт амалиёти билан унинг назарияси орасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлади. Аммо адабиёт назарияси одатда бир миллат адабиёти тажрибасига эмас, балки муайян маданий минтақанинг етакчи халқлари бадиий ижоди тажрибаларига суянади ва шу заминда яратилади. XIX аср ўрталаригача ҳам яхлит жаҳон маданияти эмас, балки минтақа маданиятлари мавжуд бўлганини назарда тутсак, Европа минтақаси халқлари яратган буюк бадиий мерос Европа адабиётшунослигига асос бўлганлигини, аммо қадим даврлардан Узоқ Шарқ (Хитой, Япония, Корея), Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларининг ҳар бирида алоҳида ўзига хос мукаммал ривожланган адабиёт назариялари мавжудлиги, бу назарий тизимлар ушбу минтақалардаги бутун маданий-маънавий муҳит, жумладан, ушбу минтақа халқлари бадиий тафаккури меваларининг бевосита таъсирида шаклланган ва ўз навбатида ушбу минтақа адабиёти намояндалари ижодига асрлар давомида сезиларли таъсир ҳам кўрсатиб келганлиги бугунги кунда аниқ-равшан исбот этилган тарихий воқеликдир. Бу ҳақда яратилган тадқиқотлар мажмуи илгари кўпроқ Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё минтақаларига оид бўлган бўлса, охирги йигирма йилда ислом минтақа адабиётшунослигини ўрганиш бўйича ҳам жаҳон илмида бир қанча ишлар амалга оширилди. Ушбу илмий таҳлил ва кузатишлар натижасини умумлаштириш, уларнинг такомил тарихини адабий жараён билан боғлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганиш ҳозирги давр адабиётшунослигининг долзарб масалаларидан бўлмоғи, ҳатто диққат марказига қўйилмоғи жоиз.

Хуллас, ҳар бир минтақа адабиёти ўша минтақада яратилган адабиёт назарияси билан муштарак ҳолда ўша минтақа маънавий қадриятлари муҳитидан ажратиб олинмай ўрганилса, натижалар ҳам асл воқеликка мувофиқ бўлади. Жумладан, ислом минтақа адабиётшунослиги ҳақида қисқача гапириб ўтадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд этиш ўринлидир.

VIII-IX асрларданоқ араб тилида ислом минтақа адабиётшунослигининг ўзига хос мактаби вужудга кела бошлади. Халил ибн Аҳмад (718-786), Ибн Қутайба (828-889), Ибн ал-Мутазз (861-908) ва бошқа иқтидорли назариётчилар қадим юнон поэтикасидан моҳиятан фарқ қилувчи ислом шеърият ва бадиият илмини шакллантиришга киришдилар. Кўп ўтмай бу соҳага Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан қомусий алломалар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий каби забардаст файласуфлар қадим юнон поэтика илмини минтақа адабий анъаналари билан қиёсий ўрганиб, шеърият илмига оид махсус назарий рисолалар яратдилар. X-XV асрларда бу йўналишда ижод этган қатор алломаларимизнинг қомусий асарлари жаҳон маънавият хазинасининг боқий мулкига айланди. Масалан, X асрда яшаб араб тилида ижод қилган ватандошимиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум»(«Илмларнинг калитлари») асарида адабиётшуносликка оид илми маъоний ва баён, аруз ва қофия, бадиий санъатларга алоҳида боблар ажратиб, бу илмлардаги ҳар бир атамага таъриф ва тавсиф берилган. XI асрда яшаб ижод этган ўрта осиёлик аллома Абу Хафс ан-Насафий ўзининг «Мажмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум» («Илмларнинг жам бўлиши - юлдузларнинг чиқиши») қомусий рисолалар тўпламига аруз илмига оид «Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз» асарини киритган. XI асрда ватандошимиз Абул Ҳасан Наср ал-Марғилоний бадиият илми бўйича араб тилида «Маҳосин ал-калом» асарини таълиф этди. Шу асрда яшаган Абу Қоҳир ал-Журжоний (вафоти 1078 йил) Қуръони карим оятларининг юксак бадиий қудратини илмий таҳлил асосида далиллаб беришга бағишланган «Далойил ул-эъжоз» ва «Асрор ул-балоға» асарларида мутлақо ўзига хос **бадиий тимсол назариясини** кашф этди. XI аср охири - XII асрдан бошлаб форс тилида ҳам поэтикага оид махсус асарлар яратила бошланди. Уларнинг биринчиси Родуёнийнинг «Таржумон ул-балоға» асари бўлса, иккинчиси хоразмлик улуғ аллома Рашидиддин Ватвотнинг қатор асарлари, айниқса, машҳур «Ҳадойиқ ас-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър» («Шеърият теранликларида сеҳр боғлари») рисоласидир. XII-XIII асрларда «араб ва ажам фахри» деб донг таратган хоразмлик аллома Маҳмуд аз-Замахшарий «Ал-қустос фил аруз» номли илмий рисоласини ёзди. Унинг кичик замондоши ва юртдоши Юсуф ас-Саккокий ўзининг филологияга оид «Мифтоҳ ул-улум» китобининг катта бир бобини «Шеър илми»га бағишлади. Кейинги асрларда минтақада туркий тилда ҳам адабиёт назариясига оид асарлар яратилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек замонида яратилган Тарозийнинг ушбу мавзудаги илгари фанга номаълум бўлган «Фунун ал-балоға» рисоласининг қўлёзмаси бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил олдин АҚШга илмий сафар билан борган тилшунос олим Э.Умаров томонидан топилиб, илмий истеъмолга киритилди. Шундай қилиб, VIII-XV асрларда минтақамизда араб, форс ва туркий тилларда мукаммал бир адабиётшунослик назарий мактаби шаклланган эди. Алломаларимизнинг тилга олинган асарлари кейинги неча асрлар давомида ислом минтақасининг турли давлатларида қайта-қайта кўчирилиб, илм аҳли томонидан чуқур ўрганилди, олий мадрасаларда унинг асосида шеър илми алоҳида фан сифатида ўргатилди. Аждодларимиз яратган бу илм нафақат Хоразм ёки Мовароуннаҳр, балки бутун ислом минтақасида кенг ўрганилди ва амалда қўлланилди. Ушбу қимматли назарий меросни жиддий таҳлил этиб, алломаларимизнинг хизматларини юзага чиқариш, мумтоз шоирларимиз шеъриятига уни тадбиқ этиш, бадиият илмининг кўз илғамас нозик томонларини ҳозирги замон шоирларига очиб бериш ва уларни ҳам буюкларимиз яратиб кетган улуғ меросдан баҳраманд этиш бугунги кун адабиётшунослигининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир.

Бадиий тафаккурнинг ўз қонун-қоидалари бор. Асотир тафаккур, мантиқий тафаккур, ирфоний тафаккур каби бу ҳам борлиқни идрок этишнинг ўзига хос бир йўли (тариқи, усули)дир. XV аср охирида Алишер Навоий ўзигача 8 аср давомида минтақа миқёсида кенг ривожланиб борган бадиий тафаккур илмини янада юксак назарий умумлашмалар даражасига кўтариб, жаҳон маънавияти такомилига ўзининг мустақил босқич даражасидаги кашфиётини олиб кирди.

Алишер Навоий яратган назария бадиий тафаккур тариқи масаласига оид бўлиб, Европада бу илмий йўналиш Шарқдан анча кейин - XVIII асрдан шакллана бошлади ва XX асрдагина якуний натижаларга эришди. Европа адабиётида барокко, классицизм, романтизм, реализм номлари билан аталувчи ҳодисалар Янги даврда пайдо бўлди. Рус тадқиқотчилари бундай ҳодисаларни «литературное направление или течение» (адабий йўналиш ва оқим) деб атадилар ва кейинчалик шунинг асосида ижодий ёки бадиий метод (творческий или художественний метод) назариясини шакллантирдилар. Афсус, 30-йиллар мафкуравий тазйиқи билан бу назария асосан Сталин томонидан «социалистик реализм» деб сунъий ном остида тиқиштирилган пролетар реализми методининг тоталитар ҳукмронлигини таъминлаш мақсадларига бўйсундирилгани сабабли, барчанинг жиғига тегиб, асл муаммо бир четга сурилиб қолабошлади. Ваҳоланки, адабиёт назариясининг ўзак томири барибир **бадиий тафаккур тариқи** сифатида шаклланадиган дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантиришнинг ўзига хос йўлларини аниқлай билиш ва уни ҳар томонлама шарҳлаб кўрсатишдан иборатдир. Алишер Навоий ушбу назарий масалани XV аср охирида биринчи марта очиқ-равшан белгилаб ва шарҳлаб берган эди.

Қадим юнон тилида **«методос»** нима маънони билдирса, IX- XV асрлар ислом минтақа маданиятининг илмий атамалар тили бўлмиш араб тилида «тариқ» сўзи ҳам худди шу маънони, яъни «йўл», «борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли» маъносини англатар эди. Алишер Навоий ушбу атамадан фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида **«ҳақиқат тариқи»**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва **«мажоз тариқи»** деб аталмиш икки адабий йўналишни ажратиб кўрсатди ва уларнинг ҳар бирини қисқача таърифлаб берди. Бу ҳодиса Европа адабиётшунослиги эришган ютуқлардан 5 аср илгари юз берган эди. Бадиий ижодга Борлиқ моҳиятини идрок этиш ва ижодий акслантиришнинг алоҳида бир йўналиши сифатида онгли ёндошув ислом минтақасида Европадан анча илгари, XII-XIII асрларда бошланган эди.

4-фасл. Алишер Навоий «мажоз ишқи» ҳақида.

Ушбу боб аввалида биз ислом минтақа адабиётининг ривожи ҳақида гапирар эканмиз, дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш нуқтаи назаридан ҳам адабиёт тараққий этиб борганига ишонч ҳосил қилдик. Алишер Навоийнинг назарий кузатишлари билан адабий жараёнининг боришини қиёслаб хулоса қилиш мумкинки, бу тараққиёт икки катта даврга бўлинади.

Биринчиси, VII-XI асрлар бўлиб, бу даврнинг энг юксак намунаси Фирдавсий «Шоҳнома»си дейиш тўғри бўлади. Ушбу бобнинг биринчи фаслида бу даврни қисқача тавсифлаб ўтдик. Алишер Навоийнинг бадиий ижод тариқига оид мулоҳазалари бу даврга дахл этмайди.

Иккинчи, йирик давр XII-XV асрлар бўлиб, Алишер Навоий юқорида кўриб ўтилган минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларида айни шу давр шоирларига эътибор қаратади. Нега?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади: бири-инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи; иккинчиси инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади. Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Саноий ижодида ҳар икки йўналиш аралаш тадқиқ этилган, Навоий ибораси билан айтсак: «ҳақиқат асрорига мажоз тариқи махлут» этилган. Бу улуғ мутафаккир шоирнинг минтақа шеъриятида мавқеи шу қадар баландки, «ҳақиқат тариқининг суханвари» Фаридиддин Аттор ижоди ҳам, хамсанавислик анъанаси бошида турган Низомий Ганжавий достончилиги ҳам унинг «Ҳадиқа»сидан сарчашма олади. Жалолиддин Румий ёзган эди:

Аттор руҳ буду Саноий ду чашми ў,
Мо аз паи Саноию Аттор омадем.[40]

(Аттор руҳ эди, Саноий унинг икки кўзи,

40 Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. М.-«Наука»-1962, с.174.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз Саноий ва Аттор изидан келдик.)

Буюкларнинг бирор сўзи беҳикмат бўлмайди. Нега Мавлоно Жалолиддин Атторни «руҳ»га Саноийни эса «икки кўз»га қиёс этади? «Ҳадойиқ ул-ҳақиқа» асарини Европа шарқшунослари узоқ вақт «тасаввуф қомуси» деб талқин этдилар. Лекин бу асарни диққат билан ўрганган Е.Э. Бертельснинг гувоҳлик беришига кўра, унда на «тариқат» ибораси учрайди, на «Ҳақ васли « ҳақида сўз боради. «Ҳадойиқ» 10 бобдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси «тавҳид», иккинчиси «наът» (пайғамбар мадҳи), учинчиси ақл ва тўртинчиси илм ҳақида, бешинчиси ишқ ҳақида бўлиб, Саноий Абу Али ибн Синони танқид қилади ва ишқни ақлдан устун қўяди. Олтинчи боб «нафси кулл» ҳақида бўлиб, уни шоир пири муршид қиёфасида тасвирлайди. Еттинчи боб илми нужумга бағишланган. Тўққизинчи боб дўстлик ва душманлик ҳақидаги ҳикоятларни ўз ичига олса, охирги ўнинчи бобда Саноий ўз таржимаи ҳолидан сўзлаб, бу дунёга этак силтаб, зоҳидликни ихтиёр этганлиги сабабларини баён қилади. Шоир фахр билан айтади:

Йек сухан з-ин-у олами дониш,
Ҳамчу Қуръони порси донаш.41

(Бунда ҳар сўз - бир олам билим,
Худди форс тилидаги Қуръон деб билгудек)

Шоир бу достонда сўз камолини энг юксак даражага олиб чиққанини таъкидлаб, ўзини ҳазрати Муҳаммад (С.А.В.) га қиёсан «Шоирлар хотами»(охирги якунловчи шоир) деб атайди:

Хотами анбиё Муҳаммад буд,
Хотами шоирон манам, ҳама суд.

(Пайғамбарлар охиргиси Муҳаммад эди,
Шоирларнинг якунловчиси менман,
Сўзим бошдан оёқ ҳаммаси фойдали.)

Шоирнинг бу фахриялари лоф эмас эди, дарҳақиқат, Саноий минтақа шеъриятининг муайян босқичи учун (аниқроғи, шеъриятдаги сарой маърифатчилиги босқичи учун) ўз ижоди билан якун ясаб берди ва Ғаззолий сингари ишқнинг ақлдан устунлиги ҳақида хулоса чиқарди.

Ундан кейин, юқорида кўриб ўтганимиздек, замонасининг бошқа етакчи шоирлари ҳам аста-секин саройни ва мадҳиягўйликни тарк эта бошладилар. Навоий кўзда тутган «мажоз тариқи»нинг биринчи босқичи

41 Ўша асар с.177.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосан ушбу янги йўналишга ўта бошлаган шоирлар ижодидан, яъни XII аср иккинчи ярмидан бошланади.

Саноий ҳам Ғаззолий сингари том маънодаги суфий эмас, аммо Саноий бошлаб берган янги босқич унинг издошларида икки йўналишда ривож олди: бири Аттор йўналиши, иккинчиси Низомий Ганжавий йўналиши. Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Кўрдикки, Саноий «икки кўз»га қиёс этилди. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса «руҳ» - унинг назмдан мақсади «асрори илоҳий адоси» («илоҳий сирларни баён этиш») - инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. Жалолиддин Румий ҳам шу йўлдан борди. Асли тасаввуф шеъриятининг моҳияти ҳам, бизнинг фикри ожизимизча, шунда.

Ирфон - ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга менинг нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб қидиради. Унинг жавоби қисқа ва содда қилиб ифодаланганда, қуйидагичадир: Ҳақ - ягона ва мутлақ борлиқ, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз жамолини кўрмоқ истайди ва ўзига кўзгу сифатида моддий борлиқни бунёд этади. Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини Ҳақиқат ва унинг мазҳари, қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини «мажоз», деб атайдилар. «Ҳақиқат» ва «мажоз» тазоди шундан бошланади. Аммо тасаввуф машойихлари ушбу тазодга турли даврда турлича ёндошиб келдилар. Масалан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор энг машҳур асари «Мантиқ ут-тайр»да қушларни Симурғ сари даъват этувчи Ҳудҳуд тилидан шундай хитоб қилади:

... Эй, гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз[42].

(...Эй, мажоз тузоғига илинган,
(ички) сифатдан узоқлашиб,
(ташқи) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

XIII аср бошида Аттор моҳиятга эътибор беришни талаб қилмоқда, «мажоз», яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтармоқда. Аммо XIII аср охирларида яшаб ўтган шайх Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1298 йил) ушбу нисбатни бироз бошқачароқ талқин этади:

З -он минигарам ба чашми сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.[43]

---

42 Ситтайи Фаридиддин Аттор (ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инвентар №813), 17а-варақ.

43 Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, с.166

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,
Суратда маънонинг изи бордир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

Яъни, инсон Олий ҳақиқатни (Борлиқнинг ягона олий моҳиятини) бевосита унинг мазҳаридан (моддий борлиқда ўзлигини кўрсатиши, зуҳур этиши, намоён бўлишидан) ташқарида кўра олмайди, чунки у ўзи ҳам шу мазҳардан ташқарида эмасдир(«сурат» ичидадир). Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аммо бу хулоса Нақшбандиянинг шиори сингари Ирфоннинг ниҳоясидир. Бундан кейинги босқич тасаввуфдан ташқарида, бироқ тасаввуф босқичини тугал ўтмай туриб, олға силжишга уриниш ҳам мукаммал маънавий такомилни таъминламаслиги аниқ.

Адабиётнинг асосий мавзуси инсоннинг руҳий кечинмалари бўлса, булар ичида энг гўзали, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ-муҳаббатга оид кечинмалар бўлиб, шу сабабли **ишқ мавзуси** бутун замон ва маконлар адабиётида етакчи мавзу сифатида кўзга ташланади. Аммо унга ёндошув ҳеч қачон бир хил бўлган эмас.

Ислом маърифатчилиги босқичининг энг юксак намунаси бўлмиш Ибн Сино фалсафий меросида алоҳида «Ишқ ҳақида рисола» учрайди. Олдинги боблардан бирида бу ҳақда батафсил гапирган эдик. Ибн Сино ишққа, бир томондан, тиббиётчи-табиатшунос сифатида ёндошса, иккинчи тарафдан ишқнинг суфиёна талқинларига ҳам эътибор беради. Ғаззолий таълимотида бу ёндошув янада изчил шакл олиб, аллома инсоний меҳрнинг барча турларини охир-натижада Аллоҳга муҳаббат, яъни «ишқи илоҳий» ёки тасаввуфий атамада «ишқи ҳақиқий»га боғлайди. Бу қараш XII-XIII асрлар давомида етакчи йўналиш бўлиб келди. Бу давр шоирлари икки тоифа бўлиб, биринчилари бутун фикру-зикрлари билан «ишқи ҳақиқий»га интилдилар, «Ҳақ асрори»ни излаш улар учун ҳар нарсадан муҳим бўлди, яъни шеърият имкониятларини улар тасаввуф ғояларини ифодалаш учун сафарбар этдилар. Шу сабабли Навоий уларни «ҳақиқат тариқининг суханварлари» деб таъриф этади ва бу йўналишнинг энг атоқли вакиллари сифатида Навоий Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийларни кўрсатиб ўтади. Улар билан ҳамзамон яшаган Саноий, Анварий, Хоқоний, Саъдий каби иккинчи йўналиш вакиллари эса «Ҳақ асрори» мавзусини «мажоз тариқи»га, яъни инсон ҳаётининг дунёвий муаммоларига «махлут қилиб» (аралаштириб) баён этдилар, яъни ирфоний ғоялар билан ижтимоий муаммоларни уйғунлаштиришга интилдилар. Лекин ҳали ирфоний муаммоларнинг ўзи тугал ечимини топмагани учун, бу шоирлар ижодида ирфоний ва ижтимоий масалалар кўпинча ёнма-ён, аралаш (Навоий тили билан «махлут») изҳор этилар, ҳануз улар етарли даражада уйғунлашмаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо XIV аср бошларидан бу соҳада жиддий ўзгариш рўй берди. Амир Хусрав Деҳлавий 40 ёшдан ошиб, уч девон ва бир йирик достон соҳиби бўлгач, Низомий «Хамса»сининг моҳиятига алоҳида эътибор қаратди ва астойдил унга жавоб ёзишга аҳд қилди. Ота-боболари шаҳрисабзлик туркий қавмлардан бўлмиш бу буюк истеъдод эгаси Низомийнинг « Хусрав ва Ширин» достонига жавоб сифатида ёзилган асарининг муқаддима қисмида яна «ишқи ҳақиқий» ва «ишқи мажозий»дан гап очади ва ўз ижодида узил-кесил «ишқи мажозий»ни бош мавзу қилиб танлаганини баён этади. Шоир бу фикрларини бевосита «Хамса»дан кейин ёзилган «Дўвалроний ва Хизрхон» достонида ҳам яна бир бор таъкид этади.

Навоий онгли равишда Деҳлавий анъанасини давом эттирди ва «Хамса»нинг беш достонида «мажозий ишқ»нинг мукаммал бадиий тасвири ва талқинини яратди. «Хамса» анъанасига биз кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз. Ҳозирча қайд этиш зарурки, «Хамса» достонлари «мажозий ишқ» тасвиридаги энг мукаммал тизим даражасига кўтарилган яхлит бадиият олами бўлиб, уни Борлиқ ҳақиқатининг бадиий модели дейиш мумкин. Бу моделга жон бахш этувчи ички қувват манбаи эса - ишқ. Ишқни Навоий инсон учун ўзликни англаш йўли, «Ҳақиқат асрори» ганжинасининг калити деб билади. Шоир «Лайли ва Мажнун» хотимасида ёзади:

Эй ишқ, ғариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.
Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ...
Хуршеди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен,
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти.44

Кўриниб туриптики, шоир муҳаббатга ғаройиб кимиё, яъни мисни олтинга айлантира олувчи сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу, деб таъриф бермоқда. Бунинг маъноси шуки, Алишер Навоий, салафлари Низомий ва Деҳлавийлар изидан бориб, бадиий ва илмий-ижтимоий тафаккурида «ишқ» тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда «мажозий ишқ»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлар аро муомалада биринчи ўринга чиқаради, ўзак моҳиятга айлантиради. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Низомий ва Деҳлавийлар қаламга олмаган бир мавзуга алоҳида аҳамият берилган ва, айтиш мумкинки, туркий достоннинг мазмун-моҳиятига ушбу мавзу калит вазифасини ўтаган. Бу Фарҳоднинг Юнонистонга сафари ва Суқрот билан

44 Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960, с.447

www.ziyouz.com kutubxonasi

учрашувидир. Қадим Юнон фалсафасининг тимсоли этиб танланган Сукрот Фарҳоднинг келажак тақдиридан башорат этар экан, унга насиҳат қилиб, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётидан асл мақсад «ишқи»ҳақиқий», яъни Ҳақ васлига интилиш эканлиги, бунинг учун инсон, аввало, ўзлигидан, яъни ўз худбин нафсидан кечмоғи лозимлигини таъкид этади ва дейди:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози -
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг кўхан тоқ ичра солғай.45

Достон мундарижасига кўра, Фарҳод Юнонга Искандар кўзгусининг сирини ечиш мақсадида борган эди. Сукротнинг «ишқи мажозий» ҳақида гапирганлари айни шу тилсимли кўзгуга алоқадор бўлиб чиқди. Чунки кўзгуда Фарҳод тақдири акс этган, бу тақдир эса, Сукрот айтганидек, «ишқи мажозий» билан бевосита боғлиқ экан. Шундай қилиб, «мажоз тариқи» шоирлари нуқтаи назарига кўра, Борлиқ сирларини намоён этувчи қудрат – ишқ. Пайғамбаримиз «ал – мажозу қантарат ул –ҳақиқат»(мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) деганлар. Сукротнинг сўзлари ҳам айни шунга ишора этади. Аммо яна бир масалани аниқлаб олиш эҳтиёжи бор. Тасаввуфда «ишқи ҳақиқий» – Ҳақ васлига интилиш, «ишқи мажозий» инсонларнинг бир-бирига, бу дунё ашёларига бўлган ишқи деб талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйиб келинди. Иккинчиси биринчисига ўтиш йўли, кўприги бўлиши учун яна қандайдир аниқлик киритиш лозим эмасмикин? Алишер Навоий ижодининг учинчи босқичида – «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул -қулуб» асарларини яратиб, ана шу муҳим назарий масалаларни ҳал қилиб берди.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг иккинчи қисми 10 бобини «Ишқ зикрида» деб атади ва унда ишқ таснифидаги ўша даврларда мавжуд анъанани такомиллаштириб, шунгача ўзи ҳам ишлатиб келган **«ишқи ҳақиқий»** ва **«ишқи мажозий»** тушунчалари ўрнига **«авом ишқи», «хос ишқ»** ва **«сиддиқлар ишқи»** деб номланган янги тушунчаларни киритди**:**

«Ишққа маротибдур ва ул уч қисм била мунқасим бўлур.

“Авом ишқи” - *Алишер Навоийнинг*

45 Ўша асар. С.219

www.ziyouz.com kutubxonasi

таърифига кўра "оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси - шаърий никоҳдир... Қуйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш - одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир" ("Маҳбуб ул-қулуб" асари 2-қисм, 10-боб).

Аввалғи қисм **авом ишқи**дурки, авомуннос орасида бу машҳур ва шоедурким, дерлар: «Фалон фалонға ошиқ бўлубтур». Ва бу навъ киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ. Ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликка сабаб.»[46]

(Қисқартирилган насрий баёни: «Ишқ уч қисмга бўлинади. Биринчи қисм - оддий одамлар(авом) ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси - шаърий никоҳдир... Қуйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш - одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир»).[47]

«Иккинчи қисм **хавос ишқи**дурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ».[48] («Иккинчи қисм - алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади»).[49]

"Хавос ишқи" *– Алишер Навоийнинг таърифига кўра, алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, "пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ" (пок кўзни пок ният билан пок юзга қаратмоқ ва пок кўнгил ул пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлмоғи ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олмоғи"). Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг "холисанлиллоҳ"*

46 Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966 с.42

47 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1983, с.51-52

48 Алишер Навоий. Асарлар 13-ж., с.42.

49 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, с.52

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилгин, яъни холис Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик, ғараз аралашса, яхшидай кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келиши мумкин. Навоий наздида "хавос ишқи" инсоннинг инсонга бўлган айни шундай Ҳақ йўлидаги ҳар қандай ғараздан холи, пок меҳридир.

Матн давомида «ишқ аҳлининг покбозлари» қаторида Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозийлар таъриф қилинади. Булардан икки устоз шоир ва мутафаккирни Алишер Навоий «ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилган»лар қаторида эслаб ўтганлигини юқорида таъкид этдик. Учинчи зот шайх Фахриддин Ироқий (1217-1289) бўлиб, бу суфий-шоир ва ирфоний файласуф Ҳамадонда туғилиб, 18 ёшида Ҳиндистонга шайх Баҳоуддин Закариё ҳузурига бориб, тасаввуф йўлига киради ва сўнгра Арабистон орқали Кичик Осиёга ўтиб, Қўняда шайх Садриддин Қўнявий суҳбатига эришади. Шу ерда Ибн ал-Арабий ирфонини ўрганиб, унинг руҳида «Ламаъот» китобини ёзади. Алишер Навоий бу китобга қизиқиб, устози Жомийдан унга шарҳ ёзишни илтимос қилгач, Жомий «Ашаъот ул-ламаот» рисоласини ёзиб, ўз шарҳи асосида Навоийга Ироқий ирфонидан таълим беради.[50] Ироқийнинг «Ишқнома» деб аталувчи алоҳида маснавийси ҳам мавжуд бўлиб, унда ирфоний ишқ ҳолат ва сифатлари махсус шарҳланган.

Навоий тасаввуф шеърияти намояндалари ижодида акс этган «ишқи ҳақиқийга қуйидагича таъриф беради: «Учинчи қисм - **сиддиқлар ишқи**дурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолиға унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул ғарқ этган ва улар ғарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар»...[51]

«Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса - улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди.

Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...»[52]

---

50 Алишер Навоий. Асарлар, 14-жилд. 1967, с.46-47

51 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами., 14-ж. Т., 1998, с.70

52 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1983, с.54. (Ушбу учинчи ишқ таърифи мустақил қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдирдилар ва фақат араб ёзувида босилган йиғма нусхадагина мавжуд. Биз уни тушунарли бўлиши учун фақат насрий баёнда ифода этдик – муаллиф.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар уч қисм ишқ аҳлига Навоийнинг муносабати улар таърифида сўз танлаш ва қайси жиҳатларини ажратиб кўрсатишидан ҳам билиниб турипти. «Маҳбуб ул-қулуб» - ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилишган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар («сиддиқлар»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

“Сиддиқлар ишқи” *- Алишер Навоийнинг таърифига кўра моддий олам орзу-ҳавасларини буткул тарк этган тасаввуф аҳлига хос бўлиб, улар “Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (Олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган... Агар ҳодисалар бўрони осмон гул-шанининг бир қабатини учириб кетса - улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди... " Адибнинг бундай муболағали таърифларида унинг "сиддиқлар", яъни таркидунёчи тасаввуф аҳли қарашларига муносабати аниқ акс этган бўлиб, бу даража фидоий эътиқодга эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, "халқ ғамидин ғами" йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.*

Аммо асосий гап бунда эмас. Алишер Навоий то охирги асари бўлмиш «Маҳбуб ул-қулуб» ёзилгунга қадар ўзи ҳам **«мажозий ишқ»** деб ишлатиб келган ҳодисани умри ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини **«авом ишқи»** ва иккинчисини **«хавос ишқи»** деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ»нинг кўпчилик одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий «ошиқ-маъшуқ»ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Суқрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга,

Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли «**мажоз тариқи**» деб ном олди. Миллий маънавиятимиз такомилидаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда «**меҳр маърифати**» деб атаганимиз маъқул.

“Авом” *– **1)** оми одамлар, Алишер Навоий наздида ижтимоий келиб чиқиши, бойлиги ва амалидан қатъи назар,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзлигини англаб етмаган, маънавий савияси паст бўлган инсонлар, агар кимки ўзлигини англаб етмаган бўлса, ўзини еб-ичиб, "кайфи сафо қилиб" юришдан ортиққа арзитмаса - ҳануз у ҳақиқий шахс мақомига кўтарилмаган, оддий бир "худонинг маҳлуқи" даражаси қолиб кетган, бундай инсонларнинг жамланмаси эса "халқ" эмас, "оломон" аталишга лойиқ бўлади. ***2)*** *кейинги даврларда юқори табақа вакиллари орасида "қора халқ", паст табақа вакиллари маъносида ишлатила бошлаган.*

Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур». Охирги жумла ниҳоятда гўзал ва маъноли - шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, кейинча ундан тасаввуф ирфони бўйича таълим олгани юқорида қайд этилди. «Маҳбуб ул-қулуб»да шоир устозини «ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил», деб улуғлайди. Дарҳақиқат, Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо барибир Жомий тасаввуф шоири эканини унутмайди. Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам «мажозий ишқ» рамздир, аллегориядир.

"Хавос" *– **1)** хос кишилар, Алишер Навоий наздида ўзлигини англаб етган, яъни, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини тўғри англаб етиб, шунга яраша ҳаётий мезонларини белгилаб олган, ўз инсонлик бурчини теран идрок этиб, шунга яраша амал қилувчи юксак маънавиятли огоҳ шахслар,* ***2)*** *XIX – XX асрларга келиб, оддий халқ тушунчасида юқори табақа вакиллари, беклар, аслзодалар, "зодагонлар" маъносида ишлатила бошлаган.*

Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз эса ундай қилмайдилар, улар учун мажозий ишқ мустақил қийматга эга. Навоий ҳатто «Лисон ут-тайр»да ҳам мажозни аллегория, рамз маъносида қўлламайди. Мажоз тариқи намояндалари мажозда Ҳақиқат асрорини кўрадилар. Навоий ёзади:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқеким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.[53]

Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг «холисанлиллоҳ» қилгин, яъни холис Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик, ғараз аралашса яхши кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келади.

53 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий ишлатган «покбоз» сифати айни шу холисликни, беғаразликни англатади.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чўққиси бўлди. Аммо Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) яшаган даврни биз кейинги **«Мажоз тариқи»** босқичига тааллуқли ҳисобладик. Нега? Чунки бу улуғ ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар - «хилват дар анжуман», «дил ба ёру даст ба кор»- ўз мазмун-моҳиятига кўра дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигига эришишга даъват қилади, шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан «Мажоз тариқи» босқичига олиб ўтади.

Меҳр *- шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, инсонларга, табиатга, ҳар бир ишга беғараз фидоийлик билан муносабатда бўлиш.* ***Меҳр маърифати*** *1) инсон кўнглини англаб етиш ва унга меҳр кўргазиш билан тарбиялаш, 2) инсоннинг бошқа бир инсонга бўлган беғараз муҳаббати туфайли худбинлик балосидан фориғ бўлиши ва Борлиқ ҳақиқатини англаб етиши (Алишер Навоий талқинида) маъноларини англатади.*

Шундай қилиб, XII асрда Саноий (1048-1140), Низомий(1141-1202), Анварий (вафоти 1191 йил), Ҳоқоний(1120-1199) каби улуғ ижодкорлар бадиий адабиётнинг ўз мустақил тафаккур йўлини жиддий қидиришга киришган бўлсалар, XIII аср охири - XIV аср бошида Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325) онгли равишда Низомий «Хамса»сига жавоб ёзиш билан «мажоз ишқи» ни тараннум этишга киришди. Амир Хусрав «Хамса» си шу даражада шуҳрат қозондики, ислом минтақа шеъриятида «мажозий ишқ»ни куйлаш ва «Хамса» достонларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. Шу сабабли XIV-XV асрларни «мажоз тариқи»га мансуб, деб ҳисоблаш ўринлидир.

«Ҳақиқат» ва «мажоз» тушунчалари ўша давр Борлиқни идрок этишнинг тасаввуф ирфони намояндалари таклиф этган ўзига хос ифода воситалари бўлиб, суфийлар наздида Ҳақ - ягона ва мутлоқ Борлиқ, Аҳад (яккалик, бирлик)дир. Ҳақ ўз жамолини кўриш учун кўзгу сифатида фоний дунёни бунёд этган. Ҳақнинг асл зоти **Ҳақиқат** ва унинг кўзгудаги акси - мазҳари (зуҳур қилиши) **«мажоз»** («иносказание», метафора), дейилади. Баъзан Ҳақиқат ўрнига «маъно» (маъни) ва «мажоз» ўрнига «сурат» сўзлари ҳам ишлатилади. Ирфон - ўзликни англашдир. Асл сўфийлар инсонларни «мажоз»га (суратга) маҳлиё бўлмай, Ҳақиқатни қидиришга, «маъно»га интилишга чақирди. Ҳаққа етишган инсон - Комил инсон, Орифдир. Аммо XIII асрга келиб Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1298 йил), Фахриддин Ироқий (1207-1289) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида «Ламаъот» асарини ёзган Ироқий «мажоз» ва «ҳақиқат» нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Алишер Навоий ҳам Амир Хусрав ва Ҳофизлар изидан бориб, «ҳақиқат асрори»ни (сирларини) «мажоз»дан излади. Навоий ғазаллари, таржъебандлари, қитъалари, «Хамса» достонлари ва, айниқса, «Лисон ут-тайр» асарида «мажозий ишқни» Ҳақиқатга етишишнинг асосий йўли деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

талқин этган. «Мажоз ишқи» Навоий наздида инсоннинг инсонга бўлган Ҳақ йўлидаги (халқимиз ибораси билан айтганда «холисаниллоҳ», яъни холис Аллоҳ йўлидаги) ҳар қандай ғараздан холи, пок меҳридир. Ана шундай ишқ намояндаларини шоир «ишқ аҳлининг покбозлари», деб атади. Ишқни ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган шоир одамийликни ўзгалар ғамини ўзиникидек билишда деб тушунади:

Одаме эрсанг демагил одаме -
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу машҳур байт «Ҳайратул аброр» достонининг 13-мақолатидан бўлиб, бу боб тўлиғича инсонларни «нафрасон», яъни ўзгаларга, халққа фойдаси тегадиган шахс бўлишга даъват этади. Алишер Навоий инсоннинг бу дунёда яшашдан асл мақсади ўзга инсонларга, эл- юртга фойдаси, нафи тегишда деб билади. «Мажоз тариқи» босқичи ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси бўлиб, Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини деб, қараш мумкин. «Ҳақиқат асрори», яъни Тавҳид мазмунини «мажоз», яъни ушбу зоҳир бўлиб турган оламдан қидириш, Ҳақ асрорини англаб етиш учун холис ният, пок кўнгил билан «мажоз»ни, «фоний», ўткинчи дунё, «сурат» ни тадқиқ этиш, тушуниб етиш орқали Ҳақиқатни, «маънони» англашга уриниш, биринчи навбатда, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш, Инсонларни, табиатни тушуниш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини идрок этиш - «Мажоз тариқи»нинг буюк аждодларимиз Хусрав Деҳлавий ва Баҳоваддин Нақшбанд, Ҳофиз Шерозий ва Лутфийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилининг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат бадиий адабиётда, бадиий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, «мажоз» тушунчаси ўзи бадиий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

“Нафърасонлик” *– Алишер Навоий асарларида (хусусан, “Ҳайрат ул-аброр” достонининг махсус бобида) улуғланган юксак маънавият эгаларига хос инсоний фазилат. Жамиятга, ўзга инсонларга холис ёрдам бериш, меҳр кўргазиш, ўзгаларнинг мушкулини осон қилишни ўзининг ҳаётдаги асосий мақсади деб билиш. Шоирнинг қуйидаги сатрларида бу ғоя ёрқин ифодаланган:*

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

5-фасл. Ислом минтақа маданияти ривожида аждодларимиз яратган мероснинг ўрни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Миллий маънавиятимизнинг ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилига якун ясаш олдидан бир муҳим масалани аниқлаштириб олишга эҳтиёж бор. Биз ислом маънавияти такомили ва унинг босқичларини бошдан-оёқ минтақа миқёсида қамрашга уриндик. Ушбу ёндошув қанчалик мақбул, ахир, асл мақсад миллий маънавиятимиз тараққиёти эмасмиди? Гап шундаки, VIII аср 2-ярмидан XVI аср бошларигача миллий маънавиятимиз ягона минтақа маданияти ҳудудида ривожланди ва яхлит ислом минтақа маънавиятининг узвий қисми сифатидагина тараққий этди. Бундай тарихий ҳолат Ўрта асрларда нафақат ислом минтақаси, балки Европа, Узоқ Шарқ, Жанубий Осиё минтақалари учун ҳам хос эди.

Бу давр ислом минтақа маънавиятининг шаклланиши ва такомилига бизнинг ватандошларимиз сезиларли ҳисса қўшдилар. Сунна давридаги 6 буюк муҳаддиснинг 2 таси бугунги Ўзбекистон ҳудудидан, VIII аср охири IX аср бошларида минтақа адаб илмининг иқтидорли намояндаларидан Адиб Аҳмаднинг илк туркий достони шу ҳудуд билан боғланади, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби ислом маърифатчилигининг дунёга номи таралган вакиллари, мўътазила йўналишининг сўнгги забардаст вакили, Қуръони каримнинг энг мўътабар тафсирларидан «Ал-Кашшоф»нинг муаллифи Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144), Калом илмида алоҳида йўналишга асос солган Ал-Мотуридий, фиқҳ илмининг ўнлаб забардаст алломалари, жумладан, бутун ислом дунёси қозиларининг асосий китоби бўлмиш фиқҳ илмининг қомусларидан «Ҳидоя фил-фуруъ» ни яратган Бурҳонуддин Марғиноний (вафоти 1197 йил), тасаввуфнинг уч буюк тариқати - яссавия, кубравия, нақшбандия-хожагон асосчилари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа юзлаб тасаввуф шайхлари ушбу замин фарзандларидир. Бутун ислом дунёсида IX - XIII асрларда ҳукмронлик қилган туркий сулолалар ҳам ушбу заминдан чиқиб бориб, дунёни забт этганлар. Агар бугун биз Шимолий Африка ва Испания, Арабистон ярим ороли ва Марказий Осиё ҳудудларида IX-XV асрларда яшаб ўтган алломалар меросини бир-биридан алоҳида ўргана бошласак, тарихий-маънавий воқеликни ҳеч қачон тўғри илғай олмаймиз ва кўп нарсани чалкаштириб юборамиз. Асли Маҳмуд Кошғарий туркий адабий тил ва унинг шеваларига бағишланган китобини Бағдодда ёзган бўлса, Маҳмуд Замаҳшарийнинг асарлари Хоразм воҳасида араб тилида ижод этилган бўлса, ҳатто XV асрда ҳукмронлик қилган Мирзо Улуғбек ўзининг асарларини араб ва форс тилларида ёзган бўлса, бу уч тил (араб, форс, турк) да ёзилган яхлит маданий мероснинг ягона моҳиятини қандай қилиб бир-биридан ажрата оламиз?

Хуллас, 7 асрдан ошиқ вақт давомида катта бир минтақада ягона маданият, ягона маънавий муҳит шаклланди. Ушбу муҳитда араб, форс, туркий миллатларнинг ўзига хос маънавий дунёси бир-бири билан ниҳоятда яқинлашиб, ўзаро умумий жиҳатлар касб этди. Шу билан бирга уларнинг исломдан олдинги тараққиёти муайян даражада фарқлангани боис ва бошқа турли омиллар туфайли умумий ривожланишнинг миллий талқинларида фарқ бўлиши ҳам табиийдир. Туркий миллатнинг бош бўғини бўлмиш ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқи миллий маънавияти тараққиётида Алишер Навоийнинг маънавий олами авж нуқтани ташкил этади.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. *ИСЛОМ МИНТАҚА МАДАНИЯТИ ДАВРИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАКОМИЛИ*

Миллий маънавиятимиз ривожининг тарихий босқичлари	Тарихий давр	Шахс ва миллат маънавиятининг такомил босқичлари ёки маърифат йўллари
I Сунна	VIII-IX Асрлар	***Ибрат***
II Ислом маърифатчилиги	X-XI Асрлар	***Илм***
III Тасаввуф тариқатлари ёҳуд Ирфон	XII-XIII Асрлар	***Риёзат***
IV "Мажоз Тариқи"	XIV-XV Асрлар	***Меҳр***

2."МАЖОЗ ТАРИҚИ" НИМА?

"Мажоз тариқи" атамаси **Алишер Навоий** ижодининг сўнгги давридаги қатор асарлари, жумладан, **"Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад"** ва **"Муҳокамат ул-луғатайн"**ларда тилга олинади ва **"Маҳбуб ул-қулуб"**да ***махсус тушунча*** сифатида таҳлил этилади.

"Мажоз тариқи" - Алишер Навоий талқинига кўра - ***Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг бадиий адабиётга хос махсус йўналиши*** бўлганлиги сабабли аввало ***бадиий адабиётнинг миллий маънавиятимиздаги ўрнини*** кўриб чиқамиз:

АДАБИЁТ НИМА?

Бола ўйнайди. ***Ўйин*** - Борлиқ ҳақиқатини амалий англаб етиш – ўзлаштиришнинг илк кўриниши. Ёш бола Борлиқни англаб етиш учун ҳаётий жараёнларни ўйинда ***моделлаштира***ди.

Санъат, жумладан, ***бадиий адабиёт ўзликни англаб етишнинг мустақил йўли*** бўлиб, аслида ***тахайюл ўйинлари***[54] воситасида ***Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга*** уринишдир**.** Ҳайкалтарош тошни "жонлантиради", мусаввир ранглар товланишини ишга солади, мусиқа санъати инсон туйғуларига бевосита коинот уйғунлигини олиб киради. ***Бадиий тафаккурнинг энг қудратли ва имкониятлари чексиз воситаси сўз***

[54] "Имагинация" (русча "воображение") асотир тафаккур, фалсафий ва бадиий тафаккурнинг асосий қуроли эканлиги таниқли рус олими Я. Голосовкернинг "Логика мифа" китобида ишонарли исбот қилиб берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

санъатидир. Боланинг ўйини - беғараз. Адиб ва шоир ҳам ўз ишига беғараз ёндошсагина, ҳаёт ҳақиқатини уйғун акс эттира олади. ***Муттоз адабиёт беғараздир***.

Адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий манбадир. Адабий асар кўз олдингизда кечаётган айқаш-уйқаш ҳодисалар гирдобини маълум маъно тизимига жойлаб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради. Бадиий асар етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тушунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фаҳм- фаросатига лойиқ бир ҳисса чиқара олади. Шу сабабли ***адабиёт - ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Муттоз адабиёт Борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга***. Ана шу хислати туфайли у ***инсон руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга ёрдам берувчи асосий воситалардан бири*** ҳисобланади.

ИСЛОМ МИНТАҚА АДАБИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар бир минтақа маданиятининг ўз мезонлари бор. Улар ўша минтақа халқлари маънавий такомили жараёнида, узоқ йиллик тарихий тажриба асосида шаклланади. Жумладан, ***ислом минтақа адабиётининг ривожланиши мобайнида унинг ўзига хос назарий асослари ҳам яратилди.*** Бу анъанага мувофиқ бизда ***адабиёт назариясига оид*** бир қатор ***илмлар*** вужудга келди. Бу илмлар ***икки йўналишда*** бўлиб, улардан ***биринчиси адабиётнинг шакли, яъни бадиий тасвир воситаларига оид***дир. Жумладан, аруз илми, қофия илми, бадиий санъатлар назарияси (илми бадеъ), илми баён, илми маъоний ва ҳ.к. Ислом минтақасида дастлаб бу илм йўналишлари араб тилидаги адабиёт тажрибасига таянган бўлса, кўп ўтмай бошқа халқлар ҳам бу соҳага ўз ҳиссаларини қўша бошладилар. Буюк аждодларимизнинг бу соҳадаги хизматларига мисол сифатида X - XV асрлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум”(“Илмларнинг калитлари”) асарининг махсус боби, Абу Хафс ан-Насафийнинг “Мажмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум” (“Илмларнинг жам бўлиши - юлдузларнинг чиқиши”) қомусий рисолалар тўпламига киритилган “Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз”, Абул Ҳасан Наср ал-Марғилонийнинг “Маҳосин ал-калом”, хоразмлик аллома Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ас-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Ал-қустос фил аруз”, Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбек замонида туркий тилда яратилган “Фунун ал-балоға” асарларини, Навоий ва Бобурнинг арузга оид рисолаларини эслаб ўтиш кифоя.

Адабиёт назариясининг иккинчи муҳим йўналиши бадиий адабиётнинг мазмуний жиҳати, яъни бадиий тафаккур қонун-қоидаларига алоқадор бўлиб, бадиий ижод тариқи (методи) масаласи ушбу йўналишнинг бош мавзусидир.

Янги даврда Европа адабиётида ***барокко, классицизм, романтизм, реализм*** номлари билан аталувчи ҳодисалар пайдо бўлди. Тадқиқотчилар бундай ҳодисаларни ***адабий йўналиш*** ёки оқим (“литературное направление или течение”) деб атадилар ва кейинчалик шунинг асосида ***ижодий ёки бадиий метод (творческий или художественний метод) назарияси*** шакллантирилди.

Қадим юнонларнинг фалсафасини чуқур ўрганган аждодимиз ***Абу Наср Форобий*** (873-950) ўз ижодида ушбу муаммога ҳам махсус тўхталиб**, “Шеър санъати қонунлари ҳақида рисола” (Рисола фи қавонин синоъат аш-шеър) ва “Шеърият ҳақида” (Китоб аш-шеър)** асарларини яратди. Бу рисолаларда Аристотель асарларида ишлатилган ***“мимезис”*** (табиатга тақлид) ва ***“имагинация”*** тушунчаларини араб тилига ***“муҳокот”*** ва ***“тахайюл”*** атамалари билан таржима қилиб, ***бадиий тафаккурнинг асос унсурларини*** ислом минтақа илмида илк мартаба мантиқий изоҳлаб берди. XI асрга келиб ***Абу Қоҳир ал-Жўржоний*** (вафоти 1078 йил) Қуръони карим оятларининг юксак бадиий қудратини илмий таҳлил асосида далиллаб беришга бағишланган **“Далойил ул-эъжоз”** ва **“Асрор ул-балоға”** асарларида мутлақо ўзига хос ***бадиий тимсол назариясини*** кашф этди. XIII аср охири - XIV бошларида ***Амир Хусрав Деҳлавий*** (1253-1325) ўзининг ***“Расоил ул-***

www.ziyouz.com kutubxonasi

эъжоз" ва бошқа асарларида ушбу муаммоларнинг ***янгича ечимлари***ни берди. Ва ниҳоят, XV аср охирида ***Алишер Навоий ўзигача 8 аср давомида минтақа миқёсида кенг ривожланиб борган бадиий тафаккур илмини янада юксак назарий умумлашмалар даражасига кўтариб, жаҳон маънавияти такомилига ўзининг мустақил босқич даражасидаги кашфиётини олиб кирди.***

Қадим юнон тилида **"методос"** нима маънони билдирса, IX- XV асрлар ислом минтақа маданиятининг илмий атамалар тили бўлмиш араб тилида ***"тариқ"*** сўзи ҳам худди шу маънони, яъни **"йўл"**, ***"Борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли"*** маъносини англатар эди. ***Алишер Навоий*** ушбу атамадан ижодий фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида ***"ҳақиқат тариқи"*** ва ***"мажоз тариқи"*** деб аталмиш икки ***адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи*** мавжудлигини кашф этди ва уларнинг ҳар бирини қисқача **таърифлаб**, XII-XV асрларда яшаб форсий ва туркий тилларда ижод этган ***улуғ шоирларнинг қайси бири қайси йўналишга мансуб эканлигини*** аниқ кўрсатиб берди. Шундай қилиб, ***бадиий ижодга Борлиқ моҳиятини идрок этиш ва ижодий акслантиришнинг алоҳида бир йўналиши сифатида онгли ёндошув*** ислом минтақасида Европадан бирнеча аср илгари мукаммал шаклланди.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БАДИИЙ ИЖОД ТАРИҚИГА ОИД НАЗАРИЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ

"Маҳбуб ул- қулуб" рисоласи **"Аввалги қисм"**ининг **16-фасли шоирлар таърифида бўлиб,** ***"Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида"*** деб аталади ва шундай бошланади:

"Ул неча табақадир: аввалги жамоа нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизомда тилаган топар, чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас" [55]

(Насрий баёни: **Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулуллоҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар".**)

Алишер Навоий бу тоифани ***"ҳақиқат тариқининг суханвари"***, деб атайди ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини **"авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ"**, деб улуғлайди.

Навоий ***"мажоз тариқи "*** хусусидаги таърифларга ўтиб, ўзи кашф этган ҳақиқатларни шундай баён қилади:

"Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи Шайх Заҳириддин Саноий ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал- Ҳофиз.

[55] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Т.-«Фан »-1998, с.24

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар. Андоқким, Камоли Исфахоний ва Хоқонийи Ширвоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий".[56]

(Насрий баёни: **"Яна бир гуруҳдурким, Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда боғлабдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи Амир Хусрав Деҳлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Саноий, ҳақиқат аҳлининг ягонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англатишга моҳир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз.**

Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфаҳоний, Хоқоний Ширвоний, Хожуйи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зоҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий".[57]

ИСЛОМ МИНТАҚА АДАБИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ

Ислом минтақа адабиёти VIII - XV асрлар мобайнида ***дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш*** *нуқтаи назаридан ҳам тараққий этиб борди. Алишер Навоийнинг назарий кузатишлари билан адабий жараённинг боришини қиёслаб хулоса қилинса, бу тараққиётни, биринчи навбатда,* ***икки катта даврга*** *бўлиш мумкин.*

Биринчиси, VIII - XI асрлар бўлиб, араб мумтоз адабиётида "янгиланиш" харакатига асос солган Башшар ибн Бурд (714-784), Ибн ал-Муқаффа (724-759), Абу Нувос (762-713), Абул Атахия (748-825) каби машҳур шоир ва адиблар ижоди билан бошланади. VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан туркий тилдаги дастлабки асарлар (Адиб Аҳмад ва Маҳмуд Кошғарий асаридаги баъзи намуналар) пайдо бўлган бўлса, X аср биринчи ярмида **Сомонийлар саройида** Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланди. IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар уч тилда асарлар яратилган бўлса, XI аср бошларидан араб тили асосан илм тили сифатида сақланиб қолиб, **Ғазнавийлар саройида** асосан форс тилида ва **Қорахонийлар саройида** туркий ва форсий тилларидаги шеърият ривож топди. Бу даврда Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий ва бошқалар форс тилида мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратган бўлсалар, **Фирдавсий Тусий (940-1020)** 60 минг байтли улкан тарихий эпопея - **"Шоҳнома"**ни қоғозга туширди. Туркий тилда замонасининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашларини кенг кўламда акс эттирган **Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достони** (1069 йилда ёзилган) дунёга келди. Кейинги икки асар шу давргача Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг ўзига хос бадиий қайта ишланган қомуси эди. Араб тилида **Абул Аъло ал-Мааррий** (973-1058)нинг юксак фалсафий мазмундаги асарлари ҳам шу давр маҳсули эди.

VIII - XI асрларда ислом минтақасида шаклланган турли адабий мактаблар ҳам илмий доиралар сингари кўпроқ у ёки бу ҳукмдор саройида марказлашган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижасида **мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (**май мавзуи), **зуҳдиёт** (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр қўймаслик мавзуи), **ҳижо** (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди, яъни, маълум маънода, **бадиий адабиётнинг вазифаси** ҳануз **иккинчи даражали,** амалийроқ кўринишда эди. Шу даврда **"энг ёлғон шеър - энг яхши шеърдир"**

[56] Ўша китоб, с.25

[57] Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966, с.191

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва "энг рост шеър - энг яхши шеърдир" деган ибораларда ўз аксини топган шеъриятга **икки хил ёндошув** шаклланган илмий адабиётларда қайд этилган ва бунга муайян даражада ўша давр адабиётининг мавзу қамрови ва вазифаси, **ижтимоий воқеликда тутган мавқеи** ҳам сабабчидир. XX аср адабиётшунослигида урф бўлган ***"дунёвий адабиёт"*** атамаси айни шу давр адабиётининг аксарият намуналарига муайян даражада мувофиқ келиши мумкин. ***Алишер Навоийнинг бадиий ижод тариқига оид мулоҳазалари бу даврга дахл этмайди.***

Иккинчи йирик давр XII-XV асрлар бўлиб, Алишер Навоий минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларида айни шу давр шоирларига эътибор қаратади.

Алишер Навоий форсий "Шоҳнома"ни яхши билса-да, бадиий ижод тариқи ҳақида мулоҳаза юритганда Фирдавсийни эсламайди, балки саноқни форс мумтоз шеърияти вакиллари ичида биринчилардан бўлиб саройни ва мадҳиягўйликни тарк этиб, шеъриятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган **Абдулмажд Саноий** (1048 - 1140)дан бошлайди. Чунки унинг - **"Сайрул-ибод илал-маод"** ("Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари") ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги **"Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа"** ("Ҳақиқат боғлари") достонлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солган эди. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган **Абдулвосиъ Жабалий** (вафоти 1160), **Анварий** (вафоти 1191), **Асириддин Ахсикатий (**1108-1196), **Хоқоний** (1120-1199), **Зоҳир Фарёбий** (вафоти (1202) каби қатор таниқли шоирлар ҳам сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришдилар.

Навоий Саноий ижодини баҳолашда ўша давр анъанасига зид бориб, уни "ҳақиқат тариқи" суханварлари қаторида эмас, **"ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут" қилганлар** сафида тилга олган. Дарҳақиқат, асарлари ўз вақтида буюк халафлари (издошлари) томонидан сўфиёна руҳда талқин этилган бўлишига қарамай, Саноий ҳам, Анварий ва Хоқонийлар ҳам ҳануз том маънодаги суфий шоирлар эмас эдилар. Саноийнинг "Ҳадойиқ ул-ҳақиқа" асарини Европа шарқшунослари узоқ вақт "тасаввуф қомуси" деб талқин этган бўлсалар-да, бу асарни диққат билан ўрганган Е.Э. Бертельс бундай қарашни қувватламайди. Дарҳақиқат, 10 бобдан иборат бу йирик достонда, Навоий асосли равишда таъкидлаганидек, тасаввуфга оид мавзулар бошқа фалсафий-ижтимоий масалалар билан аралаш (**махлут)** ҳолда баён этилган.

Саноий ва Анварийлар бошлаб берган **шеъриятга янгича ёндошув** уларнинг яқин издошлари - XII аср охирги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърият осмонида порлаган икки ёркин юлдуз **Низомий Ганжавий** (1141-1202) ва **Фаридиддин Аттор** (1147-1229) сиймолари мисолида **икки** алоҳида **йўналиш** бўйича ривож олди.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади:

бири - инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи;

иккинчиси инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади.

Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Кейинчалик **Жалолиддин Румий** (1207-1273) ёзган эди:

Аттор руҳ буду Саноий ду чашми ў,
Мо аз паи Саноию Аттор омадем.[58]

(Аттор руҳ эди, Саноий унинг икки кўзи,

[58] Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. М.-«Наука»-1962, с.174.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз Саноий ва Аттор изидан келдик.)

Саноий “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. ***Аттор*** эса ***“руҳ”*** - унинг назмдан мақсади ***“асрори илоҳий адоси”*** (“илоҳий сирларни баён этиш”) ***- инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. “Маснавийи маънавий”*** дек буюк ирфоний қомусни яратган ***Жалолиддин Румий*** ҳам айни шу йўлдан борди. ***Тасаввуф шеъриятининг моҳияти*** аслида шу.

Форс тилида ижод этган буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири **Низомий Ганжавий** эса фақат ***инсон руҳияти-нинг ички қатламларига теран назар ташлаш билан чекланиб қолмай*** ўз достонларида шахснинг ***Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди,*** яъни, унинг асарларида ***ирфоний ва ижтимоий муаммолар олий бир уйғунликда ифодаланди. Айни шу уйғунлик ифодасига*** кейинчалик **Алишер Навоий** томонидан ***“Мажоз тариқи” деб ном берилган эди.*** Аммо XII асрда ҳануз “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди кун тартибига рўйирост қўйилган эмас, Низомий асарларида “мажоз” атамаси умуман истеъмолга ҳам кирган эмас эди. Навоий бу йўналишда ***мумтоз натижаларга эришган зот*** асарларини ўз ижодий йўлини белгилашда ***порлоқ бир намуна*** сифатида танлаган бўлса-да, назарий тадқиқотларида **Низомий** номини бирор гуруҳга мансуб этиб тилга олмайди.

XI асрда тасаввуф шеърияти кичик лирик жанрлар (рубоий, ғазал) билан чекланган бўлса, XII асрдан бошлаб тасаввуфий руҳда достонлар яратилди. XII - XIII асрлар мобайнида ислом минтақа маданияти доирасида **ирфоний шеърият ва тасаввуф фалсафаси** юксак чўққиларга кўтарилди. Форс тилида **Фаридиддин Аттор** (1147-1229) **ва Жалолиддин Румий** (1207-1273)ларнинг тасаввуфий эҳтиросга йўғрилган буюк эпик асарлари, араб тилида ирфоний ишқнинг оташин куйчиси **Ибн ал-Фарид** (1181-1234) шеърияти ва **Ибн ал-Арабий** (1165-1240) яратган тимсолий тафаккурнинг мумтоз намунаси **“Футуҳоти Маккия”** асари ушбу давр минтақа маънавиятининг ноёб намуналаридир.

Ирфон - ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга менинг нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб қидиради. Унинг жавоби қисқа ва содда қилиб ифодаланганда, қуйидагичадир: ***Ҳақ - ягона ва мутлақ борлиқ, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз жамолини кўрмоқ истайди ва ўзига кўзгу сифатида фоний дунёни*** (яъни, биз кўриб турган ***моддий борлиқни) бунёд этади.*** Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини ***Ҳақиқат*** ва унинг **мазҳари,** қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини ***“мажоз”*** (“иносказание”, метафора), деб атайдилар. ***“Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди*** шундан бошланади**.**

Тасаввуф машойихлари ***“Ҳақиқат” ва “мажоз” тазодига*** турли даврда турлича ёндошиб келдилар. Агар XIII аср бошлари ва ўрталарида **Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар** инсонларни ***“мажоз”,*** яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, Моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлсалар, мажозга (суратга) берилиш, Ҳақиқатдан (маънодан) чалғитади деб ҳисоблаган бўлсалар, XIII аср охирларига келиб **Фахриддин Ироқий** (1207-1289), **Авҳадиддин Кирмоний** (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “Ламаъот” асарини ёзган Ироқий “мажоз” ва “ҳақиқат” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх Авҳадиддин Кирмоний ушбу нисбатни қуйидагича талқин этади:

З -он минигарам ба чашми сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.[59]
(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,

[59] Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. Т., 1968, с.166

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суратда маънонинг изи бордир.

Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,

Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

Яъни, инсон Олий ҳақиқатни (Борлиқнинг ягона олий моҳиятини) бевосита унинг мазҳаридан (моддий борликда ўзлигини кўрсатиши, зуҳур этиши, намоён бўлишидан) ташқарида кўра олмайди, чунки у ўзи ҳам шу мазҳардан ташқарида эмасдир ("сурат" ичидадир). ***Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир.***

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чўққиси бўлди. **Баҳовуддин Нақшбанд** (1318-1383) яшаган даврни **"Мажоз тариқи"** босқичига тааллуқли деб ҳисоблашга етарли асослар бор. Чунки бу улуғ ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар - **"хилват дар анжуман", "дил ба ёру даст ба кор"-** ўз мазмун-моҳиятига кўра ***дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигига*** эришишга даъват қилади ва шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан ***"Мажоз тариқи" босқичи***га олиб ўтади.

Низомийнинг бадиий тафаккур даражаси ўз давридан шу даражада илгарилаб кетган эдики, унинг асарларида ифодаланган маънолар моҳиятини тушуниш учун XII асрдан кўра XIV асрда мувофиқроқ фикрий муҳит ҳосил бўлди, бунинг бир тасдиғи Низомий Ганжавий достонларининг бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмалари XIV аср ўрталарига мансублигидир[60].

XIII асрда **Аттор ва Румий**лар билан бир пайтда яшаб ижод этган **Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий** (1189-1292) ва **Камол Исфаҳоний**(вафоти 1237)лар ўз асарларида Саноий ва Анварийлар анъанасини давом эттириб, **"Ҳақ асрори"ни "мажоз тариқи"**га, яъни **инсон ҳаётининг дунёвий муаммоларига "махлут қилиб" (аралаштириб)** баён этдилар**, Саъдий**нинг **"Бўстон"** ва **"Гулистон"** асарлари "Ҳадиқа" йўналишда, ўша эркин услубда яратилди, аммо улар ҳам ўз йўналишларининг **"ҳақиқат тариқи"**дан фарқини алоҳида таъкидлаган эмаслар.

Фақат XIII аср охири - XIV аср бошларида **Амир Хусрав Деҳлавий** (1253-1325) **Низомий** достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзиш билан **онгли равишда "мажоз тариқи" йўналишини танлаганини** намойиш қилди. Амир Хусрав **"Хамса"** си шу даражада шуҳрат қозондики, ислом минтақа шеъриятида "мажозий ишқ"ни куйлаш ва "Хамса" достонларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти "Хамса" анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда "Хамса"нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди[61]. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди. Навоий эслаган Хожуйи Кирмоний(1281 - 1352), Салмон Соважий (1300 - 1376) ва Котибий (вафоти 1436)лар ушбу достончилик анъанасига мансуб шоирлардир. Шундай қилиб, XIV-XV асрлар минтақа шеъриятида ***"мажоз тариқи"*** **етакчи мавқега кўтарилганлигини** қайд этиш мумкин.

Бу даврда нафақат достончилик, балки ғазалнависликда ҳам **"Ҳақ асрори"ни "мажоз тариқи"**га **"махлут қилиб"** баён этиш кенг урф бўлди. Алишер Навоий бу йўналишдаги ижодкорлардан "Лисон-ул-ғайб" лақаби билан дунёга донғи таралган **Хўжа Ҳофиз Шерозий** (1320-1389), мумтоз ғазал ва қасидалар устаси **Носир Бухорий** (вафоти

---

[60] Низомий Ганжавий "Хамса"сининг ҳозир илмий истеъмолда мавжуд тўлиқ нусхалари 1362-1365 йилларда кўчирилган бўлиб, улардан кўра қадимийроқ, айниқса, XII-XIII аср нусхалари ҳануз топилган эмас.

[61] Ғ. Алиевнинг "Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока» (М. 1985) китобида XIV- XV асрларда яшаб, форсий ва туркий тилларда Низомий ва Деҳлавий достонларига татаббу бағишлаган 50га яқин шоир ҳақида маълумот берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1371) ва **Камол Хўжандий**(1318-1401), сарбадорлар шоири **Шоҳий Сабзаворий (**1385-1453)ларни эслаб ўтади.

Навоийнинг **“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”** рисоласида атоқли туркигўй шоирлардан XIV асрда яшаган Насимий **“ҳақиқат тариқи”**нинг ва XV асрда ижод этган Мавлоно Лутфий “**мажоз тариқи**” нинг намояндалари сифатида тилга олинади.

Шундай қилиб, XII-XV асрлар ислом минтақа адабиётида мустақил ***адабий йўналишлар ва бадиий ижод тариқларининг шаклланишини,*** шартли равишда, **уч босқичга** ажратиш мумкин. **Биринчи босқич** XII аср охирларигача давом этиб **(Саноий, Анварий, Хоқоний, Низомий)**, унда шеърият мавзуларининг жиддийлашуви, **инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига мууносабати** мумтоз адабиётнинг етакчи тамойилига айлана бошлагани кузатилади, аммо ҳануз **“ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди** шоирлар диққатини жалб этган эмас. **Иккинчи босқич** XIII асрни ўз ичига олади. Бу асрда ***“ҳақиқат тариқи”*** буюк тасаввуф шоирлари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** ижодлари мисолида **адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи** сифатида **энг юксак такомил даражасига кўтарилди. Учинчи босқич** XIII аср охири - XVI аср бошларини қамраб олган бўлиб, бу икки асрдан кўпроқ муддат давомида ***“мажоз тариқи”***нинг минтақа бўйлаб ҳам **адабий йўналиш,** ҳам **бадиий ижод тариқи** сифатида онгли равишда мукаммал шаклланиши ва кенг миқёсда тараққий этиши кузатилади.

б) Ислом минтақа маданиятида ишқ мавзуси

Адабиётнинг асосий мавзуси ***инсоннинг руҳий кечинмалари*** бўлса**,** булар ичида энг гўзали, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ-муҳаббатга оид кечинмалар бўлиб, шу сабабли ***ишқ мавзуси*** бутун замон ва маконлар адабиётида етакчи мавзу сифатида кўзга ташланади.

Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: "Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва ***сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур"***. Яъни, шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

Ибн Синонинг ***“Ишқ ҳақида рисола”(Рисола фи-л-ишқ)*** асарида “Поклик биродарлари” (“Ихвон ус-сафо”) ва Форобийнинг бу мавзудаги фалсафий мушоҳадаларини ижодий ривожлантириб, ***ишқни руҳий ҳодиса мазмуни*** сифатида тадқиқ этади. Ибн Сино ишқни (бир нарсага мойиллик маъносида) барча табиат унсурларига хос деб билади ва инсон ишқидаги ***ҳайвоний ва руҳоний жиҳатларни*** ажратиб кўрсатади[62]. Олим фикрига кўра улардан қайси бири ғолиб келишига қараб инсон ишқи ҳайвоний ҳирсдан ***илоҳий ишқ*** сари улуғлашиб боради. ***Аллоҳ маърифатига интилиш ишқнинг энг олий даражасидир,*** деб ҳисоблайди Ибн Сино.

Ғаззолийнинг “Диний илмларнинг тикланиши”(“Иҳёи улум-ад-дин”) китоби тўртинчи қисми “***Нажотга элтувчилар***”(“Мунжиёт”) аталиб, унинг таркибидаги “Ишқ ҳақида китоб”да бу инсоний туйғу кимга йўналтирилганига кўра беш турга ажратилади:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.
2. Унинг ўз ҳомийлари, унга меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.
3. Унинг умуман инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.
4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати,
5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаган зотга муҳаббати.[63]

Ушбу ***барча муҳаббат турлари*** Ғаззолийнинг кейинги мантиқий таҳлили натижасида инсоннинг бутун борлиқ ва мавжудотларнинг яратувчиси ва хожаси Аллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга бирлашади.

---

[62] Серебряков С. Б. Трактат Ибн Сины (Авиценны) о любви. Тбилиси, 1976, с. 47-68

[63] Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М.-«Наука»-1980,с. 238.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тасаввуф таълимотида ушбу қарашлар умумлаштирилиб, охир-натижада “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни “ишқи илоҳий” маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшашни билдирса, иккинчиси - инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйилди. Масалан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор энг машҳур асари “Мантиқ ут-тайр”да қушларни Симурғ сари даъват этувчи Ҳудҳуд тилидан шундай хитоб қилади:

... Эй, гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз[64].
(...Эй, мажоз тузоғига илинган,
(ички) сифатдан узоқлашиб,
(ташқи) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, ундан **тасаввуф ирфони** бўйича махсус таълим олган. **“Маҳбуб ул-қулуб”**да шоир устозини ***“ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил”,*** деб улуғлайди. Дарҳақиқат, Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барибир ***барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам “мажозий ишқ” рамздир, аллегориядир.***

Лекин “**мажоз тариқи”** намояндалари **Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофизлар** учун **мажозий ишқ** (яъни фоний олам мавжудотларининг бир-бирига муҳаббати) **мустақил қийматга эга**. Амир Хусрав “Ширин ва Хусрав” достони кириш бобларида ёзади:

Фидойи ишқ шав, гар худ мажозист,
Ки давлатро дар-у пўшида розист,
Ҳақиқат дар мажоз инак падид аст,
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст.[65]
(Ўзингни ишққа бахш эт, агар у **мажозий** бўлса ҳам,
Чунки унда саодат сирлари яширидир.
Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоён этадики,
Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.)

Шоир ***“мажозий ишқ”***қа таъриф бериш билан чекланиб қолмай, ўз давридаги баъзи ***“ишқи ҳақиқий”***дан лоф урувчиларга дашном беришни ҳам лозим топади:

Ту к-аз ***“ишқи ҳақиқий”*** лофий, эй дўст,
Хароши сўзане бенмой дар пуст,
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,
Надори шарм аз-ин имони бедард.[66]
(Эй, сен ***“ишқи ҳақиқий”*** дан лоф урувчи дўст,
Баданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.
Ногаҳон ит “вов” деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,
Яна бундай “дардсиз имон”ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?)

Амир Хусрав “Хамса”дан кейин ёзилган тарихий ишқий достони “Дувалроний ва Хизрхон“ қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам **мажозий** эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Чу ишқ андар мажозаш жилвагоҳ дод

---

[64] Ситтайи Фаридиддин Аттор (ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инвентар №813), 17а-варақ.

[65] Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. М.-«Наука»-1979, с. 40

[66] Ўша китоб, с. 40

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод.[67]

(Ишқ ўз мажозида намоён бўлгани сабабли,

Бу **мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк** бўлди.)

Кўриниб туриптики, бундай ёндошув **Пайғамбаримиз(с.а.в.)**нинг **“ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат” (мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир)** деган машҳур ҳадисларига тамомила мувофиқ келмоқда. Алишер Навоий “Хазоин ул-маоний”нинг охирги девони “Фавоид ул-кибар”да ушбу ёндошувни тўлиқ қувватлаб махсус қитъа битади:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,

Ошиқеким бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,

Гар сен идрок айласанг, **айни Ҳақиқатдир мажоз.**[68]

Аммо ***“мажозий ишқ”***ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббати деб тушунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бир мураккаблик вужудга келарди. Яъни инсоний муҳаббат ҳаётда доимо беғараз бўлавермаслиги маълум бўлиб, бу энди ошиқнинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Алишер Навоий ижодий йўлининг назарий хулосаси бўлмиш **“Маҳбуб ул-қулуб”** рисоласининг иккинчи қисмидаги **“Ишқ зикрида”** аталмиш 10-бобида ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди. Унда адиб **ишқни уч қисмга ажратади** ва уларга шундай таърифлар беради:

“Аввалғи қисм **авом ишқи**дурки, авомуннос орасида бу машҳур ва шоедурким, дерлар: “Фалон фалонға ошиқ бўлубтур”. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ. Ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашликлар ва бесомонлиқ ва нохушликлареки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликқа сабаб.”[69]

(Қисқартирилган насрий баёни: “Биринчи қисм **оддий одамлар (авом) ишқи** бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси - шаърий никоҳдир... Қуйироқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш - одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир”).[70]

“Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ”.[71] ("Иккинчи қисм - алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади”).[72]

"Учинчи қисм **сиддиқлар ишқи**дурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолиға унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул ғарқ этган ва улар ғарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар"...[73] "Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса - улар бехабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг

---

[67] Амир Хусрави Деҳлави. Дувалронй ва Хизрхон. Душанбе-«Дониш»-1975, с. 224

[68] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513

[69] Алишер Навоий. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966 с.42

[70] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1983, с.51-52

[71] Алишер Навоий. Асарлар 13-ж., с.42.

[72] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, с.52

[73] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами., 14-ж. Т., 1998, с.70

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган..."[74]

"Маҳбуб ул-қулуб" - ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантиқий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилишган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар ("сиддиқлар"), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, "халқ ғамидин ғами" йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг "холисанлиллоҳ" қилгин, яъни холис Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик, ғараз аралашса, яхшидай кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келиши мумкин. Навоий наздида ***"хавос ишқи"*** инсоннинг инсонга бўлган айни шундай Ҳақ йўлидаги ***ҳар қандай ғараздан холи, пок меҳри***дир**.** Ана шундай ишқ намояндаларини шоир ***"ишқ аҳлининг покбозлари***", деб атайди. Улар қаторида Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозийларни санаб кўрсатадики, булардан икки устоз шоир ва мутафаккирни адиб **"ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилган"**лар қаторида эслаб ўтган эди. Шайх Фахриддин Ироқийнинг қарашлари ҳам уларнинг ёндошуви билан муштаракдир.

Навоий **пок инсоний ишқни** ошиқ учун ўзликни англаш йўли, "Ҳақиқат асрори" ганжинасининг калити деб билади. Шоир "Лайли ва Мажнун" хотимасида ёзади:

Эй ишқ, ғариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.
Ҳам зотингга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ...
Хуршеди жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен,
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти ёр топти.[75]

Кўриниб туриптики, шоир муҳаббатга **ғаройиб кимиё,** яъни мисни олтинга айлантира олувчи **сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу,** деб таъриф бермоқда. Алишер Навоий, салафлар изидан бориб, **"ишқ" тушунчасига,** биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда **"мажозий ишқ"ни** воқеъ ҳаётдаги **инсонлар аро муомалада** биринчи ўринга чиқаради, **ўзак моҳиятга** айлантиради. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

"Фарҳод ва Ширин" достонида Қадим Юнон фалсафасининг тимсоли бўлмиш Суқрот Фарҳоднинг келажак тақдиридан башорат этар экан, унга насиҳат қилиб, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётидан асл мақсад **"ишқи ҳақиқий",** яъни Ҳақ васлига интилиш эканлиги, бунинг учун инсон, аввало, ўзлигидан, яъни худбин нафсининг ҳою-ҳавасларидан кечмоғи лозимлигини таъкид этиб, айтади:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,

---

[74] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1983, с.54. (Ушбу учинчи ишқ таърифи қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдириларди ва фақат араб ёзувида босилган йиғма нусхадагина мавжуд эди. Биз уни тушунарли бўлиши учун фақат насрий баёнда ифода этдик – муаллиф.)

[75] Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960, с.447

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ки жисминг ўртабон сўзу гудози -
Ҳам овозангни офоқ ичра солғай,
Ҳам овозинг кўхан тоқ ичра солғай.[76]

Демак, ***"мажоз тариқи"*** намояндалари нуқтаи назарига кўра, пок ошиқ учун Борлиқ сирларини намоён этувчи қудрат – ***ишқ*** экан.

"Мажоз тариқи" нима?

(Хулоса)

Алишер Навоий дастлаб ўзи ҳам **"мажозий ишқ"** деб ишлатиб келган ҳодисани "Маҳбуб ул-қулуб" асарида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини **"авом ишқи"** ва иккинчисини **"хавос ишқи"** деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган ***"алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ"***нинг кўпчилик йигит-қизлар орасидаги оддий **"ошиқ-маъшуқ"лик**дан ҳам, тасаввуф аҳли **"ишқи ҳақиқий**" деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи **мумтоз бир туйғу**, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Суқрот тилидан "ҳақиқий ишқ" йўлида бир восита сифатида таъриф этилган **"мажозий ишқ"** охир-натижада Навоий бадиият оламида **мустақил ҳодиса** сифатида ўзлигини намоён этди. **Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди**. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли **"мажоз тариқи"** деб ном олди. Миллий маънавиятимиз такомилидаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда **"меҳр маърифати"** деб атаганимиз маъқул.

"Мажоз тариқи" босқичи ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси бўлиб, **Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини** деб, қараш мумкин. "Ҳақиқат асрори", яъни Тавҳид мазмунини "мажоз", яъни ушбу зоҳир бўлиб турган оламдан қидириш, Ҳақ асрорини англаб етиш учун холис ният, пок кўнгил билан "мажоз"ни, "фоний", ўткинчи дунё, "сурат" ни тадқиқ этиш, тушуниб етиш орқали Ҳақиқатни, "маънони" англашга уриниш, биринчи навбатда, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш, Инсонларни, табиатни тушуниш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини идрок этиш - "Мажоз тариқи"нинг буюк аждодларимиз Хусрав Деҳлавий ва Баҳоваддин Нақшбанд, Ҳофиз Шерозий ва Лутфийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилининг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобоколони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат **бадиий адабиётда**, бадиий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, "мажоз" тушунчаси ўзи бадиий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Бадиий адабиётнинг минтақа маданиятида тутган ўрни.
2. Бадиий тафаккур ва илмий тафаккур.
3. Минтақа адабиёти Алишер Навоий талқинида.
4. Бадиий тафаккур тариқлари - дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантиришнинг ўзига хос йўллари сифатида.
5. "Ҳақиқат тариқи".

[76] Ўша асар. С.219

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. “Мажоз тариқи”.
7. Алишер Навоий ишқ ҳақида.
8. «Авом ишқи».
9. “Хавос ишқи”.
10. “Сиддиқлар ишқи”.
11. Меҳр маърифати.
12. «Дил ба ёру даст ба кор»нинг маъноси.

10-боб.
Алишер Навоий маънавий олами ва янги давр ўзбек миллати маънавий қиёфасининг шаклланиши

1-фасл. Минтақа маданиятида туркий шеъриятнинг ривожи.

Алишер Навоий ўз ижодида Низомий ва Амир Хусрав, Аттор ва Фахриддин Ироқий яратган бадиий ва ирфоний оламлар ёғдусидан баҳраманд бўлди. Юқорида номлари эсланган Саъдий, Ҳофиз, Анварий, Хоқоний каби ўнлаб форс мумтоз адабиёти вакилларига татаббу-жавоблар ёзди. Ва ўз мустақил бадиий оламини яратди. Бу олам туркий шеърият оламига тааллуқли эди. Туркий адабиёт вакиллари эса азалдан ижтимоий-ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор бериб келадилар. Адиб Аҳмад (VIII-IX асрлар), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний (XII аср), Қул Али (XII - XIII асрлар), Юнус Эмро (XIII аср), Рабғузий(XIV аср) каби буюк сиймоларни етиштирган туркий тилдаги адабиёт XIV асрдан бошлаб гуркираб ривожлана бошлади. Дастлаб Хоразм адабий мактаби шаклланди. Унда «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий, Қутб, Сайфи Сароий каби улуғ ижодкорлар етишиб чиқди.

XIV аср 70-йилларидан минтақа сиёсий ҳаётида мўғуллар ҳукмронлиги тугаб, Темурийлар даври бошланди. Буюк Соҳибқирон Амир Темур таназзулга юз тутган ва парчаланган Чиғатой улусининг ўрнида ислом минтақасининг қалб қисмини ўз ҳудудига бирлаштирган улуғ салтанатни вужудга келтирди. Ғарбда Ироқ ва Сурия ерлари, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ўлкаларини деярли тўлиқ қамраб олган бу мамлакат ислом минтақа халқларининг ягона сиёсий ҳудудга охирги марта бирлашуви бўлиб, Темур минтақа миқёсида нуфузга эга бўлган охирги давлат бошлиғи эди. Унинг давлатни бошқариш ва улус осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари ислом минтақа маданияти давлатчилик соҳасидаги ютуқларининг юқори чўққиси бўлди.

Бу давр минтақа адабий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Низомий ва Амир Хусравлар туркий элат вакили бўла туриб, форс тилида ижод қилган бўлсалар, энди туркий шеърият бутун минтақа ҳудудида ривож ола бошлади. Шерозда Ҳофиз Хоразмий шуҳрат қозонди. Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Табриз, Хўжанд шаҳарлари, Ироқ, Кичик Осиё, Миср, Волгабўйи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарғона, Хоразм ўлкаларида туркий тилда ижод қилувчилар етишиб чиқа бошлашди. Сайид Қосимий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний, Сайид Аҳмад, Хўжандий, Муқимий, Сайид Насимий, Наимий, Камолий, Латифий, Суҳайлий, Мирзо Ҳожи Суғдий ва бошқа шоир ва адиблар туркий тилда ғазаллар, рубоийлар, қитъалар, қасида ва маснавий, достон ва насрий асарлар ёза бошладилар. Темурийзодалар, яъни Амир Темурнинг набира-эваралари кўпчилиги туркий назмга майл кўрсатдилар. Алишер Навоий «Мажолис ун- нафоис»да Султон Искандар Шерозий, Халил Султон, Иброҳим Муҳаммад Халил, Абубакр Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Абулқосим Бобир, Сайид Аҳмад Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо ва бошқа қатор амирзодаларнинг шеърларидан намуналар келтиради. Амир Сайфиддин Барлос, Арслон Хўжа Тархон каби нуфузли амирлар ҳам шеъриятга ҳомийлик қилар, ҳам ўзлари ижод билан шуғулланар эдилар.

Жами XV асрда ўтган 50га яқин туркий шеърият намояндалари Навоий асарларида тилга олинади ва шеърларидан намуналар берилади. Айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро бу соҳада алоҳида хизмат кўрсатди. Алишер Навоийнинг баракали ижодий фаолиятида ушбу улуғ туркий шеърият вакили ҳамда ҳомийсининг кўмаги ва далдаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийларнинг «Хамса» анъаналарини туркий шеъриятга ёйиш ҳаракатлари, Саъдий «Гулистони», Атторнинг «Илоҳийнома» (Сайид Қосимий) ва «Мантиқ ут-тайр» (Гулшаҳрий) асарларининг таржима ва татаббулари, Насимийнинг юксак ирфоний шеърияти, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфийларнинг девонлари, Хоразмий, Хўжандий, Амирий ва Сайид Аҳмад «Ишқнома»лари (Муҳаббатнома», «Латофатнома», «Таашшуқнома», «Даҳнома»), Амирий ва Яқинийларнинг рамзий мунозаралари ва бошқалар туркий мумтоз шеъриятни минтақа адабиётининг юксак поғоналарига кўтарган эди. Бу даврда Қуръоннинг қатор туркий тафсирлари, туркий тилда пайғамбарлар қиссаси, ахлоқий ва тарихий рисолалар, адабиётшуносликка оид асарлар яратилган эди.

Алишер Навоий бадиий ижод тариқи ҳақидаги ўз назариясини қисман туркий адабиёт вакилларига ҳам татбиқ этади. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида унинг ўзига ота қаторида меҳрибонликлар кўрсатган устози, куштигирлар пири билан бир суҳбати келтирилади:

Паҳлавон навқирон шоирдан сўрайдики, туркигўй шоирлар ичида энг яхшиси ким? Навоий жавобида мавлоно Лутфийни тилга олади. Шунда Паҳлавон Муҳаммад ҳайрон бўлиб, сўрайди:

-Нечук Сайид Насимий демадинг?

Фақир дедим:

- Хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки **ҳақиқат тариқин** адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг **мажоз тариқида** айтур эл эрди.»[77]

77 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-ж. Т., 1999, с. 116

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу суҳбатдан икки нарса аён бўлади. Биринчидан, «мажоз тариқи» ва «ҳақиқат тариқи» йўналишлари фақат Алишер Навоий тахайюлининг меваси бўлмай, унинг ёшлик давридаёқ илм ва санъат аҳлига маълум бўлган. (Бунга ишоралар «Хамсатул-мутаҳаййирин»да ҳам учрайди.) Иккинчидан, Лутфий ва Насимий каби улуғ туркий тилли шоирлар танлаган бадиий ижод тариқларини бир-биридан фарқ қилиш билан Навоий навқиронлик давридаёқ бу масалада ўзининг аниқ-равшан қарашларига эга бўлганлиги ойдинлашади.

Аммо Паҳлавон ёш дўстига эътироз билдириб: «Сайид Насимийнинг назми зоҳир юзидин **мажоз тариқи**га шомилдур ва маъно юзидан **ҳақиқат тариқи**га» дер экан, бу билан Насимий ижоди ҳам Жомийники сингари мураккаб характерга эга эканлиги таъкид этилади.

2-фасл. «Бадойиъ ул-бидоя»да тавҳид ғояси.

Алишер Навоий минтақа адабиётига шундай бир муҳитда кириб келди. Навоий бадиий олами бениҳоя кенг ва ранг-баранг. Унинг Борлиқни идрок этиши ижодининг турли даврларида ва турли йўналишларида ўзига хос аксини топган. Биз бир неча намуна келтириш билан чекланамиз. Аввало, шуни айтиб ўтиш жоизки, Навоий ижоди шу пайтгача кўпроқ таркибий жиҳатдан ўрганиб келинди, уни тадрижий жиҳатдан ўрганишга асосан Иззат Султон («Навоийнинг қалб дафтари») ва Ҳ.Сулаймонов («Хазойин ул-маоний» танқидий матни) ишларида ҳаракат қилинди. Ушбу ишларга таяниб хулоса қилганда, шоир бадиий камолотининг биринчи босқичи 1469 йил Султон Ҳусайн Ҳирот тахтини эгаллагандан кейинги бир неча йил орасида шоир ўз қўли билан тартиб берган биринчи девони «Бадойиъ ул-бидоя»да ўз аксини топган, дейиш мумкин. Биз шу мажмуадан икки асарни олиб қиёсий таҳлил қилиб кўрамиз. Буларнинг биринчиси девонни бошлаб берувчи «Ашрақат» ғазали, иккинчиси ушбу девон таркибидаги «Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...» деб бошланувчи таржиъбанддир. Биз бу икки асар мазмунига диққат қаратмоқчи бўлганимиз сабаби улардаги бош тимсоллар билан боғлиқ. Бу тимсоллар «май», «жом» ва «синғон сафол» мажозлари бўлиб, улар бу икки шеър мазмунини бир-бирига боғлаб туради.

Тимсолий тафаккур *– санъат ва бадиий адабиётга хос тафаккур тарзи, ўз фикр ва ғояларини рамз ва тимсоллар воситасида ифодалаш.*

Биз доимо Навоийнинг бош қаҳрамони - Инсон деймиз. Менимча, шунга аниқлик киритилса, шоирнинг бош қаҳрамони оддий инсон эмас - Ошиқ инсон, деб қаралса, ҳақиқатга мувофиқроқ бўлар эди. Аммо бу қандай ошиқлик? Биринчи ғазалнинг илк сатрларини ўқийлик:

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор-ул-ҳудо,
«Ёр аксин майда кўр» деб жомдин чиқди садо.
Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқдур, эй соқий, **майи ваҳдат** масаллик ғамзудо.78

Шеъриятнинг, бадиий адабиётнинг қудрати шундаки, ўз қаъридаги сирларни ўзи очади, тилсим ҳам ўзи, бу тилсимнинг калити ҳам ўзида, фақат уни холис назар билан, синчковлик билан, меҳр билан ўқиш керак. Юқоридаги парчада ҳам кўриниб турибдики, биринчи сатрдаги тимсоллар иккинчи сатрда изоҳланган. «Ғайр» - бегона демакдир. «Ғамзудо» - «ғам зангини тозалагувчи» маъносини билдиради. «Май» - «майи ваҳдат» (бирлик, ягоналик шароби), яъни ирфоний ишқ, «жом» эса «кўнгил жоми» экан. Кўнгил жоми агар бегона акси тушиб занг оладиган бўлса, ушбу ғамдан фориғ этувчи энг мақбул восита ваҳдат майи дейилмоқда. Шеър давомига мурожаат қиламиз:

Майи ваҳдат *– ягоналик шароби, яъни ирфоний ишқ, Навоий талқинида бутун инсониятнинг маънавий бирлигини таъминловчи илоҳий туйғу*

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир **синғон сафол**,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

«Гети» - жаҳон, коинот; «гетинамо» бутун жаҳонни, коинотни акс эттирувчи кўзгу. Ваҳдат майини ичган кишининг кўнгли бутун коинотни ўзида акс эттириш хислатини касб этади. Ҳеч нарсаси йўқ гадо агар ваҳдат майини ичса, Жамшид, яъни бутун ер юзининг подшоҳига айланади («жоми Жамшид» тимсолига ишора). Аммо «синғон сафол» тимсоли қандай сирни ўзида яширмоқда? Буни аниқлаш учун энди шоирнинг йигитлик айёмида яратган таржиъбандига мурожаат қиламиз :

Кетур, соқий, ул майки, **субҳи аласт**,
Анинг нашъасидин кўнгил эрди маст.
Майиким, қилур қуйсалар жом аро,
Ўзи масту, кайфияти майпараст...79

Шеър давомида шоир бошидан кечирган бир саргузаштни ҳикоя қилади:

Эшит саргузаштеки, бугун менга
Неча майпараст ўлдилар ҳамнишаст...

Шоир майхонада бир неча майпараст билан бирга ўтиргач, қўлига яна май солинган сопол кўзани олиб, манзили сари йўлга чиқади. Йўлда бир неча «эҳтисоб аҳли» (яъни, шариат қоидаларига шаҳар аҳли қандай риоя қилаётганини текшириб борувчи муҳтасибнинг одамлари) шоирни

78 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-ж. Т., 1987, с. 29

79 Ўша китоб, с. 601

www.ziyouz.com kutubxonasi

майхўрликда айблаб, калтаклайдилар. Шоир баданига етган озорни сезмайди, аммо қўлидаги май тўла кўза синганига қаттиқ куюнади:

Шикастим менинг онча эрмас эди,
Ки май зарфи топди арода шикаст.
Чу синди сабу, чорае топмадим,
Мени муфлису, уру, гирёну маст.

(Навоий қаҳрамони муфлис, яъни бозори касод бўлган, ур, яъни яланғоч, либослари пора, гирён - кўзларида шашқатор ёш ва маст.) Шу ҳолида -

Харобат аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Харобот - ҳам вайрона, ҳам майхона, ҳам муғ дайри, яъни оташпарастлар ибодатхонаси, ҳам бу фоний дунё - асли барчаси бир нарса - харобот.

Шоир май истайди, аммо май тўла кўза чил-чил бўлган, унинг қўлида фақат синган сопол парчалари қолган. Ушбу сопол бўлакларини эҳтиёт билан йиғмоқ керак. Қадимги обидаларни тупроқ остидан парча-парча ҳолда топиб, тўплаб, ҳар бирини чанг-ғубордан, чиркдан тозалаб, уларни кошинкор усталар каби бир-бирига мосини аниқлаб, тўғри жойлаштириб, нақшлар яхлитлигини тиклаб, кейин бир асосга тархини чизиб, ўша асосда бир-бирига ёпиштириб, етмаган, топилмаган жойини ўрнига қараб тасаввурда тиклаб, яхлит идиш ҳолига келтирадиган зукко атиқашунос вазифасини адо этмоқ керак.

Харобот *– вайрона, унда "муғ дайри", яъни оташпарастлар ибодатхонаси жойлашган, кўчма маънода бу фоний дунё*

Ана шундан сўнг бу идиш нима вазифа бажарган, унинг мазмуни, шакли, ундан фойдаланиш қонун-қоидаларини аниқлаш мумкин. Биз ҳам устоз адиб ижодига шундай муносабатда бўлсаккина, у яратган ёки ишлатган ҳар бир тимсол, ташбиҳ, атамаларга ғояти эътибор билан ёндошиб, уларни бир-бирига қиёсан ўрганиб, мағзини чақишга уринсаккина бир натижа чиқиши мумкин. Шеърга қайтамиз. Унинг бир банди тугаб, янгиси бошланади:

Сафол ичра бир журъа лойе манга,
Эрур **жоми гетинамо**йе манга,
Кетармакка худбинлигим ранжини,
Қани бода янглиғ давойе манга.[80]

80 Ўша китоб, с. 602

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳақиқий ошиқ учун май кўзасининг синиғи - сопол парча юзида сақланган бир қултум май қуйқаси (лойи) ҳам бутун жаҳонни (балки коинотни) ўзида акс эттира олувчи ваҳдат майи тўла қадаҳ (жом) ўрнига ўтаверади, ўша вазифани ижро қилаверади.

Кўнгил кўзгуси *– миллий маънавиятимиз анъаналарига кўра Инсон кўнгли маърифат хазинаси бўлиб, бу сеҳрли тилсим ичига Аллоҳ ҳақиқати ўз сиррини пинҳон этгандир. Маънавият ана шу кўнгил тилсимига яширинган Аллоҳ ҳақиқатининг зуҳуридир. Инсон руҳи Борлиқ ҳақиқати билан доимий уйғунлигини сақлаши учун ибрат ва илм, риёзат ва меҳр маърифати уни бир зум тарк этмаслиги талаб этилади, айни шулар кўнгил кўзгусини пок тутиб туради.*

Бу нима дегани? Борлиқ моҳияти воҳид ва ягона. Аммо инсон ушбу ягона моҳиятни кўз билан кўра олмайди, инсон фақат унинг мажозини - кўзгудаги аксини кўришга қодир. Мажозда, яъни табиат, воқелик кўзгусида тасвир парчаланиб кетган, ваҳдат (ягоналик) зоҳиран касрат (кўплик)га айланган, шу сабабли бу воқеий дунё хароботдир, вайронадир, бутпарастлар ибодатхонасидир, уни ошиқ майхона сифатида кўради, ҳар санамда ягона бир санамни кўриб унга ошиқ бўлади.

Инсон кўнгли ваҳдат майи билан тўла бўлган кўза (сабу)нинг синган бир парчаси, унда бир қултум лойқа аралаш май мавжуд. Ваҳдат майига ташна ошиқ шу май қуйқасини яхшилаб тинитмоғи лозим, шундагина у яхлит кўзгунинг бир парчаси сингари Ҳақиқат нурини ўзида акс эттира бошлайди. Ошиқ унга боқиб маст бўлади, ўзлигини йўқотиб, абадиятга дахлдор бўлиш имконини пайдо қилади. Бундай ошиқлик-мастлик инсон кўнглидан ҳирсу ҳавас зангини, худбинлик (эгоизм) зангини (ранжини, ғамини) ювиб ташлайди. Ғайр (бегона) шу худбинликдир, ширк шу худбинликка дилдан жой беришдир, кўнгил кўзгусини босган занг ҳам ушбу худбинликнинг ўзидир.

Ал-Мисоқ *– "аҳдлашув", Қуръони карим Аъроф сураси, 172-оятида баён этилган ҳодиса. Навоийда "субҳи аласт" тимсоли билан ифодаланган бу ҳодиса ибтидода ягона Аллоҳ билан бани башар орасидаги аҳдлашувни англатади.*

Ваҳдат майини ичган ошиққа ҳеч ким жафо қила олмайди, ўзи ҳам бировга жафо қилишдан холи бўлади:

Чун мен дайр пири вафосида мен,
Фалакдин етишмас жафойе манга.[81]

Дайр пири - майхона соҳиби, Борлиқ ҳақиқатининг сақловчиси, эгаси. Ошиқ ягона Борлиқ ҳақиқатига, Олий ҳақиқатга хиёнат қилмайди, унинг асрорини англаб етишга интилишдан чекинмайди. Демак, унга ҳам

Синғон сафол *– Навоий бадиий оламидаги муҳим тимсол-тушунчалардан бўлиб, инсон қалбига ишора қилади. Унга кўра бани башар ваҳдат майини ўзида сақлаган идиш (жом*

81 Ўша китоб, с. 603

www.ziyouz.com kutubxonasi

тақдирдан шикаст етмайди, дайр пирига вафодорлик сақлаган ошиққа фалак жафо етказа олмайди. Чунки у худбинлик ранжини енгиб ўтган, ваҳдат майи ёрдамида унинг кўнгил кўзгуси бегона соялардан (ғайр нақшидан) покланган. Бундай кўнгил кўзгуси фанодан бақога юзлангандир.

ёки кўза)га қиёс қилинади. Одам Ато жаннатдалик пайтида у бутун бўлган, инсон жаннатдан қувилгач, бу "кўза" синиб, парчаланиб кетган. Ҳар бир Одам авлодида шу кўзанинг бир парчаси мавжуд бўлиб, унда "ваҳдат майи"нинг озгина қуйқаси (яъни илоҳий ишқ учқуни) сақланиб қолган. Инсониятнинг ҳар бир аъзоси ўз қалбидаги ушбу ишқ учқунини оловлантириб, ўз руҳини поклаб борса, ўзгаларга холис меҳр билан муносабатда бўлса, бу маънавий покланиш оқибатида умуминсоний ижтимоий уйғунликка эришиш мумкин.

Бу тимсол ва тасвирлар нақшбандия ирфони доирасидан туриб илгари интилаётган ошиқ-шоир қалбида туғилиб келаётган мажоз тариқи унсурларидир. Улар келгусида янги пояларга кўтарилиш учун қўйилган илк қадамлардир. 15 ёшида кекса Лутфийни ҳайратга солган илоҳий истеъдод шу тариқа янги уфқларга кўз тикмоқда эди.

3-фасл. Хамсачилик анъаналарининг шаклланиши ва туркий «Хамса»нинг моҳияти.

Маълумки, шайх Низомий «Хамса» ёзишни аввалдан махсус режалаштирган эмас. Аммо шеъриятда мутлақо янги бир йўналишга асос солаётганини ўзи сезиб турган. Унинг биринчи достони «Махзан-ул-асрор»(«Сирлар хазинаси») деб аталади. Асар илк сатрлари қуйидагича жаранглайди:

«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким[82]

(«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» калимаси
Ҳикматлар эгаси хазинасига калиддир)

Ушбу сатрлар биринчи - «тавҳид» бобига кириш бўлиб, унинг мазмуни яратганнинг ҳамдидир. Шундан сўнг икки муножот, Пайғамбар наъти, меърож тасвирига бир неча боб бағишланиб, кейин шоир замона подшоҳи Фахриддин Баҳромшоҳни мадҳ этишга киришади.

Маълумки, Саноий ҳам асари охирида ўша давр ҳукмдори Абулхорис Баҳромшоҳга мадҳия битган эди. Низомий шу баҳонада ўз достонини Саноий асарига қиёслаб ўтади:

Он заре аз кони куҳан рихта,
В-ин дуре аз баҳри нав ангихта.[83]

82 Низомий Ганжавий. Куллиёт. 5-жилд. Душанбе-«Ирфон»-1984, с. 256

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Ул эски маъдандан олтин қуйганди,
Бул янги денгиздан гавҳар чиқарди)

Ушбу қиёсда Саноийнинг шеърият камолида биринчи босқичнинг якунловчиси бўлгани, Низомий эса янги даврни бошлаб бергани таъкид этилмоқда.

Мадҳиялардан сўнг Низомий «кўнгилни англаш» («шинохтани дил») ҳақида бир қатор боблар яратади ва уларда инсоннинг руҳият иқлимлари ажойиб ташбеҳ ва тимсолларда теран таҳлил этилади. Бу ҳолатлар, яъни инсоннинг ўз кўнгил боғида сайр этиши тунда ва хилватда амалга оширилганлиги алоҳида қайд этилади.

Достоннинг асосий қисми йигирма мақолатдан ташкил топган бўлиб, улар Одам Атонинг, яъни Инсоннинг яратилиши, унинг асл моҳияти, бурч ва вазифалари, ҳукмдор адолати, дунёнинг буқаламунлиги, инсонларнинг бир-бирига ва умуман тирик мавжудотга муносабати, жамиятдаги қабиҳликлар, дўстлик ва вафо масалаларига бағишланган. Ҳар бир мақолат охирида ижтимоий ҳаётдан бир ҳикоят ибрат йўсинида илова қилинади ва ундан ахлоқий-фалсафий хулосалар чиқарилади. Бу достонда инсон ва жамият, Инсон ва Олий Борлиқ мунособатларини бир-биридан ажратмаган ҳолда, уйғунликда таҳлил ва тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан унинг Саноий асарига мазмун ва мавзу таркибида ҳамоҳанглиги бежиз эмас. Аммо «Ҳадойиқ ул-ҳақиқа» Саноий ижоди учун якуний асар, хулоса бўлса, Низомий учун «Махзан-ул-асрор» ижодий режаларининг бошланиши, илк муқаддима эди. Агар Фаридиддин Аттор бутун умр Инсон ва Олий Борлиқ нисбатини таҳлил этишга уринган бўлса, Низомий ўзининг иккинчи достонидан бошлаб ижтимоий муносабатлар, инсонлар аро муносабатлар таҳлилига киришиб кетади. «Хусрав ва Ширин» шоҳлик ва ошиқлик, адолат ва муҳаббат масалаларини, «Лайли ва Мажнун» ишқ ва оилавий муносабатлар, ишқ ва инсонийлик, ишқ ва урф-одатлар, бир сўз билан айтганда, инсонлар жамоасида ишқ ва ошиқлик мартабаси масалаларини, «Ҳафт пайкар» ҳукмдор ва раият, адолат ва зулм, худбинлик ва фидоийлик, инсоннинг жамият олдидаги бурч ва маъсулияти, инсон бахти ва фожиаси масалаларини, «Шарафнома» ва «Иқболнома» достонлари эса афсонага айланган тарихий Искандар ҳаёти ва тақдири орқали умуман ўша давр ижтимоий ҳаётининг мураккаб ва долғали манзарасини, инсонлар жамиятининг фалсафий ва амалий қиёфасини, моҳиятини очиб беришга қаратилган. Низомий яратган олти достоннинг охирги иккитаси «Искандарнома» сарлавҳаси остида бирлаштирилиб, «Хамса» (Бешлик) га айланди. «Хамса» бадиий олами эса ислом минтақа маъавияти такомилида буткул янги босқичнинг ибтидоси эди. Тасаввуф ирфони ислом маърифатчилиги билан деярли бир пайтда (IX асрдан) бошланганидек, бу сафар ҳам Низомий асос солган янги йўналиш «ҳақиқат тариқи» (яъни,

83 Ўша китоб, с. 281

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасаввуф эпик шеърияти) билан деярли бир даврдан бошланди. Аммо «Хамса» йўналиши Низомий ижодида бироз «ўз вақтидан илгари» юз кўрсатган бўлиб, давр тасаввуф босқичи камолотини тақозо қилар эди. Шу сабабли XII аср иккинчи ярмида яратилган Низомий мероси 150 йил улуснинг диққат марказидан четда қолиб келди. Ҳатто XIII асрда ижод этган Саъдий Шерозий яна маълум маънода Саноий анъанасини давом эттириб, ўзининг «Бўстон» ва «Гулистон» асарларини «Ҳадиқа» йўналишда, ўша эркин услубда яратди. Фақат Ҳиндистонни Ватан деб билган форсийзабон турк Амир Хусрав Деҳлавийгина, XIII аср охирида уч девон ва бир йирик достон яратиб улгургач, 50 ёшга яқинлашганида, яъни XIV аср бўсағасида Низомий «Хамса»сига жавоб ёзишга бел боғлади ва 1302 йилга бориб (4 йил ичида) ўзининг жавоб-татаббусини тўлиқ ёзиб тугаллади.

Алишер Навоий «мажоз тариқи» ҳақида ёзар экан, Низомий Ганжавий номини тилга олишга журъат этмайди, бунинг сабаби улуғ шайхнинг тафаккур олами ҳар қандай қолипларга сиғмаслигини дилдан ҳис қилганидан бўлса керак. Аммо Амир Хусрав Деҳлавий исми сўзсиз «ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилганлар» қаторида шайх Саъдийдан кейинги фахрли ўринни эгаллаган. Бу бежиз эмас, албатта. «Ҳинд сеҳргари» (соҳири ҳинд) нинг ўзига мурожаат этайлик:

Фидойи ишқ шав, гар худ мажозист,
Ки давлатро дар-у пўшида розист,
Ҳақиқат дар мажоз инак падид аст,
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст.84

(Ўзингни ишққа бахш эт, агар у мажозий бўлса ҳам,
Чунки унда саодат сирлари яшириндир.
Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоён этадики,
Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.)

Шоир мажозий ишққа шундай таъриф бериш билан ҳам чекланмайди, у ўз давридаги баъзи «ишқи ҳақиқий»дан лоф урувчиларни фош этишни ҳам лозим топади:

Ту к-аз «ишқи ҳақиқий» лофий, эй дўст,
Хароши сўзане бенмой дар пуст,
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,
Надори шарм аз-ин имони бедард.85

(Эй, сен «ишқи ҳақиқий» дан лоф урувчи дўст,
Баданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.
Ногаҳон ит «вов» деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,

84 Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. М.-«Наука»-1979, с. 40

85 Ўша китоб, с. 40

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна бундай «дардсиз имон»ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?)

Бундай мулоҳазалар туғилиши учун Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийларнинг юксак ирфоний шеърияти, Ибн ал-Арабийнинг мукаммал ирфоний фалсафаси яратилиб, ўзлаштирилиб бўлинган, Абдуҳолиқ Ғиждувоний издошлари учун Мансур Халлож ва Боязид Бистомийларнинг тасаввуфдаги охирги мақоми биринчи мақомга, охирги қадами биринчи қадамга айланган бўлиши керак эди. Низомий даври учун эса «ишқи ҳақиқий» ва «ишқи мажозий»ни бир-биридан фарқ қилишга ҳали жуда эрта эди. Шу сабабли улуғ шайх меросида биз бундай тазодни учратмадик. Низомийни шоирларнинг ҳеч бир гуруҳига қўшмаслиги ҳам шу жиҳатдан Алишер Навоийнинг назарий хулосаларда ниҳоятда илмий эҳтиёткорлигига ишорадир. Биз эса «марксистик» таълим олганимизданми, анча ўзбошимча бўлиб қолганмиз. Ҳар ҳолда бу мулоҳазалар дастлабки йўналиш олиш ва тарҳ (лойиҳа) даражасида бўлиб, кейинги муфассал ва жиддий тадқиқотлар масалага аниқлик киритади, деб умид қиламиз.

Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»си онгли равишда мажозий ишқни куйлашга бағишланган. Ажабланарли жойи шундаки, Низомий Ганжавий достонларининг бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмалари XIV аср ўрталарига мансубдир. Амир Хусрав «Хамса»сининг сақланиб қолган энг биринчи қўлёзмаси вафотидан 30 йил кейин кўчирилган (баъзиларини Ҳофиз Шерозий кўчирган деб тахмин қилинади). Низомий Ганжавий «Хамса»сининг ҳозир илмий истеъмолда мавжуд тўлиқ нусхалари эса бундан ҳам кейинроқ, 1362-1365 йилларда кўчирилгандир. Улардан кўра қадимийроқ, айниқса, XII-XIII аср нусхалари ҳануз топилган эмас. Шу асосда Низомий «Хамса» сининг кенг урф бўлиши унинг салафи Амир Хусрав Деҳлавий фаолияти билан боғлиқ эмасмикан, деган фараз пайдо бўлади. Чунки Низомийнинг фикрий дунёси жуда мураккаб, уни англаб етиш осон эмас, Деҳлавий «Хамса»си эса, маълум маънода, Низомий бадиий олами учун ҳам калит бўла олади. Аниқроқ қилиб айтсак, Низомий маънавиятини тушуниш учун XII асрдан кўра XIV асрда мувофиқроқ фикрий муҳит ҳосил бўлган эди, дейиш мумкин. Амир Хусрав «Хамса»дан сўнг ёзилган тарихий ишқий достони «Дувалроний ва Хизрхон» қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам мажозий эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Чу ишқ андар мажозаш жилвагоҳ дод
Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод.86

(Ишқ ўз мажозида намоён бўлгани сабабли,
Бу мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк бўлди.)

Амир Хусрав «Хамса» ғояларининг кенг ёйилиши учун улуғ хизмат қилди. Ундан кейин «хамсанавислик» ва кенг маънода «мажозий ишқ»ни

86 Амир Хусрави Деҳлави. Дувалронӣ ва Хизрхон. Душанбе-«Дониш»-1975, с. 224

www.ziyouz.com kutubxonasi

куйлашга бағишланган достончилик анъанаси минтақа миқёсида кўлам касб этди. Навоий эслаган Хожуйи Кирмоний ва Салмон Соважий, Котибий ва Шоҳий Сабзаворийлар ушбу достончилик анъанасига мансуб шоирлардир. Ҳофиз Шерозий ва Носир Бухорий ғазалларининг мажозий ишқ тавсифига оидлиги яна махсус тадқиқотларни талаб этади.

«Мажоз» ва «ҳақиқат» нисбатлари туркий адабиёт доирасида кейинги асрларда Фузулийдан то Нодира шериятигача қўлланилиб келганлиги маълум.

Аммо бу масалага айрича аҳамият берган ва минтақа эмас, жаҳон миқёсида дунёни янгича идрок этиш анъанасига ҳам назарий, ҳам амалий (яъни бадиий ижодда) асос солган буюк зот - Алишер Навоий бўлди. Навоийнинг Амир Хусрав Деҳлавий ижодига ихлоси ҳам Амир Хусравнинг «мажозий ишқ»ка бўлган муносабатига боғлиқ, деб ўйлаймиз. Чунки Низомий асос солган «Хамса» анъанасининг алоҳида янгича йўналиш, бадиий идрок ва инъикоснинг махсус йўли эканлигини англаб етиб, ушбу йўналишга эл эътиборини тортган Амир Хусрав эди.

Навоий ижодий такомили иккинчи босқичининг таянч устуни - шоирнинг шоҳ асари «Хамса» десак янглишмаймиз. 888 (1483) йилдан Алишер Навоий ўзининг энг буюк асари «Хамса» туркумини ёзишга киришади ва уни 890 (1485) йилда тугаллайди. Беш достонни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. Аммо гап ҳажмда эмас. «Хамса» Алишер Навоий ижодининг қалбидир. Буюк бобоколонимиз ўзи тузган биринчи девони «Бадойиъ ул-бидоя» биланоқ туркий тилдаги шеъриятни араб ва форс мумтоз адабиётининг энг пешқадам намуналари даражасига олиб чиққан эди. Аммо бу ишлар барчаси «Хамса»нинг дебочаси эди, холос. Агар туркий «Хамса» ёзилмаса, нафақат бизнинг, туркий халқларнинг адабиёти, маънавияти, балки бутун ислом минтақа маънавияти бугунги яхлитлиги, бугунги тугаллигига эга бўлмас эди, деб бемалол айтиш мумкин. Алишер Навоийдек аслий ошиқнинг дунёга келиши, унга берилган улуғ истеъдоднинг моҳияти «Хамса» учундир, бу буюк ижодкор меросининг аввали ҳам, охири ҳам «Хамса» туфайлидир.

Ислом маънавияти намоёндалари ўз ижодларида салафларини инкор этиш, илгари батамом кўрилмаган янгилик яратишга интилиш эмас, балки устозлар яратган маънавий бойликни янада такомиллаштириш, унга янги жило бериш, улар излаган яхлит ва буюк Ҳақиқатнинг янги ва тоза қирраларини кашф этиш, мазмуний бойитиш йўлидан борганлар. Бу том маъноси билан муқаддас анъана бўлиб, исломнинг илоҳий китоби «Қуръони карим»дан сарчашма олади. Деҳлавий «Хамса»си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг янгича талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шуҳратини оламга ёйди. Кейинги XIV- XV асрлар минтақа маънавияти «Хамса» анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда «Хамса»нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодисадир. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган

www.ziyouz.com kutubxonasi

«хамсачилик» анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида кутаётган эди ва бу қутлуғ интизорлик бениҳоя эзгу самара берди. Низомий, Амир Хусрав, Алишер Навоий руҳиятлари «Хамса»нинг маънавият майдонида бирлашиб, ягона иқлим, ягона моҳият касб этдилар. Ушбу ягона моҳият бутун ислом минтақа маънавиятининг энг буюк чўққисидир. Низомий ва Амир Хусравсиз Навоийни тасаввур этиб бўлмаганидек, Алишер Навоий ижодий меросисиз Низомий ва Амир Хусрав бадиий оламини ҳам бутун кўлами билан идрок этиб бўлмайди. Шоир ўзи достонларини «зоҳир юзидан афсона» деган эди. Афсус, яқин кунларгача мактабларимизда XX аср авлодига «Хамса» достонлари ушбу «афсона» даражасида, юзаки талқин этилиб, тушунтириб келинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу эски ёндошувдан қониқмаган баъзи ёш тадқиқотчиларимиз Навоийнинг исломий шоир эканлигини, унинг асарларидаги тасаввуф ирфони изларини янгидан «кашф» эта бошладилар. Ваҳоланки, барча жиддий навоийшунослар бу «янгилик»ларни аввал бошданоқ яхши билишган, тўлиқ идрок этишган, фақат «замона зўрлиги» туфайли, коммунистик мафкура тазйиқидан навоийшуносликни ҳимоялаш мақсадлари билан баъзи жиҳатларини пардалаб ўтишга, ишоралар билан чекланишга мажбур бўлишган эди. Бугунги мустақиллик, ҳурлик замонида энди маънавиятимизнинг асл моҳияти ҳақида очиқ-ойдин гапириш, фикр юритиш имконияти мавжуд экан, муаммолар моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, теран таҳлилга ўзимизни ҳам, ёш авлодни ҳам ўргатиб бориш айни фарздир. Алишер Навоийнинг «Хамса» достонлари ҳар бири алоҳида неча-неча тадқиқотлар мавзуи бўлиб келди, яна бу иш давом этади. Чунки уларнинг мазмун қабатлари бениҳоядир. Бу достонлар шаклан қандай мукаммал бўлса, мазмунан ундан ҳам уйғун, коинот сингари муназзам ва ҳад-ҳудудсиздир.

Ислом ақидаларига кўра бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз «ал-Хамсату» дейилади, динимизнинг беш устуни (рукни) ҳам - тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж - ўзига хос «хамса» (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий достонларининг «Хамса» туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жавоблари бежиз эмас. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, «Хамса»нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда «Хамса»ни буюк тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади.[87] Бу оромгоҳларни яратиш учун шоир «Билик тахти узра чиқиб ўлтурмаги», «Хаёл элчисини» ҳар тарафга чоптириши, «жон мулкидан» «маоний сипоҳини» (маънолар лашкарини) гуруҳ-гуруҳ (фавж-фавж) етказиб бериб туриши, маъно лашкарлари жам бўлгач, инсонлар дилини забт этишга киришмоғи, яъни маънавият оламида жаҳонгирлик санъатини намойиш қилмоғи лозим эди. «Хамса» достонлари ижтимоий ҳаётни, турли тоифаларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини

87Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 11-жилд. Т.-«Фан»-1993, с. 34-39

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг бутун ички дунёси ва руҳияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади, шу билан бирга ундаги барча ботиний ришталар Тавҳид эътиқодига бориб уланади.

«Хамса»нинг бадиий олами, маълум мақсадга - инсон маънавий камолотини таъминлаш мақсадига йўналтирилган бўлиб, бу йўлда ислом маънавиятининг **Сунна** (исломий ибодатлар, ислом ахлоқи), **Маърифатчилик** (мантиқий тафаккурга таяниш, исломгача яралган меросни ўзлаштириш), **Тасаввуф ирфони** (тариқат мақом ва ҳоллари, пир иршоди, риёзат билан Ҳақ васлига интилиш, шу йўл билан маънавий покланиш) каби турли босқичларини босиб ўтиб эришилган даражадан кейинги, **янги босқич**ни англатар эди. Бу босқич ибрат, илм, ирфон йўналишларидан фарқ қилувчи янги йўналиш - **бадиий тафаккур йўналиши** доирасида бўлиб, Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида ниҳоят унга алоҳида ном берилди.

«Хамса» туркуми алоҳида бир олам. Унинг ҳар бир боби ниҳоятда бой мазмун ва моҳиятларни ичига яширган тилсимдир. Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб Жаброилдан: «Бу қандай макон?» деб сўрабдилар. Жавоб бўлибдики: «Эй, расулуллоҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур». Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, Низомий ўзининг биринчи достонини «Махзан ул-асрор», яъни (илоҳий) сирлар хазинаси, деб атаган эди. Навоий «Хамса»сининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Риштага чекти неча дурри ятим [88] -

деб бошланади. Низомий ушбу сатрларнинг биринчиси билан «Махзан ул-асрор» ни бошлаб, иккинчи сатрда:

Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким

(Ҳикматлар эгаси хазинаси эшигининг калитидир) деган эди. Навоий аввало ушбу сатрни шарҳлаш учун алоҳида бир боб бағишлайди ва уни ажойиб ибратли тазод - «аҳли қабул» ва «аҳли рад» тушунчаларига нисбатан изоҳлаб беради. Комил инсон тарбияси ушбу илк бобдан бошланади. Инсонни «аҳли қабул» бўлишга даъват этиб, Навоий бобга шундай хулоса ясайди:

Истабон, эй хаста Навоий, наво,
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,
Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйгил қадам.[89]

88 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-ж. Т., 1991, с. 11

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ҳайратул аброр»нинг биринчи мақолати Имон ҳақида. Унга шундай батафсил сарлавҳа берилган: «Аввалги мақолат имон шарҳидаким, «Ал-имону ан туъмина биллаҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи» демакдан мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас ва улуҳият дарёсиға шинолиғ ажзин зоҳир қилмоқ, малоика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарф сурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмак.»[90] Ушбу сарлавҳани шарҳлашнинг ўзи неча саҳифа бўлиши мумкин, чунки унда зоҳирий имон билан ботиний имон, «зоҳир аҳли» (ташқи тақлид билан чекланувчи инсонлар) нинг имон ҳақидаги тасаввури билан «аҳли маъни» (Борлиқ моҳиятини идрок этишга интилувчи, ўзлигини англаган инсонлар) имонни қандай тушуниши орасидаги фарқ бадиий изоҳланмоқда. Мақолатда тирик (жонли, «ҳайвон») бўлса-ю, гапиришни билса («нотиқ « бўлса) демак, инсон деб ўйлаш ниҳоятда хато эканлигидан суҳбат бошланади:

“Аҳли қабул” *– Алишер Навоий наздида Борлиқ Ҳақиқатини эътироф этувчи, , инсоф ва диёнат,сабр ва ризолик, ҳалоллик ва меҳр йўлини танлаган имон-эътиқодли инсонлар.*

8.

“Аҳли рад” *– Алишер Навоий наздида Борлиқ Ҳақиқатини тан олишдан бош тортувчи, норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, харом ва қаҳр йўлини танлаганлар, имонсиз кишилар.*

Сен доғи инсон муни қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.
Муники инсон мутафовут эрур,
Тенгри каломи хабар андин берур.
Бас киши жазм айласа инсон ани,
Яхши-ёмон ичра тафовут қани?
Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,
Топмагай эл олиму жоҳилда фарқ.[91]

Алишер Навоий достони XV аср ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли қирра ва жиҳатларини бутун ички мураккаблиги ва ўзаро қиёслари билан қамраб ола билган. «Ҳайрат ул-аброр»даги муаммолар воқелик сингари мураккабдир. Навоийнинг масалаларга ёндошуви ҳатто устози ва замондоши Абдураҳмон Жомий қарашларидан ҳам маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, Жомий ўз бадиий ижодида диний ақидалар ва тасаввуф қоидалари таърифига атрофлича ўрин ажратган. Унинг «Ҳафт авранг» («Етти

89 Ўша китоб, с. 15

90 Ўша китоб, с. 100

91 Ўша китоб, с. 100-101

www.ziyouz.com kutubxonasi

тахт») туркумидаги «Туҳфат ул-аҳрор» ва «Субҳат ул- аброр» достонларида намоз, рўза, закот, ҳаж, узлат, тавба, зуҳд, фақр, ҳавфу ижо, таваккул каби турли исломий ва ирфоний тушунчалар шарҳига алоҳида боблар бағишланган. Навоий ҳам биринчи достонининг асосий қисмини имон ва ислом шарҳидаги мақолатлар билан бошлайди. Аммо унинг бу борадаги мулоҳазалари анъанавий қарашлардан фарқ қилади.

Намуна сифатида Ислом ҳақидаги боб охирига берилган ҳикоят мазмуни билан танишайлик. Унда машҳур суфий шайхи «Иброҳим Адҳамнинг Каъбаға намоз била борғони ва Робияи Адавияға Каъбанинг ниёз била келгони» ривоят этилади. Зоҳидликни ихтиёр этган шайх ҳар қадамида икки ракаъат намоз ўқиб, 14 йил риёзат чекиб, Макка шаҳрига етиб келиб қараса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Шайхнинг «Эй, Аллоҳ,» деб ҳайрат билан қилган нидосига ғойибдан Каъба Робияи Адавияни тавоф қилиш учун кетганлиги ҳақида жавоб бўлади.92 Робия эса тасаввуфда ишқ йўлини танлаган суфий аёл эди. Навоий ислом ва тасаввуфда зуҳд мақомидан ишқ мартабасини шу даража юксак қўйган. «Хамса» достонларининг ҳар бир боби шу каби инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий дунёси, инсонлар аро ижтимоий мунособатлар хусусида ўта муҳим, ўта долзарб, ўта мураккаб муаммолар хусусида баҳс этади. Уларда энг воқеъ ҳаёт тасвири юксак мажозий ишоралар билан ажойиб бир уйғунликда келади. «Хамса»нинг барча достонларида шу бадиий қудрат ҳар бир тимсол, ҳар бир қиёфа ва ҳодисанинг ич-ичидан уфуриб туради.

Иккинчи достон «Фарҳод ва Ширин»ни олайлик. Низомий ва Деҳлавий тарихий шахс Хусрав Парвиз атрофида суҳбат юритган бўлсалар, Навоий афсонавий ошиқ шаҳзода Фарҳодни достонига бош тимсол қилиб танлади. Низомий шаҳзода ва шоҳ тимсолида оддий инсонни тасаввур қилиб, унинг тантиқлиги, айбу қусурлари самимий ишқи туфайли аста-секин барҳам топиб, оқила Ширин таъсирида Хусравнинг камолот ва фозиллик касб эта борганлигини ибрат қилиб кўрсатишни ният этган бўлса, Деҳлавий ижтимоий мавқе ва муҳитнинг шахс маънавий қиёфаси ва хатти -ҳаракатига таъсирини очиб берди. Навоий, салафлари тажрибасидан тегишли хулосалар чиқариб, шоҳ Хусравни буткул салбий тимсол сифатида талқин этди ва олдинги достонларда идеал ошиқ, аммо иккинчи даражали қаҳрамон мавқеида турган Фарҳодга асосий диққатни қаратди. Ушбу ўзгаришнинг бош сабаби, Чин шаҳзодасининг маънавиятидаги етакчи фазилат - унинг ўзлиги (шаҳзодалиги ва отаси Хоқон мулкига ворислиги)дан буткул воз кечиб, пок ошиқлик ва элга наф етказиш йўлини тутганлиги (тошкесар ва наққошлик ҳунарини касб қилиб олганлиги) бўлди. Чунки фақат шундай тимсол Навоий ғояларини мукаммал ифодалай олиши мумкин эди.

Достон қаҳрамони Ширинниг ҳуснига мафтун бўлган Чин шаҳзодаси эканлигини мактаб дарсликларидан яхши биламиз. Аммо зоҳирий (ташқи) афсона билан чекланмаслик кераклигини шоир ўзи алоҳида уқдирган. Навоий инсоннинг, миллатнинг, башариятнинг маънавий камолоти ҳақида

92 Ўша китоб, с. 118-120

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайғуради. Шаҳзоданинг дилда ишқ билан туғилиши, унинг Хоқон мулкини қабул қилиб олишдан илгари сирли сандиқ ва ундаги кўзгу тилсимини ечиш қасдида Юнон сафарига йўл олиши, бу йўлда аввал аждаҳони, сўнг Ахриманни, охири темир танли камон отувчини енгиб, донишманд Сукрот билан учрашувга муваффақ бўлиши - бу афсонавий тасвирлар ортида башариятнинг, инсоннинг, айниқса, туркий элатнинг, ўз моҳиятини англаб етиш йўлидаги камолот босқичларини бир-бир босиб ўтиши бадиий-мажозий тасвир этилган эмасми?

Сукротнинг Фарҳодга пурмаъно насиҳатлари ушбу ботиний ишораларга калит бўла олмайдими? Асли сирли кўзгуда Фарҳод Ширинни эмас, аввало ўз тақдирини кўради. Аждаҳо ибтидоий жамоа кишисининг асотир (мифологик) тафаккурида жоҳиллик ва ёввойиликни, Аҳриман Авесто маънавиятида зулмат, ёлғончи кучлар тимсолини, камон отувчи темир одам эса қабилалар аро, элатлар аро аёвсиз нифоқлар даври - худбин ва бешафқат талончиларининг мажозий қиёфасини эслатмайдими? Аждодларимиз ўз руҳиятларидаги шундай қаттол ёвларни енгиб, Сукрот қиёфасидаги исломгача башарият эришган илм ва ҳикматни эгаллаб, IX-XV аср ислом маънавиятига етиб келмадиларми? «Хамса» достонларида бунингдек ботиний маъно қабатлари ихлос билан, салафлар ижодига қиёс билан изланса, чексиз топилади.

«Лайли ва Мажнун» афсонаси форс ва туркий тилларда ўнлаб достонларга мавзу бўлган. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор маъно қатламларини ифшо этади. Бу достоннинг энг асосий хислати - Мажнун ҳам, Лайли ҳам тенг ошиқ, тенг маъшуқ. Бу достон икки ошиқ Инсоннинг ҳақиқий ишқни англаб етмаганлар орасидаги фожеъ ҳолати тасвирига бағишланган дейиш мумкин. Аммо бу энг умумий таърифдир, ҳар бир достон талқини эса ўзига хос.

«Сабъаи сайёра» Инсоннинг ҳаёт ва хаёл дунёсидаги чексиз адашувларининг мажозий тасвиридан иборат. Бунда яна «аҳли қабул» ва «аҳли рад» орасидаги тазод (зиддият) биринчи ўринга чиқади. Муқбил ва Мудбир, Суҳайл ва Жобир, Жуна ва Жайсур, Маъсуд ва Маллу тимсоллари ушбу икки гуруҳга мансуб бўлиб, ҳаёт синовларидан қандай ўтишига қараб, «аҳли қабул» саодатга, «аҳли рад» эса қилмишларига яраша жазога эришадилар. Ички қиссаларидаги бу тимсоллар асар бош қаҳрамони Баҳромшоҳ учун ҳам ибрат сифатида келтирилади. Аммо ҳукмдор ўз хирсу ҳавасларини жиловлаб ола билмаганлиги, бегуноҳ жонзотлар қонини аёвсиз тўкканлиги касофатидан ўзи ҳам ер ютиб ҳалок бўлади.

Буюк жаҳонгир тақдири ҳақидаги охирги «Садди Искандарий» (Искандар девори) достони шаклан маълум даражада «Хамса» нинг биринчи достонини эслатади. Унда ҳам ҳар бобда турли ижтимоий-ахлоқий мавзудаги фалсафий мулоҳазалар, ибратли кичик ҳикоят ва ҳикмат-хулоса берилади. Шундан сўнггина Искандар ҳаётидан бир воқеа ҳикоя қилинади. Искандар тимсоли яқингача ҳам Е.Э. Бертельс талқинига биноан одил шоҳ тимсоли деб қабул қилиб келинди. Фақат Азиз Қаюмов 1975 йилда нашр этилган ушбу мавзудаги махсус рисоласида асли Навоий қаҳрамони мураккаб тимсол

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканини, достонда Искандар қиёфаси тадрижий ўзгаришда очиб берилганини илмий исбот этди.93 Юнон шаҳзодаси аввал шоҳликка ўзини ноқобил деб билган журъатсиз ва камтар ўсмир бўлса, ҳаёт ва фотиҳлик сиёсати тақозоси билан аста-секин ўзбилармон ва шафқатсиз истилочига айланиб боради ва фақат ўлими яқинлашганини сезгач, жоҳ ва кибр йўлидаги бутун уринишлари сароб эканлигини англаб етиб, кўзи очилади.

«Хамса»да мажозий ишқ тасвирланади, инсоннинг инсонга муносабатидан, яъни ахлоқий муносабатларидан бошлаб, ҳукмдорнинг фуқароларга ва, умуман, ҳукмдорликка, тож-тахтга муносабати, ўз навбатида тож-тахтнинг, ҳукмдорлик мавқеининг инсонга таъсири, яъни инсонлар ҳаётига оид ижтимоий, ахлоқий муносабатлар мажмуи Тавҳид эътиқоди нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. «Хамсанавислик» анъанаси ислом минтақа маънавияти такомилининг бадиий тафаккурдаги ўзига хос маҳсули бўлиб, шунга яраша муносабатни талаб қилади. Бу анъана тадқиқотчидан ҳам, оддий китобхондан ҳам ҳар бир достонннинг шакл ва мазмунига алоҳида эътибор талаб қилади, чунки бир мавзуда ёзилган ўнлаб достонлар диққат билан ўқилса, асло бир-бирини такрор этмагани, балки ўзаро ижодий баҳсда ёзилгани маълум бўлади. Шу сабабдан ҳар бир достонни ўқиганда ҳам унинг ушбу мавзу силсиласидаги ўрнига, ҳам ҳар бир шоир ижодий меросидаги мавқеига аҳамият қаратиш лозим. Шундагина унинг тамомила ўзига хослиги ва мазмун қамровини англаб етиш мумкин.

4-фасл. Навоий ва Аттор. «Лисон ут-тайр» маънавияти.

Ислом минтақа адабиётининг бу мураккаб хислати, унинг, масалан, Янги давр ғарб адабиётидан фарқи XX асрнинг 30-йилларидаёқ Е.Э. Бертельс томонидан Навоий ва Аттор, Низомий ва Деҳлавий ижодини қиёсий ўрганиш асосида илмий исботланган эди. «Хамса» дунёсида ижтимоий ҳаёт маънавиятдан ажралмас, бир бутундир. Аммо **«мажоз тариқи»**нинг ислом даври маънавияти тараққиётида янги алоҳида бир босқич, энг олий ва якуний босқич бўлиши учун очиқ-ойдин назарий якун лозим эди. Ушбу вазифани ҳам Алишер Навоий мукаммал адо этди. Бу юмуш шоир ижодий такомилининг учинчи босқичида бажарилди. Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ва ижоди ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу масалада, айниқса, шоир ва ҳукмдор, яъни Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро муносабатлари диққатга сазовор. Даврнинг бу икки улуғ шахси орасида дўстлик Алишер ва шаҳзода Ҳусайннинг гўдак ёшларидан бошланган бўлиб, умрлари охирига қадар давом этди. Алишернинг дўстларга садоқати («Жамолида вафо туғроси пайдо») ҳар қандай таъриф ва тасаввурдан ортиқроқ ва бу ҳам унинг Борлиққа муносабати ва эътиқоди билан белгиланади. Бу чин инсон нафақат дўстлари, яқинларига, балки барча инсониятга, ҳатто бутун атроф-воқеликка

93 Қаюмов А. «Садди Искандарий». Т., 1975, с. 49-56

www.ziyouz.com kutubxonasi

садоқат сақлар эдики, унинг эътиқодида бирор жонзотга, ҳатто буюмга хиёнат Аллоҳга хиёнат даражасида эди.

Султон Ҳусайн ҳақиқий дарвеш-шоҳ эди, маърифатли шоир эди. У ҳам дўстига хиёнат қилган эмас, кўнглида ғараз сақлаган эмас. Аммо ҳукмдорлик қоидалари баъзан аёвсиздир, Ҳусайн эса инсон.

Ҳижрий 892 (милодий 1487) йили қишда Навоий Астробод ҳокими этиб тайинланди. Бу шаҳар «дорулфатҳ» (Султон Ҳусайн илк ғалаба қозонган шаҳар) деб улуғланар ва кўпинча валиаҳд шаҳзода ҳукмида бўлар эди. Бошқа бек ва амирлар учун шарафли ҳисобланиши жойиз бўлган мартаба Амир Алишернинг нозик табиати учун муайян даражада озорли бўлди. Аммо шоҳ ҳукми вожиб, Амири Кабир ўлканинг хассос бир ҳудудини муҳофаза ва обод қилиш ниятида жўнаб кетди. Астрободда Навоийнинг икки йил чамаси ҳокимлиги бу шаҳар аҳли учун саодатли, Бойқаро салтанати учун хайрли бўлди. Ўша тарафдан хавф солган мухолифлар Алишер ҳурматидан хайрихоҳлик муносабатлари ўрнатдилар. Аммо шоир учун ўзи ўрганган муҳитдан ёвуқлик, дўстлар васлига интизорлик дил ранжи эди.

Султон Ҳусайн Шоҳруҳ мирзо замонидан вазирлар хонадонига мансуб бўлган Мажиддин Муҳаммадни ўзига яна яқинлаштиргани ҳам дўст рашкига сабаб бўларди. Амири Кабирнинг Мажиддин, Низомулмулк, Хожа Афзал ва бошқа аёнлар, Музаффар Барлос каби нуфузли беклар билан ўзаро муносабатларини холис ва дақиқ ўрганиш икки дўст - шоҳ ва шоир муносабатларидаги мураккаб эврилишларни теранроқ англаб етишга яқиндан ёрдам берса керак. Ҳануз даврнинг муҳим ёдгорликлари - Хондамир ва Мирхонд асарлари на ўзбек тилида, на асл ҳолида босилиб чиққан эмас. Қизиқувчилар фақат Иззат Султон каби баъзи навоийшунослар келтирган парчалар, баъзи тўпламлардаги иқтибослар билан қаноатланишларига тўғри келади.

Бу орада бирин-кетин Навоийнинг энг яқин устоз ва мусоҳиблари ҳаётдан кўз юма бошладилар. 1488 йили Сайид Ҳасан Ардашер, 1492 йили Абдураҳмон Жомий, 1493 йили Паҳлавон Муҳаммад вафот этди. Навоий анча ёлғизланиб қолди. Устозлар хотирасига бағишлаб «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсатул мутаҳаййирин» (Жомий ҳақида) асарларини ёзиб тугаллади. Бу асарларда ўша давр воқелигига оид жуда қимматли маълумотлар билан бирга Навоий яратган янги бадиий оламнинг назарий асосларига оид кўп далил ва мулоҳазалар ҳам баён этилган.

Бундай мулоҳазалар адибнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида тасниф этилган «Мажолисун нафоис» («Нафис мажлислар»), «Насоимул маҳабба мин шамойим ул-футувва» («Футувва бўйларини эслатувчи муҳаббат шаббодалари») каби насрий рисолаларида ҳам ўз ифодасини топган. Ундан ташқари шоир умри интиҳосида ёзилган форс тилидаги фалсафий қасидалари («Ситтайи зарурия», «Фусули арбаъ») ҳам шоир дунёқарашини равшан англаб етишга ёрдам беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳақиқатни очиқ баён этишда ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аяган эмас. У Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигини барча

www.ziyouz.com kutubxonasi

ижобий ва салбий жиҳатлари билан тавсифлаб берди. Султоннинг мард ва шижоатли киши бўлганини, табъи назми борлигини қайд этиш билан бирга, айниқса, подшоҳлигининг кейинги йилларида айш-ишрат ва ичкиликка қаттиқ берилиб кетганини ҳам кўрсатиб ўтади. Умуман, Султон Ҳусайн Бойқародек нозиктаъб одам нега майхўрликка бунча берилиб кетди? Инсон бекорга ўзини ичкиликка урмайди. Биз султон қалбидаги мураккаб руҳий кечинмаларни ҳозир тўлиқ тасаввур қила олмаймиз, аммо темурийлар салтанатининг XV аср охиридан бошланган таназзули биргина ушбу хонадоннинг ёзмиши эмас, балки Ўрта асрлар давлат бошқариш усулларининг минтақа халқлари маънавий тараққиёт даражасидан анча-мунча орқада қола бошлаганидан нишона эканини эътироф этишга эҳтиёж сезилади.

Султон Ҳусайн ва ўғли Бадиуззамон орасидаги ихтилофлар ахийри бориб фожиа билан якунланди. 1497 йили Астробод ҳокимлиги жанжали ичида Мўъмин Мирзо (Бадиуззамоннинг ўғли, Навоий тарбиясини олган 14 ёшли ўспирин, шоир йигитча) аввал Ихтиёриддин қалъасида маҳбусликда сақланиб, кейин шоҳ бобосининг мастлик билан қўл қўйган фармони асосида қатл этилади. Салтанат келажаги учун ёмон фол даракчиси бўлган бу мудҳиш ҳодиса кекса Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солади. Бу ҳодиса асосида чиқарилган аччиқ хулосалар шоирнинг «васиятнома»си ўрнида ҳисобланган охирги уч асари мазмунига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

1498 йилда «Лисон ут-тайр», 1499 йилда «Муҳокамат ул-луғатайн», 1500 йили «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари ёзилди. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг энг авж нуқталари эди. Адиб «Муҳокамат ул-луғатайн»да ўзининг бутун ижодий йўлини сарҳисоб қилади, туркий тилдаги шеъриятнинг қудратини таъкидлайди. Унда, жумладан, қуйидаги маълумот бор: «Чун «Лисонут тайр» илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била **ҳақиқат асрорини мажоз суратида** кўргузупмен».94 Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеъриятининг устоди Фаридиддин Аттор (1148-1229) яратган «Мантиқ ут-тайр» асарига меҳр қўйгани маълум. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу-жавоб ёзар экан, Навоий ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий якун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти ҳақида, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкони қай даражада эканлиги ҳақида эди. Навоий асари ҳам асли шу ҳақда. Навоий устоз ва салафига зид фикр билдирмайди, аммо унинг фикрларини такрорламайди ҳам. Асарда Фоний (Навоий)нинг таржима ҳақидаги сўзлари шарҳ, талқин маъносини билдиради. «Лисон ут-тайр»нинг мутлақо мустақил асар эканлигини 1929 йилдаги «Навоий ва Аттор» рисоласида Е.Э.Бертельс қониқарли тарзда исбот этиб берган эди. Ўша рисолада зукко рус шарқшуноси Атторни тасаввуф шеърияти вакили сифатида ёдга олиб, «Лисон ут-тайр» муаллифи ҳақида эса «Навои не бўл

94 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Т.-«Фан»-2000, с. 26

www.ziyouz.com kutubxonasi

суфием…, он представлял собой нечто большее» деб қайд этади[95]. Навоийнинг дунёни идрок этиш ва бадиий акслантириши юзасидан Е.Э. Бертельс баён этган кўп мулоҳазалар қатори бу фикри ҳам кейинги тадқиқотчилар диққатини жалб этмади. Албатта, бунинг ўз сабаблари ҳам мавжуд, аммо ҳозир гап у ҳақда эмас.

Атторнинг бошқа достонларида яхши воқеабандлик мавжуд. Аммо қушлар тилидан ёзилган достонида ирфоний эҳтирос ниҳоятда жўшқиндир. Навоий эса босиқ воқеабанд тасвирга урғу беради, қушлар саргузаштида ва ички ҳикоятларда ҳаётийликни кучайтиради. Бу бежиз эмас. Охирги хулосада Навоий салафига қараганда олға кетади, масала моҳиятини теранроқ ҳис қилади ва бадиий тасвирни ҳам шунга муносиб яратади. Симурғ ва қушлар нисбати ҳақида Аттор:

Сурати мурғони олам сар-басар
Сояйи уст, ин бидон, эй бехабар -

(Оламдаги барча қушлар сурати,
Унинг соясидир, буни билгин, эй бехабар)

деб тушунтирса, Навоий:

Барча олам қушларининг сурати,
Билгил, онинг сояйи пурҳикмати -[96]

деб оддий «соя» ўрнига «ҳикматли соя»ни ишлатади. Агар биз «пурҳикмат» (ички мазмунга бой) сўзи фақат «сурат»га қофия керак бўлгани учун ишлатилган деб шарҳласак, Навоий истеъдодига шак келтирган бўлур эдик.

Аттордан илгари «Қуш рисоласи»ни яратган Ибн Сино, Аҳмад Ғаззолийлар бош тимсолни «Симурғ» эмас, «Анқо» деб номлаган эдилар. Аттор «Симурғ» тимсоли билан жуда чуқур мазмунга ишора қилди. Аммо барибир энг масъул ўринда:

Чун шумо симурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чеҳел, панжоҳ мурғ ояд боз,
Пардаро аз хеш багушоянд боз.[97] -

(Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг.

---

95 Бертельс Е.Э. Избраннўе труды. Суфизм и суфийская литература. М.-«Наука»-1965, с. 419

96 Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с.83.

97 Ситтаи Фаридиддин Аттор(қўлёзма), 72 б-варақ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар яна қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар) -

деб ўзи топган тимсол қувватини кесиб қўяди. Навоий ундай қилмайди. Навоий 30 қуш (форсча - «си мурғ») ва Симурғ (жаҳондаги барча қушларнинг афсонавий ҳукмдори) ни бир сўз сифатида бир хил жаранглашига қайта-қайта эътиборни жалб қилади. Аммо бу мажозий талқинни яна жўнлаштириб, демак, ўттиз қуш ўзи Симурғ экан, яъни улар ҳукмдорини изламаса ҳам бўлар экан, деб тушуниш шоирни тўғри англаб етишимизга ёрдам бермайди. Навоийнинг тимсоллари ҳам, улар орқали англатмоқчи бўлган бадиий ҳақиқати ҳам бундай жўнлаштиришлардан беҳад юқори туради. Навоийнинг талқинлари тасаввуф адабиётининг ирфонини инкор қилмайди, балки инсон маънавиятини ундан-да юксакроқ босқичга етаклайди. Аттор XII аср охири XIII аср бошларидаги тасаввуф адабиётининг намояндаси бўлиб, унинг даврида ҳануз Ибн ал-Арабий (1165-1240) фалсафаси яратилмаган эди. Навоий эса Ибн ал-Арабий ирфонини Ироқий талқинида Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштиргач, кейин қушлар тилида достон ёзишга киришди. Шу сабабли, айтиш мумкинки, Алишер Навоий асари зоҳиран Аттор асарига таянган бўлса, ботинан, мазмун моҳиятига кўра Ироқий қарашларини ривожлантирган.

Симурғ – Алишер Навоийнинг **“Лисон ут-тайр”** асаридаги ўта муҳим ижтимоий-ирфоний маъно ташувчи етакчи тимсол. Башарият миқёсидаги мукаммал ижтимоий тизимнинг шаклланиши ундаги ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги билан боғлиқ эканлиги, бу баркамоллик бани одамнинг ҳар бир аъзоси кўнглидаги бир-бирига нисбатан беғараз ва самимий меҳр масъулияти билан ўлчаниши, инсониятнинг моҳиятан яхлитлиги ва буни англаб етиш ҳар бир инсоннинг маънавий камолот сари чексиз интилиши орқали юз бериши мумкин эканлиги, инсониятнинг яхлит моҳият сифатидаги бирлашуви эса зўрлик ва босқин асосида эмас, турли инсон тоифалари, миллат ва элатлар аро бир-бирини тушунишга интилиш, беғараз ва фидойи меҳр асосида ўзаро яқинлашуви орқали эришиладиган воқелик эканлигини англатувчи бадиий ташбиҳ.

Олдинги бобдан маълумки, бадиий адабиётнинг бош мавзуси инсон, унинг руҳий кечинмалари бўлиб, улар, асосан, икки йўналишда ўзлигини намоён этади: бири-инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига нисбати доирасида; иккинчиси - инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати йўналишида. «Мажоз тариқи»нинг моҳияти, унинг жаҳон бадиий тафаккур тарихида етишган улуғ мартабаси шундаки – унинг асосчилари юқоридаги икки йўналишнинг ўзаро теран уйғунлигини сеҳрли бир тарзда таъмин эта билдилар.

Навоий Низомий ва Деҳлавий каби забардаст устозлари яратган анъаналарни изчиллик билан давом эттириб, «Хамса» достонларида ўз даври ижтимоий муаммоларининг маънавий моҳиятини чуқур бадиий тадқиқ этган бўлса, «Лисон ут-тайр» достонида Атторнинг ирфоний мажозларига хиёнат қилмаган ҳолда уларга бир пайтнинг ўзида ижтимоий жило бахш этишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

муяссар бўлди. Шу тарзда шоирнинг охирги достони ҳам мазмуний тераплиқда, ҳам шаклий мукаммалликда «**мажоз тариқи»**нинг энг авж нуқтаси даражасига кўтарилди.

Асарнинг минтақадаги бадиий тафаккур тарихи жараёни саҳнида «Мантиқ ут-тайр» билан батафсил қиёсий таҳлили ва орадаги фарқлар моҳиятини шоирнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали жуда ажойиб кашфиётларга эришиш мумкинлиги шубҳасиз. Бу йўлдаги дастлабки босқич тадқиқотларга таяниб туриб, ҳозирча ушбу ғоят қисқа мулоҳазаларни баён этиш мумкин:

Биринчидан, тасаввуф анъанасидаги соликнинг Олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул фориғ бўлиши ғояси Навоийда шахс сифатида мутлақ ўзликни йўқотиш, ҳатто жисман маҳв бўлиш маъносида эмас, шахс маънавий камолотининг муайян даражаси сифатида талқин этилади. Иккинчидан, Навоий талқинида Симурғ тимсоли бир пайтнинг ўзида ҳам соликлар (қушлар) интилган Борлиқнинг Олий моҳияти, ҳам комил инсонлар жамоаси(«си мурғ» - ўттиз қуш) – Форобий тасвиридаги «фозил жамият» орзуси сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан Навоий тавҳид ғоясининг Қуръон оятларига мувофиқ энг мукаммал ва теран мазмунини бадиий тимсол қудрати билан очиб бера олди. Инсон Халлоқи олам томонидан ер юзида халифа қилиб яратилган. Унинг масъулияти улуғ. Жумладан, ер юзида ижтимоий адолат ўрнатиш масъулияти ҳам ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурч бўлиб, бунинг учун, аввало, у шахс сифатида шаклланмоғи, яъни маънавий камолот касб этмоғи керак. Шу нуқтаи назардан достоннинг ижтимоий мазмуни ҳақида қуйидагича тасаввур ҳосил бўлади:

Қушлар - инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният. Уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли - бахтли ва одилона жамият сари тарихий изланиш жараёни. Йўл бошида бу кўп асрлик орзу «одил шоҳ» излаш тариқасида намоён бўлади. Тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, камолотда юксалиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб «одил шоҳ» орзуси муаммони асосли ҳал қилиб бера олмаслиги равшан бўлиб қолади. Қушлар мардонавор парвозда давом этиб, «иккинчи фано» босқичига етишадилар:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила -
Ким сен-ўқ сен, ҳар не ким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолиға тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколиға таъвилсен.
Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.98

98 Ўша китоб, с.238

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, «агар сен улуғ орзу йўлида шахсан ўзинг фидоийлик кўрсатмас экансан, хаёл хаёллигича қолаберади; ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, камолингга таян», демоқда. Бир сўз билан айтганда, «Олий ҳақиқат мазҳари» сифатида олиб қаралаётган комил ижтимоий тартибни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз маънавий камоли ва фаоллик қудратига боғлиқдир:

Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр -
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқуввa ул мавжуд эрур.
Феълга келса даво мақсуд эрур.[99]

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат - уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу имкониятни рўёбга чиқариш учун маънавий баркамоллик ва фидоий фаоллик лозим.

Навоий талқинидаги Симурғ - бутун Инсониятнинг яхлитликда эришуви мумкин бўлган Олий такомил босқичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилмоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ - бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи -Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш(«си мурғ»)нинг бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридир.

Улуғ шоир асарлари замонамизгача омон етиб келди. Аммо улардаги мажозий қобиқ кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўзидан яшириб келмоқда. Кўп ўринда улар анъанавий талқин қилинмоқда. Шу сабабли бўлса керак, биз - шоир ижодининг тадқиқотчилари - ҳануз унинг сатрлари қатига яширинган улуғ асрор ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот топа олмай қолмоқдамиз, иккиланмоқдамиз, жўн таҳлиллар билан буюк ҳикматлар устоди олдида ўзимизни хижолатда қолдирмоқдамиз. Навоий нега ўттиз қушни бизнинг замонамизгача етказиб келди? Чунки бу «ўттиз қуш» - бу «Симурғ» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга бўлган юксак меҳрини улкан қалбларига жо эта олган ва шу билан бақога-абадиятга эришган аждодларимиздир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тараққиёт уфқларига қараб толиқиш билмай парвоз этиб бормоқдалар, ҳали ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўпгина армонлари кушойиш топа бошлади. Аммо

99 Ўша китоб, с.238

www.ziyouz.com kutubxonasi

биз - камолот сари интилаётган қушлар - бир нафас йўл машаққатларидан толиқсак, беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак, бутун инсониятнинг минг йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табаррук умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?

Е.Э.Бертельс 1941 йилда « Навоий дунёқарашига доир» деб номланган мақола ёзиб, унда шоир ижодига Ибн ал-Арабий ва Фахриддин Ироқийлар таъсирини алоҳида таъкид этган[100] ва бу масалани жиддий ўрганишга чақирган эди. Аммо ҳанузгача на навоийшунослар, на жомийшунослар ушбу муҳим муаммога эътибор бергани йўқ, Жомий асарларининг Душанбеда нашр этилган 8 жилдлик тўпламига «Ашаъот ул-ламаъот» мутлақо киритилмаганлиги ҳам шундан дарак беради.

Навоийнинг охирги асари «Маҳбуб ул-қулуб»ни шоирнинг бутун ижодий меросига ўзи томонидан ёзилган назарий хулоса ва якун, дейиш мумкин. Бу асар мазмуни ниҳоятда бой. Унда XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий, ахлоқий ва маънавий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонарли таъкидланган. Ушбу китоб саҳифаларида бадиий тафаккурнинг назарий муаммолари, жумладан, олдинроқ эслаб ўтилган бадиий ижод тариқи масалалари бўйича ҳам олдинги рисола ва шеърий асарларда йўл-йўлакай айтиб ўтилган фикрлар умумлаштирилиб, хулосалар чиқарилган. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Саноий, Низомий, Саъдий, Амир Хусрав, Ҳофиз асарларида муайян даражада ўз аксини топган ва Алишер Навоий ижодида мукаммал даражага етиб, унинг томонидан назарий асосланган мутлақо янги мустақил бадиий тафаккур тарзи «мажоз тариқи» деб ном олди ва унда Ҳақ (Олий ҳақиқат) асрори «мажоз сувратинда» намоён бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи «нақшбандия»нинг «Дил ба ёру даст ба кор» қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган бўлса, бир қанча рисолаларда муаммонинг назарий жиҳатларига эътибор берилди. Биз юқорида уларни ўз идрокимиз етган қадар шарҳлашга уриндик.

5-фасл. “Мажоз тариқи” ва Тавҳид моҳиятининг янгича талқини.

Илоҳий китоблар орқали инсониятга аён этилган **тавҳид ҳақиқати** тасаввуф таълимоти туфайли инсон руҳининг мулкига айланди. Буюк сўфий шайхлари аввало инсонга ўзлигини англаб етишни ўргатдилар. Тасаввуф тарихий такомил жараёнида турли босқичларни босиб ўтиб, XIV аср Нақшбандия тариқати тимсолида яна соликни халққа, ҳаётга қайтарди, фақат энди сўфий ўзлигини, Ҳақни англаб етган, дилини худбинлик зангидан поклаб, “Ҳақиқат асрорининг ганжинаси” га айлантирган ҳолда ҳаётга

100 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1965, с.447-449

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб келди. У энди ўз шахсий манфаатлари учун эмас, балки Ҳақ учун, холис Аллоҳ йўлида моддий ҳаёт воқелигида фаол қатнаша бошлади. Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби улуғ сўфий шайхлари сиёсий ва ижтимоий ҳаётда юксак мавқе касб этдилар. Махдуми Аъзам сиёсатга оид қатор рисолалар яратди.

Марксистлар ўзларидан олдин ўтган барча инсонларни, улар қанчалик улуғ бўлмасин, барибир дунёқараши чекланган деб ҳисоблаб келдилар.Совет даврида ўтмиш алломаларнинг бутун "хизмати" келажакда яратилажак "диалектик материализм" назариясига қанчалик мувофиқ фикр юритганликлари билан белгиланди. Агар номувофиқ бўлса, демак, "реакцион". Улар назарида, ўтмишнинг энг "прогрессив" алломалари ҳам, айниқса Шарқдан бўлса, "синфлар курашининг" моҳиятига етиб бормаган. Жумладан,"социалистик реализм" назариётчилари Алишер Навоий тафаккурини ҳам бу қусурдан холи эмас, деб ҳисоблашган. У "золим подшоҳлар" ва "риёкор шайхлар" ни қоралагани - ниҳоятда "прогрессив" ҳодиса саналса-да, аммо жамиятдаги икки мухолиф синф, дейлик, феодаллар ва деҳқонлар орасидаги "муросасиз зиддият"ни тўғри очиб бера олмагани - буюк шоир тафаккуридаги ноқислик сифатида баҳоланган. Аслида ақлимизни пешлаб, инсонлар жамиятини Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз тушунганидек тушунсак эди - аллақачонлар кўп муаммоларимиз ечилган бўлур эди. Буюк аждодларимизнинг маънавий мероси туганмас хазинадир. Уларда нафақат бир инсон, балки бутун инсоният ўтмиши, бугуни ва келажаги яхлит намоён бўлган.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашини воқелик моҳиятининг ўзак қонуни сифатида идрок этилиши барча нарса-ҳодисалар моҳиятини жуфтликда кўриб, уларни албатта бир-бири билан чексиз кураш ҳолатида тасаввур қилишга олиб келади. Назарияда албатта зид томонлар бир -бирини тақозо қилиши тан олинади, аммо инсон фаол зот, у бир ишни бошласа, ниҳоясига етказмай қўймайди: ҳаётнинг моҳияти курашми - демак, курашни бошлаб, охиригача олиб бориш керак, яъни мухолифни буткул маҳв этиш (йўқ қилиб ташлаш) керак. Агар мухолиф томон курашни ҳаётнинг моҳияти деб билмаса, бадтар бўлсин, уни енгиш қайтага осонроқ. Нега Россияда буржуазия енгилди, чунки ҳеч қайси "капиталист" ёки, ҳатто, "феодал" ишчи ёки деҳқонни буткул йўқ қилиб ташлаш керак деб ҳисобламайди, аммо ишчи назарида (аниқроғи, марксизм кўзи билан қараганда) "капиталист"лар синфи умуман жамият учун бефойда унсур, уни қанча тез йўқ қилиб ташланса, шунча тез "коммунизм" қурилади. Негадир ҳаёт бу фаразларни тасдиқламади, фақат инсон қони дарё-дарё бўлиб оққани қолди.

Фуқаролар жамиятининг асосий хусусияти - ижтимоий уйғунликдир. Ижтимоий уйғунлик эса инсонларнинг бир-бирини тушуниши билан бўлади. Коммунистик ғоянинг энг катта камчилиги ҳам турли ижтимоий тоифалар табиатидаги ўзига хосликларни англаб етишга ҳафсала қилмай, мураккаб воқеликни фақат икки синф орасидаги аёвсиз кураш сифатида талқин этганлиги бўлди. Масалан, Лениннинг энг кўп ғазабига икки тоифа: интеллигенция ва деҳқонлар дучор бўлишгани кўпчиликка маълум. Деҳқон

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнаткашлиги учун табиатан ишчига иттифоқдош деб қаралса ҳам, унинг хусусий мулкка мойиллиги “доҳий” нинг кўп ғазабини қўзғатар эди. Бу “қусур”га барҳам бериш учун “содиқ шогирд”(Сталин) томонидан ялпи коллективизация ўтказилди, натижада деҳқонлар тўлиқ тоталитар давлат асоратига тушди. Бунинг хулосаси дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган давлатда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари четдан нақд валютага сотиб олинишига ўтиш бўлди. Зиё аҳлини ҳам большевиклар тоталитар тузумнинг итоаткор хизматчиларига айлантирдилар.

Асли ҳаётда синфлар эмас, турли ижтимоий тоифалар мавжуд. Уларнинг ҳар бири жамиятда ўз аниқ мақом ва мавқеига эга. Шунга яраша ҳар бирининг ўз табиати, эҳтиёжлари, бурч ва вазифалари, ўз маънавий олами мавжуд. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларига мурожаат қилсак, бунга яққол ишонч ҳосил қиламиз.

“Лисон ут-тайр” бадиий асар, шу сабабли ундаги ғоя илмий таҳлил эмас, рамзий ишоралар воситасида баён этилган. Ўттиз қуш (Симурғ) тимсоли жамиятдаги ижтимоий тоифаларнинг кўплиги ва ранг-баранглигига ишора. Улар барчаси бир бўлиб, яхлит воқеликни ташкил этади. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” да бу қарашни бевосита, очиқ ижтимоий таҳлил орқали ифодалаган. Унда ўша давр жамиятига хос қирқ тоифага таъриф берилади ва уларнинг турли жиҳатлари мукаммал тавсифланади. Ҳар бирининг табиатидаги фазилат ва қусурлар холис очиб ташланади.

Туркий тилдаги мумтоз адабиёт ижтимоий масалаларга доимо жиддий эътибор бериб келган. Биз тошбитиклар ва Юсуф Хос Ҳожиб асаридан буни яхши биламиз. Аммо Низомий “Хамса”сидан бошланган бадиий тафаккурнинг мураккаб изланишлари ижтимоий мавзуни - **давлат, жамият ва шахс маънавияти орасидан уйғунлик** масаласини бениҳоя теран таҳлил қилиб берди ва бу таҳлил Алишер Навоий ижодига келиб айтиш мумкинки, бир миллат ёки минтақа эмас, хатто жаҳон аҳли маънавияти ривожида буткул янги, юксак камолот босқичини мукаммал намоён қилди. Навоийнинг бутун мероси - девонларидаги ғазал, қитъа, қасида, таржеъбанд ва соқийномалар, достонлари ва насрий асарлари, илмий ижоди - барчаси яхлит бир манзара - Навоий давридан бир неча асрлар кейин - бизнинг замонамизда воқеликка айланиши мумкин бўлган Янги бир ижтимоий - маънавий уйғунликдан башорат қилади. Қонун устуворлигига асосланган, ҳақиқий фуқаролар жамияти деса арзийдиган, том маънода ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти амал қилаётган, давлат, жамият, халқ маънавиятининг юксак уйғунлиги асослари бундан 500 йил илгари шу даража ёркин тасаввур этилгани ва бадиий ифодалаб берилгани инсонни ҳайратга солмай иложи йўқ.

Навоий яратган уйғун жамият манзараси қандай белгиларга эга?

Аввало, бу манзара хаёлий (утопик) эмас, воқеъ асосга қурилган манзарадир. Иккинчидан, бу манзара моддий тенглик ва беҳисоб тўкинчилик ҳолати эмас, **маънавий воқеликдир**. Учинчидан, Навоий яратган ижтимоий-маънавий уйғунлик манзараси зўрлик, муайян кичик бир гуруҳнинг зўравонлиги йўли билан жорий этилган мажбурий тенглик жамоаси эмас, умум башариятнинг чексиз адашувлар, оғир машаққат ва изтироблар аро

www.ziyouz.com kutubxonasi

неча асрлар давомида аста-секин ва ихтиёрий эришган маънавий камолот ҳолатидир. Унда ҳали ҳам адашувлар, қийинчиликлар, изтироблар, йўқотишлар бўлиши мумкин, аммо баҳамжиҳатлик, инсонларнинг бир-бирини тушунишга интилиши охир-натижада ғолиб чиқиш эҳтимоли кенгайган, шунга мувофиқ маънавий муҳит шаклланган. Бу жамиятда мулкдор ҳам бор, мулксиз ҳам, аммо ҳар иккови ҳам ўз ихтиёри билан ушбу ҳолатни касб этган.

Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзлигини англаб етган, ўз мавқеига эга: давлат арбоби ҳам, олим ҳам, деҳқон ҳам, савдогар ҳам; гўдак ҳам, кекса ҳам; эркак ҳам, аёл ҳам. Ҳеч ким бир-бирига хасад қилмайди, қўлидан келмаган юмушга даъво қилмайди, ўз юкини бошқага ағдармайди, кўтара олмайдиган юкни елкага олишга беҳуда уринмайди.

Чунки инсонларда борлиқнинг Олий Ҳақиқатини тушуниш бор, унга чексиз интилиш бор, нафақат ақл, балки бутун вужуд билан, бутун эҳтирос билан англаб етилган имон, эътиқод бор. Бу эътиқод барчада бир хил тусда эмас, яъни ягона мафкуранинг ялпи ҳукмронлиги тарзида эмас, балки ўзаро меҳр, бир-бирини тушуниш ва Ҳаққа интилишдаги самимият заминида шакллангандир. Риоя, андиша, меҳр-оқибат, ҳилм (муомалада ҳалимлик), сабр-тоқат ва Олий Ҳақиқат олдидаги масъулият ҳисси ушбу эътиқоднинг меваларидир. Бу жамият кишилари гўзалликка интиладилар, аммо покликка хиёнат этмайдилар; фидоийликка улар қодир, аммо мутаассиблик уларга бегона; ҳар бир кишига юксак эҳтиром билан ёндошадилар, аммо ҳеч кимга тилёғламалик қилмайдилар; ҳар бир шахс ўз қадрини билади, аммо такаббурликни билмайди; улар ҳар бири ўз эътиқодига содиқ, аммо бировни нодон деб ўйламайди, улар қалбида эҳтирос жўш уради, аммо улар эҳтиросларнинг қули эмас; улар ақлли, аммо маккорликдан ор қиладилар. Бундай хислатларни чексиз санаш мумкин, аммо Навоий яратган бу манзарани яққол кўриш учун нима талаб этилади, шоир ўзи бу даражада башоратга қандай эриша олган? - деган савол туғилиши мумкин. Сабаби битта - барча салафлари сингари Алишер Навоий ҳам ўзидан олдин яратилган буюк маънавий меросни имкони даражасида мукаммал ўзлаштирган, фақат ақли билан эмас, бутун вужуди, борлиги билан, меҳру самимияти билан ўзлаштирган, бут имон, эътиқод билан Ҳақиқатни излаган ва Ҳақиқат унга юз очган. Бу Аллоҳнинг инояти инсоннинг самимияти, ўзлигини англашга чексиз интилиши туфайлидир. Кимки ихлос билан, имон ва эътиқод билан, эзгу ният билан миллий ва умумбашарий маънавий меросни ўрганишга, унинг мағзини англаб етишга уринса, иншооллоҳ, унга ҳам Ҳақиқат жамоли насиб бўлгусидир.

Кўпинча биз инсон яратувчи деб гапирамиз, асли ягона яратувчи, яъни йўқдан бор қилувчи Аллоҳ таолодир, инсонга эса Аллоҳ яратган моддий ашёларни қайта ишлаб ўзгартириш қобилияти берилган. Навоий наздида, дунёни обод қилишнинг ибтидоси зироатдадир. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бош ва суюкли қаҳрамонлари, бизнинг тасаввуримизга кўра, шоҳ ва султонлар, мунажжим ва воизлар эмас, балки **деҳқон ва дарвешдир**: “Деҳқонки, дона

www.ziyouz.com kutubxonasi

сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар...”[101] Дунёга дил кўзи билан қарашни ўрганган шоир деҳқонни Одам атога, ўзгаларни унинг қарамоғидаги фарзандларга ўхшатади, оламнинг ободлигини деҳқон меҳнатидан деб ҳисоблайди. Табиатдаги жуда кўп жонзотлар ҳам деҳқон меҳнати самараларидан баҳраманд бўладилар.Чорвадор ва боғбон ҳам асли шу тоифадан. Шоир таъкидича, улар инсонлар жамиятининг асос-замирини ташкил этувчи тоифадир. Бу тоифанинг яна бир буюк фазилати - инсонлар ва табиат орасидаги мувозанатни сақлашда кўринади.

Қадим аждодларимизнинг “Авесто”китобида табаррук ҳисобланган замин аёлга қиёс этилади, уни эркалаш, парвариш этиш улуғ ва муқаддас юмуш сифатида деҳқон зиммасига юкланади. Аждодларимиз ўзлигини танигандан бошлаб ер, сув ва оловни улуғлаганлар ва дастлабки иккисини пок сақлаш, эзгу ниятларда истифода этиш деҳқон учун ҳам ҳуқуқ, ҳам масъулият саналган.

Мутафаккир адиб жамиятдаги яна бир тоифага - **дарвеш**ларга ҳам алоҳида меҳр кўргазган. Афсуски, мустақилликкача ўтган 70 йил давомида Навоий асарларидаги айрим мафкурачиларга маъқул келмаган жиҳатлар кўплаб нашрлардан аёвсиз қирқиб ташланарди. Жумладан, “Дарвешлар зикрида” деб номланган 1-бўлимнинг 40-фасли ҳам шоирнинг 15-жилдли “Асарлар” тўпламидан “тушиб” қолган. Ҳолбуки, Навоий бу тоифа мисолида ҳақиқий зиёли қиёфасини яратади. **Ҳақиқий зиёли, яъни дарвеш элга фақат маърифат, илм нурини тарқатиш билан кифояланмайди, инсонлар дилига поклик, меҳр-оқибат, эзгуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдиради:** “Ичи таши билан мувофиқ, балки ариғроқ (покроқ), ботини зоҳир била мусовий (тенг мувозанатда), балки ёруғроқ...” Албатта, моддий ва маънавий қиёфа доим мутаносиб бўлавермайди: “Дарвеш тўни йиртуқ, андоқ турур ким, ганж (хазина) макони бузуқ”.[102]

Форобий, Беруний, Ибн Синолар ҳукмдорни файласуф бўлишга даъват қилган бўлсалар, Навоий ўз асарларида Ҳусайн Бойқорони “дарвеш-шоҳ“ бўлишга ундаган. Ўша замонда дарвешлар деганда кўпроқ сўфийлар, тасаввуф аҳли тушунилган. Уларнинг яратувчилиги, аввало **руҳий огоҳлик, маънавий поклик** тимсолларини ўзликларида тирик тажассум этишлари билан боғлиқ бўлган. Шу боис улар - **маъно** (яъни, Ҳақ моҳиятидан огоҳликка интилиш) ва **сафо** (покликка, маънавий қусурларни енгиб ўтишга жаҳд қилиш) **аҳли** сифатида улуғланганлар. Алишер Навоийнинг асл дарвешлар - маъно ва сафо, зиё ва ишқ аҳли - ҳақидаги мукаммал китоби “Насоимул-муҳабба мин шамоимул-футувва”дир.

Дарвеш *– Навоий наздида маънавий*

---

101 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-ж., Т. 1998, с.37

102 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-ж., Т., 1998, с.46

www.ziyouz.com kutubxonasi

камолотга эришган шахс, ҳақиқий зиёли тимсоли, "ичи таши билан мувофиқ, балки ариғроқ (покроқ), ботини зоҳир била мусовий (тенг мувозанатда), балки ёруғроқ" деб таърифлайди уларни шоир. Бу тоифа аҳли элга фақат маърифат, илм нурини тарқатиш билан кифояланмайди, улар инсонлар дилига поклик, меҳр-оқибат, эзгуликка интиқлик, ўз-ўзини англаш туйғуларини сингдиради.

Деҳқон ва зиёлидан ташқари яна икки асосий **ижтимоий тоифа** мавжуд бўлиб, улар ҳам жамият учун зарурийдир. Бири - барча ижтимоий соҳалардаги ташкил этувчилар, иккинчиси - косиб-ҳунармандлар, яъни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардир. **Ташкил этувчилар гуруҳи** ўз табиатига кўра, то қадим дунёдаги қабила бошлиғидан тортиб, ўрта асрлардаги шоҳ ва султонлар, янги даврдаги буржуа синфигача кўпинча ҳукмронлик мавқеини эгаллаб келганлар. Навоий бу табақа вакилларини биринчи бўлиб таърифлайди: султонлар, беклар, ноиблар, вазирлар, садрлар, шайҳул-ислом ва қозилар, лашкарбоши ва ясовуллар... Буларнинг аксарияти мутафаккир шоирнинг аччиқ гиналарига сазовор бўлади. Уларсиз жамият тўкис эмас, аммо уларнинг "ташкил этиш" усуллари давр тақозоси ва ҳукмронликнинг мураккаб ботиний қонуниятлари таъсирида ўта жоҳил ва аёвсиз шаклларда намоён бўлар ва шу сабабли Навоий сингари орифлар ва меҳр аҳли дилида изтироблар уйғотар эди.

Адиб асарида "бозор косиблари" ва ўзга ҳунар аҳлини ҳам аямайди. "Бозорда савдогар косиб - тенгрига хоин ва ваъдага козиб (ёлғончи). Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ зарра уёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлиқ ва ваъдага вафо аларға бадкирдорлиқ..."[103] Кўриниб турибдики, Навоий косибни бозорда, иқтисодий муомалада тасвир этмоқда. Бу ерда у хусусий мулкчи, ушбу ҳолатда унинг савдогардан, сармоясини кўпайтириш ғамида юрган корчалон (бизнесмен)дан фарқи йўқдир. Ҳунар аҳлининг деҳқондан фарқи - у яратувчи сифатида она-табиатдан узилиб қолганлигидир. У табиат билан эмас, бозор билан боғлиқ, бозорда ҳамма нарса нисбий - ё сен алдайсан, ё сени алдайдилар. Деҳқон эса табиат билан мулоқотда, табиатни алдаб бўлмайди, охир-оқибат ўзинг алданиб қоласан. Бу билимни деҳқон ва чорвадор минг йиллик амалий тажрибаси билан чуқур ўзлаштирган.

Яратувчи косиб, ҳунар аҳли ўз пухта маънавий асосини ишлаб чиқмаган, инсонлик моҳиятини англаб етмаган бўлса, оддий бозор товламачиси даражасига тушиб қолиши ёки хонавайрон бўлиши ҳеч гап эмас. Сабаби - инсон табиати ҳам барча воқелик ҳодисалари сингари ўз ички зиддиятига эгадир. У бир тарафдан ҳайвонот оламига, иккинчи томондан Ҳаққа, борлиқнинг маънавий моҳиятига туташдир. "Лисон ут-тайр"да таъкидланишича, инсон жисмида тўрт бир-бирига зид моддий унсур бирлашган, дили эса ҳақиқат асрорининг ганжинасидир. Ҳайвонларнинг ҳар қандай тоифаси, аввало қориннинг қули, қолаверса ўз наслидан авлод қолдириш вазифасини, табиат буюрган вазифани бажарадилар, яна бир-бирига емиш бўладилар. Инсонда ҳам ҳайвонларда бўлган барча табиий

[103] Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 14-ж., Т., 1998, с.35

www.ziyouz.com kutubxonasi

эҳтиёжлар мавжуд. Агар инсон ўз ақлини маърифат зиёси билан ёритмаса, яратувчилик вазифасини адо этишга онгли муносабатда бўлиб, астойдил шуғулланмаса, дилида ўзгаларга меҳр-шафқат туйғуси ёлқинланмаса, у ҳам икки оёқли маҳлуқ, **қориннинг қули** бўлиб қолаберади.

Инсонга ақл Ҳақни таниш учун берилган. Агар ақл вазифасидан адашса, дорилик учун мўлжалланган жавҳардан заҳар сифатида фойдаланиш каби ҳолат вужудга келади. Заҳар вазифасини бажара бошлаган ақл қудрати бутун инсониятни заҳарлашга қодирдир. Ўтмиш "лисон ул-ғайб" эгаларининг асосий фаолият мазмуни ушбу фалокатнинг олдини олишга қаратилган эди.

Собиқ шўролар даврида биз соф материализм ва жанговар атеизм позицияларида собитқадамлик кўрсатиб, аждодларимиз меросидан ҳам даҳрийлик унсурларини қидирар эдик. Мўлжалимизга бир оз мос келадиган фикр ё жумла топсак, уни ҳар томонлама кўз-кўз қилардик. Борди-ю, аксинча бўлса, уларни оммавий нашрлардан тушириб қолдирар, мураккаб ўринларни кўриб-кўрмасликка олиб ўтиб кетар эдик. Мустақиллик шарофати туфайли исломга умумий қайтиш жараёни ривож олиб, биз ҳам буюк аждодларимиз асарларидаги динга алоқадор ўринларга айрича аҳамият бера бошладик. Ўтмиш алломалар учун ўз-ўзидан табиий бўлган эътиқодлилик кўзимизга тўтиё бўлиб, "Мана фалончи ҳам эътиқодли мусулмон бўлган, Аллоҳга муножот этган", деб таъкидлаш бугун бизга фахр туйғуси бахш эта бошлади. Тасаввуфни улуғлаш, барча ўтмиш алломаларимизнинг мутасаввиф эканлигига эътибор қаратиш ҳам ушбу жараённинг узвий қисмидир. Ҳар ишда меъёр тузук. Инсон табиати фақат руҳий дунёдан иборат бўлмагани сабабли, у агар тўлиқ моддий дунё эҳтиёжларини рад этса, ё бу фоний дунёни тарк этмоғи, ё иккиюзламачиликни, яъни риёкорликни касб этмоғи лозим. **Аҳли футувва** ушбу зиддиятни енгиб ўта олган жамоадир. Футувва маънавиятини ўзлаштирган киши амалда яратувчи ва руҳиятда дарвешдир. Унинг ахлоқий жиҳатдан сифати - жавонмардлик, яъни саховатлилик, олийҳимматлик, камтаринлик, тўғрисўзлик, мардлик каби хислатларнинг узвий яхлитликда намоён бўлишидир. "Бу гуруҳ меҳнат билан топган нонини бойлик деб билгай", деб ёзади Унсуралмаолий Кайковус.

Аҳли футувва, ёки жавонмардлар *– IX-XV асрларда ислом минтақасида кенг тарқалган ижтимоий-маънавий оқим намояндалари, асосан шаҳар косиб-ҳунармандларидан иборат бўлиб, пири комил раҳбарлигида ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолот сари интилишни ҳалол ризқ топиш ҳаракати билан уйғунликда олиб борган юксак маънавиятли шахслар жамоаси. Навоийнинг устози Паҳлавон Муҳаммад XV аср Ҳирот жавонмардларининг пири бўлган.*

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват" асарида тилга олинган машойих ва авлиёнинг ҳаёт тарзидаги асосий хусусиятлардан аввали уларнинг ҳар бири бир касб билан машғул бўлиб, ҳалол меҳнатлари ҳисобига рўзғор тебратишларидир: Абу Саид Харроз - этикдўз, Муҳаммад Саккок - пичоқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод - темирчи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абулаббос Омилий - қассоб, Иброҳим Ожирий - ғишт қуювчи, яна бирлари ҳаммол, бошқалари нажжор, ҳеч бўлмаса, ўтин ташувчи ва ҳоказо.[104]

Маънавият - ўзликни англашдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий маънавият тарихи миллатнинг ўзлигини англаш йўлидаги такомил босқичларидан иборат. Аввало инсон уруғ жамоаси, қабила даражасида, сўнг халқ, миллат даражасида ўзлигини англаб етди. Инсоният такомилидаги неча минг йиллар давом этган бу биринчи катта давр миллатимиз учун VI-VII асрларда Буюк турк хоқонлигининг ташкил топиши билан якунланди.

Кейинги давр миллатимизнинг ислом минтақа маданияти доирасида босиб ўтган такомил йўли бўлиб, VIII асрдан XVI аср бошларигача давом этди. Илоҳий китобларда аввал бошданоқ бутун инсоният, табиат ва коинотнинг яхлитлиги, бирлиги ҳақида хабар берилган бўлса ҳам, «ер юзидаги халифалар» аталмиш инсонлар умумбашарий миқёсда ўзаро бир-бирига нисбатини мукаммал англаб етиши учун не-не замонлар керак бўлди.

XIV-XV асрларга келиб тавҳид таълимотини тушуниш энг юксак босқичга кўтарилди. Шу асрда Европа христиан дунёси билан бизнинг минтақа орасида ҳам тарихий-сиёсий, ҳам руҳий-маънавий яқинлашув кузатилади. Сиёсий жиҳатдан бу ҳодиса Амир Темур давлатининг халқаро алоқаларида кўзга ташланса, маънавий жиҳатдан Шарқда Алишер Навоий, Ғарбда Пико делла Мирандола (1463-1494) каби буюк сиймолар ижодида ёрқин намоён бўлди.

Шу жиҳатдан Алишер Навоий ижодий камолотининг учинчи, энг юксак босқичи ҳақида яна бироз тўхташга тўғри келади. 1497 йилда темурийзода ўсмир, 14 ёшли Мўъмин Мирзо хоинона қатл этилди. Бу ҳодиса VIII-XV асрларда минтақа миқёсида эришилган буюк маънавий камолот билан сиёсий ҳаёт соҳасидаги ҳануз сақланиб келаётган хурофий анъаналар орасида борган сари чуқурлашиб бораётган зиддиятнинг ҳалокатли тус ола бошлаганига яна бир жиддий ишора бўлди.

Мастлик ғафлатида ўз севимли набираси қатлига имзо чеккан Султон Ҳусайн дину имон нималигини билмаган жоҳил ва мутакаббир, худбин ва мустабид шахс эмас, балки Форобий ва Юсуф Хос Ҳожиб тавсиф этган маърифатли ҳукмдор, Навоий орзусидаги дарвеш-шоҳ тимсоли эди.

Бу фожиа ортидаги теран моҳиятни бутун кўлами билан Алишер Навоий тушуниб етди. Навоийнинг васиятномаси ҳисобланувчи сўнгги уч асари: «Лисон ут тайр» (1498), «Муҳокамат ул -луғатайн» (1499) ва «Маҳбуб ул-қулуб»(1500) ўз мазмун-моҳияти билан, бир жиҳатдан,VIII-XV асрлар ислом минтақа маънавияти такомилига якун ясаса, иккинчи жиҳатдан, ҳам миллатимиз, ҳам умумбашарият маънавий такомилида учинчи - Янги даврни бошлаб беради. Алоҳида жиддий таҳлил талаб қилувчи бу масалани ҳар томонлама ёритишга интилмаган ҳолда бир неча муҳим нуқталарига тўхталиб ўтамиз.

Алишер Навоий бутун ижодида салафлар анъанасига таянди. Аммо ушбу анъаналар чегарасида турган ҳолда уларга ўз ижодида шундай назму

[104] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами.15-жилд, с. 68

www.ziyouz.com kutubxonasi

тартиб бахш этдики, бунинг натижасида мутлақо янги моҳиятлар кашф этилди. Биринчидан, «Лисон ут-тайр»да «мажоз тариқи» воситасида инсониятнинг яхлитлиги ва буни англаб етиш ҳар бир инсоннинг маънавий камолот сари чексиз интилиши орқали юз бериши мумкин эканлиги яна бир карра таъкидланди. Шу билан бирга башарият миқёсидаги мукаммал ижтимоий тизим шаклланиши ундаги ҳар бир шахснинг маънавий баркамоллиги билан боғлиқ эканлиги, бу баркамоллик башариятнинг ҳар бир аъзосига (узвига) нисбатан беғараз ва самимий **меҳр масъулияти** билан ўлчаниши ёрқин тимсолларда очилди. Айниқса, Шайх Санъон қиссасида бу ғоя муҳим ва муайян бир муаммони - ҳар иккиси ҳам «аҳли китоб» бўлмиш ислом ва христиан дунёси кишиларининг ўз ички руҳиятидаги турли хурофотларни енгиб ўтиб, беғараз ва фидойи меҳр асосида ўзаро яқинлашувлари мумкинлигини кўрсатиш билан ифодаланди. Энди инсониятнинг яхлит моҳият сифатида бирлашуви зўрлик ва босқин асосида эмас, ўзаро меҳр ва бир-бирини тушунишга интилиш, ҳар бир шахснинг маънавий камолоти орқали эришиладиган воқелик экани - Янги даврнинг бу буюк ҳақиқати - 500 йил илгари шундай башорат этилди.

Иккинчидан, «Муҳокамат ул- луғатайн»да Алишер Навоий давр тақозоси билан минтақа бўйлаб сочилиб кетган туркий қавм вакилларининг яхлит маънавий қиёфасини тугал сақлаб қолиш йўлидаги баракали фаолиятига назарий якун ясади. Амир Темур яратган сиёсий-ҳудудий яхлитлик охирги уриниш эканлигини дилдан сезган улуғ шоир Янги давр шароитида маънавий умумийликка интилиш хайрли эканлигини англаб етди ва шуни аниқ назарий асослади.

Учинчидан, «Маҳбуб ул-қулуб»да ўша давр жамиятидаги турли тоифалар ўз салбий ва ижобий хислатлари билан тўлиқ таъриф этилиб, уларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлат тизимида қандай ўзига хос вазифа эгаси эканликлари тушунтирилди. Бу жиҳатдан, Алишер Навоий Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк ва бошқаларнинг сиёсий-ижтимоий қарашларини ижодий ривожлантирди. Агар «Қутадғу билиг» муаллифи биринчи ўринга «хос аҳли»нинг тўрт етакчи намояндаси –**элик,** яъни ҳукмдор (**Кунтуғди** - адолат тимсоли), **вазир** (**Ойтўлди** - бахт, давлат тимсоли), унинг ўғли ва ўринбосари (**Ўгдулмиш** - ақл, билим тимсоли) ва **зоҳид** (**Ўзғурмиш**- қаноат тимсоли)ни чиқариб, қолган ижтимоий тоифаларни уларга тобе тарзда тасвирлаган бўлса, Алишер Навоий 40 бобда барча тоифаларга тенг ўрин ажратибгина қолмай, асосий моддий бойлик яратувчи куч - **деҳқонлар** ва маънавият аҳли - зиёлилар тимсоли - **дарвешлар**ни алоҳида меҳр билан тасвирлади. Яна алоҳида қисмларда энг муҳим ижтимоий-ахлоқий хислатлар моҳияти ва шахс тарбиясига оид ибратли танбеҳлар жой олди. «Маҳбуб ул-қулуб» мундарижаси, «Лисон ут-тайр» достонидаги ижтимоий-сиёсий талқин қатлами билан биргаликда, янгича ижтимоий тизим - **фуқаролик жамияти** маънавий талабларига ишора этувчи илк куртаклардан бўлиб чиқди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий «васиятномаси» Янги давр маънавиятининг ўзак томирларни ўзига хос бадиий ва илмий шаклларда илк

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор изчил ифода этиш билан ислом минтақа маънавияти ва Янги давр ўртасида мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилди.

Алишер Навоий ижодининг бу «кўприк»лик хусусияти яхлит олганда шоир илмий изоҳлаб берган **«мажоз тариқи»** тушунчасида мукаммал ифодасини топди. Биринчи навбатда бадиий ижод сифатида мужассамлашган бу тушунча моҳият жиҳатидан бадиий тафаккур доираси билан чекланмас, балки «Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа» (Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир) ҳадисига таянувчи алоҳида дунёқараш тизими сифатида инсон ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқли эди. «Мажоз тариқи» намояндалари Ҳақиқат асрорини мажоздан изладилар, «мажоз»да Ҳақиқат изларини кўрдилар ва фано орқали бақога интилдилар. «Мажоз тариқи»да Тавҳид моҳияти Янги давр қадриятларига мувофиқ келувчи янгича талқин олди. Бу оламшумул кашфиёт эди.

Сунна **ибрат** орқали эътиқод бўлиб, Борлиқнинг ягона Олий Ҳақиқати мавжудлигини тан олиш ва унга чин дилдан эътиқод қилишни тақозо этган, маърифатчилик - инсоният англаб етган барча мавжуд билимлар моҳиятан Тавҳид эътиқодига мувофиқ эканлигини **илм** ва мантиқий таҳлил воситасида исбот қилишга қаратилган, Ирфон Ҳақиқат ишқи алангасига тик кириб бориб, нафсни худбинлик зангидан поклаш ва шу орқали шахснинг Олий Ҳақиқатга дахлдорлигини амалда таъминлаш йўли сифатида ўзини кўрсатган бўлса, «Мажоз тариқи» Ҳақиқат изловчиларни яна бақодан фанога юзлантирди. Ўзлигини англаб етганлар энди ўзгаларни англашга интилиб, ўз қалбига сайқал бериб, унда Ҳақиқат нурининг акс этишига эришганлар. Энди ўзгалар қалбига зиё бахш этишни ҳаёт мазмунига айлантирмоқлари асосий мақсад йўналиши қилиб белгиланди. Навоий ақидасига биноан **етакчи қоида «нафърасонлик»**, инсон кўнглини англаб етиш ва инсонни меҳр воситасида тарбиялаш эди.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.105

Яъни, бу фоний дунёда бир кўнгли ўксик инсонга шодлик бағишлаш Аллоҳ Каъбасини, бузилиб кетган бўлса, қайтадан обод қилишга тенгдир. Орифлар кўнгил Каъбасини тошдан тикланган Каъбадан улуғ билдилар. Чунки Иброҳим ва ўғли кўнгилларида нурланган Ҳақ ишқи туфайли Каъба қайта тикланди. Тош Каъба тавҳид эътиқодининг тимсоли бўлса, кўнгил Каъбаси унинг асл макони этиб мўлжалланган. Аммо инсон кўнглини обод этиш осон юмуш эмас. Бунинг учун фоний дунё қонуниятларини янгидан кашф этмоқ керак. Энди фақат Борлиқнинг асл моҳиятини излаш кифоя қилмайди. **Фоний дунё унсурларини сурат ва маъни яхлитлигида тадқиқ ва таҳлил этиш талаб этилади.** Илоҳий китоблар Борлиқнинг асл моҳияти ва **Тавҳид Ҳақиқати**дан хабар беришади. Фоний дунё унсурларининг тадқиқи эса инсонларнинг ўз вазифаси доирасидадир. Фақат дилда **Ҳақиқат**

105 Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний, 3-жилд. Т., 1960, с.621

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишқи билан ҳалол ва холис ёндошув лозим. Ҳалоллик ва холислик бўлмаса, ҳақиқат юзага чиқмайди. Инсон йўлдан озади ва ўзгани ҳам ҳалокатга элтиши мумкин. Холисликнинг асосий шарти кибр балосидан истиғфор этишдир. Кўнгилда **Ҳақиқат**дан ўзга зарра ғубор ҳам бўлмасин. Аммо Ҳақиқат фақат менинг кўнглимда, деб ўйлаган инсон ҳам янглишади. Аҳли башар барчаси Аллоҳнинг халифаларидир. Демак, Ҳақ ягона, аммо унинг турли қирралари турли кўнгилларда қарор топиши мумкин. Агар ушбу асосни сиёсатга татбиқ этсак, ер юзида давлат ҳокимиятининг ҳам ягона манбаи **умумхалқ иродаси** бўлиб чиқади.

Янги даврнинг моҳияти ушбу икки асос - **дунёни сурат ва маъни яхлитлигида ўрганиш ва баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш** билан ўзлигини намоён этади. Бу икки асос бир-бири билан узвий чатишиб кетган.

Янги давр маърифатчилиги хос ва авом орасидан чегарани олиб ташлашга қаратилди. Бунинг, албатта, ўзига яраша хавфи ҳам йўқ эмас эди. Навоийнинг деҳқонларга берган баҳоси, ижтимоий тоифалар ҳақидаги мулоҳазалари ушбу муаммони тўғри ҳал қилишнинг, назаримизда, энг мақбул йўли эди.

Фоний дунёни сурат ва маъни бирлигида тадқиқ этиш ижтимоий воқелик тадқиқини ҳам тақозо этади. Бу ҳаракат ислом дунёсида Форобийлар давридан бошланган бўлиб, Ибн Халдун ижодида ўз чўққисига эришди. Бу улуғ тарихчи-файласуф тақводор ва художўй киши эди. Унинг ижтимоий-сиёсий тараққиётга оид қарашлари инсониятнинг **ибтидоий жамоа** тузуми даражасидан **шаҳар жамоаси** тузуми даражасига қараб юксалиши ва бу икки ижтимоий тузум босқичларининг ўзаро қиёси асосига қурилган эди.

Тавҳид ҳақиқати *- тимсол-тушунча сифатида миллий маънавиятимиз тарихий такомилида турли замон ва турли соҳа намояндалари томонидан турлича талқин этилган. Масалан, (Сунна босқичига хос)* ***диний талқини*** *– фақат Аллоҳнинг ягона маъбуд (сиғинишга лойиқ ягона зот) эканлиги, (Ислом маърифатчилиги босқичига хос)* ***илмий талқини*** *дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлиги, (Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичига хос)* ***тасаввуфий (ирфоний) талқини*** *- ҳақиқий (боқий) Борлиқ фақат Ҳақнинг Борлиғи эканлиги, (“Мажоз тариқи” босқичида шаклланган)* ***муттоз адабиётимиз намояндалари ижодида акс этган қараш*** *- ҳақиқий Борлиқ - Ҳақнинг Борлиғи, бу дунё – яъни биз кўриб турган моддий олам эса Ҳақнинг мазҳари (кўзгуда намоён бўлиши), аммо биз инсонлар ҳам ушбу кўзгудан (мажоз оламидан) ташқарида эмасмиз, шундай экан, биз асосий эътиборни Ҳақ жамоли акс этувчи кўзгу бўлмиш инсон қалбига қаратишимиз, инсонга меҳр қўйишимиз, қолаверса, Аллоҳ яратган моддий оламнинг ҳар бир заррасига меҳр ва эътибор билан қарашимиз, жиддий ўрганишимиз, ижтимоий ҳаётимизни ҳам маънавий қадриятларга таянган ҳолда такомиллаштириб боришимиз лозим.* ***Шундай қилиб, “Мажоз тариқи”да Тавҳид моҳияти Янги давр қадриятларига мувофиқ келувчи янгича талқин олди.*** *Албатта, санаб ўтилган талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, миллий маънавиятимизда улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб келадилар.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳоуддин Нақшбанднинг «дил ба ёру даст ба кор» қоидаси, Ибн Халдуннинг тарихий тараққиёт ҳақидаги назарияси XIV асрда Амир Хусрав ва Ҳофиз Шерозийлар шеърияти билан бир пайтда шаклланди ва улар барчаси ўзаро уйғунлик касб этди. Шу даврда ҳукмронлик қилган Темур ўзини шоҳ ёки султон атамади, ўлгунича бошқа амирлар қатори Амир Темур бўлиб қолди. XV аср маънавият замони, Хожа Аҳрор ва Алишер Навоийлар замони бўлди.

Аммо, афсус, на сарбадорлар, на темурий мирзолар Янги давр давлатчилиги асосларини узил-кесил амалга тадбиқ эта билмадилар. Маънавиятда англаб етилган Ҳақиқат сиёсатга тўлиқ жорий этилмади. XV асрда Хожа Аҳрор ва Алишер Навоийлар ижтимоий мўътадилликни сақлаб туришга астойдил интилган бўлсалар ҳам, XV аср иккинчи ярмида Шоҳруҳ ва Улуғбек мирзолар ҳукмдорлик давридан кейин бошланган сиёсий парокандалик жараёни борган сари кучайиб борди. На Султон Ҳусайн, на Бобур бу жараённи тўхтатиб қола билмадилар.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БАДИИЯТ ОЛАМИ

1. Алишер Навоий ўз ижодида **Низомий** ва **Амир Хусрав**, **Аттор** ва **Фахриддин Ироқий** яратган бадиий ва ирфоний оламлар ёғдусидан баҳраманд бўлди. **Саъдий, Ҳофиз, Анварий, Хоқоний** каби ўнлаб форс мумтоз адабиёти вакилларининг ғазал ва қасидаларига татаббу-жавоблар ёзди. Ва ўз мустақил бадиий оламини яратди. Бу олам туркий шеърият оламига тааллуқли эди. Туркий адабиёт вакиллари эса азалдан ижтимоий-ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор бериб келадилар. **Йўллиғ Тигин, Тўнюқуқ (**VII-VIIIасрлар), **Адиб Аҳмад** (VIII-IX асрлар), **Юсуф Хос Ҳожиб** (XI аср), **Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний** (XII аср), **Қул Али** (XII - XIII асрлар), **Юнус Эмро** (XIII аср), **Рабғузий** (XIV аср) каби буюк сиймоларни етиштирган **туркий тилдаги адабиёт** XIV асрдан бошлаб янада гуркираб ривожланди. Бу тилда минтақа бўйлаб турли **адабий мактаблар** шакллана бошлади. **Хоразм** (**Хоразмий** “Муҳаббатнома”си, **Қутбнинг** “Хусрав ва Ширин”и**, Сайфи Сароийнинг** “Гулистон бит-туркий”си), **Озарбайжон** (**Насимий), Шероз (Ҳофиз Хоразмий), Самарқанд (Саккокий), Ҳирот (Саййид Қосимий, Хайдар Хоразмий, Атоий, Гадоий, Юсуф Амирий, Яқиний, Лутфий) адабий мактабларида** ижод этган ўнлаб забардаст ғазалнавис ва достоннавис шоирлар ўзларидан салмоқли бадиий мерос қолдиришди. Уларнинг аксарияти Навоий таърифлаган **“мажоз тариқига”** мансуб ижодкорлар эди.

Алишер Навоий ҳам устозлар изидан бориб, **“ҳақиқат асрори”**ни (сирларини) **“мажоз”**дан излади. **Навоий ғазаллари, таржъебандлари, қитъалари, “Хамса” достонлари ва, айниқса, “Лисон ут-тайр” асарида “мажозий ишқни” Ҳақиқатга етишишнинг асосий йўли деб талқин этган.** Ишқни ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган шоир **одамийлик**ни ўзгалар ғамини ўзиникидек билишда деб тушунади:

Одаме эрсанг демагил одаме -
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами[106].

[106] “Ҳайратул аброр” , 13-мақолат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир инсонларни **“нафрасон”,** яъни ўзгаларга, халққа фойдаси тегадиган шахс бўлишга даъват этади, инсоннинг бу дунёда яшашдан асл мақсади ўзга инсонларга, эл-юртга фойдаси, нафи тегишда деб билади.

2. Навоийнинг бош қаҳрамони - **Ошиқ инсон.** Аммо бу қандай ошиқлик?

Шоир бадиий камолотининг **биринчи босқичи** 1470 йиллардан кейин унинг ўз қўли билан тартиб берган биринчи девони **“Бадойиъ ул-бидоя”**да ўз аксини топган. Шу мажмуадан икки асарни: 1) девонни бошлаб берувчи **“Ашрақат”** ғазали ва 2) девон таркибидаги **“Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...”** деб бошланувчи таржиъбандни ўзаро қиёсий таҳлил қилиб кўрилса, уларда ишлатилган бош тимсоллар - **“май”, “жом”** ва **“синғон сафол”** мажозлари орқали бу давр **шоир ижодининг асос тамойили** ёрқин намоён бўлади.

Асл мақсад изҳорига ўтишдан аввал шуни қайд этиб ўтиш лозимки, Алишер Навоий ишлатган ҳар бир сўз, ҳар бир бадиий тимсол шоир хаёлотининг оддийгина маҳсули эмас. Уларнниг ҳар бирида илоҳий китоб – Қуръони карим оятларига ишоралар, ирфоний рамзлар яширинган ва уларни чуқур англамай, асл манбаани кашф этмай туриб, Навоий сатрларининг мазмун-моҳиятига кириб бориш қийин. Масалан, “Ашрақат” ғазалининг охирги байти-мақтасида арабча “Ишрабу ё айюҳал-атшон” (“Ичинглар, эй ташналар”) ибораси ишлатилган. Ушбу иборада Қуръони карим “Бақара” сурасининг 60-ояти мазмунига ишора бор[107]. Яна ушбу шеърда учрайдиган “синғон сафол” тимсоли Қуръони каримнинг “ар-Раҳмон” сураси 14-оятида Аллоҳнинг яратувчилик қудрати ифода этилган “Халақа-л-инсана мин салсолин ка-л-фаххор” (У инсонни сопол янглиғ қуруқ лойдан яратди)[108] жумласига таяниб шакллантирилган, дейиш мумкин. Таржеъбанднинг илк сатридаги “субҳи аласт” ибораси эса “Аъроф” сурасининг 172-оятида айтилган “Аласту би-Роббикум? Қолу: Бало...”[109] жумлалари асосида пайдо бўлган. Оятнинг тўлиқ мазмуни Абдулазиз Мансур тафсирида шундай берилган: “Роббимиз одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзига гувоҳ қилиб туриб, “Мен Роббингиз эмасманми?” (деди). (Улар) “Йўғе! (Роббимизсан!) Гувоҳлик бердик”, дедилар”. Башариятнинг яратилиш тонгида бўлиб ўтган бу муқаддас аҳд Исломда “ал-Мийсоқ” (аҳдлашув) атамаси билан машҳурдир.

Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгил эрди маст -

деб шеърини бошлар экан, шоир қандай “май”га ишора қилаётганини “субҳи аласт” иборасининг маъноси ва манбаасидан бехабар одам, албатта, тўғри тушуниб етишга қодир бўлмайди.

Аллоҳ таоло башарият отаси Одам жисмини сафол янглиғ лойдан яратиб, унга ўз руҳидан пуфлади.[110] Шундай қилиб, жисман моддий, аммо маънавий камолот қудратига эга бўлган инсон пайдо бўлди.

Одам ва Ҳавво жаннатдан чиқарилгач, уларнинг зурриётлари бўлмиш башарият аҳли бутун ер юзига тарқалиб кетди. Айни шу ҳолатни Алишер Навоий ўз таржебандининг биринчи бандида рамзий равишда “май” тўла кўзанинг синиб, беҳисоб “синғон сафол” бўлакларига айланиши сифатида тасвирлайди. Шеърнинг ҳар бир банди чуқур мажозий мазмунни ўзида акс эттирувчи қуйидаги байт билан якунланади:

Харобат аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

“Харобот” тимсоли мумтоз адабиётимизда жуда кўп маъноларга эга. У ҳам **вайрона**, ҳам **майхона**, ҳам **муғ дайри**, яъни оташпарастлар ибодатхонаси, ҳам бу **фоний**

---

[107] Қуръони карим маъноларининготаржимаси. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур). Т., 2001,с. 9.

[108] Ўша китоб, с. 531.

[109] Ўша китоб, с. 173.

[110] Ўша китоб, “Ҳижр” сураси, 28-29-оятлар, с. 263.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дунё - асли барчаси бир нарса – харобот. Шоир май истайди, аммо май тўла кўза чил-чил бўлган, унинг қўлида фақат бир парча "***синган сафол"*** қолган.

Аммо ҳақиқий **ошиқ** учун май кўзасининг синиғи - **сопол парча** юзида сақланган **бир қултум май қуйқаси** (лойи) ҳам бутун жаҳонни (балки коинотни) ўзида акс эттира олувчи **ваҳдат майи** тўла қадаҳ (жом) ўрнига ўтаверади, ўша вазифани ижро қилаверади.

Бу нима дегани?

Борлиқ моҳияти воҳид ва ягона. Аммо инсон ушбу ягона моҳиятни кўз билан кўра олмайди, инсон фақат унинг **мажози**ни - кўзгудаги аксини кўришга қодир. Мажозда, яъни табиат, воқелик кўзгусида тасвир парчаланиб кетган, ваҳдат (ягоналик) зоҳиран касрат (кўплик)га айланган, шу сабабли бу воқеий дунё хароботдир, вайронадир, бутпарастлар ибодатхонасидир, уни ошиқ майхона сифатида кўради, ҳар санамда ягона бир санамни кўриб унга ошиқ бўлади.

Инсон кўнгли ваҳдат майи билан тўла бўлган кўза (сабу)нинг синган бир парчаси, унда бир қултум лойқа аралаш май мавжуд. Ваҳдат майига ташна ошиқ шу май қуйқасини яхшилаб тинитмоғи лозим, шундагина у яхлит кўзгунинг бир парчаси сингари Ҳақиқат нурини ўзида акс эттира бошлайди. Ошиқ унга боқиб маст бўлади, ўзлигини йўқотиб, абадиятга дахлдор бўлиш имконини пайдо қилади. Бундай ошиқлик-мастлик инсон кўнглидан ҳирсу ҳавас зангини, худбинлик (эгоизм) зангини (ранжини, ғамини) ювиб ташлайди. Ғайр (бегона) шу худбинликдир, ширк шу худбинликка дилдан жой беришдир, кўнгил кўзгусини босган занг ҳам ушбу худбинликнинг ўзидир.

Бу тимсол ва тасвирлар **нақшбандия ирфони** доирасидан туриб илгари интилаётган **ошиқ-шоир** қалбида туғилиб келаётган **мажоз тариқи унсурларидир**. Улар келгусида янги пояларга кўтарилиш учун қўйилган илк қадамлардир. 15 ёшида кекса Лутфийни ҳайратга солган илоҳий истеъдод шу тариқа янги уфқларга кўз тикмоқда эди.

3. Буюк бобоколонимиз ўзи тузган биринчи девони "Бадойиъ ул-бидоя" биланоқ туркий тилдаги шеъриятни араб ва форс мумтоз адабиётининг энг пешқадам намуналари даражасига олиб чиқди. Аммо бундай қараганда, бу ишлар барчаси "Хамса"нинг дебочаси эди, холос. Назаримизда, агар туркий "Хамса" ёзилмаса, нафақат бизнинг, яъни туркий халқларнинг адабиёти, маънавияти, балки бутун ислом минтақа маънавияти бугунги яхлитлиги, бугунги тугаллигига эга бўлмас эди. Шундай экан, Навоий ижодий такомили **иккинчи босқичи**нинг таянч устуни - шоирнинг шоҳ асари **"Хамса"** десак, янглишмаймиз. 1483-1485 йиллар ичида ёзиб тугалланган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади.

Ислом маънавияти намоёндалари ўз ижодларида салафларини инкор этиш, илгари батамом кўрилмаган янгилик яратишга интилиш эмас, балки устозлар яратган маънавий бойликни янада такомиллаштириш, унга янги жило бериш, улар излаган яхлит ва буюк Ҳақиқатнинг янги ва тоза қирраларини кашф этиш, мазмуний бойитиш йўлидан борганлар. Бу том маъноси билан муқаддас анъана бўлиб, исломнинг илоҳий китоби "Қуръони карим"дан сарчашма олади. Деҳлавий "Хамса"си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг янгича талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шуҳратини оламга ёйди. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган "хамсачилик" анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида кутаётган эди ва бу қутлуғ интизорлик бениҳоя эзгу самара берди. ***Низомий, Амир Хусрав, Алишер Навоий руҳиятлари "Хамса"нинг маънавият майдонида бирлашиб, ягона иқлим, ягона моҳият касб этдилар. Ушбу ягона моҳият бутун ислом минтақа маънавиятининг энг буюк чўққисидир.***

Шоир ўзи достонларини "зоҳир юзидан афсона" деган эди. Афсус, яқин кунларгача XX аср авлодига "Хамса" достонлари ушбу "афсона" даражасида, юзаки талқин этилиб, тушунтириб келинди. Бугунги мустақиллик, ҳурлик замонида энди маънавиятимизнинг асл моҳияти ҳақида очиқ-ойдин гапириш, фикр юритиш имконияти мавжуд экан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

муаммолар моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, теран таҳлилга ўзимизни ҳам, ёш авлодни ҳам ўргатиб бориш айни фарздир. ***Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонининг муқаддима қисмида "Хамса"нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади.*** Бу бежиз эмас. "Хамса" достонлари ижтимоий ҳаётни, турли тоифаларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини уларнинг бутун ички дунёси ва руҳияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этган ҳолида, ундаги барча ботиний ришталар яна бориб Тавҳид эътиқодига уланади.

"Хамса" алоҳида бир олам. Ундаги нафақат ҳар бир достон, балки **ҳар бир боб беҳудуд бой мазмун ва моҳиятларни ўз ичига яширган ажиб тилсимдир.** Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб Жаброилдан: "Бу қандай макон?" деб сўрабдилар. Жавоб бўлибдики: "Эй, расулуллоҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур". Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, Низомий ўзининг биринчи достонини "Махзан ул-асрор", яъни (илоҳий) сирлар хазинаси, деб атаган эди. Устозлари сингари Навоий ҳам илк достони "Ҳайрат ул-аброр"ни илоҳий калом ибтидоси "***Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим"*** билан бошлайди ва ушбу сатрни шарҳлаш учун алоҳида бир боб бағишлайди. Комил инсон тарбияси ушбу бобдан - ундаги ажойиб ибратли тазод - "аҳли қабул" ва "аҳли рад" тушунчаларининг қиёсий изоҳларидан бошланади.

XV аср ижтимоий-маънавий ҳаётининг турли қирра ва жиҳатларини бутун ички мураккаблиги ва ўзаро қиёслари билан қамраб ола билган бу достоннинг биринчи мақолати **Имон** ҳақида бўлса, иккинчиси **Ислом** ҳақида. Навоийнинг масалаларга ёндошуви ҳатто устози ва замондоши Абдураҳмон Жомий қарашларидан ҳам маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, Жомий ўз бадиий ижодида диний ақидалар ва тасаввуф қоидалари таърифига атрофлича ўрин ажратган бўлиб, унинг "Ҳафт авранг" ("Етти тахт") туркумидаги "Туҳфат ул-аҳрор" ва "Субҳат ул- аброр" достонларида намоз, рўза, закот, ҳаж, узлат, тавба, зуҳд, фақр, ҳавфу ижо, таваккул каби турли исломий ва ирфоний тушунчалар шарҳига алоҳида боблар бағишланган. Навоийнинг бу борадаги мулоҳазаларидан намуна сифатида Ислом ҳақидаги боб охирида берилган ҳикоят мазмунига эътибор қаратайлик. Унда машҳур суфий шайхи "Иброҳим Адҳамнинг Каъбаға намоз била борғони ва Робияи Адавияға Каъбанинг ниёз била келгони" ривоят этилади. Зоҳидликни ихтиёр этган шайх ҳар қадамида икки ракаат намоз ўқиб, 14 йил риёзат чекиб, Макка шаҳрига етиб келиб қараса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Шайхнинг "Эй, Аллоҳ," деб ҳайрат билан қилган нидосига ғойибдан Каъба Робияи Адавияни тавоф қилиш учун кетганлиги ҳақида жавоб бўлади.[111] Робия эса тасаввуфда ишқ йўлини танлаган суфий аёл эди. Навоий ислом ва тасаввуфда зуҳд мақомидан **ишқ мартабасини** шу даража юксак қўяди.

Иккинчи достон "Фарҳод ва Ширин"ни олайлик. Низомий ва Деҳлавий асарларида асосан тарихий шахс Хусрав Парвиз атрофида суҳбат юритилган, Низомий шаҳзода ва шоҳ тимсолида оддий инсонни тасаввур қилиб, унинг тантиқлиги, айбу қусурлари самимий ишқи туфайли аста-секин барҳам топиб, оқила Ширин таъсирида Хусравнинг камолот ва фозиллик касб эта борганлигини ибрат қилиб кўрсатишни ният этган бўлса, Деҳлавий ижтимоий мавқе ва муҳитнинг шахс маънавий қиёфаси ва хатти -ҳаракатига таъсирини очиб берган эди. Навоий, салафлари тажрибасидан тегишли хулосалар чиқариб, шоҳ Хусравни буткул салбий тимсол сифатида талқин этди ва олдинги достонларда идеал ошиқ, аммо иккинчи даражали қаҳрамон мавқеида турган Фарҳодга асосий диққатни қаратди. Ушбу ўзгаришнинг бош сабаби, Чин шаҳзодасининг маънавиятидаги етакчи фазилат - унинг ўзлиги (шаҳзодалиги ва отаси Хоқон мулкига

[111] Ўша китоб, с. 118-120

www.ziyouz.com kutubxonasi

ворислиги)дан буткул воз кечиб, пок ошиқлик ва элга наф етказиш йўлини тутганлиги (тошкесар ва наққошлик ҳунарини касб қилиб олганлиги)дир.

Достон Фарҳоднинг арман маликаси Ширин ишқида бошдан кечирган саргузаштлари баёнидан иборат эмас. Навоий инсоннинг, миллатнинг, башариятнинг маънавий камолоти ҳақида қайғуради. Шаҳзоданинг дилда ишқ билан туғилиши, унинг Хоқон мулкини қабул қилиб олишдан илгари сирли сандиқ ва ундаги кўзгу тилсимини ечиш қасдида Юнон сафарига йўл олиши, бу йўлда аввал аждаҳони, сўнг Ахриманни, охири темир танли камон отувчини енгиб, донишманд Суқрот билан учрашувга муваффақ бўлиши - бу афсонавий тасвирлар ортида башариятнинг, инсоннинг, айниқса, туркий элатнинг, ўз моҳиятини англаб етиш йўлидаги камолот босқичларини бир-бир босиб ўтиши бадиий-мажозий тасвир этилган.

Сирли кўзгуда Фарҳод Ширинни эмас, аввало ўз тақдирини кўради. Аждаҳо ибтидоий жамоа кишисининг асотир (мифологик) тафаккурида жоҳиллик ва ёввойиликни, Ахриман Авесто маънавиятида зулмат, ёлғончи кучлар тимсолини, камон отувчи темир одам эса қабилалар аро, элатлар аро аёвсиз нифоқлар даври - худбин ва бешафқат талончиларининг мажозий қиёфасини эслатади. Аждодларимиз ўз руҳиятларидаги шундай қаттол ёвларни енгиб, Суқрот қиёфасидаги исломгача башарият эришган илм ва ҳикматни эгаллаб, IX-XV аср ислом маънавиятига етиб келдилар. "Хамса" достонларида бунингдек ботиний маъно қабатлари ихлос билан, салафлар ижодига қиёс билан изланса, чексиз топилади.

"Лайли ва Мажнун" афсонаси форс ва туркий тилларда ўнлаб достонларга мавзу бўлган. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор маъно қатламларини ифшо этади. Бу достоннинг энг асосий хислати - Мажнун ҳам, Лайли ҳам тенг ошиқ, тенг маъшуқ. Бу достон икки ошиқ Инсоннинг ҳақиқий ишқни англаб етмаганлар орасидаги фожеъ ҳолати тасвирига бағишланган дейиш мумкин.

"Сабъаи сайёра" Инсоннинг ҳаёт ва хаёл дунёсидаги чексиз адашувларининг мажозий тасвиридан иборат. Бунда яна "аҳли қабул" ва "аҳли рад" орасидаги тазод (зиддият) биринчи ўринга чиқади. Муқбил ва Мудбир, Суҳайл ва Жобир, Жуна ва Жайсур, Маъсуд ва Маллу тимсоллари ушбу икки гуруҳга мансуб бўлиб, ҳаёт синовларидан қандай ўтишига қараб, "аҳли қабул" саодатга, "аҳли рад" эса қилмишларига яраша жазога эришадилар. Ички қиссаларидаги бу тимсоллар асар бош қаҳрамони Баҳромшоҳ учун ҳам ибрат сифатида келтирилади. Аммо ҳукмдор ўз хирсу ҳавасларини жиловлаб ола билмаганлиги, бегуноҳ жонзотлар қонини аёвсиз тўкканлиги касофатидан ўзи ҳам ер ютиб ҳалок бўлади.

Буюк жаҳонгир тақдири ҳақидаги охирги "Садди Искандарий" (Искандар девори) достони шаклан маълум даражада "Хамса" нинг биринчи достонини эслатади. Унда ҳам ҳар бобда турли ижтимоий-ахлоқий мавзудаги фалсафий мулоҳазалар, ибратли кичик ҳикоят ва ҳикмат-хулоса берилади. Орада Искандар ҳаётидан бир воқеа ҳикоя қилинади. Искандар тимсоли яқингача ҳам Е.Э. Бертельс талқинига биноан одил шоҳ тимсоли деб қабул қилиб келинди. Фақат Азиз Қаюмов 1975 йилда нашр этилган ушбу мавзудаги махсус рисоласида Навоий қаҳрамони аслида мураккаб тимсол эканини, достонда Искандар қиёфаси тадрижий ўзгаришда очиб берилганини илмий исбот этди.[112] Юнон шаҳзодаси аввал шоҳликка ўзини ноқобил деб билган журъатсиз ва камтар ўсмир бўлса, ҳаёт ва фотиҳлик сиёсати тақозоси билан аста-секин ўзбилармон ва шафқатсиз истилочига айланиб боради ва фақат ўлими яқинлашганини сезгач, жоҳ ва кибр йўлидаги бутун уринишлари сароб эканлигини англаб етиб, кўзи очилади.

"Хамса"да **мажозий ишқ** тасвирланади, инсоннинг инсонга муносабатидан, яъни ахлоқий муносабатларидан бошлаб, ҳукмдорнинг фуқароларга ва, умуман, ҳукмдорликка, тож-тахтга муносабати, ўз навбатида тож-тахтнинг, ҳукмдорлик мавқеининг инсонга таъсири, яъни инсонлар ҳаётига оид ижтимоий, ахлоқий муносабатлар мажмуи Тавҳид

[112] Қаюмов А. «Садди Искандарий». Т., 1975, с. 49-56

www.ziyouz.com kutubxonasi

эътиқоди нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. “Хамсанавислик” анъанаси ислом минтақа маънавияти такомилининг бадиий тафаккурдаги ўзига хос инъикоси бўлиб, шунга яраша муносабатни талаб қилади. Бу анъана тадқиқотчидан ҳам, оддий китобхондан ҳам ҳар бир достонннинг шакл ва мазмунига алоҳида эътибор талаб қилади, чунки бир мавзуда ёзилган ўнлаб достонлар диққат билан ўқилса, асло бир-бирини такрор этмагани, балки ўзаро ижодий баҳсда ёзилгани маълум бўлади. Шу сабабдан ҳар бир достонни ўқиганда ҳам унинг ушбу мавзу силсиласидаги ўрнига, ҳам ҳар бир шоир ижодий меросидаги мавқеига аҳамият қаратиш лозим. Шундагина унинг тамомила ўзига хослиги ва мазмун қамровини англаб етиш мумкин.

Ислом минтақа адабиётининг бу мураккаб хислати, унинг, масалан, Янги давр ғарб адабиётидан фарқи XX асрнинг 30-йилларидаёқ Е.Э. Бертельс томонидан Навоий ва Аттор, Низомий ва Деҳлавий ижодини қиёсий ўрганиш асосида илмий исботланган эди. “Хамса” дунёсида ижтимоий ҳаёт тасвири инсон маънавий такомили муаммолардан ажралмас, бир бутундир.

4. Навоий ўз ижодининг **учинчи, якуний босқичида Фаридиддин Аттор**нинг машҳур ирфоний-рамзий достони **“Мантиқ ут-тайр”**га жавобан охирги достони **«Лисон ут-тайр»**ни яратди ва унда улуғ суфий шоирнинг **ирфоний мажозларига** хиёнат қилмаган ҳолда уларга бир пайтнинг ўзида **ижтимоий жило** бахш этишга муяссар бўлди. Шу тарзда шоир ҳам мазмуний терапликда, ҳам шаклий мукаммалликда “**мажоз тариқи”**нинг энг авж нуқтасига кўтарилди.

Навоийнинг талқинлари тасаввуф адабиётининг ирфоний маъноларини инкор қилмаган ҳолда инсон маънавиятини ундан-да юксакроқ босқичга етаклайди. Аттор(1147-1229) асари яратилганда Ибн ал-Арабий (1165-1240) фалсафаси ҳали шуҳрат топмаган эди. Навоий эса Ибн ал-Арабий ирфонини Ироқий талқинида Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштириб, кейин қушлар тилида достон ёзишга киришди. Шу сабабли, айтиш мумкинки, ***Алишер Навоий асари зоҳиран Аттор асарига таянган бўлса, ботинан, мазмун моҳиятига кўра Ироқий қарашларини ривожлантирган.***

Аттордан илгари “Қуш рисоласи”ни яратган Ибн Сино, Аҳмад Ғаззолийлар асардаги бош тимсолни “Симурғ” эмас, “Анқо” деб номлаган эдилар. Аттор **“Симурғ”** тимсоли билан жуда чуқур мазмунга ишора қилди. Аммо барибир энг масъул ўринда:

Чун шумо си мурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чеҳел, панжоҳ мурғ ояд боз,
Пардаро аз хеш багушоянд боз.[113] -
(Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг.
Агар яна қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар) -

деб ўзи топган тимсол қувватини кесиб қўйди. Навоий ундай қилмайди. У **“си мурғ”** (форсча “**ўттиз қуш”** дегани) ва **Симурғ** (жаҳондаги барча қушларнинг афсонавий ҳукмдори) ни бир сўз сифатида бир хил жаранглашига қайта-қайта эътиборни жалб қилади.

Навоий талқинидаги Симурғ - бутун Инсониятнинг яхлитликда эришуви мумкин бўлган Олий такомил босқичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилмоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симурғ - бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи -Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш ("си мурғ")нинг бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка

[113] Ситтаи Фаридиддин Аттор(қўлёзма), 72 б-варақ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Минтақа маданиятида туркий шеъриятнинг ривожи.
2. Навоий ижодининг такомил босқичлари.
3. “Бадойиъ ул-бидоя”да тавҳид ғояси.
4. «Бадойиъ ул-бидоя»да «ваҳдат майи» ва «сингон сафол» тимсоллари.
5. Навоий асарларининг бош қаҳрамони.
5. Минтақа адабиётида хамсачилик анъаналари.
6. Алишер Навоий “Хамса”сининг моҳияти.
7. Алишер Навоий ижодида “аҳли рад” ва “аҳли қабул” тимсол-тушунчалари.
8. Фарҳоднинг Юнонга сафари.
9. «Хамса» достонларининг зоҳирий маънолари ва ботиний моҳиятлари.
10. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари. Навоий ижодида “дарвеш-шоҳ” тимсол тушунчаси.
11. Навоий ва Аттор. “Лисон ут-тайр” маънавияти.
12. «Лисон ут-тайр»да ирфоний ва ижтимоий ғоялар уйғунлиги.
13. “Лисон ут-тайр” да Симурғ тимсоли.
14. Алишер Навоий ижодида Янги давр маънавиятига пойдевор қўйилиши.
15. «Турк элини якқалам эттим».
16. Башариятнинг яхлит моҳиятини англаш.
17. Меҳр - ижтимоий ҳодиса сифатида.
18. «Маҳбуб ул-қулуб» ижтимоий тоифалар маънавияти ҳақида.
19. «Маҳбуб ул-қулуб»да деҳқон ва дарвеш.
20. “Аҳли футувва”.
21. «Мажоз тариқи»да Бақо ва фано нисбати.
22. Тавҳид моҳиятининг янгича талқини.

11-боб.
Ислом минтақа маданиятининг Европага таъсири. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври маънавияти.

1-фасл. Ислом минтақа маънавиятининг Европа маданиятига таъсири.

XV-XVI асрлар жаҳон тарихида Янги даврнинг бошланиши ҳисобланади. Шу даврдан Европа минтақасида маънавий янгиланишлар палласи бошланди. Асли бу янгиланиш ислом минтақа маданиятининг таъсиридан холи эмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ислом минтақа маданияти Волгабўйи, Шарқий Туркистон ва Индонезиядан то Шимолий Африка ва Испаниягача ёйилганлиги маълум. Испанияда араб халифалиги то XIV асргача давом этди. IX асрдан бошлаб ривож ола бошлаган араб-испан мусулмон маданияти XI-XIV асрларда Европа маданиятига айрича таъсир кўрсатди. Испания ва Шимолий Африка ҳудудларида Ибн Туфайл (вафоти 1185й), Ибн Рўшд (1126-1198) Ибн ал-Арабий (1165-1240), Ибн Халдун (1332-1406) каби ислом оламининг буюк алломалари етишиб чиқдики, уларнинг ижодий меросисиз минтақа маънавиятини мукаммал англаб бўлмайди.

XI асрдан бошлаб Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Ғаззолий ва бошқа улуғ ислом мутафаккирларининг асарлари лотин тилига таржима қилиниб, христиан маданияти ривожига ҳисса қўша бошлади. Шу даврдан эътиборан, ягона ислом минтақа маънавияти доирасида, икки тамойил шакллана борганлигини бир қатор ҳозирги замон шарқшунослари қайд этадилар. Бу тамойилларнинг биринчиси Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ бўлиб, Хуросон-Мовароуннаҳр ёки шарқий фалсафа мактаби ҳисобланса, иккинчиси Ибн Рўшд ижодида ёрқин намоён бўлувчи ғарбий фалсафа мактабидир. Бу икки тамойил ислом маънавияти доирасида ўзаро чамбарчас боғлиқ ва қатъий чегаралар билан бир-биридан ажралган эмас. Аммо уларнинг кейинги таъсир доираси турлича кечди. Мавжуд воқелик ҳамиша турли нарса ва ҳодисалар, жиҳатлар ва тамойиллардан иборат бўлиб, улар орасида ўзаро зиддият ҳам, уйғунлик ҳам мавжуд. Ибн Сино ва Ғаззолийлар кўпроқ тарафларининг ўзаро уйғунлигига урғу беришса, Ибн Рўшд орадаги фарқларга эътибор қаратди.

Унинг қарашлари XIII-XVI асрларда Европада «аверроизм» номи билан[114] катта бир фалсафий анъана ҳосил қилди. Ибн Рўшднинг Аристотель асарларига ёзган шарҳлари Франция, Италия ва бошқа Европа давлатларининг йирик университетларида ўқитилди. Араб тилидаги фалсафий мерос Сигер Брабантский (1235-1282), Пико делла Мирандола (1463-1494), Пьетро Помпонацци (1462-1525), Жордано Бруно(1548-1600) каби Ўрта асрлар ва Уйғониш даврининг йирик файласуфларига сезиларли таъсир кўрсатди. Сигер Брабантский Ибн Рўшд ғояларини Европанинг ўша давр ўзига хос маънавий муҳитига тадбиқ этиб, «икки ҳақиқат назарияси»ни ишлаб чиқди. Шу билан бирга араб фалсафаси таъсирида қадим Юнон-Рим мероси билан бевосита танишишга интилиш кучайди. Бу ҳаракат диний ва фалсафий қарашларнинг ўзаро жиддий тўқнашувига олиб келди ва натижада «аверроизм» намояндалари христиан черкови (Рим папаси) томонидан қаттиқ таъқибга дучор бўлди. Сигер Брабантский ўлдирилди. Жордано Бруно ўтда куйдирилди. Аммо янги кучлар қувват касб этиб борди. Неоплатонизмнинг араб-ислом маданиятидаги талқини таъсирида христиан диний қарашларида янгича ёндошувлар шаклланиб, XV асрда Реформация зарурати пайдо бўлди. Католик ва православ мазҳаблари қаторига протестантизмнинг турли оқимлари (калвинизм, лютеранлик, англикан черкови ва бошқалар) қўшилди.

[114] Ибн Рўшд номи лотинча таржималарда Аверроэс бўлиб жаранглаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиий ва фалсафий тафаккур мустақил ривож олиб, Ренессанс ёки Европа Уйғониши вужудга келди. XVII асрдан адабиётда классицизм йўналиши, XVIII асрдан эса Европа маърифатчилиги шаклланди. Нидерландия ва Буюк Британия буржуа инқилоблари Европадаги ижтимоий-маънавий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Америка кашф этилди. Шарққа юриш бошланди.

XIX-XX асрлар давомида фан ва маданият тараққиёти жиҳатидан Европа минтақаси бошқалардан узил-кесил илгарилаб кетди ва натижада «жаҳон фани», «умуминсоний қадриятлар» деганда биринчи навбатда Европа маданияти унсурлари тасаввур этила бошланди. Янги даврдаги бу минтақанинг ютуқлари кўп жиҳатдан маданий интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Бу даврда Европа халқлари (инглизлар, немислар, французлар ва ҳ.к.) минтақа миқёсидаги ўзаро маданий ахборот алмашинув доирасидан чиқиб, ўзга минтақаларда яралган бойликларни ўзлаштира бошладилар. Шарқшунослик кенг ривож олди. Турли фан соҳалари шарқшуносларнинг ютуқларидан ижодий фойдалана бошладилар. Ислом минтақасида эса XVI асрдан бошлаб маданий-маънавий яхлитликка раҳна солувчи жараёнлар юз бера бошлади.

Янги давр Европа маънавий муҳитига хос қарама-қаршиликлар кураши кейин ҳам давом этди. XVIII аср француз маърифатчилиги заминида шаклланган атеизм йўналиши Гельвеций (1715-1771), Гольбах(1723-1789), Дидро(1713-1784) қарашларидан немис мумтоз фалсафасига ўтиб, Фейербах (1804-1872) орқали Карл Маркс ва Ф. Энгельснинг муросасиз синфий кураш тарғибига қаратилган коммунистик утопияга олиб келди.

Ислом минтақа маънавиятида бундай зиддиятли ҳолат юз берган эмас. Алишер Навоий ва Мирзо Бедил талқинларидаги Тавҳид таълимоти маърифатчилик ва ирфон босқичларида баъзан кўзга ташланадиган зиддиятли ўринларни енгиб ўтиб, Олий уйғунликка эриша билди. Ислом минтақа маънавиятида «икки ҳақиқат» тазоди эмас, «айни ҳақиқатдир мажоз»,»ал-мажозу қантаратул ҳақиқа» (мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир), деган жумлаларда ўз ёркин аксини топган уйғунлик, «қарама-қаршиликлар кураши» эмас, «бирлиги» кўпроқ устунликни сақлади. Аммо бу мулоҳазаларни мутлақ ҳақиқат маъносида тушуниш ноўрин бўларди. Янги даврнинг ўзига хослиги шундаки, ички зиддиятлар баъзан жуда кескин юзага қалқиб чиқа бошлади.

2-фасл. XVI-XX асрлар миллий маънавиятимиз такомилининг икки босқичи.

XVI-XX асрлар миллий маънавиятимиз такомилини икки катта босқичга ажратиш мумкин. Улардан биринчиси - XVI-XVII асрларни қамраб олади. Бу босқичда яхлит ислом минтақа маданияти эришган ютуқлар заминида маҳаллий ўлкалар кенг халқ оммасининг маънавий савияси ошиб борди. Бу даврда минтақа сиёсий ҳаётида таназзул ва парчаланиш жараёни кундан-кунга, йилдан йилга кучайди. Шу билан бир пайтда минтақа халқлари ўтган даврда эришилган юксак маънавий қадриятларни сақлаб қолишга ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ривожлантиришга уриндилар. Шу сабабларга кўра бу жараённи **Янги давр маънавиятига ўтиш ёки ислом минтақа маданияти даври маънавий ютуқларининг оммалашуви босқичи,** деб аташ мумкин.

Иккинчи босқич - **миллий маънавиятимизнинг Янги давр Европа маданияти билан бевосита тўқнашуви**га оид бўлиб, бу жараён бошланишданоқ фожеъ бир тарзда - қадим Турон халқларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва 150 йиллик мустамлака ҳолатида мураккаб бир тарзда кечди.

Биринчи босқичга қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, XVI аср бошларида Эронда Сафавийлар сулоласи ҳокимиятга келиши билан шиа мазҳабининг давлат дини даражасигача кўтарилиши минтақани бир неча сиёсий-маданий қисмларга бўлиб юборди. Туркияда Усмонлилар сулоласи, Мовароуннаҳрда Шайбонийлар, Ҳиндистонда Бобурийлар (Буюк мўғуллар) ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Волгабўйлари Москва Руси томонидан босиб олина бошланди. XVI аср давомида Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг кўплаб таниқли ижодкор устоз ва алломалари Шимолий Ҳиндистонга, Бобурийлар саройига кўчиб ўтдилар. Ислом минтақа маданиятининг маркази Шимолий Ҳиндистон бўлиб қолди. Айниқса, шоҳ Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб даврларида (1556-1707) бу ҳудудда ислом минтақа маънавиятининг энг етук анъаналари маҳаллий ҳинд маданияти сарчашмаларидан ижодий озиқланиб, янада юксак чўққиларни забт этди. Бу маънавий юксалишнинг энг олий намунаси **Мирзо Абдуқодир Бедил** (1644-1721) ижоди бўлиб, ота-бобоси Шаҳрисабз ўзбекларидан бўлган бу буюк мутафаккир «Тилсими ҳайрат», «Тури маърифат», «Ирфон» каби бадиий-фалсафий асарларида «мажоз тариқи» руҳида акс этган Олий ҳақиқат сирларини янада теранроқ ифода этишга эришди. Шу сабабли бизнинг ўлкада XVIII-XIX асрлар мобайнида махсус «Бедилхон-лик» анжуманлари ташкил топди ва улуғ мутафаккир шоирнинг мураккаб бадиий-фалсафий сатрлари атрофлича шарҳланди. Ҳиндистонда Бедил анъаналари Мирзо Асадулло Ғолиб (1797-1869) ва Муҳаммад Иқбол (1873-1938) ижодида давом эттирилди. Мирзо Асадулохоннинг бобоси ҳам 1730 йилда Самарқанддан Ҳиндистонга кўчиб борган эди. Мирзо Ғолиб биринчилардан бўлиб, инглиз мустамлакачиларининг мақсадларини англаб етди ва ҳинд халқининг озодлик учун курашини ўз асарларида улуғлади. Мирзо Ғолиб ва Муҳаммад Иқбол форс ва ўрду тилларида ижод этдилар.

Янги даврнинг маънавий моҳияти *- Янги даврнинг буюк ҳақиқати икки асосда:* ***1)*** *дунёни сурат ва маъно яхлитлигида ўрганиш ва* ***2)*** *баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш билан ўзлигини намоён этади.*

Маънавият аҳлининг сиёсатга кучли таъсири Мовароуннаҳрда XVI асрда ҳам давом этди ва бу ҳолат, айниқса, Махдуми Аъзам (Аҳмад Косоний - вафоти 1549 йил) ва жўйбор шайхлари фаолиятида яққол кўзга ташланди. Абдуллахон Соний (1557-1598) ҳукмдорлиги Мовароуннаҳр ўлкасида сиёсий яхлитликни сақлаб қолишга охирги уриниш бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу орада юксак маънавий қадриятларнинг кенг халқ оммаси орасида ёйилиши тобора кучайиб борди. Мажлисий (XVI аср) ва Пошшохўжа (XVI аср) лар ижоди орқали халқнинг ўрта табақаси онгида ўз қудратига ишонч кучайиб борганлигини сезиш мумкин. Турли ижтимоий тоифалар ўз мақомларини дадил ҳимоя эта бошладилар. Йилда бир ғарибни подшоҳ сайлаш одати ҳақидаги Мажлисий келтирган ҳикоят халқ иродаси асосидаги янгича бошқарув услуби ҳақида халқ шуурида яратилган илк ибтидоий тасаввурлардан дарак беради.

Шундай қилиб, XVI асрдан сулолавийлик анъанаси кескин таназзулга юз тутди. Сиёсий жиҳатдан Мовароуннаҳр учун бу катта йўқотиш бўлди - мамлакатнинг сиёсий яхлитлиги қўлдан кета бошлади. Бу жараённи маънавият аҳлининг сиёсатга фаол аралашуви ҳам тўхтатиб қола олмади. Бу жараён натижасида яхлит ўлка аввал иккига (Бухоро ва Хоразм хонликларига), кейинроқ, XVIII аср бошларида уч мустақил давлатга (Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларига) бўлиниб кетди. Бу уч давлат ҳукмдорлари тўхтовсиз бир-бирлари билан жанг олиб борардилар. Ушбу ноиттифоқлик балоси XIX аср иккинчи яримида ўлканинг Россия мустамлакасига айланишига олиб келди. Шу палладан Янги давр маънавий жараёнларининг иккинчи босқичи бошланадики, бу ҳақда суҳбат алоҳидадир.

Янги давр маънавиятига ўтиш ёки ислом минтақа маданияти даври маънавий ютуқларининг оммалашуви босқичи *- Янги давр миллий маънавиятимиз такомилининг икки босқичидан биринчиси, XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача давом этади. Бу босқичда яхлит ислом минтақа маданияти эришган ютуқлар заминида маҳаллий ўлкалар кенг халқ оммасининг маънавий савияси ошиб борди, минтақа халқлари ўтган даврда эришилган юксак маънавий қадриятларни сақлаб қолишга ва ривожлантиришга уриндилар, шу билан бирга минтақа сиёсий ҳаётида таназзул жараёнлари йилдан йилга кучайиб, ислом дунёсида сиёсий парокандалик ва яхлит минтақа маданиятининг парчалана бошлаши, ҳокимиятни бошқаришда сулолавийлик анъанасининг жамият маънавий такомил даражаси билан номувофиқлигининг кескин намоён бўлиши, турли сиёсий гуруҳлар аро ноиттифоқлик балоси, маънавият аҳлининг сиёсатга аралашуви, хос ва авом орасидаги маънавий чегаранинг йўқолиб бориши кузатилади.*

3-фасл. «Миллий изтироб» шеърияти. Турди ва Машраб.

Аммо шундай буҳронли ҳолатларда ҳам миллат маънавияти юксалиб борди. Турди Фароғий ва Машрабларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Турди ижодида Навоий бадиий тафаккурида олға сурилган ғоя миллий ва сиёсий ғояга айланди. Турди ўз ижодида давр ҳукмдорининг анъанавий ҳуқуқларини очиқдан-очиқ рад қилиб («Субҳонқулихон ҳақида ҳажвия») одил шоҳ мадҳияси ўрнига золим ва ноқобил султонни кескин фош этишни мақсад қилиб қўйди. Навоий Баҳроми ва Искандари фожеъ шахс эдилар, Турдининг «бош қаҳрамони» жирканч ва тубан махлуқ сифатида ҳукм этилди. Турди бекларни ҳам аяб ўтиргани йўқ. (Навоий «Маҳбуб ул қулуб»да беклар ҳақида ножўя сўз айтмайди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турди биргина султонни эмас, балки бутун бир ижтимоий тоифани - ўзи ҳам мансуб бўлган аслзодалар - беклар тоифасини фош этади. Уларни «юзи қаро»лик, кўзи кўр, қулоғи карликда айблайди:

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,
Қамчилар доғи солиб бўюниға, тилиб бетини,
Ёрдингиз заҳрасини (ичидан) олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошида ҳеч таёқ.115

Қаранг, Бобир мирзо учун табиий кўринган ҳолат энди Турди учун чидаб бўлмас адолатсизликдир. Бу Янги давр маънавиятидан дарак эди.

Турди сулолавийлик ўрнига, одил шоҳ орзуси ўрнига янги бир жозибали ғоя - Ягона Ватан ғоясини олға суради. Бу Ватанда ҳали ноҳақлик, зулм ҳукмрон, ҳануз бу юрт - «кофиристон»дир, аммо энди сулолавийлик, бекларнинг тор худбинлик манфаатларига қарши қўйса арзигулик улуғ бир Воқелик шаклланмоқда - «Ўзбекистондир бу мулк», дейди шоир ҳам чексиз изтироб, ҳам чексиз умид билан.

Тор кўнгилли беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир тенглик қилинг.
Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг.
Қирқу юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг.116

Турди халқ мақоли - «эл работу тўра қўноқ»ни сиёсий эътиқодга айлантирди. Турди маънавиятида Ўзбекистон ва унинг халқи биринчи мақомга кўтарилдилар, ирсий «аслзодалик» ҳуқуқи рад этилди:

Баски бу тийрадарунларда чароғе тилама.

Энди Ҳақиқат йўли саройдан ташқаридадур:

Тўғри йўлни тиласанг уз бу саройдан пайванд.

Энди шоҳ чўпон эмас, халқ ҳам сурув эмас. Хон фақат ўз маишати ғамидаги маҳлуққа айланган:

Арк ичин маҳкам этиб айладим ўзимга ётоқ.117

115 Ўзбек адабиёти тарихи. III-жилд. Т.-«Фан»- 1978, с.224

116 Ўша китоб, с.222

117 Ўша китоб, с.228

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир давр ҳукмронининг кайфиятини ниҳоятда аниқ акс эттиради. Энди хон ва амирлар юрт олдидаги масъулиятни мутлақо унутган эдилар, улар «хос аҳли» эмас, оддий «худонинг маҳлуқи» даражасида ўз маишати, айш-ишрати ва худбин интилишларининг қулига айланиб, юрт эгаси бўлиш ҳуқуқини буткул йўқотдилар. Энди янги давр сиёсий қадриятлари замон тақозосига айлана бошлаган эди. Афсус, бу қадриятларни тўлиқ ва мукаммал англаб етиш учун Туркистон халқлари яна бир неча аср жабр чекишлари, жумладан, 150 йил миллий асорат хўрлигини бошдан кечиришларига тўғри келди.

"Миллий изтироб" шеърияти *– XVII аср - XIX аср биринчи ярмида миллат ҳаётида юз берган сиёсий ва маънавий таназзул асоратларидан маънавий азобланишнинг Турди Фароғий, Машраб, Махмур, Гулханий каби шоир ва адиблар ижодида ёрқин намоён бўлиши.*

Фуқаролик жамиятига ўтишнинг икки жиҳати бор. Биринчидан, агар фуқаро ўзлигини англаб етмаган бўлса, агар у ҳануз ўзини ебичиб, «кайфи сафо қилиб» юришдан ортиққа арзитмаса - унинг номи фуқаро (граждан) эмас, оддий бир «худонинг маҳлуқи»дир, бундай инсонлар тўпланса, «халқ» эмас, «оломон» бўлади. Алишер Навоий инсонларни «хос» ва «авом» га ажратар экан, бунда у биз собиқ совет даврида талқин қилганимиздек, «зодагонлар» ва «қора халқ» маъносида эмас, балки **ўзлигини англаб етган ва англаб етмаганлар** маъносида ишлатган. Араблар исломгача даврни «жоҳилия» деб аташган. Бунда ҳам «жоҳиллик» хат-саводи йўқлигини эмас, ягона Аллоҳни танимаганлик, илоҳий каломдан баҳраманд бўлмаганлик маъносида ишлатилган. Халқ ичида «оми одам» деган ибора ишлатилади. «Оми одам»ни - саводсиз, содда одам маъносида талқин қиламиз. Бундай талқин биринчи қарашда «омилик»ни зарарсиз қилиб кўрсатади, аслида «оми одам» ғофил бандадир, бундай авомдан иборат жамият ҳеч қачон фуқаролик жамияти, чинакам фуқаролар жамияти бўла олмайди. Фуқаролик жамияти огоҳ одамлардан иборат бўлмоғи керак. Огоҳ одам ўз инсонлик бурчини теран идрок этади ва унга асло хиёнат қилмайди.

Иккинчидан, юрт ҳокимлари майдалашиб, ўз ижтимоий масъулиятини унутиб, «аркни ўзига ётоқ билиб «, атрофига ҳам ўзи сингари қорин қайғусидан, айш-ишратдан бошқани билмайдиганларни тўплаб, халқ ва миллат эҳтиёжларига буткул беписандлик билан қарашни одат қила бошласалар, Аллоҳ олдидаги **юрт эгаси**, деган юксак масъулиятни тамомила унутсалар, улар аслзодалик ҳуқуқидан тўлиқ маҳрум бўладилар. Худди шундай ҳолат Европада кучли ижтимоий пўртаналарга, қонли инқилобларга олиб келди. Барча ҳокимиятнинг ягона манбаи халқ эканлигини Европа миллатлари асрлар давомида фидоийлик билан тинимсиз курашиб, исбот қилдилар.

Аммо ислом дунёсида бундай бўлмади. Таназзул чуқурлашиб бора берди. Сиёсий доиралардаги таназзул XVII асрга келиб аста-секин маънавият оламига ҳам ёйила бошлади. Маънавият арбобларининг аралашуви сиёсатда катта ижобий ўзгаришлар пайдо қилмади, қайтага маънавият оламининг ўз ичида зиддиятлар чуқурлашувига сабаб бўлди. Бобораҳим Машраб фаолияти асл маъноси билан маънавият оламида пайдо бўлаётган ана шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

иллатларга қарши туғён бўлиб чиқди. Турди Субҳонқулихонга қарши қўлида қурол кўтариб исён қилган бўлса, Машрабнинг маънавиятдаги исёни Маҳмуд Султоннинг дорига ўз бошини тутиб беришда намоён бўлди. Чунки маънавият олами қиличбозликни тақозо этмайди, ўзгалар руҳидаги иллатни қилич билан, исён билан поклаб бўлмайди. Машраб ўзини қурбон этиб, ўзгаларга ибрат кўрсатди. «Қиссайи шоҳ Машраб»нинг халқ орасида машҳурлиги бежиз эмас. Халқ ўзининг асл қаҳрамонларини, фидоий фарзандларини яхши танийди ва қадрини жойига қўяди. "Абу Муслим жангномаси", «Шоҳ Машраб» қиссалари, Бедил ғазалларининг шуҳрати халқнинг ўз маънавияти теранлигини сақлаб қолишга интилишидан даракдир.

Умархон саройи илму санъат ўчоғи эди. Шу билан бирга Махмурнинг «Ҳапалак» ва Гулханийнинг Япалоққуш ва Бойўғли ҳақидаги «Зарбулмасал»лари шу даврда яратилди. Увайсийнинг «Анор» чистони ҳам шу давр маҳсули. Биз XIX аср биринчи ярми маънавиятидаги зиддиятларни тўғри англаб етмоғимиз керак. Маъдалихоннинг шоирлиги ва шахсий ҳаётидаги мураккаб жиҳатлар, уламолар билан зиддиятлари барчаси воқеликнинг мураккаблигига ишорадир.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

20. ЯНГИ ДАВРДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АҲВОЛИ (XVI - XX асрлар)

Янги даврнинг моҳияти икки асос - дунёни ***сурат ва маъни яхлитлигида ўрганиш ва баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш*** билан ўзлигини намоён этади. Фоний дунёни сурат ва маъни бирлигида тадқиқ этиш ***ижтимоий воқелик тадқиқи***ни ҳам тақозо этади.

XVI-XX асрлар миллий маънавиятимиз такомилини икки катта босқичга ажратиш мумкин:

1. Янги давр маънавиятига ўтиш ёки ислом минтақа маданияти даври маънавий ютуқларининг оммалашуви босқичи
(XVI - XVIII асрлар)

(Бу босқич халқимиз тарихида зиддиятли асосга эга бўлиб, ***бир томондан***, яхлит ислом минтақа маданияти эришган ютуқлар заминида кенг ***халқ оммасининг маънавий савияси*** ошиб борган бўлса, ***иккинчи томондан***, минтақа ***сиёсий ҳаётида таназзул*** ва парчаланиш жараёни кундан-кунга, йилдан йилга кучайди. Ягона ўлканинг икки хонлик ва бир амирликка бўлиниб кетиши ана шу таназзул оҳибатидир).

Давр маънавиятининг ўзига хослиги -

"Миллий изтироб" шеърияти: Турди, Машраб, Махмур, Гулханийлар ижодида ижтимоий воқеликнинг кескин танқиди, Ватан ва миллатнинг фожеъ ҳолатини шахсий фожеа даражасида қабул қилиш.

2. Миллий маънавиятимизнинг Янги давр Европа маданияти билан бевосита тўқнашуви
(XIX-XX асрлар)

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Бу жараён бошланишданоқ фожеъ бир тарзда - қадим Турон халқларининг ***Россия империяси томонидан босиб олиниши ва 150 йиллик мустамлака ҳолатида*** мураккаб бир тарзда кечди. Миллий қарамлик маънавий хўрлик келтирди, халқ ҳам маънавий, ҳам иқтисодий камситилди, XX аср коммунистик диктатура тузуми эса ўз аёвсиз қатағонлари ва идеологик зуғуми билан миллат зиёлиларини жисмонан маҳв қилиб, халқни "манқуртлаштириш" сиёсатини жорий қилди).

Давр маънавиятининг ўзига хослиги -

Миллий уйғониш - Туркистон ўлкаси халқларининг ***миллий мустақиллик учун кураши*** икки йўналишда намоён бўлди: ***биринчиси*** - қуролли кураш, қўзғолонлар йўли, ***иккинчиси***, жадидлар олға сурган маданий–маърифий йўналиш бўлиб, бу йўлнинг ***асосий мақсади халқ маданий-маърифий савиясини ошириш,*** шу йўл билан миллий онгни юксалтириб, дунёни янгича идрок этиш асосида ўлкани давр талабларига мувофиқ мустақил сиёсат ва ривожланган иқтисодий муносабатлар даражасига олиб чиқиш эди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Ислом минтақа маданиятининг Европага таъсири.
2. «Аверроизм».
3. Ислом ва Реформация.
4. Европа Уйғониши ва Шарқ маданиятига эътиборнинг кучайиши.
5. Европа маърифатчилигида илм ва имон зиддияти.
6. Шайбоний ва Убайдий.
7. «Миллий изтироб» шеърияти.
8. Турди ижодида ягона Ватан ғояси. «Эл работу тўра қўноқ».
9. «Юрт эгаси» ва унинг масъулияти.
10. Машрабнинг маънавиятдаги исёни.
11. Мирзо Бедил меросининг Марказий Осиё халқлари маънавиятига таъсири.
12. Амирий ва Гулханий.

12-боб.
Чор Россияси ҳукмдорлиги ва большевизм қатағонлари шароитида миллий маънавиятимиз аҳволи. Миллий Уйғониш ва Жадидчилик маънавияти

1-фасл. Ягона Туркистонинг парчаланиши ва Россия империясининг маккорона сиёсати.

Туркий миллат буюк миллат эди. Тақдир 2 марта бу миллатнинг толеини юксакларга кўтарди. Биринчи марта V-VII асрларда Буюк Турк хоқонлигининг вужудга келиши билан катта бир минтақада миллий давлат, миллий адабий тил шаклланган бўлса, иккинчи марта деярли 1000 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

давомида бутун минтақада сиёсий ҳукмронлик туркий элат намояндалари қўлида бўлганлиги бундан дарак беради. Шу билан бирга 2 марта жиддий огоҳлантириш ҳам берилди. Биринчиси, Хоразмшоҳлар даврида мўғуллар босқини орқали, иккинчи марта Россия империясининг асорати, большевизм қатағонлари ва маккор сиёсати кўринишида. Ислом минтақасида туркий сулолалар бир-бири билан жанг олиб бориб, охир-натижада миллатни пароканда қилдилар. Айниқса, Мовароуннаҳрдаги охирги уч хонликнинг ўзаро можаролари аввал Россияга қарамликка, сўнг ягона Ватан - Туркистоннинг узил-кесил парчаланиб кетишига олиб келди. Бугунги воқеликда туркий элатларнинг янги босқичда яқинлашуви ўзбек халқининг барча дунё миллатлари билан дўстона ҳамкорлигига раҳна солмаган ҳолда асос мақсадларимиздан бўлмоғи табиийдир. Араблар ҳам турли давлатлардан ташкил топган. Аммо ўзаро яқинлашувга ҳаракатлари бор. Барча ислом давлатларининг халқаро ташкилотлари ҳам эзгу мақсадларни кўзда тутиб тузилган. Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида эришган ютуқларини қўлдан бермаслиги керак.

Сиёсий қарамлик даврида маънавиятимиз аҳволи ёки Миллий маънавиятимизнинг Янги давр Европа маданияти билан бевосита тўқнашуви *- Янги давр миллий маънавиятимиз такомилининг иккинчи босқичи бўлиб, бу жараён бошланишданоқ фожеъ бир тарзда - қадим Турон халқла-рининг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва 150 йиллик мустамлака ҳолатида мураккаб бир тарзда кечди. Бу босқичдаги миллий маънавиятимиз учун энг аҳамиятли ҳодиса* ***Миллий уйғониш*** *ва жадидларнинг маданий-маърифий фаолиятидир.*

XIX-XX асрлар халқимиз тарихида изтиробли давр бўлди. XVII-XVIII асрларда миллий турғунлик, миллий парчаланиш фожиалари элнинг энг жонкуяр фарзандлари дилини қийноқли дард бўлиб куйдирган бўлса, энди бевосита миллий қарамлик маънавий хўрлик келтирди, халқ ҳам маънавий, ҳам иқтисодий камситилди, эзилди, оёқости қилинди.

Элни озод қилишни Феруз ва Фурқатлар маърифатда кўрган бўлса, Муҳаммад Али эшон кабилар халқни бевосита жиҳодга чорладилар. Муқимий тасвиридаги «танобчилар», «московчи бойлар» халқни талашда мустамлакачилар билан «мусобақа» қилишган бўлишса, Бухоро амири жадидларни қатағон қилишда большевикларга ўрнак кўрсатди. XVIII-XIX асрлар ўлкамизда таълим тизими ҳам турғунликка юз тутганлигини инкор этиб бўлмайди. Фитратнинг 1912 йилда Истамбулда нашр этилган «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» асари XX аср бошларида ўлкамиз маънавий ҳаётида юзага келган буҳроний ҳолатнинг аччиқ манзарасини Бухоро амирлиги мисолида шафқатсиз очиб ташлаган. Шу сабабли бугунги мустақиллик шарофати билан ўтмишимизни холис ўрганиш имкони яралган экан, ютуқларимиз билан бир қаторда айбларимиз, хатоларимизни ҳам рўйи-рост кўра олайлик.

Беҳбудий, Файзулла Хўжаев, Фитрат каби миллат ва Ватан фидоийлари жоҳиллик ва ижтимоий адолатсизликни маърифат воситаси билан енга олмагач, аввал Россия мустабидлари, сўнг советлар билан муроса қилишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мажбур бўлдилар ва, охир-оқибатда, нафақат эзгу ниятлари, балки табаррук бошлари ҳам мунофиқлар жодусида қирқилди. XX аср бошларида ярқ этган Миллий уйғониш ҳаракати «коммунистик пролетар утопияси» йўлида мутаассиб ва мунофиқ тузум томонидан аёвсиз маҳв этилди. Туркистон мухторияти ҳарбий куч билан йўқ қилинди. Ягона замин сунъий равишда бир неча алоҳида «республика»ларга бўлиб юборилди. Турар Рисқулов каби маҳаллий сиёсий арбобларнинг далил-исботлари на ўлкага махсус юборилган «шовинист-коммунист»лар, на Москвадаги уларнинг доҳийлари томонидан тан олинмади.

2-фасл. Жадидчилик маънавияти.

Туркистон ўлкаси халқларининг миллий мустақиллик учун кураши икки йўналишда кечди. Биринчиси - қуролли кураш, қўзғолонлар йўли бўлиб, 1892 йилдаги Тошкентда юз берган «вабо қўзғолони» (ёки «тошотар воқеаси»), 1898 йилда Андижон вилоятидаги Дукчи эшон(Муҳаммадали халфа) жиҳоди, 1916 йил мардикор воқеалари, кейинчалик, ўлкада большевиклар ҳукмронлиги ўрнатилишга қарши «босмачилик» ёки қўрбошилар ҳаракати деб ном олган миллий-озодлик кураши ушбу йўналишдаги машҳур воқеалардандир. Иккинчиси, маданий–маърифий йўналиш бўлиб, бу йўлнинг асосий мақсади халқ маданий-маърифий савиясини ошириш, миллий иқтисодни янги излардан юксалтириш йўли билан, вақти келганда ниҳоятда қудратли ҳарбий-сиёсий мавқега эга бўлган Россия ҳукумати билан баъзи келишув, муросайи мадора усуллари билан Европанинг илғор идора усулларини ўзлаштириб, миллатнинг ҳақиқий озодлигини таъминлаш эди. Бу икки йўл баъзан бир-бири билан яқинлашар, баъзан ўзаро зиддиятга киришар, аммо амалда бир-бирини тўлдириб, қувватлаб борувчи йўналишлар эди. Маърифатчилик йўли Аҳмад Дониш, Фурқат, Феруз каби XIX аср иккинчи ярмида фаолият кўрсатган юрт улуғлари ташаббуси билан бошланиб, XX аср бошида жадидлар ҳаракатида ёрқин намоён бўлди. Ҳар икки йўналиш ҳам XIX аср охирида кичикроқ кўламларда бошланган бўлса, XX асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бутун минтақада ялпи ривож олиб, **Миллий Уйғониш** ҳаракати даражасига кўтарилди.

Миллий уйғониш ва Янги давр маърифатчилиги *– Қарамлик даври Туркистон ўлкаси халқларининг миллий мустақиллик учун кураши икки йўналишда кечди.* ***Биринчиси*** *- қуролли кураш, қўзғолонлар йўли бўлиб,* ***иккинчиси*** *маърифатпарварлар ва жадидлар ҳаракатида ёрқин намоён бўлган* ***маданий–маърифий йўналиш*** *эди. Иккинчи йўналишнинг асосий мақсади халқ маданий-маърифий савиясини ошириш, маънавиятини такомил топтириш, , миллий иқтисодни янги излардан юксалтириш йўли билан, Европанинг илғор идора усулларини ўзлаштириб, миллатнинг ҳақиқий озодлигини таъминлаш бўлиб, "усули жадид" мактабларидан бошланган бу ҳаракат XX асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бутун минтақада ялпи ривож олиб, Миллий Уйғониш ҳаракати даражасига кўтарилди. Бу ҳаракат вакиллари Ватан мустақиллиги ва халқ маърифати йўлида бутун куч-ғайратларини сарф этдилар, уларнинг аксарияти бу йўлда жонларини фидо этиб, ўзларининг жўшқин ва баракали сиёсий-маърифий фаолиятлари билан миллат хотирасида фидокорлик тимсоли бўлиб қолдилар.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир тарафдан Туркия, Миср, Эрон, Хитой каби Шарқ мамлакатларидаги янгиланиш тўлқини, иккинчи тарафдан, Россия ва Қавказорти ўлка мусулмонларининг таъсирида Туркистонда Янги давр нафаси шиддат билан уфура бошлади. Маҳаллий ишбилар-монлар Европа билан савдо-сотиқни кенг йўлга қўйдилар, янгича тусдаги ишлаб чиқариш корхоналари - пахта тозалаш, ёғ заводлари қурила бошланди. Банк тизими жорий этилди. 1884 йилда Боғчасаройда нашр этилаётган «Таржумон» газетасига Туркистондан 200 киши обуна бўлди, ўша йилларда Тошкентда Саидғани Саидазимбой, Шариф-хўжа қози, Муҳиддинхўжа қози каби илғор фикрли кишилар маҳаллий болалар учун янгича (рус-тузем аталмиш) мактаблар очилишига ҳомийлик қилдилар.

"Усули жадид" мактаблари *- Янги давр маърифатчилари (жадидлар) ишлаб чиққан усули савтия, яъни савод чиқаришнинг товуш тизими асосидаги янгича мактаблар.*

1901 йилдан Қўқон ва Тошкентда, 1903 йилдан Самарқанда Ғаспирали Исмоил-бек ишлаб чиққан «усули жадид» (ёки усули савтия, яъни савод чиқаришнинг товуш тизими) асосидаги янгича мактаблар иш бошладилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий Ажзий, Ашурали Зоҳидий, Лутфулла Олимий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифат фидоийлари майдонга кириб келди. Янгича тизимдаги мактаблар учун Исмоилбекнинг «Хўжайи сибён» (Болалар муаллими) асаридан ибрат олиб, Саидрасул Саидазизий «Устоди аввал», Мунавварқори «Адиби аввал», Абдулла Авлоний «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» каби ўқув қўлланмаларини яратдилар. Беҳбудий, Фитрат, Ашурали Зоҳидийлар ҳисоб, жуғрофия, адабиёт, тарих фанларидан дарсликлар ёза бошладилар.

Жадидчилик ҳаракати *- миллий мустақиллик учун курашнинг жадидлар олға сурган* ***маданий–маърифий йўналиши*** *бўлиб, бу йўлнинг фидоийлари ишни "усули жадид" мактаблари очиш, уларга мос дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаб нашр этиш, "дарсхонаи ибрат" ҳисобланган миллий театр ва миллий драматургияни шакллантиришдан бошлаб, аста-секин кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш ("Туркистон мухторияти"), миллий маънавий меросдан ажралмаган ҳолда янги давр савиясига мувофиқ илм-фан асосларини ишлаб чиқиш, илғор жаҳон илми даражасида фикрловчи миллий зиёлилар қатламини тарбиялаб етказиш вазифаларини барча тўсқинликлар ва қаршиликларга қарамай дадиллик ва изчиллик билан амалга ошириб боришга эришдилар ва ушбу собитқадам интилишга бутун борлиқларини бахш этдилар. Уларнинг уринишлари беҳуда кетмади, шўролар даврида ҳам миллат фидоийлари қарамлик шароитининг бутун мураккабликларига қарамай, ушбу йўлни имкон даражасида ривожлантириб бордилар, мустақиллик даврига келиб эса бу улуғ анъаналар бор бўйи билан қад ростлаб, жаҳоний миқёс касб этди.*

1906 йилдан «Тараққий», «Хуршид», 1914 йилдан «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» ва бошқа қатор газеталар, 1913 йилдан мунтазам равишда Беҳбудий муҳаррирлигида «Ойина» журнали нашр этила бошлади. Янги маърифатчилар томонидан Бухорода 1908 йилда «Тарбият ул-атфол», Тошкентда 1911 йилда «Турон» жамияти тузилди. Шу йили янгича тафаккурли ислом уламоси, муфти Беҳбудий янги давр ўзбек адабиёти тарихида биринчи бўлиб «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» миллий фожиасини яратди ва 1914 йилда Самарқанд ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентда бу ибратли томоша саҳна юзини кўрди. Театр томошаси янги давр маърифатчилари томонидан халқ маърифатини юксалтиришнинг энг самарали усули – ибрат мактаби сифатида ҳаётга кенг жорий этила бошлади. 1914-1916 йиллар орасида ўндан ошиқ драматик асарлар Самарқанд, Тошкент, Қўқон шаҳарларидаги театр труппалари томонидан саҳнага қўйилди ва халқ орасида шуҳрат қозонди. Хожи Муин, Абдулла Бадрий, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби янги-янги драматурглар бу ишга бош қўшдилар.

Туркистонда Миллий Уйғониш ҳаракатининг улуғ етакчиси ва байроқдори бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий фақат биринчи драматург бўлибгина қолмай, миллий театр санъати назариясининг ҳам илк асосчиларидан ҳисобланади. У ўз вақтида Саидаҳмад Васлий, Фазлулваҳҳоб қори каби театр санъатини шаръан ҳаром деб исбот қилмоқчи бўлган эски уламоларнинг чиқишларига жавобан исломий манбалар ва мантиқий далилларга таяниб, театр санъатининг «дарсхонаи ибрат» ва шаръан савоб эканлигини исбот қилиб берди.

Россия императори Николай IIнинг мустамлака ўлкалар маҳаллий аҳолисини мардикорликка жалб қилиш ҳақидаги 1916 йил 25 июнда чиқарган фармони бутун ўлкада истибдодга қарши умумхалқ қўзғолони бошланиб кетишига сабаб бўлди. Тош, таёқ, кетмон, паншаҳа каби қўлига тушган нарса билан юрт қонини сўриб ётганларга қарши ғалаёнга кўтарилган аҳоли жуда оғир қурбонлар берди. Подшоҳ амри билан 3 мингдан ошиқ киши судга берилиб, 347 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди.

Жадидлар ушбу стихияли ҳаракатга бошланишидан қарши бўлдилар, улар ғалаёнларга йўл қўймаслик, қуролсиз аҳолининг қўлида замонавий қурол-яроғ билан юқори ҳарбий тайёргарликка эга бўлган мустамлакачи жазо қўшинларига рўбарў бўлмаслиги учун бутун имкониятларини ишга солиб уриндилар. Чунки уларнинг ақидасига кўра мавжуд шароитда жаҳолат, исён йўли билан миллат ўз мақсадларига эриша олиши мумкин эмас, фақат тинч ислоҳотлар ва маърифат билан ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин эди. Жадидлар душманнинг маккор ўйинларини чуқур тушунар эдилар. Фитрат ёзади: «Зотан қурол кучи билан бир миллатни йўқ этмак қулай, бор этмак мумкин эмасдир. Қурол кучи билан ҳеч бир жамоатни маданият сари жўнатиб бўлмайди.»[118]

1916 йилгача асосан маърифатчилик йўналишида фаолият кўрсатган жадидлар, 1916-1922 йилларда замон талабидан келиб чиқиб, сиёсий ҳаётда ҳам етакчи мақомга кўтарилдилар. Туркистон мухториятини оёққа қўйиш йўлидаги уринишларда улар олдинги қаторларда бўлдилар. Пролетар диктатурасини зўравонлик билан жорий қилишга уринган «қизил» шовинистларнинг найранглари-ю, фитналарига қарамай, уларнинг барча тазйиқларига дош бериб, то 30 йилларгача халқ маърифатини юксалтириш, унинг маънавий дунёсини такомил топтириш учун бутун куч-ғайратларини

118 Ш. Ризаев. Жадид драмаси. Т., 1997, с. 46 (Ушбу мавзу матни Ш.Ризаев китоби материаллари асосида тайёрланди)

www.ziyouz.com kutubxonasi

сарф этдилар. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза Ҳакимзода ва бошқалар яратган ажойиб асарлар халқимизнинг боқий мулкига айланган бўлса, Мунавварқори, Ғози Юнус, Салимхон Тиллахонов, Убайдулла Асадуллахўжаев, Заки Валидий Тўғон, Носирхон Тўра, Садриддин Махсум, Тўрақул Жонузоқовларнинг сиёсий-маърифий фаолиятлари Ватан мустақиллиги ва халқ маърифати йўлидаги фидокорлик тимсоли бўлиб қолди.

3-фасл. Большевизм қатағонлари ва миллий зиёлилар тақдири.

Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлса, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маънавиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» «совет маданияти» тўлиқ мунофиқлик заминига қурилди. Динни, халқнинг минг йиллик эътиқодини рад этдилар, ўрнига «шахсга сиғиниш» балоси рўбарў бўлди. «Пахта мустақиллиги учун» кураш Туркистон халқларини иқтисодий қарамлик ва ночорлик, ўлка табиатининг вайрон бўлиши, сув, ҳаво ва тупроқнинг заҳарланишига олиб келди. «Халқлар дўстлиги», «интернационализм» байроғлари остида бутун-бутун миллатлар она юртидан бадарға қилинди, миллий ўлкалар аҳолиси таркибини руслаштириш сиёсати қаттиққўллик ва изчиллик билан амалга оширилди. Бугун ҳам ўша қардош халқлар орасига нифоқ солиш мақсадида сунъий равишда юзага келтирилган ҳолат Марказий Осиё халқларининг яқинлашуви йўлида қийинчиликлар туғдирмоқда. Қозоғистон ва Қирғизистоннинг қатор марказий шаҳарларида маҳаллий аҳоли миқдори камчиликни ташкил этиши натижасида юрт эгалари ўз ватанларида ҳайрон. Иттифоқ даврида республикалардаги барча ҳал қилувчи мансабларда маҳаллий бўлмаган миллат намояндалари ҳукм сурар ва сиёсатни Москва кўрсатмасига биноан олиб борар эдилар. Маҳаллий халқ вакилларидан «хўжа кўрсин»га тайинлаб қўйилган раҳбар шахслар барчаси ҳар қадамда, ҳар сўзда ўзларининг Москва сиёсатига вафодор ва содиқ эканликларини исботлаб туришлари ёзилмаган қонун эди. Бу мунофиқона йўналишдан бир баҳя чекинганларга шафқат бўлмасди. Маданият, мафкура соҳасида фақат узоқдаги «марказ»га таъзим, таги пуч коммунизм ғоясига далил-исботсиз, шубҳа- гумонсиз сажда қилиш, ёлғон «социализм»га мунофиқона мадҳу сано асосий ҳукмрон йўналиш қилиб белгиланган эди.

Тўғри, миллий зиёлиларимиз аждодларимиз меросини ўрганишга анча-мунча ҳаракат қилишди. Аммо бу соҳада ҳам ёлғон аралаштирмай сўз айтиш мумкин эмас эди. Ўтмиш аждодларимиз меросини ўрганиш асосан ўтмишимизни қоралаш, ўтмишдаги тарихимиз «иллатларини» фош этиш мақсадларига хизмат қилдириларди. Шунда ҳам миқдорий нисбатларга эътибор берсак, неча минг йиллик исломгача маънавиятимиз тарихини ўрганувчи мутахассислар 70- 80-йилларгача ўлкамизда деярли мавжуд бўлмаган, 1200 йиллик ислом даврини ўрганувчилар бир неча ўн кишидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошмас эди, аммо 70 йиллик «советлар» даврининг ҳар сониясини турли жиҳатлардан мадҳу сано этиш учун тарих, фалсафа, адабиёт ва бошқа ижтимоий-гуманитар йўналишларда минглаб олий маълумотли мутахассисларни ўз ичига олган маҳобатли «мафкуравий қўшин» сафарбар этилган эди. Қанчадан-қанча иқтидор эгалари ўз умрларини беҳуда оворагарчиликка сарф этганлари бугунга келиб маълум бўлиб турибди. Аччиқ ҳақиқатдан кўз юммаслигимиз керак - бугун юзлаб фан докторлари, минглаб фан номзодлари яна ўша совет даврида рус тилида асосан рус олимлари томонидан яратилган илмий тадқиқотларга таяниб, Европа олимларининг рус тилида босилиб чиққан назарий мулоҳазаларига асосланиб иш юритишларига тўғри келмоқда. Сабаби, улар рус тилидан бошқа тилни, рус ёзувидан бошқа ёзувни ўрганмаганлар, марксизм-ленинизмдан ўзга таълимотни жиддий ўзлаштириш имконлари бўлмаган. Уларнинг кўплари ҳатто ўз она тилларида ўз фикрларини илмий услубда баён қилишга қийналадилар. Бу қарамлик давридан қолган кўргулик эмасми?

Биз асло бировни айбламоқчи эмасмиз. Аммо ижтимоий фанларимизнинг бугунги аҳволи, маънавиятимиздаги совет тоталитар мафкура ҳукмронлиги юзага келтирган вазият «чернобиль» ҳодисасини эслатади, шу даражада фалокатлидир. Кўпчилик зиёлиларимиз онги ўзлари ҳам яхши тасаввур этмаган миқёсда мунофиқона совет мафкураси билан заҳарланган, жаҳон маданияти, ўтмиш миллий маънавий меросимиз билан «совет» фильтрисиз бевосита танишиш имкониятидан тил билмаслик, ёзув билмаслик орқасида маҳрум этилган эди. Мана энди мустақиллик туфайли бу соҳада кескин жонланиш, фаол интилиш юзага келмокда, ёшлар турк тили, инглиз тили, бошқа тиллар орқали жаҳон фанига кириб боришга уринишмокда. Аммо улар кўпчилиги ҳали ёш, вақт эса кам, мустақил илмий методология ҳануз ишлаб чиқилмаган. Очиқ тан олиш керак, бугун аниқ фанлар, табиий-иқтисодий билимлар соҳасида ҳам муаммолар кўп, аммо маънавият, миллий мафкура соҳасида аҳвол ўта мураккаб. XX аср миллий маънавиятимиз улкан ютуқларга эришди, бу соҳада, айниқса, 20-30 йиллар миллий зиёлиларимизнинг жонбозлигини асло унутмаслигимиз керак. Ўша даврда етишган рус зиёлилари ҳам бизнинг тарихимиз, адабиётимизни ўрганишга катта ҳисса қўшдилар, буни ҳам инкор этиш ноинсофлик бўлади. У даврда ҳануз совет тоталитар мафкура механизми пухта созланиб улгурмаган, «ёрқин келажакка» умид билан интилувчи хаёлпарастлар мафкура соҳасида анча-мунча мавқега эга эдилар. Ўша даврда ҳам миллий маънавият учун очиқча кураш хавфли эди, аммо ҳануз «тешик-туйнуклар» тўлиқ беркитилмаган, ҳур фикрни «янги мафкура»га бироз мослаб ўтказса бўларди. 30-йилларнинг ўрталарига бориб, миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб, янчиб ташлашга қаратилган сиёсат изчил амалга оширила бошланди. Асл зиё эгалари отиб, букиб ташланди. Ёзувимиз уч марта қайта ўзгартирилди. Диний эътиқоднинг энг заиф учқунларигача аёвсиз қатағон қилинди. «Миллатчилик» тамғаси энг даҳшатли айблов бўлиб, «халқ душмани» статусини олди. Ҳозир ҳақли савол туғиладики, қайси миллат манфаатини ўйлаганлар қайси халқнинг душмани сифатида жазо олдилар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

4-фасл. Қарамлик даврида ўтмиш маънавий меросимизга ёндошув.

Яқин ўтмишда, яъни қарамлик даврида миллий маънавий меросни ўрганишга қандай ёндошилди, деган масалада баъзан баҳс туғилиб қолади. Баъзилар шундай фикрлашади: “Ахир ўша йиллар давомида ҳам ўтмиш мерос озми-кўп ўрганилди-ку! Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа қатор алломаларнинг асарлари рус ва ўзбек тилларида босилиб чиқди, тадқиқ ва тарғиб этилди. Бу улкан ижодий меҳнат бир неча авлод олимларнинг умр мазмунини ташкил этмадими?” Ниҳоятда тўғри. Устозларимиз бу йўлда чинакам фидойилик намуналарини кўрсатишди. Бугунги миллий маънавиятимизни тиклаш йўлидаги уринишлар кўп жиҳатдан ўша заҳматкаш устозлар яратган залворли пойдеворга таяниб турипти. Аммо айрим инсонларнинг миллат маънавияти йўлидаги фидойилиги билан ҳукмрон тузум ва унинг мафкураси кўзлаган асл мақсад, бу соҳада юритган қатъий сиёсати орасида жиддий фарқ бор эканлигини ҳам бугун ўзимизга ойдинлаштириб олишимиз керак. Биз ўтмишни ёппа инкор қилиш йўлидан борсак, яна “большевикча” иш тутган бўламиз. Етмиш йил ичида нималар ютдик ва нималарни ютқиздик - унинг сарҳисоби алоҳида. Бу ўринда яхши англаб етишимиз керак бўлган масала шуки, собиқ ҳукмрон тузум ўтмиш меросни ўрганишда ҳам ўз сиёсати, етакчи ғояси, мафкураси илдизларини мустаҳкамлашни ният қилди. Ўзбекнинг асл миллий маънавияти, аждодларимиз яратган бойлик бевосита уларни ҳеч қачон ва мутлақо қизиқтирган эмас.

Большевиклар диктатураси агар олимларимиз учун ўтмиш аждодлар меросини ўрганишга заррача имкон берган бўлса, бунинг эвазига улар олдига улкан шарт ва талаблар ҳам қўйган эдилар. Бир сўз билан “коммунистик партиявийлик” деб аташ мумкин бўлган талабнинг мазмуни шунда эди-ки, ўтмиш меросимизда марксизм ғояларини қувватловчи, бу ғояларнинг кенг халқ оммаси онгига пухта ва мустаҳкам ўрнашувига хизмат қилувчи ҳар қандай нарса топилса, барчасини яққол очиб бериш, тарғиб қилиш, аждодларимиз билдирган фикр ва мулоҳазаларни иложи борича “марксистик руҳда” талқин қилиш, аммо агар нимаики “пролетар диктатураси” ғояларига зид келиш эҳтимоли бўлса рад этиш, инкор қилиш, қора ёрлиқлар ёпиштириш, зарур ҳолатларда эса кўриб туриб кўрмасликка солиб ўтиб кетиш лозим эди. Меросни ўрганиш ишига марксизм “фалсафа”сини чуқур ва жиддий ўзлаштирган, тоталитар сиёсатга содиқлиги тажрибада исбот этилган, мавжуд тузумга чин дилдан тарафдор кишилар дарға қилиб белгиланар, уларга ҳар бир соҳа тадқиқотчиларининг “диалектик ва тарихий материализм”, “илмий коммунизм” принципларидан заррача ўнг ё сўлга оғишмай бораётганлигини қатъий назорат этиш ва таъминлаш ишониб топширилган эди. Қатағонлар одамларнинг юрагини олиб қўйган, кўплар ҳукмрон “партия” нима деса, “ҳа, шу тўғри экан-да” деб қўя қоладиган бўлиб қолишган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Собиқ тузум даврида аждодларимиз меросини ўрганиш бўйича бажарилган ишларни баҳолашда унутмаслик лозимки, буюк алломаларимизнинг қарашлари уларда асли ҳолидек акс этган эмас, балки бегона қолиплар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган. Бунинг учун турли усуллардан фойдаланилган. Масалан, оммавий нашрларда уларнинг асарларидаги "коммунистик партиявийлик" қолипига тушмай қолган жойлари (кўпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланиши шундай "усул"лардан бири эди. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аждодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўғри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатганлар, аждодларимиз сўзини холис, минтақа маънавиятининг амалий ва назарий такомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафкура талабларига мос йўналишда талқин этганлар. Натижада ўтмиш меросимиз намуналари билан асл қўлёзмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона ҳукмрон идеология рухсат берган "ҳақиқатлар"дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли бехабар тарбия топганлар. Бугун зиёлиларимизнинг кўпчилиги маънавий меросни тўғри идрок қилишга қийналаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шунда. Демак, ўтган 70 йиллик даврда маънавий меросни ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг амалий томонлари - нашрлар, маълумотлар - бугун учун хизмат қилишга яроқли бўлса ҳам, ғоявий-назарий йўналишлар, талқин ва хулосалар, андаза ва тушунчалар - барчаси жиддий ва диққат билан қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва бу миллий маънавиятимиз назариясини тўғри, аслига мувофиқ шакллантиришда ўта муҳим муаммолардан биридир.

5-фасл. «Совет даври» ўзбек зиёлилари томонидан яратилган маънавий меросга муносабат.

50-йиллар иккинчи ярми, 60-йиллар бошларида Сталин шахси фош қилиниши муносабати билан яна бироз «тешик-туйнуклар» очилиб, зиё аҳлига озгина бўлса ҳам эркинроқ нафас олиш имкони туғилди. Албатта, «совет социалистик ғоялари» чегарасида, аммо нисбатан ҳалолроқ, самимийроқ сўзловчи иқтидорли ёшлар адабиёт соҳасига кириб келдилар, ўтмиш меросимизни ўрганишга ҳам эътибор кучайди. 40 - 50-йилларда Шарқ факултетини битирган кичик, аммо иқтидорли гуруҳ, эски таълимдан баҳраманд бўлган ва тасодифий сабабларга кўра 30-йиллар қатағон машинаси чангалидан тирик қутулиб қолган саноқли иккинчи қатлам зиё эгаларига таяниб, эътиборга сазовор ишларни имкон доирасида амалга ошира бошладилар. Баъзи раҳбарлик лавозимидаги кишилар, Ҳабиб Муҳамедов каби фидоийлар «совет социалистик мафкураси»га самимий ишонган ҳолда миллат манфаати учун қайғуриб, миллий маънавият унсурларини имкон доирасида ёш авлод онгига етказишга уриндилар, бунинг учун ҳаракат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилаётган ҳақиқий илм эгалари, зиёлиларга фаолият майдонини эркин қўйиб бердилар. «Хамса»нинг тўлиқ матни, «Хазойин ул -маоний», «Бобурнома», «Қутадғу билиг» матнлари шундай шароитда нашр этилди, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи шундай имконият доирасида ташкил топди. Аммо барибир, тез-тез кўриб кўрмасликка солишга, билиб билмасликка олишга, Навоийни, Жомийни, Улуғбекни, Нодирани яхши дейиш учун тарихий воқеликка хилоф равишда Атторни, Хўжа Аҳрорни, Амир Темурни, Умархонни ёмонотлиқ қилиб қоралашга мажбур бўлинди. Амирий девонини, «Зафарнома» матнини эълон қилишга журъат этган олимлар дўқ-пўписа эшитдилар. Энг ёмони аждодларимиз мероси асли ҳолича эмас, «кесилган», «қирқилган», ҳоким мафкура руҳига мослаб талқин қилинган ҳолда ёш авлодга етказилди. Шу сабабли асл матнни ўқий олмайдиган, эътибор қилишга вақт топмаган, ўша алломалар яшаб ижод этган маънавий муҳитни тўғри идрок этиш имконига эга бўлмаган авлод кўплаб тарихий ҳақиқатга зид «фикр» ва «хулосалар»ни ҳануз чиппа-чин қабул қилиб, шу асосда мулоҳаза юритмокда, ҳатто бу гумроҳлик заминида илмий тадқиқотлар олиб боришга уринишлар мавжуд.

Қисқаси, инсон эркин бўлиши учун, унинг маънавияти мустақил ва эркин шаклланиши учун биринчи шарт миллат ва мамлакат мустақиллигидир.

Биз бу мустақилликка 1991 йил 1 сентябрдан эришдик.

Ажаб ҳодисаки, мустақиллик ёмон одамни ҳам яхшилик сари ундар экан. Сабаби, инсон боласи табиий шароитда табиийлик сари интилади, табиийлик эса ҳамиша яхшилик, эзгуликдир. Ёмонликни нотабиий шароит пайдо қилади, миллий қарамлик вазияти шундай нотабиий шароитни вужудга келтирган эди. Шу асосдан келиб чиқиб, биз бугун ҳеч кимни кечаги айблари учун гуноҳкор этмаганимиз маъқул, фақат ниятлар фарқ қилади, турли инсонларнинг имкониятлари бир-биридан ўзгача эканлиги табиий ҳолдир.

Биз яқин ўтмишимиз, аниғи, «совет даври»да юзага келтирилган маънавий меросдан асло воз кечишимиз, унга менсимай қарашимиз мумкин эмас. Ҳамза ва Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон ва Ғофур Ғулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор адабий мероси ўзбек халқининг маънавият хазинасидан муносиб жой олгандир. Албатта, улар ижодида замонасозлик ҳам, бадиий меёрга етмаган баъзи асарлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо уларнинг бадиий салоҳияти, ўзбек халқи ва Ватанга меҳри, халқ маънавий камолоти учун қўшган ҳиссаси беназир эканини фахр билан тан олсак арзийди. «Совет даври» деб аталган 70 йиллик мураккаб тарихий жараён давомида миллий зиёлиларимиз ҳар бири ташқи имкон ва ички салоҳият даражасида халқ кўнглини ўстириб, маънавий оламини бойитиб келдилар, биз буни эътироф этишимиз ва миннатдорчилик билан улар иззатини жойига қўйиб, асарларини янгича нуқтаи-назар билан янгидан кўриб чиқишимиз лозим. Умуман, большевиклар одатини такрорлаб, бу - мутараққий, нариги - мутаассиб ёки реакцион деб тамға босиш инсофдан ҳам эмас, илмга ҳам мувофиқ эмас. Ҳар тўкисда бир айб. Биз фазилатни кўра билайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мустақиллик маънавияти халқимизнинг неча минг йиллик мустақил маънавий камолот йўлига таянади, миллий маънавиятимиз такомил босқичларини энг умумий сатҳда бир қур кўздан кечириб чиқишни лозим топганлигимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги таназзул, унинг сабаблари ва оқибатлари.
2. Европа маърифатчилигида илм ва имон зиддияти.
3. Ягона Туркистонинг парчаланиши ва Россия империясининг маккорона сиёсати.
4. Фурқат ва Дониш маърифатчилиги.
5. Муқимийнинг ижтимоий қарашлари.
6. Жадидчиликнинг вужудга келиши.
7. Беҳбудий - муфтий ва драматург.
8. Миллий уйғониш ва янги маърифатчилик.
9. Илм-фан ва таълим-тарбияга эътибор.
10. Ислом динига муносабат.
11. Туркистон мухторияти ва миллий истиқлолчилик ҳаракатининг маънавий аҳамияти.
12. Миллат зиёлиларининг миллий ўзликни сақлаш соҳасидаги уринишлари.
13. Қарамлик даврида ўтмиш маънавий меросимизга муносабат.
14. Большевиклар диктатураси ва халқларни ўз миллий маънавиятидан бегоналаштириш сиёсати.
15. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият» шиорининг мантиқсизлиги ва мунофиқона моҳияти.
16. Жанговор атеизм ва «шахсга сигиниш» касаллиги.
17. Қардош халқлар орасига нифоқ солиш ҳаракатлари.
18. Миллий зиёлиларни жисмонан ва руҳан мавҳ этиш - аёвсиз қатағонлар - миллатни манқуртлаштиришнинг мудҳиш усули сифатида.
19. Марксистик-ленинистик идеологиянинг ялпи мустабидлиги миллатларнинг маънавий инқирозига асосий сабаб.
20. Ижтимоий фанлар тотал идеология исканжасида.
21. Зиёлиларнинг миллат тарбиячиларидан мустабид мафкура маддоҳларига айланиши.
22. «Совет даври» ўзбек зиёлилари томонидан яратилган маънавий меросга муносабат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

13-боб.
Мустақиллик даврида миллий маънавиятимизнинг моҳиятан қайта тикланиш жараёни

1- фасл. Истиқлол ва маънавият. Президент И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига алоҳида эътибори ва бунинг сабаблари.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, айтиш мумкинки, «Совет Иттифоқи» аталмиш улкан бир ҳудудда воқеан «манқуртлар салтанати» шаклланган эди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи йиғилишида Президент И.А. Каримов бу ҳақда шундай фикр билдиради: *"Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди."* Улар йўқ эмас эди, ҳаётимизда мавжуд эди. Халқ онгини, унинг барча фаолиятини марказ измига бўйсундириш асосан ўшаларга ишониб топширилган эди.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бизнинг халқимиз аксарияти ушбу макр домига тўлиқ тушиб қолмади. Чунки тузум олға сурган марксистик мафкура бизнинг неча минг йиллик маънавий меросимиз, миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳи учун мутлақо бегона бўлиб, фақат сиёсий ва иқтисодий қарамлик шароитида четдан зўравонлик йўли билан киритилган ва шафқатсиз усуллар билан онгимизга сингдиришга уринилган эди.

"Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз,- деб ёзган эди И.А.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, - *бу гул билан қопланган йўл эмас, тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир".*[119]

Бугунги кунда ҳам ушбу покланиш жараёни давом этмоқда. Янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб, миллий мафкурани шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтириш бугуннинг ҳам энг муҳим вазифасидир. **Мустақиллик масъулияти** айни шу вазифаларни мукаммал ҳал этишни тақозо қилиб турипти.

"Биз, - дейди Президент, - иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз"[120]. Чунки халқ маънавияти ўнгланмагунча, на ижтимоий-сиёсий жараёнларда, на иқтисодий соҳада жиддий янгиланишлар қувватга кириши қийин.

И.А.Каримов Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган дастлабки кунлардан бери халқ маънавиятини юксалтиришга биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали шўролар тузуми мавжуд бўлиб, юртимиз "совет социалистик республикаси" деб аталган даврда - 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими

---

119 И.Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 359

120 Ислом Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 35

www.ziyouz.com kutubxonasi

жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу лавозимга муносиб топилгач, Ўзбекистон Президентининг биринчи нутқидаёқ *“халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш” масаласи* давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.[121]

Маънавият деган сўзни юқори доираларда ишлатиш мутлақо урф бўлмаган ўша замонларда бу мутлақо янгича ёндошув, ўша пайтлар республика раҳбари учун катта жасорат эди.

Миллий мустақиллигимизнинг иккинчи йилида Президент *“Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”* рисоласини эълон қилди. Ушбу китобнинг алоҳида боби *“Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари”* деб номланди ва унда илк бор халқ маънавиятини ривожлантириш масалалари батафсил таҳлил этилди.[122]

Масъулият *- шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига амалда садоқат сақлаш, ҳар бир хатти ҳаракатининг оқибатини ўйлаб қадам қўйиш. Инсон эркин иродаси билан ўзини дунёдаги барча мавжудот учун масъул деб билса ва ҳар бир қадамини қўйишда ана шу масъулиятни ҳис қилиб турса айни шу шахс ҳақиқий маънавият соҳибидир.*

Маънавият жуда мураккаб, серқирра, шу билан бирга халқ дилига ниҳоятда яқин, тушунарли ҳодиса. Уни, бир томондан, сохта «илмий» мураккаб таърифлар билан мавҳумлаштирмай, шу билан бир пайтда сийқа, одми «тарғибот»га айлантирмай, халқ онгига тиниқ етказмоқ, ёш авлод руҳига эш қилмоқ лозим. Бунда қандай меъёрларга риоя этиш зарурлигини ўша даврдаёқ Ўзбекистон Президенти ўз китобида аниқ тавсифлаб берган эди:

“Умуминсоний қадриятларга содиқлик;

Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

Ватанпарварлик”[123].

Мустақиллик маънавиятининг асосини ташкил этувчи бу тўрт негиз ўзаро чуқур ички уйғунликка эга. Шу билан бирга бугунги кун учун долзарблиги жиҳатидан алоҳида инсон шахсининг ўз ички имкониятларини эркин намоён қилиши масаласи биринчи ўринга чиқиб турипти. *“Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир”*[124], деб таъкидлади И.А.Каримов 1999 йили 14 апрелдаги маърузасида. Давлатимиз ва Президентимизнинг миллий маънавиятимизни ривожлантиришга эътибори, аслида ва биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг ҳақиқий эркинлигини таъминлашга бўлган асосли эътиборини кўрсатади. Чунки ўзлигини англамаган одам, унга қанча имкон

---

121 И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»-1994, с. 65

122 И. Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 76-85

123 Ислом Каримов.Асарлар. 1-жилд, с. 76

124 Ислом Каримов.Асарлар. 7-жилд, с. 381

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва шароит яратиб берманг, воқеан ҳур ва озод бўла олмайди. Аммо ўзлигини англаш дегани, ўзининг Ватанга, миллатга, башариятга, Борлиқ ҳақиқатига нисбатини тўғри белгилай билиш дегани, бунга эришиш осонлик билан бўлмайди.

1994 йил баҳорида "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилик марказини тузиш ҳақида Президентнинг Фармони чиқди. 1996 йил сентябрда ушбу марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида яна алоҳида Фармон бўлди ва унинг асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Ниҳоят, 1999 йилга келиб, бу марказ Республика Маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди.

1995 йил феврал ойида илк бор кўппартиявийлик асосида ўтказилган эркин ва демократик сайловлар ҳосиласи бўлмиш Ўзбекистон республикаси биринчи чақириқ Олий мажлисининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент И.А.Каримов *"Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари"* мавзуида катта маъруза қилиб, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига оид муҳим масалалар билан бир қаторда миллатнинг маънавий такомили йўналишида ҳам янгича ёндошувлар, долзарб муаммоларнинг пухта ўйланган ечимларини халқ намояндалари муҳокамасига ҳавола этди. Унда, аввало, 130 йиллик мустамлака асоратидан қутулиб, қайта қад ростлаган мустақил давлатчилигимизнинг бетакрор қиёфаси очиб берилди. Унинг халқимиз, миллатимиз *"тарихий ва маънавий тараққиётининг"* самараси, *"ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг*" натижаси эканлиги қайд этилди[125]. "Социализм" ғояларининг халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилгани, улар халқимизни манқуртлаштириш учун хизмат қилгани очиқ айтилди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Шундай экан, давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш баробарида маънавиятга ҳам доимо алоҳида эътибор ажратиш талаб этилиши воқеий заруратдир. Президент маърузанинг *"Юксак маънавият - келажак пойдевори"* [126]деб номланган фаслида мустақилликнинг дастлабки тўрт йилида бу соҳада эришган ютуқларни тилга олиш баробарида келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳлил этиб берди. *"Эндиги асосий вазифа,*-деб фикрини изҳор этди юртбошимиз,-*кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир"*[127]. Бунинг учун ҳар биримиз *"босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб", "буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак"*[128].

Умуман қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг деярли ҳар бир нутқида маънавият масаласига эътибор қаратилади, ҳар бир китобида алоҳида боб ажратилади. Улар биринчи марта алоҳида йиғилиб,

---

125 И.Каримов. Асарлар. 3-жилд, с. 6

126 Ўша китоб, с. 33-42

127 Ўша китоб, с. 34

128 Ўша китоб, с. 7

www.ziyouz.com kutubxonasi

1994 йилда *“Истиқлол ва маънавият”* номли китоб бўлиб чиққан бўлса, 1997-98 йилларда янада тўлдирилиб, «*Маънавий юксалиш йўлида» («На пути духовного Возрождения»)* номи билан ўзбек ва рус тилларида мукаммал шаклда нашр этилди[129]. Айниқса, Президентнинг *«Маънавий мерос қудрати»* (Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналарида сўзланган нутқ), «*Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради»* (Ёзувчилар билан суҳбат), *«Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили»* (Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ), *«Ватан –ҳамма нарсадан мўътабар»* (Мустақилликнинг беш йиллигидаги байрам табриги), *«Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши» (“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”* китобида), «*Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин»* («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар), *«Тарихий хотирасиз келажак йўқ»* (Тарихчи олимлар билан суҳбат), *«Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»* («Фидокор» газетаси мухбири билан суҳбат), *«Эгали юрт эркини бермас»* (2000 йил август Олий мажлис сессиясида сўзланган нутқ), *«Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда»* каби қатор асарларида маънавият масалаларига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган.

“Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”,-деб ёзган эди Президент мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ.[130] Кейинчалик «Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда» асарида бу ғоя янада муайянлик касб этиб, маънавият **«инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч» сифатида таърифланди.**[131]

Президентнинг таърифларидан шу нарса аниқ бўладики, бугун мустақил ва фаровон Ўзбекистон аталмиш буюк воқеликни вужудга келтириш учун ҳар бир инсондан, миллатнинг ҳар бир вакилидан алоҳида ички қувват, чексизликка туташувчи **ботиний куч** талаб этилмоқда. Ана шу куч ҳар бир инсон руҳида яширин, дейди Президент. Ўзини мустақил шахс деб билган ҳар бир инсон уни ўзи учун кашф этиши керак. Бунинг учун, аввало, руҳимиздаги худбин майлларни, ёлғон ҳою-ҳавасларни, рўёларни енгиб ўтиб, чексиз қудрат манбаига қалбимизни очишимиз лозим.

2008 йили “Маънавият” нашриётидан Ўзбекистон Президентининг Ислом Каримовнинг ***“Юксак маънавият – енгилмас куч”*** номли маънавият масалаларига бағишланган алоҳида рисоласи босилиб чиқди. Китоб 4 бобдан иборат бўлиб, *“Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”*

---

[129] И.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т.-«Ўзбекистон»-1998 (И.Каримов. На пути духовного Возрождения. Т.-«Ўзбекистон»-1997)

[130] Ислом Каримов.Асарлар. 1-жилд, с. 81

[131] Ислом Каримов.Асарлар. 7-жилд, с. 381

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб номланган биринчи бобида **“маънавият”** тушунчаси, маънавиятли ва маънавиятсиз инсонлар, маънавиятни шакллантирувчи мезонлар маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги каби масалалар кенг омма учун тушунарли тилда батафсил баён қилинган[132]. Китобнинг иккинчи боби **“***Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш”* деб аталган ва унда аввало миллий ғоянинг маънавий ҳаётдаги ўрни, мустақиллик даври жамиятимиздаги миллий-маънавий тикланиш ва юксалиш жараёни, тилимиз ва динимиз, миллий ва диний байрамларимиз мавқеининг қайта тикланиши, ислоҳотларнинг маънавий аҳамияти ҳақида сўз боради[133]. Учинчи бобга *“Маънавиятга таҳдид – ўзимиз ва келажагимизга таҳдид”* деб ном қўйилган бўлиб, унда маънавият ва маънавий тарбия масалалари бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида нақадар долзарблашгани ва энди бу масалалар фақат миллий ҳудудда чегараланиб қолмай умумбашарий муаммога айланаётгани таҳлил этилади[134]. Дунёдаги энг буюк жасорат маънавий жасоратдир, деб хулоса қилади И.Каримов *“Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори”* деб номланаган охирги бобда[135]. Президентнинг чуқур ишончига кўра маънавий тарбиянинг ибтидоси ҳар бир инсон қалбига қулоқ тутиш ва кўнглига йўл топишдан бошланади ва бу соҳада зиёлиларимизнинг ўрни ва масъулияти ўта муҳимдир.

Албатта, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ушбу рисоласи ва маънавиятга доир бошқа фикр ва мулоҳазалари алоҳида йирик жиддий тадқиқот мавзусидир. Аммо мазкур тадқиқот якунларини кутмай туриб ҳам, И. А. Каримов асарларини шу йўналишда эътибор билан ўрганиб чиққан одам Президент қарашлари миллий маънавият назариясини шакллантириш йўлида ўқ томирларни аниқ ва муайян кўрсатиб берганлигига амин бўлади. Шундан келиб чиқиб, ушбу китобдаги мавзуларни бугунги кун нуқтаи назаридан ёритиш жараёнида назарий замин сифатида асосан Президент И. А. Каримов асарларида билдирилган фикр ва хулосаларга таянилди.

2-фасл. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов асарларида миллий маънавият назарияси умумметодологик асосларининг ишлаб чиқилиши

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президент Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий ривожланиш йўли асосларини ишлаб чиқар экан, биринчи марта “*дунёда умумий йўл-йўриқлар, ўхшаш андазалар йўқ”*[136] эканлигини эътироф этиб, ўзимизнинг миллий “*бетакрор яхлит андазамизни ишлаб чиқиш”*ни мақсад қилиб қўйди.[137] Бунинг учун миллий тафаккур

[132] И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008. С.18-70.
[133] Шу китоб, с. 71-109.
[134] Шу китоб, с. 110-127.
[135] Шу китоб, с. 159.
[136] И.Каримов. Асарлар. 2-жилд, с.3
[137] И.Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 277

www.ziyouz.com kutubxonasi

анъаналаримизни инсонлар онгида қайта тиклаш зарур эди. "*Аждодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тиклангандa ислоҳотлар муваффақиятга эришади*", деб таъкидлади Президент.[138]

Президент И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган ғоялар ва қарашлар бугунгача миллатимиз ва бутун инсоният босиб ўтган тараққиёт йўллари тажрибасини имкон ва зарурат даражасида ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Демак, унинг асарларида таклиф этилаётган методологик асослар ҳам бугунгача башарият илми эришган ютуқларга бегона эмас.

Ислом Каримовнинг *"Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*" китоби мустақиллик даври миллий мафкурасининг умумметодологик асослари шаклланишида муҳим босқич бўлди. Бу асарда воқеликка ёндошув ва муаммолар таҳлилида мутлақо янгича ғоялар олға сурилган.

Ушбу китобни ўқиганда бу ёруғ жаҳон марксизм талқинига мутлақо мувофиқ эмаслигини ёркин тасаввур қиламиз. Масалан, собиқ "СССР" даврида ташқи сиёсат муаммолари ҳам дунёни қарама-қарши икки қутбга бўлинган ҳолда тасаввур қилиш асосига қурилар эди. Муаллиф бу тасаввурларнинг ўтмишга айланганини қайд этади: *"Икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди"*.[139]

Дунё энди икки қутбли эмас, деб таъкидлайди Президент ўз асарида ва ушбу **кўп қутбли дунё**да ҳар бир миллат, ҳар бир инсон ўз йўлини тўғри топиб юра олиши учун воқеликка қандай назар билан қарашни ўргатади. Насиҳат қилиб, кўрсатма бериб эмас, шахсий намуна кўрсатиб, воқеий ибрат орқали намоён қилади. Бу муҳим ғоя Президентнинг фалсафий қарашлари учун янгилик эмас. И.А.Каримов 1995 йил 27 октябрда Ўзбекистон телекўрсатувлар мухбири билан суҳбатдаёқ бугунги кунда ***"кўп қутбли дунё*** *ҳақида фикр юритиш лозим бўлади",*[140] деб айтган эди. Президентнинг янги китобида хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ҳам, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ҳам турфа йўналишда, яшаб турган дунёмиз, атроф-воқелик каби сержило ва мураккаб эканлигига эътибор қаратилган.

Кўп қутбли дунё *– миллий дунёқарашимизнинг таянч нуқталардан бири, биз кўриб турган оламнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда юксак қудрат ва мавқеъ касб этган шахслар, гуруҳлар, давлатлар, минтақалар хилма-хиллигидан ташкил топган эканлиги.*

Муаллиф уларни бир-бир санаб кўрсатар экан, асло ягона манбага олиб бориб боғламайди, ягона душман ахтармайди. Китобда баён этилган мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи кучлар турлича ва турли даражада қувватга эга, тараққиётимиз кафолатлари ҳам ранг-баранг ва турли-туман омилларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқ.

---

138 И. Каримов. Асарлар, 2-жилд, с. 13

139 И.Каримов. Асарлар. 6-жилд, с.41

140 И.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1996, с.62

www.ziyouz.com kutubxonasi

Президентнинг бу янгича ёндошуви тўлиғича, ҳам неча минг йиллик миллий маънавиятимиз анъаналарига, ҳам бугунги жаҳон фикрий камолотининг энг илғор тамойилларига таянади. Унда ҳар бир шахс маънавий ҳурлиги, бир томондан, ватан ва миллат манфаатларига мувофиқлик билан, иккинчи томондан, умумбашарий қадриятлар муҳофазаси билан уйғунлашган.

Бу дунё кўп қутбли бўлса, унинг меҳвари, таянчи қаерда, аниқроқ айтадиган бўлсак, дунё ишларига ёндошувда қайси нуқтага таянмоқ керак, деган саволга ҳам Президент асарларидан аниқ жавоб топиш мумкин.

Маълумки, марксистлар жамиятни бирламчи қилиб олиб, инсоннинг моҳиятини ундан келтириб чиқармоқчи бўлганлари учун қандай усул билан бўлмасин (масалан, инқилоб, яъни сиёсий тўнтариш воситасида) ижтимоий вазиятни ўзгартиришга эришилса, инсон ҳам шунга қараб ўзгаради, деган ақидада бўлдилар. Аслида инсон маънавий камолоти таъминланмаса, турли сиёсий тўнтаришлар фақат фожиаларни кўпайтиради, холос. Бунга яқин тарихнинг аччиқ сабоқлари - ёрқин далилдир. Марксниng «инсон ўз моҳиятига кўра барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир» деган ақидасига зид ўлароқ, Президентимиз: “Ҳар бир киши ўзича ноёб ҳодиса – бу менинг қатъий ишонч-эътиқодим”[141] деб эълон қилади.Унинг маънавиятга оид янги китобида шундай фикр билдирилади: “Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак.”[142] Дарҳақиқат, бизнинг миллий маънавиятимиз анъаналарига биноан аслида бу ёруғ дунёнинг марказида инсон шахси туради. Чунки Аллоҳ Одам Атони ер юзида халифа қилиб яратган. Инсон ер юзидаги барча Аллоҳ яратган мавжудотларни тасарруф қилади, шу билан бирга улар учун масъул ҳамдир. Бугун биз - Ўзбекистон халқи бир тану бир жон бўлиб, ўзимиз сайлаб қўйган Президентимиз етакчилигида янги воқелик – мустақил ва мутараққий Ватан, фаровон ва озод жамият яратмоқдамиз. Бунинг учун “ижтимоий махлуқ” эмас, қудратли яратувчи куч эгаси бўлмиш эркин ва собитқадам Инсон шаклланишига эришмоғимиз керак.

“Бизнинг асосий мақсадимиз,- дейди Президент, - бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устун бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат.”[143]

Хуллас, ўтмишимиз қанча буюк бўлмасин, келажагимизнинг улуғворлиги миллатнинг ҳар бир аъзоси, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ушбу келажакда Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, инсон бахти тўкис таъминланиши учун қай даражада фаоллик кўрсата билиши ва бу фаоллигининг самаралари, унуми билан белгиланади. Ҳар бир фуқаросининг бахти учун қайғурмаган жамият етук жамият бўлмайди. Шу сабабли мустақил юртимизда ўтказилаётган барча ислоҳотлар, қабул қилинаётган

[141] И.Каримов. Асарлар. 9-жилд.Т., 2001, с.287.
[142] И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008. С. 29.
[143] И.Каримов. Асарлар. 4-жилд.Т., 1996, с.80

www.ziyouz.com kutubxonasi

барча қонунлар руҳи шунга йўналмоқда. Жаҳондаги энг олийжаноб ва масъулиятли юмуш - дўстингни, ҳамкорингни, қўшнингни, хуллас, ўзга инсонни *“улуғ мақсадлар йўлида йўлдошлик қилишга кўндириш,”* - дейди Юртбошимиз.[144]

Инсон – дунё меҳвари *- Миллий дунёқарашимизнинг таянч нуқталаридан бири, маънавият нуқтаи назаридан, ҳар бир инсонга, имконият (потенция) даражасида, бу моддий оламнинг маркази деб қараш, чунки у Аллоҳ томонидан "ер юзининг халифаси" қилиб яратилган ва унинг қалби Борлиқ ҳақиқатининг мазҳари (намоён бўлиш жойи)дир. Шундай экан, ҳар бир инсон, агар астойдил хоҳласа, бутун олам ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиш имконига эга.*

Инсон маънавияти ундаги юксак яратувчилик қудратининг асосидир. Ҳар бир замон ва маконда жамият тараққиётини инсонларнинг фаол яратувчилиги белгилайди, аксинча эмас. Мустақиллик шароитида ниҳоят ушбу ўзак муаммо тўғри ҳал қилинди. Ҳаётга ёндошувда диққат маркази “жамиятга” эмас, алоҳида инсонга қаратилди. Иқтисод соҳасида бу нарса айниқса яққол намоён бўлмоқда. “Жамият”га таянган тузум “ижтимоий” мулкнинг якка ҳукмронлигини ўрнатиб, хусусий мулкка эгаликни жиноят даражасида талқин этиб, қонун билан тақиқлаб қўйган эди. Фақат мустақиллик туфайли ҳар бир инсоннинг мулкни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқи Конституциямиз асосида тўлиқ қайта тикланди, жумладан, эндиликда хусусий мулк барча бошқа мулк турларининг пойдевори сифатида қаралмоқда. Бу ўзгариш иқтисод соҳасида алоҳида инсон шахси биринчи ўринга чиқаётганлигини англатади.

Ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқаролар жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар эса сиёсат соҳасида алоҳида шахс мавқеини биринчи ўринга олиб чиқишга қаратилган. Сиёсат соҳасида эркинлаштиришни кенгайтириш режалари ҳам яна бир марта давлатимиз ва Президентнинг ушбу йўналишга устивор аҳамият қаратаётганлигидан дарак беради.

Сиёсат - инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан (йўналишидан) бири, ҳар бир инсоннинг ўзга инсонлар билан бевосита муносабатлари. Сиёсат соҳаси ўз навбатида ахлоқ ва ҳуқуқ қатламларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўрганувчи алоҳида фан йўналишлари мавжуд.

Маълумки, инсон жамоа бўлиб яшайди, шу билан бирга ҳар бир инсон моддий вужуд сифатида нафақат атрофидаги ўзи сингари мавжудотлар билан, балки табиат, аниқроғи моддий борлиқ билан ҳам доимо амалий муносабатда бўлишга мажбур. Шундан келиб чиқиб, моддиюнчилар инсоннинг моҳиятини фақат биологик, иқтисодий ва ижтимоий (жумладан, сиёсий) муносабатлар доирасида белгилашга ҳаракат қилишди.

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, **миллий маънавият назариясининг шаклланишига Ўзбекистон Президентининг қўшган энг муҳим хиссаси иқтисод ва сиёсат билан бир қаторда маънавиятнинг инсон ва жамият**

[144] И.Каримов. Асарлар. 4-жилд, с. 69

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётидаги алоҳида мустақил ўрни ва аҳамиятини ажратиб кўрсатиш бўлди. Бусиз нафақат маънавият назарияси, балки инсоннинг мустақил моҳияти ҳақидаги ғоя ҳам ўз мукаммал изоҳини топмай қолиб келаётган эди. Инсон ҳаётида маънавият соҳасининг мустақил аҳамияти алоҳида таъкидланиши натижасида эндиликда инсоннинг **маънавий камолот имконига эга бўлган ягона моддий мавжудот** сифатидаги асл моҳияти ҳақида равшан тасаввур ҳосил бўлди.

Иқтисод *- инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан (йўналишидан) бири, ҳар бир инсоннинг атроф-табиат (моддий воқелик)ка амалий муносабати.*

Ҳар қандай жамият ва ҳар бир инсон ҳаётида **иқтисод, сиёсат, маънавият** йўналишлари ҳар бири ўз ўрни ва мустақил аҳамиятига эга

бўлиб, воқеликда бу уч соҳа манфаатлари ниҳоятда чатишиб кетган, ҳар қандай ҳодисада ҳар уч йўналиш унсурлари учрайди ва уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиш анча мушкул. Аммо тарих ибрати ва мантиқ хулосаси шундан далолат беради, уларни бир-бирига бўйсундиришга, бирини биридан келтириб чиқаришга уриниш яхши натижаларга олиб келмайди. Бундан ташқари умуман мавжуд уч соҳадан бирининг муайян муддат ўзгаларидан орқада қолиши, оқсаши қолганларига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, уларни орқага торта бошлаши ҳам табиий қонуният.

Иқтисод, сиёсат, маънавият уйғунлиги *- миллий дунёқарашимизнинг таянч нуқталаридан бири, инсон ва жамият ҳаёти ушбу уч соҳадан (уч йўналишдан) иборат бўлиб, инсон ва жамият камолотининг асоси уларнинг ўзаро уйғун ривожида эканлиги.*

Президент И.А.Каримов доимо **иқтисод, сиёсат ва маънавиятнинг ўзаро уйғун ривожланиши** зарурлигини таъкидлаб келади: *“Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак.»*[145] Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи - мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақилликнинг замини мўрт бўлади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди. Фақат уларнинг ўзаро уйғун ривожи таъмин этилсагина, Ўзбекистон улуғ юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллай олади.

3-фасл. Мустақиллик шароитида ислом динига муносабатнинг тубдан ўзгариши.

Мустақиллик шарофати билан 1300 йил мобайнида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат ҳам тубдан ўзгара бошлади.

[145] Ислом Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 354

www.ziyouz.com kutubxonasi

Собиқ “Иттифоқ” даврида бутун Ўзбекистонда бори-йўғи 80га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ минглаб янги масжидлар ишга тушди. Илгари биргина Бухорода кичик бир мадраса тор доирада диний билим бериб келган бўлса, бугунги кунда деярли барча вилоятларда мадрасалар ишлаб турипти. Тошкент олий маъҳадининг мавқеи кўтарилиб, энди унинг дипломи ҳам бакалавр даражасида тан олинадиган бўлди. Ўзбекистон ҳукумати мўминларнинг истакларини инобатга олиб, мусулмон дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон "Мусҳаф"ини улар ихтиёрига қайтиб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди. Давлат диний асарларни чоп этишда ёрдам беряпти. Ҳар йили юртимиздан минглаб мусулмонлар ҳаж ва умра сафарларига эмин-эркин бориб келмоқдалар. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Дин *–муайян инсонлар гуруҳининг Борлиқ Ҳақиқати ҳақидаги (одатда илоҳий ваҳийга асосланган) тасаввурлари, уларга қатъий ишончи, шу ишончга мувофиқ амал қилишга интилиши. Диннинг ботиний ва зоҳирий жиҳатлари мавжуд бўлиб, ботиний жиҳати имон, зоҳирий жиҳати ибодат-лардир. Имон масаласи дин ва маънавиятнинг умумий жиҳати бўлиб, диний имон маънавиятнинг муайян жиҳатига нисбатан хусусий ҳолдир.*

Ўнлаб ўтмиш диний уламоларимизнинг табаррук номлари, мерослари тикланмоқда. Мақбаралари қадамжойга, зиёратгоҳга айланмоқда. Жумладан, Имом Бухорий мақбараси мажмуининг бунёд этилиши, Баҳовуддин Нақшбанд масжиди-мақбарасининг янгидан таъмирланиб, обод этилиши, имом Мотуридий, Бурҳонуддин Марғиноний каби буюк сиймоларнинг хоки поклари қўйилган Самарқанддаги Чокардиза қабристонини тиклаш ва ўрганиш ишларининг жиддий йўлга қўйилиши – барчаси мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг муқаддас динимизга, ушбу динни маърифат, маънавий қадрият даражасига кўтарилиб, жаҳонга танитган улуғ аждодларимизга бўлган юксак ва самимий эҳтиромнинг ёрқин намойишидир.

Мустақиллик йилларида Аллоҳнинг табаррук китоби Қуръони карим оятлари маъноларининг ўзбек тилига таржимаси ва тафсирлари, Расулуллоҳ(сав) ҳадислари (Имом Бухорийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” китобининг 4 жилди, Имом Термизийнинг “Сунан” китоби) қайта-қайта катта тиражларда нашр этилмоқда. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расман дам олиш куни деб эълон қилинган. Минг йиллик тарихимизда ўтган улуғ алломаларимизнинг тантанали юбилейлари илк мартаба нишонлана бошлади.

Дарҳақиқат, ёш авлод онгига миллий маънавиятимиз анъаналарини сингдиришда улуғ диний алломаларимизнинг юбилейлари нишонланишининг аҳамияти катта. Бундай улуғ алломаларимиз, тасаввуф пирларининг порлоқ хотираларини эъзозлаш мустақил Ўзбекистонимизда қутлуғ анъанага айланиб қолди. 1993 йили буюк маънавият устозлари Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд юбилейлари ўтказилди. Ҳазрати Нақшбанд зиёратгоҳлари буткул қайта таъмирланиб обод гўшага айлантирилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1995 йили кубравия тариқатининг асосчиси, буюк пири муршид, Ватан озодлиги учун жонини тиккан фидойи инсон Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 2000 йили Марғилонда жаҳон тан олган машҳур фиқҳ олими Бурҳониддин Марғилонийнинг 910 йиллиги, Самарқандда калом илмининг асосчиларидан бири Имом Абу Мансур Мотуридий 1130 йиллиги, 2003 йили хожагон сулукининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги байрам қилинди.

1998 йилда Республика Президенти фармони билан буюк ҳадисшунос аллома, 1200 илгари юртимиз довруғини бутун дунёга таратган, ҳадис илмида “амир ал- мўминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг 1225 йиллик таваллуд куни нишонланиб, унинг мақбараси қайта қурилди. Шу муносабат билан республика Президенти ушбу анжуманда маъруза қилди. Маърузада жумладан шундай дейилади:

“ Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир. Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак. Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир. Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръони карим оятларида таъкидланганидек, "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир". Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўли-мизни очиб беради...

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир. Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томони-дан битилган китобларнинг энг улуғидир. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрт бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда. Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тик лаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик...”

“Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди”[146], дейди Президент. Динни ниқоб қилиб низолар чиқаришга уриниш остида эса доимо муайян худбин ният, ғаразгўйлик ёки жаҳолат ётади. Шу сабабли И.А.Каримов ҳақиқий имон-эътиқодни сиёсий найранглардан фарқ қилиш зарурлигини таъкидлаш баробарида ўзбекнинг имони хусусида доимо собит туради:

“Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман”[147].

“Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлиғим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.”[148]

Эътиқод масаласи, албатта, маънавиятга алоқадор. Таъбир жойиз бўлса, эътиқод маънавиятнинг умуртқа поғонасидир. Демак, имон-эътиқодсиз маънавият ҳақида гапириш ўзи ортиқча.

Маънавият ҳар бир инсоннинг Ҳаққа (Аллоҳ ҳақиқатига, Борлиқ ҳақиқатига) муносабати экан, бу аслида **фано**нинг (фоний инсоннинг) **Бақо**га (абадийликка, азалий ва абадий қудратга) муносабатидир. Шу нуқтаи назардан агар маънавиятнинг диний таърифини бермоқчи бўлсак, айтиш мумкинки, **маънавият дунёвий ва ухравий (яъни охиратга оид) мақсадларнинг уйғунлиги**дир. Бунинг маъноси шуки, ҳар ким ўзининг бу дунёдаги режалаштираётган ишларини Ҳақ олдидаги масъулиятини тўғри англаган ҳолда, ўзгаларнинг ҳаққига хиёнат қилмай амалга оширишга уринса, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам зарар кўрмайди. Ҳар бир имонли одам аввало ўзининг Аллоҳ ва бандалар олдидаги бурч ва масъулиятини тўғри идрок этиши ва шунга яраша хатти-ҳаракат қилиши лозим.

Бақо *– абадийлик, азалий ва абадий қудрат, мутлақ Ҳақиқат, инсон маънавий камолотининг ниҳоий мақсади.*

Фано *– ўткинчи, муваққат ҳолат, инсоннинг моддий оламдаги ҳолати.*

Бировнинг Ҳақ олдидаги масъулияти ҳақида ўзбошимчалик билан енгил-елпи ҳукм чиқариш, ёки, айниқса, ўзгани зўрлик билан, зуғум билан имонли қилишга уриниш эса маънавият нуқтаи назаридан мутлақо ботил ҳаракатдир, чунки Инсоннинг имонга кириши фақат Аллоҳ иродасига боғлиқ, бандanинг ваколати доирасидан ташқарида.

Дунёвий мақсадлар *– биз яшаб турган моддий дунёга оид (ўткинчи) мақсадлар*

“Ислом” сўзининг ўзи тинчлик-тотувликни,

Ухравий мақсадлар *– охиратга оид, кенг маънода азал ва абад оламида ўз қадрини йўқотмайдиган (Борлиқ ҳақиқатига мувофиқ) мақсадлар*

[146] Ислом Каримов.Асарлар. 1-жилд, с. 26
[147] Ислом Каримов.Асарлар. 7-жилд, с. 352
[148] Ислом Каримов.Асарлар. 7-жилд, с. 350

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳилм (юмшоқлик)ни, ўзгага яхшилик тилагини билдиради. “Ассалому алайкум” деб мурожаатни бошлаймиз, демак, қаршимиздаги одамга Аллоҳдан тинчлик ва саломатлик, эзгулик истаб муомалага киришамиз. Шундай экан, юрт осойишталиги, инсонлар аро аҳиллик ва муроса, ўзгани тушунишга интилиш, Аллоҳ яратган барча мавжудотга самимий меҳр кўзи билан ёндошув - ҳақиқий исломий қадриятлардандир ва бугун биз мустақиллик маънавиятини ушбу асос нуқталарга таяниб шакллантирмоқдамиз. Тан олиш керак, Юртбошимиз ушбу йўлда ҳар жиҳатдан бизга намуна кўрсатмоқда, фақат биз ушбу самимий уринишларга жиддий эътибор қаратсак, уларни кўнгилда таҳлилдан ўтказиб, амалда ўзимиз учун ибрат қилиб олсак, бас. ”Агар биз адолатли давлат, эркин жамиятни қурмоқчи бўлсак, бу олийжаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим”[149], дейди Президент.

“Дин халқ учун афюндир” дегувчилар инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларидан бўлмиш имон эҳтиёжини тан олмайдилар ёки назарга илмайдилар. Имон-эътиқод эҳтиёжи, агар у самимий инсон бўлса, ҳатто даҳрийда ҳам бўлади. Фақат у ўз ботиний эҳтиёжини кўпчилик эътиқод қилувчи динлардан эмас, турли ”изм”лардан қидиради ёки шахсан ўзи учун алоҳида эътиқод тизими яратишга уринади. Бу, албатта, инсонга хос кибр ва гумроҳликнинг нишонаси, холос. Йўқ, нарсани кашф этишга уринишдан кўра, кўпчилик тан олган нарсани тушуниб, моҳиятан англаб етишга ҳаракат қилиш, бизнинг назаримизда, самаралироқ йўлдир.

Қалбни, кўнгил кўзгусини поклаш аввало имон-эътиқоддан бошланади. “Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирор нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам қўрқинчлидир”, деб огоҳлантиради Президент[150]. Албатта, маълум бир даврда коммунистик ғояга ҳам самимий ишонганлар бўлган, соф виждонли даҳрийлар ҳам ҳаётда учраши мумкин. Аммо даҳрийлик инсон тарихида алоҳида ҳолатларда бир-бир намоён бўлувчи ҳодиса. Дин эса асрлар давомида миллион-миллион инсонларнинг эътиқодини шакллантириб келган. Жумладан, ислом дини 14 асрдан бери улуғ бир минтақада инсонлар тафаккур йўналишига таъсир ўтказиб келмоқда. Марксизм онгимизда аждодлар салоҳиятига нописандликни тарбиялади. Кимки 5-6 аср илгари ўтган бўлса, унинг мулоҳазалари бизга ноқис кўринадиган бўлди (айни марксизм ақидаларига номувофиқлиги туфайли). Ўз вақтида биз Имоми Аъзам, Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва ҳоказо юзлаб жаҳоншумул улуғ алломаларнинг эътиқодини “афюн” деб эълон қилдик ва асло этимизга ўйлаб кўрмадик-ки, “хўш, улар яратган улкан маънавий меросга ўзимиз бир мисқол қўшиш қудратига эгамизми?” Мустақиллик бизга имонимизни, эътиқодимизни қайтариб берди. “Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, -

149 Ислом Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 41

150 Ислам Каримов.Асарлар. 4-жилд, с. 79

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди И.А.Каримов,-у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”[151].

2007 йилда Тошкент шаҳри халқаро ташкилотлар томонидан Ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мавзеида салмоқли ободончилик ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Кўркам ва маҳобатли янги жомеъ масжиди ишга туширилди. Умуман, охирги 10-15 йил ичида диний қадриятларимизнинг тикланиши соҳасида амалга оширилган ишлар илгариги даврларда 100-200 йилда қилинадиган ишлар кўламидан кам эмас. Бу даврда биз қарамлик даврида мазкур соҳадаги бузғунчиликлар оқибатини бартараф этишга астойдил киришганимиз ва йўқотишлар ўрнини тўлдира бошлаганимиз жуда катта маънавий ютуқ эканлиги шубҳасиздир. ”Агар биз адолатли давлат, эркин жамиятни қурмоқчи бўлсак, бу олийжаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим”[152], дейди Президент.

4-фасл. Буюк аждодларимизга эҳтиром. Маънавий меросимизни тўлақонли тикланиши йўлидаги саъйи-ҳаракатлар.

Мустақиллик туфайли маънавий қадриятларимиз, ўтмиш аждодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукаммаллигида, қайчиланмасдан, “прогрессив-реакцион” аталмиш зўраки қолипларга тиқиштирилмасдан тиклана бошлади. Қуръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Фируз, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа “совет даврида” ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жадид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. “Босмачи” дея ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз қадрларига лойиқ баҳоландилар.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин

---

[151] Ислам Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 40

[152] Ислом Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 41

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоғи зарур. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билап қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Бизнинг ўтмиш маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб келаётганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган. Мустақиллик даврида ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири - XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оилага етиб бориши учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъи назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади. Ижодий ходимларнинг маънавий кучига эркинлик бериш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради. Халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари, халқ хотираси ва унинг тақдири муносиб давом этишга лойиқдир.

1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди ва ўша йил тўкин кузнинг биринчи ойида ўзбек миллий маънавиятининг қуёшига бағишланадиган асосий тантана ва тадбирларни ўтказиш белгиланди. Оллоҳнинг иноятини қаранг-ки, худди ушбу тантаналар бошланиши олдидан мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи куни Мустақиллик байрамига айланди.

Шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудларига бағишланган анжуманда Республикамиз раҳбари нутқ сўзлаб, ёш авлодни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарбиялашда буюк алломамизнинг ўринлари жуда катта эканлигини яна бир бор эътироф этди. “Мана, салкам бир йилдирки, Ўзбекистонимизда, Ўрта Осиёда барча Шарқ халқлари томонидан нишонланаётган Алишер Навоийнинг умр ва ижод тўйлари — қутлуғ маърака давом этмоқда. Бу тўй миллат байрамидир. Қадриятимизни яна бир бор улуғлайдиган байрамдир. Бу тўй халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бахш этди.Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида қутлут келди, унутилмас сана бўлиб қолди. Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга оширилди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиладиган бўлиб қолди.

Сизларни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини, барча ватандошларимизни ана шу қўшалоқ байрам билан жумҳуриятимиз раҳбарияти номидан, шахсан ўз номимдан чин юракдан табриклайман ва юртимизда ҳақиқий мустақиллик ўрнатиш йўлида ҳаммангизга куч-қувват, мардлик-омонлик, ҳамма ишларингизда ва ҳаётингизда омад тилайман...

Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали, боғи шаҳримизнинг, диёримизнинг энг гўзал ва асосий зиёратгоҳи бўлиб қолади. Бу ер йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимиз, ёш авлодимизга, халқимизга малҳам, руҳий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган катта умидим бор. У ижод аҳли учун илҳом маскани ва камолот каъбасига айланиб кетса ажаб эмас.

Бугун биз бобомиз руҳи олдида чуқур таъзим бажо келтирар эканмиз, ундан олдин ва ундан кейин ўтган улуғ зотларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деб умид қиламиз. Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади. Ишонамизки, Ўзбекистонимиз тез орада дунё ҳамдўстлиги ўртасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, иншоолло. Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг қутлуғ номи бизга мададкор бўлади”,- деган эди Юртбошимиз.

Мустақиллик йилларида ўтган улуғ шоир ва адибларимизнинг юбилейларини ўтказиш қутлуғ анъанага айланиб борди. 1993 йили атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг 90 йиллиги ва шоҳ-шоир ва улуғ адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллиги тантаналари ўтказилди ва Андижонда “Боғи Бобур” барпо қилинди. 1994 йилда Шўролар замонида фақат ҳукмдор бўлгани туфайли номи қораланган маърифатпарвар шоҳ ва истеъдодли шоир Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг 150 йиллик юбилейи нишонланди. 1997 йили ноябрда Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллиги, 1999 йили буюк тасаввуф шоири Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги ва улуғ шоир ва таржимон Огаҳийнинг 190 йиллиги кенг кўламда байрам қилинди. 2003 йили Ғафур Ғуломнинг100 йиллиги муносабати билан шаҳар марказидаги шинам маданият ва истироҳат боғи унинг номига қўйилди ва шу боғда унга улуғвор ҳайкал ўрнатилди. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида Бобур номида, Мирзо Улуғбек номида, Абдулла Қодирий номида, болалар шоири Зафар Диёр номида боғлар барпо этилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеърий ва насрий асарлар устаси, миллионларнинг севимли адиби бўлган Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган анжуманда давлатимиз раҳбари сўзга чиқиб, адиб асарларининг тарбиявий аҳамияти, долзарблиги жиҳатидан бугунги кунда ҳам аҳамиятли эканлигини яна бир бор таъкидлаб шундай деган эди: “Президентлар келади-ю кетади, лекин Ғафур Ғуломдек улуғ ижодкорлар, шоирлар, адиблар, уларнинг ижоди боқий қолади. Шу нуқтаи назардан айтмоқчиманки, ҳар бир раҳбар қаерда бўлмасин, қайси даврда бўлмасин, агарки узоқни ўйлайдиган бўлса, чуқур фикр юритадиган бўлса, аввалambор ижодкорларга шароит туғдириб бериши керак...

Менинг шахсий фикрим — Ўзбекистонни агар улуғламоқчи бўлсак, Ўзбекистоннинг буюк келажаги бор демоқчи бўлсак, мана шу залга қаратиб, бутун халқимизга қаратиб айтмоқчиманки, бизлар аввалambор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак... “

Ўзбекистонимизда нафақат шоиру адиблар, балки нозик, гўзал шеърлар бита оладиган, оқила аёлларимиз ҳам бўлган ва ҳозир ҳам бор. 1995 йили вафо ва садоқат тимсоли бўлган таниқли ва севимли шоирамиз Зулфияхонимнинг табаррук 80 ёшга тўлган кунларига бағишланган тадбирда Президентимиз қуйидагиларни эътироф этди: “Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир. Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз...

Сиз Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи Сизни, ижодингизни янада ёшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди. Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётган миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир”.

Юртимизда қадимдан жаҳон илмига салмоқли хисса қўшган, дунёда номи шуҳрат қозонган забардаст алломалар кўп ўтган. Афсуски, қарамлик даврида уларнинг ҳам номлари кўп ташвиқ қилинмас эди. Мустақиллик шарофати билан уларнинг амалга оширган буюк хизматлари ҳам ўзига яраша юксак эътиборини топа бошлади. Шулардан бири бундан 1200 илгари юртимиз номини жаҳонга танитган буюк астроном, математик ва географ Аҳмад ал-Фарғоний бўлиб, 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан алломанинг 1200 йиллик таваллуд санаси катта тантаналар билан нишонланди. Бу байрамда Президент нутқ сўзлаб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фаргонада муборак байрам. Бугун халқимизнинг бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда... Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, Миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир. Аҳмад ал-Фарғоний мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг "Астрономия асослари" номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди... Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожидаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган "Селенография" китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади...

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта. Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим. Бунинг учун энг аввало мана шу қадимий ва бетакрор юртга Аллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак...

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман...”

Президентимиз таъкидлаганидек, биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир. Бунинг учун ушбу табаррук заминни обод этишга ўз ҳаётини бағишлаган буюк аждодларимиз номини келажак зафарларга ундовчи бир байроқ янглиғ баланд тутмоғимиз лозим. Ана шундай номи миллатимиз туғига айланган забардаст сиймо улуғ бобокалонимиз Амир Темурдир.

Кўп йиллар мобайнида, ҳаттоки Европа давлатлари самимий эҳтиром билан тан олган бобокалонимизни ёвуз, каллакесар деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

“эртакларга”ишонишга мажбур қилиндик. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Қарамлик касофати билан Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Мана охири ҳақиқат ғалаба қилиб, Шарқда тенги йўқ саркарда, Ватан ва миллат мустақиллиги учун умрини бахш этган фидойи ўғлон, Марказий Осиёда бундан 600 йил аввал улуғ бир салтанат барпо этган давлат арбоби истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди. Ёш авлод онгига миллий маънавиятимиз анъаналарини сингдиришда буюк саркарда Амир Темурнинг “Тузук”лари, миллат номини юксакларга кўтаришга сарф этилган ҳаёти буюк ибрат тимсолидир.

1993 йил августда Тошкент шаҳрида Амир Темур ва Улуғбек ҳайкаллари очилди. Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган анжуманда Президентимиз қуйидагиларни айтиб ўтди: “Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақиллигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир. Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди”.

1994 йили улуғ темурийзода, буюк аллома ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Орадан кўп ўтмай 1996 йилни "Амир Темур йили" деб эълон қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

XIV асрда мамлакатимиз шуҳратини жаҳонга таратган бу буюк шахс шарафига Парижда — Европанинг қоқ марказида Амир Темур ҳамда темурийлар давриниг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма очилди.

Ҳайратланарли жойи шундаки, Францияда XV асрдаёқ Амир Темургa ёдгорлик ўрнатилиб, унга "Европанинг ҳалоскорига" деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган. Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганлиги бунга сабаб бўлганлиги тарихдан маълум. Бугун биз маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

"Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир", деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради. Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди. Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Бу анжуманда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтиб ўтди: “Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур "қонунлар ва урф-одатларга асосланган" давлатни барпо этди. ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг "Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!" деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда. Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир, Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яксон қилинган эди. Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир. Ишончим комилки, меъморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадиий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди. Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Ғарбдами ёки Шаркдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради”.

5-фасл. Ёш авлод тарбияси ва таълим тизимидаги ислоҳотлар.

Собиқ Шўролар давридаги таълим тизими 70-йилларга келиб бюрократик маъмурчилик оқибатида деярли яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. Айниқса, ўқув жараёни ва мактаб дастурларининг воқе ҳаётдан ажраб қолганлиги, ижтимоий фанларда тоталитар мафкура ҳукмронлиги натижасида 11 йиллик ўрта мактабни битириб чиққан 17-18 ёшли йигит-қиз агар олий ўқув юртига ўқишга кира олмаса, очиғини айтганда, кўчада қолар эди. Ваҳоланки, амалда ўрта мактаб

“Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат”.
Абдулла Авлоний

www.ziyouz.com kutubxonasi

битирувчиларидан 10% и ҳам олий ўқув юртига киришга муяссар бўла олмайди. Демак, ҳар йили бир неча юз минг айни балоғат ёшидаги ёшлар қуруқ умумий назарий билим билан иш топиш муаммосига дуч келадилар. Улар қаерга бормасин, қай ҳунарни танламасин, йигит ёшида, тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ҳолда, фақат шогирд ёки қора ишчи бўлиб ишлаш имконига эга эдилар, холос. Шўро тузумининг ўйсизлиги, бағритошлиги, тўрачилиги ёшларни шундай ночор аҳволга солиб қўйган эди.

Истиқлол туфайли, Президент И.А.Каримовнинг жонкуярлиги ва ташаббуси билан ниҳоят бу хатарли аҳволга барҳам берилди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида Президент "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" деган мавзуда нутқ сўзлаб, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш, шу билан ўсиб келаётган авлоднинг келажак ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратиш масаласини баён қилиб берди.

Ўзбекистон Президенти ушбу нутқида ва кейинги маърузаларида ёш авлод тарбиясининг пухта ўйланган ва мукаммал тизимини муҳокамага қўйди. Унга кўра бола тарбияси оиладан, энди турмуш қуришни режалаштираётган ёш йигит-қизлар (бўлғуси ота-оналар)ни оилавий ҳаётга ҳозирлашдан бошланиб, онанинг ҳомиладорлик пайти, бола туғилганидан 3 ёшигача оилада тарбияланиши, 3-6 ёшда боғча тарбияси, бошланғич таълим, таянч мактаб, лицей-коллеж ва олий таълимдан то малака ошириш, аспирантура, докторантурагача тўлиқ ўз ичига қамраб олади. Айниқса, илгариги 11 йиллик умумий мажбурий таълим ўрнига 9 йиллик мажбурий таянч мактаб ва 3 йиллик ихтиёрий-мажбурий (ўқиш – мажбурий, касб йўналиши бўйича танлаш - ихтиёрий) коллеж-лицей таълимининг йўлга қўйилиши балоғат ёшига етиб энди мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларни бугунги кунимиз учун зарур бўлган муайян касб-ҳунарни эгаллаб, келажакка қараб дадил қадам ташлашлари учун реал имконият яратиб берди.

> ***"Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди".***
>
> Ислом Каримов,
> Ўзбекистон Президенти

1997 йил 27 август куни қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га биноан таълим турлари: *мактабгача таълим*, *умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим,олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим* шаклида белгиланди. Булардан олий таълим 2 босқичда: *бакалавриат* (4 йил) ва *магистратура* (2 йил) қилиб белгиландики, натижада олий тоифали мутахассисларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий талаблардан келиб чиқадиган даражаланиши вужудга келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Миллий дастурга” кўра “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга жорий қилишнинг 3 босқичи белгиланган бўлиб, уларнинг биринчиси - 1997-2001 йилларга, иккинчиси – 2001-2005 йилларга, учинчи босқич эса 2005 йилдан кейинга режалаштирилган эди.

Бугунги кунга келиб дастурда белгиланган биринчи ва иккинчи босқич талаблари тўлиқ ҳаётга жорий қилинди. Жумладан, 2004-2005 ўқув йилида республикада 898 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (831та касб-ҳунар коллежи ва 67 та академик лицей) фаолият кўрсатиб, уларда жами 786 минг 295 ўқувчи таълим олди. Шу ўқув йилида 171 минг 854 ўқувчи касб-ҳунар коллежларини битириб ишлаб чиқаришга йўл олди, 7 минг 204 ёш йигит-қизлар академик лицейларни тугатиб, олий ўқув юртларига ҳужжат топширишди. Эндиги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун барча фанлардан махсус дарсликлар тайёрлаш, ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ қилиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз эгаллаган мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлашни яхшилаш ва таълим билан ишлаб чиқаришни ўзаро мувофиқлаштириш каби долзарб масалаларга борган сари жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугун республикада 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар 10 миллиондан ошиқ бўлиб, мамлакат аҳолисининг 40% ини ташкил қилади. Юқорида қисқача айтиб ўтилганидек, мустақиллик йилларида уларни тарбиялаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг биринчи ва иккинчи босқичларининг амалга оширилиши билан мамлакатимиз бу соҳада жаҳон стандартларига тенглашиб олганлиги сир эмас. Аммо ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Аввало, тан олиб айтиш лозимки, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам мутахассислар эътироф этишича таълим-тарбия тизимининг аҳволи қониқарли эмас. Айниқса, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муаммолар бир талай. Шундай бир ҳолатда аждодларимизнинг таълим – тарбия соҳасидаги бой маънавий меросидан унумли фойдаланиб бу йўналишда миллий маънавият ва жаҳон маданияти анъаналари уйғунлигини таъминлаш устида ҳали кўп изланишлар олиб бориш лозим бўлади.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ НАЗАРИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УМУММЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

а) кўп қутбли дунё

(Бу қоида **Тавҳид ҳақиқатининг** моҳиятидан келиб чиқади ва маънавий меросимизда аллақачон эътироф этилгандир)

www.ziyouz.com kutubxonasi

б) инсон – дунё меҳвари

(Чунки **инсон кўнгли Ҳақнинг мазҳаргоҳидир***)*

в) иқтисод, сиёсат, маънавият: ***инсон ва жамият ҳаётида уларнинг ўзаро уйғунлиги зарурати***

2. ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ УЧ СОҲАСИ

(*ёки Инсон фаолиятининг уч йўналиши*)

Иқтисод

(Инсоннинг моддий воқелик (атроф-табиат) билан амалий муносабати)

сиёсат

(Ҳар бир инсоннинг ўзга инсонлар билан бевосита муносабатлари)

маънавият

(Инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати)

(Ушбу соҳалар инсоннинг Борлиқ билан турлича мустақил муносабатларига оид бўлиб, улардан ҳар бирининг манбаси ҳам, мақсади ҳам алоҳидадир)

3. МАЪНАВИЯТ НИМА?

(Маънавиятнинг турли нуқтаи назардан таърифлари)

А) Маънавият – иқтидор, яратувчилик қуввати сифатида	**«Маънавият – Инсоннинг, Халқнинг, Жамиятнинг, Давлатнинг куч-қудратидир.»**
Б) Маънавиятнинг қудратини изоҳловчи таъриф	**“Маънавият... – инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч...”**
В) Маънавиятнинг аждодларимиз меросида акс этган рамзий таърифи	**Маънавият – Ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этишидир.**
Г) Маънавий камолотга жараён сифатида ёндошув («Ўзини англаб етган Роббини англаб етади» ҳадисига мувофиқ)	**Маънавият – ўзликни англашдир.**
Д) **Маънавиятнинг илмий таърифи** (маънавият – маърифат йўлларининг	**Маънавият – инсон руҳидаги Борлиқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниҳоий хулосаси сифатида)	**ҳақиқати билан уйғунлик.**
Е) Маънавиятга диний нуқтаи назардан берилган таъриф	**Маънавият – дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигидир.**
Ж) Маънавият фано ва бақо нисбати сифатида	**Маънавият – бақонинг фанода зуҳури (намоён бўлиши)**
З) Маънавият – инсон ва жамият ҳаётининг **уч асосий йўналишининг бири** сифатида	**Маънавият – инсоннинг Ҳаққа (Борлиқ ҳақиқатига) муносабати**

4. МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ ВА СИЁСАТНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ



5. ЖАМИЯТДА ДИННИНГ ЎРНИ

Инсон ва жамият ҳаёти **уч соҳа -**
Иқтисод, Сиёсат, Маънавиятдан
иборат деб олинса,
Маънавият
(Ҳар бир алоҳида шахснинг **Борлиқ Ҳақиқати**га муносабати сифатида)
4 асосий жиҳатга эга бўлади:
Имон, илм, масъулият, меҳр
Дин моҳиятан муайян инсонлар гуруҳининг ўзлари **Ҳақиқат** деб қабул қилган **Борлиқ моҳиятига ишонч-эътиқодини**, яъни ***имон*ини** ифодалайди
ва шу маънода тўлиғича **шахс маънавий дунёсига** тааллуқлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Диннинг **ботиний ва зоҳирий** жиҳатлари мавжуд бўлиб, ботиний жиҳати ***имон***, зоҳирий жиҳати **ибодатлар**. Диний нуқтаи назардан ҳар иккиси ҳам муҳим, ***маънавият*** нуқтаи назаридан эса ***имон*** эътиборлидир.

Сиёсатга диннинг таъсири фақат ҳар бир шахс ***маънавияти*** орқали бўлса моҳиятан дурустдир, аммо инсонлар эътиқодидан бевосита сиёсий қурол сифатида фойдаланишга уриниш сиёсий авантюризмдан ўзга нарса эмас.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Мустақиллик ва янгича тафаккур зарурати.
2. Миллий мустақиллигимизнинг уч асосидан бири маънавий мустақилликнинг тикланишида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг хизматлари.
3. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига бағишланган асарлари.
4. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов асарларида миллий маънавият назарияси умумметодологик асосларининг ишлаб чиқилиши.
5. Кўп қутбли дунё.
6. Инсон олам меҳвари.
7. Инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳаси.
8. Иқтисод, сиёсат, маънавият. Уларнинг ўзаро уйғунлиги.
9. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари.
10. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маънавиятга берган таърифлари.
11. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.
12. Мустақиллик шароитида ислом динига муносабатнинг тубдан ўзгариши.
13. Маънавиятнинг диний таърифи.
14. Инсон ҳаётида фано ва Бақо нисбати.
15. Имон эҳтиёжи ва эътиқод тарбияси.
16. Буюк аждодларимизга эҳтиром.
17. Маънавий мероснинг тўлақонли тикланиши йўлидаги саъйи-ҳаракатлар.
18. Тарих хотираси ва ёш авлод тарбияси.
19. Ёш авлод тарбияси ва таълим тизимидаги ислоҳотлар.
20. Ўзбекистон ва жаҳон: таълим – тарбияда миллий маънавият ва жаҳон маданияти анъаналари уйғунлигини таъминлаш йўлида.

14-боб.
Шахс ва миллат маънавий такомилининг уйғунлиги

1-фасл. Маърифат - маънавият сари элтувчи йўл сифатида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маънавий камолот жараёни турли ўлчамларда амалга ошади. Бири алоҳида шахс умри давомида, иккинчиси – миллатнинг тарихий тараққиётида, яна минтақа миқёсида, умумбашарий миқёсда ва ҳоказо. Бу жараёнлар, албатта, бир-бири билан узвий боғланишда бўлади. Масалан, якка шахс маънавиятининг шаклланиши умуммиллий ва умумбашарий маънавий тараққиёт даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, миллатнинг маънавий такомили уни ташкил этувчи шахслар маънавий дунёсидаги ўзгаришлар туфайли юз беради.

Бугунги кунда биз **“маърифат”** тушунчасини баъзан тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳалардан билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз. Асли ақл билан англаб етиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш “маърифат водийсида”ги бир йўналиш, холос. Форобий сингари файласуфлар, Юсуф Хос Ҳожиб каби аллома шоирлар ақлни, мантиқий тафаккур йўли билан ўзлаштириладиган билимларни инсонни бахт-саодат сари элтувчи асосий йўл деб тушунганлар. XVIII-XIX аср Европа маданиятида ҳам шу фикр етакчи бўлди. Аммо кейинги даврларда кўп аждодларимиз илм йўлини етарли деб билган эмаслар.

Маърифат *- маънавий камолот йўли, инсоннинг кўнгил кўзгусини сайқаллаш жараёни, яъни ҳар бир инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида ўзлигини англаш, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини аниқлаш ва ўз руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштириб бориш йўлидаги ҳаракати.*

Аждодларимиз ташбеҳига кўра, маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур, Олий ҳақиқат нури бўлиб, уни ўзида акс эттира олиши учун инсон қалби сайқал топмоғи зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнгилни худбинлик занги, ғараз чирки эгаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди. Айни шу инсон қалбига сайқал бериш жараёни **маърифат** дейилади. Маърифат маънавият сари элтувчи йўллардан иборат бўлиб, Алишер Навоийнинг таърифлаши бўйича «*маърифат водийси*» - “*шундай бир водийдирки, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди... Унда сен юз туман йўловчини беқарор бир тарзда, ҳар бири ўзга бир йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди*” 153.

Алишер Навоий ўз мулоҳазалари сўнгида бир гуруҳ сўқир кишиларнинг фил ҳақидаги баҳслари хусусида машҳур ривоятни келтириб, хулоса қиладики, агарчи маънавият йўллари беҳисоб бўлса-да, мақсад ягона - Ҳақиқатни англаб етиш. Инсонларнинг Ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлари турлича бўлса ҳам, уларнинг барчаси бир ерга жамланса, умумий тасаввур асл моҳиятга яқинлашади.

153 Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (насрий баёни билан). Т., 1991, с. 400. (Ш.Шариповнинг насрий баёнида қисқартиришлар билан берилди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

2-фасл. Исломгача маънавият – асотир тафаккурдан миллий ўзликни англаш сари.

Биз шу пайтгача миллатнинг маънавий такомили ҳақида сўзладик ва уни уч катта даврга бўлиб кўриб чиқдик. Бу уч давр бир-бирининг узвий давоми бўлиш билан бирга, ўзаро туб хусусиятларига кўра фарқ қилишини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Улардан биринчиси – исломгача маънавият даври - жуда узоқ - бир неча минг йиллар давом этди. Уни инсоннинг гўдаклик, болалик, ўсмирлик йилларига қиёс қилиш мумкин. Ёш болада ҳали мантиқий тафаккур яхши ривожланган бўлмайди, у эртаклар, афсоналарга ишонади, бола учун ҳаёт сеҳрли эртакдек туюлади. Айни шу ҳолат ибтидоий жамоа ва илк шаҳарлар давридаги аксарият инсонлар тафаккурига ҳам хосдир. Гўё гўдак инсон зотини ўз оила аъзолари – ота-онаси, ака-укалари миқёсида, оламни яшаб турган хонадони миқёсида идрок этганидек, ибтидоий одам ҳам ҳали на инсониятни, на миллатни яхлит тасаввур эта олмайди, оила, уруғ, жамоа, қабила, элат даражасида фикрлайди. Мавҳум тушунчаларни идрок этиш бола онги учун оғирлик қилади, худди шунингдек ибтидоий одамлар ҳам ҳар қандай мавҳум тушунчаларни бирор муайян нарса-ҳодисага боғлаб тасаввур этадилар. Айни шу хусусият асотир тафаккур(мифологическое мышление) учун хосдир. Ибтидоий одам учун инсоният – ўз оила аъзолари, уруғ жамоаси(катта оила сифатида), кейинча бориб, қабила, элатдан ташқарида эмас. Қабила бир уруғдан тарқалган **ирсий биродарлар уюшмаси** деб тасаввур этилади. Мушриклик, бутпарастликнинг ҳам асл сабаби – айни шу асотир тафаккурдир. Чунки пайғамбарлар доимо ягона Тангри номидан сўзлаганлар, фақат ибтидоий инсонлар қадим яҳудийлар олтин бузоққа сиғинганидек, ягона Тангри ҳақидаги илоҳий ваҳийни муайян нарса-ҳодиса билан боғлаб тасаввур этганлари натижасида санамларга сиғиниш пайдо бўлган. Ҳар бир қабила ўзи эътиқод қилган Парвардигорини бошқа қабиланикидан фарқ қилади деб тасаввур этиш натижасида, айниқса, шаҳар-давлатдан империялар даврига ўтиш босқичида кўпхудолик тизимлари юзага келади.

Инсон маънавияти такомил топиб борган сари унинг шуури ёришиб, аввал миллат (халқ, “будун”) сўнг минтақа ва, охири, инсоният даражасида ўзлигини англаб борган. Бугун энди коинот даражасида фикрлашга ўтиб, ўзга сайёралардан ўзига тенг ақлли мавжудотларни қидирмоқда.

Аммо инсониятнинг болалиги ҳам беҳуда ўтмаган. У биринчи бўлиб, Ватанни, она-заминни таниган, яратувчилик меҳнатини қадрлашни ўрганган. Эзгулик ҳалолликда, рост сўзда эканини, ёмон ният, ёлғон сўз, қинғир амалнинг оқибати вой бўлишини англаб етган. Пайғамбарлар келтирган илоҳий ваҳийга қулоқ тутган, ақли етганча яхшиларга эргашган. Миллий ўзликни таниш ва ягона Аллоҳни тан олиш бир-бирига яқин ва туташ даврларда юз бергани биз учун ибратлидир. Бу даврда маънавий камолот асосан ибрат заминида юз беришини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу ҳам болаликка хос хусусиятдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркий миллатнинг ўзлигини англаш жараёни турли бегона империялар босқинидан юртни ҳимоя қилиш билан боғлиқ равишда кечганлигини унутмаслигимиз керакдир. Шу жиҳатдан ҳам миллий ўзликни англаш ўсмирликдан йигитликка томон улғайиш – балоғат даврига ўхшаб кетади. Айни шу даврда ёшларимиз юрт ҳимоясига тайёргарликни ўтайдилар, Ватан нима эканлигини ўзлари учун амалда янгидан кашф қиладилар.

3-фасл. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимиз такомили ва маърифат йўллари.

Асотир тафаккур ҳукмронлигидан эътиқодий бағрикенглик аро миллий тафаккурга ўта бошлаган туркий элатлар тавҳид эътиқоди туфайли қўшни халқлар билан ягона маданий минтақага бирлашдилар. Ушбу ягона маданий бирлик доирасида миллий маънавиятимиз янги уфқлар сари юксалиб борди. Биз VIII – XV асрларни ўз ичига олган ушбу қутлуғ даврни 4 босқичга ажратиб ўргандик. Аммо бир нарсани, албатта таъкидлаб ўтиш жоиз. Мушриклик эътиқодининг рад этилиши асло қадимги маданият самараларини ёппасига рад этиш деб тушунмаслик керак. Аксинча, ислом минтақа маданияти ўзидан олдинги даврда инсоният эришган барча ютуқларни чуқур ўзлаштирди. Қолаверса, ислом минтақа маданияти доирасидаги миллий маънавиятимиз ривожининг биринчи поғонаси бўлмиш **сунна босқичи**, биринчи навбатда, **ибрат**га қурилган бўлса ҳам, ҳеч қачон **илм**ни, **риёзат**ни, **меҳр**ни инкор этган эмас. Кейинги босқичларнинг ҳам етакчи тамойилларига биз алоҳида урғу берганлигимиз олдинги босқичдаги тамойиллар йўқ бўлиб кетганини ёки назардан четда қолганини билдирмайди. Миллий маънавиятимиз тараққиётининг ҳар бир даври, ҳар бир босқичи ўта мураккаб мазмунга, турли тамойилларининг ўзаро узвий туташган муайян уйғунликдаги тизимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш лозим. Аммо биз масалани илк умумий ёндошув даражасида талқин этганимиз сабабли, энг ёрқин тамойилларни ёритишга интилдик ва кўп нозик жиҳатлар сояда қолиб кетганини тан олиб ўтамиз.

Халқимизнинг VIII-XV асрлар ягона ислом минтақа маданияти доирасида маънавий камолоти миллатимизнинг бугунги маънавий қиёфаси шаклланувида айрича аҳамиятга эга бўлди. Бу давр аждодларимиз меросидан хабардорлик, ушбу маънавий такомил жараёнини тўғри идрок этиш миллий маънавиятимизнинг таркибий жиҳатлари ҳақида салмоқли тасаввур беради. Ислом минтақаси доирасидаги яхлит маънавий такомил жараёни - инсоннинг ўзлигини англаш йўлидир. Бу йўлнинг асл моҳияти Тавҳид эътиқоди бўлиб, уни ибтидода **ибрат** даражасида, ахлоқий камолот эгаларига эргашув тариқасида қабул этилган бўлса, кейинроқ ақл, мантиқий тафаккурга таяниб, умумбашарият яратган яхлит илмий ва маданий меросни англаб етишга интилиш кучайди. **Борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги илмий-фалсафий тасаввур шаклланди,** ягона борлиқ моҳиятига қарашлар хилма-хиллиги идрок этилди. Эътиқод илм билан мустаҳкамланди. Инсон ўзини ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

воқеликни тушунишда асотир тафаккур босқичидан илмий тафаккур босқичига кўтарилди.

а) Сунна босқичи – Ибрат маърифати;

Муҳаддислар наздида ҳазрати **пайғамбаримиз ибрати** инсон маънавий камолоти учун бош маёқдир. Шу сабабли улар умр бўйи риёзат чекиб, ҳадис тўплаганлар, уларни таҳқиқ этиб "саҳиҳ", яъни ҳақиқий, ишончлиларини "заиф"ларидан ажратиб таснифлаганлар. Натижада, инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим муаммоларга жавоб бера оладиган исломий ахлоқ-одоб қоидалар тизими вужудга келган. **Ибрат йўли** бугун ҳам шахс маънавиятини шаклантирувчи муҳим йўналишлардандир.

Асли маърифатнинг илк йўли ибратдир. Гўдак ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Дарахтларнинг қуёш сари бўй чўзмоғи - ибрат, жониворларнинг ўз тақдирига ризолиги - ибрат, тоғлар устиворлиги -ибрат, уммонлар теранлиги ибрат, қуёш ва ой хизмати, кеча ва кундуз навбати- ибрат. Пайғамбарлар сидқи, валийлар каромати, алломалар илми, зоҳидлар тақвоси, ошиқлар ишқи, эранлар жасорати, ташаббускорлар ғайрати, оқиллар тадбири, ҳаё эгаларининг андишаси, сиддиқлар ибоси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдаклар беғуборлиги, кексалар улуғворлиги - барча-барчаси инсон учун ибратдир.

Ибрат *- миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, эл-юрт эҳтиромига сазовор улуғ бир инсоннинг яшаш тарзи, эътиборга лойиқ хатти ҳаракатларидан намуна олиб, ҳаётда уларга риоя қилиш. Жумладан, ислом маънавиятида пайғамбаримиз Муҳаммад(сав) ибратлари етакчи аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга ибрат маърифати-ни кўр-кўрона тақлиддан фарқ қилиш жуда муҳим.*

Ёмондан ёмонликни англаб, ундан қайтмоқ ибрат, яхшидан яхшиликни англаб унга эргашмоқ-ибрат. Ўғрининг тақдири- ибрат, фоҳишанинг фожиаси- ибрат, фотиҳлар умри -ибрат, сотқинлар тубанлиги -ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси ибрат.

Ибрат ола билмоқ - маънавият, кўриб - ибрат олмаслик - маънавий сўқирликдир. Аммо ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид - дил кўзининг кўрлигига далолатдир, қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани - ана шу. Масалан, Пайғамбаримизнинг аёлларга муносабати. Ул ҳазратнинг аёлларга бўлган шафқати, меҳри, ҳилми, садоқати, адолати - ибрат. Ул ҳазрат ҳаёти воқелигидан фақат кўп хотин олишга рухсатни кўриш - хамоқат, ул ҳазратни кўп хотинликда айблаш - мусулмон учун хиёнат, ўзга учун туҳмат. Ҳар икки охирги ҳукм - моҳиятдан узоқ зоҳирбинлик ва жаҳолат, шайтон васвасасидир. Бир неча аёлга уйланиб, уларга пайғамбар шафқати, меҳри, адолати ва ҳимматини кўрсата оламан деб, ўз-ўзига фириб бериш -

www.ziyouz.com kutubxonasi

такаббурлик, шаҳватпарастлик ва ғафлатнинг биргалашиб инсоф ва инсон тафаккури устидан ҳукм ўрнатиши, инсон маънавий ҳалокатининг ибтидосидир.

б) Ислом маърифатчилиги босқичи – Илм маърифати;

Маърифатнинг яна бир буюк ўчоғи **илм**дир. Илмни Шахс камолотининг иккинчи босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртак қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг шуурида ҳаёт ҳодисаларига таҳлилий ёндошув уйғонади. Мактабда ҳам шу сабабли алоҳида фан асосларидан таълим бериш 6-7 синфлардан бошланади. Махсус илмларга чуқур кириб бориш эса олий ўқув юртларида амалга оширилади. Демак, илмий тафаккурнинг шаклланиши балоғат ёши билан боғлиқ. Албатта, ҳаётга илм асосида ёндошув барчада бир хил даражада бўлиш қийин. Ҳақиқий илмга қобиллик алоҳида истеъдоддир.

Илм - тафаккур билан бўлади, ахборот йиғиш илмга тайёргарлик бўлиши мумкин, ундан ортиқ эмас. Умр бўйи таом пиширмоқ учун сабзи-пиёз арчиб овора бўлган, аммо олов ёқиб, қозон қиздирмаган одам очликдан ўлар, аммо қорни тўймас. Илм - асли аждодлар ибратидир, ўтганлар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир. Пайғамбаримиз ҳаёти - ибрат, Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ибрат, “Жомеъ ас-Саҳиҳ“ китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, “Фозил шаҳар фуқароларининг қарашлари” рисоласи эса илмдир. “Қонун фи-т-тиб” - илм, Ибн Синонинг илмга чанқоқлиги эса ибратдир.

Илм *– шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишда билимга, ақл ва тафаккурга таяниш. Илм нури билан ёришмаган эътиқод “тақлидий имон” ҳисобланади ва такаббурлик билан бирлашса ақидапа-растликка олиб боради.*

Биз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил бўлмасак-да, аммо фарзандимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, “Жомеъ-ас-саҳиҳ“ни ўзлаштирмасдан пайғамбаримизга меҳру садоқатдан лоф урсак, риёдир, мунофиқликдир, бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Аллоҳ олдида шарманда қиламиз, гуноҳларимизни кўпайтирамиз, жаҳолатимизни фош этамиз. Аммо жаҳондаги барча илмларни инсон эгаллаб улгура олмаслиги ҳам маълум. Дунёнинг иши илм ва фаросат билан бўлур. Дарвоқе - фаросат ҳам Аллоҳнинг инъоми - маънавият нуридир. Инсон ўзига нима ва қай даражада лозим эканлигини фаросат билан (ва фаросатига яраша) аниқлаб олади. Содда бир мисол: Ибн Синонинг “Қонун-фи-т-тиб” китобини мукаммал ўзлаштирмаган кишини айблаб бўлмас, Инсон маънавий камолоти - бу билан белгиланмас. Аммо ҳар бир шахс ўз соғлиғининг қадрига етиш даражасида, ҳар бир она ўз фарзандини соғлом вояга етказиш зарурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

даражасида тиб илмидан бахраманд бўлмоғи айни маънавий камолотга ишорадир.

Илм - ҳосил қилинган билимни идрок этмоқдир. Аммо илмни фақат рисолалардан, қоғоз юзидан қидирмоқ ҳам етарли эмас. Саводсиз деҳқоннинг зироат илми баъзи ўқиб-уқмаган ёлғон академикникидан бир неча бор юқори ва мукаммалроқ бўлиши мумкин. Ер илми, табиат илми - ёлғиз китобдан ўзлаштирилмайди, ерга, табиатга, ҳар бир кўкат ва жонли мавжудотга меҳр билан, эътибор ва идрок билан белгиланади.

Саркардалик илми, умуман, раҳбарлик илми - санъат даражасидаги илмдир, ҳарбий маҳорат ҳақида минг бир китобни ўқиган одам лашкарни жабҳада ғалабага етказа олишига ҳеч ким кафолот бера олмайди. Бир сўз билан айтганда, илм фақат китобда эмас, аммо китоб ўқимай илмга эришаман, дейиш ҳам оқилликдан ташқаридир.

в) Тасаввуф тариқатлари босқичи – Риёзат маърифати;

Форобий, Ибн Сино ва Бирунийлар дунё ишларининг ўнгланишини инсон илми ва тафаккурига боғлаган бўлсалар, Ғаззолийдан бошлаб илм ва ақл қудрати инсон ва жамият маънавий такомили учун етарли эмаслиги аниқ сезилиб қолди. Ирфоний такомил, **риёзат йўли** минтақа халқлари маънавиятида тобора кенг кўлам касб этди. Ҳақиқат ишқи ирода қудратини синай бошлади. Инсон ҳақиқат йўлида ўзликдан кечишни ўрганди. Диллар худбинлик зангидан поклана бошлади. Албатта, орифлик ҳар кимга ҳам насиб этмайди, валийлик рутбаси бугунги бизнинг тасаввурларимиздан беҳад юқоридир. Лекин маънавият ҳақиқат йўлида руҳият сафарбарлиги эканлигини аждодлар бизга англатдилар.

Тасаввуф аҳли, яъни сўфийлар, ибрат ва ақлга, билимга таянишни етарли деб топмай, **риёзат йўли**ни, руҳий сафарбарлик, ирода қудратини намойиш этиб, нафсни поклаш йўлларини ишлаб чиқдилар. Тасаввуф маърифати ўзи бир ҳудудсиз олам. Унинг ўз мақом ва ҳоллари мавжуд. XII-XIII асрларда ўндан ортиқ тасаввуф сулуклари (йўллари) шаклланган. Жумладан, Марказий Осиёнинг ўзида Яссавия, Қодирия, Кубравия каби турли йўналишлар кенг урф бўлган. Буларнинг ҳар бирига батафсил тўхталинса, сўз узаяди. Риёзат чекиб кўнгилни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш тасаввуф сулукларининг асл мақсадидир.

Инсон ўз бошига тушган, ҳаётида рўй берган қийинчиликлар, турли бало-ю кулфатларга чидаши, тоқат қилиши сабр-бардош дейилади. У ҳали

Риёзат *- миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, муайян эзгу мақсад йўлида барча қийинчиликларга бардош бериб, олға интилиш. Ислом минтақа*

www.ziyouz.com kutubxonasi

риёзат эмас. **Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни бўйинга олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға интилишигина риёзат бўлади.** Инсон риёзат чекмай умуман бирор нарсага эришиши қийин. Халқимиз шунинг учун, содда қилиб, "жондан кечмасанг, жонона қайда", дейди. Дарҳақиқат, риёзатсиз на у дунё, на бу дунё саодати инсонга насиб бўлмайди.

маданияти доирасида риёзат маърифатини юксак мукаммаллик даражасига олиб чиқишда тасаввуф пири муршидларининг хизмати беқиёсдир.

Аллоҳнинг иноятн билан тасаввуф ирфони бизнинг заминда такомил чўққисига кўтарилди. Ҳазрати Баҳовуддин касб этилган ирфоний қувватни эзгулик йўлида амалий фаолиятга татбиқ этишга даъват этди. Хожа Аҳрор ва Жомий, Алишер Навоий ва Махдуми Аъзамдек маънавият дарғалари ушбу йўлда юксак намуна кўрсатдилар.

Тасаввуф ирфонида аввал зуҳду тақво етакчи мақом тутган бўлса, кейинроқ илоҳий ишқ тушунчаси юқори ўринга кўтарилди. Бу туйғу охир-натижада инсонни фанодан бақога олиб чиқувчи асосий восита деб топилди.

г) «Мажоз тариқи» босқичи – Меҳр маърифати.

XIV асрга келиб Марказий Осиёда тугал шаклланган нақшбандия сулуки ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд олға сурган машҳур "дил ба ёру, даст ба кор" шиори орқали маънавий камолот эгаларини янги, юқорироқ босқичда амалий фаолликка ундади. Айни шу даврдан мумтоз адабиётда янги йўналиш, Навоий таъбири билан айтганда, **"мажоз тариқи"** шакллана бошлади. Бу йўналишнинг моҳиятида янгича талқин этилган "мажоз ишқи" ётади. Ҳанузгача мумтоз адабиётимизга доир тадқиқотларда Алишер Навоий аниқ фарқлаб берган "ҳақиқат тариқи" ва "мажоз тариқи" йўналишлари мавжудлиги жиддий эътиборга олинмайди, "мажоз ишқи" ибораси жўнгина "дунёвий ишқ" деб талқин этиш билан чегараланади. Дарҳақиқат, ирфоний адабиёт намояндалари "мажоз"тушунчасини шундай тушуниб ва тушунтириб келганлар. Аммо мумтоз адабиётда Амир Хусрав Деҳлавийдан бошлаб "ишқи мажозий" тушунчасининг талқини ўзгара бошлади. Алишер Навоий умрининг охирида ушбу янгича талқин моҳиятига илмий аниқлик киритиш мақсадида "ишқ"ни икки ("ишқи ҳақиқий" ва " ишқ мажозий") эмас, балки уч қисмга ажратиб: "авом ишқи", "хос ишқи", "сиддиқлар ишқи" деб атади. Шундай қилиб, ҳам биз "дунёвий муҳаббат" деб таърифлайдиган "авом ишқи"дан ҳам, "илоҳий муҳаббат" деб ажратадиган "сиддиқлар ишқи" ёки "ишқи ҳақиқий"дан ҳам фарқ қилувчи алоҳида маънавий воқелик – "хос ишқи" мавжудлиги аниқ бўлди. Унинг асл моҳияти поклик, беғаразлик билан боғлиқ. "Хос ишқ" эгалари инсонга, бутун воқеликка "Олий ҳақиқатнинг мазҳари"(инсон кўзига намоён бўлиши) деб қарайдилар ва шунга мувофиқ муносабатда бўладилар. "Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир", дейилиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

шундан. Улар фанода бақони севадилар, инсонга “ҳақиқат асрорининг ганжинаси” бўлган кўнгил мулки туфайли меҳр қўядилар.

Алишер Навоий бадиий-фалсафий ижодида миллат маънавияти ўзининг энг олий босқичига кўтарилди. Буюк шоир **пок инсоний меҳр**ни маънавиятнинг туғросига айлантирди. Навоий маънавияти тимсолида эътиқод ва илм, ирода қудрати ва меҳр, фидоийлик ва донишмандлик ягона моҳият касб этиб, миллат маънавиятини камолотнинг олий босқичига олиб чиқди.

Меҳр *- шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, инсонларга, табиатга, ҳар бир ишга беғараз фидоийлик билан муносабатда бўлиш.* ***Меҳр маърифати*** *1) инсон кўнглини англаб етиш ва унга меҳр кўргазиш билан тарбиялаш, 2) инсоннинг бошқа бир инсонга бўлган беғараз муҳаббати туфайли худбинлик балосидан фориғ бўлиши ва Борлиқ ҳақиқатини англаб етиши (Алишер Навоий талқинида) маъноларини англатади.*

Асл маъносига диққат қилсак, ўзбек тилидаги “меҳр” сўзи Навоийлар даврида “мажоз ишқи”, “хос ишқи” деб таърифланган туйғунинг моҳиятини ифодалайди. Русларнинг аччиқ мақолларидан бирида “любовь зла”... дейилган жумла бор. Ўзбекнинг “меҳр” тушунчасида ана ўша “зло” йўқ, ғараз йўқ. Ота ва она меҳри, фарзанднинг ўз қиблагоҳи ва волидасига бўлган меҳри, оға-ини, опа-сингиллар аро меҳр, Ватан меҳри, табиат ва ундаги турли жонзотларга нисбатан меҳр туйғуси, дўст меҳри - буларнинг барчаси ғараздан холи, табиий ва самимий меҳр намуналаридир. Нафақат инсон боласини, балки турли ҳайвонларнинг жажжи болачаларини кўрганда инсон дилида ажиб ширин туйғу қўзғолади. Бегуноҳ гўдакнинг маъсум қиёфаси, жовдираб сиздан меҳр кутиб турган кўзлари инсонни бефарқ қолдирмайди, беихтиёр жилмаясиз, эркалаб сўзлар айтгингиз келади. **Меҳр туйғуси** инсон учун улуғ илоҳий туҳфадир. Бу туйғудан инсон ўзини маҳрум қилса, бу дунёнинг ўзида дўзах азоби ўртанишида қолади. Чунки инсон бировга меҳр бахш этмай, бировдан меҳр кўрмай яшай олмайди.

Риёзат йўли ва меҳр туйғуси барча ёш учун хосдир. Аммо инсон оила қургач, унинг ҳаётида ҳалол ризқ билан турмуш ўтказмоқ, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш каби жиддий синовлар пайдо бўладики, булар энди ибрат ва илмнинг ўзи билан бўладиган савдолар эмас. Илм йўлида ҳам риёзат чекилади, аммо ҳалол ризқ билан рўзғор тебратиш, солиҳ фарзандлар ўстириб, вояга етказиш бу аслида Борлиқ ҳақиқатини амалий фаолият жараёнида бутун вужудингиз билан ҳис қилишга олиб келувчи ҳақиқий маърифат мактабидир.

Инсоннинг 30-40 ёшлик даврлари асосан риёзат билан ўтса, ҳақиқий беғараз меҳр туйғуси одатда 50 ёшлар атрофида шаклланади, дейиш мумкин. Бобо ва бувининг набирага меҳри айни шу беғараз меҳрнинг ёрқин намунасидир. Ўғил-қиз мени қариганимда боқади, парвариш қилади деб умид қилиш мумкин. Набиралар деярли бобо-бувиларни боқмайдилар. Чунки уларнинг қўлидан бир иш келгунча катта авлод борми-йўқми? Аммо “набира боладан ширин” дейилиши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам чол-кампирларнинг набираларга меҳри инсоннинг янги туғилиб келаётган ҳаётга беғараз муҳаббатидир. Албатта, айтганларимиз оддий бир ҳаётий мисол. Асли меҳр

www.ziyouz.com kutubxonasi

туйғуси ниҳоятда улуғ инсоний ҳиссиётдир. У ҳақда Алишер Навоийдан ўтказиб сўз айтиш қийин.

Хуллас, “маърифат” Ҳақиқатни англаб етиш йўли бўлиб, ўзлигини англаб етган инсон Ҳақни англаб етади, уни тасаввуф истилоҳида Ориф дейдилар, ҳозирги тилимиздаги “зиёли” тушунчаси асли ушбу даражада бўлмоғи керак, фақат “интеллигент” (яъни ақл соҳиби) эмас. Маънавий баркамоллик ҳам шунинг ўзидир. **Ибрат, илм, риёзат, меҳр барчаси маърифат йўллари бўлиб, инсон уларнинг барчасини босиб ўтмай туриб баркамол бўлмайди, мукаммал маънавий қиёфа касб этмайди.**

3-фасл. Янги даврда миллий маънавиятимиз такомилининг бош муаммоси – сиёсий ва маънавий тараққиёт уйғунлиги масаласи. «Хавос» ва «авом».

Янги даврнинг маънавий моҳияти икки асос : 1) дунёни сурат ва маъно яхлитлигида ўрганиш ва 2) баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш билан ўзлигини намоён этишини айтиб ўтдик. Ислом маънавиятининг асл мазмунига мувофиқ келувчи ушбу ҳақиқатни англаб етиш учун ислом минтақасининг илғор зиё эгалари 7 аср изландилар ва, ниҳоят, Алишер Навоий олға сурган “мажоз тариқи” тафаккур тарзида илк бор ушбу натижага етиб келинди. Шу билан буюк бобоколонимиз ислом минтақа маънавиятининг асл мағзини миллий маънавиятимиз ўзак томирига айлантириб берди ва бизнинг онгимизни, тафаккуримизни Ўрта асрлардан Янги даврга олиб ўтиб қўйди. Фақат буни англаб етишга биз учун яна 500 йил керак бўлди.

Агар темурий шаҳзодалар лоақал кенжа ўғил Шоҳруҳ даражасида оқил бўлганида, агар фақат шеърият ва санъатгина эмас, сиёсат борасида ҳам Тавҳид идроки ғалаба қилганида биз бугун улуғ бир миллат, буюк бир салтанат соҳиблари бўлур эдик. Афсус, Алишер Навоий ва Мирзо Бобурнинг армонлари 500 йил орқага сурилиб кетди. Инсон димоғида кибр балоси жойлашган. Зуҳд ва кибр, меҳр ва шаҳват орасидаги чегарани доим ҳам инсон зоти тўғри белгилай билмайди. Темурий шаҳзодалар бари шоир эди, билим ва завқ эгаси эдилар. Аммо уларни жоҳ кибрга, шайдолик шаҳватга етаклади. Улар дарвеш-шоҳ бўлмоқчи эдилар, аммо кибр ва шаҳват залолатга маҳкум этди.

Балки Соҳибқирон Темур Боязидни армонда қолдириб, Ҳақ иродасини адо этгандир. Ҳар ҳолда Европа XIV- XV асрлардан ўзига ўзи ҳисоб бера бошлади. Ислом минтақа маданияти XI-XV асрлар давомида Европага катта таъсир кўрсатди. Айниқса, “аверроизм” анъанаси 10 аср ғафлат уйқусига чўмган христиан оламини Реформация ва Ренессанс (Европа Уйғониши)га олиб келди. Реформация, яъни христиан динидаги ислоҳчилик ҳаракатлари Европанинг ўз хатоларини англаб ета бошлаганидан дарак эди. Афсус, биз мусулмонлар кибрга берилдик. Ўзимизга ошиқча маҳлиё бўлдик. XV-XV аср чегараси ислом минтақаси учун маънавий такомилнинг авж нуқтаси бўлган бўлса, Европа учун маънавий юксалишнинг авж олиш нуқтаси бўлди. XVI

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрдан минтақамизда таназзул, Европада юксалиш бошланди. Нидерландия ва Буюк Британия буржуа инқилоблари, XVIII аср француз маърифатчилиги ва ниҳоят Буюк француз инқилоби Европадаги ижтимоий-маданий муҳитни буткул ўзгартириб юборди. Европа бутун дунё халқлари эришган маданий-илмий бойликни фаол ўзлаштирди. XIX-XX асрлар давомида Европада аниқ ва табиий фанлар, саноат ва техника соҳасида эришилган оламшумул ютуқлар бу минтақани жаҳонда пешқадамликка олиб келди ва натижада бугунги кунда "жаҳон фани", "умуминсоний қадриятлар" деганда, биринчи навбатда, Европа маданияти унсурлари назарда тутиладиган бўлди.

Ислом дунёси маънавияти IX-XV асрларда юксак камолот босқичларига кўтарилган бўлишига қарамай, бу минтақада сиёсий структура негизи Тавҳид эътиқодига мувофиқ ўзгармаганлиги жуда оғир оқибатларга олиб келди. Сиёсий тафаккурда қабилачилик даври асотир тафаккур қолдиғи бўлмиш сулолавийлик анъанаси ва "фарр" хурофотининг тўлиқ енгиб ўтилмаганлиги ислом минтақасидаги Ўрта асрлар сиёсий маданиятининг катта қусури бўлди. На сарбадорлар, на темурийлар бу қусурни узил-кесил енгиб ўта билмадилар.

Албатта, бу даврда ҳам миллат маънавияти маълум маънода ривожланишда давом этди. XVI-XX асрларни маънавий такомил нуқтаи назаридан 2 катта босқичга ажратдик. Биринчи босқичда маънавиятнинг оммалашуви борган сари кенг миқёс касб этиб, **хос** ва **авом** орасидаги фарқ борган сари камайиб борди. Тан олиш керакки, бу жараён икки томонлама намоён бўлар эди, яъни кенг халқ оммаси маънавияти юксалиб бориши билан бирга, зодагон тоифалар маънавияти ҳам муайян даражада авомлашиб борганлигини кузатиш мумкин. Бу жараённи Турди ва Гулханий каби алломалар ўз ижодида ёрқин ифодалаб бердилар. Бу босқични миллатимиз учун **Янги давр маънавиятига ўтиш босқичи**, деб аташ мумкин. Бу даврнинг энг катта ютуғи Ватан туйғусининг шаклланиши - "Ўзбекистон" тушунчасининг истеъмолга кириши бўлди.

Ислом минтақасида XVI асрдан бошлаб, дезинтеграция (ягона минтақа маданиятининг турли ўлка маданиятларига парчаланиши) жараёни кучайиб борди. Эронда Сафавийлар, Кичик Осиёда Усмонли турклар, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шайбонийлар салтанати ўрнашди. Темур авлоди Бобурийлар тимсолида Шимолий Ҳиндистонда 300 йил салтанат юритди ва бу қадим ўлкани ислом минтақа маданиятининг энг илғор анъаналари ўчоғига айлантирди. Шарқий Туркистон Хитой империяси ва Волгабўйи турклари Россия асоратига дуч келдилар. Шундай қилиб, "Жоҳ бадмастлиги"нинг кибри ва ғафлати оқибатида буюк туркий миллат парчаланиб кетди. Шайбонийлар давлати ҳам 100 йилдан ошиққа дош бермади. Ягона ўлка икки хонлик ва бир амирлик аро талошда қолди. Бу ноаҳиллик балоси охир-оқибат ягона Ватанни босқинчиларга қурбон қилди.

Янги давр Европа маънавий муҳитига хос қарама-қаршиликлар кураши охир-оқибат К.Маркс ва Ф. Энгельснинг муросасиз синфий кураш тарғибига қаратилган коммунистик утопиясига олиб келди. Аммо бу утопиянинг муваққат сиёсий ғалабаси, асосчилар умид қилганидек, Ғарбий Европа

www.ziyouz.com kutubxonasi

мамлакатларида эмас, балки сиёсий қолоқ ўлкаларда юз берди. Натижада Марказий Осиё халқлари икки томонлама жабр кўрдилар. Ҳур ва озод жамият ваъда қилган болшевойлар қадим Турон элатларини сунъий равишда бир-бирига қарши қўйиб, узил-кесил парчалаб ташлашга муваффақ бўлдилар. Турар Рисқулов, Мустафо Чўқай, Заки Валидий Тўғон каби миллат жонкуярларининг уринишлари ўз вақтида бесамар қолди. Орадан 70 йил ўтди, ёлғон ваъдалар заминига қурилган "советлар" тузуми барибир емирилиб кетди. Қадим Туркистоннинг ягона заминида мустақил давлатлар қад кўтарди. Бугунги сиёсий воқеликда мавжуд имкондан фойдаланиб, ўзаро яқинлашув, қардошлик алоқаларини ривожлантириш йўлини тутиш ягона тўғри сиёсат эканлиги аён бўлиб қолди. Бу йўлда маънавий, маданий бирлик сари интилиш, неча минг йиллар давомида вужудга келган яхлит маънавий меросни чуқур ўзлаштириш ва уни яхлит сақлаб қолиб, янги босқичда ривожланишини таъминлаш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир. Миллатимизга Ҳақ таоло яна бир имконият берди. Агар ўтмиш хатоларни инобатга олсак, маънавий камолот ютуқларини тиклай билсак, иншооллоҳ, бу сафар саодат йўлдошимиз бўлғай.

Инсон фитратида уч қусур бор - кибр, шаҳват, ғафлат. Бу қусурлар инсон табиатининг зотий хусусиятлари билан туташ. Шу сабабли улардан буткул қутулиб бўлмайди. Фақат ҳушёр бўлиш ва "Беайб парвардигор" эканини асло унутмаслик керак. Маънавиятнинг моҳияти меъёрни сақлай билишда.

Ўрта асрлар маънавий ҳаётида **"хос"** ва **"авом"** тушунчалари кенг урф бўлди. Яъни **"хос аҳли"** юксак камолот босқичларига эришди, аммо **"авом"** кўп жиҳатдан **ибрат босқичи**да қолиб кета берди. Тасаввуфдаги мурид ва муршид муносабатлари ҳам айни шу маънавий тенгсизликка ишора қилади. Пирнинг кўнглидан кечгани кўпчилик муридларга қанчалик аён бўлган, ёлғиз Аллоҳга маълум. Албатта, маърифат йўлларида ҳар ким иқтидорига яраша бир даражага эришади, аммо маънавий камолот жамиятда фақат тор доиранинг ўз "ички ҳолати" миқёсида қолиб кета берса, умумижтимоий ўзгаришларга олиб келмаса, ҳаёт уйғунлиги бузилади. Маърифат тарқатиш йўли билан сиёсат ва иқтисод соҳаларида ҳам умумижтимоий ўзгаришлар содир бўлишига эришиш эса маънавият аҳлининг масъулиятидадир.

Фақат хос аҳлига таяниб эркин ва ҳур жамият қуриш қийин. Оддий меҳнаткаш ҳам фақат самимий эътиқод эгаси бўлибгина қолмай, илм ва ирфондан бохабар бўлмоғи, ўзи яшаётган жамиятнинг баланд-пастини тушуниб (иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаб), атроф воқеликка онгли ва фаол муносабатда бўлмоғи, ҳозирги тил билан айтганда, фуқаролик жамиятининг, ҳақиқий демократик тузумнинг пойдеворидир.

Аллоҳга минг шукурлар бўлсин-ки, Мустақиллик шарофати билан миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан бевосита қониб-қониб оби ҳаёт шиммоғимиз имкони яралди. Бугун энди эътиқод ва илм, ирода қудрати ва меҳр, Ватан ва халқ, табиат ва башарият, бир сўз билан айтганда, Олий ҳақиқат олдидаги инсоний масъулият бир бутун моҳият сифатида ҳар бир шахснинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавиятини ташкил этмоғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак. Миллий маънавий меросимиз бизга табиат ва миллат, башарият ва коинот олдидаги бурч ва масъулиятимиздан сабоқ беради. Миллат маънавияти ўз тарихий шаклланган қиёфасига эга, шу билан бирга моҳиятан умумбашарий қадриятларга асло зид эмас, балки мувофиқдир. Зотан, башарият асли бир ота-онанинг болалари эмасми? Маънавиятимизнинг асос қирралари - **эътиқод ва ибрат** (Сунна), **илм ва мантиқий тафаккур** (ислом маърифатчилиги), **ҳақиқат ишқи йўлида руҳият сафарбарлиги** ва ирода қудрати(тасаввуф ва ирфон), **пок инсоний меҳр** ва ижтимоий фаоллик (“мажоз тариқи”) - бир-бирини инкор этмайди, балки буларнинг бири кимда кам бўлса, унда маънавий тўкислик бўлмайди.

Инсон маънавияти минг бир сифат, беҳисоб жиҳат ва қирралар билан жилоланади: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ўктамлик ва ташаббускорлик, ҳиммат ва саҳоват, журъат ва шижоат, орият ва хокисорлик, босиқлик ва ҳилм, фаросат ва заковат, балоғат ва фасоҳат, мардоналик ва масъулият ва ҳоказо... Хуллас, жамъи инсоний фазилатлар маънавият даракчиларидир. Уларнинг ҳар бири орқали инсон ботиний дунёси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Маънавиятнинг ўзак томири эса Ҳақиқат ишқи, меёр ва уйғунликда ифодаланади.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. ШАХС МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИНГ ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ (ёки маърифат йўллари):

Ибрат,
Илм,
Риёзат,
Меҳр

2. ҲАҚИҚАТ НИМА?

Ҳақиқат - чексиз. Қуръони каримнинг **“Бақара”** сурасидаги “Оят ал-курси” номи билан машҳур бўлган **255-оят** ниҳоятда эл ичида мўътабар тутилади. Сабаби, унда Аллоҳ ҳақиқатига жуда ихчам, аммо мукаммал ишора мавжуддир. “Аллоҳ - ундан ўзга илоҳ йўқдир” деб бошланувчи ушбу оятнинг фақат икки жумласини эслайлик: **“Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир”..., “Унинг курсийси Осмонлар ва Ердан (ҳам) кенглик қилур”,** деб ўгиради уларни муҳтарам таржимон.

Миллий маънавиятимизда Борлиқ ҳақиқати Тавҳид эътиқодида ифодаланади. Барча буюк аждодларимиз ана шу улуғ Ҳақиқатни тушуниш учун интилиб яшаганлар ва ҳар ким ўз ҳоли даражасида уни тавсиф ва талқин этишга уринган. Назаримизда, **Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида** ушбу талқин энг мукаммал суратда ифода этилган. Биз ундан бир ривоятнинг насрий баёнини келтириш билан чекланамиз. Шоир **“Маърифат водийси”** таърифини бергач, уни изоҳлаш учун Саноийдан бир ривоят келтиради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Эшит, бунга ушбу можаро жуда муносиб мисол бўла олади. Нақл қилишларича, бир гуруҳ кўрлар тўдаси бир сабаб билан: мусофирлик ёки асирлик туфайли Ҳиндистонга бориб қолишибди. Сўнгра фалакнинг гардиши билан улар ўз юртига қайтиб келишибди. Бу ерда улардан бир киши : “Филни кўрдиларингизми?” - деб сўрабди. Улар: “Ҳа”, - деб жавоб беribдилар. “Кўрган бўлсангиз, далил келтиринг”, - дебди бояги киши.

Улар аслида филни кўрмаган, у ҳақда ҳатто яхши сўраб ҳам олмаган эдилар. Ҳар бири филнинг бир аъзосини пайпаслаб, ундан билим ҳосил қилиб олган эди. Шу сабабли филнинг қўлларини ушлаган киши фил сутунга ўхшар экан, деса, қорнини пайпаслаган, йўқ, у бесутун, деди. Хартумини ушлаган, фил аждаҳога ўхшаш бир нарса экан, деса, тишларини баён қилувчи киши эса, фил иккита суякдан иборат, деди. Қуйруғидан хабар берган киши филни осилиб турган илонга қиёс этди. Қўли билан филнинг бошини пайпаслаган киши уни бир чўққининг тумшуғи деб шарҳ қилди. Филнинг қулоғига қўл етказган киши уни қимирлаб турган икки елпиғич экан, деди. Уларнинг барчаси шу тариқа кўрлик юзасидан турли сўзлар айтдилар. Гарчи улар айтган сўзларнинг барчаси тўғри бўлса-да, уларнинг ҳаммаси нуқсонли эди, уларда тартиб мавжуд эмас эди.

Шунинг учун ҳам филбонлик соҳасида устод ҳисобланган етук файласуф, ўзи ҳинд наслидан бўлган киши, улар айтган сўзларни тинглаб, нақл қилганларга таъна сўз айтмади ва шундай деди:

- Ҳар бир киши фил ҳақида ўзи билганларини айтиб, у ҳақда нишон берди. Улар бир-бирларига зид фикр айтган бўлсалар-да, кечирарлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз билганича сўз айтди, аммо улардан ҳеч бири филни кўрган эмас эди. Лекин улар айтган бу сифатларнинг барчаси бир ерга жамъ қилинса, улардан фил ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлади.

Узоқни кўрувчи кишига бу жуда яқин бўлгани учун у ҳеч иккиланмасдан кўрлар айтган барча сўзларни чин деб баҳолади.”[154]

Юқоридаги оятда яна ишора қилинади**:”(Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганича ўзлаштирурлар.”** Демак, ҳар бир инсоннинг билимлари чегарали. Шу сабабли ***Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш учун аввало инсонлар бир-бирига эътибор қилиши, бир-бирини тушунишга интилиши лозим. Табиатни, ундаги ҳар бир заррани, майсани, тирик жонни тушунишга интилиб яшамоқ, доим ўзгани тушунишга интилмоқ - маънавият йўли шудир.***

15-боб.
Маънавият тарихини ўрганиш соҳасидаги муаммолар.

1-фасл. Ижтимоий фанлар методологияси ва маънавият тарихига ёндашув.

Инсон илми ҳеч қачон Борлиқ ҳақиқатининг охирига ета олмайди. Шундай экан, ҳарқандай илм бирор-бир аниқ мақсад сари йўналмаса, чексиз-чегарасиз, ибтидо-интиҳосиз бўлиб қолиб, бирор самарага муяссар бўлиши қийин. “Методология” тушунчаси воқеликни илмий идрок этишнинг айни шу муайян мақсадга қаратилган мантиқий тизимини англатади. Маълумки,

[154] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т., 1991, с.402 (насрий баён муаллифи Ш. Шарипов)

www.ziyouz.com kutubxonasi

аждодларимиз - буюк тасаввуф пирлари - Ҳаққа етишишнинг ирфоний йўлларини ишлаб чиққанлар ва уларни “тариқат” ёки “сулук” деб атаганлар. “Метод” атамаси ҳам аслида юнонча “методос” сўзидан бўлиб, “йўл”, “ҳақиқатни англаб етиш йўли” маъноларини ифодалайди. Араб тилида бу сўзнинг муқобили “тариқ” ёки “тариқа” бўлади. “Тариқат” атамасининг келиб чиқиши шундан. Алишер Навоий XV асрда айни шу анъанага таянган ҳолда адабиётда “бадиий метод” муаммосини ҳал қилиб берди ва “ҳақиқат тариқи”, “мажоз тариқи” тушунчаларини илмий истеъмолга киритди.

Собиқ Шўролар тузуми даврида 70 йил давомида коммунистик ақидапарастлик ижтимоий фанларнинг мағиз-мағизига сингдириб юборилди. Бутун жаҳон илми марксистик “методология” нуқтаи назаридан «андозалаб» чиқилди. Айниқса ижтимоий фанлар бу тазийқдан қаттиқ зарар кўришди. Тарихда ўтган ҳар бир йирик алломанинг илмий мероси «диалектик материализм»нинг чўян қолипларига мосланиб, шу нуқтаи назардан унинг «ютуқ» ва «камчиликлари» сарҳисоб қилинди, агар унинг мулоҳазалари марксизм ақидаларининг бирор-бир қиррасини «исботлаш»га хизмат қилса, бу ўша алломанинг меросининг «прогрессив», «ҳақиқатга мувофиқ» томони, агар зид келса, мос тушмаса, бу унинг «реакцион», «адашган» томони экани таъкидланди. Бу ишларни анча-мунча истеъдодли олимлар «қотириб» бажаргани туфайли, совет даври “файласуф”лари улар ёзган нарсаларни ўз вақтида соф илмий ҳақиқат сифатида қабул қилишди. Бугун энди ўз хоҳишларидан қатъи назар хотирага жойлашиб олган бундай ярим ёлғонлардан халос бўлиш улар учун оғир кечмоқда. Марксизмнинг оғир жиноятларидан бири шуки, ўз даврида минглаб қобилиятли ёшларни илмда ана шундай боши берк такаббурлик кўчасига киритиб қўйиб, ҳам уларга Аллоҳ берган табаррук неъматни елга совурди, ҳам жамият ривожига икки томонлама зарар етказди.

Марксизм-ленинизмга сўнгги ҳақиқат деб қараган пайтимизда ижтимоий фанлар соҳаси жуда жўнлашиб кетган эди. Чунки мутлақ ҳақиқатлар аллақачон аниқланган, энди нисбий, иккинчи даражали масалаларни ҳал қилишгина қолгандай тасаввур ҳукмрон эди. Ҳозир ҳам яқин ўтмишда марксистик фалсафани яхши ўзлаштириб олганлар учун эски андаза ва қолиплардан кечиш қийин бўлмоқда. Аммо бугун, кўзимизни каттароқ очиб қарасак, биргина Европа минтақасида шунча кўп бир-биридан кескин фарқ қилувчи фалсафий тизимлар яратилган экан-ки, уларнинг ҳар бирини жиддий англаб етиш учун бир инсоннинг умри ё етади, ёки етмайди. Шундай шароитда собиқ совет даврида кимки марксистик диалектиканинг тарғиботи билан илмий даражаларга эришган бўлса, бугун ҳам кечаги билимларини «илмий фалсафий таълимот» сифатида талабаларга тақдим қилишга уриниши, юмшоқ қилиб айтганда, инсофдан эмас, қолаверса, бундай “ўжарлик”нинг оқибатини ҳам ўйлаш керак. Кечаги биз бошдан кечирган “савдолар”дан бехабар ёшларимиз бундай масъулиятсизлигимиз туфайли яна ёлғон “ҳақиқат”ларни чин деб ўзлаштирадими? Бундай методологик чалкашликлар фақат фалсафа эмас, бошқа қатор ижтимоий

www.ziyouz.com kutubxonasi

фанларга ҳам оид бўлиб, 70 йиллик марксистик мафкура асорати уларнинг барчасига ўз “тамға”сини босиб кетганлиги биз катта авлодга сир эмас.

Президент И.А.Каримов “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида бу ҳақда шундай дейди:

“Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга. Лекин бугун ўрта ва олий ўқув даргоҳларидаги таълим-тарбия жараёнларида фойдаланилаётган дарсликлар, дастур-қўлланмалар, китоблар қандай мафкурадан озиқланган? Уларда эски тузум давридан қолган ғоявий қарашлардан тўлиқ воз кечилганига ким кафолат бера олади? Бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Афсуски, биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожи замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борадаги хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим”[155].

Бу гап айтилганига анча бўлди. Бу соҳада баъзи ўзгаришларга эришилганини тан олган ҳолда, барибир, ҳануз аҳвол қониқарли эмаслигини қайд этишга тўғри келади. Сабаб нимада? Бизнинг назаримизда, асосий сабаб ижтимоий фан вакилларининг миллат ва жамият олдидаги ўз вазифаларига масъулият билан қарашга жиддий уринмаётганликларидадир. Собиқ Шўролар давридаги “ҳайбаракаллачилик” кайфиятини қатъий тарк этиш лозимлигини англаб етишга ҳавсала қилмаётганликларидадир. Албатта, умр бўйи ўзи ишониб келган ёлғонлардан кескин воз кечиб кетиш осон иш эмас. Бунинг устига ҳаёти давомида Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан бошқа китобларни жиддий ўқиб-ўрганишга эътибор қилмаган бўлса, демак, 50-60 ёшга яқинлашганда энди қўлига Қуръони карим, Ҳадиси шариф ёки имом Ғаззолийнинг китобларини олиб, уларни холис тушуниб етишга ҳаракат қилиш жуда оғир савдо. Ундан кўра бир вақтлар ҳукмрон мафкурага садоқат билан хизмат қилиб қўлга киритган илмий даража ва унвонларга орқа қилиб, “устоз файласуфлик” даъвосидан пастга тушмай юрган яхши эмасми? Инсонда инсоф бўлмаса қийин. VII асрда Пайғамбаримиз Муҳаммад(сав)га Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим нозил бўлгач, ислом дини дунёга тарқалиб, Европага ҳам овозаси етиб борди. Христиан руҳоний олимлари орасида Пико делла Мирондела каби араб тилини жиддий ўзлаштириб, Қуръони карим мазмунини холис англаб етишга уринувчилар ҳам йўқ эмас эди. Аммо кўпчилик христиан уламолари ўз ақидаларини ислоҳ этишга жиддий уринмадилар, аниқроғи оддий диндорлар орасидаги ўз мавқеларини йўқотиб қўйишни хоҳламадилар. Натижада Европа аҳлининг онгини аста-секин даҳрийлик ва маънавий таназзул борган сари чуқурроқ ва кенгроқ эгаллаб борди. Бугунги кунга келиб энди Европа илми аниқ фанлар ва

[155] Ислам Каримов.Асарлар. 8-жилд, с. 504-505

www.ziyouz.com kutubxonasi

техника-технология соҳаларида тенгсиз ютуқларга эришган бир пайтда маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида ўта хатарли бир вазият юз бериб туриптики, буни минтақанинг энг олдинги қатор зиёлилари афсус билан эътироф қилмоқдалар. Халқнинг маънавий етакчилари ўз вазифаларига жиддий масъулият билан ёндашмаган жойда шундай фалокатлар рўй бериши табиий ҳолатдир.

2-фасл. «Маънавият асослари» фани бўйича нашр этилган китобларда миллий маънавият тарихининг ёритилиши.

Ижтимоий соҳада асл ҳақиқатни англаб етиш табиий ва аниқ(математик) фанларга нисбатан бир неча баробар мушкулроқдир. Чунки ижтимоий соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш керак. Европа мамлакатлари бошидан кечирган давлатчилик тарихини ўрганиш асосида Осиёдаги ушбу соҳа муаммоларини англаб етиш мумкин деб ўйлаган одам қаттиқ янглишади. Марксчилар бутун инсоният тарихий такомилига татбиқ этмоқчи бўлган формацион назария ҳам айни шу сабабдан ўзини оқламади. Россиядаги крепостнойлик тузуми, Ўрта асрлар Европасидаги феодализм тизими, ёки Юнонистондаги қулдорлик айни ўша ўлка ва минтақаларга хос бўлган бетакрор ижтимоий ҳодисалар эди. Уларни Хитой ёки Ҳиндистондан қидириш ҳеч қачон қониқарли натижа берган эмас. Шундай экан, бугунги кунда яна муайян замон ва маконда туғилаётган долзарб муаммоларга «жаҳоншумул» миқёсда жавоб беришга беҳуда уринмасдан, яқин ўтмишдаги илм тарихининг аччиқ сабоқларини бироз инобатга олиб режа тузсак ва ҳаракат қилсак, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитмай иш тутган бўлур эдик.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида **“биринчи блок фанлари”** деган салмоқли қисм бор. Ушбу қисм фанлари талабага бевосита ўзи танлаган мутахассислик бўйича билим бермайди. Улар олий маълумотли мутахассиснинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришни назарда тутади. Ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштириш учун эса ҳар бир миллат ўз миллий маънавияти анъаналарига таяниб иш кўргандагина самарали натижаларга эришиш мумкин. Аммо биз – миллатнинг келгуси тарбиячиларини тарбиялаш вазифаси зиммамизда бўлган устозлар миллий маънавиятимиз анъаналарини ўзимиз яхши биламизми? Билмасак, билишга жиддий уринаяпмизми? Барча муаммонинг калити шуерда. Агар бугунги маънавиятга алоқадор фанларнинг ўқитилишига, бу йўналишда чоп этилаётган ўқув қўлланмалар савиясига эътибор қиладиган бўлсак, аҳвол ниҳоятда ночор эканлигини тан олмай иложимиз йўқ. Бу соҳадаги асосий қусур шундаки, биз миллий маънавиятимиз анъаналари ҳақида асосан собиқ шўролар даврида нашр қилинган “илмий” адабиётларга таяниб фикр юритмоқдамиз. У даврдаги талқинларнинг руҳи ва етакчи йўналиши эса маълум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз вақтида аждодларимиз маънавий меросининг турли жиҳатларини ўрганишга ўз умрини бағишлаган мутахассисларимиз ҳам кўпчилиги муайян бир доирада ўз билимларини чуқурлаштириш билан банд бўлиб, бу доирадан четга чиққанда жамиятдаги мавжуд талқинлар билан кифояланиб қўя берганлар. Шу сабабли ҳанузгача ҳатто аксарият шарқшунос ва манбашуносларимиз ҳам бевосита манбаларни ўқиб туриб кўпинча уларни шўролар даврида онгга сингдирилган эски ғоявий қолипларга мослашга мойил бўлмоқдалар.

Шўролар даврида диний уламоларимизнинг ҳуқуқ доираси ҳам ўта чекланган эди, шунга яраша улар олган диний таълим ҳам кўпинча тор маънодаги ибодат масалалари билан чегараланиб, қолган масалаларда уларнинг ҳам онгига ўша давр мафкурасига мос ғояларни сингдиришга уринилган. Натижада улар ҳам ё ўша ғояларни билиб-билмай қабул қилганлар ёки кўнгилда кескин рад қилганлар. Аммо муқобил жавоблар устида жиддий ўйлашга зарурат сезмаганлар, балки қудрат топмаганлар.

Яна бир жуда хунук ҳолат – фалсафа соҳасидаги устоз алломаларимиз мустақиллик даврида чоп эттирган аксарият китоблари ва ўқув қўлланмаларида шўролар даврида ўзлари ёки ҳамкасабалари ёзган марксизм-ленинизм фалсафасига оид қўлланмалар мазмунини шундоғича кўчириб олиб, Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан келтирилган иқтибосларнинг қўштирноғини олиб ташлаб ва муаллифи номини тилга олмай ўз мустақил “ижодлари” сифатида тақдим этмоқдалар. Бу ҳолни ушбу соҳага алоқадор барча эски авлод мутахассислар очиқ кўриб туришипти. Аммо ўзбекчиликда “истиҳола” деган тушунча бор, Андерсеннинг “Қиролнинг янги либоси” эртагида тасвирланганидек, ёши улуғ тарбия кўрган одамлар бировнинг иштони йиртиқ эканлигини сезиб қолсалар ҳам овоз чиқариб кулмайдилар, одоб сақлаб, гўё кўрмагандек бўлиб тураберадилар. Одоб сақлаш, “истиҳола” яхши нарса, аммо бу аҳволда ёшлар тарбияси нима бўлади?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бугунги кунда “маънавият нима?” деган саволга хилма-хил жавоблар пайдо бўлмоқда. Айниқса, 1997 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” фани ўқитила бошланганлиги муносабати билан бу мавзуга олимларимизнинг эътибори янада кучайди. Қатор рисолалар, ўқув қўлланма ва дастурлар чоп этилди. Матбуотда кун сайин бу мавзуда катта-кичик мақолалар эълон этилмоқда. Ушбу китоб ва мақолаларда ҳар ким ақли етганича маънавият тушунчасига таъриф беришга, ҳеч бўлмаганда, муносабат билдиришга уриниб келмоқда. Баъзан бир кишининг ўзи бир мақоланинг ичида турли таърифларни келтирган ҳолатлар ҳам учрайди. Маънавият ниҳоятда кенг қамровли тушунча бўлганлигидан бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Ундан ташқари келтирилган таърифларни барчасини дабдурустдан бекорга чиқариш, буткул нотўғри деб баҳолаш ҳам инсофдан эмас, чунки уларнинг кўпчилигида масаланинг қайсидир қирраси ўз аксини топган бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, яқин-яқинларгача кўпчилик масалага жиддий ёндошишга, илгари назарий тизим даражасида кўриб чиқилмаган инсон ва жамият ҳаётидаги муҳим йўналиш, ҳассос бир соҳага камоли эътибор билан разм солишга муваффақ бўлмади.

Ушбу қисқа баёнда маънавият хусусида билдирилаётган барча фикр-мулоҳазаларни батафсил таҳлил этиш имкони йўқ. Бир жумла билан уларнинг кўпчилигида учрайдиган умумий камчиликни ифодалайдиган бўлсак, уни **янги воқеликка оид тушунчаларни эски андазалар қолипида талқин этишга уриниш** дейиш мумкин. Масалан, шундай китоблардан бирида муаллиф ёзади: «Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йиғиндиси сифатида кўзга ташланади.»[156] Бу қарашнинг эскичалиги шундаки, муаллиф «Маънавият моддий ҳаётни акс эттиради» деб, яна моддиятни бирламчи, маънавиятни эса пассив (кўзгу сингари), иккиламчи ҳодиса сифатида талқин этади. Шу билан маънавият ҳодисасининг мустақил моҳияти инкор этилиб, у моддиятга тўлиқ тобе қилиб қўйилади. Бунинг оқибатида маънавиятга яратувчилик қувватига эга бўлган алоҳида куч деб қараш имкони кесилади. Қолаверса, «маънавий ҳодисалар йиғиндиси» жумласи киритилиши билан таъриф берилаётган ҳодиса умуман яхлит моҳият эмас, деган ҳақиқатга хилоф хулосага йўл очилади.

Бугун биз инсонни биринчи ўринга қўйиб, унинг яратувчилик фазилати, ижтимоий фаоллиги, маънавий қудратига урғу бермоқдамиз. Чунки Ўзбекистоннинг буюк келажагини шакллантирувчи бош омиллар – шулар. Аммо юқоридаги каби таърифларда инсон моддий борлиқнинг бир унсури сифатидагина эътироф этилиб, бошқа махлуқотлардан фарқли мустақил моҳияти сояда қолиб кетмоқда. Инсоннинг моҳияти аслида мураккаб бўлиб, айни моддият ва маънавиятнинг туташуви билан изоҳланади. Уларнинг қайбири иккинчиси орқали таърифлана бошласа, инсон моҳияти ҳақида бирёқлама тасаввур ҳосил бўла беради.

---

156 Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.-«Университет»-1998, с. 5

www.ziyouz.com kutubxonasi

Президент маънавиятни “қудратли ботиний куч” деб таърифлайди. Маънавиятни инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан бири деб қаралганда ижтимоий ҳаётдаги ташқи ҳодисалар эмас, балки уларнинг асосида яширинган моҳиятлар назарда тутилмоқда. Воқеликда ҳар қандай ҳаёт ҳодисаси ботиний мураккаблик устига қурилади. Инсон ва жамият ҳаётида на иқтисодий, на сиёсий, на маънавий омиллар соф ҳолда ўзлигини намоён қилмайди, агар шундай бўлганда илм жуда осонлашиб кетган бўлур эди. Масалан, ҳар бир инсонннинг ўзга инсонларга муносабати **сиёсат** деб оламиз. Аммо агар бир инсон бир корхона раҳбари ҳузурига иш сўраб борса, ушбу ҳолатда иш сўровчининг мақсади корхона раҳбари билан сиёсий муносабатларга киришиш эмас, балки ўз иқтисодий ҳолатини яхшилашдир. Шундай экан, корхона раҳбари билан ишчи ходим орасидаги муносабатлар кўпроқ иқтисодий соҳага алоқадордир. Яъни, ишчи муайян иш бажариб, тадбиркорнинг иқтисодий режаларини амалга ошишига ҳисса қўшади, тадбиркор эса ходим меҳнатига ҳақ тўлаш билан унинг иқтисодий муаммолари ҳал қилинишига сабабчи бўлади. Демак, биз инсон ва жамият ҳаётини соҳаларга ажратганимизда биринчи навбатда инсоннинг муайян хатти-ҳаракатдан кўзлаган асосий мақсадидан келиб чиқамиз. Аммо шу билан бирга ҳар қандай ҳаёт ҳодисасида уни моҳият жиҳатидан мураккаблаштирувчи ҳолатлар ҳам бўлишини ёддан чиқармаслик керак.

Иқтисод ва сиёсат соҳалари бу дунё ишлари билан боғлиқ бўлгани учун уларни тушуниш нисбатан осон. Бу соҳаларда гап ё моддий эҳтиёжларни қондириш, ёки мавқе ва мақом масалаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлади. Маънавият соҳаси мураккаброқ. Соф иқтисодий ва сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ўтмиш ва келажак, макон ва замон муҳим эмас. Одам қорни тўқ ва усти бут бўлиши учун Ўзбекистонда яшайдими, АҚШда яшайдими – фарқи йўқ. Бойлик орттириш, мавқе ва мақом учун курашда **Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат** туйғулари асл маъносини йўқотиб, нари борса, мақсад йўлидаги воситага айланади. **Охират** ва **оқибат** тушунчалари фақат маънавиятга тааллуқлидир.

Европа Уйғонишининг илк сиёсатчи файласуфларидан бўлган флоренциялик **Никколо Макиавелли** (1469-1527) тарихда биринчи бўлиб, сиёсат ва маънавиятнинг (унинг ўз талқинига кўра ахлоқнинг) буткул бошқа-бошқа соҳалар эканлигига эътибор қаратди. У давлатни барча нарсадан устун қўйиб, давлат инсон руҳининг олий даражада намоён бўлишидир ва давлатга хизмат қилиш инсон ҳаётининг олий мақсади, мазмуни ва саодати бўлмоғи керак, деб ҳисоблади. Христианликдаги инсон табиатининг азалдан худбинликка ва ёвузликка мойиллиги ғоясидан келиб чиқиб, унинг тарбияси билан шуғулланиш черковнинг эмас, давлатнинг иши деб эълон қилди. Бундай ёндошув ҳам дин ва давлатни бир-биридан фарқлашга асосланган бўлиб, яна маънавият билан сиёсатнинг алоҳида ҳодисалар эканлигини таъкидлайди. У ўзининг “Ҳукмдор” (русча “Государь”) асарида номақбул шароитда қандай қилиб қудратли давлатни шакллантириш мумкинлигининг йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Унинг даъвосига кўра, ҳукмдор бундай шароитда ўз “улуғ” сиёсий мақсадларига эришиш учун, ахлоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

нормалари билан ҳисоблашиб ўтирмай, ҳар қандай воситалардан (жумладан, агар зарурат тақозо қилса, алдов, туҳмат, зулм каби ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан) бемалол фойдаланиши мумкин, асосийси, **давлат ва мамлакат манфаатларини изчил ҳимоя қилиш**. Тарихда макиавеллизм номи билан машҳур бўлган **сиёсатни ахлоқдан холи деб билиш тамойили** Европа ва дунё сиёсатида башарият учун ўта хавфли ва ҳалокатли ҳолатларни вужудга келтирган бўлишига қарамай, **сиёсатнинг мустақил соҳа сифатидаги ўзига хосликларини англаб етиш** йўлида қўйилган жиддий қадам эди.

Дарҳақиқат, сиёсат ўзи алоҳида соҳа бўлиб, **маънавиятли сиёсат** бўлиши мумкин, аммо **маънавиятдан холи сиёсат** бўлиши ҳам мумкин. Одатда биринчиси **адолатли сиёсат** деб, иккинчиси эса **адолатсиз сиёсат** деб юритилади. Шунга биноан ҳукмдорга нисбатан **одил** ёки **золим** сифатлари қўлланилади. Бу нарса фақатгина давлат миқёсида эмас, инсонлар аро муомаланинг юқорида санаб ўтилган барча босқичларида амал қилиши мумкин. Масалан, **монархия** тузуми принцип жиҳатидан давлат миқёсидаги **адолатсизлик**ка асосланади, чунки бу тузумда ҳукмдор шахс (аниқроғи, ҳукмдор сулола) **мутлақ ҳоким,** мамлакатдаги бошқа барча инсонлар ҳукмдор сулолага **мутлақ тобеъ** ҳисобланади. Мамлакатнинг барча бойлиги, жумладан, фуқаролар меҳнати билан яратилган бойлик ҳам **ҳукмдор сулоланинг мулки** ҳисобланиб, уларни қандай тасарруф ва тақсим қилиш ёлғиз ҳукмдор иродасига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай шароитда **адолатли ҳукмдор** деган тушунча фақат нисбий маънога эга бўлиб, **инсофли, саховатли** деган маънонигина билдиради. Бундай тузумда ҳукмдор иродасига ҳарқандай қарши чиқиш **исёнкорлик**, яъни **оғир жиноят** сифатида баҳоланади. Маънавият нуқтаи назаридан барча инсонлар ягона Аллоҳ олдида тенгдирлар, **монархия** тузумида эса **ҳукмдор сулола**га мансуб инсонлар **олий зотлар,** қолганлар **фуқаро, қора халқ,** яъни тобеъ, қарам кишилар сифатида кўрилади. **Фуқаро** ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳукмдор иродасига бўйсуниши талаб этилади. Принцип жиҳатидан **адолатли** давлат тузуми **демократия** бўлиб, унда давлат бошлиғи моҳиятан ҳукмдор эмас, **вазифадор**дир, яъни халқ сайлаб қўйган ва халқ вакиллари қабул қилган қонунлар доирасида давлатни маълум муддат бошқариб туришга масъул этилган шахсдир. Фуқаролар (гражданлар) ҳукмдорга эмас, қонунларга риоя қилишлари талаб этилади. Қонун олдида амалдор ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг. (Монархия тузумида амалдор қонунларга эмас, ҳукмдор иродасига бўйсунади, яъни у монарх иродасини амалга оширувчи шахс бўлиб, ҳуқуқлари оддий фуқарога тенг эмас.) **Демократия** тузумида давлат бошлиғи қонунга ҳилоф иш қилса, жавобгар бўлади, демак, **адолатсиз давлат бошлиғи** деган тушунчанинг ўзи демократик тузум табиатига ётдир. Агар бирор жойда давлат бошлиғи **адолатсизлик**ка йўл қўйса-ю, жазосиз қолса, демак, ўша жойда демократик тузум принциплари қандайдир шаклда бузилган бўлади.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, бугунги кунда **“ижтимоий-гуманитар фанлар”** деб аталадиган фанлар гуруҳидан, етакчи мавзу

www.ziyouz.com kutubxonasi

доирасидан келиб чиқиб, **иқтисодий, сиёсий ва маънавиятга оид фанлар**ни ҳар бир йўналишда алоҳида ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозирги замон илмида аниқ, табиий ва техник фанлар сингари иқтисодий ва сиёсий фанларда ҳам умумбашарий унсурлар етакчилик қилмоқда. Дарҳақиқат, бозор иқтисоди ва халқ ҳокимиятчилиги масалаларида умумбашарий унсурлар етакчилигини инкор қилиб бўлмайди. Бироқ маънавият соҳасида буткул бошқача ёндошув талаб этилади.

Аслида **маънавиятга оид фанларнинг методологияси** масаласи ҳам аллақачон улуғ аждодларимиз томонидан ҳал қилинган. Бу илм ва имон бирлиги, аниқроғи, **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги**, яъни илоҳий китоблар ва аждодларимиз меросида баён қилинган, тарихий тажрибага асосланган билимлар билан рационал (мантиқий) тафаккурга асосланган хулосаларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Бу **методологик асос** Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлардан сарчашма олиб, Имоми Аъзам, Форобий, Мотуридий, Ибн Сино, Ғаззолий, Насриддин Тусий каби ислом минтақа маданиятининг буюк алломалари ижодида ўз ривожини топган, кейинчалик улуғ тасаввуф пирлари Аттор, Румий, Ибн ал-Арабий кабилар ижодида ирфоний ғоялар билан бойитилган ва Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий сингари мутафаккир ижодкорлар асарларида бадиий тафаккур жилолари билан мукаммаллаштирилган муназзам бир истеҳком, метин пойдевордир-ки, унга таяниб яратилган ҳар бир жиддий тадқиқот **умумбашарий кашфиёт** даражасида қабул қилинишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бунинг учун ҳар бир уриниш самимий имон ва илм, меҳр ва масъулият билан йўғрилган бўлса, бас.

Афсуски, бугунги аксарият зиёлиларимиз миллий маънавиятимиз асосларини яхши билмагани, аждодларимиз меросининг асл моҳиятидан бехабарлиги туфайли маънавият масалаларида ҳам гоҳ диалектика, гоҳ синергетика, гоҳ пантеизм, гоҳ гуманизм каби ўзга маънавий муҳитда, ўзга маънавий қадриятлар тизимида шаклланган бегона қолиплардан фойдаланиб ёшларимизга сўз уқдиришга беҳуда чираниб ётишипти. Натижа – битта: ҳеч ким бу гапларга жиддий эътибор бера ётгани йўқ. Кимдир масжидга қатнаяпти, кимдир – тунги клубларга. Чунки миллий маънавият миллат тарихига, аждодлар меросига, эътиқодига суянади. Бенедикт Спинозанинг фалсафаси – пантеизм, Навоийнинг ижодий методи эса – “мажоз тариқи” деб аталади. Буларни бир-бирига қориштиргандан ҳеч нарса чиқмайди. Тасаввуф ирфони – фалсафа эмас, мистика ҳам эмас. Унда ҳол бор, мақом бор, жазаба бор. Шатҳиётлар ҳам бор. Аммо ундан Европа маънавий оламига хос бўлган мистикани ҳам, фалсафани ҳам қидириш керак эмас. Европа шарқшунослари аллақачон тасаввуфнинг асосини Қуръон оятлари мазмунидан қидириш кераклигини тушуниб етишган. Тасаввуфни фақат тавҳидий тафаккур доирасида тўғри англаб етиш мумкин, “мажоз тариқи”ни ҳам.

Шундай қилиб, миллий маънавиятимиз тарихий такомилини тўғри тушуниш учун аждодлар меросини жиддий ва мукаммал ўрганишга эринмаслик керак. Қуръони каримнинг энг ишончли тафсирлаш усули Қуръони карим оятларини қиёсий ўрганишдир. Миллий маънавиятимиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихий ривожининг ички қонуниятлари ҳам маънавий меросимизнинг турли йўналишларини ички қиёслаш билан очилади. Бошқача йўл йўқ.

Ўзгадан кўр-кўрона нусха кўчиришнинг бир кичик мисоли "Шарқ уйғониши" масаласидир. Маълумки, Европа маънавияти қадимдан ички зиддиятлар, турли қарашларнинг ўзаро муросасиз кураши асосида ривожланиб келади. Масалан, антик маданият даврида христианлик эътиқоди аёвсиз таъқиб этилган. Кейинча, христиан дини ҳукмрон мавқега эришгач, бутун антик фан ва маданият иблис найранглари деб эълон қилинди ва шафқатсиз равишда кули кўкка совурилди. Милодий IV-V асрлардан то XIV-XV асрларгача дунёвий фан ва маданият қаттиқ "уйқу" ҳолатида бўлди. Орадан минг йил ўтгач, ислом ғоялари таъсирида Европада Ренессанс, яъни қайта "Уйғониш" бошланди. Теология, яъни илоҳиёт фанлари билан бир қаторда гуманитар, яъни инсоннинг моддий (биологик) эҳтиёжларини ҳисобга олган фанлар тизими ҳам аста-секин ривожлана бошлади. Реформация ҳаракати бундай тамойилларни янада кучайтирди. Бора-бора илм имондан устун кўрила бошланди ва бу нарса охир-натижада аксарият зиёлилар руҳида атеизм (даҳрийлик)нинг ғалабасига олиб келди.

Ислом дунёсида ҳам X-XI асрларда шундай тамойиллар бўлиб ўтган. Аммо исломда руҳий ва моддий олам ҳеч қачон бир-бирига кескин қарши қўйилган эмас. Пайғамбаримизнинг "ло раҳбония фил-ислом" (исломда роҳиблик йўқ) деган машҳур ҳадислари бунга ёрқин мисол[157]. Натижада ислом дунёсида даҳрийлик кейинча ривож олмай, йўқ бўлиб кетди. Албатта, бизнинг минтиқа ҳарқандай зиддиятлардан холи бўлган деб даъво қилмоқчи эмасмиз. Лекин ислом минтақасида зиддиятлар – жузъий ҳолат, уйғунликка, муросага интилиш етакчи ҳолат бўлганлиги кўпчиликка маълум. Шундай экан, минтақа маданий ривожига кўп асрлик "уйқу" ҳолати бегона экан, X-XII ёки XIV-XV асрларга нисбатан қандайдир Уйғониш ҳақида гапириш яна ўз тарихимизни бегона қолипларга жойлаш ҳаракатидан ўзга иш эмас. Шахсан мен XX аср бошидаги жадидчилик ҳаракатини Миллий Уйғониш деб аталишига қўшиламан, чунки бу қарамлик асоратидан, асрий қолоқлик ҳолатидан қутулишга уриниш эди. Миллатимизнинг XVII-XVIII асрлардан сиёсий ғафлат "уйқу"сига кетиши уни қарамлик ҳолатига туширди ва, ниҳоят, XX аср бошида миллий зиёлиларимиз халқни зиё ва маърифатга чақириб, Миллий Уйғониш ҳаракатини бошлаб бердилар.

3-фасл. Ислом дини, тасаввуф ва миллий маънавиятимиз нисбатлари: ёндашувлар ва талқинлар.

Ҳар бир халқнинг ўз эътиқод тизими бўлади[158]. Эътиқод тизими миллий маънавиятнинг ўзак томиридир. Маълумки, аксарият ўзбеклар (ва

[157] Христиан динида динга ўзини бағишлашга қарор қилган инсон уйланиш, оила қуришдан онгли равишда буткул воз кечиб, монастирга бориб яшайди. Исломда бу нарса қаттиқ қораланади.

[158] Бу гап ҳар бир миллатга мансуб 100% аҳоли бир эътиқод тизимида бўлиши керак, дегани эмас, балки шу халқнинг аксариятига алоқадор бўлган миллий маънавият тизими асосида қайси эътиқод жой олган, деган маънони билдиради. Масалан, рус миллатига мансуб анча-мунча мусулмонлар бор, аммо рус миллий маънавиятини православ эътиқодисиз тасаввур қилиб бўлмайди, ёки материалистик эътиқодда бўлган яҳудий миллатига мансуб кўплаб машҳур

www.ziyouz.com kutubxonasi

бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилувчи қардош халқлар вакиллари – тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, татарлар, озарбайжонлар, месхети турклар ва бошқаларнинг кўпчилиги) ўзларини неча асрлардирки мусулмон деб ҳисоблайди, яъни ислом динига эътиқод қилади. Ислом динининг асосини эса охирги пайғамбар Муҳаммад(сав)га ваҳий орқали билдирилган Аллоҳнинг китоби – **Қуръони карим** ташкил этади. Ушбу китоб оятлари мазмуни Европа илм-фанининг энг сўнгги ютуқлари билан тўла мувофиқ эканлиги христиан динидаги олимлар томонидан аллақачон исботланган[159]. Диний уламоларимиз ислом арконлари, имон шартлари, бошқа ақидалар ҳақида муфассал баён қилиб келмоқдалар, бизнинг уларга тўхталиб ўтиришимиз жоиз эмас.

Бизни қизиқтирган асосий масала **исломда инсоннинг ижтимоий мақоми ва маънавияти**дир. Имом Ғаззолий ҳазратлари "Кимёйи саодат"да айтадилар: "Билгинки, (Ҳақ таоло) одамни ўйнамоқ ва кулмоқ, емоқ ва ичмоқ учун яратмабдир. Балки Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар бордурки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўзини танитмоқ учун яратибдур. Ва маърифат йўлининг улуғ хатарлари бордур."[160] Дарҳақиқат, Қуръони каримнинг "Тин" сурасида "Биз инсонни энг яхши сувратда яратдик"[161], дейилган. (Оятдаги "аҳсани тақвим" ибораси "энг яхши асос" маъносини ҳам билдириши мумкин.) Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар борлиги Аллоҳ китобида шундай изоҳланган: "Эсланг, (эй, Муҳаммад!)Раббингиз фаришталарга: "Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман", - деганида, (улар) айтдилар: "Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз." (Аллоҳ) айтди: "Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман". Сўнг Аллоҳ фаришталарга инсонга сажда қилишни буюрди[162]. Шундай қилиб, Аллоҳ инсонни Ер юзида халифа қилиб яратди. Бутун моддий оламни унинг тасарруфига қўйди. Аллоҳ барча инсонларни Ер юзида халифа қилиб яратилганини ўз китобида бир неча ўринда таъкидлаган. Масалан, Анъом сураси 165-оятда бу ҳақда шундай дейилади: "У сизларни Ер (юзи)нинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган зотдир"[163]. Яна Луқмон сураси 20-оятида айтилади: (Эй, инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйин сундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингизми?"[164] Хўш, инсонга шундай улуғ инъом ва имконлар берилган

шахсларни биламиз, аммо бу миллатнинг аксарият вакиллари бугунги кунда ўз маънавиятларини "Таврот" ва "Талмуд"сиз тасаввур қилишлари қийин.

[159] Морис Букай. Библия, Коран и наука. М. 1999.

[160] Муҳаммад Исо таржимасида (Тошкент,2005) баъзи эркин талқинларга йўл қўйилган, Санкт-Петербургда 2007 йилда нашр этилган "Основы духовности" китобида русча таржима аниқроқ ва ихчамроқ берилган, аммо биз мавжуд ўзбекча таржимадан чекинишни лозим топмадик. (Русча таржима: "Знай, что человек создан не для пустого времяпрепровождения и развлечений, ведь дело его – великое, и риск перед ним – большой.")

[161] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Олтинчи жуз. Т., 2008.С.502.

[162] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т., 2007.С 6.

[163] Ўша китоб, с. 150.

[164] Ўша китоб, с. 413.

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, аслида унинг бу дунёдаги вазифаси нима? Бу саволга ҳам Қуръони каримда аниқ жавоб бор. “Ваз-зориёт” деб бошланувчи суранинг 56-оятида айтилади: “Мен жинлар ва инсонларни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.”[165] Одатда кўпчилик “ибодат” сўзини эшитганда намоз, рўза, ҳаж кабиларни тасаввур қилади. Асли юқоридаги оятда келтирилган “ибодат” тушунчаси Аллоҳ иродасига тўлиқ бўйинсуниш маъносини билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Пайғамбаримиздан шундай ҳадис ривоят қиладилар: “Ал-ибодату ашарату ажзоин, тисъатун минҳо талаб-ул-ҳалоли ва жузъун воҳидун минҳо соир-ул-ибодоти", яъни "ибодат ўн қисмдур, унинг ўндан тўққизи ҳалол ризқ топиш ҳаракатида, (қолган ўндан) бир қисми эса бошқа ибодатлардадир".[166] Демак, юқоридаги оят мазмунини Пайғамбаримиз(сав) тафсирларига мувофиқ идрок этилса, ҳалол ризқ йўлида уриниш Аллоҳга қулчиликнинг, Ҳақ йўлидаги ибодатнинг асосий қисмини ташкил этар экан. Қадим тафсирчи уламоларимиз учун “ҳалол ризқ” тушунчаси мураккаб бўлмаган, бунда ўзга инсонлар ҳаққига хиёнат қилмаслик, ўз касби, меҳнати билан нон топиб, оила боқиш асосий масала бўлиб, баъзи харом ишлар нима эканлиги Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Лекин XX аср охири - XXI аср бошларига келиб ижтимоий ҳаёт анча мураккаблашиб кетди ва бундай шароитда кўп нарсани аниқлаштириб олиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда.

Зиёли тоифасининг жамиятдаги вазифаси нима? Зиёли агар врач ёки агроном ёки инженер бўлса, масала – равшан, врач беморни даволаши керак, агроном далада, инженер завод-фабрикада ишчи ва деҳқонга уларнинг касби-кори бўйича тўғри йўлни кўрсатишлари, илм-фанга таяниб жўяли маслаҳатлар беришлари керак. Мен аниқ фанлар, табиий ва техник илм соҳаларига аралаша олмайман, билимим етмайди, бундан ташқари бу соҳа вакилларининг жамиятдаги ўрни, вазифалари бирмунча аниқ. Ёш авлод тарбияси нуқтаи назаридан бугунги энг оғриқли масала “ижтимоий-гуманитар фанлар” аталмиш соҳа вакилларининг миллат олдидаги масъулияти ва бунга уларнинг муносабати масаласидир.

Албатта, “ижтимоий-гуманитар фанлар” дейилмиш соҳанинг қамрови жуда кенг ва унинг турли йўналишлари ўз мавзу доирасига эга. Масалан, адабиётчи миллий ёки жаҳон адабиёти тарихи ва назариясининг муайян қирраларини ўрганади, тарихчи жаҳон ёки Ватан тарихини ўрганади ва ҳ.к. Қисқаси, соф касбий нуқтаи назардан олганда, ҳар кимнинг ўз мавзу доираси аниқ. ушбу фанларнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни масаласи қизиқтирмоқда. Очиқ тан олиш керак, бу соҳа вакилларининг собиқ шўролар замонидаги асосий тарбиявий вазифаси турли йўллар билан ҳукмрон мафкура ғояларини “совет кишилари” онгига сингдириш бўлган. У даврда марксизм-ленинизм фалсафаси башарият тарихидаги энг тўғри дунёқараш ҳисобланган ва бу ҳақда ҳечқандай баҳсли фикр билдиришга йўл қўйилмаган. Барча “ижтимоий-гуманитар фанлар” ушбу ғояга

[165] Ўша китоб, с.523.
[166] Муҳаммад Боқир. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Т.-«Ёзувчи»-1993, с. 55.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйсундирилган ва бу соҳадаги барча маълумотлар фақат шу “умумметодологик асос”дан келиб чиқиб, талқин этилган. Бугун биз бундай тоталитар мафкурани рад қилмоқдамиз.

“Ижтимоий-гуманитар фанлар”нинг бугунги “умумметодологик асоси” нима? Агар бугун эски талқинлардан воз кечадиган бўлсак, ўрнига нимани қўямиз? Президентимиз миллий ғоя ва миллий маънавият ҳақида тинмай жон куйдираётганининг ҳам боиси шунда. Миллий ғоянинг асосий мазмуни миллат ва Ватан манфаатлари билан боғланади, бу тушунарли. Миллий ғоянинг сиёсий ва иқтисодий асос тамойиллари давлатимиз раҳбари асарларида аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Аввало, умумжаҳон миқёсида маънавият масаласи борган сари долзарблик касб этиб бормоқда. Айниқса, тарбия соҳасида маънавиятнинг етакчилик ўрни шубҳасиздир. Қолаверса, аждодларимиз меросида энг теран ва муфассал ишлаб чиқилган соҳа ҳам шахс ва миллат маънавиятига оиддир.

Маънавият асли ҳар бир инсоннинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати**дан иборат бўлиб, ҳар бир шахснинг **Борлиқ ҳақиқати** ҳақида ўз тасаввури бор, у ушбу ўзи тасаввур этган **Борлиқ ҳақиқатига** чин кўнгилдан эътиқод қилса, унинг моҳиятини англашга интилса, унинг олдида масъулият ҳис этса ва **Борлиқ ҳақиқати** олдидаги ўз вазифасини тўғри англаб етиб, уни меҳр билан бажарса, демак, бундай шахсни **маънавий баркамол инсон** дейиш мумкин.

Борлиқ ҳақиқати – *(Истина Бытия) мавжуд борлиқнинг асл моҳияти, инсон зоти ҳечқачон охиригача англаб ета олмайдиган, аммо чексиз равишда турли йўллар билан англаб етишга интиладиган мутлақ ҳақиқат. Ҳар бир инсон Борлиқ ҳақиқати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб, ушбу тасаввури умри бўйи такомиллашиб бориши, баъзан ҳатто кескин ўзгариб кетиши ҳам мумкин.*

Шу сабабли шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари **имон, илм, масъулият ва меҳр**дан иборат деб қаралади. Ҳар бир шахснинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати** унинг шахсий иши. Миллий тарбияда эса ёш авлодга миллий маънавий меросимиз анъаналари руҳида тарбия берилади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари баъзилар, кўп ҳам мулоҳаза қилиб ўтирмай, халқимиз аксарияти мусулмонлар, шундай экан, дунёқарашимиз ҳам исломий бўлиши керак, деган фикрларни ҳам ўртага ташлашди. Аммо, аввал ислом ўзи нима, дин ва дунёқараш бир нарсами, деб ўйлаб кўрмасдан муаммони бундай “осон” ҳал қилишга уриниш бирор тайинли натижа бериши қийин. Мусулмон оламида азалдан дунёқарашлар хилма-хиллиги мавжуд бўлиб келганлигини тарихга бир назар ташлаган одам билиб олади. Бундан ташқари, турли динлар дунё халқларини турли тоифаларга ажратиб келади, маънавият эса инсонларни бир-биридан узоқлаштирувчи эмас, бирлаштирувчи омил бўлсагина, чин маънода маънавиятдир. Биз **“ислом дини”** десак, христиан, яхудий, маздаясна динларидан фарқ қилувчи эътиқодни тушунамиз, аммо, **“ислом маънавияти”,** яъни, илоҳий таълимотнинг маънавиятга (қалб тарбиясига, ботиний камолотга) тегишли қисми, инсонларни бир-биридан ажратувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, яқинлаштирувчи хусусиятга эга. Аниқроғи, **ўзгача фикрловчи инсонларни тушунишга қаратилган, ўз руҳий оламини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга бўлган интилиш маънавият белгисидир.** Хуллас, миллий маънавиятимизнинг ўзига хос дунёқараш тизими мавжуддирки, уни англаб етиш учун миллий маънавий меросимизни холис ўрганмоқ, уни қалб орқали ўтказмоқ зарур. Хусусан, бизнинг миллий дунёқарашимиз улуғ шоиримиз Алишер Навоий дунёқарашида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган десак, кўп ҳам янглишмаган бўламиз. Фақат, Алишер Навоий дунёқарашини теран англаб етишимиз учун миллий маънавиятимиз тарихий такомилининг унгача ўтган босқичларини яхши билишимиз керак бўлади.

“Дин халқ учун афюндир” дегувчилар инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларидан бўлмиш имон эҳтиёжини тан олмайдилар ёки назарга илмайдилар. Имон-эътиқод эҳтиёжи, агар у самимий инсон бўлса, ҳатто даҳрийда ҳам бўлади. Фақат у ўз ботиний эҳтиёжини кўпчилик эътиқод қилувчи динлардан эмас, турли ”изм”лардан қидиради ёки шахсан ўзи учун алоҳида эътиқод тизими яратишга уринади. Бу, албатта, инсонга хос кибр ва гумроҳликнинг нишонаси, холос. Йўқ, нарсани кашф этишга уринишдан кўра, кўпчилик тан олган нарсани тушуниб, моҳиятан англаб етишга ҳаракат қилиш, бизнинг назаримизда, самаралироқ йўлдир.

Аллоҳ имонли одамнинг қалбида бўлади. Имонли одам имонини бировнинг «бошини уриб ёриш»га восита қилмайди. “Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда”, дейди И.А.Каримов[167]. Бу шунчаки гап эмас. Айни шу маъно Аллоҳнинг китобида қатор оятлар мазмунини ташкил этади. Қуръони карим “Нур” сурасининг 35-оятида эса бу ғоя бевосита ифодаланган. Кейинчалик бу ғоя пайғамбар ҳадисларида, буюк тасаввуф шайхлари, пири муршидларнинг ҳикматларида мукаммал шарҳлаб берилди.

Қалбни, кўнгил кўзгусини поклаш аввало имон-эътиқоддан бошланади. “Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирор нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам қўрқинчлидир”, деб огоҳлантиради Президент[168]. Албатта, маълум бир даврда коммунистик ғояга ҳам самимий ишонганлар бўлган, соф виждонли даҳрийлар ҳам ҳаётда учраши мумкин. Аммо даҳрийлик инсон тарихида алоҳида ҳолатларда бир-бир намоён бўлувчи ҳодиса. Дин эса асрлар давомида миллион-миллион инсонларнинг эътиқодини шакллантириб келган. Жумладан, ислом дини 14 асрдан бери улуғ бир минтақада инсонлар тафаккур йўналишига таъсир ўтказиб келмоқда. Ўз вақтида биз Имоми Аъзам, Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва ҳоказо юзлаб жаҳоншумул улуғ алломаларнинг эътиқодини “афюн” деб эълон қилдик ва асло этимизга ўйлаб кўрмадик-ки, “хўш, улар яратган улкан маънавий меросга ўзимиз бир мисқол

---

167 Ислам Каримов.Асарлар. 7-жилд, с. 351

168 Ислам Каримов.Асарлар. 4-жилд, с. 79

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиш қудратига эгамизми?” Мустақиллик бизга имонимизни, эътиқодимизни қайтариб берди. “Ислом дини бу ота-боболаримиз дини, - дейди И.А.Каримов,-у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик”[169].

Бугунги кунда диёнат, ахлоқ тушунчалари имон-эътиқоддан ажралмас эканлиги равшан бўлиб қолди. Аммо **ислом маърифати** масаласида ҳануз жиддий хулосага кела олмай, гумон аралаш турибмиз. Онгимизни марксизм ақидалари тугал тарк этмас экан, бу масалада узил-кесил хулосага келишимиз, албатта, мушкул. Чунки туғилганимиздан буён марксистик мафкура бизнинг ёшимиздаги авлодга бирдан-бир ҳақиқий илм - фақат ҳаётни материалистик идрок этишга асосланган илмдир деб укдириб келган. Яқин ўтмишда шундай ялпи тарғибот таъсирида таълим олган кўпчилик тенгдошларимиз (устозларимиз ҳам) “илм бошқа, дин бошқа” деган ақидани тарк этишга ботинмай туришипти. Диний илмларни ҳақиқий илм қаторига қўшиш мумкинлигига шубҳалари тўлиқ тарқаган эмас. Аслида эса илм фақат ақлга таянмайди. Айниқса, ижтимоий соҳа, маънавиятга алоқадор соҳаларда ақлий ва нақлий илмлар мутаносиблиги муҳим ўрин тутади. Бизгача ўтмишдан етиб келган китоблар ҳам икки тоифа – 1) илоҳий матнларга таянувчи, яъни “ваҳий” орқали етиб келган, 2) инсоний матнлар асосидаги, яъни инсонлар ижод этган китоблар. Булардан биринчиларининг мазмуни азалий ва абадий моҳиятга туташади, иккинчилари эса муайян замон ва маконда яшаб ўтган инсонларга тегишли бўлгани туфайли, айни ўша замон ва маконнинг таъсиридан холи эмас, яъни уларга мутлақ ҳақиқат сифатида ёндошиш нотўғри бўлади. Масалан, Қуръон оятлари мазмуни ўзида мутлақ ҳақиқат сирини яширгандир, аммо унинг турли тафсирлари муфассирлар шахси билан, уларнинг турлича талқини билан боғлиқ. Илмларни турларга ажратадиган бўлсак, масалан, мақсад йўналишига кўра фарқлаш мумкин. Шунда дунёвий мақсадларга йўналган ёки ухравий (охиратга, яъни бу дунёдаги фаолиятимизнинг у дунёдаги оқибатига оид) мақсадларга йўналган илмлар ҳақида гапириш мумкин бўлади. **Маънавият айни дунёвий ва ухравий мақсадларимизни уйғунлаштиришга оид соҳадир.** Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳақ йўлида қилинадиган ҳар қандай илм ҳақиқий илмдир ва у инсон руҳини поклашга хизмат қилади, илмда ҳақиқатдан ҳар қандай чекиниш эса жаҳолатга олиб келади.

Маънавият инсоннинг Ҳақ билан муносабати, дейилганда, баъзилар беихтиёр: бу диннинг ўзи эмасми, деб хаёлидан ўтказиши мумкин. Дарҳақиқат, дин ва маънавият бир-бирига бегона нарсалар эмас. Аммо уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, ҳар бир инсоннинг ўз дини бўлмайди. Динлар кўп дунёда, лекин улар муайян. Дин - илоҳий китоблар орқали нозил этилган алоҳида қонун-қоидаларни билдиради. Маънавият эса қатъий қонун-қоидалар тарзида тасаввур қилинмайди. Ҳар бир шахс маънавияти ўзига хос, ҳар бир инсоннинг ўз маънавий олами мавжуд. Дин инсоннинг дилида бўлиши керак, албатта, аммо ҳар бир инсон

[169] Ислам Каримов.Асарлар. 3-жилд, с. 40

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир динни қабул қилиб олади ва унинг қонун-қоидаларига умр бўйи риоя қилади. Маънавият эса инсон қалбидаги нур, у танлаб олинмайди, у Аллоҳнинг иноятн, одамни Ҳақ йўлга етакловчи ҳодий, уни қонун-қоидалари очиқ баён қилинган ҳукмлар билан чегаралаб бўлмайди. Маънавият инсон умри давомида, миллатнинг тарихий тараққиётида такомил топиб боради, дин эса илоҳий ваҳий асосида, пайғамбар ҳадисларига таянган ҳолда уламолар томонидан муайян чегараларда қатъий қилиб белгилаб берилади, бу чегараларни ҳар ким ҳам ўзгартира оладиган нарса эмас. Навоий "Талаб водийсининг сифати"да ёзади:

Куфр ила имонга ургайсен илик,
Бу таъмадинким очилгай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,
Ичкари киргач қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравға кеш эмас,
Асли йўлда банди роҳе, беш эмас.[170]

Самимий диний эътиқод маънавият эшикларидан биридир. Яна бир нозик масала. Кўпроқ оддий эътиқод эгалари динни сунна даражасида идрок этадилар. Яқин ўтмишда, илм ва имон икки қутбга ажратиб ташланган, санъат марксизм ғояларининг тарғиботчисига айлантирилган бир шароитда, дарҳақиқат, Қуръон ва пайғамбаримиз ҳадислари дин аҳли учун ягона маънавий паноҳ бўлган эди. Аммо воқеликда миллий маънавиятимиз майдонлари беҳудуддир. Ўз вақтида буюк алломаларимиз ижодида илм ва мантиқ, ирфон ва бадиият оламлари имондан ташқари бўлмаган, балки илм ва имон бир-бирига қувват бағишлаган, тавҳид эътиқодини идрок этиш илм ва ирфон орқали теранлик касб этиб борган.

Дин ва маънавиятни бирлаштирувчи фазилат эътиқоддир. Диннинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари бор. Ботиний жиҳати имон бўлиб, қолгани - ибодатлар - зоҳирий жиҳатлар, улар имонни муайян ташқи ҳаракатлар билан тасдиқлайди. Аммо имон фақат тилда бўлса, исломий ҳаёт қонунлари билан ички маънавий уйғунлик ҳосил қилинмаса, унда маънавият нуқтаи назаридан даҳрийнинг ўз ақидасига эътиқоди мунофиқнинг ташқи диндорлигидан афзал бўлиб чиқади. Диннинг зоҳири сақлаб қолинса-ю, ботинига эътибор етарли бўлмаса, дин хурофотга айланади. Динни хурофот даражасида тушунган зоҳирбин ақидапараст нуқтаи назарида дин ва маънавият буткул бир-бирига зид нарсалар бўлиб қолади. Динни ақидапарастлик даражасида тушуниш инсонлар орасида арзимаган нарсадан нифоқ чиқишига, балки оғир хунрезликларгача олиб келиши мумкин. Бундай ёндошувда турли дин вакиллари орасидагина эмас, ҳатто бир динга эътиқод қилувчилар орасида ҳам қонли низолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Тарихда бундай фожеий воқеалар кўп бўлган. Шу сабаблар туфайли Президент динга маънавий қадрият сифатида ёндошувни изчил қўллаб чиқмоқда. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти диннинг зоҳирий жиҳатларини инкор қилмаган ҳолда, унинг ботиний, маънавий жиҳатига биринчи даражали аҳамият қаратишни мақбул

[170] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр.Т. 1991, с. 191

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрмоқда. Чунки жаҳон динларининг ботиний жиҳати ўзаро уйғунликни тақозо этади.

Маънавият учун турли динлар аро фарқлар муҳим эмас, инсон қалбидаги имон нури муҳим. Бундай ёндошув кўпроқ тасаввуф ирфони соҳибларига оиддир. Ҳар қандай бўлганда ҳам, эътиқод дилда бўлади, ибодатлар ҳам инсоннинг ўзи учун, охиратини обод қилиш ниятида бажарилади. Маънавият эса уйғунликка интилади, шу жиҳатдан мўъмин фақат ибодат билан қониқиб, ўзга амалларини эзгулик билан уйғунлаштиришга эътибор қилмаса, бундай инсонни маънавий баркамол дейиш қийин.

4-фасл. Ёш авлодни миллий маънавиятимиз анъаналари руҳида тарбиялаш - улар онгини турли ғаразли "оқимлар" таъсиридан ҳимоялашнинг энг самарали йўли.

Эътиқод маънавиятнинг ўзак томири. Эътиқодсиз кишида маънавият бўлмайди, ташқи маданий кўриниш, ҳатто анча-мунча билим ҳам бўлиши мумкин, аммо мағзида маънавият бўлмайди.

Кишида умуртқа поғонаси шикастланган бўлса, ундай инсон гавдасини тик тутиб тура олмайди. Маънавий олам учун эътиқод ҳам шундай бир нарсадир. Коммунистлар олға сурган ғояларга халқ озми-кўпми ишонган, умид боғлаган даврда Совет давлати анча-мунча ўсди, ривожланди. “Коммунизм” ғоялари пуч нарса экани маълум бўлиб қолгач, аста-секин бу тузум ич-ичидан емирила бошлади ва охири барбод бўлди. Шунинг учун ёлғон ғояларга ишониш, ўйлаб топилган ақидаларнинг этагини тутиш яхшиликка олиб бормайди. Эътиқод масаласи - жиддий масала. Тарихда турли ёлғон пайғамбарлар кўп бўлган. Улар охир-оқибат бебурдликка маҳкум бўлганлар. Башарият, эл, халқ қабул қилган Олий ҳақиқатлар эса асл маъноси билан илоҳий, азалий ва абадий манбага эгадир. Ислом динимиз ана шундай илоҳий иноят ҳисобланади. Бизни 70 йил бу эътиқоддан қайтаришга уриндилар, жазоладилар, масхараладилар, тақиқладилар. Бари бефойда бўлди. СССРда мафкуравий тазйиқ кучайган сари, жаҳонда исломнинг нуфузи ошиб борди. Америка, Европа, Австралияга ислом дадил кириб бормоқда. Марксист даҳрийлар исломни араб босқинчилиги билан боғламоқчи бўлдилар. Наҳот 1400 йил аввалги босқинчилик асорати шунча кучли бўлиши ақлга тўғри келса? Александр Македонский, Чингизхон, чор Россияси олиб келган эътиқодлар қани? Ҳақиқат бошқа нарса, босқинчилик бошқа.

Имом Бухорий каби улуғларимиз бировнинг тазйиқи билан мусулмон бўладиган шахслар эмасди. Улар ҳақиқат фидойилари эди.

“Ло икроҳа фи-д-дин”, яъни “динда зўрлаш йўқ” дейилган. Аввало, исломда тадрижийлик мавжуд, Муҳаммад (САВ)га нозил этилган илоҳий китобда ўзидан аввалги китоблар ва барча пайғамбарлар, жумладан, Мусо ва Исо алайҳиссаломлар тўлиқ эътироф этилади ва барча пайғамбарларнинг ҳурмати баробар эканлиги таъкидланади. Қолаверса, маънавият аҳли учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

юзта мусулмонлик даъвосини қилувчи риёкордан битта эътиқодли даҳрий ёки бутпараст афзал. Аждодларимиз бизга шундай таълим беради. Масалан, Амир Хусрав Деҳлавий “Ширин ва Хусрав” достонининг “Дар фазилати ишқ” бобида ёзади:

Ба ишқ гар бутпарасти, дин-т пок аст,
Ва-гар тоат куни би ишқ хок аст.[171]
(Сен ишқда бутпараст бўлсанг - дининг пок,
Агар ишқ бўлмаса, тоат эрур хок.)

Пайғамбаримиз учун ватан ва имон тушунчалари бир-биридан ажралмас эди. Маккадан Ясрибга ҳижрат қилиш ул жанобнинг имонларини янада бақувват қилди. Бугун ҳам хориждаги биродарларимизнинг кўпчилиги учун имон ва Ватан меҳри бир-бирини қувватлаб турибди, зеро Ватанига тош отган кимсалардан имон умиди ҳам беҳудадир.

Дин ва маънавият нисбати ҳақидаги суҳбатнинг хулосаси шуки, динни сиёсийлаштиришдан қочиш, унга буюк маънавий қадрият сифатида ёндошиб, ёшларимиздаги эътиқод эҳтиёжини айни шу йўналишда, Президентимиз “жаҳолатга қарши маърифат”деб чиройли ифодалаган маънода ботиний қудратга, маънавий камолот сари етакловчи боқий қувватга айлантириш учун бутун имкониятларни сафарбар қилмоғимиз зарур.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар:

1. Ижтимоий фанлар методологияси ва маънавият тарихига ёндашув.
2. «Маънавият асослари» фани бўйича чиқарилган китобларда маънавият тарихига ёндашув.
3. «Шарқ уйғониши» масаласи.
4. Манбааларни ўрганишда мустақиллик даврида эришилган ютуқлар ва келажак режалари.
5. Ислом дини, тасаввуф ва миллий маънавиятимиз нисбатлари: ёндашувлар ва талқинлар
6. Ислом дини ва ислом маънавияти.
7. Ёш авлодни миллий маънавиятимиз анъаналари руҳида тарбиялаш - улар онгини турли ғаразли "оқимлар" таъсиридан ҳимоялашнинг энг самарали йўли.

[171] Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. М.-«Наука»-1979, с.40

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАВСИЯ ЭТИЛУВЧИ ВА ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Асосий адабиёт:

1. Қуръони карим (Абдулазиз Мансур таржимаси). Т., 2001
2. Имом Бухорий. Жомеъ ас-саҳиҳ. 1-4 жилдлар, Т., 1990-1995.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2001.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1996, с. 3-139, 178-189, 200-218, 240-246, 360-362.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1996, с. 37-38, 58-82, 119-121, 202-206, 249-264, 292-313.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.-«Ўзбекистон» -1996, , с. 3-54, 60-69, 74-85.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1996, с. 39-55, 58-91, 117-131, 156-187, 331-339.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд Т.-«Ўзбекистон»- 1997, с. 145-150, 166-191, 207-217, 282-304.
12. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-1998, с. 25-30, 31-41, 125-135, 262-267, 314-323.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз**.** 7-жилд. Т.- «Ўзбекистон»- 1999, с. 79-102, 132-154, 183-257, 293-312, 324-346, 349-410.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз**.** 8–жилд. Т.-«Ўзбекистон»- 2000, с. 3-17, 3-31, 59-67, 72-82, 87-99, 272-291, 319-329, 330-351, 341-343, 405-441, 442-461, 462-478, 489-508.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2001, с. 43, 49-50, 70-98, 101-106, 113-132, 133-150, 186-219, 220-224, 225-269, 287, 302, 389.
16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2001, с. 18-23, 26-59, 65-80, 278, 296.
17. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2003, с. 3-51, 70-96.

www.ziyouz.com kutubxonasi

18. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.. 12-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2004, с.3-12, 276, 333-334.
19. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон,ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2005, с. 6, 109, 162, 174-251, 306-368, 400-419.
20. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2006, с. 3-7, 61-97, 98-123.
21. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир**.** 15-жилд. Т.-«Ўзбекистон»-2007, с. 3-10, 69-79, 82-95, 96-104, 211-223, 241-250, 276-281.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.-«Ўзбекистон»-1999.
23. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. // “Халқ сўзи” газетаси, 1 март 2008 йил.
24. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
25. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998.
26. Каримов И. А. Соғлом авлод - халқимиз келажаги. “Халқ сўзи” газ, 1999 йил 8 декабр.
27. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
28. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т., 1998.
29. “Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”. “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1999.
30. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Т., 1996.
31. «Авесто» яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида.(ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори.) Т., 29 март, 2000.
32. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
33. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар.1-жилд. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.-”Фан”-1968.
34. Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. М., 1980.
35. Абу Хамид ал-Ғаззолий. Кимиёи саодат. Т., 2005.
36. Абу Хамид ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Илм китоби. Т., 2003.
37. Абу Хамид ал-Ғаззолий. Иҳёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. Т., 2005.
38. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳовуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳовуддин Нақшбанд), Т., 1993
39. Авесто. Т. «Шарқ»,2001.(Асқар Маҳкам таржимаси).
40. Азиз Қаюмов. Қадимият обидалари. Т., 1972.
41. Азиз Қаюмов. Садди Искандарий. Т., 1975.
42. Азизиддин Насафий. Зубдат-ул-ҳақойиқ. Т., 1995.
43. Алишер Навоий. Асарлар. 1-15-жилдлар, Т.,1966-1968.
44. Алишер Навоий. Лисонут тайр. Т., 1991.
45. Алишер Навоий. Маҳбубул- қулуб. М.-Л., 1948
46. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-20 жилдлар. Т., 1987-2000.
47. Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960.

www.ziyouz.com kutubxonasi

48. Ал-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1972.
49. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., 1963.
50. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., 1965.
51. Беҳбудий. Танланган асарлар. .Т., 1999.
52. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. 2-издание. М., 1998.
53. Большаков О.Г. История халифата. 1-3 части. М., 1989-1998.
54. Ғафуров И. Миллатнинг биллурланиши. Т., 1995.
55. Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. М., 1986
56. Жабборов Ш. Маънавиятнинг фалсафий қирралари.//"Маърифат". 1996
57. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т., 1980.
58. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев А. Ватан туйғуси. Т., 1996.
59. Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.Т., 1998
60. Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., 1996.
61. Караматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Т., 1998.
62. Комил маънавият - мустақиллик таянчи. Т., 1997.
63. Комилов Н. Тасаввуф. 1-2 китоблар. Т., 1996-1998
64. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т., 1999.
65. Конрад Н.М. Запад и Восток. М., 1972.
66. Куранов М. Научно-педагогические основы национального воспитания в общеобразовательных средних школах Узбекистана (Автор-т докт. дисс.) Т., 1998.
67. «Маънавият ва маърифат» марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича услубий кўрсатмалар. Самарқанд, 1997.
68. Маънавий камолот омиллари. Т., 1995.
69. Маънавият - масъуллик. 1-китоб (Маънавият нашрлари. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази). Т., 1997.
70. Маънавият ва комиллик. 3-китоб. (Маънавият нашрлари. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази). Т., 1997.
71. Маънавият иймондан бошланади. "Гулистон", 1995, №1
72. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.
73. Маънавиятнинг ойдин йўли. 2-китоб (Маънавият нашрлари. Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази). Т., 1997.
74. Мец А. Мусульманский Ренессанс. М., 1973.
75. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т.- "Ўзбекистон"-2000
76. Монтгомери Уотт У. Влияние Ислама на Средневековую Европу. М., 1976.
77. Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Т., 1994.
78. Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. Т., 1992.
79. Мусурмонова Ойниса. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., 1996.
80. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Т., 1994.
81. Мўминов И.М. Танланган асарлар. 1-том. Т., 1969.
82. Низомий Ганжавий. Куллиёт. (дар 5 жилд) Душ., 1983-1984.
83. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр-ул-мулук. Т., 1997.
84. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. Т., 1997.
85. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т., 1990.
86. Ражабова М.Диний экстремизм ва террорчилик. Т., 2000.

www.ziyouz.com kutubxonasi

87. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., 1997
88. Рустамов Э. Узбекская поэзия в 1-ой половине XV века. М., 1963.
89. Соғлом авлод орзуси. Т., 1998.
90. Содиқова Т. Меҳр қолур. Т. 1997.
91. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
92. Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989.
93. Тллашев Х.Х. Общепедагогические и дидактические идеи учёных-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи Средневековья. Т.,1989.
94. Тримингэм Дж. С.. Суфийские ордена в Исламе. М., 1989.
95. Турди Фароғий. Девон. Т., 1978.
96. Уватов У. Имом Мотуридий. Т., 1999.
97. Ульрих Рудольф. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы.-Фонд "XXI век"-1999
98. Усманов М. Яхши фазилат инсонга зийнат. Т., 1992.
99. Фитрат.Танланган асарлар. 3 жилдлик.Т., 2000-2003.
100. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т., 1992.
101. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб, Т., 1978.
102. Ўзбекистон ССР тарихи (бир томлик) Т., 1958.
103. Қосимов Б. М. Беҳбудий. Т., 1997.
104. Қосимов Б. М. Миллий уйғониш. Т., 2001(?)
105. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Т., 1959.
106. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., 1992.
107. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., 2000.

Қўшимча адабиёт:

1. «Миллий мафкура: дастлабки сабоқлар.» (ж. «Мулоқот» №12, 1991.)
2. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. Т., 1989.
3. Абдураҳмони Чоми. Осор. (дар 8 жилд) Душ., 1986-1989
4. Абдураҳмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. Т., 1994.
5. Абилов Ў. Миллий ғоя. Маънавий омиллар. Т.-"Маънавият"-1999.
6. Абу Али ибн Сина. Избранные произведения. Т.1. Душ. 1980.
7. Абу Али ибн Сино. Ҳикматлар. Тошкент, "Ўзбекистон", 1980.
8. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. Тошкент, "Фан", 1975.
9. Абу Тоҳир Хожа. Самария. Т., 1991.
10. Абу Фараж ал-Исфахани. Книга песен. М., 1980.
11. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. Т., 1997
12. Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М., 1985.
13. Алишер Навоий. Хазоин ул-маоний. 1-жилд. Ғаройиб ус-сиғар. Т., 1959, с. V-XXVIII.
14. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни.(боблар тўплами). Т., 2000
15. Альбер Камю. Избранное. М., 1969.
16. Аминов Б., Шодиев М., Расулев Т. Шарқона бозор фазилатлари. Т., 1996
17. Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. М.-«Наука»-1979.
18. Амирий Девон. Т., 1972.
19. Ан-Наубахти. Шиитские секти. М., 1973.
20. Антонович И.И. Современная философская антропология. Минск. 1970.
21. Арипов М.К. Социальная утопия как течение обҳественно философской мысли в Средней Азии. Т., 1989.

www.ziyouz.com kutubxonasi

22. Асмус В.Ф. Иммануил Кант. М., 1973.
23. Афросиаб (Вып. 1) Т., 1969.
24. Ахлоқ-одобга оид ҳадислар намуналари. Тошкент, “Фан”, 1990.
25. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари-илм-маърифат ҳақида. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1972.
26. Абдуллаев М. Санъат тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987.
27. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент,. “Ўқитувчи”, 1992.
28. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т., 1990.
29. Ахмедов А. Социальная доктрина ислама. М., 1982.
30. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.
31. Ахундов М.Ф. Обманутые звёзды. Избранное. М., 1963.
32. Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. М., 1992..
33. Бердяев Н.А. Самопознание. М., 1991.
34. Бертельс А.Е. Насири Хосров и исмаилизм. М., 1965.
35. Бертельс Б.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. М., 1962.
36. Библейская энциклопедия. М., 1990.
37. Бобир. Асарлар. (3 жилд) Т., 1965.
38. Бобоев Ҳ., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т., 1999.
39. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Т., 1995.
40. Ботирхон Акром. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. Т., 1991.
41. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. М., 1972.
42. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. Т., 1994.
43. Васильев Л.С. История религий Востока. М., 1998.
44. Васлий Самарқандий. Имом Аъзам тарихи. Т., 1995.
45. Васютинский Н. Золотая пропорция. М. 1990
46. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., 1996.
47. Ватан саодати. Т., 1998.
48. Вдовина И.С. Эстетика французского персонализма. М. 1981
49. Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье: этнос, языки, религии. М., 1992
50. Выготский Л.С. Психология искусства. М., 1987.
51. Г.Э. фон Грюнебаум. Классический ислам. М., 1988.
52. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка чоғлан, одамзод. Т., 1997.
53. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эй умри азиз. Т., 1997.
54. Гегель Ф. Наука логики. М., 1970
55. Геродот. История. Л., 1972.
56. Гёте. Западно-восточнsй диван. М., 1988.
57. Гинзбург В.В., Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. М., 1972.
58. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Т., 1994.
59. Горский Д.П.. Проблемы общей методологии наук и диалектической логики. М., 1966.
60. Горький М. Несвоевременные мысли. М., 1990.
61. Григорян С.Н. Из истории философии Средней азии и Ирана. М.1960.
62. Грязнов А.Ф. Эволюция философских взглядов Л. Витгенштейна. М., 1985
63. Гулшани адаб. Намунаҳои назми форсу-тожик.(иборат аз 5 чилд) Душ. 1975-1977.
64. Гусейнов А. Золотое правило нравственности. М., 1979.
65. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Т.,1997.
66. Донишмандлар тарбия хусусида. Тўплам. Тошкент. “Ўқитувчи”, 1972.
67. Джемс В. Многообразие религиозного опита. Санкт-Петербург. 1993.
68. Дьяконов И.М. Люди города Ура. М., 1990.
69. Жалилов Тўхтасин. Ўзбек шоиралари. Т., 1970.
70. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 1- жилд. Т., 1999.(Асқар Маҳкам таржимаси).

www.ziyouz.com kutubxonasi

71. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. 6 жилдлик. Т., 2001-2005.(Жамол Камол таржимаси).
72. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т., 1994.
73. Жан-Поль Сартр. Слова. М., 1966.
74. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Л., 1974.
75. Жумабоев Й. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Т., 1997.
76. Жумабоев Й.Ж. Тадбиркорлик ва маънавий камолот. “Иқтисод ва ҳисобот” 1996, 3-сон.
77. Жумахўжа Н., И. Адизова. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир. Т., 1995.
78. Журавский А.В. Христианство и ислам. М., 1990.
79. Жўраев. Тарих фалсафаси. Т., 1999.
80. Заблоцка Ю.. История Ближнего Востока в древности. М., 1989.
81. Зиёмуҳаммадов Б. Маърифат асослари. Т., 1998.
82. Зохидов А. Формирование и особенности развития свободомыслия в Средней Азии в период раннего средневековья. Т., 1979.
83. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Т., 1970.
84. Истиқлол мафкураси ва тарбия. Тўплам. Қарши, 1994.
85. Измайлов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрение Средней Азии и Казахстана. Москва, “Педагогика”, 1991.
86. Иброҳимов А. Поклик – миллий тикланиш куртаги. // “Тафаккур”, №6,1996,.
87. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., 1993.
88. Идибеков Н. Этика Насриддина Туси в свете его теории свободы воли. Душ., 1987.
89. Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т., 1991.
90. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Т., 1969.
91. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., 1990.
92. Имомназаров М. Тадбиркор маънавияти ёхуд қадр ва фаросат ҳақида // «Жамият ва бошқарув» жур., №4, 2000.
93. Имомназаров М. Шахс маънавияти ва қонун устуворлиги // “Халқ сўзи” газ., №24, 5 фев. 1999
94. Имомназаров М. Шахс маънавияти ва фуқаро масъулияти // “Халқ сўзи” газ., №10, 15 янв. 1999
95. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
96. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик(тўплам). Т., 1998.
97. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Т., 1994.
98. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардўштийлик, Зардўшт ва «Авесто» ҳақида) //«Тил ва адабиёт таълими» журнали, 1993, №2.
99. Йўлдошев Ш.Г. Ҳаёт ва тафаккур сайёраси. Тошкент, “Фан”, 1991.
100. Йўлдошева С. Ўзбекистонда соғлом авлодларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг тарихий тажрибаси, Тошкент. “ДИТАФ”, 2003.
101. Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. М. 1992
102. Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кор-оглы у туркоязычных народов. М., 1968.
103. Қодиров А. Маънавиятнинг иқтисодий тамойиллари.Т., 1999
104. Комрон Мирзо. Девон. Т., 1993.
105. Конрад Н.М. Запад и Восток. М., 1972.
106. Қорабоев У. Миллатнинг камолоти. // “Мулоқот” жур. №2, 1999.
107. Крамер С.Н.. История начинается в Шумере. М., 1991.
108. Крывелев И.А. Библия: историко-критический анализ. М., 1982.
109. Кулизаде З. Хурифизм и его представители в Азербайджане.
110. Куронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. Т., 1994.
111. Кўнгилдаги бузилиш. Т., 1997.
112. Майоров Г.Г. Формирование Средневековой философии. Латинская патристика. М., 1979.

www.ziyouz.com kutubxonasi

113. Мамадалиев С. Имом Бухорий таърифи. Т., 1996.
114. Массон В.М., Сарианиди В.И. Каракумы. Заря цивилизации. Т., 1972.
115. Машраб. Девон. Т., 2006.
116. Маънавият имондан бошланади.// «Гулистон» ж., 1995 №1.
117. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т., 1998.
118. Мень А. История религии. М., 1994.
119. Миллий истиқлол ғояси: Кўргазмали воситалар. Т.-"Маънавият"-2001
120. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994.
121. Митрохин Л.Н. Философия религии. М., 1993.
122. Мифология Ближнего Востока. М., 1991.
123. Молла Непес. Лирика. Ашқабад, 1973.
124. Морочник С.Б., Розенфельд Б.А.. Омар Хайям. Поэт, мыслитель, ученый. Сталинабад,1957.
125. Мулла Паноҳ Воқиф. Танлаган шеърлар. Т., 1969.
126. Мунавваров З.И. ва бошқалар. Дунёвий давлат ва дин. Т., 1998.
127. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т., 1998
128. Мусурмонова О. Маънавий бир бутунлик ва миллий истиқлол мафкураси. Т., 1995.
129. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, "Фан", 1993.
130. Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Не бўлди, ёрим келмади. Т., 1991.
131. Муҳаммад Ризо Огаҳий. Таъвизул-ошиқин. Т., 1960.
132. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Т., 1995.
133. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Т., 1988.
134. Мухаммадходжаев А. Гносеология суфизма. Душ., 1980.
135. Мухаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. Душ., 1991.
136. Мўминов И.М. Танланган асарлар. 1-том. Т., 1969.
137. Навоий замондошлари хотирасида.Т. 1985
138. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Т., 1993.
139. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук. Т., 1997.
140. Нодира. Девон. Т., 1968.
141. Нуриддинов З.Г. Педагогические идеи Абу Райхана Беруни. Ташкент, "Фан", 1989.
142. Нуруллохон хожи Абдуллохон ўғли. Савдогарнинг 101 сири. Т., 1995
143. Огоҳ бўлайлик(тўплам). Т., 1999.
144. Одобнома. Т., 1992.
145. Оила ахлоқи ва одоби. Т., 1995.
146. Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигиии оширишнинг долзарб масалалари. (тўплам). Тошкент, 2005.
147. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. Т., 1996.
148. Олимов К. Хорасанский суфизм. Душ. 1994.
149. Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (9-10вв.). М., 1974
150. Основы философии. Т., 1999
151. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. 1997.
152. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т., 1993.
153. Петрушевский И.П. Ислам в Иране. Л., 1966.
154. Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий. М., 1984.
155. Поль Фресс, Жан Пиаже. Экпериментальная психология. М., 1966.
156. Поппер К. Открытое общество и его враги. М.,1992
157. Равшанов П., Ўроқов Р. Аждодларимиз қадри. Т., 1993.
158. Раевский Д.С. Модель мира скифской культуры. М., 1985.
159. Ранович А.Б. Первоисточники по истории раннего христианства. М., 1990.
160. Раҳматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. Т.-"Мовароуннаҳр"-2000
161. Рашшод Муҳаммад. Фалсафа аз оғози тарих. Душанбе., 1990.

www.ziyouz.com kutubxonasi

162. Религизние традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Бишкек, 1997.
163. Религия в истории и культуре. М., 1998.
164. Религия и демократия: На пути к свободе совести. М., 1993
165. Ренан Э. Жизнь Иисуса. Апостолы. М., 1991.
166. Рижский М.И. Книга Иова. Новосибирск, 1991.
167. Роузенталь Ф. Торжество знания. М., 1978.
168. Румий. Поэма о скрытом смысле. М., 1986.
169. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т., 1979
170. Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. Т., 1993.
171. Саттор М. Ўзбек удумлари. Т., 1993.
172. Саъдий Шерозий. Куллиёт(дар 2 чилд). Душ., 1988-1989.
173. Словарь по этике. М., 1981.
174. Содиқ Санжар. Сўз санъати жозибаси. Т., 1996.
175. Соифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. Т., 1996.
176. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы. М., 1976.
177. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. М., 1982.
178. Стеблин-Каменский М.И. Миф. Л., 1976.
179. Столович А.М. Жизнь, творчество, человек. М., 1985.
180. Сўфи Оллоёр. Саботул-ожизин. Т., 1991.
181. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М., 1989.
182. Тохир Карим. Миллий тафаккур шаклланиш тарихидан. ”Чўлпон нашриёти”, 2003.
183. Тўланов. Ж. Қадриятлар фалсафаси “Ўзбекистон”, 1998.
184. Трактат ибн Сины о любви. Тб. 1976.
185. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т., 1998.
186. Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. Т., 1997.
187. Туркияда яссавийшунослик.(Қул Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди ва тариқати мавзусида турк яссавийшунослари билан ўтказилган суҳбатлар тўплами) /Суҳбат қилувчи ва нашрга тайёрловчи Н. Ҳасан./ Масъул муҳаррир: С. Сайфуллоҳ. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999, 56б.)
188. Турон Усмон. Туркий халқлар мафкураси. Т., 1995
189. Усманов М. Ислом ақидалари ва маросимлари. Т., Ўзбекистон, 1975.
190. Усманов М. Яхши фазилат инсонга зийнат. Т., 1992.
191. Усманов М.А. Основные этапы эволюции ислама. М., 1978.
192. Усманов Р. Саодатнома. Т., 1995.
193. Усмонов К., Ғаниев Д. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т., 1994.
194. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб, Т., 1978.
195. Ўзбекистон республикаси “Маънавият ва маърифатнинг илмий асослари ва ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” давлат илмий-техник дастури. Т., 1999.
196. Ўзбекистон шарқшунослари. Т., 1996.
197. Ўлмас обидалар. Т., 1989.
198. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. Т., 1990.
199. Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Т., 1994.
200. Фаридиддин Аттор. Тазкиратул-авлиё. Т., 1997.
201. Фаттоҳийи Нишопурий. Ҳусн ва Дил. Душ., 1985.
202. Философия любви. М., 1990
203. Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Т., 1988
204. Фирдавси. Шоҳнома.(дар 9 чилд) Душ. 1987-1991.
205. Фрай Р. Наследие Ирана. М., 1972.
206. Фрейд Зигмунд. Я и Оно. М., 1990.
207. Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М. 1978.

www.ziyouz.com kutubxonasi

208. Фролов И.Т., Юдин Б.Г. Этика науки. М., 1986.
209. Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М., 1986.
210. Фуад Кўпрулу. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. Анкара 1976.
211. Шермухаммедов С. Миллий маънавиятимиз ва жаҳон маданиятининг бир-бирини бойитиши ҳақида. Тошкент. “Фан”, 1991.
212. Ҳайдаров К., Йўлдошева С. ва бошқалар. “Миллий ғоя ва маънавият асослари”. “Зарафшон нашриёти”. Самарқанд, 2006 йил.
213. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари. Т., 1963.
214. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т., 1961.
215. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Т., 1993.
216. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.Т., 1970
217. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фороби и его значение в истории философии. Т., 1967.
218. Хакани. Ветер в руке. М., 1986.
219. Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. Т., 1991.
220. Ханна ал-Фарухи. История арабской литературы. (1-2 книги) М., 1961.
221. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Т., 1993.
222. Хасанов А.А. Мекка, Мадина и верования арабов накануне возникновения ислама. Т., 1994.
223. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. Т., 1981.
224. Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т., 1993.
225. Холбеков А.Ж. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. Т., 1996.
226. Хрестоматия по исламу. М., 1991.
227. Шайх Нажмиддин Кубро - Қутби Даҳр. Т., 1998.
228. Шайх Нажмиддин Кубро. Т., 1995.
229. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., 1986.
230. Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. Т., 2005.
231. Шептулин А.П. Диалектический метод познания. М., 1983
232. Шидфар Б.Я. Абу Нувас. М., 1978.
233. Шидфар Б.Я. Образная система классической арабской поэзии. М., 1979.
234. Шишкин И.Б. У стен великой Намазги. М., 1977.
235. Эккартсгаузен Карл. Ключ к таинствам натуры. Т., 1993.
236. Эльбрус А. Поэтика и математика. Баку, 1979.
237. Эркаев А. Маънавият - миллат нишони. Т., 1997.
238. Эрматов М. Этногенез и формирование предков узбекского народа. Т., 1968.
239. Этическая мысль. М., 1988.
240. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., 1998
241. Юсуф Хамадоний. Ҳаёт мезони. Т., 2003.
242. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т., 1971.
243. Я.Э. Голосовкер. Теория мифа. М., 1987.
244. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., 1999
245. Ярошевский М. Г. История психологии. М.,1985.
246. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. “Ўзбекистон”, 1997.

www.ziyouz.com kutubxonasi

История развития духовности

(Учебное пособие для высших учебных заведений)

СОДЕРЖАНИЕ

Глава 1. Введение. Почему изучаем историю развития духовности? Основные критерии формирующие духовность.

Глава 2. История человечества и духовное развитие. Соотношение развития национальной духовности и мировой культуры. Основные периоды развития нашей национальной духовности. Формирование первоначальных элементов духовности человека при первобытном обществе.

Глава 3. Духовность в обществе протогорода по материалам “Авесты”.

Глава 4. Духовность времён древнетюркских текстов.

Глава 5. Развитие духовности народов центральной Азии в период преодоления мифологического мышления и становления веры в единобожие.

Глава 6. Развитие национальной духовности в эпоху исламской региональной культуры. Период сунны в развитии исламской духовности

Глава 7. Период исламского просвещения и расцвет рационализма.

Глава 8. Период становления основных суфийский орденов

Глава 9. Период “Пути метафоры” в развитие национальной духовности

Глава 10. Духовный мир Алишера Навои и формирование духовного облика узбекской нации в Новое Время.

Глава 11. Духовность времен Шайбанидов и Аштарханидов.

Глава 12. Состояние национальной духовности в период царского колониализма и большевистских репрессий. Национальное возрождение и духовность джадидизма.

Глава 13. Коренные изменения в отношении к восстановлению и совершенствованию национальной духовности в независимом Узбекистане.

Глава 14. Гармония в духовном развитие личности и нации

www.ziyouz.com kutubxonasi

Глава 15. Актуальные проблемы изучения истории духовности. Рекомендуемая и использованная литература.

History of development of the spirituality.

(The textbook for the students of higher educational institutions)

Content

Chapter 1. Introduction. Why we study history of development of the spirituality? The main measures that forms the spirituality.

Chapter 2. History of humanity and spiritual development. Correlation development of national spirituality and world culture. The main periods of development of our national spirituality. Formation of the first elements of human spirituality in the primitive society.

Chapter 3. The spirituality in the society “Proto-city” according to Avesto matters.

Chapter 4. Spirituality ages of the ancient Turkish documents.

Chapter 5. Development of the spirituality of the nations of Central Asia during the overcoming the mythological thought and formation belief in one God.

Chapter 6. Development of the national spirituality during the epoch of the Islamic regional culture. Period of Sunna in the development of the Islamic spirituality.

Chapter 7. Islamic enlightenment stage and prosperity of the rationalism.

Chapter 8. Period of the formation of the main Sufi order.

Chapter 9. Period of the “Metaphor ways” during the development of the national spirituality.

Chapter 10. The spiritual world of Alisher Navoi and formation of the spiritual appearance of the Uzbek nation in the New Age.

Chapter 11. Spirituality of the stages of Shaybani and Astrakhans

Chapter 12. Condition of national spirituality at the period of the imperial colonialism and Bolshevistic repressions. National renaissance and the spirituality of Jadid.

Chapter 13. Drastic changes in the attitude to the recreation and perfection of the national spirituality in the independent Uzbekistan.

Chapter 14. Harmony in the spiritual development of the personality and the nation.

Chapter 15. The actual problems of the study the history of the spirituality.

Bibliography

www.ziyouz.com kutubxonasi

Резюме

Данное учебное пособие является результатом опыта многолетней педагогической работы и серьёзных теоретических изысканий автора. В ней изложены актуальные проблемы исторической пути развития национальной духовности, которые разработаны автором на основе серьезного последовательного изучения национального духовного наследия.

Книга состоит из 15 глав, в каждом из которых рассмотрены проблемы того или иного этапа или периода совершенствования национальной духовности в историческом плане. В конце каждой главы книги приложены таблицы и краткие заключения по каждой теме, для обеспечения наглядности и облегчения понимания теоретических проблем краткие пояснения терминов приводится внутри текста (рядом с текстом). В конце книги приведена рекомендуемая и использованная литература.

Теоретико-методологической основой данной книги послужили мысли и высказывания Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова о национальной духовности и национальном духовном наследии. Данный учебник предназначается главным образом студентам высших учебных заведений общественно-гуманитарного направления, по специальности «Национальная идея, основы духовности и правоведения», он также необходим для преподавателей данного предмета, специалистам соответствующей сферы. Книга по своему содержанию может заинтерасовать и более широкий круг читателей.

Resume

The given textbook is the outcome of long-term pedagogical work and profound theoretical researches of the author. The historical way of development and actual theoretical problems of national spirituality which consistently stated in this textbook is based on serious and consecutive study of the national heritage by the author.

The book consists of 15 chapters, each of which describes the issues of development of national spirituality for that stage. The tables and chapter resume is attached in the end of each chapter. Explanations of used terminology are given inside the text which ensures the understanding of theoretical problems addressed

www.ziyouz.com kutubxonasi

in the subject. There is the list of used recommended bibliography in the end of the book.

The theoretical-methodological basis of the given book was guided by the ideas and statements of the President of the Republic of Uzbekistan I.A.Karimov on the national spirituality and national spiritual heritage. This textbook intended mainly for the students of higher educational institutions of a socially-humanitarian sphere in the specialty “National ideology, bases of spirituality and jurisprudence”. At the same time this textbook can be useful for teachers of the given subject, to the experts of respective sphere, and as well as a wide audience of readers.

www.ziyouz.com kutubxonasi